

**ҲАМИД ҒУЛОМ**

**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

**УЧ ТОМЛИК**

**УЧИНЧИ ТОМ**

**ДРАМАТУРГИЯ**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1972**

«Танланган асарлар»ничи учинчи томига оригинал ва таржима драматик асарлар киритилди. Бу асарларнинг ҳаммаси театрларда қўйилган, томошабинга манзур бўлган ва улар ҳозир ҳам сахналарда ўйналиб турибди.

Асарларнинг кўпчилиги («Фарғона ҳикояси», «Ўғил уйлантириш», «Тошболта ошиқ», «Дил кўзгуси», «Ажаб савдслар») музыкали комедиялардир. Бу — ўзига хос, қувнок жанр. Лекин бу музыкали драма ҳам, оперетта ҳам эмас. Бу жанрга ўзбек адабиётида Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» билан асос қўйилган. Ҳаётнинг муҳим масалаларини кўтариб чиқадиган, феодал ўтмишининг одамлар турмушидаги, онгидаги қолоқ урф-одатлари, сарқитларини фош қиладиган музыкали комедияларни халқ севиб томоша қилмоқда. Ёзувчи бу жанрда ўзи билан ҳамкорлик қилган бастакорларимиз Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Юнус Ражабий, Матнийёз Юсуповга ташаккур билдиради ва «Ўғил уйлантириш»га ажойиб куйлар яратиб кетган устоз бастакор Тўхтасин Жалилов хотирасига бош эғади.

«Муҳаббат тантанаси» драмасида янги шаҳар қурилиши фониди замондошлар ҳақида ҳикоя қилинади, муҳим ахлоқий масалалар ўртага қўйилади.

Таржималардан уч асар: Вильям Шекспирнинг «Ун иккинчи кеча ёки турфа ҳангомалар» комедияси, Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ» номи остида «Лауренсья ёки Қўзибулоқ қишлоғи» ва А. С. Пушкиннинг «Тош меҳмон» драмаси томга киритилди. Бу классик асарларни ўз вақтида Ҳамза номли ва Муқимий номли театрларимизда кўрган томошабинлар эндиликда уларни ўқиб завқланиш имкониятига эға бўладилар.

# КОМЕДИЯЛАР





# ФАРҒОНА ҲИКОЯСИ

УЧ ПАРДАЛИ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Кичкинаҳўжа Каттахўжаев. Колхоз бекорчиларидан, 45 ёшда.

Карима Кичкинаҳўжанинг хотини. Кетмончи, 40 ёшда.

Умри. Буларнинг қизи. Агроном, 22 ёшда.

Азиз. Умрининг севгилиси. Қурилиш инженери, 25 ёшда.

Комилжон Колхоз раиси, 25 ёшда.

Маҳмудхон Муродхонов. Участка ҳосилот советининг раиси, 45 ёшда.

Мақсудхон. Унинг ўғли. 22 ёшда.

Дилдор тоға. Кексалардан.

Баҳор. Дилдор тоғаниннг қизи, 22 ёшда.

Салима.

Халима. } Колхозчи қизлар.

Наима.

Воқеа Фарғона қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Каттахўжаевнинг лой томли кичкинагина эски уйи. Нураган пахса девор. Эшик тагида бир туп ковак тол. Шу ердан сойга тушилади. Катакдаккина ҳовлида, айвон олдида атиргуллар очилиб ётибди. Тўрқовоқларда беданалар басма-бас сайраяпти. Тандирга гўзапоя қаланган. Колхозчилар даладан қайтишяпти.

Карима (*тарқалаётган колхозчиларга*). Тезроқ келинлар, айланай, Умринисо ҳали замон келиб қолади!..

Овозлар. Хўп бўлади! Тезда қайтамиз! Утириш бизсиз бўладими?!

Карима. Баҳорой! Салима! Наима! Ҳалима! Юринглар, менга қарашиб юборинглар!..

Қизлар. Хўп, аяжон!

Салима, Ҳалима, Наималар Карима билан ҳовлига кирадилар. Баҳор сой томонда кўринган Мақсудхоннинг орқасидан бориб этагидан тортади.

Мақсудхон (*чўчиб*). Лаббай!..

Баҳор. Намунча ошиғич!..

Мақсудхон. Тўнди кийиб келай...

Баҳор. Тўнди?.. Тўнди кийиб келай денг?.. Ҳа, тўн баҳона бўлмай ўлсин!..

Мақсудхон (*ёқасини ушлайди*). Тушунмаяпман...

Баҳор. Тушунмаятган эмиш!.. Эракка кишининг кунни шунга қолгандан ўлгани яхши! Уятсиз! Айёр!..

Мақсудхон. Ахир, ўзи нима гап?

Баҳор. Диёнат бўлмагандан кейин шунақа бўладида!.. Савлатини қаранг бунинг! Гарданининг битиб кетганини қаранг!

Мақсудхон. Ёспирай! Нима, бугун чап ёнингиз билан турдингизми?

Баҳор. Утиринг, орани очди қиламиз!

Мақсудхон харсангга ўтиради.

Мақсудхон, Қани, бошланг!..

Баҳор. Яна, бошланг дейди айнимачи!.. Кўнглингиз Умрида экан, нега менга ваъда берасиз?..

Мақсудхон. Йўғ-е... Ким сизга шундай деди?

Баҳор. Ким айтганини қўяверинг... Бутун қишлоқда дув гап: эшитмадим деманглар, Маҳмудхон ака Кичкина тоға билан қуда бўляпти...

Мақсудхон. Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ...

Баҳор. Ҳеч ҳам-а? Унга ёзган хатларингиз-чи?..

Мақсудхон. Уҳ... Қизлардан бир гапни яшириб бўлмайди-да...

Баҳор. Демак, тўй ҳақидаги миш-мишлар чин экан-да?

Мақсудхон. Дадам шунақа бир гапни айтиб юрибди... аммо мен...

Баҳор. Хўш?.. Гапираверинг!..

Мақсудхон. Қўйинг энди, бошқа гапдан гаплашайлик!..

Баҳор. Вўлди!.. Жўнанг!.. Иккинчи кўзимга кўринманг!

Мақсудхон. Ия, ия!.. Бу нима деганингиз?..

Баҳор. Буми? Бу — сизни бевафо, бетамиз деганим!..

Мақсудхон (ўзини Баҳорга ташлаб). Войдод, кўвидан!..

Баҳор. Боринг, суйкалманг, елим!.. Бекорчилиги бу ёқда қолиб, бекурдлиги ошиб тушди! Боринг, кутиб олинг, шаҳардан ясан-тусан бўлиб келяпти!..

Баҳор ҳовлига кириб кетади. Мақсудхон бир аҳволда сойга тушиб кетади.

Карима (патир ясаётиб). Баҳор қаёқда қолди, қизлар?

Баҳор. Мана мен, аяжон, хизмат?

Карима. Тандирдан хабар ол, қизиптими?

Баҳор. Хўп, аяжон!



## Карима арияси

Жон қизим, ҳар кун йўлингда интизорингдир онанг,  
Бахту иқболингни ўйлаб, ғамгузорингдир онанг.

Сенга иссиқ нон ёпиб, ош дамлар эрдим соғиниб,  
Ҳамдамингдир ҳар нафас, ҳар ерда ёрингдир онанг.

Ой каби чеҳранг кулиб, муштоқ дилимни яшнатиб,  
Кел, жамолингга тасаддуқ, жон нисорингдир онанг!

Баҳор. Тандир қизиди, аяжон, патирни ёпа қолай-  
лик! (*Қизлар патир ёпишади.*)

Баҳор (*Каримадан ўсмоқчилаб сўрайди*). Аяжон  
дейман, Умриой келсалар, тўйларни ҳам бошлаб юборар-  
сиз?

Карима. Қизим келгани менга энг катта тўй!

Салима. Баҳор ҳалигидақа тўйни айтяпти...

Наима. Умрини турмушга берарсиз деяпти...

Ҳалима. Унашиб ҳам эмишсиз-ку...

Карима. Вой, қизи тушмагурлар-ей... Сизлардан бир  
гапни яшириб бўлмайди... (*Уйчан.*) Қайдам... Дадаси тўй-  
дан аввал ногора чалиб юрибди Аммо...

Баҳор. Борди-келди қилиб турибсизлар экан-ку?

Карима. Ким билади дейсан, Баҳорой... Умринисо  
келсин-чи, бир гап бўлар!..

Баҳор (*маънос*). Карима опа, бўлмаса, биз Умрини-  
со келгунча кийиниб келамиз. Қизлар, юринглар!

Карима. Тезроқ келинглар, ўргилайлар!..

Қизлар кетишади. Карима патир уза бошлайди. Кичкина хў-  
жа нафаси бўғзига тикилиб, қоқилиб-суқулиб кириб келади.

Кичкина хўжа. Тур, дарров жой сол! Келяпти!..

Карима (*эшикка югуради*). Вой, худодан айланай,  
қани ўзи?

Кичкина хўжа. Ҳай, тўхта, ўпкангни бос! Сен  
кимни келяпти деяпсан?

Карима. Қизимизни-да, Умринисони!..

Кичкина хўжа. Вой, каллаварам-ей!.. Поезд ҳали  
ярим йўлда!.. Хўжайин келяптилар!.. Маҳмудхон Мурод-  
хонов келяптилар.

## Кичкина хўжа арияси

Беқиёс азиз меҳмон,  
Тайин келяптилар,  
Сўзимда йўқдир ёлғон,  
Хўжайин келяптилар,  
    Ҳа, хўжайин келяптилар!

(Уйинга тушади.)

Сўзим чиндир бус-бутун,  
Мени қутлашга бугун  
Атайин келяптилар,  
Дилда ёзилди тугун,  
Хўжайин келяптилар,  
    Ҳа, хўжайин келяптилар!

Карима. Ҳовлиқшингиз қурсин. Ошнам келяпти, денг!

Кичкина хўжа. Ҳа, ошнам келяпти. Заб одамохун, улфат, шинаванда; яна нима десамикан? Ринд табиатли... Аммо шу билан бир қаторда хўроз ошнам келяпти!..

Карима. Вой-бў... Уша хўроз нимага келяпти экан бизникига?

Кичкина хўжа. Совчиликка келяпти! Унинг катта ҳайит, кичик ҳайитда йўқлаб турганини бежиз деб ўйлаганмидинг? Йўқ! Бежиз эмас эди... Бугун ҳам йўқламоқчи. Одамохун-да!

Карима. Қўйинг ўша елимни!

Кичкина хўжа. Сен гап қайтарма! Эрнинг ҳукми хотин учун ҳам фарз, ҳам қарз. Тур энди, паловга унна!

Карима. Хўжайинингиз гўжага ҳам арзимади!

Кичкина хўжа. Яна паст кетади-я, бу хотин!

Кичкина хўжа уйга, Карима ошхонага кириб кетадилар. Кўчада, тол тагида отлиқ Муродхонов ўгли билан пайдо бўлади.

Маҳмудхон. Сен ҳам киравер!

Мақсудхон. Йўғ-е, уятаман, дада...

Маҳмудхон. Нимадан уятасан, қайлигинг ҳали келгани йўқ.

Мақсудхон. Қайлигинг, дейсиз... Мен, ахир, дада, у билан бир оғиз сўйлашмаган бўлсам...

Маҳмудхон. Сен менинг ёлғиз ўғлим бўласан. Асал едириб, қази-қарта егизиб катта қиғанман. Бошқа болалар хатга қараб, диққинафас бўлиб юрганда, сен той миниб яйрагансан. Илгинг тўла сенинг! Дадил бўл, ота ўғли! Сўйлашмасдан ҳам ола берасан у кабутарни!

Мақсудхон. Тўғрику-я... Аммо анови кун газетада сурати чиққан экан, қарасам, «торт аравангни!» деяётгандай...

Маҳмудхон. Парво қилма! Кўнглингни тўқ қил! Даданг кимлигини биласанми, ота ўғли!.. Сандигига шоҳи, бахмаллар тахлаганмиз...

Мақсудхон. Тўғрику-я... Аммо...

Маҳмудхон. Уятаман де?.. Агар кирмасанг, уйга бор. Пўрим кийиниб, стансага чиқ. Кутиб ол, париштани!..

Мақсудхон. Хўп, дада!..

Мақсудхон кетади. Маҳмудхон эгардаги хуржунни елкасига олиб, эшик ҳалқасини қоқади.

Маҳмудхон. Хўжам, ҳо хўжам!

Кичкина хўжа. Ҳозир, мана, ҳозир! Заб кептилар, хўжайин, қадамларига ҳасанот!

Кичкина хўжа билан Маҳмудхон дуэти.

### Кичкина хўжа

Уйимизнинг тўрини,  
Бағримизнинг қўрини,  
Кўзимизнинг нурини  
Биз сизга бағишлаймиз,  
Марҳамат, олқишлаймиз!

### Маҳмудхон

Қўл бериб аста-аста,  
Иккимиз чапараста,  
Мақсадимиз пайваста,  
Бирга қадам ташлаймиз,  
Катта тўйлар бошлаймиз!

## Иккони

Бошлаймиз, бошлаймиз!  
Чироқларнинг мавжида,  
Ногора базм авжида,  
Оқ шоҳидан чимилдиқ,  
Беданалар питбилдиқ,  
Катта тўйлар бошлаймиз!..

Иккони бир-бирини елкалаб суяб, ҳовлида ўйинга тушади.

**Кичкина хўжа** (*Маҳмудхоннинг гоҳ у ёғига ўтиб питуллайти, гоҳ бу ёғига ўтиб питуллайти*). Биз томонга ҳам кун чиқар экан-а! (*Хуржунни олади*.) Қани, қани, айвонга марҳамат!

Кичкинахўжа дастурхон ёзади, хотини тандирдан узаётган патирлардан тўнининг этагида пуф-пуфлаб келтиради. Қўли куяди.

**Иссиқ** ҳам демайди-я бу хотин!.. (*Чой қуяди*.) Олинг, хўжайин, патирдан олинг, новвотдан, қандолатдан шиминг!

**Маҳмудхон**. Бугун тўй экан-да, хўжам!

**Кичкина хўжа** (*эриб кетади*). Тўй, хўжайин, тўй! Қивалоғимиз Тошкент деган шаҳри азимдан келяпти!

**Маҳмудхон**. Энди гап шу-да, хўжам, тўйдан жар солаверамиз-да?

**Кичкина хўжа**. Ихтиёр биз каминада эмас, ўзларида. Биз хўп десак, қизимиз йўқ демайди.

**Карима**. Ҳай, дадаси, қизингиз номидан вайсайверманг!..

**Кичкина хўжа**. Гапга аралашма сен, ҳафтафаҳм!.. (*Муродхоновга*.) Уқиш ҳам оғир-да, хўжайин. Қиз боши билан, Қишлоқ хўжалик институтини битириб, агроном бўлиб келяпти!..

**Маҳмудхон**. Балли... бу ёғи дуруст. Аммо мен ҳовирги агрономларга ишонмайман. Пахта билимини улар билмайди, биз биламиз. Китоб бошқа, деҳқончилик бошқа. Чунончи, мени олинг. Бошқа участкаларда чигитни сеялкада олтмишу олтмишга экишди. Мен эллигу элликка қўлда тўқдим. Хўш, кимники текис? Меники! Улар «универсал» билан иккиёқлама культивация қилишяпти, биз жетмон билан бир ёқлама чопиқ ўтказяпмиз. Хўш, ким-

нинг *ғузаси* яхши ўсяпти? Бизники! Хўп деяверинг, хўжам, қирқ сентр тайёр! Улар машина билан теришмоқчи бўмиш. Пахта расво бўлади...

**К и ч к и н а х ў ж а.** Пахтанинг пирисиз, сиз билан айтишган панд ейди. Аммо атайна сотиб олинган тракторлар бекор, занг босиб ётипти-да, хўжайин...

**М а ҳ м у д х о н.** Деҳқончиликнинг отаси — кетмон, хўжам. Кетмонга ўзи дуо кетган. Комилжон: ҳамма ишни трактор билан, кетмонсиз бажарамиз, дейди. Аммо, хўжам, кетмонни йўқотиб бўпти! У кетмонни ҳам йўқотолмайди, мени ҳам йиқитолмайди!

**К а р и м а.** Сиз ўзингизни ўзингиз йиқитяпсиз!

**К и ч к и н а х ў ж а.** Ҳай, хотин, тилингни тиясанми, йўқми?.. (*Муродхоновга.*) Комил ҳаддидан ошяпти. Анов кун шаҳарга сиз тайинлаган бодрингни ортиб кетяпсам, менга: «Ўртоқ Каттахўжаев, идорага бир киринг» деди. Кирмадим. Мен сизга қўл берганман, хўжайин. Комил ҳаммага раис бўлгани билан менга раис бўлолмайди. Менинг раисим сиз.

**М а ҳ м у д х о н.** Ошначилик бир йилчилик, қудачилик минг йилчилик, хўжам. Сиз билан бизнинг орамизга энди шайтон аралашолмайди. Тўйнинг маслаҳатини кейин бапуржа қиламизу, аммо мен сизга учини чиқариб қўймоқчиман. Қўш сурнай, қўш карнай... Унта қўй, иккита ғунажин атадим. Йигирма яшик «дори»... Албатта, оқини кўпроқ қиламиз. Кейин, мен сизга айтсам, ЗАГС ўз йўли билан бўлаверади-ю, никоҳни домла Шаҳобиддинга ўқитамиз. Бусиз бўлмайди. Имон саломатлиги керак, ҳа!

**К и ч к и н а х ў ж а.** Тилингизга шакар. (*Ўрнидан туради.*) Энди менга бир минутга ижозат берадилар, ошни сузаман.

**М а ҳ м у д х о н.** Йўқ, қўзғалманг. Овқатни кейин еймиз.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Йўғ-е...

**М а ҳ м у д х о н.** Ҳа! Сиз энди тезроқ стансага чиқинг. Ҳадемай, поезд келиб қолади.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Ақалли бир пиёла ҳалигидан...

**М а ҳ м у д х о н.** Йўқ. Кейин... (*ўрнидан туради.*) Мен чопиқдан хабар олай. Кетмончиларнинг тепасида қоровул бўлиб турмасам...

**К а р и м а.** Ҳа, боринг, савлат тўкиб турмасангиз бўлмайди.

К и ч к и н а х ў ж а. Хотин, бу уйда тинчлик бўладими,  
йўқми? (Иягини силайди.)

К и ч к и н а х ў ж а. Маҳмудхоннинг гоҳ у ёғида пилдираб,  
гоҳ бу ёғида пилдираб, эшиккача кузатади.

Тагин, олислаб кетмасинлар!

Д у э т

(давоми)

К и ч к и н а х ў ж а в а М а ҳ м у д х о н

Бошлаймиз, бошлаймиз!  
Чироқларнинг мавжида,  
Ноғора базм авжида,  
Оқ шоҳидан чимилдиқ,  
Беданалар питпилдиқ...  
Катта тўйлар бошлаймиз!

К а р и м а (ўчоқбошидан чиқиб келади, Маҳмудхон-  
ни кузатиб қайтган эрига). Одам ҳам шунақа сийқа бўла-  
дими! Нима, Маҳмудхон бўлмаса, кунимизни кўролмай-  
мизми? Ҳадеб оёғи остига йиқилаверманг!..

К и ч к и н а х ў ж а. Ажаб, ажаб... Манов эси пасти  
қаранг!..

К а р и м а. Қўйинг, энсамни қотирманг!.. Шу кунлар-  
да ўзим айниб юрибман!..

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳой, хотин, тилимнинг суяги йўқ  
деб ҳадеб сайрайверма!..

К а р и м а. Сайрасам, сайрамасам — шу! Мен унақа  
эски қирриқ билан қуда бўлмайман!.. Тўй бошлармиш!..  
Йиғиштиринг ўша қудачилигини!..

К и ч к и н а х ў ж а. Ажаб... Эс-песингни еб қўйдингми?  
Қизимизнинг нимаси бор? Бошида сочи-ю, оғзида тиши..  
Хўжайин бўлса, баобрў, бадавлат, басавлат одам... Мақ-  
судхон ҳам, кимсан, ҳосилотнинг ўғли!

К а р и м а. Бас, сувнинг устидаги кўпикни мақтайвер-  
манг!..

К и ч к и н а х ў ж а (авжига чиқади). «Сувнинг усти-  
даги кўпик?!» Бўғма мени! Оталик номимни ерга урма!  
Сўзимни қайтарма!

Қ и з л а р келишади.

На и м а. Нима шовқин ўзи?.. Салом, Кичкина тоға! Жим туринг, вағирлаётган моментингизни чиқ этиб суратга туширай, деворий газетага материал етмай турибди! Сарлавҳаси ҳам тайёр: «Илғор колхозчи опа ва унинг феодал эри!..»

К и ч к и н а х ў ж а. Ажаб, ажаб, вой, Наима қизимей!.. Ҳали шунақа қаттиқ мухбир бўпкетганман дегин? Бу галча бир қошиқ қонимиздан кечадилар.. (Қизларга.) Ҳай, ҳай, оппоқ қизларим, қани, келинглар!

К а р и м а. Келинглар, опанг ўргилсин!..

Қ и з л а р ҳовлини тўлдиришади. Наима боғни, қизларни суратга олади. Умумий хушнудлик. Тугунча кўтариб хотинлар киради. К о м и л ж о н ҳам келади.

К о м и л ж о н. Қутлуғ бўлсин, Кичкина тоға!.. Карима опа, қизингиз келишини эшитиб, суюниб қолдингизми?

К а р и м а. Нега суюнмай, айланай раис! Йўлига термилавериб, кўзларим толди!..

К о м и л ж о н (Кичкинаҳўжага). Менинг отимга мининг, вақт зиқ, поезд келишига ярим соат қолди.

К и ч к и н а х ў ж а. Қуллуқ.. (Чиқиб кетади.)

К о м и л ж о н. Карима опа! Гуллар ҳам заб очилибди-да! (Қизларга.) Қизил гулни кўрсам, қизларжон, бағримда ўт ёнади. Аллакимнинг соғинчи кўнглимни ўртайди. Аллакимнинг лоладай чеҳраси хаёлимда жонланади... Аммо кимнинг соғинчи?.. Кимнинг чеҳраси?.. (Гул искаб, ўйга толади.)

С а л и м а (юзини рўмоли билан яшириб). Вой-вой, манов кишини!.. Бирам беадаб гапларни гапиряптики!..

Ҳ а л и м а. Раисимизнинг дарди оғир...

На и м а. Комилжон ака куйганлардан шекил... Қани, ёниб турган вақтида бир суратга опқўяй!..

Қизлар кулишади.

К о м и л ж о н (атайин ўсмоқчилаб). Илмайкейин, қизларжон, гул искасам, хаёлий гўзалнинг қоп-қора тўлқин сочини искаётгандай, ўзимни ишқ бўстонида маст сезаман... Аммо ўша хаёлий гўзал ким? Билмайман... Ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам йўқ, сувда ҳам йўқ, борингки, телевизорда ҳам йўқ...

Қизлар хахолаб кулишади.

К а р и м а. Пешанангизга бирортаси ёзилгандир, ҳадеб ўртанаверманг, опаси!..

С а л и м а. Комилжон ака, ўша хаёлий жонон телевизорда бўлмаса, спутникда экан-да!..

К о м и л ж о н айвон пешига ўтириб олиб, қийқириб кулади.

Ҳ а л и м а. Булоққа тикилинг, суратини кўрасиз!..

Н а и м а. Рентгенга кўрсатинг, аён бўлади! (Кули.)

К о м и л ж о н. Кейинги маслаҳат маъқул! Аммо мен рентгентга бориб келгунимча шу қишлоқдаги қизларнинг бирортаси ўзига эҳтиёт бўлиб юрсин!.. (Кули.)

Комилжон яна гул искайди, ўйга толади.

Я л л а, л а п а р

К о м и л ж о н

Очилиб, боғ ичра базмин тузди гул,  
Ўртади бағрим, висол кўргузди гул,  
Тинч эдим, кўнглимни ногоҳ бузди гул,  
Бузгани майли, хаёл тўлғизди гул!

Қ и з л а р

Гул хаёлида чаман обод қилинг,  
Кўнглингизни гуссадан озод қилинг,  
Йўлда говлар учраса, барбод қилинг,  
Сиз гулистон аҳлини дилшод қилинг!

К о м и л ж о н

Гул дедим, гул ишқини қилдим ҳавас,  
Гул дедим, булбул билан мен басма-бас.  
Гул дедим, гулхонада олдим нафас,  
Оҳ дедим, оҳимда ғунча ёзди гул! \_

Қ и з л а р

Гул эмас, гулнинг тикони бўлмаса!  
Ёр эмас, ёрнинг дегони бўлмаса!  
Гул эмас, гулшанга атри тўлмаса!  
Ишқ эмасдир имтиҳони бўлмаса!



## К о м и л ж о н

Майлига, бўлсин тикани, ийнаси,  
Пора-пора бўлсин ошиқ сийнаси,  
Очилур муштоқ кўнгилинг ойнаси,  
Оҳ, хаёл мавжида қалқиб сузди гул!

### Қ и з л а р

Гул экан, сўнмас зиёси гул экан,  
Севгининг меҳру гиёси гул экан,  
Ўт бўлиб бағрингни ёндирди чаман,  
Бор экан аҳду вафоси, гул экан!

«Гул» рақси. У м р и билан А з и з н и н г бир тўда ёшлар билан кириб келганини ҳеч ким сезмай қолади. Улар «Гул» рақсини бир нафас томоша қилиб турадилар. Тандир томондан саватда патир кўтариб, айвонга ўтаётган Қарима қизини кўриб, саватни айвон пешига қўяди-ю ўзини Умрига отади.

Қ а р и м а. Вой, аягинанг бўйгинангдан айлансин! Вой, қизгинам келипти-ю, сезмай қолибмиз!..

Она-бола қучоқлашадилар. Қизлар уларни ўраб олишади. Азиз ҳам Комилжон билан, қишлоқ йигитлари билан иссиқ кўришади.

Қ а р и м а. Ҳар куни сабзи тўғрайман, сен келсанг ош дамлайман деб! Ҳар кун гул териб уйингни безайман, баҳри дилинг очилсин деб! Бунча соғинтирмасанг бағримни ўртаб!..

У м р и. Мана, келдим. Аяжон! Йиғламанг! Айрилиқ кунлари тугади. Энди ҳамини ёнингизда бўламан!..

Б а ҳ о р. Ўртоқжонимнинг бўйи чўзилиб, ҳусни чамандек очилганини қаранглар-а! Тошкент ҳавоси ёқибди сенга, ўртоқжон! (Қучоқлашиб кўришадилар.) Ҳа, айтгандай, Азиз акам бирга келибдилар-да.

У м р и. Азиз акам энди... қурилиш инженери бўлиб келдилар. (Қип-қизариб кетади.) Ҳар йил қишлоғимизга келиб кетардилару тажрибага.

Б а ҳ о р. Хуш кўрдик, Азиз ака. Янги қишлоқ қурмоқчи бўлиб юрардингиз-а?

А з и з. Ҳа, ўша мақсад билан келдим.

К о м и л ж о н. Раҳмат, Азизжон. Бу гал энди ўқишни битказиб келгандирсиз?

А з и з. Шундоқ, Комилжон ака!  
К о м и л ж о н. Табриклаймиз, сизниям табриклаймиз,  
Умрихон. Институтни битириб, колхозимизга мутахассис  
бўлиб келганларингиз билан, иккалангизни ҳам табриклай-  
миз.

### Х о р в а К о м и л ж о н

Хуш кўрдик, азиз меҳмон, хуш кўрдик,  
Қутлайди гўзал бўстон, хуш кўрдик.

### К о м и л ж о н

Хар доим қолинг бунда, ишлайлик.  
Бу элга бўлинг боғбон, хуш кўрдик.

### Х о р

Меҳнатда, фароғатда, саодатда  
Ҳамдамдир ҳамма инсон, хуш кўрдик.

### К о м и л ж о н в а х о р

Хуш кўрдик, азиз меҳмон, хуш кўрдик,  
Қутлайди гўзал бўстон, хуш кўрдик!

### А з и з а р и я с и

Қадрдонлар, элингизга бу кўнглим банд бўлиб келдим,  
Севиб қишлоқларингиз, сизга мен фарзанд бўлиб келдим.

Узоқларда ҳавас қилган эдим бир бора кўрмакни,  
Ҳаётингиз дарахтига ўзим пайванд бўлиб келдим.

Юборди сизга Тошкент, ям-яшил водий қучоғига,  
Саодат қасрига гишт қўйғали хурсанд бўлиб келдим.

Қўшиқлар янграсин деб, янги уйлар қад кўтарсин деб,  
Чаман боғлар соғинчи бир-ла, мен дилбанд бўлиб келдим.

С а л и м а (Ҳалиманинг қулоғига, Азизга ишора қи-  
либ). Жудаям сухсур йигит эканми-а?

Х а л и м а. Шаҳарлик-да. опоч...

Н а и м а. Мақсудхоннинг уйи куйди... (Қизлар қий-қириб кулишади.)

Б а ҳ о р. Ажаб бўпти!..

К о м и л ж о н. Азиз, заб келдингиз-да. Айтгандай, лойиҳангиз тасдиқландими?

А з и з. Тасдиқланди. Генерал план тайёр.

Б а ҳ о р. Қишлоғимизни қуриб ҳам берадилар. Кет-гизиб бўпмиз!..

К а р и м а. Хуш кўрдик. Қани, айвонга!..

Ким айвонга, ким ҳовлига, ҳамма ҳар ерда ўтирадилар.

Н а и м а (суратга олади). Шўхроқ ўтиринглар. Умри опа, ҳов анови қалдирғочлар учиб кетаётган томонга қаранг-а! Азиз ака, табассум! Табассум!.. (Комилжонга.) Раис ака, сиз нутқ сўзлаб туринг!.. Сарлавҳаси тайёр: «Мутахассисларни кутиб олиш маросими».

К а р и м а. Умриой, дадангни кўрмадингми?..

У м р и. Йўқ. Қаердалар?..

К а р и м а. Яқинда станцияга отлиқ чиқиб кетган эди. Етолмагандир-да... Қайси йўлдан келдинглар?..

У м р и. Сой ёқалаб.

К о м и л ж о н. Дадангиз катта йўлдан кетган. Ҳадемай келиб қолади. (Азизга.) Қани, Азизхон, дастурхонга қаранг, йўлдан очқаб келгансиз... Патирдан олинг!..

А з и з. Фарғона нонини севаман. Бугдойи хушбўй, мазали, аллақандай тансиқ бўлади. Тоғ ирмоқлари сувидан дамланган чой ҳам антиқа.

К о м и л ж о н. Бизнинг қишлоқда бутунлай ишлаб қолинг, Азизжон. Бизда доим иш барала, ким келса ўйину ялла.

А з и з. Энди бу ердан кетиб бўпман, Комилжон ака!

## А з и з в а У м р и

Кўнглим чаман, озод Ватан гулгун диёрим,  
Кувна, элим, куйла, дилим, бахту баҳорим.  
Сенсиз менга иқбол гули яшнаб очилмас,  
Жоним сенга ҳам бахтингга мангу нисорим.  
Мен меҳнатинг майдонида жавлон урарман,  
Сендан топиб шон-шарафим — номусу орим.

Ўзбек эли халқлар аро мард пахтакордир,  
Озод Ватан, сен шавкатим, сенсан мадорим.

Қизлар ўйнайди.

С а л и м а. Шаҳарликлар гапга чечан бўлади. Нон билан сувни гапиряпти-ю, Комилжон акамдақа, кўзи гулда!.. (Қийқириқ).

Ҳ а л и м а. Гул шайдоси бир эди, икки бўлди. Бирни милтиқ, бириси тепки бўлди (кулги).

К а р и м а. Вой, қизи тушмагурлар-ей!.. Бас, бас-ей, кулавериб, ичагим узилди!..

К о м и л ж о н. Карима опа, энди биз кетайлик. Азизжон, қани, юринг.

1-й и г и т. Азиз ака, бугун бир гурунглашамиз.

2-й и г и т. Далаларни кўрсатамиз акамга!

3-й и г и т. Бизникида тураверасиз, ака!

А з и з. Жоним билан!.. (Айвондан чамадонини олмоқчи бўлади. Баҳор Умрини кузатади.)

У м р и (Азизга). Дадамни кўрмасдан кетасизми?

А з и з. Бир айланиб келаман, Умриой.

У м р и. Тез келинг-а!..

Ҳамма тарқалади. Карима билан Умри ёлғиз қолишади.

У м р и. Яхши юрибсизми, аяжон? Мен йўғимда, дадам сизни хафа қилмадимми?

К а р и м а. Дадагнинг хафа қилишига кўникиб қолганман. Бир томони эртаю-кеч оғир кетмон иши, яна бир томони — даданг тўй дардида-ю, менинг бағрим қон...

У м р и. Қанақа тўй, аяжон?

К а р и м а. Сенинг тўйинг... Маҳмудхон ака ўғли учун бўзчининг мокисидай қатнагани-қатнаган...

У м р и. Бу ҳазилми, чинми?

К а р и м а. Даданг чинга чиқариб юрибди. Маҳмудхон ака бугун ҳам бир хуржун буюм ташлаб кетди..

У м р и (хахолаб кулади). Ахир, сиз, тушунган, аяжоним, ихтиёр қизимнинг ўзида, демадингизми уларга!..

К а р и м а. Дедимку-я... Аммо дадангни биласан-ку... Анов куни гап топиб келди, сени Мақсудхон билан хат ёзишиб турган эмишсан деб...

У м р и (хахолаб кулади). Ҳа-ҳа-ҳа... Вой, у масхарабозларни қаранг!.. Хат ёзишиб турган эмишман...

К а р и м а. Хуллас, сенга анчагина ташвиш тўплаб қўйишибди.

У м р и. Бўпти, ўзим гаплашаман.

Эшик олдида Мақсудхон пайдо бўлади, елкасидан дадаси туртиб келади.

Маҳмудхон. Киравер! Дадил гапир!

Мақсудхон. Дада, кўнглим бетламаяпти-да! Баланд дорга осиялпмиз-да! Қувиб чиқарса-я?..

Маҳмудхон (бақириб беради). Нима, нима?! Ким қувиб чиқаради сени? Ҳадди борми?!

Мақсудхон. Бўпти, дада. Сиз бораверинг...

Маҳмудхон кетади. Мақсудхон қаддини ростлайди.

### Мақсудхон арияси

Аё дўстлар, жаҳон ичра менингдек паҳлавон борму?

Ва ё танҳолигимга шубҳангиз борму, гумон борму?

Ҳасад наштарларин санчмоқчи бўлганлар етолмайди,

Менинг ёримга кўнгил розин айтмоққа забон борму?

У м р и. Таажжуб... Ким келди экан, бағри ёниб?..  
(Эшикни очиб юборади.) Келинг, Маҳсудхон, келинг!

Мақсудхон. Келдик, жонидан...

У м р и. Жонидан?!

Мақсудхон. Ҳа, ҳалигидай... Ўзлари ҳам жуда соғинтириб юбордилар... Айниқса, бугунги озор... Стансада биз томонга бир қушбоқиш қилдилару... ёнларидаги барно йигит билан индамай ўтиб кетавердилар...

У м р и. Ия-ҳа, гап кўп денг... Қани, уйга кириб, бапуржа сўйлашамиз.

Мақсудхон. Хўп, хўп, жонидан... (Остонага қадам қўяди). Бисмиллоҳу раҳмону раҳим... (Айвон пешига омонатгина ўгиради.) Қани, омин, қадам етди, бало етмасин!

Умри аясига имо қилади. Карима уйга кириб кетади.

У м р и. Қани, гапиринг!

Мақсудхон. Демак, ҳалиги барно йигит...

У м р и. Ҳалиги барно йигит йўқ... Дадил гапираверинг!..

Мақсудхон. Менинг хатларим...

Умри (токчадан бир даста хат олиб беради). Мана конвертлари очилгани ҳам йўқ.

Мақсудхон. Ия, ия... Ахир, нега энди очмайсиз? Епирай... Ахир, тўй анжоми тахт. Мол етмаса, мана, жон, кўзидан!.. (Кўкрагига уради, ёқасидан парр этиб бедана учиб чиқиб кетади. Умри қийқириб кулади. Мақсудхон бедана кетидан югуради, тутиб келиб, қўйнига солади.) Парво қилмайдилар, жонон, ишқибозлик!.. Аммо ўзи ҳам жуда ўткир сайроқи-да! Шу бугун Абдикарим тулладан битта бўрдоқига алишиб олдим. (Маза қилиб, қийқириб кулади.) Харидорлар кўп. Аммо бедовга ҳам алишмайман!..

Умри. Омон бўлинг, ҳали ишқ бу ёқда денг!..

Мақсудхон (ўзига келиб). Йўғ-е, бу ишқ бошқа-ю, сизга бўлган ишқ бошқа, жамолинга тасаддуқ!.. (Қийқириб кулади.)

Умри. Қайсиси кучлироқ?..

Мақсудхон. Иккови ҳам-ку, аммо туллак бошқа-ю, юрак бошқа!

Умри (гулзор бўйида сунурги олади). Қани, «эпирим!» деб, бир туриб юборсинлар!..

Мақсудхон. Ҳай-ҳай, бу нима қилганингиз? Ахир, тўй, дадам...

Умри. Дадангизга бориб, «тўй бўлмас экан», денг.

Мақсудхон. Ахир, жонидан, неча йилдан бери совға-салом қилиб...

Умри. Уша латта-путталарни олиб кетинглар.

Мақсудхон. Олиб кетинглар?.. Йўқ, дард билан ўйнашманг?

Умри. Дўқми?!

Мақсудхон (суйқаниб). Илтимос... Менинг бағрим ёнаётганини сиз билмасангиз, худо билади!

Умри. Менинг бағрим сизга нисбатан муз! Бўлдими?

Мақсудхон. Ҳай, худодан кўрдим, шафқатсиз жонон!.. Отамнинг юзидан ўтолмай шунча маломатга қолдим. Узим жинниман! Узим!.. (Ҳовлидан югуриб чиқиб кетаётганда, беданаси қўйнидан яна париллаб учиб кетади.)

Карима уйдан чиқади. Она-бола қучоқлашиб, қийқириб кулишадди. Сой томондан Азиянинг ашуласи эшитилади, Умри қўшилади.

## А з и з

Бир томони қор босган баданд тоғлар,  
Бир томони яшнаган гўзал боғлар,  
Боғларида саноғи йўқ чироқлар —  
Юрагимни банд этган чаман экан,  
Садоқатга, севгига ватан экан!

## У м р и

Айтган билан тугамайди достони,  
Булбулларни чақиради бўстони,  
Қизи сулув, жасоратли ўғлони  
Юрагимни банд этган чаман экан,  
Садоқатга, севгига ватан экан!

## И к к о в и

Мен шу юртнинг жамолига шайдомен,  
Токи умрим бори қадар фидомен,  
Жоним билан мубталомен, адомен,  
Юрагимни банд этган чаман экан,  
Садоқатга, севгига ватан экан!..

А з и з тол тагига келиб, сой томонга тикилади, қишлоқ манзарасига суқланиб боқади. От келиб тўхтайди. К и ч к и н а х ў ж а ёғардан тушиб, ёшик олдига ҳовлиқиб келади-ю, бегона йиғитни кўриб қанг-манг бўлиб қолади. Улар бир-бирига синаш назари билан тикиладилар.

А з и з. Салом, амаки!

К и ч к и н а х ў ж а. Салом. Мен жанобларини алақадарда кўргандайман.

А з и з. Шу қишлоқда кўргансиз-да, амаки. Тошкентдан ҳар ёз келиб турардим-ку?

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳа, ҳа, эсладим. Ҳалиги инженер боламан денг. Азизвойман денг-а? Яна кепсиз-да, а? Дуруст, дуруст... қани, меҳмон, уйга!..

Уйга кирадилар. Умри ўзини дадасининг бағрига отади.

У м р и. Салом, дадажоним! Соғ-саломат юрибсизми?

К и ч к и н а х ў ж а (кўзига ёш олиб). Раҳмат, опоқ қивим, ача қизим, раҳмат!.. Жуда ҳам соғиндим!..

У м р и. Азиз акам билан танишиб олибсиз-да?

К и ч к и н а х ў ж а. Биз бу киши билан эски таниш...  
Қани, меҳмон, айвонга!

У м р и. Азиз акам энди қишлоғимизда қурилиш инже-  
нери бўлиб ишлайди, дадажон!

К и ч к и н а х ў ж а. Шундоқми? Яхши, яхши...

А з и з (уйни кўздан кечиради). Уйингиз ҳам эскириб,  
ҳақингиз қолмапти, амаки, қулатиб, янгисини қурамизда-а?

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳа, хийли эскириб қолди. Ай-  
ниқса кечаги ёмғир эзиб юборди. Энди, йигит, мана, Ум-  
риниса келди. Тўйни қилайлик. Қудамиз анча бақват  
одам. Сиз режани туза берасиз, биз уйни қураверамиз-  
да!..

Азиз Умрига ҳайрон тикилади. Умри лабини тишлайди.

У м р и. Дадажон, эски гапларни қўйинг. Боя Мақсуд-  
хон келган эди, совға-саломингизни олиб кетинг, дедим.

К и ч к и н а х ў ж а. «Олиб кетинг» дедим?! Биласан-  
ми, у совға-саломлар неча пул туришини? Шошма, мен  
ҳозир сенга ҳисоблаб берай! (Каримага). Хотин, қозиқ-  
дан чўтти ол!

К а р и м а. Қўйсангиз-чи, дадаси!.. Нимасини ҳисоб-  
лайсиз энди?..

К и ч к и н а х ў ж а. Сен аралашма!.. (Қозиқдан чўт  
олади.) Ун кийим кирибдишин, уч юздан — уч минг...  
Иккита бахмал, икки юздан — тўрт юз... патир, нон, қанд-  
қурс, борингки, юз эллик... жами — уч минг беш юз эллик.  
Колхозимиз аъзосининг икки йиллик даромади!

У м р и (ҳайрон). Нима дедингиз, дада? Уч минг  
сўмни икки йиллик даромад дедингизми?

К и ч к и н а х ў ж а. Уч минг беш юз эллик сўмни!..

А з и з. Демак, даромад ойига юз эллик, кунига беш  
сўмдан тушибди-да?

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳа!

У м р и. Йўғ-е, бу ерда бирор англашилмовчилик бўл-  
са керак.

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳисоб тўппа-тўғри!

А з и з. Ахир, колхозингиз юқори ҳосилли, миллио-  
нер хўжалик-ку?

К а р и м а. Миллионерликка миллионерку-я, айланай.  
Аммо Маҳмудхон ака участкасидаги қўл меҳнати даро-  
маднинг баракасини учиряпти.



У м р и . Дада, нега бундай бўлиб қолди?

К и ч к и н а х ў ж а . Мени чалғитма. Мен тўйдан гапирсам, сен ташвишдан гапирасан!..

У м р и . Дадажон, колхознинг ишини ташвиш деманг!

К и ч к и н а х ў ж а . Ана, холос. Мен шаҳардан қизим келди, десам, тафтишчи кепти!..

Карима кулади.

К и ч к и н а х ў ж а . Нега тишининг оқини кўрсатасан?

К а р и м а . Вой-вуй, Худоёрхоннинг ўнг қўл вазири бўлсангиз ҳам ҳадеб ошаверманг. Умринисанинг саволи ҳақ. Бу саволга сиз жавоб бермасангиз, мен жавоб берай. (Умрига.) Ҳа, қизим, ишимиз ортига кетди. Ишимизнинг мазаси қочганига сабаб шуки, кўкрагига муштлаб юргувчи Муродхонов деҳқончиликнинг янги илмини билмайди. Муродхоновдан гап оласан, холос. «Кетмон — деҳқончиликнинг отаси... Қирқ сентр...» Аслида на юқори ҳосилу ва на катта даромад... Ундан кейин, дадангга, Мақсудхонга ўхшаган бекорчилар кўпайиб кетди.

К и ч к и н а х ў ж а . Ёпирай, ёпирай!..

К а р и м а . Гап шу, қизим. Билагингни шимариб, ишга туш. Комилжоннинг ёнига кир. Ёрдам бер. Колхозчиларга мададкор бўл. Ишламаётган машиналарни ишга сол! Ана шунда мана буларнинг сири очилади!

К и ч к и н а х ў ж а . Вой, отинча-ей!

К а р и м а . Ҳамма гапирса ҳам, сиз гапирманг, Муродхоновнинг гумаштаси! Нима қиласиз, жағимни очиб! Қўйинг. ёшларнинг ишига аралашманг!.. Ундан кейин, бориб хўжайинингизга айтинг, бўлмайдиган тўйдан жар солмасин.

К и ч к и н а х ў ж а (бирдан бақариб юборади). Дод хотиннинг зулмидан! Войдод, шаҳарда ўқиган қизнинг дастидан! Эл-юрт олдида шарманда бўлдим! Энди қайси юз билан бош кўтариб юраман?! Дод!..

К а р и м а . Дод солманг, ўт кетибдими!..

К и ч к и н а х ў ж а (ўзини хотинига ташлайди). Ҳа, ўт кетди! Унақа-мунақа пажар эмас бу!..

А з и з . Амаки, амакижон...

К и ч к и н а х ў ж а . Амаки, дема мени!.. Жўна, келган ерингга!.. Жўна ҳозир!

А з и з. Хўп! Сизни кўргани келган эдим. (Умрига.)  
Комилжон ака ўз уйида жой қилиб берди.

У м р и. Азиз ака, дадам учун мени кечиринг!..

А з и з. Ҳечқиси йўқ! Соғ бўлсак, ҳали дадангиз билан  
қадрдонлашиб қоламиз. (Кетади.)

К а р и м а (эрига). Улгудек қўполсиз-да!

К и ч к и н а х ў ж а (бошини чангаллайди). Э, худован-  
ди карим, не кулфатларни солдинг бошимга!.. (Илон чақ-  
қан кишидек бетоқат тўлғанади.) Ажаб бу савдолар!..

У м р и. Дадажон, ҳеч қандай савдо йўқ. Бекорга койин-  
япсиз!.. Ҳориганга ўхшайсиз, дам олинг. Мен идорага  
фориб, ўша Маҳмудхон ака билан бир гаплашиб қўяй-чи,  
ўзи нима гап?..

## А н с а м б л ь

### К и ч к и н а х ў ж а

Сен нима дединг, нима?  
Идорада кўринма!

У м р и

Нима учун, дадажон?

К а р и м а

Борабергил, Умрихон!

У м р и

Ҳисоб берсин Маҳмудхон!

К и ч к и н а х ў ж а

Қайт! Дарров қайт орқангга!

К а р и м а

Қулоқ солгил отангга!

У м р и

Нима дейсиз, дадажон?

К и ч к и н а х ў ж а

(Умрига)

Қадрдоним Маҳмудхон!

К а р и м а

Пухта ўйланг, отаси!

К и ч к и н а х ў ж а

Ким бу уйнинг каттаси?

У м р и

Дадажоним, ҳақ сўзим!

К а р и м а

Боргил, гўзалим, қизим!

К и ч к и н а х ў ж а

(Ғазабнок)

Борма дедим, бормайсан.

У м р и

Мен бормасдан қолмайман.

У м р и кетади. Карима унга қўл силкиб қолади.

К и ч к и н а х ў ж а (айвон пешига ўтириб, чаккаларини муштлиди). Тафтишчи!..

П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

Пахтазор олдида сой. Кўприк. Чапда — бор. Шу ерда Дилдор тоға уйи ёнида унинг дурадгорлик дўкони. Берк. Унга — Муродхоновнинг ҳашамдор уйи.

Сутдек оппоқ тонг отяпти. Мақсудхон Дилдор тоға уйининг деразаси тагида чўккалаб олиб, Баҳорни уйғотиш учун, Умри эшигида айтган ашуласини авжидан оляпти.

«Аё дўстлар, жаҳон ичра менингдек паҳлавон борму?..»  
(Дераза туйқусдан очилиб, Мақсудхоннинг бошини ёрай дейди.)

Баҳор. Ким у вавағлаётган?

Мақсудхон. Биз-да, кўзидан, намунча деразани зарда билан очмасангиз?..

Баҳор (совуқ). Хизмат, ўртоқ Муродхонов?

Мақсудхон (ўзича). Епирай, яна чап ёни билан турганга ўхшайди жонон... (Баҳорга.) Соғиниб келдим, Баҳорой! (Қийқириб кулади.)

Баҳор. Жўнанг, бевафога тоқатим йўқ! (Деразани тарақлатиб ёпади.)

Мақсудхон. Ана холос... Дард устига чипқон. Уҳ... Энди нима қилсам экан-а?

Кичкина хўжа пайдо бўлади. У, Мақсудхонни — кўриб қолиб, ўзини панага олади, қулоқ салади.

Мақсудхон (деразани қоқади). Ахир, сўзимга бир нафас қулоқ солсангиз-чи?..

Баҳор (деразанинг бир тавақасини очади). Шартим бор.

Мақсудхон. Айтинг.

Баҳор. Шартим шуки, мен савол бераман, сиз жавоб қайтарасиз.

Мақсудхон. Бажонидил!

Баҳор. Рост айтинг, Умриникига бордингизми?

Мақсудхон. Бордим...

Баҳор. Унга: «Жонидан...» дедингиз-а?

Мақсудхон. Ахир...

Баҳор. Ҳозир йўқолинг, бўлмаса, дадамни чақираман!

Мақсудхон. Ахир, Баҳорой...

Баҳор. Бас, гапни чайнаманг!

Баҳор ва Мақсудхон дуэти

Баҳор

Йигитларда вафо борми?

Ишонмайман!

Ҳақиқий муддао борми?

Ишонмайман!

Мақсудхон

Муҳаббат ўтларида ёнди жоним,

Ишон, топмай қарор, ўртанди жоним!

Баҳор

Керакмас беқарорлар, садқайи ишқ!

Топибди ўзга ёрлар, садқайи ишқ!

Мақсудхон

Сенга англаймоғим лозим дилимни!

Баҳор

Йўқол, орсиз!

Хазон этма гулимни!

(Деразани ёпиб, парда туширади.)

## Мақсудхон

Баҳорой, кетма!..

Оҳ кетди, Баҳорим...

Эл ичра қолмади номусу орим...

## Кичкинаҳўжа

Ажаб савдолар, ажаб савдолар!..

(Кўприкни паналаб, боққа кириб кетади.)

Мақсудхон. Ана буни калтак деса бўлади... Ҳай,  
сабр қилайлик-чи! (Кетади.)

Идорадан Азиз, Баҳор уйи эшигидан Дилдор тоға чиқиб  
келадилар.

Азиз сўрига чизмасини ёзади, иш бошлайди. Дилдор тоға дўконини  
очиб, кетмон сопи ясашга тушади.

## Азизарияси

Тонг отиб, олам мунаввар бўлди, кел!  
Бу чаман менга муяссар бўлди, кел!

Йўлларингга термилиб қолди кўзим,  
Ҳар минут йилга баробар бўлди, кел!

Ҳамдамим боғ ичра шўх шаббодалар  
Интизорликда саросар бўлди, кел!

Кел, дединг, келдим ва лекин келмадинг,  
Ҳар минут йилга баробар бўлди, кел!

Азиз ашула айтаркан, Дилдор тоға деворга осифлиқ дуторини олиб  
жўр бўлади.

Дилдор тоға. Балли, Азизвой! Одамда дард бў-  
лиши керак. Машойихлар бежиз айтмаганлар: ишқсиз  
эшак, дардсиз кесак, деб...

Азиз. Шундоғ, тоға. Менинг ҳам шу ажойиб қишло-  
ғингизга ишқим тушди. Назаримда, шу ер очилмаган  
тилсимотга, топилмаган хазинага ўхшайди. Мана, уч йил-  
дирки, ҳар ёз келаман ва ҳар гал келганимда янги-янги  
конлар топгандай бўламан. Чунончи, тоға, шу вақтгача  
пишиқ гишт қаердан олиб келинган?

Дилдор тоға. Райондан...

Азиз. Ана, холос... Мен шу сой юқорисидаги тепанинг тупроғини таҳлил қилдим. Хумдон қуриб, ўшандан ғишт қуйсак, фақат бу қишлоқни эмас, атрофдаги бошқа қишлоқларни ҳам аъло сифатли пишиқ ғишт билан таъмин этса бўлади.

Дилдор тоға. Тилиннга шаккар!

Азиз. Сои этагидаги тошлоқни кўздан кечирдим. Қимматбаҳо кон. Уни пойдеворга ишлатса бўлади.

Дилдор тоға. Отанга раҳмат.

Азиз. Уша ерда катта қамишзор ҳам бор экан. Уни ҳам ишга соламиз.

Дилдор тоға. Мен ҳам, асли, иморат устасиман, ўғлим. Аммо Муродхонов кетмон дастаси яшадан бўлакка арзитайди.

Азиз. Иморат қурамиз, тоға, янги қишлоқ қурамиз. Мана мен тузган катта план тасдиқланди. Хўп десангиз, ҳозир раисниқига борамиз. Нонуштага чақирган эди, баҳона билан бинокорлик материалларини маслаҳатлашамиз.

Дилдор тоға. Бўпти, кетдик! (Улар кетади.)

Умри пайдо бўлади. Баҳор уйдан чиқаётиб, Умрига дуч келади, бурилиб кетай деганда, Умри унинг қўлидан ушлаб қолади.

Умри. Салом.

Баҳор (совуққина). Салом.

Умри. Узи тинчликми? Нега индамайсан?

Баҳор. Қайдам... Сиз билмасангиз, мен қайдан билай...

Умри. Вой, сени қара, нега энди сизсираб қолдинг?

Баҳор. Билмадим... Сиз энди олий маълумотли агроном. Мен бўлсам, оддий қишлоқи қиз...

Умри. Очиқ сўзлайвер, ўзи нима гап?

Баҳор. Ахир, Мақсудхон уйингизга борибди-ку...

Умри. Ҳали, гап бу ёқда дегин. (Хахолаб кулади.)

Вой, сени қарал.. (Жиддий оҳангда.) Менга астойдил тикилиб қара. Очиқ айт: сен менга ишонасанми?

Баҳор. Илгари ишонардим...

Умри. Ҳали ҳам ишонавер. Беҳуда хаёлларга берилма. Мен Мақсудхонни севишингни биламан. Аммо у бекорчи, таптиқ, дадасининг эркатойи. У уйимга келди. Мен унинг ўзига яраша жавоб қилдим. Ишон менга. Кел, яхши

гаплардан гаплашайлик. Айт-чи, Баҳор, эсингдами мактабда бирга ўқиб юрган йилларимиз...

Баҳор. Эсимда...

Умри. Эсингдами, канал бўйида янги боғда гул эканимиз?

Баҳор. Эсимда...

Умри. Ҳамзаобод саёҳати-чи?

Баҳор. Ҳаммаси, ҳаммаси эсимда...

Умри. Агар шулар эсингда бўлса, демак, дўстлигимизни унутмапсан. Эсингдами, иккимиз бирга сой бўйида тўқиган қўшиқ?

Умри билан Баҳор дуэти

Баҳор

Бинафшалар очилган  
Ям-яшил қирғоқ бўлса,  
Кўкка юлдуз сочилган  
Тун бўлса, чироқ бўлса...

Умри

Олисдан келса ёрим,  
Аҳдига вафодорим,  
Ёзмоқ учун хуморим  
Менга яқинроқ бўлса.

Иккови

Баҳор чоғи тўй бўлса,  
Ёрим бообрўй бўлса,  
Соз чалинса, куй бўлса,  
Кўнглим доим чоғ бўлса!..

Булар хахолаб кулишади. Комилжон, Дилдор тоға, Азиз, Мақсудхон, колхозчилар келадилар.

Комилжон. Бор экан-ку! Қизлар ўзи шунақа бўлади-да, а? Хилватни топиб, ашула айтишади.

Баҳор. Салом, Комилжон ака.

Умри. Салом.

Кўришадилар, Мақсудхон Баҳорга қўл узатганда, у четга бурилади.



Мақсудхон. Ҳай, шунисига ҳам шукур.

Комилжон. Мақсудхон, дадангизни чақиринг!

Мақсудхон. Хўп бўлади, ака. (Уйига кириб кетади.)

Комилжон (Азизга). Шу паҳлавон — бекорчи. Биз уни сойдан тош ташишга қўйсақ, нима дейсиз?

Азиз. Кўпчилик нима деса — шу!

Комилжон. Мақсудхон бу ишни эплайди. Унинг ўзидақа полвон ёшларни қўшиб берамиз.

Маҳмудхон билан Мақсудхон уйдан чиқадилар.

Маҳмудхон. Ассалому алайкум, яхшилар! (Кўришадилар.)

Комилжон. Иш кўпайиб кетди, ўртоқ Муродхонов.

Маҳмудхон. Ҳа-ҳа! Қани, эшитайлик.

Комилжон. Қурилишни маслаҳатлашиб олдик. Юришиб кетадиганга ўхшайди. Ўғлингизни тош ташувга қўямиз.

Маҳмудхон. Бошқалар борсин.

Комилжон. Мақсудхон боради. Бекорчилик ўзининг ҳам жонига теккандир. (Мақсудхонга.) Ўзингиз нима дейсиз?

Мақсудхон (дадасига қарайди — дадаси «йўқ дегин» дейди. Баҳорга қарайди: «Хўп денг» — имосини қилади). Мен тайёр, ака!

Комилжон. Раҳмат, оғайни!.. Умриой ҳам анча масалаларни ўртага қўйди. Ўзингиз эшитдингиз. Халққа маъқул. Сиз ҳам ўйлаб кўргандирсиз?

Маҳмудхон. Ўйлаб кўрдим. Бизга тўғри келмайди...

Комилжон. Сабаб?

Маҳмудхон. Сабаб шуки, пахта нозик нарса, отабободан қолган тажриба маъқул. Пахтани машина билан тераман деб, барги дориланса, ҳам кўсак чирийди, ҳам тошдан ютқизамиз. Ундан кейин, машина пайҳон қилади. Энди, хўжалик ҳисоби деган гапга келсак, бу ҳам қалтис нарса. Биздан пахтани ола беринглару пулни бераверинглар!

Умри. Ахир, олган пулингиз четга, беҳуда сарфларга кетяпти-ку?

Маҳмудхон. Чунончи?

Умри. Чунончи, сизнинг участкангизда бир центнер пахтага, бошқа участкадагига қараганда уч баравар меҳнат

ортиқ сарфланган. Натижада меҳнат кунининг ҳақи уч ба-  
равар камайган...

Маҳмудхон. Бу ёғини қўяверинг. Мен ҳам ҳосилот-  
ман, сиз ҳам ҳосилотсиз. Мендан кўп пахта беролмайсиз.

Умри. Эҳтимол шундайдир... Кузда маълум бўлади.  
Аммо сиз меҳнат кунига беш сўм олсангиз, биз ўн беш  
сўм оламиз. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобига ўтиб,  
фойда ҳисобига янги қишлоқ қура бошлаймиз.

Маҳмудхон (истеҳзо билан). Раис, яна нима хиз-  
мат?!

Комилжон. Тракторларни саройдан чиқариб, ишга  
солинг.

Маҳмудхон. Тракторлар ремонт қилинмаган. Иш  
бермайди.

Умри. Нега ремонт қилинмаган?

Маҳмудхон. Далада бўлиб, қўлимиз тегмади.

Комилжон. Шу бугун умумий мажлис чақирамиз.  
Муҳокама қиламиз.

Маҳмудхон (бепарво). Ғўзамиз қийғос гуллаяп-  
ти. Камчилик тополмайсизлар...

Комилжон. Қайсарсиз, ўртоқ Муродхонов. Пухта  
ўйламаяпсиз. Қани, ўртоқлар, ишга!

Ҳамма тарқалади. Маҳмудхон уйига, Дилдор тоға дўконига  
кириб кетади. Азиз чизмага машғул бўлади, Умри унинг ёнига келади.

Умри ва Азиз дуэти.

Азиз

Кўнглим чамани сенга ватан, ёр бўла қолгил!

Умри

Кўнглим ватани сенга чаман, дилдор бўла қолгил!

Азиз

Гул бўла қол, булбул тилида гулёр бўла қолгил!

Умри

Бошимни қўяй кўксингга, ғамхор бўла қолгил!

## А з и з

Тунлар узайиб, уйқу қочар, бедор бўла қолгил!

## У м р и

Чин ёр бўла қол, менга вафодор бўла қолгил!

## А з и з

Гулзор бўла қол!

## У м р и

Гулга харидор бўла қолгил!

## И к к о в и

Э ёр, кела қол, менга вафодор бўла қолгил!

Умри чизмага эгилади, мароқланиб кузатади.

У м р и. План катта-ку.

А з и з. Катта қишлоқ, катта ҳаёт, катта келажақ. Бизнинг уч йилдан бери ўйлаб келган ўйларимиз, режаларимиз энди қоғоздан ҳаётга кўчади. Айниқса, янги ўйлар... Янги ўйларда янги тўйлар...

К и ч к и н а х ў ж а. Ажаб савдолар!.. Ажаб савдолар!..

У м р и. Дадам...

А з и з (Кичкинаҳўжага эшиттириб). Уртоқ Каттаҳўжаева, мен билан юринг-чи, участкангиз планини кўриб чиқайлик!.. (Чизмаларни ўрайди.)

У м р и (додасига эшиттириб). Уртоқ Саидов, вуртиш ҳам анча оғир иш-да, а!.. (Кетадилар.)

К и ч к и н а х ў ж а. Ажаб савдолар!.. Ажаб савдолар!.. (Дўконидан чиқиб келган Дилдор тоғани кўриб.) Ассалому алайкум, тоға, яхши ётиб турдиларми?

Д и л д о р т о ў а. Ваалайкум ассалом, хўжам. Нучун бугун барвақт йўқладилар.

К и ч к и н а х ў ж а (сунага ўтириб, тиззасига уриди). Бевафо фалак!.. Уҳ!..

Қўйинг, тинғиллатманг, шу топда юрагимга қил ҳам сифмайди.

Дилдор тоға. Ўзи нима гап?

Кичкина хўжа. Одамлар хотини қиз туққанда бежиз хафа бўлмас экан.

Дилдор тоға. Ҳа, қизингизга нима бўлди?

Кичкина хўжа. Нима бўларди? Тўйни бузди! Муродхоновга келин бўлмас эмиш. Унинг ўғли бекорчи, шилқим эмиш. Энди мен хўжайинга қайси юз билан кўринаман, тоға?

Дилдор тоға. Қани, бундоғ ўтиринг, хўжам, мен сизга йўл-йўриқ ўргатай.

Кичкина хўжа. Раҳмат, тоға. Қани, қулогим сизда.

Дилдор тоға. Қизингиз мусичадек бегуноҳ, хўжам. Уртадаги гапга уни аралаштирманг. Айбни Муродхоновнинг ўзига ағдаринг.

Кичкина хўжа. Йўғ-е!.. Мени лақиллатяпсиз, тоға!

Дилдор тоға. Қизингизнинг айтгани тўғрига ўхшайди. Менга ҳам тинчлик йўқ. Мақсудхон деворим тагида тонг отгунча сайрагани-сайраган.

Кичкина хўжа. Тўғри айтасиз, тоға. Мен ҳам шу бугун кўрдим. Нима, у қизингизга илашиб юриптими?

Дилдор тоға. Ғашимга тегяпти. Раисга арз қилмоқчиман,

Муродхоновнинг шарпасини сезиб Дилдор тоға ўзини дўкон ичига олади.

Кичкина хўжа. Ассалому алайкум, хўжайин!..

Маҳмудхон (совуқ). Ҳа, нима гап?

Кичкина хўжа. Хўжайин, айб мендамас..

Маҳмудхон (сенсирайди). Қизингизга сўзинг ўтмагандан кейин нима қиласан менга рўпара келиб!..

Кичкина хўжа. Сўзим ўтади, хўжайин. Уч-тўрт кун сабр қилинг.

Маҳмудхон. Ўғлимни уйингдан ҳайдатиб, мени ерга қаратдинг, номард!

Кичкина хўжа. Бунчалик экан, чиқимингизни тўлайман, хўжайин.

Маҳмудхон. Сенда пул нима қилади?

Кичкина хўжа. Ҳовлимни сотаман, қарз-ҳасана қиламан, ўзимни гаровга қўяман, тўлайман!

Маҳмудхон (*Кичкинаҳўжанинг ёқасидан бўғади*).  
Осон қутулмоқчимисан, жиннихўжа? Менга пул керакмас!  
Менга юрт олдида обрўйим, шаён-шавкатим керак! (*Қаттиқроқ бўғади.*) Жонингдан умидинг борми?!

Кичкинаҳўжа. Вой-вой-вой!.. Жоним чиқиб кетади!..

Маҳмудхон. Тўнғиз қўпасан, бетайин хўжа!..

Кичкинаҳўжа. Жон хўжайин, қийнаманг! Қизимни кўндираман, ўғлингизга бераман!

Маҳмудхон. Онт ич, аблаҳ!

Кичкинаҳўжа (*бўғилиб*). Онт ичаман!..

Маҳмудхон Кичкинаҳўжани қўйиб юборади. У шилқ этиб супага тушади.

Кичкинаҳўжа. Астағфирулло!.. Одамнинг жони чиқиб кетадям демайсиз-а!

Маҳмудхон. Қизинг ўғлимни жуда беобрў қилибди. Бу гап элга ёйилмасин. Ўйигитнинг номуси бамисоли шиша. Синса, чегалаб бўлмайди...

Кичкинаҳўжа (*аччиғланиб*). Ҳа-ҳа!.. Ўйигитнинг номуси шиша экан-да... Қизинг номуси-чи?

Маҳмудхон. Нима демоқчисан?

Кичкинаҳўжа (*сенсирашга ўтади*). Сенинг ўғлингга доғ тушмасин. Менинг қизимга доғ тушса бўлаверади — шундайми?

Маҳмудхон (*хуркиб*). Бу нима деганингиз, хўжам?

Кичкинаҳўжа. Сенинг ўғлинг тоғанинг эшигида ҳар кун азонгача сайраб чиқса майли эканда-а?! Кўрган билганларнинг сўзини эшитдингми? Сенинг ўғлинг, Абдикарим туллакнинг кал хўрози, деб ном чиқарибди. Эл-юрт олдида шарманда қилдинг мени! Кечдим қудачилигингдан!..

Маҳмудхон. Йўғ-е! Мени калака қиляпсиз, хўжам!.. Мабодо, Мақсудхон бебошлик қилган бўлса ҳам, шу гап пинҳоний қолсин.

Кичкинаҳўжа. Пинҳоний қолсин! Ия-ҳа, ҳали Мақсудхоннинг ярамаслиги пинҳоний қолсинми?! Ким ижозат берди сенларга пинҳоний иш қилишга? (*Маҳмудхоннинг ёқасидан бўғади.*) Кимсан сенлар ўзинг? Сенинг савлат тўкадиган ўғлинг қачондан бери бировларнинг қизини йўлдан урадиган бўлиб қолди? Ҳозир Дилдор тоғани чақираман! Иккаламиз правлениега арз қиламиз! Умумий мажлисга қўямиз!

Маҳмудхон (бўғилиб). Хўжам, жон хўжам, шафқат қилсинлар!..

Тушки овқатга занг урилади. Ешлар қўшиғи эшитилади.

Кичкина хўжа. Бахтингга одамлар келиб қолди, бўлмаса, масалангни бир ёқли қилиб қўя қолардим...

Деворий газета кўтариб Наима, қизлар, йигитлар, Комилжон, Салима, Баҳор, Мақсудхон кирадилар.

### Хор

Хар бирингиз бу ҳаётга жон бўлиб,  
Колхозистон боғига боғбон бўлиб,  
Номингиз эллар аро дoston бўлиб,  
Меҳнат аҳли, пахтакорлар, ҳормангиз,  
Юртида мард, бахтиёрлар, ҳормангиз!

Ўлкамиз, дўстлар, шараф-шон ўлкаси,  
Олам ичра эркин инсон ўлкаси,  
Ўлкалар ичра гулистон ўлкаси.  
Бор бўлинг, донгдор бўлингиз, толмангиз,  
Юртида мард бахтиёрлар, ҳормангиз!

Комилжон (Наимага). Газетани шу участкага осинг!

Наима. Шеъримнинг сарлавҳасини нима деб қўяй:  
«Кетмонга суйанганлар» дебми, ёки «Суйанчиғи кетмонлар» дебми?

Комилжон. Қани, ўқинг-чи?

Наима. «Бу ерда пахтакорлар катта кетмонларга ҳамдамдир,  
Муродхонов ишидан қанча кўнгиллар тўла гамдир».

Маҳмудхон. Тавба...

Наима. «У ишни доимо мушкул этиб, дейди: отам кетмон.

Машина бошқаришга қодир инсонга ситам кетмон».

Комилжон. Балли, Наимаой!

Баҳор. Айни муддаони ёзибсан!

Наима. «Қолоқликни омонсиз ҳажв қилдим, элга фош бўлди.

Менинг ёзган сўзим иллатни ёндирган қуёш бўлди!»

Маҳмудхон. Раҳбарнинг обрўсини туширишга йўл қўйманман!

Назма газетани Муродхонов деворига осди, Маҳмудхон уни йиртмоқчи бўлади.

Кичкинаҳўжа. Ҳай-ҳай, хўжайин, бола-чақангиз бор-а!

Комилжон. Сарлавҳаси тайёр: «Қолоқликни ёндирамиз!»

Баҳор. Жойида!..

Мақсудхон. А, лаббай?

Баҳор (*Мақсудхонга терс қараб, қизларга сўзлайди*). Ҳай, овқат вақти ўтиб кетаёзди. Юринглар, шийпонга!..

Ҳамма сой этагига тушиб кетади. Газета қаршисида Кичкинаҳўжа билан Маҳмудхон қоладилар.

Кичкинаҳўжа (*ўқийди*). «Колхозда гишт заводи...», «Тошлоқ — бинокорлик хазинаси», «Техникани юз фоиз ишлатайлик», «Қолоқликни ёндирамиз»... ҳм... ҳм... Муродхонов... Бу, хўжайин, дейман, фамилиянгизни ашула қилиб айтса ҳам бўларкан, мана: (*Катта ашула йўлида айтади.*)

«Бу ерда пахтакорлар катта кетмонларга ҳамдамдир, Муродхонов ишидан қанча кўнгиللар тўла ҳамдир...»

Маҳмудхон. Бас, бас-ей!.. Энди бу ёғи нима бўлади, хўжам? Иложини топинг, иложини!..

Кичкинаҳўжа. Иложиними?.. (*У ёқдан-бу ёққа юриб ўйлайди.*) Иложи йўқ!..

Маҳмудхон. Уша қадрдонлигимиз — қадрдонлик, хўжам. Мен ўғлимни койиб қўяман, иккинчи бебошлик қилмайди. Сиз ҳам қизингизга панд-насиҳат қилинг, мени танқидга нишон қилавермасин. Ахир, мен ҳам қирқ йиллик тажрибакорман. Худо хоҳласа, суюкли келиним бўлади. Келинг, энди, бир иложини топинг!

Кичкинаҳўжа. (*Ўйлайди.*) Иложи бор!..

Маҳмудхон. А, лаббай?..

Кичкинаҳўжа. Иложи шуки, кўпчиликнинг раёига қарайсиз. Илми оёқ ости қилмайсиз. Менинг қизим ҳам агроном, ҳа! Дарвоқе, хўжайин, машиналарнинг занг босиб ётиши чакки. Айниқса, пахта териш машинасини нимага сотиб олдигу, нимага омборга қамаб қўйибмиз?

Маҳмудхон. Йўқ! Йўқ! Ундан оғиз очманг. Пахта-  
ни расво қилади.

Кичкина хўжа. Ундоқ бўлса, иложи йўқ...

Маҳмудхон. Э, худо... Шарманда қилдинг!.. Бош-  
қа йўли йўқми-а, хўжам?

Кичкина хўжа. Бор. Ҳосилотликни йиғиштириб,  
қоровуллик қилиш!

Маҳмудхон. Йўғ-е! Мен ҳали қирқ сентр пахта  
бераман! Мен ҳали ёшларга пахтадан дарс бераман. Мени  
нима деяпсиз? Комилжон ҳали мендан, минг бор узр сў-  
райди, ҳа!

Кичкина хўжа. Қойил! Ана шу дадиллигингиз  
менга ёқади, хўжайин. Қурбонингиз бўлгим келади го-  
ҳиларда!..

Маҳмудхон (хурсанд). Раҳмат, хўжам, раҳмат!..  
Юринг энди, чойхонада бир отамлашайлик!

Кичкина хўжа. Кетдик, хўжайин, кетдик!..

Иккови ашула айтиб, ўйинга тушиб кетади.

### Иккови

Иккаламиз қуда бўлсак, хушчақчақ,  
Дўстлар билан тўда бўлсак, хушчақчақ.  
Набиралар бирин-кетин туғилса,  
Ун фарзандга бува бўлсак, хушчақчақ.

Иккаламиз даврон сурсак, хушчақчақ,  
Дард кўрмасак, қувнаб юрсак, хушчақчақ,  
Мардга муҳтож, номардга зор бўлмасак,  
Паловхонни катта урсак, хушчақчақ.

Азаматлар, хушчақчақ!  
Валломатлар, хушчақчақ!



## УЧИНЧИ ПАРДА

**Кеч куз.** Янги қишлоқ тип-тинч. Кўприк остидаги сув артилган шишадай ярақлайди. Икки қатор янги уйлар. Бу — қурилаётган янги қишлоқнинг гайёр қисми. Чапда Кичкинаҳўжа уйи. Аввалги тандир ёнига шинамғица ошхона қурилган. Газ плитаси кўриниб турибди. Унда — Муродхонов уйи. Олида — правлениенинг янги биноси. Тоғ ёришяпти. Дурадгорлик асбоб-ускуналарини кўтариб олган Д и л д о р тоға сой томондан чиқиб, Кичкинаҳўжа эшигига келади, қўнғироқ тугмасини босади. Ҳовлида гулларни кесиб, кўмаётган К и ч к и н а х ў ж а эшикка югуради.

Д и л д о р т о ў а. Ошхонанинг кам-кўстини тўғрилаб кетай!..

К и ч к и н а х ў ж а. Балли, тоға!.. Аммо, ҳушёр бўласиз, газ бор!.. (Тоғага йўл кўрсатиб, ўзини чеккага олади.)

Д и л д о р т о ў а. Газ бўлса нима, хўжам? Барака топсин Азизвой, газни ғўзапоя ёққандай ёқяпмиз!

К и ч к и н а х ў ж а. Тўғрику-я тсга, аммо ғўзапоянинг ажойиб хосияти бор-да, газга ўхшаб бирдан лоп этиб кетмайди!

Д и л д о р т о ў а. Ҳали гап багда денг! Чумчуқчалик ҳам юрак йўқ, сизда, хўжам. Қани, баққа келинг, мен сизга газни ёқишни ўргатиб қўяй!..

К и ч к и н а х ў ж а. Йўғ-е, тоға, бирор шикаст...

Д и л д о р т о ў а. Қўрқманг, келаверинг!

Дилдор тоға плита тепасига бориб, қулоғини бурайди, гугурт чақади. Газ парр этиб ёнади. К и ч к и н а х ў ж а чўчиб ошхонадан қочиб чиқади.

К и ч к и н а х ў ж а. Қўйинг-е, тоға, ўтакамни ёриб юбордингиз.

Дилдор тоға (тандирни кўздан кечиради). Ия, ҳа, тандирга ҳам газ ўтказилибди-ку!..

Кичкина хўжа. Ким билади дейсиз, ҳалиги, тошкентлик йигитнинг иши-да... уйда, печкага ҳам улади, чамамда...

Дилдор тоға. Бизга унақа қилгани йўқ. Ошхонага ўтказиб кетаверди. (Кулади.) Ия, ҳа, косанинг тагида нимқоса бор денг!..

Кичкина хўжа. Бу нима деганингиз, тоға? Сиз ҳам кейинги пайтда илмоқли гапирадиган бўп қолдингиз.

Дилдор тоға. Ҳай, илмоқсиз гапирай. Бу дейман, хўжам, Азизвойнинг уйингизни бу қадар кўнгил қўйиб бежаши бежиз эмасдир-а?

Кичкина хўжа. Яъни, масалан, тоға?!

Дилдор тоға. Газни бир ёққа қўйиб турайлик. Манов уйингизнинг нақшини қаранг. Азизвой — инженер, Ҳеч кимнинг уйига нақш солгани йўқ. Ана, шохда булбул сайрапти. Бунинг маъноси нима?

Кичкина хўжа. Нима бўларди, турмушдаги гап-да!

Дилдор тоға. Отангизга раҳмат! Мен ҳам шунга айтипман. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, хўжам, Азизвойни ичқуёв қилиб олардим.

Кичкина хўжа. Нима, нима? Ичқуёв қилиб? Эспесингизни еб қўйганмисиз, тоға? Керак бўлса, уни ичқуёв қилиб олаверинг, нима қиласиз менга ёпиштириб?

Дилдор тоға. Ана шу қайсарлигингиз қолмади-да! Ўзингиз биласизки, қизингиз Маҳмудхонга келин бўлмайди.

Кичкина хўжа. Бўладими, бўлмайдами — худо билади. Аммо у шу кеча-кундузда Маҳмудхон акага ёрдамга кетган.

Дилдор тоға. Ана, холос. Тилни қичитасиз-да, хўжам. Мен сизга қизингиз нимага ўшаққа кетганини айтай. Умриниса планини тўлдирганига, мана, бир ойдан ошди. Даласини шудгор ҳам қилиб қўйди. Барака топсин, машинанинг қадрига етади. Маҳмудхон ёмонотлиқ қилган терим машинасини ўз кўзим билан кўрдим. Пахтани чунонам шипиллатиб тердики, оғзим очилиб қолди. Ерга тўкилган пахталарни қизларимиз шипиллатиб териб олишди. Одамлар ҳам қийналмади, иш ҳам тез битди. Маҳмудхон нима қилди, денг? Даласига машина киритмади, Аммо у киритмаса нима? Халқ киритардику-я... Олт-

мишу олтмиш ўрнига эллигу эллик ишнинг белига тепди. Машинага тўғри келмайди-да, хўжам. Натижада ҳамма далада ётиб, эрта-ю кеч қора тер тўкди. Ҳосилини ёмон демайман. Аммо совуқ уриб кетди. Мактаб ҳам ёпилди, яриги участкадаги колхозчилар ҳам ёрдамга келди, шаҳардан ҳам беш юз киши чиқди. Умриниса ҳам ўша ерда. Ана энди ўзингиз айтинг: шу одамлар ҳаммаси текинга ишлайдими, пулгами? Албатта, пулга ишлайди. Пулни Маҳмудхон кармонидан берадими, колхоз тўлайдими? Колхоз тўлайди. Хўш, меҳнат кунига келайлик. Умриниса участкасидаги аъзолар йигирма сўлкавойдан олса, Маҳмудхон участкасидаги аъзоларга йигирма тангдан ҳам тегмайди.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Йўқ, тоға, ҳамма аъзолар бир хил ҳақ олиши керак.

**Д и л д о р т о ғ а.** У замонлар ўтиб кетган, хўжам. Мен бир кунда ўнта курси ясай, сиз битта курси ясанг. Ким кўп пул олади?

**К и ч к и н а х ў ж а.** Албатта, сиз кўп оласиз.

**Д и л д о р т о ғ а.** Гап ана шунда, хўжам. (*Ошхона шифти тагига тахта карниз қоқади.*) Умриниса шаҳардан келибоқ хўжалик ҳисоби деганда, унча тушунмаган эдик. Ана энди тушундик.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Колхоз иши ҳам бир жумбоқ экан, тоға, ўйлаб тагига етолмайман.

**Д и л д о р т о ғ а.** Халқ тагига етди. Қани, Маҳмудхон энди: машинани ишлатмайман, десин-чи? Халқ унинг бетига қора суркаб, қишлоқдан ҳайдайди.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Чини биланми?

**Д и л д о р т о ғ а.** Мана, кўрарсиз... (*Ошхонани кўздан кечиради.*) Ошхонангиз тўйбоп бўлди, хўжам. Ҳаракатни қила беринг. Энди мен кетдим.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Кетманг, ҳозир чой қўяман.

**Д и л д о р т о ғ а.** Чойни нча берасиз, мен ишдан қолмай, план тўлишига янги уйлар бекам-кўст тайёр бўлиши керак.

**К и ч к и н а х ў ж а.** Ҳай, ўзингиз биласиз.

**Т о ғ а** кетади. **К и ч к и н а х ў ж а** уйга киради. **К о р ж о м а д а А з и з** пайдо бўлади. **К ў н г и р о қ** тугмасини босади.

**А з и з (кириб).** Салом!

**К и ч к и н а х ў ж а.** Келинг, йигит, келинг, хизрни йўқласак бўларкан. **Д и л д о р т о ғ а** шу топда жанобларини

таърифлаб турган эди. Қани, чойга. Дастурхон устидан чикдангиз, қайнанангиз суйди шекилли.

А з и з. Қайнанам суйишига шубҳам йўқ-ку-я, аммо қайнатам ҳам суйса эди...

К и ч к и н а х ў ж а. А, лаббай?.. (Бошини чайқайди). Бу, йигит дейман, жаноблари, гапни таги-заминидан олар эканлар-да, а?

А з и з (кулиб). Уйнинг озгина чаласи бор эди, шуни тамомлаб кетмоқчи эдим.

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳа, майли, майли! (Чойгумга чой дамлайди, қуйиб Азизга узатади). Қалай, Тошкентни соғинмадингизми? Хат-хабар олиб турибсизми? Ота-оналарингиз, ака-укаларингиз яхши юришибдимиз?

А з и з. Раҳмат, амаки. Дадам Тоштрамда ишлайдилар, мотор тузатадилар. Онам уйда. Ун бир бола билан ўралашиб қолган.

К и ч к и н а х ў ж а. Шундай денг. Сиз билан ўн икки бола экансизлар-да? Саломат бўлишсин... Хўш, бизнинг қишлоғимиз сизга маъқул бўлдими?

А з и з. Маъқул бўлганда қандай, амаки. Гўзалликда беқиёс; бойликда хазина. Одамларини айтмайсизми, бирам хуш табиат, бирам ширин сўз! Қани энди, насиб бўлса-ю, умр бўйи шу ерда яшаб қолсам...

К и ч к и н а х ў ж а. Ажаб эмас, ажаб эмас... Қалай, ўзингизга ҳам уй қуриб олдингизми?

А з и з. Елғиз бошимга уйнинг нима кераги бор, амаки? Комилжон аканикида турибмиз. Иккимиз битта қоричдан таллашиб тушгандай бўлиб қолдик. У киши доим далада.

К и ч к и н а х ў ж а. Комилжон уйланмоқчи эмасми?

А з и з. Уйланмоқчи.

К и ч к и н а х ў ж а. Кимга?

А з и з. Бу сир, амаки.

К и ч к и н а х ў ж а. Оббо, сенлар-ей!.. Ҳа, майли. Мен энди хирмонга борай, пахта ташияпман. Иш тиқилинч. Сиз, йигит, ишингизни қилаверинг.

А з и з. Хўп, амаки.

К и ч к и н а х ў ж а кетади. Азиз айвон деворидаги чала суратни ишлайди.

## А з и з а р и я с и

Гулшанда кезиб маст бўламан, раъноси бўлакча,  
Ҳар бир гулининг ранги, таманноси бўлакча.

Гулзорга нечун талпинади парвона бу кўнглим,  
Лола каби қип-қизилу шаҳдоси бўлакча.

Булбул нафаси бир-ла кулиб, ғунча ёзар гул,  
Ошиқ куйининг завқи бўлак, маъноси бўлакча.

Азнэ расмга машғул бўлади. Идора ёнбошидаги йўлдан пахта қизил карвони ўтади. Сўнги машина товуши тиниши билан саҳнага Умри, Комилжон, Маҳмудхон кириб келадилар.

Комилжон. Шу бугун тун билан зўр берганимиз яхши бўлди. Халқимизга балли, мижжа қоқмади-я! Ўртоқ Муродхонов, сизнинг кетмонга ёпишиб олишингиз колхозимизга жуда қимматга тушди.

Маҳмудхон. Планни бажардим-ку, ахир!

Комилжон. Ҳали ҳам дабдабадан тушмайсиз-а, ўртоқ Муродхонов. Участкангизда планнинг бажарилиши минг-минг кишиларнинг ортиқча меҳнати ҳисобига, четдан келган теримчиларга берилган юз минг сўм пул ҳисобига, мактабимизни уч ой ёпиб қўйиш ҳисобига, шаҳардаги йирик завод ишига путур етказиш ҳисобига бўлди.

Маҳмудхон. Қандоқ қилай, пахта шунақа мушкул иш...

Комилжон. Пахта, техникани рад этувчилар, агро-техникани барбод қилувчилар учун мушкул иш. Планни-ку бажардингиз-а, аммо халқ олдида, партия олдида жавобгарлик ҳали зиммангизда турибди.

Маҳмудхон (бўйинини эгади). Хўш, нима қил дейсиз?

Комилжон. Умри бир ой давомида икки юз аъзо-си билан далангизда ётиб ишлади. Сушилкани ҳам шулар қурди. Кўсакни ҳам шулар чувиди. Бир оғиз раҳмат дематингиз-а, ўртоқ Муродхонов?..

Умри. Менга эмас, колхозчиларга, ишчиларга, ўқувчиларга раҳмат десинлар. Халқнинг ҳимматига, ғайратига раҳмат десинлар.

Маҳмудхон. Раҳмат...

Комилжон. Гапингиз оғзингиздан тушиб кетяпти... Чарчабсиз. Дам олинг. Бафуржа гаплашамиз.

Маҳмудхон. Маъқул... (Уйига кириб кетади.)

Комилжон. Ҳорманг, Умриой! Халқимиз номидан сизга каттакон раҳмат!

Умри. Арзимаиди... Қани, юринг, нонушта қиламиз.

К о м и л ж о н. Мен борай. Райкомга рапорт беришимиз керак. Хайр, яхши дам олинг.

У м р и. Хайр. Азиз ака!

А з и з. Умри!

Янги уйини энди кўраётган Умри завқланиб кўздан кечиради. Айвонда расм солаётган Азизни кўриб, ҳовлига отилиб киради. Иккови кучоқлашиб кўришадилар.

У м р и. Қишлоқни бутунлай янги қилиб юборибсиз-ку, Азиз ака?

А з и з. Сиз пахтада қилган меҳнатнинг томчисига арзимаёйди. Ундан кейин, бу уйлари мен қурганим йўқ, Дилдор тоға бошлиқ бинокорлар бригадаси қурди.

У м р и. Жуда камтаринсиз-да!.. (Расми кўздан кечиради.) Мен сизнинг инженерлигингизни билардим, расм-лигингизни билмасдим...

А з и з. Сизга маъқул бўлса бўпти-да...

У м р и. Маъқул ҳам гапми...

А з и з. Мана, бугун план ҳам тўлди, уй ҳам битди, Газ қозонлар ҳам қурилди. Энди... ҳалигидай... совчи юбораверсак бўлармикин?..

У м р и. Дадам...

А з и з. Дадангиз бугун мен билан биринчи марта очилиб сўйлашдилар. Ота-онамни, ака-укаларимни суриштирдилар. Қишлоғингиз менга ёққан-ёқмаганлигини сўрадилар ва ҳатто, «ўзингга уй қурмадингми?» деган саволни ҳам бердилар.

У м р и. Эшитиб турган қулоқларимга ишонмайман...

А з и з. Мен ҳам ҳайрон қолдим. Хуллас, дадангизнинг кўнгиллари андак юмшаганга ўхшайди. Хўп десангиз, совчиларни шу бугун юборай. Темирни қизигида босган маъқул. (Асбобларини йиғиштиради.)

У м р и. Дадам, яна, йўқ, деб туриб олсалар-а?

А з и з. Хотиржам бўлинг, шунақа совчиларни юбораманки, дадангиз бисотдаги тўнларини кийгизиб юборадилар! (Югуриб чиқиб кетади.)

У м р и (ёлғиз). Кошки эди...

У м р и а р и я с и

Меҳринг дилимда, кўзим йўлингда,  
Азизим, жоним, келгил эртароқ!

Менга ором бер, бағрим қўлингда,  
Эй паҳлавоним, келгил эртароқ!  
Энди умрбод ёнимда бўлгил,  
Ҳаётимда бўл, жонимда бўлгил,  
Муҳаббатимда, шонимда бўлгил,  
Шарафим, шоним, келгил эртароқ!

Девордаги гулзор расмига узоқ тикилади, кейин алланарса бирдан  
эсига тушиб ҳовлиқади.

Энди аям келгунча, уйларни йиғиштириб қўйй. (Уйга  
кириб кетади.)

Сой томондан Мақсудхон чиқиб келади. Эшиги олдидаги супача-  
га ўлириб, ўйга толади. Баҳор оёқ учида келиб, Мақсудхон-  
нинг ёнида деворга суянади.

Баҳор. Ҳа, намуноча хаёл! Маъшуқангиз уйдан чиқ-  
маяптиларми?

Мақсудхон (сапчиб ўрнидан туриб.) Аччиқ гап-  
ларингиз ханжарларини ҳадеб кўкрагимга санчаверманг!..  
Ахир, биз ҳам бир мусулмоннинг гуноҳсиз боласи...

Баҳор. Гуноҳсиз эмиш... Бир ойдан бери дом-дараксиз  
кетади-да, яна, гуноҳсизман, дейди...

Мақсудхон. Бир ойда икки минг машина тош етка-  
зиб бердим. Соё бўйидаги янги уйингизнинг пойдеворига  
ҳам бизнинг харсанглар терилган.

Баҳор. Нима бўпти?.. Ҳадеб писанда қилаверманг!  
Тошни қўйинг, бағри тош! Тош ташиганингиз билан ме-  
нинг ҳасратим тошиб, янги ҳасратларга туташ бўлиб одош  
бўлармиди?.. Бағри тош!

Мақсудхон (қувониб). Вой, тош-тош-тош — деган  
тилингдан! Чинданми?! Ростми?!

Баҳор. Ҳа!.. Аммо сиз талтайманг!.. Аввал, гуноҳла-  
рингизни ювинг.

Мақсудхон. Гуноҳим — сизни севганим, холос!

Баҳор. Ундоғ бўлса... ундоғ бўлса... (Ерга қараб, со-  
чини ўйнайди.) Ундоғ бўлса... Нега совчи юбормайсиз?

Мақсудхон. А, лаббай?.. Раҳмат! Раҳмат-ей!.. Шу  
бугуноқ совчи юбораман-да, жонидан!

Мақсудхон ва Баҳор дуэти.

Мақсудхон

Йўл кўрсатдинг менга, ёр, ташаккур,  
Мужгон отдинг менга, ёр, ташаккур.

## Баҳор

Хижрон ўти сўнди, бахт жилмайди,  
Дил сайратдинг менга, ёр, ташаккур.

## Иккови

Қўлни қўлга бериб, шод қувнаймиз.

## Баҳор

Кулиб боқдинг менга, ёр, ташаккур!

## Мақсудхон

Дарс ўргатдинг менга, ёр, ташаккур.

## Иккови

Дил сайратдинг менга, ёр, ташаккур!

Мақсудхон Баҳорнинг қўлларини силайди.

## Баҳор. Бўлди! Талтайманг!

Сойдан чиқиб келаётган Кичкина хўжа билан Карима уларни кучоқлашиб турган ҳолда кўриб, ҳанг-манг бўлиб қоладилар.

## Баҳор. Вой ўлмасам?!

Мақсудхон билан Баҳор уй орқасига қочиб ўтадилар.

Карима. Дадаси, бунга нима дейсиз?

Кичкина хўжа. Ажаб савдолар!.. Ажаб савдолар!..  
Бошидаёқ кўнглим жаз... этмаган эди-я!..

Карима. Қўйинг-е, хўжайинингизга суйкалиб ўлдингиз-ку!

Кичкина хўжа. Ким менинг хўжайиним? Маҳмудхон Муродхоновми? Сен нима деяпсан, хотин? Менинг унақа хўжайиним йўқ!..

Карима. Ана энди ўзингизга келдингиз, дадаси.

Кичкина хўжа. Мен киму Муродхонов ким!..  
(Муродхоновнинг уйига эшиттириб.) Мен сенга кимлигимни кўрсатиб қўяман! Сен ҳали чучварани хом санабсан! (Каримага.) Сандиқни оч, хотин, мен унинг латтапутталарини шу топдаёқ опчиқиб бераман!



Шовқинга уйдан У м р и югуриб чиқади.

У м р и. Нима гап ўзи?..

К и ч к и н а х ў ж а. Бор, бор! Сен аралашма! Шу топда кўзимга ҳеч нарса кўринмайди!

К а р и м а. Қўявер дадангни, қизим, хайрли иш қилмоқчи...

Булар уйга кириб кетишади. Бир оздан кейин, Кичкинаҳўжа катта тугун орқалаб куйлаганча, М у р о д х о н о в эшигига боради.

### К и ч к и н а х ў ж а

Эскилик жонни эзди, аттанг,  
Юки гарданни эзди, аттанг,  
Топширай-ю, қутулай,  
Тикан бўстонни эзди, аттанг!

Эсим қаёқда экан, аттанг,  
Хаёлим тоғда экан, аттанг,  
Чуқурроқ ўйлаб кўрсам,  
Жоним қийноқда экан, аттанг!

(Гулуғни супачага қўйиб, чақиради.) Ҳо, Муродхонов!..  
Бормисиз!.. Чиқинг, кутиб қолдик!..

М а ҳ м у д х о н (чиқиб). Нима шовқин?

К и ч к и н а х ў ж а. Қиёмат қарзни олиб келдим...  
(Дудуқланиб.) Хўжайин... (Овозини кўтариб.) Олинг бу ташвишни!

М а ҳ м у д х о н (маъюс). Кераги йўқ! Энди ҳеч нарса керакмас!.. (Бирдан бақариб юборади.) Йўқол, кўзимга кўринма!

К и ч к и н а х ў ж а. Ия-ия, хўжайин, ажаб савдолар!.. Ажаб савдолар! Ахир, мен сизга нима гуноҳ қилдим?!

М а ҳ м у д х о н. Нима гуноҳ қилдим, эмиш? Аввал, тўйдан доврўқ солиб, кейин, мени эл-юрт олдида шарманда қилган сенмидинг, бошқамиди?! Мени «пахтанинг пирисиз» деб қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб, оқибат, бир тош нарига қочган ким? Сенми, бошқами?

К и ч к и н а х ў ж а. Хўжайин, ўтган ишга салавот.

М а ҳ м у д х о н. Йўқол, остонамга қадам қўйма, ик-каламизнинг орамиз эқчи-кўкчи!

К и ч к и н а х ў ж а (бақиради). Сен мени ким деяпсан? Латта-путтага сотилади деб ўйлабсан-да мени?! Сенинг берган латта-путталаринг менинг бу йилги даромадимга хамиртуруш ҳам бўлмайди. Ол, лаш-лушингни! (Тугундаги молларни Муродхонов ҳовлисига улоқтира бошлайди.)

Ма ҳ м у д х о н (Кичкинаҳўжага мушт кўрсатиб). Ҳап сеними, ҳали кўришамиз!..

К и ч к и н а х ў ж а. Қўрқитолмайсан мени! Тўғри йўлни топиб олганман!

Муродхонов уйига кириб кетади. Кичкинаҳўжа, тугунни унинг ҳовлисига отиб, яна ашуласини айтиб, ўйинга тушиб кетади.

Эсим қаёқда экан, аттанг,  
Хаёлим тоғда экан, аттанг,  
Чуқурроқ ўйлаб кўрсам,  
Жоним қийноқда экан, аттанг!

Шу вақт сой томондан Дилдор тоға билан Комилжон ялласи эшитилади. Улар келиб, Кичкинаҳўжага эгилиб салом берадилар.

С о в ч и л а р а ш у л а с и

Сизга салом келтирдик,  
Қутлуғ бўлсин, ёр-ёр.  
Ширин калом келтирдик,  
Улуғ бўлсин, ёр-ёр.

Интизорлик сўнгида  
Висол келсин, ёр-ёр.  
Ғалабалар тонгида  
Иқбол келсин, ёр-ёр.

Йўқ, деманг, жоним акам,  
Қабул этинг, ёр-ёр.  
Ниятимиз чинакам  
Яхши кутинг, ёр-ёр.

Остонаси тиллодан  
Уй муборак, ёр-ёр.  
Сўзлайлик муддаодан,  
Тўй муборак, ёр-ёр.

Кичкина хўжа. Келинг, раис! Келинг, тоға, келинг! Қадамларингизга ҳасанот!

Кучоқлашиб кўришадилар.

Қани, уйга марҳамат! Ҳой, Умри, меҳмонлар келиб қолишди, янги кўрпачалардан, пар болишлардан опчиқ!..

Карима (уйдан чиқиб, совчиларга таъзим қилади, жой солади). Хуш кўрдик, айланайлар. (Уйга югуриб кириб кетади.)

Кичкина хўжа. Қани, раис, тўрга чиқинг! Тоға, юқорироқ ўтиринг!

Дилдор тоға. Омин, тўй устига тўйлар бўлаверсин!

Кичкина хўжа дастурхон ёзади, чой қуяди.

Дилдор тоға. Бир хайрли иш билан келдик.

Кичкина хўжа. Эшитайлик?

Дилдор тоға. Бизда бир булбул бор. Шу боққа кўнмоқчи.

Комилжон. Уша булбул сизнинг гулингиз ишқида маст. Ҳаммага уй қуриб беряпти-ю, ўзига уй қуролмай доғда.

Кичкина хўжа. Қани, қани, қанақа булбул экан у?

Дилдор тоға. Меҳнаткаш булбул. Эс-ҳушли булбул.

Комилжон. Қисқаси, ўзингизнинг Азизвойингиз.

Кичкина хўжа. Шундоқми? Ҳай, бўлмаса мен, туғиб катта қилган онаси билан бир маслаҳатлашай-чи. Ҳар қалай, оқ сут берган онаизор-да...

Кичкина хўжа уйга кириб кетади ва бир оздан кейин иккита тўн кўтариб, уйдан чиқиб келади.

Кичкина хўжа. Маслаҳатимиз битди. Қани, ўз кўлим билан кийгизай!.. (Совчиларга тўн кийгизади.)

Дилдор тоға (дуо қилади). Қўшақарисин, увалижували бўлсин...

Совчилар кетади. Кичкина хўжа хотинини шошириб, уйни остивустин қилади.

Кичкина хўжа. Сен энди ҳаракатингни қилавер! Мен дўстларимга хабар қилай. Хотинларни йиғ. Кўрп...

тўшакларни қавишга тушинглар. Кўпроқ патир ёп. Ошга унна, ҳадемай уйингни меҳмон босади.

К а р и м а. Хўп, дадаси, хўп!

Кичкина хўжа кетади. Умри уйдан чиқиб, ўзини онасига отади, унинг бағрига юзини яширади. Колхозчилар, қизлар, йигитлар йиғила бошлайди.

Б а ҳ о р (Умрига). Табриклайман, ўртоқ!

Қўни-қўшнилари, қизлар, йигитлар ҳар томондан келаверади, Наима, Салима. Ҳалималар чопиб келади. Йигитлар Азизни олиб киради. Шодлик, ашула, ўйинлар бошланади.

У м у м и й а ш у л а

Муборак куёв ўғлон,  
Бахтидан камол топсин.  
Ошиёни бу бўстон  
Хуснидан жамол топсин.

Бахти доим йўлдоши,  
Ҳар қачон баланд боши,  
Эл ҳамиша қўлдоши,  
Яшасин, ниҳол топсин.

Йўлида зафар бўлсин,  
Меҳнати самар бўлсин,  
Айтгани шакар бўлсин,  
Мевасидан бол топсин.

Елкасида кетмон Маҳмудхон уйдан чиқиб, Кичкина хўжа эшигидан мўралайди. Шу вақт гулдаста кўтариб келаётган Кичкина хўжа унга дуч келади.

К и ч к и н а х ў ж а. Кираверсинлар, Муродхонов. Янги уй қутлуғ келиб, тўй бошлаб юбордик.

Маҳмудхон. Муборак бўлсин!

К и ч к и н а х ў ж а. Кириг, кириг, ийманманг!

Маҳмудхон. Раҳмат, дўстим. Ҳозир киролмайман. Кўпчилик менинг участкамда тер тўкиб, ноҳақ эканимни исбот қилди. Қайсар эканмиз, хўжам. Кетмон мени хижолат қилди. Кечдим энди бу дақиюнусдан... (Кетмонни иргитади.)

К и ч к и н а х ў ж а. Мана энди ўзингизга келдингиз, лхшиям мен сал илгарироқ ақлимни топган эканман. Элдан хижолат бўлманг... Қани, юринг...

М а ҳ м у д х о н. Йўқ-йўқ, хўжам. Ўзим алоҳида Умриниса билан Азизвойни йўқлаб қўй етаклаб кираман.

К и ч к и н а х ў ж а. Ҳай, ўзлари биладилар...

М а ҳ м у д х о н кетади. К и ч к и н а х ў ж а уйга кириб, қизлар ўртасидаги Умрини чақиради.

К и ч к и н а х ў ж а. Умриниса, бери кел, қизим. Дадангни кечир, опоч. Бахтинг ана шу гулдай очилиб турсин! (Қизини бағрида эркалайди.) Раҳмат, момо қизим!..

П А Р Д А

1959 йил

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

SECRET

# **ЎҒИЛ УЙЛАНТИРИШ**

**УЧ ПАРДАЛИ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ**

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- Тоштемир. Уғлини уйлантиролмай бўғилиб юрган ота, 50 ёшда.  
Трактор заводининг ишчиси.
- Сорахон. Унинг хотини, 45 ёшда. «Шарқ гули» артелининг чевари.
- Аҳмадали. Уларнинг ўғли. Армия хизматини бажариб келган гвардиячи солдат, ишчи, 24 ёшда. Кечқурун институтда ўқийди.
- Норхўжа. Ушлаб вазифа алмаштирган ўртача ходимлардаш. Шу кунларда «Қизил кетмончи» артелининг раиси. Тоштемирнинг тенгдоши.
- Хадича. Унинг хотини, Сорахоннинг тенгдоши. Уйда қолиб кетган аёл.
- Нишона. Уларнинг қизи, 22 ёшда. «Шарқ гули» артелининг чевари.
- Бозорхўжа. Уларнинг ўғли. Аҳмадалининг тенгдоши. Эрактой.
- Салим Салимов. «Қизил кетмончи» артелининг хўжалик мудирин, 40 ёшда.
- Нозик. Салимовнинг синглиси. Нишонанинг дугонаси. Чевар.
- Ижроқўм ота. Кекса большевиклардан, 65 ёшда. «Коммунизм» маҳалласининг раиси.
- Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.



## БИРИНЧИ ПАРДА

Тошкентнинг обод кўчаларидан бирида катта мевазор ҳовли. Уч томонида учта уй; ўнгдаги Тоштемирники, ўртадаги Норхўжаники, чапдаги Салим Салимовники. Гарчанд ҳовли умумий бўлса ҳам, Норхўжа ўрта саҳни ўзига қаратиб олган, икки ёнидан ариқ очган, толларини ариқнинг қўшнилар томонига эккан, яъни, уларнинг ерида чегириб қолгани етмай, гулзор, дарахтларига соя ташлаган. Июлнинг жазирама иссиқ кунлари. Эрталаб ҳовли рўяси бўм-бўш. Жимжит. Норхўжа айвонининг ёнбошидаги балад мирзатерак орқасидан қуёш баркаши кўтариляпти. Айвонда Бозорхўжа хуррак отиб ухлаяпти. Бошида китоб, дафтарлар сочлиб ётибди. Уй ичидан Норхўжа билан Хадича чиқиб келишади. Норхўжа оқ тўр майка, калта иштонда, кенг ягринини патакдай қора тук босиб ётибди. Айвон устунига осиглиқ радио қутичасининг мурватини бурайди, музика гингилаб эшитилади, ҳовли бетида, ариқ бўйида бесўнақай бадан тарбия қилади.

Норхўжа

Бир, икки, уч,  
Бир, икки, уч,  
Бирликдадир куч...

Хадича (қотиб-қотиб кулади). Ўлсин ўхшаса! Қора айиқнинг худди ўзисиз...

Норхўжа. Айиқ полвон, де, хотин, айиқ полвон!

Хадича самоварга ўт ёқади, Норхўжа бадан тарбияни давом эттиради.

Норхўжа  
Бир, икки, уч,  
Бир, икки, уч...

Баданимиз саломат,  
Турмушимиз аломат,  
Ҳай-ҳай, яшаймиз,  
Ишларимиз қиёмат.  
Бир, икки, уч,  
Бирликдадир куч...

### Х а д и ч а

Айиқ полвон сакрасин,  
Чаққон, чаққон сакрасин,  
Ҳай, ҳай балодан  
Худо ўзи сақласин.

### И к к о в и

Уғлимиз лочин бўлсин,  
Қизимиз Барчин бўлсин.  
Ҳай, ҳай, ҳар қачон  
Ошиғимиз олчи бўлсин.  
Бир, икки, уч,  
Бир, икки, уч...

### Н о р х ў ж а

Бирликдадир куч...

(Ҳарсиллаб ўтириб қолади.)

Х а д и ч а. Полвоним, «бирликдадир куч» дейсизу, шунча ошна-оғайнингиз бўла туриб, ўғлингизни ўқишга киритиб қўёлмайсиз.

Н о р х ў ж а. Сабр қил, хотин, қирқи кетиб, бири қолди. Учтасидан тўрт баҳони қойиллатдим. Бугун охиргиси. Аммо бешдан камига рози эмасман.

Х а д и ч а. Ишқилиб, пухта гаплашдингизми?

Н о р х ў ж а. Гаплашдим... Гаплашдим... (Уйга кириб кета туриб.) Сен ўғлингни уйғот. Мен дарров кийиниб чиқай, акс ҳолда Тоштемирдан яна маломатга қоламан. (Кириб кетади.)

Х а д и ч а. Ҳа, Тоштемир ака ўлсин, тили узун бўмай... (Бозорхўжанинг тепасига боради.) Тура қол, эркатоӣ! (Бозорхўжа ётган ерида ағдарилиб финшийди.) Хўжатоӣ,

тур, соат ўн бўлди. Дарров чойингни ичиб, имтиҳонингни топшириб кела қол.

**Бозорхўжа** (ёстиқни қучоқлайди, уйқусираб). Оҳ, қуралай кўз... Вой-дод, жамолингдан!

**Хадича**. Тур деяпман! Тентаквой! Аданг ҳам «дарров турсин!» дедилар.

**Бозорхўжа**. Сени ўзим бағримга мана шундай...  
Лў-лў-лў-лў-лў-лў...

**Хадича**. Нима деяпти бу ўзидан-ўзи? Тур, ширинтой, тура қол энди! (Унинг устидаги батис чойшабни тортиб.) Болам бечора дарс тайёрлайвериб, чўп-устихон бўлиб кетибди. Ўлсин, илм шунақа қийин бўлмай!.. Тура қол, бўталоқ!..

**Бозорхўжа** (кўзини ишқалайди, онасини кўради). Аяжон-чи, аяжон, бирам анвойи туш кўрибманки... Сочни курортида Нозик билан қўлтиқлашиб юрганмишман..

**Хадича**. Имтиҳонингни топшириб бўлсанг, аданг вени Сочидан ҳам яхшироқ курортга юборадилар.

**Бозорхўжа** (тангиғланиб). Нозик ҳам бирга борадими?

**Хадича**. Боради, боради. Тура қол, қўзичоғим!..

**Бозорхўжа**. Аммо менга ўша фариштани обёрманглар, хафа бўламан, оҳ, Нозик!

**Хадича**. Хўп, хўп, тура қол...

**Хадича** уйга кириб кетади. **Бозорхўжа** партўшак-ёстиқларини китобларига қўшиб тепиб, ҳовлига тушади, ариқ бўйидаги толлар орасидан **Салим Салимов** ҳовлисига мўралайди.

**Бозорхўжа**. Кўринмайди... Ухлаяпти... Биз, аканг қарағай-да, каллаини саҳарлаб уйғониб, фан чўққиларига интиладиган... Аммо, ўлай агар, кечаси ўқиганларимдан зигирчаси миямга кирган бўлса... Ҳайронман, менинг ўқишим дадамга нега керак бўлиб қолипти? Уйлантириб қўя қолса бўлмасмикан-а? (Толга суюлиб ўйга толади). Нозик... оти ҳам нозик... ўзи ҳам нозик, масала ҳам нозик... Бу Салим Салимов деган, синглисини менга берадими ёки лақиллатиб, ресторанма-ресторан судраб юраверади? Нозик... Ҳурков кийикдай қочгани-қочган мендан... Нозик, юракни иситмайдиган бир парча ўт... (Куйлайди.)

Сенсан гўзалим, Нозик,  
Қанду асалим, Нозик,

Доим кутаман, келмас,  
Дарду ғазалим, Нозик.

Еллар елади сенсиз,  
Боғлар сўлади сенсиз,  
Ешлик ўтади, кўнглим  
Ғамга тўлади сенсиз.

Севдим, севаман, Нозик,  
Ендим, ёнаман, Нозик  
Нозик, юрагим олдинг,  
Доим кутаман, Нозик,  
Сенсан гўзалим, Нозик.

Жимжит... Шунча нола қилсам ҳам, жимжит. «Лаббай!» деган биттагина сўз кимни ўлдирибди? Бир мартагина кулиб боқиш анқонинг уруғидан ҳам азиз бўпти-да! (*Кўкрагига мушт уради.*) Мана бу деворни ёриб, ичидаги оловни кўрсанг-чи, Нозик!..

Уйдан Н о р х ў ж а билан Х а д и ч а чиқадилар. Норхўжа кийиниб, портфель қўлтиқлаб олган... Хадича айвонни йиғиштириб, нонушта ҳозирлайди.

Н о р х ў ж а. Ҳой, тентак, бери кел. Дарсни яхшилаб тайёрладингми?

Б о з о р х ў ж а. Баҳоли-қудрат, дадажон. Аммо дам олиш куни ҳам имтиҳонми?

Н о р х ў ж а. Ҳамма ўтиб бўлди. Сен қолдинг. Домлангдан илтимос қилган эдим, шу бугун оладиган бўлди.

Б о з о р х ў ж а. Ёлғиз ўзи бўладими ёки тагин комиссия сўрайдими?

Н о р х ў ж а. У ёғини билмадим. Лекин, чақирганларида ўша, сенга кўрсатиб қўйган домланинг олдига бор. Билсанг-билмасанг, шартта-шартта жавоб бер. Қулоғингда бўлсин, шартта-шартта гапир. Бўшашсанг, билмас экан, дейди.

Б о з о р х ў ж а. Хўп, дадажон.

Н о р х ў ж а. Беш қўяди. Имоним комил. Кейин кечқурун домлаларинг уйга келишади. Институтга киришинг шарофатига зиёфат берамиз. Сен ҳам беш-ўнта ўртоқларингни айт.

Б о з о р х ў ж а. Хўп. (*Қўл чўзади, пул сўрайди.*) Дадажонгинам!.. (*Дадаси пул беради, у ўйнайди.*)

Х а д и ч а. Чойга келинглар. (Ўғлини эркалаб.) Хўжа-  
жон, қаймоғингизга печений тўғраб қўйдим, евола қолинг!

Н о р х ў ж а. Халча, сен ўлтиришга қўшниларингни ча-  
қир. Сорага айт, патир-матир ёпиб чиқсин.

Х а д и ч а. Шундоғам қуруқ чиқмайди.

Н о р х ў ж а. Бозорбойваччанинг институтга кириши  
ҳазилакам гап эмас. Оиламизда катта воқеа. Тоштемир тўм  
ёпса ҳам арзийди.

Х а д и ч а. Шама қилиб кўраман.

Н о р х ў ж а. Тоштемир кейинги вақтда шамани тушун-  
май қўйди. Очиқроқ айтавер. Ахир, ўғлига қизимизни сўраб  
юрбди.

Х а д и ч а. Айтаман, дадаси...

Н о р х ў ж а (ўғлига). Қаймоғингни ялаб бўлдингми?  
Қани, кетдик. Институтга ўзим элтиб қўяман.

Х а д и ч а. Бозортой имтиҳонини топширгунча ўша  
ерда турганингиз маъқул.

Н о р х ў ж а. Туролмайман. (Портфелини кўрсатиб.)  
Давлат ишлари қолиб кетади. Дарвоқе, Салим Салимов-  
дан илтимос қиламиз. Ана, хизрни йўқласак ҳам бўларкан.

С а л и м о в уйдан чиқади.

Қўшни, бугун укангизнинг бир ҳожатини чиқарасиз-да?

С а л и м о в. Яна имтиҳонми?

Н о р х ў ж а. Охиргиси... Кечқурун бир пиёла чойга...

С а л и м о в. Оббо сиз-ей, нозик еридан ушлайсиз-да,  
хўжайин. Ҳа, бўпти, кетдик.

У ч о в и кетадилар. Х а д и ч а Тоштемирнинг ҳовлисига ўтиб, Сора-  
хонни чақиради.

Х а д и ч а. Сорахону... ҳой, Сорахон!

С о р а х о н. Ҳу, ҳозир. (Уйдан чиқади.) Келинг, айла-  
най, уйга...

Х а д и ч а. Қуллуқ!.. Қалай, Аҳмадалихон келиб, уйин-  
гиз тўлиб қолдимми?

С о р а х о н. Нимасини айтасиз, айланай. Бағрим исиб,  
бошим кўкка етди.

Х а д и ч а. Мен сизларни айтгани чиқдим. Бозорхў-  
жангиз бугун имтиҳонларини тугатиб, институтга кираркан.  
Дадаси сизларни алоҳида тайинладилар. Тўйча бўлма-  
са ҳам, ундан кичикроқ бир нима қилмоқчилар шекилли.  
Кечикмай чиқинглар-а!

Сорахон. Албатта, табриклашга чиқамиз. Кам-  
кўстингиз бўлса айтинг.

Хадича. Зиёфат тўсатдан бўлиб, шошиб қоляпмиз.  
Дадаси: патир-сатир ёпиб чиқишармикан, тагин... «Бо-  
зорга тўнга тушолмадим» деб андиша қиялптилар.

Сорахон. Андиша қилмасинлар. Мана, биз бу ёқда  
турибмиз...

Хадича. Раҳмат, қўшнижон...

Сорахон, Хадича уй-уйларига кириб кетишади. Аҳмадали  
чиқади. Солдат кийимида, кўкрагида «Гвардия» значоги.

### Аҳмадали арияси

Соғиндим, кўзларим йўлда, соғиндим.  
Нишонамни узоқ элда соғиндим.  
Ҳар оқшом мактуби қўлда, соғиндим,  
Муҳаббат тошди кўнгилда, соғиндим.

Соғинган етмайин қўймас муродга,  
Муҳаббат доимо йўлдош саботга,  
Умидим — сен билан кирсам ҳаётга,  
Ҳамиша суратинг дилда, соғиндим.

Боқарман изларингга ошиқона.  
Гўзалдир севгимиздан бу замона,  
Садоқатдан топиб, жоним, Нишона,  
Муҳаббат тошди кўнгилда, соғиндим.

Аҳмадалининг товушини эшитган Нишона уйдан чопиб чиқади.  
Тол тагига келиб, севгани томонга мўралайди.

Нишона. Аҳмадали ака, салом.  
Аҳмадали. Салом, Нишонахон.  
Нишона. Яхши ётиб турдингизми?  
Аҳмадали. Алламаҳалгача ухлолмадим. Юмшоқ  
тўшак, пар ёстиқлар...

Нишона. Армияда бунақалар йўқми?  
Аҳмадали. Армия ҳаётининг бошқача завқи бор.  
Қанча йигитлар битта казармада бирга ётиб, бирга ту-  
рамиз. Оқшомлар гурунглашамиз. Ҳар бирининг бир дос-  
тони бор...

Нишона. Демак, бу ерда зерикиб қолар экансиз-да?  
Аҳмадали. Ана холос. Дарров гапни бизнинг

зиёнимизга бурасиз-да! Эҳ, Нишонахон, билсангиз эди қанчалар соғинганимни!.. Сизни ўйласам кунларни санаб, ҳисобига етолмасдим.

Нишона. Биламан! Менга ҳам бир кун — бир узун йил туюларди.

Дуэт

Нишона

Йиллар кутдим, азиз ёрим, хуш келибсиз,  
Бахт боғига, интизорим, хуш келибсиз.

Аҳмадали

Соғинчингни кўз устида сақлаганман,  
Ишончингни вафо билан оқлаганман.

Нишона

Кашта тикдим, кўз нуримни ипак қилиб,  
Хатлар битдим, севгингизни тилак қилиб.

Аҳмадали

Хатларингни ўқиганман ғазал каби,  
Ҳар бир сўзинг менга ёқар асал каби.

Иккови

Ҳаёт — чаман, севги — унинг нишонаси,  
Мен ёримнинг бўлай мангу парвонаси!

Аҳмадали. Нишонахон!

Нишона. Лаббай!

Аҳмадали. Энди тўйни ҳам тезлаштириб юборамиз-да, а?

Нишона. Уйдагилар билишади...

Аҳмадали. Сизнинг уйдагилар билан бизнинг уйдагилар гаплашаверишсин. Сиз билан бўлса биз гаплашамиз...

Нишона. Майли...

Аҳмадали. Сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим. Кундуз ўз заводимда ишлаб, кечқурун институтда ўқишни давом эттирмоқчиман. Сиз шунга нима дейсиз?

Нишона. Айни муддао. Мен ҳам кечки институтга кирдим.

Аҳмадали. Демак, ишга ҳам, ўқишга ҳам бирга бориб-келаверамиз экан-да?

Нишона. Албатта.

Аҳмадали Нишонанинг юзидан ўпиб, чопганича уйига кириб кетади. Нишона айвон пешига ўтириб, кашта тика бошлайди.

Нишона арияси

Соғиниб кутдим, ёшим маржон бўлиб,  
Кўзларим йўлида наргистон бўлиб.  
Ўргилай, бахтим баҳори очди гул,  
Келди ёр, боғимга чин боғбон бўлиб.

Кўлларим каштам гулини соз безаб,  
Хилма-хил чоклар аро пардоз безаб,  
Йўлларига худди пояндоз безаб,  
Жилваланди мисли бир бўстон бўлиб.

Қиш кетидан навбаҳор келган каби,  
Тун ўтиб, офтоб наҳор келган каби,  
Куйдириб ҳажрида, ёр келган каби,  
Келди ёрим, бу танимга жон бўлиб.

Салим Салимовнинг уйдан Нозик чиқиб келади.

Нозик. Ҳа, ўргилай, каллаи-саҳарлаб каштага киришибсиз?

Нишона. Ҳашарга келинг.

Нозик (куйлайди). «Келди ёрим, бу танимга жон бўлиб...» (Хахолаб кулади.) Сизга ҳавасим келади, ўргилай. Аҳмадали келдилару кўзларингизга нур, юзингизга кулги тўлди.

Нишона. Нимасига ҳавасингиз келади? Ё, шундоқ бўлиши керакмасми?

Нозик. Худди шундоқ бўлиши керак, ўргилай. (Нишонанинг ёнига ўтириб, каштанинг бир томонини тика бошлайди.) Ҳавасим келишининг боиси шуки, сизнинг бахтингизга қувонаману ўзимнинг бахтсизлигимдан куяман.

Нишона. Нега энди бахтсиз бўласиз?

Нозик. Мени ҳеч ким севмайди. Тўғрироғи, мен ҳеч кимни севолмайман.

Нишона. Бекор айтасиз. Эшикдан оққан сувнинг қадри йўқ-да.



Нозик. Бозорхўжани айтяпсизми? (Ачиқ кулади.)  
Вой, сизни қаранг, акангиз ҳали гўдак-ку!

Нишона (ҳайрон). Нега энди? Аҳмадалининг тенги-ку?

Нозик. Фақат ёш-да, ўргилай. Эшитмаганмисиз: «ақл ёшда эмас, бошда» деган мақолни. Аҳмадали ўнинчи синфни битирибоқ заводда ишлади, ота-онасининг ёнига кирди, бунинг устига, кечки институтда ўқий бошлади. Ёши етиши билан армияга кетди. Мана, хизматини ҳам бажариб келди. Энди ишини ҳам, ўқишини ҳам давом эттираверади. Шундайми, ўргилай?

Нишона. Тўғри айтасиз.

Нозик. Энди Бозорхўжанинг дафтарига бир кўз ташланг. Мактабни битирганига мана уч йилдан ошди. Уч йилдан бери на ишлайди, на ўқийди. Армияга чақириса, ўзи беркиниб, дадаси жавоб қилади. Унинг бу йил ҳам институтга киришига кўзим етмайди.

Нишона. Қўйинг, совуқ нафас қилманг.

Нозик. Кеча Салим акам билан қаттиқ айтишдим. Улфат қуриб қолгандай, Бозорхўжа билан ҳамтовоқ. Хафа бўлсангиз ҳам айтаман, ўргилай, «пес-песни қоронгида топади» дегани шу.

Нишона. Қўйинг-е, тилингиз заҳар бўпти.

Нозик. Ҳа, тилим заҳар. Оғзимга конфет чайнаб соладиган онам йўқ. Яна нимасига куясан денг? Акангизнинг ҳар куни деразам тагида ашула айтганига куяман:

Сенсан гўзалим, Нозик,  
Қанду асалим, Нозик...

Айтиб қўйинг, ўргилай, қулоғим тагида аридай гўнғиллай бермасин!

Нишона. Нима бало, бугун чап ёнингиз билан турдингизми?

Нозик. Рост-да... Ҳар кун ярим кечада эшик тақиллайди. Уйқумни бузиб чиқаман. Бир-бирига суянган иккита мирзатерак. Иккови ҳам фирт маст. Оғзидан ўранинг ҳиди келади. Оёқда туролмайди-ю, хиргойи қилади:

Қанду асалим, Нозик,  
Дарду ғазалим, Нозик...

Нишона (қотиб-қотиб кулади). Вой сизни қаранг!..

**Нозик.** Дадангизга айтинг, ўглини тийиб қўйсин, бўлмаса Бозорхўжа билан ўзим гаплашаман.

**Нишона.** Гаплашинг. Бозорхўжа билан ҳам, Салим Салимов билан ҳам ўзингиз гаплашинг!

**Нозик.** Маслаҳат бериш осон... (*Кўзига ёш олади.*) Мен шўрликка қийин. Биттаю битта умид қилганим шу акангиз эди, йигирма тўртга кирса ҳам гўдак.

**Нишона.** Яна бир маслаҳат бераман, юрасизми?

**Нозик.** Айтинг.

**Нишона.** Ота-онам сизга маълум. Акамни бошидан тантиқ қилиб юборишди, энди тарбия қилишолмайди. Уни тўғри йўлга солиб юбориш фақат сизнинг қўлингиздан келади.

**Нозик.** Қандоқ қилиб, ўргилай?

**Нишона.** У сизни астойдил севади. Нима шарт қўйсангиз, хўп дейди.

**Нозик.** Қўйинг-э, ўша эрка — таваругингизни!

**Нишона.** Пухтароқ ўйлаб кўринг!

**Норхўжа** портфелини базўр кўтариб, ҳовлиқиб кириб келади.

**Норхўжа.** Институтдан телефон қилгани йўқми?

**Нишона.** Йўқ, дада.

**Норхўжа.** Аяғ қани? Ҳо, Ҳалча!

**Хадича** (*уйдан чиқиб*). Лаббай, дадаси?

**Норхўжа.** Икковини институтга ташлаб, магазинга кирдим. Ол, манави ташвишларни!

Хадича портфелдан коньяк, ароқ, вино шишаларини олади.

**Норхўжа.** Мансаб халтага бошқя сиғмади.

**Хадича.** Шу ҳам бўлади, дадаси.

**Норхўжа.** Етмаса, қиёматли кўшнимиз Салим Салимов бор. Ҳа, айтгандай, бояги гапларни Тоштемирни-кига тайинладингми?

**Хадича.** Тайинладим, олиб чиқишади.

**Нишона.** Нимани, ая?

**Хадича.** Патир-сатир, тўн-пўн...

**Нишона.** Уят бўпти, аяжон. Уч йилдан бери ҳар ҳайит, ҳар байрам йўқлашади. Ҳали бирорта виёфатимиз ўшаларни уринтирмай ўтгани йўқ. Уларга жавр бўлмасин тағин.

**Норхўжа.** Қиз бола деган қудалар ўртасидаги гапларга аралашмайди. Модомики, ўглини қизимизга унаштирдими, бас, таомлини қилсин.

**Нишона.** Амаким билан холам сиз ўйлаганча тўй қилишга унамайдилар. Улар — янги фикрли кишилар! Бу ёғини ҳам ўйлаш керак-да, дадажон.

**Норхўжа.** Уғил уйлантиришни чидаганга чиқарган. Мен ким, «Қизил кетмончи» артелининг раиси Норхўжа эшон бўламан, қизим. Кўчадан ўтсам, ер гурсиллайди. Топтемир қудаси кимлигини билиб қўйсин.

**Хадияча.** Ҳали қизингиз бизни қўйиб, эри томонга оғиб кетмаса, дадаси?

**Норхўжа (қулади).** Ташвиш қилма. Эси бутун. *(Айвондаги телефон олдига боради, соатига қарайди.)* Уҳ... вақт ҳам алақанча бўлибди. Ер-биродарларга хабар қилайлик. *(Тикка турганча телефон қила бошлайди.)* Ас-рорхўжа аканинг уйларими? Ие, ие, ўзларими? Ассалому алайкум! Овозларини танимабман, демак, давлатлари бундан минг чандон виёда бўлади. Худо хоҳласа, қулваччангиз бугун катта даргоҳга қадам қўядилар, яъни институтга киридилар. Бир пиёлагина аччиқ кўк чойимиз бор. Баҳам кўришамиз. Соат еттида. Кечикмайдилар. А, лаббай? Йўқ, ҳожати йўқ, йўғ-э... Уялтирасиз-ку... Шундоғми? Агар уйда тайёр бўлса, унда бошқа гап. Бирор қулоч тизгин юборайми, ё? Ҳа-ҳа... Машинанинг багажида келаверади денг. Оббо, сиз-ей! Аммо кечикмайсиз. Қуллақ. *(Яна телефон қилади.)* Мулла Шарифжонмилар? Вааллайкум ас-салом! Қойил-ей, дам олиш куниям уйда ўтирган эканларда? Зерикапман, хотиним билан жомашовда кир ювишяпман, денг. Зериксангиз, зерикмасликнинг йўлини топиб қўйдик. Оқшом марҳамат қиласиз. Улфатларингиз йиғилишади. Йўқ, йўқ, каминанинг туғилган кунлари эмас... Бозорхўжа институтга муваффақиятли имтиҳонлар топширибди. Кичкинагина бир тўйчиқ. Оталик бурчи... Нима буюрадилар, дейсизми? Ҳеч нима... Биттагина яшиқда оқидан бўлса бас. Кутаман, кечикманг. *(Тагин телефон қилади.)* Нурилла махсум, жиян? Мен дуойи жонингизни қилиб юрган Норхўжа тоғангиз бўламан! Қалай, ошхонада ишлар вангми? Офарин! Оқшом кутаман. Укангиз Бозорхўжа: махсум акамни айтмасангиз, институтга кирганим татимайди, деяпги. Баҳоси дейсизми? Беш-да! Пастига юрмайди шоввоз! Ушанга битта тандирда пармуда ёптирасиз. Кечика кўрманг-а?..

**Нишона.** Дада, Ижроқўм отани ҳам чақиринг.

**Норхўжа (бети буришади).** Қўй-е, ўша қони қотишмайдиган чолни!

Н о з и к. Маҳалламизнинг отасини таклиф қилсангиз ёмон бўлмайди, амаки.

Н о р х ў ж а. Ҳа, майли, сўзларинг ерда қолмасин. (Телефон қилади.) Домкомми? Ижроқўм отамисиз? Бу мен, Норхўжаман. Оқшом кичкинагина чақиригимиз бор эди. Эртароқ бораман, дейсизми? Хўш? Тўй масаласида? Хўп... кутаман... (Хотинига.) Эшитдингми, Тоштемир билан келишармиш. Тўйни тезлаштирмоқчи шекилли...

Х а д и ч а. Аҳмадали кечагина келди, ҳали бешпул жамлагани йўқ...

Н о р х ў ж а (пешанаси тиришади). Мен ҳам шунга ҳайронман.

Н о з и к. Тўйни шу пишиқчиликда ўтказиб ола қолинг.

Н о р х ў ж а. Битта сен кам эдинг, маслаҳат бермаган! (Ушқиради.) Қани, икковинг каштангни кўтар!

Н о з и к (Нишонага). Юринг, бизникида тикамиз.

Қ и з л а р чиқиб кетади. Телефон жиринглайди.

Н о р х ў ж а. Алло? Салим Салимов, сизмисиз? Хўш, бажо бўлдимиз? Нега, Топширувчилар кўп? Ўзингиз домлага рўпара бўлдингизми? Иложи бўлмаяпти? Бўшсиз. Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Менга қаранг, домла эшикка ҳам чиқмаяптими? Ҳа, йўлини пойланг. Рўпара келиб, бугунги зиёфатга таклиф қилинг. Қуруқ жўнатмаймиз. Хуллас, умидим сиздан. Телефон қиласизми? Бўпти, кутаман. (Хадичага.) Ҳозирги домлаларга ҳам ҳайронман. Менга: «Ўғлингиз келсин, яхшилаб сўрайман» деб ваъда бериб, энди ўзини овсарликка олаётганга ўхшайди.

Х а д и ч а. Ташвишланаверманг, ҳа демай қутулиб келади.

Н о р х ў ж а. Кўнглим ғаш, хотин! Ке, манови ҳовлига стол ясаб қўяйлик.

Х а д и ч а. Тўйни қилавераман дейсизми?

Н о р х ў ж а. Қизинг айтяпти-ку, унақа тўйга унамайди, деб. Аммо мен орзу-ҳаваслик тўй қиламан. Улар мен айтганга унамаса, қизимни бериб бўпман. Балки, Тоштемир қарз-ҳавола қилар...

Эр-хотин ҳовлига стол ясата бошлайди, телефон жиринглайди. Норхўжа айвонга чопади.

Ё, хизр! Ишимизни ўзинг ўнгла! (Эшитади.) Ҳов, лаб-бай, Салим Салимовмилар? Нима? Бозорхўжа имтиҳонга кириб кетди? Сиз-чи? Йўлакда турибсиз? Ана шунингиз кетмайди-да. Э, аттанг... Менга қаранг, сиз ҳам киринг. Ҳа, кириг. Бу аввало Бозорхўжага далда бўлади, қолаверса, домла билан кўз уриштирасиз. Танимайман, дейсизми? Юзи япалоқроқ, кўзлари қисик, сочи устара билан қирилган, кеча чужун китель кийган эди, бугун билмадим. Шундоғ ҳам дарров танийсиз. Муомалага юради. Бўпти. Телефонингизни кутаман.

Норхўжа ҳовлига чиқиб у ёқдан-бу ёққа юради. Кўча эшиги тақиллайди.

Чамамда, Асрорхўжа машинасида қўй юборган...

Эшикни очади. Ижроқўм ота билан Тоштемир сават кўтариб кириб келадилар.

Тоштемир ва Ижроқўм ота

Йўлимиз катта кўча,  
Толдик етиб келгунча.  
Қудалар азиз бўлур,  
Қабул айланг, Норхўжа!

Норхўжа

Қизи борнинг нози бор,  
Эшигида този бор.  
Шартингиз эшитайлик,  
Тортишга торози бор.

Тоштемир ва Ижроқўм ота

Саватда нонимиз бор,  
Эл ичра шонимиз бор.  
Фарзандларнинг тўйига  
Аҳду паймонимиз бор.

Хадича

Тўй бўлсин, шодлик бўлсин,  
Уйда ободлик бўлсин.  
Иккови қўша қариб,  
Бахтли, зурёдли бўлсин.

## Тоштемир ва Ижроқўм ота

Қизингиз соҳибжамол,  
Уғлимиз мард, баркамол,  
Топсинлар бахту иқбол,  
Гўзал давронимиз бор.

Иккови. Ассалому алайкум.  
Норхўжа. Ваалайкум ассалом. Келинглар, келинглар!

Саватни олиб, хотинига беради.

Кун ҳам қайтиб ҳовли ўтиришли бўлди, қани, столга!

Утиришади.

Ижроқўм ота. Олганлари олтин, кундузлари ёрқин, кечалари ойдин бўлсин, биз ҳам набираларнинг тўйига етайлик.

Фотиҳа қилишади.

Норхўжа (*Тоштемирга*). Оббо қўшни-ей, битта ҳовлида туриб, кўча айланиб келганингизни қаранг-а!

Ижроқўм ота. Қондаси шунақа бўлади, мулла Норхўжа. Шу келишда маҳаллага маълум қилиб келдик-да.

Норхўжа. Биз ҳам ана шу қондасига бормиз. Ижроқўм ота, ахир, юртнинг чойини ичган, ошини еган кишилармиз.

Хадича дастурхонга иссиқ патирлардан қўяди, чой қуйиб узатади.

Ижроқўм ота. Биз ҳам шу важдан келдик. Орамизда бегона йўқ, тўй тадоригини ўзаро келишиб оламиз.

Норхўжа. Йўғ-е... (*Манглайи тиришади.*) Маҳалла-кўйдан, ёр-биродарлардан беш-ўн кишини айтмасдан-а?

Ижроқўм ота. Кейин... Аммо ҳозирча Тоштемирнинг сўзини эшитайлик. Элга маълум қилиш қочмас.

Норхўжа (*бўшашиб*). Қани, қани...

Тоштемир. Аҳмадали билан Нишона бир-бирига болалигидан муҳаббат қўйиб келади. Унаштирганимизга ҳам уч йилдан ошди. Тўйга тайёргарлик қилиб қўйганмиз.

Лекин сиз айтадигандай тўй қиладиган бўлсак, сизга, Норхўжа, зўр келса, менга эял кетади. Сиз ҳам мени ўзингизга шундоқ яқин тутасиз деб биламан. Бу даромаддан мақсад шуки, бир-биримизга зўр келадиган ишни қилмайлик. Чувончи, тўйни ҳам янгича усулда жажжигина, ширингина ўтказайлик.

**Норхўжа.** Яъни, масалан?

**Тоштемир.** Масалан, сиз менга аввал шарт қилиб қўйгандек қўш карнай-қўш сурнай, ноғора базму шаҳарнинг ярмига ош беришнинг ҳожати йўқ. Қиз дугоналари, йиғит ўртоқлари, сиз билан биз яқин биродарларимиз билан тўплансак бас. Ҳовлимиз ҳам битта. Уртада чиройли дастурхон ясаймиз. Бинобарин, эски таомилдаги хотин оши, мохора, тўққиз-тўққизлардан обрў тополмаганимиздек, уриниб ҳам қоламиз.

**Норхўжа (совуққина).** Гапингиз шуми?

**Тоштемир.** Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, Аҳмадалинингиз — ёлғиз ўғлим. Қанча орзу-ҳавас қилсам арзийди. Аммо исрофгарчиликдан на фойда? Ахир, у ҳам ўз фарзандингиз...

**Норхўжа.** Кучингиз етса тўй қилинг-да.

**Тоштемир.** Ёшларнинг шунча йил бир-бирини орвиқиб кутгани етар, оғайни! Уларнинг бошини тезда қовуштириб қўйиш — сиз билан бизнинг бурчимиз.

**Норхўжа.** Ана холос. Нима, мен «бурчимиз эмас» деяпманми? Албатта, бурчимиз. Бироқ мен тўйнинг енгил-елпи ўтишига асло рози эмасман. Чиқимдан қочмоқчисиз. Мени лақиллатяпсиз. Мен юртдаги казо-казоларнинг тўйини еган кишиман. Мен улардан ҳам ошираман. Бир кун қизлар базми бўлади. Иккинчи кун хотинларга ош бераман. Учинчи кун оқсоқолларни кутаман. Тўртинчи кун ўз жўраларим келишади. Бешинчи кун чимилдиқ тикамиз. Қўш карнай-қўш сурнай, марғилоналик аскиячилардан тортиб Фахриддин Умаровгача... Чиқимни мен билан баробар кўтарасиз. Бинобарин, қизга, ота-онаси, акасига, амма-хола, тоға-амакиларига сарпояларни ҳам расо қиласиз. Ҳа, бусиз тўй қилмайман! (Телефон жиринглайди. Норхўжа айвонга чиқади, эшиктади.) Ҳа, лаббай? Салим Салимов? Хўш, хўш? Билетни олди. Тайёрланыпти? Хайрият. Домла билан гаплашдингизми? Кўз қиснишдим, дейсизми? Хайрият, бўлди, бўлди, бўлди. Тушунарли. Дарров олдига киринг. Менга қаранг, агар шу ишни бажо қилсангиз, тўйлик бўлмасангиз ҳам дўппилик бўласиз. Тўн дейсизми?

Бор, барака, ана тўн! Аммо Бозорхўжа бешни дўндириши билан дарҳол телефон қилинг. Домларини бошлаб келинг. Бўпти. Кутаман. (Норхўжа кафтларини ишқалаб, талтаяди.) Ана бизнинг Бозорхўжа ҳам қаторга кириб қолди. Медицина институтининг студенти. Бўлажак врач, профессор, академик, фельдшер!

Ижроқўм ота. Мулла Норхўжа, ўғлингизга жавр қиялпсиз.

Норхўжа. А, лаббай, тушунмадим?

Тоштемир. Қудачилик — минг йилчилик, оғайни, Модомики, қуда бўларканмиз, мен баъзи ножўя ҳаракатларингизни бетингизга солмоқчиман. Ижроқўм отанинг «Ўғлингизга жавр қиялпсиз» дегани — дўстнинг аччиқ гапи. Шу гапни бир ўйлаб кўринг. Бир уядан ҳам булбул, ҳам қарқуноқ чиқибди, деганларидай, қизингиз — давримизнинг гули, аммо ўғлингиз — шу гулнинг тикани. Сиз уни майиб қилиб ўстирдингиз.

Норхўжа (кўзини чақчайтиради). Нима деяпсиз?, Эсингиз жойидами?

Тоштемир. Меники жойида, сизники жойида эмас. Айниган. Чириган. Бечора болани нобуд қиялпсиз. Армиядан қочириб юрагини майиб қилдингиз. Мен бу гапларни сизга қўшни, оғайни, қолаверса, қуда бўлганим учун рўй-рост айтяпман.

Норхўжа (ўрнидан туриб кетади). Дод заҳар қуда дастидан!

Ижроқўм ота. Қани, Норхўжа, бундоғ ўтиринг. Гапни ниҳоясига етказайлик.

Норхўжа. Хўш?

Ижроқўм ота. Гапнинг лўндаси шуки, сиз совет даврида яшаб туриб, Худоёрхон давридаги бекларнинг йўриғидан боряпсиз. Тоштемир боғдан келса, сиз тоғдан келяпсиз. Мен, ука, сиз ўз қизингизнинг бахтини ўзингиз истамаётганингиздан хижолатдаман.

Норхўжа (бўғилиб.) Тухмат қилманг!

Ижроқўм ота. Тоштемир сиз айтганча тўй қилмайди.

Норхўжа. Чидамаса, қилмасин!

Ижроқўм ота. Ана кўрдингизми, қизингизнинг бахтини истамайсиз, деганим шу. Аммо, гап ёлғиз чиқимнинг устида ҳам эмас. Гап тўйга турлича қарашда. Тоштемир замонага мос янгича тўй қилмоқчи. Сиз бўлсангиз ҳаром пул топувчи баъзи бировларнинг эски ногорасига



Ўйнаяпсиз. Аммо, мол-бисот сандиқда чириб кетадиган нарса. Келин ҳам, куёв ҳам нимаики топса, ўз меҳнатидан топсин. Мен юртнинг отаси бўла туриб сизга шуни айтаманки, Тоштемир ҳақ, сиз ҳақ эмассиз.

Тоштемир. Ижроқўм ота тўғри айтадилар. Эски тос, эски тоғорани йиғиштирайлик, оғайни!

Норхўжа. Овора бўласиз, қариндош. Мен ўз ниятимдан қайтмайман.

Тоштемир (аччиғланади). Қайтмасангиз, қайтманг. Қани, ота, кетдик! (Этагини қоқиб ўрнидан туради.) Бу одамга гап уқтиргандан деворга тамбур чертган афзал!

Норхўжа. Аччиғингиз келмасин, қўшни. Машаққатнинг оши ширин бўлади. Дўланани ҳам тоққа чиқиб терадилар.

Тоштемир (Ижроқўм отага). Юринг, кетдик.

Ижроқўм ота. Кетсак айб бўлади, қолайлик.

Тоштемир. Сиз кетмасангиз, мен кетдим. (Чиқиб кетади.)

Ижроқўм ота. Яхши иш қилмадингиз, Тоштемирни хафа қилдингиз.

Ёшиқдан меҳмонлар кириб келадилар. Музикачилар ҳам пайдо бўлади.

Меҳмонлар. Муборак бўлсин, Норхўжа ака! Уғилча институтга кириши билан табриклаймиз! Доктор ўзларидан чиққани қуллуқ бўлсин! Азамат имтиҳонларни бошлабди, деб эшитдик. Беш баҳолар муборак!

Норхўжа. Қуллуқ, қуллуқ...

Салим Салимовнинг уйдан Нозик, Нишона чиқишади. Тоштемирнинг уйдан Аҳмадали чиқиб, йиғитлар билан кўришади. Сорахон чорсига тўн тугиб чиқади.

Хадича. Келинлар, айланайлар! Келинг, Сорахон!

Сорахон (тўнни бермайди). Ўзим ёпаман, ўргилай.

Норхўжа (айвонга чиқиб, телефон қилади). Институтми? Ким бу гапираётган? Қоровул... Ҳалиги имтиҳон бераётганлар ўша орадами? Кетишди... Қачон кетишди? Ярим соатча бўлди... Биродар, Бозорхўжа деган новчароқ, қотмароқ йиғитга кўзингиз тушмадимми? Танайман... Э... атганг... (Трубкани қўяди, меҳмонларга.) Бемалол ёзилиброқ ўтиринглар. Бозорхўжа домлалари билан ҳозир кириб келади. (Қадаҳни кўтариб.) Биродарлар! Қарин-

дошлар! Эгачилар! Қизлар! Йигитлар! Биринчи қадаҳни  
Бозорхўжа эшон ҳаётидаги буюк воқеа учун, яъни бўла-  
жак Абу Али ибн Сино учун ичайлик!

Норхўжанинг улфатлари, саёқ созандалар уни ўраб олиб ялла  
қилишади.

Норхўжака, Норхўжака,  
Ўғилчангиз шўх така.  
Норхўжака, Норхўжака,  
Ишингизга барака!

Уйингизда ялла бўлсин,  
Ҳамёнингиз пулга тўленин,  
Бозорхўжа ўйнаб кулсин,  
Икки қадам асака!

Фарзандлари кўкарсинлар,  
Улфатлари кўпайсинлар,  
Душманлари ҳурпайсинлар  
Доим қочиб кавакка!

Норхўжака, Норхўжака,  
Қутлуғ бўлсин маърака.  
Норхўжака, Норхўжака,  
Ишингизга барака!

Ҳадича (эрининг қулоғига). Келишяпти.  
Норхўжа. Йўл беринглар, йўл беринглар!.. Оғайни-  
лар...

Ғирт маст Бозорхўжа билан Салим Салимов бир-бирини  
суяб, баъёр оёқда туриб кяриб келишади. Норхўжанинг гапи  
оғзида қолади. Салимов Норхўжага иккита бармоғини кўрсатади.  
Нишона уялиб, уйга қочиб киради. Сорахон тўнни қўлтиқлаб  
ҳўлисига ўтади. Бозорхўжа Нозикнинг қаршисига келиб,  
хушмад қилади, осилади.

Бозорхўжа.

Сенсан гўзалим, Нозик,  
Қанду асалим, Нозик...

Нозик (Бозорхўжани итариб юборади). Эсиз му-  
ҳаббатим!

Бозорхўжа Салимовни қучоқлаганича сўррайиб қолади.

П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

Кеч куз. Уша ҳовли. Тошгемирнинг уйи. Гира-шира тонг. Ҳаво хомуш. Кўкда булутлар сузади. Аҳмадали кўчадан нон, қанд кўтариб киради, айвонда газ плитага чойгум қўяди. Ҳовлига тушиб, Норхўжа уйининг тагига боради, шу томондан деразани чертади.  
Нишона кўрминади.

Аҳмадали. Нишонахон, чиқинг, бирга чой ичамиз.  
Нишона. Ҳовир...

Аҳмадали ҳовлида қизни кутади, тераклар тепасида паст сузаётган булутларни кузатади. Бир гала турналар шимоладан жануб томонга учиб ўтади.

Аҳмадали арияси

Гала-гала ўтадилар турналар,  
Ёзни олиб кетадилар турналар,  
Севганлари йўлдош бўлиб, манзилга  
Эсон-омон етадилар турналар.

Узоқ-узоқ элатларга, элларга,  
Жануб ёқда турфа-турфа гулларга,  
Муштоқ бўлган қанча-қанча дилларга  
Биздан салом элтадилар турналар.

Куз ўтади, орқасидан қор келур,  
Қор кетади, изма-из баҳор келур,  
Чаманларга қанча-қанча ёр келур,  
Улар сизни кутадилар турналар.

Нишона уйдан чиқиб келади.

Нишона. Намунча саҳар турмасангиз?

Аҳмадали. Шу кунларда уйқумнинг бесаранжом қушлардан фарқи қолмади. Осмонга қаранг: булутлар ҳорғин карвонлардай судралиб қолишди. Бугун-эрта ёмғир-қор бошланади. Биз бўлсак ҳали ҳам тўйимизни қилмаймиз.

Нишона. Айб дадамда, мени кечиринг.

Аҳмадали. «Асал-асал!» деган билан оғиз चुчи-магандек, «айб дадамда» деган билан ҳам иш битмайди, Биронта конкрет иложини топиш керак.

Нишона. Сиз топинг-да, мен не билай...

Аҳмадали. Агар сиз хўп десангиз, мен топиб қўйдим...

Нишона (қувониб). Қани, айтинг!

Аҳмадали. Иложи шуки, (уйини кўрсатади) мана шу кўримсизгина кулбага карнай-сурнайсиз кўчиб ўта қоласиз.

Нишона (қийқуриб кулади). Ҳа, ёқмай кетсин...

Аҳмадали. Нишонахон, ўзингиз бир мундоқ ўйлаб кўринг. Ҳар кун бирга ишга кетамиз, бирга қайтамиз. Кеч-қурун ўқишга бирга бориб, бирга келамиз. Яқшанба кунлари кино-театрга ҳам худди шундай. Фақат кечаси уй-уйимизда бошқа-бошқа мизғиб олганимиз бўлмаса, доим биргамиз. Модомики шундай экан, келинг, кўчиб ўта қолинг.

Нишона (жиддий). Дадам мени уриб, ўлдириб қўйса, нима қиласиз?

Аҳмадали. Аксинча, бўлар иш бўлганидан кейин, дадангиз шилқ этиб тушади.

Нишона (кулади). Боринг-е, уятингизни еб қўйиб-сиз.

Аҳмадали (жиддий). Наҳотки, бир-биримизни шунча йил севиб, кўтиб, дилимизда ардоқлаган ширин орзумизга ета олмасак, Нишонахон? Наҳотки, беҳуда дабдаба, ялтироқ ҳашам, чирик урф-одатлар қули — дадангизнинг сўзи сўз бўлса-ю, сиз билан бизнинг, бутун эл-юртнинг янгича турмуши, давримизнинг чечак отаётган гўзал фазилатлари оёқости қилинса? Сиз шуларни бир ўйлаб кўрдингизми?

Нишона. Мен буларни жуда кўп ўйлайман, азизим. «Айб дадамда» дедим. Аммо менда ҳам айб бор. Мен бахтим учун курашмадим. Мен бахтим гулининг очилишига ишонаман.

Аҳмадали. Раҳмат. (Севганини бағрига босади, сочларини силаб, эркалайди.)

Дуэт

Нишона

Тўлган ойни тандирдаги кулча деманг,  
Бахтингизни енгил-елпи ўлжа деманг.  
Қуёш бўлиб, гулингизни очинг, жоним.  
Очилмаса, у гунчани гунча деманг.

Аҳмадали

Сизни севдим, вафо билан севгим, гўзал,  
Ўрмат билан, ҳаё билан севгим, гўзал,  
Севгимиз эл, юртимизга зийнат бўлсин,  
Жоним, янги дунё билан севгим, гўзал.

Нишона

Янги ҳаёт, янгичадир ёр-ёримиз.  
Бахт келтирар аҳду вафо қароримиз.  
Кел, жонгинам, севгимизни пок сақлайлик.  
Гулга тўлсин, нурга тўлсин баҳоримиз.

Газ платадаги чойнакнинг шақиллаб қайнашига уйдан Сорахон билан Тоштемир югуриб чиқишади.

Тоштемир. Ҳа, ўзи нима гап?

Сорахон. Аҳмадалининг иши-да, дадаси. (Чойгумнинг ўтини пасайтириб, чой дамлай бошлайди.)

Тоштемир. Хайрият-ей! (Кўкрагига туфлайди.)  
Мен галвани эшитиб, Норхўжа билан Салим Салимов тагин муштлашяптими, депман.

Нишона (айвон олдига келиб, буларга таъзим қилади). Ассалому алайкум, амакижон. Ассалому алайкум, холажон.

Тоштемир. Ваалайкум ассалом, қизим. Қалай, данг, аянг, аканг шу пайтгача гумдон отиб ухлаб ётишяптими?

Нишона (хахолаб кулади). Ҳа, амакижон, ишлари қоляптими, саҳарлаб туришса?

Тоштемир. Даданг — бекорчи хўжанинг қип-қизил ўзгинаси, қизим. «Қизил кетмончи»нинг раисиман деб чиранганига ўлайми? «Қани, қудамнинг савлатини бир кўрай» деб кеча артелига бордим. Юзта дастгоҳ, шунча уста, мингта кетмон кўраман десам, Норхўжанинг худди ўзига ўхшаган тўртта бекорчи, ўтмайдиган кетмонга соп йўниб ўтирибди. Дадангни сўрасам, «Бир ҳафтадан бери қорасини кўрганимиз йўқ, артелимиз фақат қоғозда бор» дейишди. Мен, қизим, даданг билан ҳам қўшничасига, ҳам қудачасига яна бир гаплашиб кўрмоқчиман. Сал пастроқ тушсин, бўлмаса, ўзим тушириб қўяман.

Нишона. Раҳмат, амакижон.

Сорахон. Келинлар, Нишона, Аҳмадали, чой ичиб олинлар. *(Тўрттови айвонда нонушта қилишади. Шамол ғувуллаб ёмғир томчилай бошлайди.)* Ёмғир бошлади. Норхўжа ака кўнганларида тўйни ёруғ ёзда ўтказиволган бўлардик.

Тоштемир. Рост айтасан, хотин, бу ёмғир ерга эмас, менинг ичимга ёғяпти.

Аҳмадали. Нишонахон ҳам дадалари билан гаплашмоқчилар.

Тоштемир. Ажаб қиласан, қизим. Дадангнинг қайсарлигини кўплашиб синдирмасак бўлмайди.

Аҳмадали *(соатга қарайди)*. Энди биз ишга борайлик.

Нишона билан Аҳмадали туришади. Сорахон халтага нон, мева солиб беради.

Сорахон. Олвол, ўғлим, тушлик қиласизлар. *(Нишонага иссиқ рўмол беради.)* Уравол, қизим, кун совуқ.

Нишона. Раҳмат, холажон.

Улар кетишади.

Тоштемир. Қани, мундоқ ўтир, хотин, менга айтчи, тўйга ўзи нимаг бор?

Сорахон. Ҳамма нарсани тайёр қилувдим, аммо ярми тугаб бўлди.

Тоштемир. Нега энди?

Сорахон. Ўзи билан ўғлининг туғилган кунига пишриқ қилдик. Халчахон отинойини чақириб мушкулкишод ўқитдилар, патир, сомса буюрдилар. Ифтор қилишди, дна топшириқ. Ҳар ҳафта меҳмон келганда бир нима бую-

ришади. Катта-кичик ҳайитларига сарполар чиқардик. Саккизинчи мартдан янги йилгача лозимада қиламиз. Ҳаммаси ҳам майли, бир ҳовлида туриб, «уй кўрар» қилишганига чидай олмайман. Тўйдан оғиз очсам, Халчахон осмондан келади. «Қизимга нима сарпо қиляпсиз? Қудангизнинг оғайниларига нечта тўн ёпасиз? Қариндошларимни қачон чақирасиз? «Оқсолар»га нимангиз бор?», «Сеп ёйди»га нечта хотин айтасиз?»

Тош темир. Бас қил, мени тер босиб кетяпти. Уф..

Сорахон. Барака топкур ўғлимиз келгандан бери рўзгоримиз бут бўлди. Газ ўтказди, кир машина, телевизор обертди. Аммо бисотга тоқати йўқ. «Эндиги моянамдан дадам билан сизга пальто обераман» дейди.

Тош темир (кўзига ёш олади). Омон бўлсин. Уни тарбиялаган ҳукуматга минг раҳмат. Аммо, мен сенга айтсам, хотин, Норхўжанинг кўзини шира босибди. Икки кунлик дабада деб болаларга жавр қиляпти, у нонсоф! (Сотига қарайди.) Ишга борайлик.

Эр-хотин уйга кириб кетишади. Норхўжа елкасига тўн ташлаб айвонга чиқади, бадан тарбия бошламоқчи бўлади-ю, Бозорхўжанинг ўрни бузилмаганини кўриб, ташвиши ортади, уйга бақиради.

Норхўжа. Халча, ҳо Халча!

Хадича уйдан чопиб чиқади.

Хадича. Лаббай, дадаси?

Норхўжа. Уғлинг қаёқда?

Хадича. Билмадим, кечқурун Салим Салимов билан кинога бораман, деяётганди...

Норхўжа. Кинога? Шу вақтгача кино қоптими? Кеча пул берганмидинг?

Хадича. Ҳа, ўн сўм опкетган эди... Ахир, ўзингиз: «Уртоқларидан уялмасин, пулсиз юборма» дейсиз-ку.

Норхўжа. Епирай, ёпирай... Қаёқда қолди экан-а? Уни шу Салим Салимов бузаяпти... Қани, бир сўра-чи... Салим келдимикан?

Хадича. Хўп, дадаси... (Салим Салимовнинг уйи ёнига боради, чақиради.) Нозикой, ҳо, Нозикой!

Нозик (чиқиб). Лаббай, хола?

Хадича. Акангиз уйдадилар?

Нозик. Ҳа.

Хадича. Амакингизга чақирворинг.  
Нозик. Хўп. (Уйга кириб кетади.)  
Норхўжа. Ёпирай, ёпирай... (Ташвиши тобора ортади.) Уғлинг ёлғиз қаерда тентираб юрибди экан-а? Ёпирай, милсага тушмаса кошкийди...

Чап кўзи шишган Салим Салимов уйдан чиқиб келади. }

Салимов. Чақирибсиз, хўжайин?  
Норхўжа. (Салим Салимовнинг ёқасидан олади). Бозорхўжани қаёққа ташлаб келдинг?  
Салимов. Кўйворинг-е! Нима, Бозорхўжа ёш болами, мен уни етаклаб юрсам?  
Норхўжа. Ё ҳозир топиб берасан, ё ажалингдан беш кун илгари бўғиб қўя қоламан.  
Салимов. Кўйворинг, дейман, ҳар қанча зўр бўлсангиз ҳам...

Иккови ёқалашиб кетадилар. Тоштемир келиб, ўртага тушади, ажратади.

Тоштемир. Уятмасми, икки қўшни наҳорда ёқалашиб?  
Салимов. Кўрмайсизми, ўғлини мендан даъво қиляпти.  
Норхўжа. Ҳа, сендан даъво қиламан. Сен, уни ичкиликка ўргатган. Сен, уни ёмон йўлга бошлаган. Ҳе, саёқларнинг пири бўлган ўша сени!..

Норхўжа яна ҳужумга ўтади. Хадича кўчага чиқиб Ижроқўм отани чақириб келади. Шовқин кучаяди.

Ижроқўм ота (овозини кўтариб). Тўхтанглар! Утиринглар, деяпман, ҳозир ҳамма гапни аниқлаймиз. (Ҳамма айвонга чиқиб ўтиради. Ижроқўм ота қозилик қилади.) Қани, Салим Салимов, айтингиз, кеча Бозорбой билан қаерга бордиларинг?

Салимов. «Баҳор» ресторанига.  
Ижроқўм ота. Ҳа, уйда ейишга овқатларинг йўқмиди?

Салимов. Мени Бозорхўжа бошлади.  
Норхўжа. Тухмат!  
Салимов. Ҳой, хўжайин, мен сиз билан пачағилашсам ҳам, Ижроқўм отага рост гапни айтаман. Аввал эшитинг, кейин жикилланг... Ижроқўм ота, шошманг... гап



шу.. Кеча мени ресторанга Бозорхўжа бошлади. «Ака, сиз билан бир отамлашиб, хуморимни ёзмоқчиман» деди. Утиришдик. Ичдик. Бозорхўжанинг кайфи ошиб қолди. «Мастлик — ростлик, ака, дардимни очаман» деди. Очди. Аввало дадасини, яъни сизни, Норхўжа ака, болохонадор қилиб сўқди...

Норхўжа. Бўхтон!

Ижроқўмота. Хап турсангиз-чи, эштайлик!

Норхўжа бошини қуйи солади.

Салимов. Бозорхўжа бундоғ деди: «Дадам мени пуф-пуфлаб тантиқ қилиб ўстирмаганда, бошимга бу кулфатлар тушмасди. Мени институтга кирази, доктор бўлади, деб ишонманг. Мен чала саводман. Аттестатни ҳам ўзим олганмасман, дадам оберган. Мени пулга ўргатган ҳам дадам. Менинг на илмим, на ҳунарим бор. Армияга борсам, пишиб одам бўлиб келаман деб ўйлардим. Дадам юбормади. Кучимни қаерга қўйишимни билмайману аллақайси доктордан ўтганимда жисмоний яроқсиз бўлиб чиқдим. Энди ҳаммоликка ҳам ярамайман, ака. Ҳаммадан алам қиладигани шуки, тенгдошларим олдида юзим шувит...» Ана, хўжайин, ўглингиз менга шуларни айтди.

Ижроқўмота. Ҳали ҳам эси бор экан. Кейин нима бўлди?

Салимов. Кечаси ресторандан чиқдик. Бозорхўжа кўчада менга осилиб йиғлади. «Синглингни яхши кўраман», деди. «Ё, уни менга берасан, ё ўзимни поезднинг тагига ташлайман...»

Норхўжа. А?!

Ўзидан кетади. Ҳадича сув ичиради. Елпийди, ҳушига келтиради.

У ўзини трамвай тагига ташлаган! Вой-дод!!!

Салимов. Мен уни юпатиш учун хўп, синглимни бераман дедим. «Ишонмайман, деди Бозорхўжа. Сен берганинг билан ҳам, у менга тегмайди. Хўш, нимага тегди? Икки газ ёғоч гавдамгами? Мени саржин қилиб ёқса, битта ош ҳам пишмайди. Бошига урадим мени Нозик? У ўз тенгига, балки ақли ўзидан бир баҳя баландроққа тегди. Мен қўшга ҳам ярамайдиган дангаса хўкизман...»

Норхўжа (фигони ошиб). Тўқияпсан, номард!

**Ижроқўм ота.** Норхўжа, ўзингизни босинг. Гапни ниҳоясигача эшитайлик.

**Салимов.** Мен Бозорхўжани уйга етакладим. Лекин у кўнмади. «Ўз ҳолимга қўйиб бер, анҳор бўйига бориб ҳовримни ёзай» деди. Мен унга қаттиқ ёпишиб олган эдим, мана кўзимга мушт уриб, йиқитди. Бир вақт ҳушимга келсам, у аллақачон кетиб бўпти.

**Норхўжа.** Дод, вой-дод! Ўзини сувга ташлаган. Сен сабабчисан ҳаммасига!

**Хадича.** Вой мен ўлмасам, ўғлимдан айрилиб қолдим.

**Ижроқўм ота.** Ҳовлиқманглар, Бозорхўжа келади.

**Норхўжа.** Э, ота, уни сиз биласизми, мен биламанми?

**Тоштемир.** Оғайни, ўғлингизни билганингизда, у шу аҳволга тушмаган бўларди. Хафа бўлсангиз ҳам айтаман, бола ўстиришга нўноқ экансиз.

**Норхўжа.** Ҳай, биродар, сиз гапирмай туринг!

**Ижроқўм ота.** Нега энди Тоштемир гапирмас экан? Бир қўрада турибсизлар. Яъни, бир оила бўлиб яшайсизлар. Бу оилада ҳамма баробар. Бир-бирингизнинг ишингизга аралашингиз керак.

**Тоштемир.** Балли, ота, тўғри айтдингиз.

**Ижроқўм ота.** Гап шу. Ишликлар ишига борсин. Сиз билан биз, Норхўжа, ўғилчангизни қидириб топайлик.

**Хадича.** Мен ҳам бораман.

**Нозик.** Мен иккинчи сменадаман, уйда бўлиб тураман.

**Ҳамма кетади.** **Нозик** ёлғиз қолиб, **Нишонанинг** каштасини тўтқа бошлайди.

### Нозик арияси

Тушувдим доимо чеккан азобингни,  
Эшитдим дилдаги ўтли хитобингни.

Яширган дардларинг менга аён бўлди,  
Бировлар очдилар кўнгил китобингни.

Нечун сен айтмадинг, англар эдим буткул  
Ҳисобсиз ивтиробинг, мушқул хунобингни.

Саволим айтаман, жоним, қошимга кел,  
Кутарман орзиқиб дилдан жавобингни.

Кучли шамол толларнинг шоҳларини эгади, ёмғир вўрайди. Нозик  
ўйга толиб, каштага машғул бўлади. Телефон жиринглайди.

Нозик. Ким бу? Норхўжа амаки, сизми? Йўқ, келган  
ни йўқ. Телефон қилгани ҳам йўқ. Узингиз қаердасиз?  
«Тез ёрдам»да. У ерга опкелишмабди? Ваҳимангиз қурени,  
Бозорхўжа «Тез ёрдам»да нима қилади? Лаббай? Хўп, қў  
мирламай ўтираман. (Трубкани қўяди.) «Тез ёрдам»да.  
(ташвишланади.) Қаерда қолди экан-а?

«Сенсан гўзалим, Нозик...

Уҳ... Ҳеч нарса юрагимга сифмаяпти...

Яна телефон жиринглайди.

Кимсиз? Ижроқўм ота, сизми? Нима дейсиз? Йўқ, дарағи  
йўқ. Узингиз қаердан гапиряпсиз? Милициядан? Вой, ўла  
масам, қайси милициядан? Ҳушёрхонадан? У ерда йўқ,  
дейсизми? Кимни? Норхўжа амакини сўраяпсизми? Ҳа,  
телефон қилди. «Тез ёрдам»дан. У ерда ҳам йўқ экан,  
шошманг, шошманг, энди қаёққа бормоқчисиз? Вокзал  
га?.. Алло... Алло... Ота тушмагур трубкани қўйиб қўй  
ди. Қизиқ, буларга бир нима бўлганми? Борган ерлар  
ҳаммаси ваҳима... (Ҳапиниб кетиб, ҳовлига тушади, ём  
ғир тагида у ёқдан-бу ёққа юради.) Уҳ, ҳазил-ҳазил, би  
лан ҳаммаёқ ташвиш бўлиб кетди. Нима қилсам экан-а?  
Уйни ташлаб, мен ҳам қидирайми? (Яна телефон жи  
ринглайди. Нозик айвонга чопиб чиқиб эшиктади.) Алло?  
Ака, сизми? Топилдими? Анҳордан ўлик чиқмапти дей  
сизми? Қўйинг-е, ҳаммангиз ваҳимачи бўлиб қолибсиз.  
(Трубкани тарақлатиб ташлайди.) Уҳ... Бу одамларга бир  
нарса бўлганми? Биттанинг ташвиши оламни бузди-я. Бо  
зорхўжа Аҳмадалига ўхшаб, тинчгина ўқиб, ишлаб юрса  
ку, олам гулистон эди...

Эшик аста очилиб, юзи оқарган, соқоли ўсган, паришон Бозор  
хўжа кириб келади. Нозик азбаройи севинганидан ўзини уқу  
тиб, айвондан ҳовлига сакрайди. Бозорхўжанинг қўлларидан  
маҳкам ушлаб олади.

Нозик. Бормисиз?

Бозорхўжа (ҳайрон). Таажжуб... Нозикмисиз? Биз  
нинг уйда нима қиляпсиз?

Нозик (ўзига келиб, уялади.) Сиз... сиз... ҳаммасига  
сабабчисиз!

Бозорхўжа. Ҳаммасига... Ниманинг ҳаммасига?  
Нозик. Бутун маҳалла сизни қидиряпти. «Тез ёрдам»  
дан вокзалгача — ҳеч ер қолмади. Одам деган ҳам шунақа  
дайди бўладими?

Бозорхўжа. Ҳамма қидиряпти, денг. Сиз-чи? Бир-  
гина сиз қидирмаяпсиз, холос.

Нозик. Нима, мен қидирсам топилармидингиз?

Бозорхўжа. Агар сизнинг қидиришингизни бил-  
сам, йўқолмаган бўлардим. Афсуски, мен сизга керак эмас-  
ман. Умуман, мен ҳеч кимга керак эмасман. Мен тун бўйи  
шаҳар кўчаларида кезиб, ўзим билан ўзим гаплашдим.  
Умримда биринчи марта ҳаёт ҳақида жиддий ўйладим.  
Илгарироқ эсимни йиғиб олмаганимга афсус едим. Ешли-  
гимнинг энг яхши йиллари бекорга ўтиб кетгани алам қил-  
ди. Ҳатто уйга қайтмаслик, бошим оққан томонга кетиш  
фикрига ҳам бордим. Лекин сиз айтгандек «бутун маҳал-  
ланинг қидириши»ни билиб, охириги марта кўриниш бериш,  
ота-онам билан хайрлашиш учунгина келдим.

Нозик. Вой ўлмасам! Бир ёққа кетмоқчимисиз?

Бозорхўжа. Бошим оққан томонга кетаман. Лекин  
қаерга борсам ҳам, мақсадим фақат битта: Ўқиш, меҳнат  
қилиш, бекорга ўтган йилларнинг бўшлигини тўлдиришга  
уриниб кўриш...

Нозик (қувониб). Жуда яхши ўйлабсиз... Мен ҳам  
сиз билан бирга кетаман.

Бозорхўжа. Шу аҳволимда мен сизга ортиқча юк  
бўламан, бағри тош кўшни қиз. Аммо яна уч-тўрт йилдан  
кейин, мен сизни ўзим топиб оламан. Кутасизми?

Нозик. Кутаман!

## Дуэт

### Бозорхўжа

Йўлим — узоқ йўл,

Балки, тоғу чўл,

Бунда омон бўл,

жонон, яхши қол,

Қора кўзлари

хайрон, яхши қол.

## Нозик

Кўнглимиз яқин,  
Йўлларинг ёрқин,  
Бўлмагин толғин,  
полвон, яхши бор.  
Мени энголмас  
ҳижрон, яхши бор!

## Бозорхўжа

Нур қуёшдадир,  
Мардлик ёшдадир,  
Бахт курашдадир,  
жонон, яхши қол,  
Ширин сўзлари  
дармон, яхши қол!

## Нозик

Севганинг кутар,  
Айрилиқ ўтар,  
Навбаҳор етар,  
арслон, яхши бор,  
Бахтим боғига  
боғбон, яхши бор.

## Бозорхўжа

Сен жону таним,  
Азиз билганим,  
Сени севганим —  
аён, жонгинам,  
Садоқатимга  
ишон, жонгинам!

Бозорхўжа. Нозикхон, мен кетаман.

Нозик. Қаёққа?

Бозорхўжа. Аввал Ҳарбий комиссариатга бораман.  
Армияга олишса, армияга кетаман. Агар олишмаса, Мир-  
вачўлга бориб, кучимни синаб кўраман.

Нозик. Хайрлашгани келасиз-а?

Бозорхўжа. Албатта, жонгинам! (*Куйлаб чиқиб кетади.*)

Сенсан гўзалим, Нозик,  
Қанду асалим, Нозик...

Нозик уни кузатиб қўяди, кейин айвонга чиқади, каштасини тика бошлайди. Телефон жиринглайди.

Нозик (эшитади). Алло? (Севиниб.) Топилди!..  
Нима? Ҳой, қулоғингиз карми? Топилди!

П А Р Д А

## УЧИНЧИ ПАРДА

Ҳовлининг Тоштемир уйига қарашли бўлаги. Оқшом. Эшикдан Сорахон билан Тоштемир иш кийимида кириб келишади.  
Тоштемир зил халтани базўр кўтариб киради.

Тоштемир. Ечинмайлик-да, сен дарров савзи арч. Мен бир паловхон тўра ясай, болалар ҳам ҳали замон ишдан келишади.

Сорахон. Хўп.

Тоштемир (*эски пальтосини ечиб, айвон қозигига илади*). Бу Аҳмадалинг янги пальто обермоқчи эди, нима, ваъдаси сувга уриб кетдимми?

Сорахон (*кулади*). Қизиқсиз, дадаси, топганини тийинигача ўзингизга беряпти-ку!

Тоштемир. Барака топсин.

Сорахон ошхонага кириб кетади. Тоштемир халтани сурага бўшатиб, гўшт тўғрашга тушади.

Бай-бай, ўзиям, семиз кўзининг сони экан-да. Улмасин бунни боққан кўйчивон. Аммо лекин ошга урнасам, тўй эсимга тушаверади. Мана шу ҳовли рўяси тўйхонага айланиб қўя қолса-ю... ошнинг савзисини Ижроқўм ота икковимиз ипақдай эшиб тўғрасак. Савзида гап кўп, анави Норхўжага ўхшаш тентаклар фарқига бормади. Хуллаб, тўй авжида, созлар чалинган, ашулалар баралла!

## Д у э т

Тўй бўлса янги бўлсин, қизил бўлсин, ёр-ёр,  
Уйга келган келининг асл бўлсин, ёр-ёр.

С о р а х о н эрининг рўпарасига келиб, қўшилади.

С о р а х о н.

Ёшларнинг бахти кулсин, ота-она қувонсин,  
Ордона эскиликлар сабил бўлсин ёр-ёр.

Эшикдан Аҳмадали билан Нишона иккита катта тугун кўтариб кирадилар.

Аҳмадали. Ассалому алайкум, дадажон. *(Дадасига тўн кийгилади.)*

Нишона. Қутлуғ бўлсин, дадажон! *(Нишона Сорахонга пальто кийгилади.)*

Нишона. Қутлуғ бўлсин!

Сорахон. Қуллуқ қизим, давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин.

Тоштемир. Қуллуқ қизим, бахтинг гулдай очилсин.

Аҳмадали. Биз магазин айланиб, ўқишга кечик-япмиз. Ошни келиб еймиз.

Нишона. Кўпроқ опқўйинглар, қорнимиз очиб келади.

Тоштемир. Хўп, хўп, оппоқ қизим!

Ёшлар китоб-дафтарларини кўтариб кетишади.

Менга қара, Сора, иккитагина беҳи яшириб қўйганман, ўшани шу бугун ошга солворайлик. Ахир, келинимиз биз билан биринчи марта ош ейди.

Сорахон. Хўп, дадаси.

Эр-хотин ошхонага кириб кетишади. Норхўжанинг эшигидан Норхўжа билан Салим Салимов ҳовлиққанча кириб келишади.

Норхўжа *(катта оғир портфелини айвонга отади)*. Сиз бамисоли машина ип, ҳар қанақа нинанинг тешигидан ўтибкетаверасиз. Мен нима қиламан?

Салимов. Қаерда бўлсак ҳам, бирга бўламиз, хўжайин.

Норхўжа. Уф... *(Уйга бақиради.)* Халча, ҳо Халча!..

Хадича. Лаббай.

Норхўжа. Тамом! Дов-дастгоҳни йиғиштирдик. Мана, бор-йўқ сармоямиз! *(Портфелини очиб тўртта кетмон чиқариб ташлайди.)* Кетмон бозори касод бўлди. Қирқ беш йил даври даврон сурган «Қизил кетмончи» артели тугатилди.



Хадича. Тоштемир аканинг трактор заводига кирсангиз бўлмайдами, дадаси?

Норхўжа. Дарвоқе, тўғри айтасан, бир гаплашиб кўраман. Салим Салимов, сиз нима дейсиз?

Салимов. Директорликка олишармикан, хўжайин?

Норхўжа. Э, оғзим бор деб гапираверасиз-да! (Хадичага.) Бозорхўжа уйдаими?

Хадича. Нозикой билан театрга кетишди.

Норхўжа. Иши нима бўпти?

Хадича. Болам бечора келаси ҳафта армияга кетармиш.

Норхўжа. Аҳмоқ! Менинг сўзимдан чиқди, энди тортади тортадиганини!

Хадича. Жон дадаси, ҳали ҳам ўша таниш дўхтирга...

Норхўжа. Юм оғзингни! Уғлинг комиссарга учраб! «Соғман, бошқатдан комиссияга қўйинг» депти. Соғ чиқибди.

Хадича. Соғлиққа соғку-я...

Норхўжа. Энди билганини қилсин!

Хадича. (ийглайди.) Ҳеч бўлмаса, Нишонанинг тўйини кўриб кетсин.

Норхўжа (бўғилади.) Астағфирулло... Кечагина Тоштемир ялиниб келган эди, энди мен ялинаман шекилли... Уф... Қизинг қани?

Хадича. Ишидан келди-ю, Аҳмадали билан ўқшига кетди.

Норхўжа. Ҳой, (бақиради) бу уйда мен борманми, йўқманми? Ё, савобга хўроз боқиб қўйибсанми?.. Икки сўзнинг бирида,— Тоштемир, Аҳмадали... Сен ҳам ўшаларга қўшилиб кетганмисан?

Хадича. Вой, дадаси, нима деяпсиз? Нега мен уларга қўшилиб кетарканман? Лекин, ҳар нима бўлганда ҳам мурасага келасизми, дейман-да...

Норхўжа (бошини чангаллаб, у ёқ-бу ёққа юради). Уят! Уят!.. Кимсан, Норхўжа эшон бўла туриб, Тоштемирга бош эгишим уят! Умримда ҳали бунақа паст кетганмасман!

Салимов. Тоштемир аканикига иккаламиз бир кирмайликми?

Норхўжа. А? Энди сиздан ҳам маслаҳат чиқдимиди? Балки, қизингни икки қўллаб опкириб бера қол, дерсиз?

Салимов. Маҳаллада дув-дув гап... «Кимсан, Норхўжанинг қизи Нишона Аҳмадали билан эртаю кеч бирга... Ҳой, эшитмадим деманглар, Норхўжа ёшларнинг йў-

лини тўнкадай тўсиб ётибди... Ота бўлмайд кет, ёшларнинг бошини қовуштириб қўйсанг ўласанми!» Сизнинг устингизда ана шунақа бир қоп маломат...

Норхўжа. Уҳ... Бошқаларнинг мен билан иши нима-я! Ҳар ким ўз аравасини тортиб юраверсин-да!

Салимов. Опам тўғри айтадилар, муросага келинг. Юринг ишни ҳам маслаҳат қиламиз, тўйини ҳам.

Норхўжа (*айвон пешига ўтириб уфлайди*). Эвоҳ, бу қанақа кун бўлди-а?

Хадича. Жон дадаси, ўғлимиз тўйини кўрмайд кетмасин, армон бўлади...

Норхўжа. Салим Салимов!

Салимов. Лаббай, хўжайин!

Норхўжа. Боринг. Ижроқўм отанг айтиб келинг. Тоштемирникига кирсак кирайлик.

Салимов. Хўп бўлади, хўжайин! (*Салимов кўчага чиқиб кетади.*)

Норхўжа. Янги кийимларим борми?

Хадича. Дазмоллаб қўйибман, дадаси!

Норхўжа. Футболга киядиган костюмимни бер!

Эр-хотин уйга кириб кетишади. Тоштемир билан Сорахон ошхонадан чиқиб келадилар.

Сорахон. Эшиттингизми, Бозорхўжанинг армияга кетишини?

Тоштемир. Эшитдим. Пишиб келади.

Сорахон. Сингласининг тўйини кўролмайд кетаётганига ачинаман.

Тоштемир. Норхўжа баттол бўлмаса, тўйини енгил-елпи ўтказиб қўя қолардик.

Сорахон. Қаранг, дадаси, Ижроқўм ота келяптилар.

Салим Салимов Ижроқўм отани Норхўжанинг айвонига томонга бошлаб ўтади.

Тоштемир. Ия-ҳа, ота, биз томонларга ҳам ўтилинг. Ош дамлаяпман.

Ижроқўм ота. Гуручинини кўпроқ босавер!

Салимов билан Ижроқўм ота Норхўжанинг уйига кириб кетишади.

Сорахон. Бу нима деганлари бўлди?

Тоштемир. Таажжуб... Ҳар ҳолда, дастурхонни ёза  
берайлик-чи!

Эр-хотини пошиб-пишиб дастурхон тугатадилар. Норхўжанинг  
уйидан Ижроқўм ота, Салимов, Норхўжа, Хадича  
сават кўтариб чиқиб, Тоштемир уйи томонга юрадилар, тол  
тагида тўхтайдилар.

### Ансамблъ

#### Норхўжа

Биз уйингиз томонга салом бериб ўтамиз,  
Ниятимиз кўп улуғ, кутиб олинг, қудамиз!

#### Хадича

Агар сиз бормасангиз, биз келамиз бош эгиб,  
Дастурхон ёзаверинг, каттагина тўдамиз.

#### Салимов

Баланд-паст гапларимиз унутингиз, илтимос,  
Биз ҳам эски гапларни бутунлай унутамиз.

#### Ижроқўм ота

Яқинликка не етсин, кўрганлар ҳавас этсин,  
Қил ҳам ўта олмасин, яқин бўлсин ўртамиз.

#### Тоштемир

Келинглар, бош устига, бу кўзу қош устига,  
Ҳурматимиз келтириб, палов билан кутамиз.

#### Ҳаммаси

Тўй устига тўй бўлсин,  
ўйин, ялла, куй бўлсин,  
Шодлик таронасини баралла янтрагамиз!

Ижроқўм ота. Муалла Тоштемир, Норхўжадан ним-  
майки ўтган бўлса, маъвур тутасиз.

Тоштемир. Қизиқсиз-а, ота, нима қиласиз эски  
гапларни қўзғатиб... Қани, айвонга марҳамат!

Айвонга, яса турлик хонтахта атрофига ўтиришадилар, Сорахон  
чой қуяди.

Сорахон. Зап кепсизлар-да, айланайлар!

Ижроқўм ота. Норхўжа: «Тўйни тезлатмасак бўл-  
майди» деб қўярда-қўймай, бизни бошлаб келди.

Тоштемир. Раҳмат-э!

Ижроқўмота. Тўйнинг муддатини, шарт-шароитларини гаплашиб олсак.

Тоштемир (Ўзини соддаликка олиб). Ихтиёр қудамизда...

Норхўжа. Ўғлимиз нариги ҳафта армияга кетаркан. Тўйни шу якшанба ўтказасмикан?

Тоштемир (Сорахонга). Шошиб қолмасмиканмиз, онаси?

Сорахон. Борига барака, дадаси.

Салимов. Мана бу ёқда биз, қўшнилар, қараб турмаймиз.

Ижроқўмота. Демак, тўй якшанбага. Ана энди шарт-шароитига келайлик. Тўй янгича — «қизил тўй» бўлади. Шундайми, қудалар?

Салимов. Яъни, якшанба куни кечқурун зиёфат бўлади-да?

Тоштемир. Улманг, Салим Салимов.

Норхўжа. Тўғрику-я... Аммо мен якшанбагача қизимнинг дугоналарини, қариндош-уруғларимни, ёр-биродарларимни, маҳаллани алоҳида-алоҳида чақириқ қилмасам бўлмайди. Ўғлимнинг улфатлари ҳам бир кун йиғилишди. Ана шуларнинг ҳаммасини тўйнинг харажатиغا қўйиш лозим.

Тоштемир. Э-ҳа, ҳали ҳам осмонда юрибман, денг?

Норхўжа. Ахир, мен қиз узатяпман.

Тоштемир. Мен ҳам ўғил уйлантиряпман.

Ижроқўмота. Қизишманглар. Босиқроқ гаплашайлик. Укам Норхўжа, якшанба куни битта зиёфат бўлади. Кимнийки истасангиз, айтаверасиз.

Норхўжа. Айтадиганларим мингга боради.

Ижроқўмота. Сизники-чи, мулла Тоштемир?

Тоштемир. Заводдан ўн киши. Бусоранинг беш-олтита дугонаси. Аҳмадалининг ўн-ўн беш ўртоғи.

Ижроқўмота. Балли! Қани, мулла Норхўжа, ўша мингни бир таърифланг-чи!

Норхўжа. Ахир йиғилади-да...

Ижроқўмота. Ана, холос. Ҳавойи гапни қўйинг! Ўзингизнинг беш-олтита жўрангиз, Нишонанинг ўртоқлари, Бухалчанинг қариндошлари, Аҳмадалининг дўстларидан беш-ўн кишини айтсангиз бас-да. Нима дейсиз?

Норхўжа. Уйлаб кўрамиз... Қани энди чиқимдан келайлик...

Ижроқўмота. Менимча, тахминан юз кишига

дастурхон тузаш керак. Ошни ўзим дамлайман. Созандалар ҳам маҳалламизда етарли. Чиқимга келганда, икки томон баробар кўтарасизлар.

Норхўжа. Ахир, «олиқ-солиқ» деган гаплар бор.

Ижроқўм ота. Эсингиз жойидами, мулла Норхўжа? Нима, қизингизни сотмоқчимисиз?

Хадича. Айланай ота, қиз ўстириш осонми?

Сорахон. Ўғил ўстириш-чи?

Норхўжа. Тавба, ахир, юртнинг таомили...

Ижроқўм ота. Қўйинг, ўша кўҳна таомилни! Маҳалламизда «Коммунизм маҳалласи» деб ном бердик. Мажлисда ҳаммангиз қўл кўтардингиз. Хўш, «Коммунизм маҳалласи»да «олиқ-солиқ», қалин, сеп, ҳоказо иллатларга ўрин борми? Бунақа аллақачон чўнтақдан тушиб қолган гапларни битта-яримта чўлтоқ одамлардан кутсам ҳам, сиздан кутмовдим, мулла Норхўжа!

Норхўжа (ўрнидан туриб эгагини қоқади). Бўпти! Тўйни менсиз қилаверинглар! Қутулдимми?

Тоштемир. Нега ўз оёғингиз билан келиб, яна жиккалайсиз?

Норхўжа. Э, ўша қиз ўстирган мени! Ёнимдан тўй қилиб берармишман-а! Инсоф ҳам керак-да!

Ижроқўм ота. Утиринг, укам Норхўжа, ўтиринг! (Норхўжа ўтиради.) Ҳа, мундоқ бўпти. Келинг, бир нафас пулни унутиб турайлик. Яъни, пул йўқолган. Пул йўқ. Маҳалламиз коммунизмга кирган. Ер юзида ҳам коммунизм. Ҳамма нарса текин. Ҳар ким қўлидан келганича меҳнат қилиб, керагича олаверади. Ана ўшанда сиз қизингизни Тоштемирнинг ўғлига узатяпсиз. Хўш, «олиқ-солиқ» нима бўлади?

Норхўжа. Албатта, коммунизмда бўлмайди.

Ижроқўм ота. Отангизга раҳмат! Ана энди Тоштемирнинг оиласини олайлик. Ўзи мастер, коммунист. Хотини Сорахон — артелда чевар, коммунист. Ўғли заводда — мастер, коммунист. Келини, яъни сизнинг қизингиз ҳам заводда мастер — комсомол. Ҳаммасининг фикри янгича, ўйи янгича, турмуши янгича, коммунистча. Мана шу коммунизмнинг куртаги бўлади, ука. Хўш, айтинг-чи, шу хонадонда «олиқ-солиқ» бўлиши мумкинми?

Норхўжа (бўйинини эгиб). Хўп, хўп дедик-ку! Қани, тўйга нима буюрадилар?

Ижроқўм ота. Киши бошига уч сўмдан. Юз кишининг ўтиришига уч юз сўм. Иккалангиз юз элликдан бера-

сиз. Мана, Салимов кассир бўлади. Аммо тийинигача менга ҳисобини берасиз, мулла Салимов!

Салимов. Хўп бўлади, ота!

Норхўжа. Жуда арзон кетдингиз, оқсоқол.

Ижроқўм ота. Пулингиз кўп бўлса, болаларга яхши кийимлар олиб беринг. Халқ маҳаллага клуб қурапти, қарашинг.

Тоштемир. Тилингизга новвот, ота!

Хадича (Сорахонга). Қуда, кўрпа қоплаш, кийим тикиш важдан нелар қилдингиз?

Сорахон. Келин-куёвга битта тўшак, иккита кўрпа, иккита ёстиқ тайёр. Аҳмадали қизингизнинг кийимларини артелга заказ қипти. Яна нима керак бўлса, кейинчалик аста-секин битаверади.

Хадича. Эл-юрт олдида...

Сорахон. Эл-юрт олдида юзимиз ёруғ. Уғлимиз ҳам, келинимиз ҳам ҳавас қилса арзигулик!

Ижроқўм ота. Шунақа чиройлик тўй қилайликки, минг-мингларни исроф қилувчилар лабини тишлаб қолсин.

Ҳамма қўзғалмоқчи бўлади, лекин Норхўжанинг бошини эгиб ўтирганини кўриб, иккиланади.

Ха, мулла Норхўжа, увиган нондек бўшашяпсиз?

Норхўжа. Мана энди қиёматлик қариндош бўлдик.

Бир маслаҳатимиз бор эди...

Тоштемир. Айтаверинг, қуда!

Норхўжа. «Қизил кетмончи» артелим тугатилади.

Энди трактор заводига ишга кирсаммикаи деган эдим.

Салимов. Менинг ҳам дардим шу...

Тоштемир. Буни қарангки, заводимиз шу бугун гаветага эълон юборувди. Бизга токарлар, слесарлар, фрезерчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, шувоқчилар, бўёқчилар керак. Қайсисини хоҳлайсизлар?

Норхўжа. Хунардан йўқ-да...

Тоштемир. Сиз-чи, мулла Салим Салимов?

Салимов. Кейингиси маъқул.

Тоштемир. Яъни?

Салимов. Бўёқчилик...

Тоштемир. Аммо кўзбўёқчилик кетмайди.

Салимов. Уялтирмайман, уста.

Тоштемир. Сизнинг, қуда, ҳунарингиз бўлмаса, қоровулликка оламыз.

Норхўжа (ижирганиб). Ерга урманг-е!  
Тоштемир. Ҳавили йўқ. Давлатнинг катта корхонасини қўриқлайсиз. Милатиқ ушлашни биласизми?

Норхўжа. Билмасак, ўрганамиз...

Ижроқўм ота. Мана энди, қуда бўлдинглар, ҳар бир ишни бамаслаҳат қилаверасизлар. Эртадан биз ҳам кунда шунда бўламиз. Авондан келаман, манов толларни кесамиз.

Норхўжа. Йўт-е, ҳовли очилиб қолади.

Ижроқўм ота. Очилсин. Ҳаммангиз бир оила бўлиб яшанглар. А, лаббай, мулла Тоштемир?

Тоштемир. Биз тайёр!

Ижроқўм ота. Сиз-чи, Салим Салимов?

Салимов. Хўжайини кўнсалар...

Норхўжа. Бўлди, «хўжайин» деманг. Қулоғимга ҳақоратдай эшитилапти.

Кўчадан ёшлар ашуласи эшитилади. Айвондагилар завқланиб тинглайдилар.

## Я л л а

Нишона, Аҳмадали, Нозик, Бозорхўжа

Эртаги кун, нури саодат кун,  
Эртаги кун, севги-шарофат кун,  
Интиламиз сенга, фароғат кун,  
Интиламиз сенга, муҳаббат кун,  
Эртаги кун,  
эртаги кун,

бахт кун!

Эртаги кун бизга висол келтирар,  
Меҳнатимиз бир-ла камол келтирар,  
Эртаги кун, бизга саодат кун,  
Эртаги кун,  
эртаги кун,

бахт кун!

Ешлар Норхўжанинг ҳовлисига киришади.

Нишона. Уйда ҳеч ким йўқ...

Нозик. Қизиқ, бизники ҳам жимжит.

Бозорхўжа. Аҳмадалининг айвони машала.

Аҳмадали (айвон олдидаги кетмонларни кўриб).  
Манов кетмонлар қаердан келди экан?

Нозик (кулади). Тўйга ўчоқ қазишга олиб келишгандир.

Аҳмадали. Оҳ, ўша кунларга ҳам етармиканмиз-а, Нишона?

Нишона (эркаланади). Етамиз, азизим!

Сорахон. Ҳой, болалар, келинлар, ошни сузаяпмиз.

Ешлар бир-бирини қисташиб, ҳовлининг Тоштемир бўлагига ўтишади.

Ижроқўмота. Тўй муддатини сизларсиз белгилаб қўйдик. Якшанба кuni кечқурун. Нима дейсизлар?

Аҳмадали. Нима дердик, бел боғлаб хизмат қиламиз.

Ҳамма кулади. Ешлар бир-бирини табриклайди.

Ижроқўмота. Яшавор, Аҳмадали, йигит мундор бўпти!

## Музика

### Ҳамма

Эртаги кун — меҳнатимиз меваси,  
Эртаги кун — янги ҳаёт нашъаси,  
Интиламиз сенга, қуёш шуъласи,  
Эртаги кун,  
          севги, латофат кuni,  
Дилга қувонч,  
          элга фароғат кuni,  
Эртаги кун,  
          эртаги кун,  
                  бахт кuni!

ПАРДА

1963,



# ТОШБОЛТА ОШИҚ

УЧ ПАРДАЛИ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Тошболта. Эликлардан ошган, кичик жуссали, содда киши.  
Бева. Эшак арава судраб эски-туски йиғади.  
Тешавой. Унинг ўғли. Йигирма икки ёшдаги қорача йигит, ишчи.  
Муҳаммадсолиҳ. Элик беш ёшда, ҳар жиҳатдан Тошбол-  
танинг тескариси. Улакётган қув, хасис.  
Рисолат пари. Муҳаммадсолиҳнинг синглиси. Еши қирқларга  
бориб қолган, шўх табиатли жувон. Бева.  
Каромат. Муҳаммадсолиҳнинг қизи. Йигирма ёшда. Ишчи.  
Саломат. Кароматнинг дугонаси. Ишчи.  
Мирза. Тешавойнинг дўсти. Ишчи.  
Салим ота. Бидъатга берилган чол.  
Афифа хола. Салим отанинг хотини. Олтмиш ёшда.  
Суннат. Салим отанинг ўғли. Чайқовчи. Йигирма олти ёшда.  
Меливой. Тешавойнинг устаси, маҳалла комиссиясининг раиси.  
Полвон ота. Кекса партизан, юрт оқсоқолларидан.  
Қурбон ота. Полвон отанинг дўсти, тенгдоши.  
Маҳалла кишилари.

Воқеа Тошкентнинг чекка маҳаллаларидан бирида, шу кунларда  
бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Муҳаммадсолиҳнинг эшиги. Тол таги. Рисолатнинг кўйида юрган Тошболта шу ерда, бетоқат. Киришга илож топмай турибди.

Тошболта. Бир кўрдиму, тинчим ёввойи кабутардай учди-кетди... Қумридан кейин уйланмасликка аҳд қилганимда бунақа нозанин йўлиқади деб ўйламовдим... (Эшикдан мўралайди, хахолаб кулади.) Айни пайти... Ҳовли рўясида танҳо юрибдилар... Вой-вўй, бақбақаларингдан аканг айлансин!.. (Қийтонглайди, хиргойи қилади.)

Қуралай кўз, қуралай,  
Туйнугингдан мўралай.  
Сен ялло айтганингда  
Оҳангига йўрғалай...

Кароматни йўқлаб келаётган Тешавой дадасини бу аҳволда кўриб ҳайрон бўлади, бир нафас кузатади. Тошболта ўғлини кўриб қолади.

Ия-ҳа, мулла Тешавой... Ўзларими?..

Тешавой. Ҳа, ўзим... Бу ерда нима қилиб юрибсиз, дада?

Тошболта (ўшқиради). Бола деган дадасини суриштирмайди! Сени қара-ю! Ўзинг нима қилиб юрибсан бу даргоҳда?

Тешавой. Мен шундоғ айланиб...

Тошболта. Мен ҳам шундоғ айланиб... (Яна ўшқиради.) Қани, жўна!..

Тешавой (Ўсмоқчилаб). Бу уйнинг оҳанрабоси борми дейман-а, дада?

Тошболта. Ҳа, оҳанрабоси бор! Қани, туёғингни шикиллатиб қол!

Тешавой. Хўп-хўп... Таажжуб... (Кетади.)

Тошболта. «Таажжуб» дейди-я... Тентак!.. (Эшикка яқин боради, чақиради.) Муҳаммадсолиҳ ака, ҳо, Муҳаммадсолиҳ ака!..

Рисолат (товушига жозибали оҳанг бериб). Ким эканлар чақираётган?

Тошболта. Менман... Ҳа, нимаиди?.. Оббо, шоганда отимни ҳам йўқотиб қўйдим... Мен, ҳалиги Тошболтангиз бўламан... Тақсирим Муҳаммадсолиҳ уйдадилар?

Рисолат (эшикни очиб юборади, Тошболта чўчийди). Тошболта ака?

Тошболта (томоғини қириб, йўталиб кириб келади). Ия-ҳа, Рисолат паримилар? Ассалому алайкум! Ҳай-ҳай, ўзлари эканлар-да, а?! Вой-вў... Сиҳат-саломатликларини?.. Мол-жонларини?.. Ўзи ҳам дейман-а... Қалай зерикмасдан ўтирибдиларми?..

Рисолат (ноз-карашма билан, амиркон кавушининг учида товус юриш қилади). Зерикканим билан нима, сиз келиб хабар олармидингиз?

Тошболта. Ия-ҳа... Гапни таг-заминидан индалло олдингиз-ку!.. (Рисолатни бошдан-оёқ кўздан кечиради.) Бу дейман, Рисолат пари, эрингиз, ҳалиги... оти нимаиди?..

Рисолат. Ҳайриддин...

Тошболта. Ҳа... Ҳайриддин суюқ, сиздек ҳуснда ягона, фаҳм-фаросатда олижаноб хотинни талоқ қилган эканда-а?

Рисолат. Иложим қанча, Тошболта ака... (Кўзига ёш олади.) Йигирма йиллик умрим бекор ўтди. Бола кўрмадик. Айб Ҳайриддинда. Айб эркакларда бўлади. Мана, сиз... Сиз расо йигитсиз!

Тошболта. А, лаббай?.. (Кифтини кериб, ўзига оро беради.) Бизнинг палагимиз тоза. Ҳайриддиннинг дадаси пияниста бўлган, ўзи ҳам қиттак отса керак?

Рисолат. Ўлсин, эрта-ю кеч ичади.

Тошболта. Ана, айтмадимми! Мижози совуқ. Ароқ ичавериб меъдаси жавҳар-лимун бўлиб кетган.

Рисолат (хахолаб кулади). Вой, сизни қаранг, шунақа гапларни ҳам билар экансиз-а...

Тошболта. Девор бўлмаса, кўчани ҳам кўравераман. Ҳали мени ким деб юрибсиз, Рисолат пари?..

Рисолат. Вой, ўлмасам, сизга кўрпача ҳам ёзмабмак.

Тошболта. Ҳожати йўқ, уринманг...

Рисолат янги кўрпача ташлайди, дастурхон ёзади. Самовардан обдастага иссиқ сув олиб дастшўй билан Тошболтанинг қўлига қуяди.

Рисолат. Келинг, қуйворай.

Тошболта (*қўли куяди*). Вой-вой-вой, иссиқ сув, жон киргизади-я!..

Рисолат. Нечук, уйингизда иссиқ сув йўқми?

Тошболта (*қўлини артиб, айвонга чиқади*). Иссиқ сув қаёқда! Худо раҳмат қилгур Қумримдан кейинги турмушим: ит ётиш, мирза туриш! (*Кўзига ёш олади*.)

Рисолат. Қўйинг, хафа бўлманг! (*Чой қуйиб, Тошболтага узатади*.)

Тошболта (*чайни пуфлаб ичади*). Бирам хушбўй чой бўпти-ю, аммо рўзайи-майрамазонда қандоқ бўларкин-а? (*У ёқ-бу ёққа аланглайди*.)

Рисолат. Домла ҳали келмайдилар, ичаверинг. Айтгандай, мен сизга электр плиткада андаккина қийма мастава қайнатиб қўювдим.

Тошболта. Оббо сиз-ей, бекорга уринибсиз-да!..

Рисолат уйга кириб кетади. Тошболта каравотдан эгилиб, гул узиб ҳидлайди.

Оҳ... Мана бу роҳат, мана бу фароғат!.. Биз ҳам юрибмиз-да, эшак аравада шара-бара йигиб! Хўрозқанд! Чайнамай шиминг! Машина ип! Тўғногич, нина! Суннай! Кеп қолинг! Оп қолинг!.. (*Кулади*.)

Рисолат (*чинни косада мастава келтиради*). Узингизча нималар деяпсиз, Тошболта ака?

Тошболта. Тирикчилик ташвишлари... Қўяверинг! (*Маставадан ҳўплайди*.) Ҳай-ҳай, бу дунёнинг таоми бўлмапти. Ана мазза-ю мана мазза!.. Қўлингиз дард кўрмасин-ей!..

Рисолат. Жуда мақтаб юбордингиз... Лекин ўзим ҳам домладан яшириб, фақат сизга пиширганман...

Тошболта. А, лаббай? (*Таажжубланади*.) Нега ўзингиз ичмаяпсиз?

Рисолат. Иштаҳам йўқ... Сиз ичсангиз — мен ичгандек...

Тошболта. Вой-вў, чинимнанми?

Рисолат. Шу вақтгача сезмадингизми?

Тошболта. А, лаббай? Яна бир индалло гапиринг!

Рисолат. Боринг-е, одамни ерга қаратасиз!..

Тошболта. Вой-вў, ана шунақа одобларингизга борман-да! Худди Қумринисамнинг ўзгинасисиз-а! Раҳматлик ҳам менинг бошимда парвона эди... Ишдан толиб қайтсам, ўтқазгани жой тополмасди!.. Тешавойни туғишда қийнаиб ўлди шўрлик... Мана, йигирма икки йил бўлди, беваман. *(Кўзига ёш олади, артмоқчи бўлиб, чўнтагидан рўмолча чиқаради.)*

Рисолат *(ачиниб)*. Намунча исқирт рўмолчангиз?..

Тошболта. Ёлғизлик қурсин!..

Рисолат. Бу ёққа беринг!

Тошболта *(яширади)*. Мени уялтирманг, пари... Кўчада кета туриб ариқ-париққа чайиб олардим-да!..

Рисолат рўмолчани олиб, жомга солади, самовар жўмрагидан сув оқизиб ювади ва гул шохига илади.

*(Уйчан.)* Йигирма икки йил ғамда ўтди.

Рисолат *(кулади)*. Қўйинг, ғамдан гапирманг, андак ёзилишайлик!

Рисолат ашуда айтади, Тошболта ғамини аста-секин унутиб, қўшилишади, ўйинга тушади.

Қуралай кўз, қуралай,  
Туйнугингдан мўралай.  
Сен ялло айтганингда  
Оҳангига йўрғалай.

Пайваста қош, қалам қош,  
Кела қол, битди бардош.  
Бегоналар сезмасин,  
Фақат сен менга сирдош.

Мен сенга етолмайман,  
Баҳрингдан ўтолмайман,  
Яқинингга қўймайсан,  
Олислаб кетолмайман.

Толингдаги оқ тўрғай  
Қуйламаса на бўлғай.  
Иккаламиз қувнасақ,  
Маҳалла-кўйлар тўлғай.

Тошболта. Шунақа денг, иккаламиз қувнасақ, мақалла-кўйлар тўлғай, денг?

Рисолат (қийқириб кулади). Ё, ишонмайсизми?

Тошболта (эсини йўқотиб қўйиб, Рисолатнинг билгидан ушлайди). Ишонаман, пари, худо урсин, ишонаман!.. Аммо лекин мана бу устингиздаги.. Марғилоннинг саккиз тепкили хонатласи шу бўлса керак-да, а?

Рисолат. (Тошболтанинг қўлига уради). Олинг қўлингизни!.. Менинг мақсадим бошқа, Тошболта ака! Мен, авваламбор, Кароматга она бўлишим керак. Сизни ортиқча ҳурмат қилишимнинг важи бу ёқда.

Тошболта (ҳайрон). Яъни, масалан?.. Индалло гапиринг!

Рисолат. Каромат сеvimли келинингиз бўлади!..

Кўчадан Муҳаммадсолиҳнинг овози эшитилади.

Вой ўлмасам, акам!..

Дастурхонни шошиб йириштиради, уйга қочиб кирган бўлади, Муҳаммадсолиҳ ясама йўталади.

Тошболта (қўл қовуштиради). Ассалому алайкум, тақсир!

Муҳаммадсолиҳ. Ваалайкум ассалом, мулла Тошболта! Қани, ўтиринг!.. Омин, парвардигори олам жами мўминларга инсофу диёнат, иқболи шарофат ато этсин, олоҳу акбар! (Уйга қичқиради.) Рисол, ҳо, Рисол, чироқ олиб чиқ!

Рисолат энди тамом бошқа қиёфада: катта дока рўмолга ўралиб, ўзини сипо тутиб, чироқ кўтариб чиқади.

Менга бер!.. Ҳа, дарвоқе, Каромат уйдаими?

Рисолат. Боши оғриб, ётиб қолди...

Муҳаммадсолиҳ. Бош оғригининг давоси — уйқу. Валлоҳи аълам, ором олсин. Сен уйга кир. Бизнинг, мулла Тошболта билан муҳим маслаҳатимиз бор...

Рисолат оёқ учида орқаси билан юриб, уйга кириб кетади.

Муҳаммадсолиҳ (гул шоҳидаги рўмолчани кўздан кечиради). Таажжуб, таажжуб...

Тошболта (ўзидан хавфсираб). Нима таажжуб, тақсир?

Муҳаммадсолиҳ (*устамонлик билан*). Кеча таърих кўрсам, ташқарингиздаги чинорни Муҳаммад Иброҳим Салоҳ эшон ҳазратлари экиб кетган эканлар...

Тошболта. Епирай! Чиниминан-а?..

Муҳаммадсолиҳ. Иқболнингиз кулиб турибди, мулла Тошболта. Масжидни ташқарингиздаги айвонингизга очамиз.

Тошболта (*ўйланиб қолади*). Ғўф-е... Бўлмайди, тақсир...

Рисолат билан Каромат дарахт орқасидан мўралаб, кулоқ соладилар

Муҳаммадсолиҳ. Нега?

Тошболта. Ўғлим заводда ишлайди. Ер-дўстлари келиб туради. Уста Меливой эски қадрдоним... Тўғри келмайди, тақсир!..

Муҳаммадсолиҳ. Масжидни қаерда очайлик бўлмаса?

Тошболта. Шу томорқангизда очаверинг, тақсир!..

Муҳаммадсолиҳ. Йўқ, мулла Тошболта, сизникида очамиз. У ерда муборак чинор бор!.. Инчунин биз таъсис қилмоқчи бўлган масжиднинг эътибори ҳазор бора ортади. Ва сиз масжид муаззини бўласиз.

Тошболта. Лаббай, тақсир?

Муҳаммадсолиҳ. Масжид сўфиси бўласиз. Ахир, бизга ҳам ишингиз тушиб қолар (*Рисолатга ишора қилади, кулади*). Сўққабошсиз...

Тошболта. Қандоқ бўларкин, тақсир...

Муҳаммадсолиҳ. Ҳа, дарвоқе, кармонни очинг!

Тошболта. Лаббай, тақсир?!

Муҳаммадсолиҳ. Худо йўлига бир нимарса атаворинг шу улуғ айём кунларда!

Тошболта. Тақсир... (*Саросимада.*) Савдодан тушган йирик пулларни шу бугун идорага топширувдим...

Муҳаммадсолиҳ. Қани, майда бўлса ҳам чўқаринг!

Тошболта (*латта халтачасини дастурхонга ағдаради*). Индалло санаганда, тақсир: бир, икки, уч тийин... Трамвайга опқўювдим...

Муҳаммадсолиҳ (*пулни чўнтагига солиб, дуо қилади*). Омин, давлатингиз бисёр бўлсин, оллоҳу ақбар!

Тошболта (*ўрнидан қўзғалмоқчи бўлади*). Тақсир...



Муҳаммадсолиҳ. Андак сабр, мулла Тошболта.  
(Бир нафас ўйга чўмади.) Маҳаллада Полвон ота, Қур-  
бон ота, уста Мелнвой домком деган оғзи бузуқлар бор.  
Эҳтиёт бўлинг. Уйингиздаги масжидни зинҳор масжид  
деб атай кўрманг. Бирор киши суриштира, «ёр-дўстлар  
келиб туришибди», денг. Яна бир гап шуки, сиз масжид  
даромадига аралашманг. Пул ҳаром нарса. Аммо ҳар бир  
намозхондан масжид наъфига бир нимарса ундирмоқ ҳам  
фарз, ҳам қарз. Айниқса, бугун-эрта питрўзани жон бо-  
шига йиғиб олмоқ зарур.

Тошболта. Хўп, тақсир.

Муҳаммадсолиҳ. Сиз ҳам питрўзани дарҳол тў-  
ланг. Охиратни ўйламоқ керак, мулла Тошболта!

Тошболта қароқчи ургач ўғри ҳолига тушиб, лой бўлиб чиқиб  
кетади. Муҳаммадсолиҳ чўнтагидан қорадори чиқариб хап-  
дагини ютади, ўз уйига кириб кетади. Бир неча дақиқадан кейин Р и-  
с о л а т оёқ учиди юриб, гулзорга келади, гул шохидан Тошбол-  
танинг рўмолчасини олади, кафтида текислайди, ўйга толади.

Рисолат. Бечора Тошболта... Домла сени шилади  
энди. Аммо сени домланинг тузоғидан ўзим қутқараман...

Паранжилик А ф и ф а хола кириб келади.

А ф и ф а х о л а. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Қадам  
етди, бало етмасин.

Рисолат билан елка қоқишиб кўришади.

Эсонмисиз-омонмисиз, эсон-омон юрибсизми? Ёмон  
кўздан худойим ўзи асрасин, Рисолат пари, бирам етилиб-  
сизки!

Рисолат. Ҳа, нимасини айтасиз, айланай хола, етил-  
ганим билан оллойим бефарзанд яратган экан...

А ф и ф а х о л а. Нуқсонсиз парвардигор! Бандаси-  
нинг иши мири кам икки

Буларни деразадан кузатган | Муҳаммадсолиҳ йўталиб чиқиб  
келади.

Муҳаммадсолиҳ. Келинг, хола, қаерингиз оғ-  
рияпти?

А ф и ф а х о л а. Ҳар ерим, тақсир... Салим акангиз  
кеча ифторликдан тоғорага ош босиб келувдилар, нафс  
ўлсин, ҳалигини саҳарликда паққос туширсам бўладими!

Унинг устига битта чиннида нишолда ҳам ёволувдим... кейин чанқаб, токчадаги пиёлани симираманми, яхна чой десам, Суннатиллонинг миноси экан... Лоҳас тортиб, ўзимни эплолмай қолдим. Шу десангиз, кўйним айниб, эрталабгача ўхчиб чиқдим. Салим акангиз «домлага бор, муолажа қилсинлар», деб мана шу биттагина сўмни бердилар.

Муҳаммад солиҳ. Фақат бир сўм бердиларми? Қурумсоқ бўлмай ўлсинлар! (Пулни олади, алланималар пичирлаб, холанинг оғзига тупуради.) Уйга бориб, ўралиб ётинг, шифо топасиз!..

Афифа хола. Қуллуқ, домлам...

Афифа хола оғир тортиб, базўр чиқиб кетади, Суннат келади.

Муҳаммад солиҳ. Келинг, бойвачча, келинг! Суннат (қўл қовуштиради). Ассалому алайкум, домла амаки!

Муҳаммад солиҳ. Ваалайкум ассалом! Суннат. Сиздан дуо олай деб келдим, домла амаки!

Муҳаммад солиҳ. Боракалло! Суннат. Дадам: домла амакинг бир кори хайрга бел боғлабдилар, яъни маҳаллада мачит очмоқчилар, дедилар...

Муҳаммад солиҳ (Суннатнинг оғзини ёпади). Тсс... Деворнинг қулоғи бор-а!.. (Аланглайди.) Нафсиламир тўғри айтасиз, масжид очсакмикин...

Суннат. Шунга биздан арзимас иона... (Чўнтагидан пул чиқаради.) Шу юзта сўмни мачитнинг кам-кўстига ишлатсангиз. Аммо ўзи ҳам қовурғаси синмаган янги червонлар...

Муҳаммад солиҳ (пулни олиб санайди). Ердан топсанг ҳам, санаб ол, деганлар! (Дуо қилади.) Омин, олло таоло тилагингизни берсин! Қани энди, мулла Суннат, юқорига чиқинг! (Унинг ёнбошига болиш қўяди.) Хўш, бойвачча, қандай хизматдасиз?

Суннат. Бозор омон бўлса, ошиғим олчи, домла амаки!

Муҳаммад солиҳ. Боракалло!..

Сой бўйида булбул сайрайди. Суннат ўша томонга олазарак қарайди.

Суннат. Булбул ҳам бевақт сайрар эканда-а?

Муҳаммадсолиҳ (қулоқ солади). Таажжуб...

Суннат (туриб, ҳовли этагини кўздан кечиради).  
Домла амаки, анҳор бўйидаги булбул — Тошболта утил-  
чининг ўғли Тешавойга ўхшайди. (Муҳаммадсолиҳнинг  
қулоғига алланималар шивирлайди.)

Муҳаммадсолиҳ. Астағфирулло!.. Безори!.. (Ер-  
дан кесак олиб анҳор бўйига отади. Булбул тобора авжга  
минади. Яна кесак отади.) Астағфирулло!..

Суннат. Домла амаки, мен бир пойлай-чи безорини!  
(Кесак отади, булбул тинади.) Ана кўрдингизми, овози  
ўчди! Энди менга ижозат, домла амаки...

Муҳаммадсолиҳ. Шундоғми, ҳай, ихтиёр ўзла-  
рида. Аммо бизни фаромуш қилманг. Масжидга келиб ту-  
ринг. Сиз билан ҳали кўп маслаҳатларимиз бор. (Суннат  
кетади. Муҳаммадсолиҳ уйга қичқиради.) Рисолат, тўн  
билан саллани опчиқ!

Рисолат тўн билан саллани олиб чиқади. Муҳаммадсолиҳ  
кийиниб кетади. Соғ бўйида яна булбул сайрайди.

Рисолат. Бечора булбул, сайрай бериб толди.  
(Ҳовлининг соғ томонидаги эшигидан мўралайди.)  
Ҳозир! Булбулжон, гулингизни ҳозир узатаман! (Уйга  
киради. Каромат ясаниб чиқади. Анҳор томонга қарайди,  
энтикади...)

### Каромат

(ашула айтади. Қизлар хори сахна орқасидан жўр бўлади)

Чамандаги булбуллар  
Нолиш қиламан дейди,  
Боғда очилган гуллар  
Совға бўламан дейди.

Мунча куттирдинг, ёрим,  
Битди сабру қарорим.  
Сен келмасанг, баҳорим —  
Буткул сўламан дейди.

Боғим тонг ҳавосидан,  
Қушларнинг навосидан,  
Гўзаллик жилосидан  
Нурга тўламан дейди.

Анҳор бўйидан Тешавой югуриб киради.

Тешавой. Шунақа ҳам соғинтирадими қиз бола деган?.. Юз йилдан бери ўзингизни кўрсатмайсиз-а!..

Каромат. Ёлғончи!.. Куни кеча келган ким эди?

Тешавой. Мен келганим билан, сиз дадангизни баҳона қилиб чиқмадингиз-ку? (Хафаланиб, этик учи билан ер чизади.) Бугун-эрта совчи юбормоқчиман. Майлими?

Каромат. Юрагингиздан сўранг.

Тешавой. Юрагим... Оҳ, юрагимда қандай гўзал орзулар борлигини билсангиз эди!..

Иккови бир-бирларига термилишиб куйлайдилар.

### Тешавой

Ишон менга, жондан азиз жононим,  
Ишон менга, чиндир аҳду паймоним,  
Сени дедим, ҳаётим гули сенсан,  
Орзум сенсан, бўлмайди пушаймоним!

### Каромат

Баҳор келса, гул қоплайди далани,  
Уйғотади қирни чўпон ўлани,  
Яна мени тил учида ардоқлаб,  
Бошқаларга тута кўрма лолани!

### Иккови

Ишон менга, жондан азиз жононим,  
Ишон менга, чиндир аҳду паймоним,  
Сени дедим, ҳаётим гули сенсан,  
Орзум сенсан, бўлмайди пушаймоним!

Тешавой. Қани кетдик!

Каромат. Қаёққа?

Тешавой. Ахир, кеча ўзингиз айтмадингизми «Пушкин боғига тушамиз» деб?..

Каромат. Айтишга айтдимку-я, аммо дадам...

Тешавой. Хўш, дадангиз?

Каромат. Дадам ҳаммамизнинг шаънимизга доғ туширмоқчи. Сизнинг ташқарингиздаги айвонда мачит очармиш... Сизнинг дадангиз сўфи бўлармишлар...

Тешавой. Йўғ-е?!!

Каромат. Уз қулогим билан эшитдим...  
Тешавой (ташвишланиб). Эҳ, афсус... Юзимиз ерга қарайдиган бўпти... Энди заводга қайси бет билан кираман?

Каромат. Мен-чи, мени ўйламайсизми?  
Тешавой. Наҳотки, мен сизни ўйламасам!.. Юринг, ташвишнинг олдини олайлик...

Каромат. Қаёққа борамиз?  
Тешавой. Устамиз Меливой аканикига!

Каромат. Ёрдам берармиканлар?  
Тешавой. Ёрдам берганда қандоғ!.. Шаънимизга доғ туширмаймиз!

Улар анҳор бўйлаб чопиб кетишади. Саломат билан Мирза пайдо бўладилар.

Саломат. Тешавой сой бўйида кутиб турмоқчимиди?

Мирза. Ҳа.

Саломат (Мирзанинг қўлига осилиб). Машиначингиз менга ёқмади, какеткани ўхшатолмас экан. Бошқасини топамиз.

Мирза. Хўп.

Саломат. Сиз кўрсатган шерсть ҳам маъқул эмас, тоза бўлгани билан ранги бўғиқ. Буғдой ранг қизларни қора нарса бўғади... (Нозланиб.) Ҳаво рангидан олиб берасизми?

Мирза. Хўп.

Саломат. Магазинга костюмлик кўк швиёт келибди. Сизга олишимиз керак. Уста машиначига тиктиринг. Примеркасига ўзим бораман.

Мирза. Хўп...

Саломат. Уйингиз менга маъқул бўлди. Лекин апстановкаси эски экан. Бозорга чиқариб сотинг. Магазиндан ўзим янги апстановка оламан. Нима дейсиз?

Мирза. Бўлади.

Саломат. Ошхонага водопровод киритганингиз яхши бўпти. Энди газ ўтказиш керак. Утин-кўмирда қўлимни қора қилиб юраманми?

Мирза. Хўп.

Саломат. Ҳай, менга қаранг. Одам бўлиб, мундоғ гапирсангиз-чи?! «Ҳа», «хўп», «бўлади»... шу учта сўздан бошқасига тилингиз келмайдими? Мундоғ очилинг... Ё, оғзингизга талқон тўлдириб олганмисиз?

Мирза (жилмаяди). Ҳа...

Саломат. Яна «ҳа» дейди-я? Ҳеч бўлмаса... (Эр-  
каланади.) Севишдан, соғинишдан сўзланг. Ахир, мени  
кўрмаганингизда соғинасизми?

Мирза. Ҳа.

Саломат (бўғилади). Ана, холос! Хўп, соғинар  
экансиз, қанақа соғинганингизни айтиб беринг. Мени би-  
рор марта тушингизда кўрганмисиз?

Мирза. Ҳа...

Саломат. Боринг-е! Сиз билан гаплашиб ўтирган  
мени қаранг!

Зарда билан кетмоқчи бўлади, Мирза унинг йўлини тўсади.

Мирза. Саломат!

Иккови шўх қўшиқ айтадилар, ўйнайдилар.

Саломат

Менинг ёрим индамас,  
Сўзларимни тингламас,  
Наҳотки, юрагимнинг  
Орзусини англамас?

Мирза

Сўзларинг шакар, гўзал,  
Қимматликда зар, гўзал,  
Мунча ҳам мафтун қилдинг,  
Кўзи сеҳргар гўзал?

Иккови

Бахтимиз кушод бўлсин,  
Уйимиз обод бўлсин,  
Янги ҳаёт қурайлик,  
Юрагимиз шод бўлсин!

Саломат. Каромат билан Тешавойни шу ерда ку-  
тиб тураммизми?

Мирза. Ҳа.

Саломат. Боринг-е! Мен Кароматни чақирай.

Мирза. Хўп.

Саломат эшикдан кираётганда шу томонга чиқаетган Рисо-  
латга дуч келади.

Рисолат. Кароматни кутяпсизларми? У Тешавой  
билан аллақайққа кетди...

Саломат. Қайққа кетди экан-а?

Рисолат. Жуда ташвишланиб чиқиб кетди...

Саломат. Нима гап ўзи, холажон? Тинчликми?

Рисолат. Тинчимиз йўқолди, айланайлар... Акам Солиқ домла Тошболта акани лақиллатиб, унинг ҳовлисида масжид очмоқчи бўлиб юрибди.

Саломат. Нима, нима?! Мачит?!

Мирза. Масжид?!

Рисолат. Ҳа, масжид очмоқчи...

Саломат. Мирза ака, бирор нима денг!

Мирза. Меливой аканикига кетдик! Уларни ўшадан топамиз.

Саломат. Кетдик!

Рисолат. Тезроқ боринглар...

Улар кетади, Рисолат уйга кириб кетади. Тошболта ҳовлиқиб келиб, эшикдан мўралайди, ҳуркибгина чертади.

Тошболта. Пари, ҳо, пари!..

Рисолат эшик орқасига яшириниб, бирдан кўринади, Тошболтанинг ўтакасини ёради.

(Кулади.) Оббо сиз-ей... Домлам дастрўмолни кўриб қолди деб, роса ташвишландим-да!..

Рисолат (дастрўмолни кўз-кўз қилади). Шартим бор, Тошболта ака, агар кўнсангиз, дастрўмолингизни бераман, кўнмасангиз бермайман.

Тошболта. Хўп, пари!.. Етса — мол, етмаса мана, жон!..

Рисолат. Шартим шуки, уйингизда масжид очмай-сиз!

Тошболта. А, лаббай! Индалло гапиринг: ким айтди сизга?

Рисолат. Масжид очсангиз менинг юзимга қора суртган бўласиз.

Тошболта (ўйланади, ўзича гапиради). Тўғрику-я, аммо домлам... (Бирдан.) Хўп, парихон, айтганингизни қиламан.

Дастрўмолни беради. Шўх кулади. Тошболта дастрўмолни силқитиб, ўйинга тушади.

Толингдаги оқ тўрғай  
Куйламаса не бўлғай,  
Иккаламиз ўйнасақ,  
Маҳалла-кўйлар тўлғай!..

ПАРДА

## ИККИНЧИ ПАРДА

Тошболтанинг ташқари ҳовлисидаги айвон. Унинг ёнбошида яккатуп чинор. Тошболта айвонни супуради.

Тошболта. Шу бир парча ҳовлим — катта боғ. Гуллар очилган. Булбуллар сайраган. Аллақаерда сивизга чалиниб, танбур унга жўр бўляпти. «Наво»ми, «Баёт»ми, аниқ эсимда йўқ. Мен ҳовуз бўйидаги ўчоқда ош дамлаётган эмишман. Бир вақт жонон пиёланнинг жарангига ўхшаш шўх қулги эшитилди. Бундоқ қарасам, қўлида патнис — Рисолат пари... Патнисда тўртта жийда гулли қора ликопча, бирида — қази, бирида — помидор, яна бирида — бодринг, тўртинчисида — патисон, иккита румкачаси ҳам бор. Узунроқ шишада бир бало қизил нарса. Парихоннинг эғнида — қора хонатлас, лозим ҳам шу материёлдан. Оёғида — амиркон кавуш. Боссаммикин, босмасаммикин, деб битта-битта келяпти. Мен бир қўлим билан парихоннинг чумоли белидан ушлаб, *(Тошболта супургини ташлаб, тушини ҳаракатда кўрсатади)* иккинчи қўлим билан ҳалиги шишадан румкачаларга қўйдим. Уриштирдик. Ичдик... Фу... захри қотил. Бошим айналди. У ёғини эслолмайман, ҳушёр тортиб қарасам, баланд сўрида ухлаб қопман. Парихон ёнимда алла айтиб ўтирибди.

Алла болам, аллаё,  
Ухлар олам, аллаё,  
Ҳамма ёқда қизил гул,  
Лола гилам, аллаё.

Кўкда сузар тўлин ой,  
Ухлай қолгил, қулун той,  
Алламга қўшилади  
Тиними йўқ Тентаксой, аллаё!



Кулоғининг юмшоқ ерини аста чимчиладим... Юзимга би- шапати тушса бўладими!.. Кўзимни очсам, тушим ёкан... Қани энди шу тушим ўнг бўлиб қолса!.. Эркаклар-нинг туши, индалло, ўнг келади. Аммо ўзи ҳам бир жаҳон-да! Ана назокат, ана латофат, ана одоб! (*Чўққайганча ўй суриб кетади.*) Икки ёрти бир бутун бўлиб, ўғилчани уй-лаб қўядик. Кейин набиралар, ҳовлида худди жўжалардай сакраб юради. Жўжаларим, жип-жип-жип... Мен улар би-лан қувлашаман. Жўжаларим, жип-жип-жип...

С а л и м о т а келиб, унинг ёнига ўтиради. Маст Суннат чайқа-либ келиб чинорни калла қилади. Муҳаммад солиҳ виқор билан кириб келади. Намозхонлар ўринларидан туриб қўл қовуштирадилар. Муҳаммад солиҳ фотиҳа қилади.

Муҳаммад солиҳ. Қалай, тинчликми?

Тошболта. Тақсир, шу ташвишни қўйсак...

Муҳаммад солиҳ. Қўрқманг, муаззин жаноблари...

Худо хоҳласа, ҳеч гап бўлмайди... Олло-таоло таборакнинг даргоҳи кенг... Валлоҳи аълам, азонни айтиб юборинг!

Тошболта. Тақсир, азон айтмай ўқийверинг-да!

Муҳаммад солиҳ. Мунча эзма бўлдингиз? Азон-ни айтинг, намоз қафо бўлмасин!

Тошболта (*галга солади*). Тақсир, таҳоратим йўқ ёди-да!

Муҳаммад солиҳ (*ўшқиради*). Бошланг!..

Тошболта манқаланиб азон айтади. Муҳаммад солиҳ имомликка ўта-ди. Намоз бошланади. Суннат бир-икки марта муккасидан йиқилади. Тошболта ётиб-туришдан адашиб, қоқилади. Намоз бир неча марта бузилади... Паранжилик Афифа хола челақда мошхўрда, ёски бўз дастурхонда нон, уч-тўрт сопол товоқ келтириб, чинор тагига қўяди. Алланималарни пичирлаб, шохга латта илиб кетмоқчи бўлганда, Муҳаммад солиҳ уни тўхтатади.

Эгачи, тўхтанг! (*Афифа хола тўхтаб, сочвонини юзига туширади.*) Қандай мақсад билан Муҳаммад Иброҳим Са-лоҳ ҳазратларининг чинорига туғ илдингиз?

Афифа хола. Уғлим Суннатиллонинг тўйига етай, қўша-қўша набиралар кўрай, дедим, тақсир.

Муҳаммад солиҳ. Боракалло! Бир нимарса атанг.

Афифа хола. Суннатиллонинг тўйига келадиган қўй-лардан бирини атадим, тақсир.

Муҳаммад солиҳ. Иншооллоҳ, мақсадингизга ета-сиз. Бораверинг.

А ф и ф а хола паранжи ичида туртиниб-суртиниб кетади.

Муҳаммадсолиҳ (намовзонларга). Чинори муборакка сизларнинг ҳам бир нимарса атаб, туғ илмоқларингиз лозим.

Салимота (тараддудланиб). Кампирнинг атагани— бизнинг атаганимиз...

Муҳаммадсолиҳ. Худо ҳар бир бандасини алоҳида-алоҳида яратган ва мункарнакирлар алоҳида-алоҳида сўроқ қилади. Алалхусус. Салим ака, сиздек бир зот...

Салимота. Хўп-хўп... (Чинорга латга илади.) Суннатиллонинг тўйида битта эчки келтириб шу туғни олиб кетаман.

Тошболта. Паст кетдингиз, Салим ака. Эчки ёғ қилмайди. Қўйдан гапираверинг!

Муҳаммадсолиҳ. Майли, майли. Эчкининг ҳам серкаси қўй ўрнига ўтади. (Суннатга.) Сиз-чи, бойвачча?

Суннат (гандираклар боғиб, рўмолчасини йиртиб илади). Битта қўчқор атадим. (Йўқилиб, чинорни қучоқлайди.)

Муҳаммадсолиҳ. Боракалло! Мулла Тошболта, сиз-чи?

Тошболта (чинорга латга илади). Тақсир, мен битта туллаган даканхўроз атадим.

Салимота (хуноби ошиб). Ўзинг паст кетдинг, баччағар!

Тошболта. Нима, нима! (Салим отанинг ёқасидан олади.) Ким айтди сенга, худонинг уйида оғзингни пештаҳам қил деб?

Салимота. Ҳай, ҳай, ноинсоф, нима қияпсан? (Бўғилиб Муҳаммадсолиҳга.) Айланай домла, бу безорини тартибга чақиринг!

Тошболта (тобора ошади). Ким безори, менми, сенми?!

Муҳаммадсолиҳ (уларни ажратади). Бас, бас-ей, уят! (Виқор билан.) Омин, атаганингизни парвардигори олам ўз даргоҳида қабул этсин, оллоҳу акбар! (Тошболтага.) Қани, таомни сузинг!

Тошболта мошхўрдани товоқларга сузиб беради. Индамай ичадилар.

Салимота (мошхўрдани хўриллатиб ичади). Байбай, бирам хушхўр таом бўптики!..

Тошболта. Бай-бай, бирам бемазаки!.. Кампирингиз кечагидан қолган мошкичирига ювинди қўшиб, суюлтириб келганми, дейман, Салим ака, сувда маза бор, бунда маза йўқ!

Суннат (айвон пешига базўр ўтириб олади). Бош оғригига кетаверади.

Тошболта. Ароқ занғарни эви билан ич-да, симёғоч! Салим ака, ўғлингизга насиҳат қилсангиз бўлмай-дими?

Салим ота. Одам бўлиб қолар...

Тошболта. Улгандами?!

Муҳаммад солиҳ (бир оз ўйга чўмган бўлади). Валлоҳи аълам, жами мусулмонларга аёндирки, питрўза тўламоқ фарздор. Албатта ҳар ким ўз қурбига қараб.

Суннат йигирма беш сўм, Салим ота уч сўм чиқариб беради.

Муаззин жаноблари?..

Тошболта. Тақсир, троллейбусга тўрт тийиним бор эди...

Муҳаммад солиҳ. Бераверинг, ҳазми таом пиёда юрмоқни талаб этади. (Муҳаммад солиҳ пулларни чўнтагига солиб, ўрнидан турлади.) Пешинга зинҳор кечикилмасин!

Муҳаммад солиҳ кетади. Салим ота идиш-товоқларини дастурхонга ўрайди, Тошболтага хўмрайиб, ўғли билан бирга йўлга тушади. Тошболта ёлғиз қолиб, аввал уйга кирмоқчи бўлади, кейин тараддулланиб, чинор олдига келади. Унинг шохларига илинган латталарни томоша қилади.

Тошболта (латталарни санайди). Қўй, эчки, қўчқор, хўроз!.. (Қийқириб кулади.)

Полвон ота билан Қурбон ота келиб, Тошболтани бир нафас кўздан кечирадилар. Полвон ота йўталади, Тошболта уларни намоз ўқигани келишган деб ўйлаб, менсимасданоқ гапиради.

Бомдод ўқилди, энди қазосини пешинга қўшиб ўқийсизлар.

Полвон ота. Нима, нима?!

Тошболта. Гапнинг индаллоси шу. Бораверинглар.

Қурбон ота. Сен нима деб валдираяпсан, галварс?!

Тошболта. Бу ер худонинг уйи. Маккайи мукарраманинг ҳужраси. Бетаҳорат кирманглар, деяпман,

Полвон ота. Хали, ўртадан қочган кал хўроздай қичқирган сенмидинг?

Тошболта (бақириб). Ха, менидим! Индалло билиб қўйингларким, бу айвон — масжид.

Полвон ота. Масжид?! (Кулади.) Шара-бара ёядиган айвоним десанг-чи!

Тошболта. Масжид дедим, масжид. Мен ана шу масжиднинг муаззини мулла Тошболта бўламан. Мана бу чинорни бўлса, Каъбатиллодан келган Муҳаммад Нброҳим Салоҳ ҳазратлари экиб кетганлар. Қани, биттадан қўй атаб, туғ илинглар!

Қурбон ота (Полвон отага). Тошболта жинни бўп қопти. Дарахт эккан бувасини авлиё деб юрипти.

Тошболта. Осий бўлдиларинг, калима келтиринглар!

Полвон ота (Қурбон отага). Жиннини ўз ҳолига қўйиб бўлмайди. Қўл-оёғини боғлаш керак. Қурбон!..

Қурбон. Лаббай, командир!

Полвон ота. Боғла, савдойини!

Қурбон ота Тошболтанинг қўлидан ушлайди. Полвон ота белбоғини ечиб, уни боғламоқчи бўлади.

Тошболта (бақиради). Қўйвор, қўйвор дейман! Дод, мусулмонлар!

Полвон ота (Тошболтанинг қўлини қайиради). Қурбон! Оғзига латта тиқ!

Қурбон ота Тошболтанинг оғзига латта тиқади. Полвон ота унинг қўл-оёғини боғлайди.

Полвон ота. Қани, сувга ташлайлик, шояд ўзига келсал..

Чоллар Тошболтани ариқ бўйига судрайдилар.

Қурбон!..

Қурбон ота. Яхшиси, жиннихонага жўнатиб қутула қолайлик.

Тошболта. Мен жиннимасман, ўзларинг жинни!

Полвон ота. Қурбон, бос!

Тошболта. Гуноҳга ботасан, сассиқ чоллар! Дўзахга равона бўласанлар! Сенларни тақсирим Муҳаммадсолиҳ домлага айтаман, дуойибад қиладилар.

Полвон ота (Тошболтанинг ёқасидан олиб турғизади). Тур, Муҳаммадсолиҳ шириллатоннинг гумаштаси!

Тошболта. Ия... ия... ия... ия...

Полвон ота. Қурбон!..

Қурбон ота. Лаббай, командир!

Полвон ота (Тошболтани кўрсатиб). Бу нодонга Мамасолиҳнинг бедилини ўн тўртинчи моддасидан ўқиб ташла!

Қурбон ота. Мамасолиҳ уруш вақтида заборний сотиб қўлга тушган. Армиядан ҳам қочган. Ун йил қамалиб чиқди. Энди тиниб-тинчирмикан десак, ўғирланган магазин моли уйдан чиқиб, яна қамалиб кетди. Кеча келиб, бугун тагин ҳунар кўрсатибди-да, аблаҳ!

Полвон ота (Тошболтани туртади). Хўш, ҳаром мағзинга сингдими энди? Қурбон, еч қўлини!

Тошболта (қўл-оёғи ечилиб, билакларини, болдирларини уқалайди). Одамни жиннига чиқариб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас-а!..

Қурбон ота. Мамасолиҳ билан бунинг кирдикорини Меливойга очиш керак. Маҳалла мажлисига қўйсин. Ундан кейин, молияга айтиб, налук чиқариш керак бу масжидга!

Тошболта (ялинади). Ахир, мусулмонлар, худо хайрингизни берсин, тўй қилмоқчиман...

Полвон ота. Тўй қилишингни юртга айтасан!.. Қурбон!..

Қурбон ота. Лаббай, командир!

Тошболта буйруқни эшитиб қочади.

Полвон ота. Қани кетдик!

Чоллар кетади. Тошболта айвон пешига ўтириб олиб, калласини муштлаб инграйди. Уйдан Тешавой қувнаб, ашула айтиб чиқади.

### Тешавой

Тонг чоғида булбуллар, ёр-ей,

Қуёшга интилади, ёр-ей.

Кулиб очилса гуллар, ёр-ей,

Юрагим энтикади, ёр-ей.

Қизмисан, қирмизмисан, ёр-ей,

Кўкдаги юлдузмисан, ёр-ей,

Аста кириб борайми, ёр-ей,  
Уйингда ёлғизмисан, ёр-ей?

Дада, ташқарида нима шовқин?

Тошболта. Амакиларинг келишувди.

Тешавой. Қайси амакиларим?

Тошболта. Муҳаммадсолиҳ ака, Салим ота, Суннатилла.

Тешавой. Уларнинг қай бири менинг амаким?

Тошболта. Епир-ей, индалло гапни гапириб бўлмайди бу болаларга!.. (Уйга кириб кетмоқчи бўлади.)

Тешавой. Тўхтанг, дада, ўз-ўзингизча нималар деяпсиз?

Тошболта (гапни буради). Нега саҳарлаб турдинг?

Тешавой. Кеча трактор заводига газ олиб бордик. Бугун ёқамиз. Устам Меливой ака монтажни топширишдан аввал бир синаб кўрайлик деган эдилар.

Тошболта. Бор, боравер!

Тешавой чинордаги латталарни йиғиб улоқтиради.

Тешавой. Маҳалла қуйқалари шунга йиғилгандими, дада?

Тошболта. Ешсан. Тушунмайсан. Жўна!

Тешавой. Уятли иш бўлмасин тагин. Устам бригадамизни Коммунистик меҳнат бригадаси номи олиш даражасига кўтармоқчи. Ишингиз кўпчиликнинг шаънига доғ бўлиб тушмасин яна?!

Тошболта. Ҳой, тентак, мени тинч қўясанми, йўқми?

Тешавой. Дадажон, кўриб туриб, кўрнинг ишини қилманг. Биз коммунистик меҳнатга, яъни пок виждон, соф ахлоқ эгаси бўлишга интиляпмиз. Сиз бўлсангиз, қутлуғ хонадонимизга Муҳаммадсолиҳ балохўр фитнесчани, Салим маразни, Суннат чайқовчини бошлаб келдингиз. Бу билан сиз менинг коммунистик ахлоқимга лой чапладингиз. Энди мен заводда бош кўтариб юролмайман. Менинг уятимга қолиб, бизнинг бригадамиз ҳам энди коммунистик бригада бўлолмайди. Бунинг ҳаммасига сабаб — сизнинг бидъат ботқорига чўкаётганингиз.

Тошболта. Нима қил дейсан, ўлайми?!

Тешавой. Ана холос... Ким сизни ўл деяпти? Ғаламислар билан ошначиликни йиғиштиринг. Ахир, ўзингиз

бир ўйлаб кўринг. Бу қора ишингизга Меливой ака нима дейди? Менинг дўстларим Мирза билан Саломат нима дейишади. Шу уйга келадиган Каромат нима дейди? Маҳалла-кўй нима дейди? Нега ҳаммани уялтирасиз, дадажон?!

Тошболта Мен уялтирган бўлсам, сен уялмай кўя қол. Уртоқларингга: «Дадам ўзи шунақа, қолақ, лақма», деб кўя қол. Бўптими?

Тешавой. Менинг гапим кор қилмаса, бошқаларнинг гапи, эл-юртнинг гапи кор қилади. Хайр, мен ишга кетдим!

Тошболта. Бор, бор, ҳе, сени қарал!

Тешавой кетади. Тошболта айвон пешиди ўйга толади. Эшикдан Рисолат мўралайди.

Рисолат. Тешавой-ҳо, Тешавой!

Тошболта (*кўзларига ишонмай ишқалайди*). Касал тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келур...

Рисолат (*жиддий*). Тешавой уйдадилар?

Тошболта (*суюниб*). Мана, биз у кишининг дадалари бўламиз. Хизмат, парихон?

Рисолат (*ороланиб. Парвосиз*). Тешавой йўқ бўлсалар, мен кета қолай... (*Кета бошлайди.*)

Тошболта (*ҳайратда*). Бола баҳона, дийдор ганимат... (*Қийқириб кулади.*) Вой-дод, ноз-истигноларидан!

Рисолат. Суйилманг! (*Аччиқ.*) Мен ювимга қора суйкаган киши билан гаплашмайман!

Тошболта. Ахир, нима гуноҳ қипмиз? Вой-ву... Аммо ўзлари ҳам... (*Рисолатнинг йўлини тўсади.*)

Рисолат (*серзарда*). Иккаламиз нимани гаплашган эдик? Хўш? Унутибсизда-а? Садқаи одам! Энди масжидингизнинг захини қучоқлаб ётаверинг!.. (*Буралиб чиқиб кетади.*)

Тошболта. Бир ташвиш келмасин, келса, бошқасини судраб келади... (*Чинор тагида бошига муштлайди.*)

Саҳна айланиб, кўркам хиёбон кўринади. Ишга келаётган бир тўла ёшлар ашула айтиб, ўйинга тушишади.

Чаманим — ҳусну латофат чамани,

Ватаним — бахту саодат ватани.

Ҳаммамиз жам бўлишиб қувнагали,

Завқимизни айтгали, ўйнагали,

Кўнглимиз севганини сўйлагали,  
Куйлагали, куйлагали, куйлагали!

Чаманим — ҳусну латофат чамани,  
Ватаним — бахту саодат ватани!

Каромат (югуриб келади). Дўстлар! Бугун газ ёқилишига трактор заводида митинг бўлармиш. Завод ҳаваскорлари бизга концерт берармиш!

Мирза. Ишимиз яхши баҳо олди. Айниқса, газ қувурлари монтаж лойиҳасининг автори Тешавой...

Тешавой гамгин, паришон.

Ҳа, сенга нима бўлди, Теша?

Тешавой. Мен энди сизларга муносиб эмасман... Дадам уйимизда махфий масжид очди...

Каромат (лабини тишлайди). Менинг дадам сабабчи...

Саломат. Бригадамиз шаънини ерга урди бу масжид...

Каромат. Дўстлар, ёрдам беринглар, нима қилайлик?

Меливой ака ҳовлиқиб келади.

Ёшлар. Салом, уста!

Меливой. Салом, ёш гвардия! Ҳаммасидан хабарим бор. Сизлар, газ қўйишдан аввал бориб, монтажни яна бир кўздан кечиринглар. Мен Тошболтага учрайман. Кўнгил тинчимагунча, иш юришмайди ўзи... Ҳа, боринглар! (Ёшлар кетади. Саҳна айланади, Меливой Тошболтага рўпара келади.)

Меливой. Галварс! Ҳо, галварс! (Латталарни томга отади.) Сенга нима бўлди ўзи? Нега сўррайиб турибсан? (Тошболтага бошдан-оёқ разм солади). Узингни анча олдириб қўйибсан. Қани, дафтарингни оч!

Тошболта. Бир савоб иш қилай деб, масжид очдим.

Меливой. Сен-а?

Тошболта. Ҳа, мен...

Меливой. Савоб иш қиламан деган одам дарахт экади, ариқ очади, ўғил уйлайди, юртга хизмат қилади. Чунончи, ўғлинг Тешавой жуда катта савоб иш қилди. Унинг газ қувурлари монтажи аъло баҳо олди. Завод уни мукофотлади. Мана бу савоб иш. Масжид қай гўрдан чиқди?!



Тошболта. Э, нима деяпсан, калима келтир-ей!..

Меливой (хохолаб кулади). Бас. Сўзни қисқа қилайлик. Соддалигинг орқасида кўп тузоқларга илидинг. Ҳаммасидан саломат олиб чиқиб кетдик. Бу гал ёмонроқ тузоққа илинибсан. Аммо бу гал ҳам қутқарамиз. Бунинг учун аввало ўзинг маҳкам туришинг, Мамасолиҳнинг динфурушлигини фош этишда маҳаллага ёрдам беришинг керак.

Тошболта. Мамасолиҳнинг динфурушлиги?

Меливой. Ҳа! Мамасолиҳ ўзи ишонмайдиган ҳудога сени ишонтириб, ҳаром пул топяпти. Бўлди, бўлди, оғзингни очма! Аммо орага бир нозик масала аралашибди. У ҳам бўлса Тешавой билан Кароматнинг муҳаббати. Майли, ёшларнинг йўли бошқа. Мен эртага совчиликка бораман. Тўйни бошлаб юборамиз. Нима дейсан?

Тошболта. Раҳмат, оғайни.

Меливой. Лекин шарт шуки, бу бидъат ўчоғини дарҳол бузасан. Нега десанг, сенинг бу лақиллашинг ўзингнинг шаънингга ҳам, Тешавойнинг шаънига ҳам доғ бўлиб тушади. Сенинг бу чирик дов-даскаинг бутун маҳаллани ерга қаратади.

Тошболта. Йўғ-е...

Меливой. Афсуски, Қумри бевақт дунёдан ўтди. Тўйга у ўзи бош бўларди!.. Энди сен ҳам сўққа бошинг билан юраверма. Рисолат билан махфиёна учрашибсан, деб эшитдим. Энди сени ўшанга уйлантириб қўяйлик. А, лаббай?

Тошболта (кўз ёши аралаш кулади). Қани энди, ўша кунларга етсам!..

Полвон, Қурбон оталар келади. Тошболта улар билан энди очилиб кўришади.

Тошболта. Келинлар, мана масжид ҳам йиғиштирилди.

Меливой. Оғайнилар, Тошболтани уйлаб қўйишни айтяпман... Ширингина ўтириш қиламиз. Ёшлигим қўзғаб кетса, дуторни ўзим чертаман. Азон айтиб овозингнинг баракаси учмаган бўлса, сен ҳам қўшилсан!..

Тошболта (очилиб). Гапнинг индаллосини айтасан-а, оғайни?

Меливой. Қани, дуторни олиб чиқ, бир ёшликни эслайлик!

Тошболта (кулади). Хўп, хўп. (Уйга киради.)

Полвон ота. Яшанг, Меливой, тилини топибсиз!  
Меливой (Тошболтадан дуторни олиб). Оламизми?  
Тошболта (қийтонглаб). Оламиз, оғайнижон, ола-  
миз! (Ялла айтишади.)

Эй кўнгил, тошиб яйра, гул фасли чаман яхши,  
Кўкламни, саодатни ҳаргив куйлаган яхши!  
Ёронлар сафо сурсин, суҳбатлар шарофатли,  
Боғларда гурунглашган, дўстлар, қувнаган яхши!

Тошболта (тошиб кетади, бақиради). Камол!  
Меливой. Тур, галварс, бир ўйна энди!.. (Тошбол-  
та ўйнайди.)

Қўлларни бериб қўлга, дилларни улаб дилга,  
Танбуру дутор чертиб, созга ўйнаган яхши.

Меҳнатда топиб иқбол, роҳатда умр хушдир,  
Жонимни бағишлайман, шавкатли Ватан яхши!

Тошболта. Бор экану, оғайни, қойил!..  
Меливой (кулади). Ашуланинг индаллоси бўлдим?  
Тошболта (қийқиради). Индаллосининг индаллоси  
бўлди, оғайни! (Уйга чўмади.)

Меливой. Тағин нима гап?

Тошболта (ўнғайсизланади). Энди... ҳалиги Ри-  
солатни кўчириб келсак... Тешавойнинг тўйига ўзи бош  
бўлса... Уй бесаранжом. Келин бола келган билан, ёш..

Полвон ота (кулади). Ўзинг ҳам ўлиб юрган  
ёкансан-да?..

Тошболта. Гапнинг индаллоси...

Меливой. Маъқул, ҳаракатингни қилавер! Биз эн-  
ди борайлик. Сен ҳам тирикчиликдан қолма, Мамасо-  
лиҳ пўконнинг гумаштаси!

Тошболта. Бўлди, бўлди. Ҳадеб бетимга сола-  
верманглар!

Меливой чоллар билан кетади. Тошболта айвон пешига  
ўтириб, ўйга берилади, қулоғига Рисолатнинг ашуласи эшити-  
лади. Уша ашуланинг сўнги сўзларини ўзича куйлайди.

Тошболта

Айланай-ҳо, айланай!  
Ургулай-ҳо, ўргулай!

Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

Муҳаммадсолиҳнинг ҳовлиси. Каромат гулворда ашула  
айтиб, гул дасталаяпти.

### Каромат

Севгилим, тонг чоғи гул уздим сенга,  
Дасталаб гўзал ғазал туздим сенга.  
Ғунчалар япроқ ёзиб кулган замон,  
Мен ўзимни гул каби сездим нега.  
Бу муҳаббатли юрак достонини  
Гул қоғозларга нафис ёздим сенга.  
Соғиниб, ҳар дам йўлингга термилиб,  
Кўз ёшим маржонини тиздим сенга.  
Эътибор этгил сўзимга, сеvgилим,  
Кўнглим айтиб турди, етказдим сенга.

Сой томондан булбул сайрайди. Каромат қулоқ солади.

Йўқ, Тешавой эмас...

Бир нафас ғуссаланади. Яна булбул сайрайди. Каромат энтикиб  
тинглайди.

Буниси ҳақиқий булбул — Тешавой...

Тешавой ашуласи эшитилади.

Бунда термилиб қолдик, жонажон, қачон келасиз?  
Аҳдимиз аён сизга бегумон, қачон келасиз?  
Тонг-саҳар шамоллардан биз сўроқ қилиб турдик,  
Ҳажр эмиш йигитларга имтиҳон, қачон келасиз?



Тешавой. Совчилар келишяпти, жоним. Қуруқ қайтишмайдими?

Каромат (Тешавойнинг юзига енгилгина шапати уради). Хўл қайтишади!..

Тешавой. Хижолатдан қора терга ботиб-а?..

Каромат (жиддий). Кимлар келади?

Тешавой. Устам Меливой ака билан маҳалламиздан яна икки оқсоқол... Ишонсам бўладими, жоним?

Каромат. Ўзингизга ишонгандай!..

Тешавой Кароматнинг юзидан ўпиб, ҳаяжонланиб чиқиб кетади.

Каромат (ўзида йўқ шод). Оҳ, нақадар пок экан бу йигитнинг юраги!..

Уйдан Рисолат чиқади. Каромат унинг бўйнидан қучоқлайди.

Каромат. Аммажон, келишяпти!..

Рисолат. Ростданми?

Каромат. Ростдан, аммажон, ҳали-замон эшик қоқишади.

Рисолат. Дадангни кўндиришим керак экан-да!

Каромат. Жон аммажон, умидим сиздан!..

Кўча эшигидан ялла эшитилди. Рисолат билан Каромат уйга бекинишади. Сават кўтарган Меливой, Полвон ота,

Қурбон оталар куйлашиб кириб келишади.

Боғингда юрган шамол атир экан, ёр-ёр,  
Кулишларинг оламга татир экан, ёр-ёр.  
Совчиларга поёндоз солганларга ташаккур,  
Рўмолдаги холва-ю патир экан, ёр-ёр.

Жон ака, жоним ака, эшигингни очавер,  
Мард бўлсанг, қўлингни бер, номард бўлсанг қочавер,  
Ёшларнинг иқболини ардоқла, қудажоним,  
Кун бўлиб, кундуз бўлиб нурларингни сочавер.

Муҳаммад солиҳ ҳовлида оёғи куйган товукдай у ёқдан-бу ёққа югуради. Ноилож эшикни очади.

Меливой (бутун уйга эшиттириб). Ассалому алайкум, яхшилар!

Қурбон ота (дастурхонни Муҳаммадсолиҳга узатади). Ассалому алайкум, қуда бува!..

Муҳаммадсолиҳ (совуққина). Ваалайкум асса-лом... Келинглар...

Меҳмонлар айвонга чиқиб ўтиришади.

Қурбон ота. Омин, севганлар мурод-мақсадига етсин, ували-жували бўлсин, оллоҳу акбар!

Рисолат (шақиллаб қайнаётган рух самоварни кўтариб келади. Меҳмонларга таъзим қилади). Хуш кўрдик!

Муҳаммадсолиҳ (Рисолатга). Самоварни йўқот! Валлоҳи аълам, рўзайи қиёмат...

Меливой (Муҳаммадсолиҳга). Сиз рўза бўлсангиз, биз рўза эмас. Чойни ичаверамиз. (Дамлайди, қуяди.)

Муҳаммадсолиҳ (совуққина). Хўш, хизмат?

Полвон ота. Икки ёш бир аҳднома тузишган экан, биз сиз билан бирга шунимзолашга келдик.

Муҳаммадсолиҳ. Валлоҳи аълам, хабарим йўқ.

Меливой. Дўстимиз Тошболтанинг ўғли Тешавой қизингиз Каромат билан кўнгил боғлашибди.

Қурбон ота. Оқ гул билан қизил гул бир-бирига қандоқ ярашса, улар ҳам шундоғ муносиб.

Меливой. Сизнинг розилигингизга келдик.

Муҳаммадсолиҳ (бети бужмайиб гапирди). Қизимиз ҳали ёш, тараддудимиз ҳам йўқ...

Меливой. Бу ёғидан хотиржам бўласиз. (Полвон отага.) Ота, патирни ўз қўлингиз билан ушатасиз-да!

Полвон ота (тугунни очмоқчи бўлади). Албатта!

Муҳаммадсолиҳ (тугунни четга тортади). Ҳай-ҳай, аввал тўй тадорикини сўзлашайлик. Мулла Суннатдан ҳам совчи бор, ваъдалари улуғ...

Меливой (кесиб). Қизингиз кимни хоҳлайди?

Муҳаммадсолиҳ. Қиз ихтиёри отада!

Қурбон ота. Иним Солиҳвой-ей!.. Патирни ушатайлик, тўй маслаҳати бўлаверади...

Муҳаммадсолиҳ (саватга ётиб олади). Авваламбор, мен воқиф бўлай.

Полвон ота. Қани, сиздан эшитайлик бўлмаса!

Муҳаммадсолиҳ. Мулла Суннат томондан эшит-

тирилгани тўрт қўй, бир ғунажин, ўн пуд гуруч, шунча ун, сабзи-пиёз, мева-чева ҳам ҳамин қадар. Тўққиз нафар либос: бари ипаклик. Қиз ўстирганга икки минг беш юз сўлкавой...

Қурбон ота. Йўғ-е, йўғ-е!.. (Еқасини ушлайди.) Инсофдан эмас бу!

Меливой (тиз чўкиб ўтириб олади). Бу мол савдоси эмас-ку, домла?!

Муҳаммад солиҳ. Ана холос, ана холос. Дарров аччиғингиз чиқади-да.

Меливой. Икки ёш бир-бирини севибди. Қўшақаришсин.

Қурбон ота. Балли, Меливой!

Муҳаммад солиҳ (тулкилик қилади). Астағфирулло!..

Қурбон ота. Патирни ушата берайми?

Муҳаммад солиҳ. Меливой айтгандек, бу мол савдоси эмас, умр савдоси. Алалхусус, бисотимиздаги ёлғиз қиз... Истаган кишимизга берамиз.

Қурбон ота. Мулла Мамасолиҳ, биз сизни одам деб эшигингизга келдик.

Муҳаммад солиҳ. Келган бўлсангиз, худо хайрингизни берсин, эшик очиқ, кетаверасиз!..

Қурбон ота. Юринглар! Эссиз одам!

Меливой. Яхши қилмадингиз, домла, ўйлаб кўринг!

Муҳаммад солиҳ. Биздан гинадор бўлманг, Меливой, қиз боқиш осон эмас...

Улар кетади. Муҳаммад солиҳ қорадори ютади, заҳарханда қилади.

Рисолат. Хўп десангиз бўларди, ака!

Муҳаммад солиҳ (бақиради). Чақир, қизингни!

Уйдан кўзлари қизарган Каромат чиқади.

Эшиттингизми, таъналарини?! Улар шунақа зўравон одамлар!.. Пастга туш! (Каромат ҳовлига тушади.) Тешавойга ваъда берганмисан? (Каромат оёқ учи билан ер чизади.) Сендан сўраётиман, падарлаънат?!

Рисолат (ўртага тушади). Намунча ўшқирасиз? Каромат ёш болами?.. Тешавойни севади. Тешавой одобли, обрўли йигит. Нима бўпти?

Муҳаммадсолиҳ. Юм оғзингни! (Рисолатни жаҳолат билан уриб йиқитади, Кароматга.) Айт!

Каромат. Ҳа, ваъда берганман!..

Муҳаммадсолиҳ (қизининг сочини чангаллаб бурайди). Мен-чи? Отанг-чи?

Каромат. Отам мени севса, бахтимга хурсанд бўлади!

Муҳаммадсолиҳ (қизини муштрай бошлайди). Мана сенга ваъда! Мана сенга бахт!

Рисолат. Ҳой, ҳой, ака, қиз болани ўлдириб қўясиз!

Рисолат акасига ташланади, Муҳаммадсолиҳ йиқилади. Эшик тақиллайди. Рисолат Кароматни суяб, уйга олиб кириб кетади.

Муҳаммадсолиҳ. Ҳозир!.. (Узини ўнглаб, эшикни очади). Баҳай, мулла Суннатвой?

Суннат (маст. Домлага пул узатади). Домла, йигирмата юзталиқ. Кечагига қўшимча. (Сенсирайди.) Энди қизингни берасанми, йўқми?!

Муҳаммадсолиҳ (ҳайрон). Шунча пулни қардан олдингиз?

Суннат (маст қичқиради). Узумини е, боғинни сўрама!..

Муҳаммадсолиҳ. Валлоҳи аълам... Қани, бу ёққа юринг-чи!. (Пулни айвондаги кўрпача орасига яширади, Суннатни уйга олиб кириб кетади.)

Саломат бир тўда ёшлар билан келади. Ҳовлида у ёқ-бу ёққа аланглайди.

Саломат. Каромат, Кароматой!..

Уйдан Каромат чиқади. Юз-кўзи кўқарган. Лат еган қўлини уқалайди.

Вой, нима бўлди сенга?

Каромат. Дадам урди... (пиқиллаб йиғлайди.) Суннатнинг ҳаром пулига учиб, Тешавойнинг совчиларини нуруқ жўнатди...

Саломат. Суннатни милиция қидириб юрибди. Магазинга ўрнашиб олган бир оғайниси билан битишиб, аллақанча тўп духобани чайқовчига оширганмиш...



Каромат (чўчиб). Вой ўлмасам!.. Суннат дадам билан шерик...

Суннат (уйдан Муҳаммадсолиҳга осилиб чиқади). Мени савдонинг пири дейдилар! Қизингни берасанми, йўқми?

Муҳаммадсолиҳ. Валлоҳи аълам, бераман, дедим-ку!

Саломат (Суннатга). Яхши учрадингиз.

Суннат (кулади). Хўш, хизмат, ойимча?

Саломат. Сизни милиция қидириб юрибди.

Суннат. Нима, милиция?!

Саломат. Магазиндаги дўстингиз қамалибди. Навбат сизга!..

Суннат (туллаклик қилади). Бу туҳмат! Менинг магазинда дўстим йўқ. Қоч дейман!.. (Гандираклар йиқилади.)

Саломат. Бу кунингдан ўлганинг яхши!

Каромат (Суннатга). Уғри! Кет бу уйдан!

Муҳаммадсолиҳ. Ҳай, ҳай бетавфиқ, нима деясан?!

Каромат. Дада, пулпарастлик сизнинг қонингизда. Пул деб имонни сотяпсиз. Кўп марта қамалиб чиқдингиз. Энди етади. Динфурушликни, пулпарастликни ташланг. Бошқа кексаларга ўхшаб тинчгина юринг. Мен бу бадном уйда энди қололмайман. Бу доғ менинг шаънимга, дўстларим шаънига, бригадам шаънига ярашмайди!.. Хайр, кетдим!..

Рисолат (уйдан тугун кўтариб чиқади). Мен ҳам кетаман, ака, бағрим қонга тўлди. Ишга кираман...

Муҳаммадсолиҳ. Йўқол! Йўқол ҳамманг! (Каромат билан Рисолат ёшлар қуршовида чиқиб кетишади.)

Суннат (даҳшатга тушади). Пул!.. Даюс пул!.. (Айвон пешига ўтириб, бошини муштлайди. Кейин, ўзини домлага ташлаб, уни бўғади.) Қизинг қани, номерд?!

Муҳаммадсолиҳ. Йўқол-ей, валлоҳи аълам!.. (Суннатни уйдан ҳайдаб чиқаради, эшикни занжирлайди, чўнтагидан қорадори чиқариб, хабдагини оғзига солади, шимади.) Асаб...

Уйга кираётганда Тошболтанинг товушини эшитади.

Тошболта. Тўхтанг, тақсир!..

Муҳаммадсолиҳ (пўнғиллайди). Дард устига чипқон!.. (Тошболтага совуқ қараб.) Келинг!..

Тошболта. Менга ўзингизни ҳалимдай юмшоқ қилиб кўрсатманг, тақсир. Оқни оққа, қорани қорага ажратгани келдим.

Муҳаммадсолиҳ (мазах қилади). Епирай, дабдурустдан-а?

Тошболта. Ҳа, дабдурустдан!.. Бизнинг совчиларни қайтарибсиз?!

Муҳаммадсолиҳ. Мол меники, валлоҳи аълам, харидорини танлаб сотаман. Чидайсизми?!

Тошболта. Чидамайман! Орани очди қиламиз!

Муҳаммадсолиҳ. Ҳой, номард, менга қара! Сенинг ўғлинг бошимга битган бало бўлди. Уни деб, мулла Суннатдай хазинадан ажраб, муттаҳам бўлаёздим.

Тошболта. Тўғри, муттаҳамсан!

Муҳаммадсолиҳ. Таги паст! (Тошболтанинг бўғвидан олади.) Қизимни йўлдан урган — сенинг ўғлинг. Отангнинг юзига оёқ қўй, деб ўргатган — сенинг ўғлинг.

Тошболта. Қўйвор дейман!

Муҳаммадсолиҳ (Тошболтани маҳкамроқ бўғди). Ҳаммасини тўла, бўлмаса, жонингга жавр қиласан!

Тошболта (домлани калла қилиб йиқитади). Тўлайман-а!

Муҳаммадсолиҳ. Астағфирулло!

Тошболта (бақиради). Менинг сендан қарзим йўқ! Мен сендақа суллоҳ эмасман! Мен худо йўлига холис хизмат қиляпман!

Муҳаммадсолиҳ. Мен-чи?!

Тошболта. Сен имонингни ҳам сотасан, қизингни ҳам. Сен қўй терисидаги бўрисан, мулла чопонидаги тимсоқсан!..

Муҳаммадсолиҳ. Ҳай, ҳай, имонсиз, калима келтир!

Тошболта (калла қилади). Мана сенга калима!

Муҳаммадсолиҳ айвонга йиқилади. Кўрпача сурилиб, пуллар сочилиб кетади.

Аҳа, имонфурушликдан гопилган ҳаром пуллар!

Муҳаммадсолиҳ. Тавба қилдим, ҳазор марта тавба қилдим...

Тошболта. Тур ўрнингдан! Қизингни ўғлимга берасанми, йўқми?!

Муҳаммадсолиҳ (ўрнидан туриб кўкрагига туфлаб.) Бераман, мулла Тошболта, бераман!..

Тошболта. Синглингни ўзимга берасанми?!  
Муҳаммадсолиҳ. Бераман, бераман!..  
Тошболта. Гап мундоқ бўпти! (Тўйини тузатади.)  
Ўтиринг, маслаҳатни пухта қилайлик!

Иккови айвон пешига ёнма-ён ўтиради.

Муҳаммадсолиҳ. Хўш?..  
Тошболта. Тўйни қачон қиламиз?  
Муҳаммадсолиҳ (тулкилик қилиб). Қачон десан-  
гиз, мулла Тошболта.  
Тошболта. Бу бошқа гап.

Иккови қўл беришади, гина-кудуратни унутиб, қуйлашади.

### Тошболта

Мен кичкина, сиз катта,  
Сўзимиз шартта-шартта.  
Биздай дўст йўқ албатта,  
Бахт топамиз меҳнатда.

### Муҳаммадсолиҳ

Оллонинг даргоҳи кенг,  
Пул топамиз масжидда,  
Червонларни туғади  
Осилган латта-путта.

### Иккови

Қозон ҳам мой, чўмич ҳам,  
Иссиқ нонлар саватда,  
Кўрайлик, ошнам, баҳам,  
Ёнбошлаб калаватда!  
Умбала-қиданг,  
Умбала-қиданг,  
умбала-қиданг!..

Иккови ўйнаб бориб, айвон пешига ўтириб қолишади.

Тошболта (ўсмоқчилаб). Рисолат пари кўринмай-  
дилар?

Муҳаммадсолиҳ. Сизникига кетди шекилли..  
Тошболта. А?! (*Хайр-маъзурни насия қилиб кўча-  
га чопади.*)

Муҳаммадсолиҳ. Аҳмоқ!  
Салим ота (*ҳовлиқиб киради*). Домла, Суннатни ми-  
лиса опкетди.

Муҳаммадсолиҳ. А?!  
Салим ота. Суннат пул сиздалигини милисага  
айтди...

Муҳаммадсолиҳ. Нима?! Менда пул йўқ! Пул  
ўғлингда! Бор, жўна!

Салим ота. Ахир, домла?!  
Муҳаммадсолиҳ. Йўқол! (*Ҳовлига кириб эшик-  
ни орқасидан тамбалайди.*)

Салим ота. Э, худо, домла жинни бўп қопти. Уғлим-  
дан қолмай-а... Болам! Суннат болам!

Салим ота кетиши билан, Муҳаммадсолиҳ ҳовлида талваса-  
ланади.

Муҳаммадсолиҳ. Нажот! Худо, ўз паноҳингда  
асра! Нажот! Нажот Меливойда! (*Тўн, салласини қозиқ-  
дан олади. Эшикни қулфлайди. Кўчага отилади.*) Нажот  
Меливойда!

Саҳна айланади. Тошболтанинг ташқари қовлиси кўринади.  
Орадан бир неча кун ўтган. Қизлар айвонни безатишяпти. Уйдан  
Рисолат билан Меливой чиқадилар.

Рисолат. Куйиб адо бўлдим, уста. Тошболтангиз  
Лайли-Мажнун, Аршин-мол-олонлардан лоф уриб, мени  
уйига олиб келди. Тузук, меҳрибон. Артелга ишга киритиб  
қўйди. Аммо ўзи йўқолгани йўқолган. Бугун ҳам азонда  
кетганча, йўқ...

Меливой. Тўйни шу кунга ўзи тайинлаганмиди?

Рисолат. Ҳа. Кеча Тешавой билан Каромат ЗАГС  
дан ўтиб келишганда ҳам шу ердайди. Бугун азонда акам  
келди-ю, иккови аллақаяёққа даф бўлди...

Меливой. Акангиз уйда... Эртага Суннат билан  
бирга суд бўлади. Лекин маҳалла ўртага тушиб, уни ка-  
филга олмоқчи. Қоровул қиламиз. Кўз остимизда бўлиши  
керак. Кўпчиликнинг таъсири билан шояд тузалса. Кўча-  
ларни супурганда, шояд, миясидаги эскилик сарқитларини  
ҳам қўшиб супурворса!..

Рисолат. Раҳмат, уста ака!

Меливой. Мен чиқиб, Тошболтани бир қидиртириб  
кўрай... Сиз ҳаракатни бўшаштирманг!  
Рисолат. Раҳмат, уста ака!

Меливой чиқиб кетади.

Қандай улуғ қалбли киши!.. (Севиниб, уйга кириб кетади.)

Тошболта қоп орқалаб келади, айвонга ўтиради. Ҳовлисини танимай ажабланади.

Тошболта. Таажжуб... Ўз уйимми, ё адашиб бошқанинг ҳовлисига кириб қолдимми?..

Уй ичидан қизлар кулгиси эшитилади. Музыка майин ёйилади.

Бизнинг уйдан ҳам тўйнинг ҳиди келиб қолибди-ку!

Севиниб, кўзига ёш олади. Айвон пештоқига тutilган дорпечни кўздан кечиради.

Бизникида бунақа матолар йўқ эди-ку?.. Ия-ҳа, бу — парининг иши... Чевар-да, чевар!.. (Чақиради.) Тешавой, ҳо, Тешавой!..

Уйдан Рисолат чиқади.

Ия-ҳа, ўзларими? Ассалому алайкум!

Рисолат (таннозланиб). Ваалайкум ассалом... Бу қандоғ бўлди, дадаси? Бизни ишга солиб қўйиб, ўзлари қаёққа қочвордилар?

Тошболта. Ана холос, гинадан қутулмадик-да... Ахир, мен сизга айтмадимми, Тешавойнинг аммаси билан холасини тўйга айтиб келаман, деб? Аммаси Тўйтепада туради, холаси Ачавотда. Холаси бир қоп олма ҳам берворди.

Рисолат. Яхши қиптилар, тўйга ярайди. Қани, сиз дарров эски тўнни ечиб, янгисини кийиб олинг! Ҳали замон келин-куёвлар ҳам келишиб қолади!

Тошболта. Хўп, пари, хўп! (Рисолат унинг тўнини ечмоқчи бўлганда елка оша ўпади.)

Рисолат. Вой ўлмасам!..

Рисолат қопни Тошболтага орқалатади. Кўчадан ёшлар шовқини эшитилади. Тошболта уйга кириб янги тўн, дўппи кийиб чиқади. Ёшлар куйлаб, Каромат билан Тешавойни ўраб келишади.

## Е ш л а р

Чаманим — ҳусну латофат чамани,  
Ватаним — бахту саодат Ватани.

Ҳаммамиз жам бўлишиб қувнагали,  
Завқимизни айтгали, ўйнагали,  
Кўнглимиз севганини сўйлагали,  
Куйлагали, куйлагали, куйлагали!

Юраги тоза йигит соз чалади,  
Қўшилиб қанча хушовоз, чалади,  
Ҳунари, санъати мумтоз чалади,  
Тилаги қилгали парвоз чалади!

Кела қол, чеҳраси хандон, кела қол,  
Очилиб мисли гулистон, кела қол,  
Сенгадир садқайи бу жон, кела қол,  
Кутади дўсту қадрдон, кела қол!

Чаманим — ҳусну латофат чамани,  
Ватаним — бахту саодат Ватани!

Рисолат (Каромат билан Тешавойни қучиб севади). Жоним тасаддуқ сизлардан!..

Тошболта (кўзига ёш олиб, ўғли билан келинини дуо қилади). Бахтли бўлинглар!

Меливой, Полвон ота, Қурбон ота, маҳалла кексалари келишади. Уйин-кулги авжига минади. Рисолат уйга таклиф қилади.

Рисолат. Тўйхонага марҳамат!..

Муҳаммадсолиҳ елкаси қисқ киради. Бошини эгиб, тўйхонадагиларга салом беради. Безатилган «масжид»ни кўриб оғзи очилади. Каромат дадасига таъзим қилади.

Муҳаммадсолиҳ. Иқболнинг баланд бўлсин, қивим! Мени афв этинглар, яхшилар!

Тошболта. Эгилган бўйинни қилич чопмас!

Ҳамма уйга киради. Тошболта ёлғиз қолиб, айвон пешига ўтиради. Шодлигидан кўзлари ёшга тўлади. Рисолат унинг ёнига келиб ўтиради. Тошболта кўз ёшини янги тўнининг енги билан артмоқчи бўлганда Рисолат бошидаги нафис рўмолини олиб, эрининг кўзларини артади. Иккови бир-бирига кулиб термилишади.

# **АЖАБ САВДОЛАР**

**УЧ ПАРДАЛИ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ**

## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Л о л а. Студент, йигирма ёшда.

Маҳмуд. Профессор, Лоланинг дадаси, эллик ёшда.

Сунбул. Врач, Лоланинг онаси, қирқ беш ёшда.

Кашшоф. Мастер, Лоланинг акаси, йигирма беш ёшда.

Нодира. Студент, Лоланинг дугонаси, йигирма икки ёшда.

Қамбар. Нодиранинг акаси. Кашшофнинг дўсти, йигирма беш ёшда, мастер.

Парвоз. Асли исми Вали, йигирма олти ёшда. Ошиқ.

Хумор. Асли исми Салима. Парвознинг синглиси, йигирма тўрт ёшда. Маъшуқа.

Озода. Чевар. Парвоз билан Хуморнинг онаси, қирқ беш ёшда.

Вакил. Қассоб. Озоданинг иккинчи эри, олтмиш беш ёшда.

Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.



## БИРИНЧИ ПАРДА

Мевазор ҳовли. Тонг отяпти. Маҳмуд гуллаган дарахтлар тагидан аста ўтиб, сўри ток тагига келади, ток зангларини тарай бошлайди.

Аллақайси дарахт шоҳида булбул сайрайди. Маҳмуд завқланиб тинглайди, аввал тақлид этади, кейин хиргойи қилади.

Маҳмуд

Сайра, булбул, сайра, булбул, навбаҳоримда,  
Гулга тўлган, нозли кулган мевазоримда.  
Сайра, жоним, яйра, жоним, ҳей қадрдоним,  
Сенга муштоқ барча гулбоғ бахт диёримда.

Шўх тарона ошиқона айласин парвоз,  
Ўргилай, ёр, жўр бўлай, ёр, сенга торимда...

Сунбул (айвондан тушиб келади). Ассалому алайкум, домла.

Маҳмуд. Ваалайкум ассалом, табибам. Яхши ётиб турдиларми?

Сунбул. Ухлаёлмадим.

Маҳмуд. Йўғ-е?

Сунбул. Ҳа! Ҳар хил тушлар кўриб чиқдим.

Маҳмуд. Тушунарли.

Сунбул. Нимаси тушунарли?

Маҳмуд. Баҳор, табибам. Ёшларнинг-ку йўриғи бошқа. Сиз билан бизнинг ёшимиздагиларни ҳам жинни қилади.

Сунбул. Қўйинг-е!

Маҳмуд. Мен сизни қўйиш учун олган эмасман, табибам. Қани, ўзингиз айтинг-чи, бундан чорак аср муқаддам, иккимиз биринчи марта қайси фаслда учрашувдик?

Сунбул. Баҳорда...

Маҳмуд. Ҳа, табибам, баҳорда... Комсомол кўлининг мажнун толлар сув ичиб ётган соҳилида узоқ кездик. Кейин қайиққа тушдик. Ой тўлишган, юлдузлар чақнаган оромбахш тун... Сиз оқ шоҳи кўйлақда бошингизда чаман дўппи, сочингизнинг бир толими кўкрагингизда беоворгина сирғаларди... Эсингиздами, айтган қўшигингиз?

Сунбул

Эсимда...

Муҳаббатга макон кўлимсан,  
Нур порлаган бўстон кўлимсан,  
Юлдуз тўла осмон кўлимсан,  
Гўзал кўлим, дoston кўлимсан.

Маҳмуд

Жоним олди нозик ҳилолинг,  
Хаёлимдир доим висолинг,  
Менга тутгил лабингда болинг,  
Чаманларда танҳо гулимсан.

Иккови

Ой ботади, тонг отади шод,  
Қучоғига олади ҳаёт,  
Ҳаёт, ҳаёт, севдим умрбод,  
Сен нақадар зебо, сўлимсан!

Маҳмуд. Ана энди навбат ёшларга...

Сунбул. Домла, кеча совчиларни қайтариб юборганингиз яхши бўлмади.

Маҳмуд. Бир ишки, кўнглингга ўтиришмагандан кейин қилмаслик керак. Ҳалиги совчи юборган бола... отинимайди?

Сунбул. Парвоз.

Маҳмуд. Ҳа, Парвоз... Уша баландпарвозни бир кўрдиму феълим айниди. Сал шилқимроқ чамамда.

Сунбул. Куёвлар баъзи оталарга шунақа, сал шилқимроқ кўринади.

Маҳмуд. Киноями, табибам?

С у н б у л. Йўқ, ҳақ гап. Бирдан-бир сеvimли қизингизни иссиқ бағрингиздан олиб кетмоқчи бўлган йигит...

М а ҳ м у д. Демак, табибам, мен ҳам отангизга шилқим кўринган эканман-да?

С у н б у л. Сиз, домлажон, энг сеvimли, энг ардоқли куёв бўлгансиз!

М а ҳ м у д. Балли, табибам! Мен ҳам куёвимнинг менга энг сеvimли, энг ардоқли ўғил бўлишини истайман. Чунончи ўғлимизнинг ўртоғи бор-а, мастер йигит. Қамбаржон, ана ўша бизга куёвбоп.

С у н б у л. Қизингизнинг кўнглига қарамас экансиз-да?

М а ҳ м у д. Қарайман, табибам, қарайман. Аммо одамнинг ёши элликка борганда унча-мунча нарсага ақли етадиган авлиё бўлиб қолар экан. Мен ҳалиги... Парвозни бир марта кўрдиму усти ялтироқ, ичи қалтироқ эмасмикан, деган шубҳага бордим.

С у н б у л. Домла, одамни бир кўрганда билиш қийин.

М а ҳ м у д. Тўғри, табибам. Шундай одамлар борки, ўн марта кўрганингда ҳам жумбоқлигича қола беради. Аммо шундайлар борки, бир мартада ичак-чавоғи кўринадиди-қолади. Ҳалиги... оти нимаиди?

С у н б у л. Склероз бўп қопсиз, домла! Оти Парвоз...

М а ҳ м у д. Ҳа... Уша Парвознинг шу кунгача қаерларда парвоз қилиб юрганини ким билади? Халқимизнинг ақлли одати бор: тўй қилишдан олдин қиз ёки йигитнинг ота-онасини, уй-жойини суриштиришади.

С у н б у л. Муҳаббат...

М а ҳ м у д. Э, қизингиз нимани билади, энди йигирмага кирди!

С у н б у л (қизишади). Сизга турмушга чиққанымда мен ҳам йигирмага эдим!

М а ҳ м у д. Сиз, табибам, мени тўғри танлагансиз. Қизингиз бўлса...

С у н б у л (кўзига ёш олади). Мен сизни бунақа бағри тош ота деб ўйламовдим...

М а ҳ м у д. Бағрим тошлиги нимада? Яхшини ёмондан, оқни қорадан ажрата билишимдами?

С у н б у л. Қизингизнинг кўнгли чил-чил синди.

М а ҳ м у д. Синган бўлса, ямайсиз, табибам! Докторсиз! Медицина фанлари кандидати, хизмат кўрсатган врач! Яхшиси, анави садоқатли қушнинг хонишига қулоқ солинг! (Булбул сайрайди.) Орзум шуки, куёвимиз қарга бўлмасин, булбул бўлсин... Энг муҳими, шошмаслик ке-

рак. Уғлимиз ҳам бугун-эрта Қизилқумдан келиб қолади. Халиги... Парвоз билан кўришсин, танишсин. Қуш тилини қуш билади. Шундай эмасми? Юринг, табибам, нонушта қилайлик.

Эр-хотини уйга кириб кстадилар. Бир оздан кейин айвонда Лола пзйдо бўлади. У ғамгин, паришон. Айвон устунига суяниб ўйга толади.

## Л о л а

Ҳеч қанча замон ўтмади-ю, мен зор соғиндим,  
Сенсиз юрагим парчаланиб абгор, соғиндим.

Ёнимда севиб билмас эдим севги ғанимат,  
Кундуз эзилиб, тунлари бедор, соғиндим.

Ой тутилиб, гўёки жаҳон менга қоронғи,  
Сен кетдинг у бўлди уйим тор, соғиндим.

Шубҳа нима-ю, рашк нимадир, ўйламаганман,  
Кўнглимда илон ўрмалади, ёр, соғиндим.

Тезроқ кела қол, биргина он йилларга баробар,  
Ҳамхона бўлиб қолди фақат озор, соғиндим.

Ҳижронзадалик жонимни эзиб ташлади, эвоҳ,  
Ҳеч қанча замон ўтмади-ю, мен зор соғиндим...

Куйнинг ярамида ҳовлига ҳовлиқиб кирган Нодира Лоланинг аҳволини кўриб тўхтади, дарахт орқасига яшириниб, ҳаяжонини босади, қулоқ солади.

Л о л а. Кетаман бу уйдан! Парвоз билан қочаман. Севганимдан жудо бўлганимдан кўра, у билан қовушиб дашт-сахроларга чиқиб кетганим минг марта яхши! Оҳ, Парвоз! Мени «Лолита!», «Лолита!» деб эркалаган ширин тилиннга жоним фидо!

Н о д и р а (дарахт панасидан чиқиб келади, ўзини бошига ҳаракат қилади). Салом, Лола.

Л о л а. Салом, Нодира. Нега саҳарлаб келдинг, тинчликми?

Н о д и р а. Қовоқларинг шишиб кетибди?

Л о л а. Азонгача кўз юмганим йўқ. Дунё кўзимга қоронғи. Қачон севги йўлидаги ғовлар йўқолади-ю: биз, эркин қизлар, танлаган йигитимизга бемалол турмушга чи-

қамиз! Ҳайронман; дадам профессор, аям врач — тушунган одамлар бўлсалару, Парвоздай танти йигитнинг совчиларини қайтариб юборсалар! Бу қандай нодонлик! Бу қандай зулм! Бу кунимдан ўлганим яхши!

Лола айвондан тушиб келиб, Нодирани қучоқлайди, пиқ-пиқ йиғлайди.

Нодира. Ҳа, сенга қийин...

Лола. Бунча юрагинг кенг! Ерилсанг-чи! Азонлаб нега келдинг? Ёки, Парвоз...

Нодира. Ўзингни бос! Қара, гуллар чунонам очилибдики! Лола! Акамдан хат олдим. Сенга ҳам хат ёзган экан. Олдингми?

Лола. Олдим. Раҳмат. Лекин Қамбар мени кутмасин. Тақдирим ҳал бўлган. Парвозни танладим.

Нодира (маъюс). Бечора Қамбар... Лола!

Лола. Нима дейсан?

Нодира. Сен Парвоз билан қачон танишувдинг?

Лола. Бир ҳафта бўлди.

Нодира. Севасанми?

Лола. Жонимдан ортиқ!

Нодира. У ҳам севадими?

Лола. Оҳ, унинг ширин сўзлари, чўғдай қора кўзлари!

Нодира. Қаерда учрашувдинглар?

Лола. Аввал фонтан ёнида, кейин шу ерда...

Нодира. Шу ерда?

Лола. Ҳа... Худди шу ерда...

Чироқ ўчиб ёнади. Ҳовлида гуллаб ётган олма тагидаги стол ёнида Лола дарс тайёрлаб ўтирибди.

Лола (китобдан бошини кўтаради). Эсимда ҳеч нарса қолмаяпти. Эҳ, Парвоз, Парвоз! Хаёлимни ўғирладинг-қўйдинг. У оқшом... фонтан қайнарни, юрагим ўйнарни қаршингда... Нималар дединг ўшанда менга? Ҳа: «Муҳаббат камдан-кам кишиларга насиб бўладиган нодир туйғу...» «Бошқалар тупроқ ялаб ўтиб кета берадилар, фақат биз, чин ошиқ-маъшуқлар ҳаёт лаззатига тушунамиз...», «Севаман, севаман, севаман!»— дединг... Оҳ, билсайдинг, ўша ширин сўзларингга, ёниқ кўзларингга нақадар муштоқлигимни!

Хаёлимни олган ёр, келгил,  
Қилмай ортиқ интизор, келгил.

Соғинади дилим, гулларим,  
Қўлдан кетди ихтиёр, келгил.

На чаманнинг зиёси қолди,  
На китобнинг маъноси қолди,  
Фақат ишқнинг савдоси қолди,  
Сенсиз кўнглим бемадор, келгил.

Кундуз тунга айланган чоғи,  
Завқ бермайди навбаҳор боғи,  
Порла, порла, севгим чароғи,  
Дунё бўлсин шуъладор, келгил!

Эшик аста очилиб, ясанган-тусанган Хумор бош суқади.

Хумор. Лоланинг уйлари шуми?

Лола. Ҳа.

Хумор (*товушини пасайтириб, муғамбирона*). Лола сизмисиз?

Лола. Ҳа.

Хумор. Мен Парвознинг синглиси Хуморман.

Лола (*сапчиб ўрнидан туради*). Парвоз! Ўзи қани?

Хумор (*синашта*). Парвоз келсинми?

Лола (*ўпқаланиб*). У келмайди. Уялади... Номусли йигит!

Хумор (*уйни, ҳовлини, гаражни кўздан кечиради*). Жойида... (*Лолага*.) Ёлғизмисиз?

Лола. Вой ўлмасам! Сизни таклиф ҳам қилмабман! Келинг, Хумор опа! (*Бош эгиб таъзим қилади*.)

Хумор (*Лоланинг елкасига қоқади*). Эсонмисиз, омонмисиз, эсон-омон юрибсизми? Парвоз жинни бўп қопти, тилидан «Лолита» тушмайди: «Лолита! Лолита! Лолита!» (*Лолага бошдан-оёқ разм солади*.) Айтганича бор экансиз, жонидан!

Лола (*уялиб, ерга қарайди*). Ўтиринг...

Хумор. Мерси, Лоличка! Бу кошонага ҳали кўп келамиз. Парвоз машинада кутяпти, айтворай, қаршимасмисиз? (*Лолага қаттиқ тикилади*.) Сукут — аломати рисо. Хайр, жонидан, мен кетдим.

Хумор чопиб чиқиб кетади. Лола туш кўриб уйғонган кишидай, кўзларини ишқалайди, ҳовлиқади, бир айвонга чиқади, бир ҳовлига тушади, стол устини йиғиштиради, тоқатсизланиб кўчага қулоқ солади.

## П а р в о з

(кўчада)

Соғиндим, дилбарим, бир марта кўрмакка ижозат бер,  
Ёнингда соядек ҳар лаҳза юрмакка ижозат бер! {  
Қаён мен бормайин, ўю хаёлим биргина сенсан,  
Тополсам изларинг, кўзимга сурмакка ижозат бер!

Муродим — хизматинг, фармонларинг ижро этиш доим,  
Имо қилсанг кифоя, тез югурмакка ижозат бер!

Муҳаббат бошлади, келдим, кирарга журъатим йўқдир,  
Ўпиб остонани, боғингга кирмакка ижозат бер!

(Киради).

Келганимга хафа эмасмисиз, Лолитам?

Л о л а. Келинг... Хуш кўрдик!

П а р в о з. Ташаккур, Лолитам! (Лолани бағрига бо-  
сиб, кўзларидан ўпади.) Мен хонадонингиз билан астойдил  
танишишга келдим. Адалари, аялари, акалари...

Л о л а. Ҳаммалари ишда. Ўтиринг.

П а р в о з. Сиз турган жойда мен қандай ўтирай?  
(Ҳовлини кўздан кечиради.) Вой-вў, ҳамма ёқ гул. Неча  
сотих?

Л о л а (ҳайрон). Нима?

П а р в о з. Ҳовли. (Ҳовлининг бўйи, энини қадамлаб  
ўлчайди.) Беш юз квадрат метр. Кам. Ҳа, профессор  
Маҳмуд Носиров оиласига кам. (Уй-айвонни томоша қи-  
лади.) Саккизта хона бўлса керак-а?

Л о л а. Тўртта.

П а р в о з. Э, афсус... Ёнига қуриш керак. Дадангиз-  
га айтинг, мана бу томонига яна иккита хона, катта зал  
курсинлар. «Vol» бўлади! Аммо, бу ёғи жойида! (Гараж-  
нинг эшигини очади, «Волга» машинасини кўздан кечира-  
ди.) Қойил! Ранги ҳам беш: «Ойдин кеча»... Дадангиз бу-  
ни сеvimли куёвларига атаб олиб қўйган бўлсалар керак-а,  
Лолитам?

Л о л а. Акам...

П а р в о з. Нима? Акангиз Қизилқумда катта инже-  
нер — газ қувурлари ётқизяпти. Унга машина олиш чўт  
эмас. Дадангизга айтинг, жонгинам, бу қўғирчоқни тўйи-

мизгача гараждан чиқармасинлар — уриниб қолади (Лоланинг маънос торганини кўриб.) Тагин кўнглингизга олманг, Лолитам, шундай айтдим-қўйдим-да. Ҳозирги тўйларда қайнаталар куёвларининг кўрманасига машина миндиришяпти.

Л о л а. Машина топиладиган нарса.

П а р в о з. Bravo! (Стулга ўтириб, оёқларини чалиштиради.) Бир ҳисобда, сизни ёлғиз кўрганим яхши бўлди. Гаплашиб олишимиз керак. Ота-оналар фақат фотиҳа беришади. Биз яшаймиз! Янги замон, янгича муносабатлар... Мен, Лолитам, истиқболимизни шундай тасаввур қиламан: уй уч хоналик бўлсин: ишхона, меҳмонхона ва... ётоқхона. Ҳаммасига хорижий тўқ қизил мебеллар қўйилмоғи лозим. Аммо ванна билан ошхонада ҳамма жиҳоз оппоқ, оппоқ, оппоқ... Ҳовлига мева экмаймиз — бозорда тўлиб ётипти Сарвлар, арчалар, кактуслар, лилиялар... Ҳовли ўртасида — мрамар фонтан. Сув — бўйини кўкка чўзган лайлакнинг тумшугидан отилади... Нима дейсиз, Лолитам?

Л о л а. Гўзал...

П а р в о з. Гаражда — «Ойдин кеча...»

Л о л а (қўлларини қовуштириб тик турганча қулоқ солади). Давом этинг!

П а р в о з. Одам дунёга бир марта келади. Тўйиб яшамоқ керак. Дурлар, маржонлар ипга қандай тизилса, кайфу сафолар ҳам ҳаёт ипига шундай тизилмоғи даркор. Ғам, ташвиш, заҳмат, етишмовчилик одамни тез қаритади. Мен, Лолитам, сизнинг умрбод ёш бўлишингизни, кўзларингиз тонг юлдузидай чақнашини, антиқа таомлар еб, анвойи либослар кийишингизни истайман. Нодонлар ҳали ҳам нейлон, жерси, болонья кийиб юришибди. Кулгим қистайди. Терелон, перелон, серелон — мана фасон, мана мода!

Л о л а (шубҳаланиб). Сиз буларни қаёқдан биласиз?

П а р в о з. Мен ишлаётган бошқармада шунақа жондонлар борки...

Л о л а. Бошқармада ишлайсизми?

П а р в о з. Ҳа, Лолитам! Тўғри, на бошлиқман, на ўринбосар! Ёрдамчи! Биласизми, ёрдамчи ким? Ҳамма ишни ёрдамчи қилади-ю, жавобгар бўлмайди. Келган одамни бошлиқнинг олдига истасам киритаман, истамасам киритмайман. Истасам кулиб боқаман, истамасам қовоғимни соламан. Эртадан кечгача телефонлар жиринг-жиринг. Оқ телефон, қора телефон, кўк телефон, қизил телефон...



Саккизта телефон! Истасам оламан, истамасам олмайман. Истасам бошлиққа улайман, истамасам уламайман. Ҳа, қа, Лолитам, бошқармадаги иш менинг кайфиятимга қараб, ё юришади, ё тўхтаб қолади. Секретарлар, бўлимлар ... ҳаммаси менинг қовоғимга қарашади. Оёқ учида кириб, салом беришади, маслаҳат сўрашади. Мен бўлсам, креслога суялганча ўтириб ўйлайман, ўйлайман, ўйлайман... Сизни, Лолитам, фақат сизни ўйлайман. (Урнидан сапчиб туриб Лоланинг олдига келади, унинг қўлларини олади.) Тўйимизни ўйлайман... Карнай-сурнайларнинг кераги йўқ. Дадангизга айтинг, эскиликка мук тушиб, ҳофизларни таклиф қилмасинлар. Джаз-оркестр, модний ашулачи чақирамиз. Ресторанда танишим бор — Жорж. Микрофонни ўпиб туриб айтади. Биласизми, мана бундай. (Бўғиқ товуш билан хиргойи қилиб, Лолани рақсга тартади.)

Ойдин тунлар, ойдин тунлар.  
Юлдузлар имлар.  
Майин унлар, нозик унлар.  
Ошиқлар тинглар.  
Шаҳло кўзлар, ширин сўзлар,  
Тотли ўпишлар.  
Майсаларда сирли излар,  
Севиб қучишлар.  
Ой ботмасин, тонг отмасин,  
Қичқирма, хўроз.  
Бағримга кел, дам ўтмасин,  
Жоним, илтмос.

Лола. Рақсга уста экансиз.

Парвоз. Фақат сиз билан, Лолитам!

Лола. Қайдам...

Парвоз. Беқиёс ҳусн-жамолингиз ҳақи, онт ичаманки, шу ёшга кириб бирорта қизнинг қўлини ушламаганман. Кўнглим тиниқ чашма сувидай пок. Тўғри, не-не онаси ўпмаган қизлар орқамдан эргашиб юришади. Машинам жиличи билан орқамдан гулдаста силкиб қолган оқ-сарик, қора-мағиз, минг хил турланган жононларни кўраман. Парво қилмайман, чунки уларга юрагим муз. Фақат сизга, Лолитам, қалбим тўла олов.

Лола. Ишонсам бўладими?

Парвоз. Онт ичаман...

Лола. Керакмас!

П а р в о з. Аммо сиз... сиз севаcиzми?  
Л о л а. Севги... мен учун энг муқаддас туйгу!

Айтинг, гуллар, муҳаббатимни,  
Ёрга вафо, садоқатимни,  
Умидларим, орзуларимни,  
Мақсадларим, жасоратимни!

Айтинг, гуллар!

Ойдин йўллар, бошланг иқболга,  
Бошланг эзгу нур, истиқболга,  
Ойдин йўллар, чарогон йўллар,  
Омон етай бахту камолга!

Ойдин йўллар!..

П а р в о з. Лолитам! Эртага уйингизга совчилар келишади.

Л о л а. Мунча тез!..

П а р в о з. Ишни қил иссиғида, темирни бос қизиғида... Дадангиз билан аянгизни ўзингиз кўндирасиз-а?

Л о л а. Ҳа.

П а р в о з. Демак, тўй бўлади.

Л о л а. Ҳа! Ҳа-Ҳа!

П а р в о з. Браво! (Тақлидан.) Тўйлар муборак, эй ёри жоним!.. (Иккови қўл ушлашиб ўйинга тушиб кетишади.)

Жамолингга жоним фидо, ёр-ёр,  
Бир кўрдиму бўлдим шайдо, ёр-ёр.  
Дўстлар кулсин, ёвлар куйсин, ёр-ёр,  
Биз сурайлик кайфу сафо, ёр-ёр!

Л о л а

Сен ёр бўлсанг, содиқ ёр бўл, ёр-ёр,  
Севганингга вафодор бўл, ёр-ёр,  
Муродига мард етади, ёр-ёр,  
Бахт йўлида фидокор бўл, ёр-ёр!

И к к о в и

Севган яхши, севишайлик, ёр-ёр,  
Аҳду паймон қилишайлик, ёр-ёр,  
Тўй-тўйлашиб, куй-куйлашиб, ёр-ёр,  
Чимилдиқда қовушайлик, ёр-ёр!

Булар ўйнаётган вақтда Маҳмуд билан Сунбул ҳовлига кирадилар, ҳанг-манг бўлиб кузатадилар.

Л о л а (кўриб қолади). Вой!.. (Юзини қўллари билан яширади.)

П а р в о з (қўл қовуштиради). Салому алайкум.

М а ҳ м у д. Ваалайк?! (Лолага.) Ҳа, қизим, тинчликми?!

Л о л а. Бу киши Парвоз... танишинглар! (Чопганча уйга кириб кетади.)

М а ҳ м у д. Парвоз... Қани, ўтиринг. (Сунбулга имо қилади, у Лоланинг олдига кириб кетади.)

П а р в о з. Раҳмат, профессор. (Муллаваччалардай, одоб билан тик туради, Маҳмуд ўтиргандан кейингина ўтиради.) Ўзингиздан қолар гап йўқ, профессор, севги камдан-кам кишиларга насиб бўладирган нодир туйғу...

М а ҳ м у д. Албатта, албатта... (Қалтираган бармоқларини қовуштиради.) Хўш?

П а р в о з. Лолита билан биз бир-биримизни севишдик. Энди, профессор, бу ёғи шахсан сизга қараб қолди.

М а ҳ м у д. Ҳа-ҳа... Нозик масала...

П а р в о з. Шубҳасиз, профессор, масала нозик.

М а ҳ м у д. Кўпдан бери... ҳалигидай... учрашиб турасизларми?

П а р в о з. Ҳа. Бир ҳафтадан бери.

М а ҳ м у д. У-хў?!.

П а р в о з (беихтиёр оёқларини чалиштиради). Навоий театрининг гўзал майдонида... Фонтан бўйида... Юлдузлар чақнаган сўлим оқшом... Биласизми, профессор, қалб — орзулар булоғи... Бир шоир, эсимда йўқ: нечанчи аср ва фамилияси нима, айтган экан!

Ишқ дардининг давоси тўйдир,  
Оиланинг асоси тўйдир.

М а ҳ м у д. Менинг эсимда: йигирманчи аср шоири Парвоз айтган.

П а р в о з (қийқириб кулади). Сизга тараф йўқ, профессор!

М а ҳ м у д. Хўш, мақсадга ўтайлик.

П а р в о з. Эртага совчилар келади.

! М а ҳ м у д. Дабдурустан-а?

П а р в о з. Профессор, пишган ошни сузмоқ керак, таги қирмоч олмасин.

Маҳмуд (тиришган психикани эзғилайди). Тааж-жуб... Томдан тараша тушгандай... Ахир, бу умр савдоси... Ҳай... (Ўзини босиб олади.) Аввал ўзларини бир танитсалар!

Парвоз (жавоб беришдан қочиб, ўрнидан туради, қўл қовуштиради). Справкани Лолитадан оласиз. Энди, профессор, менга жавоб. Бошқармада кутишяпти. (Чопиб чиқиб кетади.)

Маҳмуд. Ҳой, тўхтанг! Ҳой, қайтинг! (Эшикка боради, лекин Парвозга ета олмай, орқасига қайтади, стулга ўтириб, бошини ҳовучлайди.) Ажаб савдолар!..

Чироқ ўчиб ёнади. Ҳовлида Лола билан Нодира.

Нодира. Совчилар кеча келишдимми?

Лола. Ҳа, кеча келишди. (Йиғлайди.) Умидим, бахтим парчаланди.

Нодира. Совчилар кимлар экан?

Лола. Савлатли, фасон кишилар. Қора «Волга»да келишди.

Нодира. Қизиқ...

Лола (тутақади). Сенга қизиқ! Менга ўлим! Ё ўзимни ўлдираман, ё у билан қочаман!

Нодира. Лола! Азиз дугонам! Дунёда шундай ишлар бўладики, уларга ҳали сен билан менинг ақлимиз етмайди. Сендан илтимосим шуки, ўзингни ўлдиришни ҳам, у билан қочишни ҳам бошингдан чиқариб ташла. Агар шунга кўнсанг, мен бахтингнинг, ҳа, дугонажон, чинакам бахтингнинг очилишига йўл топиб бераман.

Лола (ишонинқирамай). Қандай қилиб?

Нодира. Бу ёғини менга қўй. Хўш, сўз берасанми?

Лола (кўз ёш аралаш жилмаяди). Майли...

Нодира

Яхши қол, дугонажон,  
Сўзи бол, дугонажон,  
Ўзингни, дугонажон,  
Қўлга ол, дугонажон!  
Ҳаёт ўйинчоқ эмас,  
Ҳар бир тош мунчоқ эмас,  
Қадрингни бил, қақажон,  
Қизлар қўғирчоқ эмас!

## Л о л а

Дил муштоқ, дугонажон,  
Тоқат тоқ, дугонажон,  
Бир соат бир йил менга,  
Кел тезроқ, дугонажон!

## И к к о в и

Дугона, дугонажон,  
Парвона, дугонажон,  
Бахтимизга етамиз  
Мардона, дугонажон!

Но д и р а кетади. Л о л а столдан китоб олиб, паршон бир аҳволда  
варақлайди. Кўча эшиги аста очилиб, Х у м о р ҳовлиқиб кириб  
келади.

Х у м о р. Лолчка! Шўримиз қуриб қолди! Парвоз  
ўзини отиб қўйди!  
Л о л а. Нима?! Дод!!!

Китоб қўлидан тушади, ҳушидан кетиб йиқилади. Х у м о р ҳовли-  
дан чиқиб кетади. Л о л а н и н г додини эшитган Маҳмуд би-  
лан С у н б у л айвонда пайдо бўладилар.

С у н б у л. Вой ўлмасам. Қизингизга нима бўлди?

Маҳмуд (айвондан ҳовлига сакраб тушади, Лола-  
ни бағрига олади). Лолажон! Оппоқ қизим! Сенга нима  
бўлди? Кўзингни оч!

С у н б у л (Лоланинг томирини ушлайди, дори ҳид-  
латади). Қўрққан. Қаранг-чи, домлажон, ҳовлига ит-пит  
кирмаганми?

Маҳмуд. Йўғ-е... (У ёқ-бу ёққа аланглайди.) Ҳеч  
нарсга кўринмайди. Нима фалокат содир бўлди экан-а?

Л о л а (кўзини очади. Ожизгина инграйди). Ана...  
Мақсадингизга етдингизлар... Мени ҳам қўшиб кўминг-  
лар...

Маҳмуд (Сунбулга). Нима деб алжираяпти?

С у н б у л. Жим туринг!.. (Лолага укол қилади.)

Л о л а. Ўзини отибди...

Маҳмуд. Ким? Ким ўзини отади?

Л о л а. Парвоз...

Маҳмуд. Ким айтди буни сенга?

Лола (*ўзига келиб, ўрнидан туради*). Хумор. Унинг синглиси.

Маҳмуд Хумор? Қани у Хумор? Туш кўргансан, қизим. Одам қўрққанда тушига ҳар нарсалар киради.

Лола (*кўчага интилади*). Мен ҳозир бориб уни топаман. Балки, жон бераётгандир. Балки, кўзлари йўлимга тўрт бўлиб ётгандир.

Маҳмуд (*Лоланинг йўлини тўсади*). Бормайсан!

Лола. Қўйворинг, дада! Бораман дедим, бораман!

Маҳмуд. Епирай! Епирай! (*Сунбулга.*) Табибам, қизингиз билан ўзингиз гаплашинг!

Сунбул. Лола! Парвознинг уйини биласанми?

Лола. Топаман!

Сунбул. Ишхонасини-чи? Телефонини-чи?

Лола. Топаман!

Маҳмуд. Ҳаммасини билади бу қизинг! Фақат сен билан биз билмаймиз, холос.

Лола кўчага чопиб чиқиб кетади. Маҳмуд юрагини чангаллаганча беҳушланади. Сунбул эрини суяб стулга ўтқизади. Бошини силайди.

Сунбул. Эҳ, домлажон, домлажон! Ешларнинг раъйига қарамаган кексаларнинг аҳволи шу.

Маҳмуд ожизгина бош чайқайди.

ПАРДА

## ИККИНЧИ ПАРДА

Мўъжазгина айвон. Унг ва чаптаги хоналарга кирадиган эшиклар ёпиқ. Айвон олди — ҳовли саҳни тап-тақир; на дарахт бор, на гул.

Ёлғиз водопровод крани қаққайиб турибди.

Айвонда эскигина шкаф; токчаларда чиннилар, китоблар тартибсиз столда — мода журналлари. Озода айвонда машина тикиб ўтирибди. У гоҳ журналга қарайди, гоҳ чок тикади, гоҳ кўча эшигига олазarak тикилади.

Озода. Уҳ, сиқилиб кетяпман. Хумор ҳам кела қолмади. (Уйлайди.) Сассиқ чолнинг пулига учиб тегдиму панд едим. Гўрсўхтанинг бир оёғи гўрда десам, мендақа нозаниндан ўнтасини қаритиб чуритади ер юткур! Деви Аҳраманнинг худди ўзгинаси, соқолинг тўкилгур! Нуқул жигар қовуриб ейди, илик ютади. Уйланмаган йигитдай пишқиради яшшамагур! Отмиш беш ёшда-я! Уҳ, силлам қуриди...

Кўча эшиги орқасида ҳаракат сезилади. Озода ишини йиғиштириб шкафга тикади. Ҳовлига тушиб, эшик тирқишидан мўралайди.

Ҳеч ким йўқ... Молия инспектори ўлгур на қистирганингни олади, на тинч қўяди. Солиғ тўлашим шартмиш. Тўлатиб бўпсан! (Чаптаги уй деразасига яқинлашади, қулоқ солади.) Пешин бўлди, ҳали ҳам ухлайди. (Дераза ойнасини чертади.) Парвоз! Парвозжон! Турсанг-чи! Тур, тойчоқ! (Айвонга чиқиб, шкафдан ишини олади, машина ёнига ўтиради.) Бир ташвиш келмасин, келса, қўшалоқ келади. Совчиларини қайтаришгани етмагандай, ишидан ҳам ҳайдашди. Э, худойим-ей, уйлана қолса иши юришиб кетармиди... Энди бутун умидим Хумордан. Ишни қизим дўн-

диради! (Иши бир четда қолиб, пардозга тушади; оёқ машина устига кўзгу қўйиб, киприкларига сурма тортади, юзига уна суртади, лабига бўёқ суради.) Чолим келсин, ўлгудай ялинтираман, ҳамёнини очмасин-чи!

Чолгинамни эъвоз билан кутаман,  
Минг таманно, минг ноз билан кутаман,  
Оёғимга йиқилмаса ҳисобмас,  
Кўзи тинсин, пардоз билан кутаман.

Карашмага қул бўлади имони,  
Етармикан менга чидам, дармони,  
Агар бу гал очилмаса ҳамёни,  
Дод соламан, уввос билан кутаман.

Эшик беш марта тикиллайди. Озода қулоқ солиб санайди.

Хумор! (Чопиб бориб эшикни очади. Ясан-тусан Хумор ҳовлига киради.)

Олчими?

Хумор. Олчи! Лола ҳовлисида бир ўзи дарс тайёрлаб ўтирган экан. «Парвоз ўзини отиб қўйди», дейишим билан дод солди-ю, ҳушидан кетди.

Озода. Боплабсан! Ана энди ота-онасининг ялинишини кўрасан! Ҳа! Ялинтирамиз! Улар менинг совунимга ҳали кирини ювиб кўрмаган! Тўйни ўзлари тезлаштиради! Энди биз галга соламиз!

Хумор. Парвоз уйдами?

Озода. Кечаси маст бўлиб келганча хуррак отиб ётипти.

Хумор. Мен бошини бинтлаб қўяй, тагин...

Озода. Бинтла! Қаттиқроқ бинтла! (Хумор уйга кириб кетади.) Энди биз совчи юбормаймиз, улар совчи юборади. Қизини икки қўлида опкелиб топширади. Парвозга ҳовли оберади, машина миндиради, катта ишга қўяди. Ана ўшанда мен ҳам сассиқ чолимнинг жавобини берарман, ўғлимнинг давлатида маза қилиб яшайман.

Хумор (уйдан чиқади). Турди. Соқолини оляпти.

Озода. Бошини боғладингми?

Хумор. Боғладим.

Озода. Лола қалай? Нодирадан чиройлироқми?

Хумор. Улса ўлиги ортиқ. Ёши йигирмада. Хипча бел. Қош-кўзи попукдай. Юзи сутга чайиб олгандай оппоқ.



О з о д а. Кийиниши қанақа? Фасонми?  
 Х у м о р. Кўйлаги одмигина.  
 О з о д а. Ҳа, ўзимиз кейин фасон қилиб оламиз... Уйи-  
 га кирдингми? Молини кўрддингми?  
 Х у м о р. Йўқ.  
 О з о д а. Кирмайсанми! Сепини мундор чўтга солмай-  
 санми! Дадаси бой бўлса керак-а?  
 Х у м о р. Профессор.  
 О з о д а. Уҳў! Ойига камида минг сўлкавой олади!  
 (*Эшик гурсиллайди.*) Чолим келди. Қўпол бўлмай ўл!  
 (*Хуморга.*) Парвознинг олдига кириб тур.

Х у м о р уйга кириб кетади. О з о д а ўзига оро беради. Эшикни  
 очади.

В а к и л (*ҳовлига киради. Озодага халта беради*). Би-  
 қин гўшти билан оқ шолғом. Тушликка қайнат!  
 О з о д а. Қўйни сўйиб сотдингизми?  
 В а к и л. Ҳа.  
 О з о д а. Қанча фойда қилдингиз?  
 В а к и л. Э, фойда қаёқда, Пашмак! Магазин тўла  
 гўшт.  
 О з о д а. Отим Озода.  
 В а к и л. Бошқаларга Озода, манга Пашмак. Фойдага  
 қўлингдаги биқин қолди.  
 О з о д а. Ҳо-о! (*Вакилга яқин келиб, хумор тикилади.*)  
 Териси-чи? Калла-почаси-чи? Муғамбир!  
 В а к и л. Ия-ҳа, бугун ноз-карашма бўлакча?  
 О з о д а (*тантигланади*). Ҳа, ёқмайдими?  
 В а к и л. Оббо, Пашмаг-ей! (*Озоданинг иягини силай-  
 ди.*) Шўрвани қайнат, қолган гап кейин бўлади.  
 О з о д а (*халтани ерга қўяди, Вакилнинг бўйнидан қу-  
 чоқлаб, соқолини силаб ўпади.*) Кейин эмас, ҳозир!  
 В а к и л. Ҳозир бўлса ҳозир. Йўтал, нима гап?  
 О з о д а (*суюлади*). Мени яхши кўрасизми?  
 В а к и л. Вой, Пашмаг-ей! (*Озодани қаттиқ қучоқлаб  
 ўпади.*)  
 О з о д а. Секинроқ! Соқолингиз чағир тиканақдай бот-  
 май тўкилсин! (*Вакилни итаради.*) Айиққа ўхшайсиз-а!

Иккови ўйинга тушиб айтади.

В а к и л

Айиқ дема, арслонман,  
Мен Рустами давронман.  
Майдонда соврун олган.  
От йиқитган полвонман.

О з о д а

Соқоли халта чолим,  
Сенга қурбон жамолим,  
Ҳам қувватим, ҳам молим,  
Бир нарсага ҳайронман.

В а к и л

Сўзла, сўзла, Пашмакжон,  
Нимага бўлдинг ҳайрон?  
Етса — мол, етмаса — жон,  
Мен толиби фармонман.

О з о д а

Бас қил энди эртакни,  
Чўнтакни оч, чўнтакни,  
Ростламагил жуфтакни,  
Қочиб бўпсан, посбонман.

В а к и л

Қочмайман, ой жамолим!

О з о д а

Соқоли халта чолим!

В а к и л

Айиқ дема, арслонман!

О з о д а

Бир нарсага ҳайронман...

В а к и л (Озоданинг билакларидан маҳкам ушлайди),  
Пашмак! Пашмакхон!

О з о д а. Қўйворинг! Елим бўлманг, бағри тош!..

В а к и л. Лаббай?

О з о д а. Уғлимиз уйланмоқчи... Сиз бўлсангиз... (кў-  
зига ясама ёш олади). Қачон оталик қиласиз?

В а к и л. Уғил уйлантириш — ҳам қарз, ҳам фарз. Ни-  
ма хизмат бўлса, биз тайёр.

О з о д а (айвонга чиқади, шкаф очади, турли-туман  
матоларни айвон олдига тап-тап ташлайди). Келиннинг  
кўйлақликлари. Пальто, костюм, туфли, ич кийимларини  
алоҳида оласиз.

В а к и л (материалларни бир-бир кўздан кечиради).  
Жуда соз. Келин бола ким?

О з о д а. Профессорнинг қизи!

В а к и л. Ухў, Валибой катта дорга осилибди-ку!

О з о д а. Вали эмас, Парвоз!

В а к и л. Хўп-хўп, Парвоз. Салима қани?

О з о д а. Салима эмас, Хумор.

В а к и л. Хумор... Бай-бай! Заб отларни топасан-да,  
Пашмак!

О з о д а. Минг марта айтдим: Пашмак эмас, Озода!

В а к и л. Хўп, хўп. Совчи юборайлик, бўлмаса.

О з о д а. Парвоз ўзи гаплашган, қиз кўнган.

В а к и л. Ота-онаси-чи?

О з о д а. Ҳозирги одат шу: ота-онасини қизнинг ўзи  
кўндиради.

В а к и л. Йўғ-е! (Соқолини тутамлаб, ўйга чўмади.)

Бўлгуси қудаларимиз билан танишайлик, борди-келди қи-  
лайлик. Тўй тадорикини кейин кўрамиз.

О з о д а. Кейин эмиш... Буларни нимамага, битимга ола-  
манми?

В а к и л. Ундай дема, Пашмак! Шириллатиб машина  
тикиб турибсан. Топишинг мендан кам эмас: казо-казо  
хонимлар қовурғаси синмаган червонларни санаб беришади.

О з о д а. Ия, манов чолни қаранг! Ҳозир қассоблар-  
нинг бозори чаққон. туёғидан калласигача палон пул. Ме-  
ни лақиллатманг. Канкрет айтинг: бу молларни олиб  
берасизми, йўқми?

В а к и л. Олиб бераман.

О з о д а. Чўзинг!

В а к и л. Лаббай?

О з о д а. Мулла жирингни чўзинг!

В а к и л. Хўп. Эгаларига айт, келишсин. Ўзим савдо-  
лашиб оламан.

О з о д а. Нима, нима? «Ўзим савдолашиб оламан?»  
Менга ишонмайсизми?

В а к и л. Гўлсан, Пашмак! Бирни ўнга сотишади.

О з о д а. Ҳо, мижозларимни сизга кўрсатиб бўпман!  
Ҳар бири бир малак... Ҳа, муғомбир, биламан мақсадингизни!  
Чолгинам! (Вакилнинг ияк-бўйинини силайди.) Йигитим!  
Паҳлавоним! Ростини айтинг, қанча пулингиз бор?

В а к и л. Унча-мунча бор, Пашмакка етади.

О з о д а. Боринге! (Силтанади, ер тепади.) Бошқа менга  
яқинлашманг. Ора очиқ. Тагин бу одамдан: болаларимга  
ота бўлади, тўйларига бош бўлади, деб умид қилиб юрибман.  
Ҳалиям машиначилигимдан қолмай.

В а к и л (бепарво). Қани, қозонни освор!

О з о д а. Нима, нима? «Қозонни освор!» Буйруқ қилганига ўлайми!

В а к и л. Гап шу, Пашмак: мен эр, сен хотин. Никоҳимга  
кираётиб қанақа режалар тузганинг менга қоронғи. Меҳнат қилиб  
рўзгорингни тебратиб турибман. Болаларинг — болаларим.  
Икки ёрти бир бутун бўлиб, тўйларини юрт қатори ўтказамиз.  
Ҳа, Пашмак, қочган номард. Аммо найрангбозликни ташла.  
(Кийимликларни кўрсатади.) Бу матоларнинг эгалари бор,  
тикиб топшир. Гап тамом. Сен қозонга унна, мен Валибой билан  
бир суҳбатлашай.

О з о д а. Валибой эмас, Парвоз.

В а к и л. Бор ўчоқбошингга, ғашимга тегма!

О з о д а (ҳайрон). Нега менга дўқ урасиз? Нима ҳақингиз бор?!

В а к и л. Хотинимсанки, ҳаққим бор. Бас, Пашмак!  
Қайнатмага пиёзни кўпроқ тўғра! Тезроқ бўл, биласанку  
жаҳлимни!

О з о д а лабини тишлайди, халтани ердан олиб уй орқасидаги ўчоқ-  
бошига ўтиб кетади. Вакил айвонга чиқади, чапдаги уй эшигини  
итариб очади.

В а к и л. Вали, бу ёққа чиқ!

П а р в о з. (Уйдан чиқади). Хўш?

В а к и л. Салом қани?

П а р в о з (менсимамай, кулади). Нима? Салом? Ха-  
ха-ха!

Дўқни қаранг, қаранг-а!  
Асаблари таранг-а!  
Парво қилмайди бу чол  
Бошимдаги ярамга!

Кўнглим қилдан ҳам нозик  
Севганим кўзи сузик,  
Чидасанг, тақиб олдим  
Кўлимга олтин узук.

Эркин қушман, учаман,  
Булутларни қучаман,  
Чидасанг шу, чолгинам,  
Ичаман, оқ ичаман.

**Вакил** (*Парвознинг билгидан маҳкам ушлаб, стулга ўтқизади*). Утир, жибилажибон! Кечаси қаёқда ичдинг?  
**Парвоз** (*билгини силайди*). Вой кўлим! Бу нима зўрлик?

Парвознинг шовқинига уйдан **Хумор** чиқади, акасининг ёнига келиб туради. Вакилга ёвқараш қилади.

**Вакил**. (*Парвознинг қаришисига ўтиради, соқол-мўйловини бамайлихотир силайди*). Уйланмоқчимишсан. Келин ким, қудаларимиз ким, биз ҳам билиб қўяйлик.

**Парвоз**. Қиз кўп. Бири Ширин, бири Лайло, бири Зухро, бири Узро... Танлай олмай, бошим қотган.

**Вакил**. Ия-ҳа, бошингни боғлаб олганинг шундан экан-да?

**Хумор**. Парвоз ҳозир икки ўт ўртасида: бири — Лола, бири — Нодира.

**Вакил**. Хўш, хўш, эшитайлик.

**Парвоз**. Лола... Баҳор лоласи... Қип-қизил, тип-тиниқ. Қалби тўла ишқ олови. Отаси профессор, онаси дўхтир, акаси инженер. Ички-ташқи данғиллама ҳовли. Гаражда куёвга аталган янги «Волга».

**Вакил**. Уҳў! Нодирачи?

**Парвоз**. Нодира — Лоланинг акси, кони ақл. Сеписелони ҳам ўртамиёна.

**Хумор**. Нодира Парвозга тенг эмас, машинаси йўқ. Иннайкейин, Лоланинг ўзи рози, ота-онаси қарши, Нодиранинг ота-онаси рози ўзи қарши.

**Вакил**. Ҳа-ҳа! Бундан чиқдики, иккала ош ҳам хом экан.

**Парвоз**. Пиширамиз!

**Вакил** (*Парвозга тикилади*). Кечаси қай аҳволда келдинг?

П а р в о з (*довдирайди*). Нима... Мен... кечаси...

В а к и л. Кўчадаги ариқдан тортиб олдим.

Х у м о р. Нима бўпти? Алаmidан ичган. Ишдан ноҳақ бўшатишипти

В а к и л. Йўғ-е? Жавр қилишибди сен бечорага. Дарвоқе, ҳунарсиз қийин. Дўхтир бўл, машшоқ бўл, дурадгор бўл, қассоб бўл. Югурдаклик ҳунар эмас!

П а р в о з. Боринг-е! Сиз борми менга ақл ўргатмаган! (*Оёқларини чалиштириб, сигарета тутатади*). Бошқармадан ўзим кетдим! Энди министрликка ўтаман! Мендай содиқ ёрдамчилар бошлиқларга сув билан ҳаводай зарур. Буйруқларни ёзаман, телефонларни улайман, машиналарни тўғрилайман, гўзал котибаларга фармон бераман, ҳамма оғзимга қарайди, ҳамма кайфиятим билан ҳисоблашади, ҳа, ҳа! (*Урнидан туриб, айвонда юра бошлайди*). Ҳунар эмас эмиш! Суф-эй! Ҳунар! Маҳорат! Талант!

В а к и л (*мийиғида кулади*). Хўш, кимникига совчиликка борамиз?

П а р в о з (*бармоғини Вакилга ниқтайди*). Сизми? Улай агар, кулгим қистаяпти. Сиз, қассоб, совчиликка борасизми? Ха-ха-ха!

Х у м о р. Парвоз кеча Лоланикига совчи юборди... (*Бу гапни беихтиёр айтиб юборганидан лабини тишлайди*.)

В а к и л. Э, тўнни бошқалар кийиб кетишибди-да!

П а р в о з (*жазаваси тутатади*). Йўқ, менинг кимлигимни улар ҳали билмайдилар! Профессорнинг ҳам, хотинининг ҳам ҳали кўзи очилгани йўқ! Мен... мен... мен шундай қиламанки, ўзлари ялиниб келадилар!

В а к и л. Э, совчиларни қайтаришибди-да. (*Ўзича*.) Эслик одамлар экан...

Х у м о р (*ўчоқбошидан келаётган Озоданинг қарши-сига чопади*). Ойи! Чолингизни йўқотинг, Лола кеп қолса ишни бузади.

О з о д а. Қандай йўқотаман елимни?

Х у м о р. Нега тегдингиз-а?

О з о д а. Тсс... Пули кўп.

В а к и л (*сезиб қолади*). Нима пичир-пичир?

О з о д а. Қизингиз, «дадам гастрономдан битта шампанский опкелсинлар», деяпти.

В а к и л (*ёнидан пул чиқаради. Хуморга*). Ма, ўзинг опкеда қол.

Х у м о р (*Озодага*). Улгудай муғомбир. (*Вакилдан*

пулни олиб, кўчага чиқади. Лекин дарҳол ҳовлиқиб киради.) Ойи! Нодира келяпти!

О з о д а (Вакилга). Қочинг! Ешларга халал берманг!

В а к и л (ҳайрон). Қаёққа қочай?

О з о д а Уйга! Тезроқ!

В а к и л ўнгдаги, Х у м о р чапдаги уйга кирадилар. О з о д а ўчоқ-бошига кетади. П а р в о з ўзига оро бера бошлайди. Н о д и р а киради.

Н о д и р а. Ишхонангизга борсам, йўқсиз. Уйингизни вўрға қидириб топдим.

П а р в о з. Келинг.

Н о д и р а (сумкасидан хат олади). Буни нега ёздингиз?

П а р в о з. Ҳаққим йўқми? Севаман-ку?

Н о д и р а (хатни йиртиб, Парвозга отади). Мана! Мана сизга севги!

П а р в о з. Надиричка! Бу нима қилганингиз? Хатимни эмас, юрагимни парчаладингиз! (Хат парчаларини врдан олиб, кўзларига суради.)

Аччиқ жавоб хатимга!  
Бир марта журъатимга!  
Заҳрингни сочма, жоним,  
Севгимга, ҳурматимга!

Жоним, ишон, қулингман,  
Ушлаб сенинг қўлингдан,  
Доим борай йўлингдан,  
Йўл бер муҳаббатимга!

Бошимда бор савдойинг,  
Жоним, бўлиб фидойинг,  
Парвоз сенинг адойинг,  
Ол энди хизматингга!

Н о д и р а

Ёлғон! Ёлғон! Ёлғон!  
Ёлғон сўзинг! Муҳаббатинг ёлғон!  
Айёр ўзинг! Садоқатинг ёлғон!  
Ҳар бир сўзинг, ёзган хатинг ёлғон!  
Алдар кўзинг! Латофатинг ёлғон!

Ошиқ эмиш! Ҳар бир ишинг фириб,  
Бўш келса ким, сен қўйнига кириб,  
Олмоқчисан қиз бахтини юлиб,  
Сен тулкисан! Диёнатинг ёлғон!

Хатнинг ерда қолган парчаларини тепади.

П а р в о з. Надира! Надиричка! Сизга нима бўлди?

Н о д и р а. Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Эс-ҳушим жойида. Аммо, шуни яхши билингки, эшигимга тагин бир марта яқин борсангиз, энди сиз билан отамнинг ўзи гап-лашади. Мен унга сизнинг кимлигингизни айтиб бердим. Болта чархлаб ўтирибди! (Бурилиб чиқиб кета бошлайди.)

П а р в о з (қизнинг орқасидан югуради). Надиричка! Тўхтанг! Илтимос!

Н о д и р а (эшикда тўхтади). Хўш?

П а р в о з. Жоним! Ҳаётим!

Н о д и р а. Лолита-чи. У кимингиз?!

П а р в о з. Ҳа, гап бу ёқда денг... Э, ҳайрият-ей! Рашикингиз бунақа зўрми? Йўқ, Надиричка, мен Лолитани эмас, сизни севаман!

Н о д и р а. Мунофиқ! (Эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетади.)

В а к и л (уйдан чиқади). Хўш, Валибой, бу ёғи неча пулдан тушди?

П а р в о з. Э, кетса-кетавермайдами, нимасига уйла-наман: бошида сочи-ю, оғзида тиши.

Х у м о р (уйдан чиқади). Акам тўғри айтади, келин бўлгандан кейин сепи билан бўлсин.

О з о д а (ўчоқбошидан косаларда шўрва кўтариб келади). Ажаб қилдинг, Парвозжон, Нодира сенга муносиб эмас.

В а к и л (стола дастурхон ёзади, Озоданинг қўлидан косаларни олади). Тўхта! Тўхта, Пашмак! Сен нима деб валдираяпсан? Вали Нодирани эмас, Нодира Валини ташлаб кетди-ку, фарқига борасанми?

О з о д а. Лола турганда Нодирага йўл бўлсин?

В а к и л. Унча-мунча нарсага етадиган ақлим, Пашмак, сенга уйландиму, ўтмасланиб қолди. Ҳай, аввал таом баъдаз калом. (Хумора.) Шампанский қани?

Х у м о р. Нодира иштаҳани бўғди.

В а к и л. Иштаҳани Нодира бўғмади, сенларнинг хулқинг бўғди.



О з о д а лаганда гўшт олиб келади. Ҳаммалари ўтирадилар.

Пашмак! Кечагидан қолганми?

О з о д а. Ана.

В а к и л тоқчадан шиша олади, пиёлага қуйиб симиради, шўрвадан ҳўшлайди, соқол-мўйловини силаб ўйга толади.

П а р в о з. Тешиб чиқсин!

В а к и л. Лаббай? Бир нима дедиларми?

П а р в о з. Йўқ, шундай...

В а к и л. Ҳа, тушунарли... *(Бирдан уйқудан уйғонгандай.)* Мана, бир йилдан бери уйлариңгиздаман. Остонаңгизга яхши ният билан қадам қўйдим. Биз энди содда одам... Чала савод бир қассобмиз... Меҳнатдан бошқа таянчимиз йўқ... Ҳар қалай, рўзгор тебратишга қурбимиз етади... Аммо лекин, гапнинг рости: тулкининг уясига тушиб қолган одамга ўхшайман, наинки, бу даргоҳда эрта-ю кеч найрангбозликдан бошқа гап йўқ.

О з о д а. Қўйинг, сасиманг!

В а к и л *(овозини кўтаради)*. Қулоқ сол! *(Ўзини босади.)* Хуллас, биродарлар, бу уйдаги тартиб менга маъқул эмас.

О з о д а. Маъқул бўлмаса, катта кўча.

Х у м о р. Яшанг, ойи! Ўн сакиз яшар қиздан қаерингиз кам! Ҳайданг қассоб чолни?!

П а р в о з. Шундай йигитлар борки, бошингиздан сув ўгириб ичади!

О з о д а *(ясама йиғлайди)*. Эссиз умрим! Бир йилда ўн ёш қаридим! *(Вакилга.)* Сиздан нима яхшилиқ кўрдим? Нуқул пулингизни яширасиз...

Х у м о р. Нега пулингизни хотинингиздан яширасиз? Қанақа эрсиз?

П а р в о з. Шишанинг тагидагини ҳам бир ўзи ичди! Зиқна. Лолитага уйланай, сизни «Волгам»га туширмайман!

В а к и л. Бас! Бас-ей! Пулдан бошқа ҳам ташвишларинг борми?!

Х у м о р. Йўқ! Чидайсизми?

В а к и л. Ёпирай! Ёпирай! Овқат ҳам заҳар бўлди.

Вакил қўлини артиб ҳовлига тушади. Бошқалар ҳам ҳовлига тушадилар.

## О з о да

Турмуш лаззати пулдан, қассоб!  
Одам иззати пулдан, қассоб!  
Жоним бераман ҳамён очсанг,  
Сенга тутаман гулдан, қассоб!

## П а р в о з

Пулсиз бу ҳаёт нурсиз, қассоб,  
Гўзал на гўзал дурсиз, қассоб?  
Кўзларни очиб катта қаранг,  
Пул бўлмаса, сиз кўрсиз, қассоб!

## Х у м о р

Пул бўмаса, хушёқмас қассоб,  
Ёр сизга кулиб боқмас, қассоб.  
Пулсиз қора ҳам қора бўлмас,  
Пул бўлмаса, оқ — оқмас қассоб!

## В а к и л

Қопқонда ишинг душвор қассоб,  
Бор бўлса пулинг, сочвор, қассоб,  
Бу учта наҳанг ютмай, тезроқ  
Обрў борида қочвор, қассоб!

*(Чўнтагидан ҳамён чиқариб Озодага беради.)*

Мана, Пашмакхон, қолганига қарздормиз! Хайр, ма-  
ликайи дилозор! *(Хуморга.)* Хайр, читтак! *(Парвозга.)*  
Хайр, жибилажибон! *(Кетади.)*

О з о да *(Ҳамёни очиб, пулни олади.)* Бори шугина-  
ми? Йўқ, мендан осон қутулмайсан! Яширганларингни ка-  
вак-кавагидан тортиб оламан! *(Вакилнинг орқасидан чопа-  
ди.)* Хўжайин! Ҳо, хўжайин! Узим ўргулай! Тўхтанг! *(Ке-  
тади.)*

П а р в о з. Лолита келмади-ку?

Х у м о р. Келади. Менга қара, Лола келса... менга ни-  
ма олиб берасан?

П а р в о з. Атир.

Х у м о р. Керакмас!

П а р в о з. Ҳайпоқ.  
Х у м о р. Керакмас!  
П а р в о з. Шампанский.  
Х у м о р. Керакмас.  
П а р в о з. Узинг айт, бўлмаса...  
Х у м о р. Лоланинг акаси бор-ку... Кашшоф...  
П а р в о з. Ҳалиги... чўлдагимми? Хўш, хўш?  
Х у м о р. Уша билан таништириб қўясан!  
П а р в о з. Қойил! (Бармоқларини қайчи қилади.) Де-  
мак, қайчи куда!  
Х у м о р. Ҳа-ҳа-ҳа!

Иккови чир-чир айланиб ўйнайди, куйлайди.

### Х у м о р

Кўнглим ўшанда, ўшанда,  
Мен унга банда,  
Ҳижрон кушанда, кушанда,  
Бир ўт баданда...

### П а р в о з

Ёнма аламда, аламда,  
Ҳеч қилма парво.  
Мен бор оламда, оламда,  
Ёринг муҳайё.

### И к к о в и

Парвоз этармиз, этармиз,  
Гуллар тутармиз,  
Оқшом кутармиз, кутармиз,  
Ёрга етармиз!

Эшик аста чертилади.

Х у м о р. Келди! Айвонга чиқ! Чўзил!

Парвоз айвонга чиқиб диванга чўзилади. Хумор эшик тирқишидан қарайди, Парвозга кўз қисади, эшикни очади. Лола ҳавлиқиб киради.

Л о л а. Қани у? Тирикми? Уйдами?

Хумор. Бахтингизга, соғ. Лекин аҳволи оғир...

Лола (айвонда ётган Парвозни кўриб қолади). Парвоз! Авзим! (Айвонга чиқади, кўзларини юмиб ётган Парвознинг ёнига тиз чўқади, бошидаги бинтни, кўз-қошларини авайлаб силайди.) Нима қилиб қўйдингиз? Мени ўйламадингизми?! (Парвоз ихрайди.) Бечора! Бошингиз оғриятими? Мени деб, мен бахти қарони деб ширин жонингизга қасд қилдингизми-я?

Кошки жоним бўлса малҳам жонингизга,  
Кошки қоним бўлса дармон қонингизга!  
Мингта жоним бўлса қурбон, меҳрибоним,  
Умрингизга, шавкатингиз, шонингизга!

Бошингизда мен паришон Лолангизман,  
Ишқингизда зору нолон Лолангизман,  
Қоп-қорайган мисли ҳижрон Лолангизман,  
Минг пушаймон бир-ла келдим ёнингизга!

Парвоз (кўзини сал очади). Лолита!..

Лола. Жонгинам!..

Парвоз (Лоланинг кўлларини силайди). Агар ўлсам, рози бўлинг.

Лола. Йўқ! Йўқ! Улмайсиз! Улмайсиз! Бирга ўламиз, бир гўрга кўмсинар иккимизни!.. (Соқларини ёйиб уввос солиб йиғлайди.) Дод, бу не кўргулик!..

Хумор. Лола! Лолахон! Ўзингизни қўлга олинг! Парвоз тузалади! Уни сиз тузатасиз!

Лола. Ҳа! Парвозни мен тузатаман! Уни уйимга олиб кетаман. Ойим врач, даволайди. (Кўчада машина сигнали эшитилади.) Хумор! Кўчадаги машинани тўхтатинг! (Хумор кўчага чиқиб кетади.) Парвоз! Кўзингизни очинг! Менга суялинг! (Парвознинг қўлтиғидан суяб, ўрнидан турғивади.) Оёгингизни босинг, қўрқманг, мен — Лолангизман! (Уни суяб ҳовлига тушади.)

Хумор (киради). Такси экан, тўхтатдим.

Лола. Раҳмат. Менга ёрдамлашворинг.

Хумор (Парвозни бир ёнида суяб бораётиб, унинг қулоғига). Кашшофни унутма!

Парвоз кўз қисиб, тасдиқ ишорасини беради.

Лола билан Хумор Парвозни суяб, кўчага олиб чиқадилар. Машина шовқини, сигнали эшитилади. Хумор ҳовлига ёлғиз киради.

Хумор. Гишт қолипдан кўчди. (Ҳовлида чир-чир айланиб ўйинга тушади).

Кўнглим ўшанда, ўшанда,  
Мен унга банда,  
Ҳижрон кушанда, кушанда,  
Бир ўт баданда...

Озода (ҳовлиқиб киради). Машинада ким кетди?

Хумор (хурсанд). Лола Парвозни уйига олиб кетди!

Озода. Вой ўлмасам! Эсинг жойидами? Бошидаги бинтни ечишса шарманда бўлади-ку!

Хумор. Ҳа-я... (Бўшашиб ўтириб қолади.) Нима қиламиз?

Озода. Югур! Таксига ўтир! Бошини ўзинг ечиб боғла, дори беришса ўзинг сур! Яхшиси, уч-тўрт кун ёнидан қимирлама!

Хумор. Ойижоним! (Озоданинг бўйнидан қучоқлаб, ҳовлида чир айлантиради.)

Озода. Нимага қувонасан? (Маъюс тортади.) Қас-соб кетиб қолди. (Кўчага). Ҳу, соқолинг тўкилгур, шошмайтур, сени шунақа нўхталаб олайки!

Хумор. Лоланинг акаси бор... Кашшоф... Инженер... Мени яхши кўриб қолса... Тегсам... Розимисиз?

Озода. Розиман! Тезроқ чоп!

Хумор кўчага чиқиб кетади. Озода айвон пешига беҳол ўтириб қолади. Хуморнинг кетидан қичқиради.

Минг марта розиман!

П А Р Д А

## УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи пардадаги манзара. Чаманзор ҳовли. Ола байроқ тонг отган палла.

Чорбурчак зангори сўри устида, атлас кўрпа, парқу болишларда Парвоз, худди тахти-равонда ётгандек, талтайиб ётибди. Унинг ҳамон боши боғлиқ. Маҳмуд билан Сунбул уйдан айвонга чиқиб, ҳовлига оёқ учида аста тушадилар. Сўри ёнидан ўта туриб, Сунбул уйқудаги ошиққа маънос кўз ташлайди, Маҳмуднинг энсаси қотиб, елка учиради. У кўча эшигини очаётганда ошиқ-мошини ги-жирлайди, Сунбул Парвоз томонга ишора қилиб лаб тишлайди. Эр-хотин эшикни авайлаб ёпиб кетадилар. Парвоз ётган ерида бу ҳаракатларнинг ҳаммасини зимдан кузатади.

Уйдан Лола чиқади. У ҳам айвондан оёқ учида аста тушади, сўри ёнига келади, кўзлари юмуқ Парвозга, унинг чиройли юзига, бурни тагидаги қўнғиздай мўйловига ҳавас билан термилади. Парвоз худди туш кўраётгандай ихрайди.

Парвоз. Уҳ... жоним... Лолитам... Чеҳраси гулгун... Сочлари тун... Кўзлари қуралай... Деразангдан фақат ўзим мўралай... Лолита!..

Лола. Бечора тушида ҳам мени кўряпти!.. (Парвознинг бошини секин силайди.) Лочин! Севгиси чин! Жоним, севгилим, сизга ҳаётимни беришга тайёрман.

Бахтим бор, жон, бахтим бор,  
Севганимга аҳдим бор,  
Гулардан, лолалардан  
Бир умрга тахтим бор,  
жон, бахтим бор.

Сўнмас умид шуъласи,  
Кўнглимда ёр нашъаси,  
Тилимда мудом янграр

Муҳаббат ашуласи,  
жон, бахтим бор.

Сочларим толим-толим.  
Ёр, сендадир хаёлим.  
Сендан бошқа бегона,  
Фақат ўзинг иқболим,  
жон, бахтим бор.

Булбуллар, қулоқ солинг,  
Эрка еллар, қўзғолинг,  
Баҳор, дунё, инсонлар,  
Мендан андоза олинг!  
Жон, бахтим бор!

Хумор. (Уйдан бинт кўтариб чиқади. Конфет чайнаб туриб гапиреди.) Лоличка!..

Лола. Тсс... Секинроқ... уйғотиб юборасиз!..

Хумор (ҳовлига тушади). Мунча қизғонасиз?.. Ўз акам-ку!..

Лола. Боши оғриётганга ўхшайди... ихрапти... (Бинтини силайди.)

Хумор. Тегманг! Ўзим боғлайман!

Лола. Мен қарашворай.

Хумор. Сиз нонушта тайёрланг. Қорни очгандир шўрликнинг...

Лола. Хўп.

Лола уйга кириб кетади. Хумор Парвозни туртади.

Парвоз. Ҳа, нега туртасан?

Хумор. Тур, иш чатоқ.

Парвоз (туриб ўтиради, кўзлари олаланади). Нима гап? Йўтал!

Хумор (кўзлари олазарак. Эски бинтни ечади, янги-сини боғлайди). Бугун акаси келармиш. Нима қиламиз?

Парвоз. Акаси сенга тан, синглиси менга...

Хумор (Парвознинг қулоғини чимчилайди). Ҳа, ёқмай ўлсин!

Парвоз. Энди мени бу жаннатдан тўп отиб ҳам чиқариб бўптилар!

Хумор (секин). Режани пухта ўйлаш керак.

Парвоз. Режа тайёр! (Сўри устида ўйинга тушиб куйлайди, Хумор қўшилишади.)

Сингилжон, сингилжон, қулоқ сол!  
Режалар режаси, режаси:  
Сингилжон, сингилжон, уқиб ол,  
Пиширдим кечаси, кечаси.

### Х у м о р

Акажон, акажон, айта қол,  
Сабримни тоширма, тоширма.  
Акажон, акажон, айта қол,  
Сирингни яширма, яширма!

### П а р в о з

Сингилжон, сингилжон, қулоқ сол:  
Бахтинг бор, кўнглингни чоғлагил.  
Сингилжон, сингилжон, уқиб ол:  
Кашшофни ўзингга боғлагил.

### И к к о в и

Акажон, қойилман!  
Сингилжон, қойилман!  
Дунёда сен бору мен борман!  
Акажон, хизматга тайёрман!  
Сингилжон, бахтингга мен борман!  
Акажон, қойилман!  
Сингилжон, қойилман!

Х у м о р (Парвозга). Тсс!..

Л о л а (уйдан чиқади). Нонушта тайёр!

Х у м о р (Лолага). Суюнчи беринг, Лоличка, Парвоз анча тузалиб қолди.

Л о л а. Суюнчисига бугун Марино Марини концертига борамиз.

Х у м о р. Малина Малини ким?

Л о л а. Марино Марини...

П а р в о з (Хуморга). Э, каллаварам-ей, Маррино Марринини ҳам билмайсанми? Машҳур француз ашулачини-я?

Л о л а (ҳайрон). Маррино Марини — итальян ашулачи...

П а р в о з. Маррино! Аввал Франция фуқароси бўлган, кейин Италияга бир миллион долларга антракт тузган. Мен Маррино билан аввалги келганида Москвада танишганман. «Метрополь»да ёнма-ён хонада турганмиз.



Марринога нуқул қизлар телефон қилишарди. Нуқул бландинкалар... Маррино мени чақириб: «Синьор Парвозо! Ўзингиз даф қилинг, жонимга тегди!»—деб илтимос қиларди. Мен уларга кофе, коньяк ичириб жўнатиб юборардим. Эҳ, ўша тотли оқшомлар!..

Л о л а (ҳайратланади). Менинча, Марино Маррининг биринчи келиши...

П а р в о з. Тўғри, Лолита, мутлақо тўғри айтдингиз! Маррино Марринининг биринчи келиши. Лекин Маррино Маррини илгари ҳам келган. Ана овоз! Ана электрик гитарлар! Ана саксонполлар!..

— Л о л а (хижолатда). Саксофонлар...

П а р в о з. Саксофон бошқа, саксонпол бошқа. Саксонпол ҳўкизининг шохига ўхшайди.

Л о л а. Кўрмаганман...

П а р в о з. Энди кўрасиз, жонгинам, мен билан кўрасиз! Айтди дерсиз, Марино Маррини билан танаффус вақтидаёқ танишиб оламан. Тўйимизда хизмат қилмай туриб, Франциясига кетиб кўрсин-чи!

Л о л а. Италияга...

П а р в о з. Барибир Италияга Франция орқали боради. Париж! Гўзал Париж! Кут, бораман! Маррино Марринига ҳамроҳ бўлиб бораман! Сенанинг сўлим қирғоқлари!.. Булон ўрмони!.. Эйфель минораси!.. Мен умрбод сизники, гўзал даргоҳлар!..

Л о л а. (Бир нафас ағрайиб қолади, кейин ҳуркибгина сўрайди). Мен-чи? Мени олиб бормайсизми?

П а р в о з. Нега олиб бормас эканман? Тўй саёҳатимиз ўша ерда ўтади. Дадангизга айтинг, иккита путёвка олиб берсин. (Гаражга ишора қилади). «Волга»мизда автотурист бўлиб борамиз. Французлар... француженкалар бизни гулдасталар билан кутиб олишади. «Мосье... мосье Парвозо ўз маликаси Лолита билан келди!» деган сарлавҳалар газеталарнинг биринчи саҳифаларини безайди. Фотографиялар... Банкетлар... Кабарэлар...

Айвондаги телефон аппарати жиринглайди. Л о л а бориб, трубкани олади.

Л о л а. Салом, жонгинам! Қаёқларда қолиб кетдилар?

П а р в о з билан Х у м о р бир-бирларига кўз қисишиб, олазарак бўлишади, тоқатсизланиб қулоқ солишади.

Нима янгиликлар, дейсанми? Янгиликлар бир дунё — келсанг биласан. Йўқ, йўқ, телефонда айтмайман. Кечқурун келаман, дейсанми? Э, аттанг, биз Марино Марини концертида бўламиз. Менга қара, ҳозир кел! Келолмайсанми? Э, аттанг... Ундай бўлса, ҳали кел, бирга овқатланамиз, кейин концертга ҳам бирга борамиз. Хўп, хўп таништириб қўяман. Исми, дейсанми? Ҳаммасини келганинда билиб оласан. Кутаман. Кечикма! (*Трубкани қўяди.*)

Хумор. Ким экан, жуда қуюқ сўзлашдингиз?

Лола. Энг яхши дугонам.

Хумор. Исмлари нима?

Лола. Исми... Қизиқ, у сизларнинг исмингизни сўрайди, сиз унинг исмини...

Парвоз (*тоқатсизланади*). Билишимиз керак-да...

Лола. Исми Нодира!

Парвоз. Нодира?!

Лола. Ҳа. Танийсизми?

Хумор (*лабини тишлайди*). Ҳм...

Парвоз. Битта Нодирани танирдим. Улгудай шилқим. Менга севги изҳор қилиб хат ҳам ёзган. Ҳайдаб юборганман. Йўқ, у сиздай олижаноб қизнинг дугонаси бўлиши мумкин эмас!

Хумор. Бо! Дунёда ким кўп — Нодира кўп. Келинлар, нонуштани очиқ ҳавода қилайлик. Мен ҳозир олиб чиқаман. (*Уйга кириб кетади.*)

Парвоз (*уйга чўмган Лолага*). Нимани ўйлаяпсиз. Лолитам?

Лола. Шундай... Ўзим...

Парвоз. Сиздан бир илтимосим бор?

Лола. Эшитаман.

Парвоз. Бундан буён сизнинг ҳам, менинг ҳам кўнглим ғаш бўлмаслиги учун шартлашайлик, яъни сиз ҳам, мен ҳам бошқа биров билан гаплашсак, таклиф қилмоқчи, кўришмоқчи бўлсак, аввал иккаламиз маслаҳатлашиб олайлик. Ахир, умид билан бир ёстиққа бош қўймоқчимиз-ку. Нима дейсиз?

Лола (*чеҳраси ёришади*). Албатта... Парвоз ака!

Парвоз. Лаббай, Лолитам?

Лола. Мени чиндан севасизми?

Парвоз (*сўридан сакраб тушади, Лоланинг билакларидан ушлайди*).

Кошкийди, дилим кўрсата олсам,  
Кўнглим сирини англата олсам,  
Шубҳангни, гулим, тарқата олсам,  
Ишқ дарсини мен ўргата олсам!

### Л о л а

Кошкийди, бўлиб сенга мададкор,  
Ёнингда мудом ёру вафодор,  
Бахтингга ўзим бўлиб сабабкор,  
Бахтим-ла кўзинг қувната олсам!

### И к к о в и

Дунёни менга очар муҳаббат!  
Бошимга қуёш сочар муҳаббат!  
Кўнглимда булоқ, тошар муҳаббат!  
То мен яшасам, яшар муҳаббат!

Х у м о р (*уйдан неъмат тўла дастурхон кўтариб чиқади*). Ҳой, Лайли-Мажнунлар! Қумри-ю саъвалардай сайрай бериб, қоринларингиз чапак чалаётгандир-а?

П а р в о з. Яшавор, сингил! (*Патнисни ола туриб, унинг қулоғига шивирлайди*). Кўнглим ғаш... Ҳали замон Нодира келиб қолади... Нима қиламиз-а?

Х у м о р. Қорин тўйсин, нодир фикрлар кейин туғилади.

П а р в о з. Браво!

Л о л а (*соддадиллик билан ҳавасланади*). Бунақа иноқ ака-сингилни биринчи кўришим. Сирларингизга бизни ҳам шерик қилинглр!

П а р в о з. Унда... сир бўлмай қолади-да!

Л о л а (*ўпкаланади*). Ҳали... шунақами?

П а р в о з. Йўқ! Йўқ, Лолитам! Хумор... ҳалигидай... менга жуда эрка. Магазинга худди сизникидай нозик итальян кофта келган экан. Шунини олиб берасиз деб қистаяпти...

Л о л а (*кофтасини ечиб, Хуморга узатади*). Манг, олинг. Мендан сизга арзимас совға.

Х у м о р (*кофтани дарҳол олиб кияди*). Худди ўзимга тўқилгандай. (*Парвозга.*) Ярашдимми?

Парвоз. Браво! Лолита сенга бунақаларни ҳали кўп совға қилади. Тўғрими, Лолита?

Лола. Албатта! Қани, нонуштага марҳамат!

Учовлари нонушта қила бошлайдилар.

Парвоз. Жон дилим қаймоқ, қуймоқ ва қайноқ қора кофе.

Хумор. Қора кофега арман коньяги ҳам истарсиз?

Лола. Ҳозир олиб чиқаман. (Уйга кириб кетади.)

Хумор. Жаннат... Боғ жаннат... Қиз жаннат...

Парвоз. Браво!

Хумор. Энди бу ёғи ҳам «браво» бўлиши керак. Тезроқ йўталинг, нима қиламиз?

Парвоз. Аввало, Нодирани бу ҳовлига киритмаслик керак. Бунинг учун, эшик тиқирлаши билан сен чиқасан, уйда ҳеч ким йўқ, деб қайтариб юборасан. Мабодо, у шилқимлик қилиб кирса, ўзимга қўйиб берасан — ўлимдан бошқа ҳар бир нарсанинг иложи бор. Хўш, қалай?

Хумор (кулади). Браво-ю... лекин...

Парвоз. Нима «лекин?»

Хумор. Лола ёниб турганда ЗАГС дан ўтиб қўйинг! Шу бугуноқ!

Парвоз. Браво! Кейин на ота-онаси, на акаси, на Нодира...

Хумор. Тсс...

Лола (уйдан шишада коньяк, иккита жажжи биллур рюмка кўтариб чиқади). Мана, Парвоз ака, сиз истаган арман коньяги.

Парвоз. Браво, Лолитам! (Шишани олиб, кун нурига солиб томоша қилади.) Ошиқлар қонидай лоларанг!.. Э, нега рюмкамиз иккита?

Лола. Мен ичмайман... Умримда ичганмасман...

Парвоз. Аммо мен билан ичасиз, яъни сиз лабингизга теккизиб ширин қилиб берасиз, мен кўтараман. Келишдикми?

Лола. Майли...

Кўчада ҳаракат сезилади. Кашшоф билан Қамбарнинг шўх кўшиғи янграйди. Парвоз билан Хумор бир-бирларига маъноли тикиладилар, ранглари оқаради.

Лола (шод). Акажоним келди!

## К а ш ш о ф в а Қ а м б а р

Қабул этгил, азиз даргоҳ, садоқатли саломимни,  
Отам, жоним онам, синглим, юракдан эҳтиромимни!  
Ватан бурчин бажарган яхши ўғлон келди қошингга,  
Эшит, эй меҳрибонлар, дил соғинчимни — каломимни!  
Келинг, улфатларим, созу навозиш бирла яйрайлик,  
Тамоман тўлдириб қуй, соқиб, энг катта жомимни.  
Баҳор бўстони гуллар ҳусини кўз-кўз қилиб порлар,  
Саҳар булбуллари, куйла, қўшиб оҳангга номимни!

Рюкзак, чамадон кўтарган йигитлар ҳовлига тасира-тусур кирадилар.  
Икковининг ҳам оёғида — кирза этиклар, эғнида — қоржом; бошлар  
рида соябон сават шляпалар, соқоллари ўсган.

Лола Кашшофнинг бўйнидан қучоқлаб, ҳовлида чир айланиб суяди,  
эркаланади, Қамбар билан қўл учидагина саломлашади.

Л о л а. Акажоним! Яхши келдингизми? Адам, аям ҳар  
кун кутадилар, эшик тиқ этса, мўралайдилар...

К а ш ш о ф. Сен-чи? Сен соғинмадингми?

Л о л а. Акажоним!

К а ш ш о ф (Парвоз билан Хуморга ишора қилади).  
Булар... Уйни ижарага қўйибсизлар шекилли... Нима ба-  
ло — дадамга пул керак бўп қолдимиз? Ёки...

Л о л а (қўли билан Кашшофнинг оғзини ёпади). Бо-  
ринг-е! Танишинглар: бу — Парвоз, бу — сингиллари Ху-  
мор...

Х у м о р (Кашшофга тикилади). Таърифингизни кўп  
эшитдик. Ҳали... шунақа экансиз-да?

К а ш ш о ф (ҳайрон). Қанақа эканман?

Х у м о р (туфлисининг учи билан ер чизиб, кўзларини  
сузади). Чўл шер... Афсонавий оловкор... Олов йигит!

П а р в о з (Кашшоф кўришганда сиққан қўлининг оғри-  
ғини ёзаётган). Синглим сизга гойибона ошиқ...

К а ш ш о ф. Ҳа-ҳа! (Қамбарга.) Иш катта-ку, дўстим!  
(Парвозга.) Қарс икки қўлдан... Шундайми? Сизнинг  
синглингиз менга ошиқ, менинг синглим сизга... Зўр режа!

Л о л а. Ака!..

К а ш ш о ф. Хўп, хўп! Тушундим! (Қамбарга.) Дўс-  
тим, дастурхон ҳам тайёр экан. (Лолага.) Йўлдан ўлгудай  
очқаб келдик... Уҳў, арман коньяги! Ичмабсизлар-ку?

П а р в о з. Қайнанангиз суяр экан...

К а ш ш о ф. Қайнанам, яъни сизнинг онангиз? Ҳў-  
ҳў-ҳў!..

Лола. Ака!

Кашшоф. Бўлди! Бўлди! Бошқа гапирмайман. (Лоланинг бошини силайди.) Оппоқ синглим! Чиндан ҳам соғиндим. Қалай, ўқишларинг бажоми?

Лола. Раҳмат.

Кашшоф. Нодира яхши юрибдими?

Лола. Бугун келмоқчи. Маррино Маррини концертга бормоқчимиз.

Кашшоф. Узим олиб бораман. Дадамни, аямни, сени, Нодирани, агар майллари бўлса, квартирантларни ҳам олиб борамиз.

Лола. Ака!

Кашшоф. Узр! (Гаражга бориб, машинани кўздан кечиради.) Жийроним! Бугун иш беради бизга!

Парвоз (инграйди). Бошим зирқираяпти. Мен ётай...

Лола. Етинг! Дам олинг!

Қамбар. Ха, бошга нима қилди?

Кашшоф. Кайфчиликда бўлади бунақа ишлар... Пичоқ уришдими?

Хумор. Акам бечора... ўзини-ўзи отган...

Кашшоф. А?

Хумор. Ха! Парвоз — муҳаббат қурбони...

Кашшоф. Ё, раббий! Шундай бахтли замонда-я?

Хумор. Ота-оналгиз акамнинг созчиларини қайтаришди... Аламинга чидаёлмай ўзини-ўзи отди... (Кўзига ясама ёш олади.) Бечора акам...

Кашшоф (Қамбарга). Дўстим! Ақлим ўтмай қолди. Ёрдамга кел! (Хуморга.) Ҳайрон бўлманг, биз Қамбар билан шунақа дўстлармиз: биримизнинг ақлимиз етмай қолса, иккинчимиз ақлимизни улаб еткизамиз.

Қамбар. Бу оддий аксиома, дўстим, яъни икки карра икки — тўрт. Сенинг ота онанг Парвознинг созчиларини қайтаришган. Парвоз бу номусга чидай олмаган. Ўзини ўзи отиб, кулфатли ҳаётга осонликча яқун ясамоқчи бўлган. Лекин отган ўқи ё пахтавоселик бўлган ёки тепкини босаётганда қўли қалтираган. Натижада ўқ мияни тешиб, қатигини титиш ўрнига терисини шилиб ўтган, холос.

Кашшоф. Таҳлилингдан қониқмадим, дўстим. Хўп, ўқ мия косасини ялаб ўтган бўлсин. У тақдирда... нега шўрли ошиқ ўз уйида эмас-ку, бизнинг уйимизда?

Лола. Парвозни мен олиб келдим!

Кашшоф. А?!

Хумор. Муҳаббат сизлар ўйлаганча жўн нарса эмас.

Қамбар. Хўш, хўш? Нақлнинг давомини файласуф киздан эшитайлик.

Кашшоф (Лолага ҳамон таажжубланиб тикилади). Синглим... Йоним синглим... Ҳзи тинчликми?

Лола (бошини Кашшофнинг бағрига қўйиб, ўқраб йиғлайди). Акажон... Севиб қолдим!

Кашшоф. Ажаб савдолар!..

Хумор. Муҳаббат — ҳаёт зийнати, дил хазинаси...

Қамбар. Гапиринг! Гапира беринг!

Хумор. Севиш... Севилиш... Севги йўлида ширин жон бериш... Бу мардлик! Акам мард!

Қамбар. Кўриниб турибди... (Парвозга.) Оғайни, инженер бўлсам ҳам; медицинадан унча-мунча хабарим бор. Қани, жанобларини бир кўриб қўяй!

Хумор (Қамбарнинг йўлини тўсади). Кераги йўқ!

Қамбар. Нега?

Хумор. Бинтини яқиндагина янгиладим.

Вакил (кўча эшигини қия очади, йўталади). Ҳой яхшилар!

Кашшоф. Келинг ота, хизмат?

Вакил. Вали, Салима деган болалар шу даргоҳга қўнишганми?

Хумор (Парвозга). Кўрпага буркан! Бир камимиз шу кўргилик эди.

Кашшоф. Вали? Салима? Йўқ, бизникида бунақа болалар йўқ... Парвоз, Хумор керак бўлса, ана, улар!

Вакил. Лақабларини айтяпсиз, хўроз! Асл исмлари — Вали, Салима. Оналари Пашмакхон. Мен ўгай оталари бўламан. Эшитганмисиз қассоб Вакил отани? Бутун Қаллахона биледи. Аммо лекин... оналарини талоқ қилган бўлсам ҳам, машойихлар айтганлар: «бир кун туз ялаган ерингга минг кун салом бер», деб... Жибилажибондан хабар ола кетай дедим.

Кашшоф. Жибилажибон?!

Вакил. Ҳа, ҳалиги... Вали бола...

Хумор. Ҳой, амаки, нималар деб валдираяпсиз?

Вакил (Хуморга бурнини қийшайтиради, куйлаб ўйнайди).

Қопқонда ишинг душвор, қассоб,  
Бор бўлса пулинг, сочвор, қассоб.  
Бу учта наҳанг ютмай, тезроқ  
Обрў борида қочвор, қассоб!

П а р в о з (ёстиқдан бошини кўтаради). Ишонманглар унга! Жинни чол! Жиннихонага қамаш керак уни!

К а ш ш о ф. Қани, ота, бундоғ ўтиринг! (Нон ушатади, чой қуйиб узатади.) Коньякка қалайсиз?

В а к и л. Эсим расо, ўғлим, эрталабдан ичиб ўлибманми?

К а ш ш о ф. Аммо ўғлингиз... Вали... яъни, Парвоз эрталабдан ичар экан.

В а к и л. Қип-қизил жинни-да!

О з о д а (кўча эшигини қарсиллатиб очиб кириб келади). Қани болам? Қани Парвозжоним?.. (Валини кўриб.) Хў, зиқна чол! Сиз ҳам пашшахўрда бўлибсиз-да? Хумор, қизгинам, қалай, аканг тузалиб қолдимиз?

В а к и л. Ҳар қалай, ўлмапти.

О з о д а. Хў, нафасинг совуқ бўлмай, яшшамагур!

В а к и л (чўнтагидан ҳамён чиқариб, Озодага кўз-кўз қилади).

«Турмуш лаззати пулдан, қассоб,  
Одам иззати пулдан, қассоб,  
Жоним бераман ҳамён очсанг,  
Сенга тутаман гулдан, қассоб!»

О з о д а ҳамёнга чанг солади, В а к и л олиб қочади.

## О з о д а

Пул бўлмаса, хушёқмас қассоб,  
Ёр сизга кулиб боқмас, қассоб,  
Пулсиз қора ҳам қора бўлмас,  
Пул бўлмаса, оқ — оқмас, қассоб!

Ҳамённи кўчага отади. О з о д а чопиб чиқиб кетади.

В а к и л. Пашмак даф бўлди... (Кашишофга.) Ака-сингилларга қалайсиз, хўроз?

К а ш ш о ф (Қамбарга). Дўстим, сен нима дейсан?

Қ а м б а р. Кечқурунги концертдан воз кечсак... Бу ердаги томоша ҳам ёмон бўлмаяпти.

К а ш ш о ф. Қозимиз — Лола... Хўш, сингилжон, нима дейсан?

Л о л а. Дод!.. (Юзини кафтларига яшириб, уйга қочиб кираётганда, чақирган говушни эшитиб тўхтайдди.)

Н о д и р а (ҳовлига ҳаяжонланиб кириб). Лола! Қайт! Гап бор!..



К а ш ш о ф. Нодира! Жоним!  
Н о д и р а. Кашшоф ака!

Иккови қучоқлашиб кўришадилар. Лола беихтиёр изига қайтиб,  
Н о д и р а н и н г қаршисида тўхтади.

Л о л а. Нима гапинг бор?

О з о д а (кириб, Вакилга). Шунча пулни яшириб юриб-сиз-а, бетавфиқ! (Вакилнинг елкасига қўлларини қўяди, кейин соқолини силайди.) Уятсиз!

В а к и л. Оббо, Пашмаг-ей! Тошдай қотишингга ҳам, ҳалимдай юмшашингга ҳам тараф йўқ.

Н о д и р а. Лола! Дугонажон! Сенга биттагина саволим бор. Шу саволга жавобингга кўп нарса боғлиқ, айниқса сенинг тақдиринг...

Л о л а. Сўра!

Н о д и р а. Уйингга опкелиб парвариш қилаётган кишинг кимлигини биласанми?

Л о л а. Биладан: Парвоз.

Н о д и р а. Парвоз ким?

Л о л а (қизаради). Биласан-ку...

Н о д и р а. Ҳа, биладан. Сен-чи? Сен ҳам биласанми?

Л о л а. Ҳа.

Н о д и р а. Елғон! Билмайсан!

Л о л а (тажани). Ё, тавба... Билмасам, билдир!

Н о д и р а. Иблис!

Л о л а. Тухмат қилма!

Х у м о р (Нодирага човут солади). Ҳой, нима дейпсан?

О з о д а. Уялмайсанми, ноппа-нозандай йигитни иблис дейишга?

В а к и л. Ҳо, яхшилар! Сабр қилинглар! (Нодирага.) Қани, қизим, жибилажибоннинг иблислигини исбот қил!

Н о д и р а. Бошини ечинглар!

Қ а м б а р. А?!

К а ш ш о ф (Парвозга.) Меҳмон, саллангизни ё ўзингиз ечинг, ё биз ечамиз!

Х у м о р. Яраси оғир... Ечтирмайман!

О з о д а. Нима, бировнинг боласига зўрликми?

В а к и л. Ҳой, жибилажибон, мард бўлсанг — еч!

Н о д и р а. Еч, номард!

П а р в о з (Кашшоф билан Қамбарнинг икки томондан келаётганини кўриб, бошини чангаллайди, қочиш учун

эшикни мўлжаллаб шайланади. Лолага). Менга ҳурматингиз шуми. Лолита? Ваъдага вафо қани?

Л о л а (тетикланади). Уша ваъда — ўша ваъда... Бошингизни ечинг. Мени деб ўзингизни отганингизни исбот қилинг. Тўй қиламиз. Уй ҳам, бахт ҳам, «Волга» ҳам сизники. Дадам путёвка олиб берадилар, Парижга борамиз... Умуман, орзуларингизнинг ҳаммасига етасиз. Ҳа, нега иккиланаяпсиз! Йигитсиз-ку!

П а р в о з. Бошимни ечмасам-чи?

Л о л а. Унда... унда... шўрим қуриydi!

П а р в о з ўзини эшикка уради. Кашшоф билан Қамбар уни ушлайдилар. Кашшоф бинтни олиб ташлайди. Парвознинг чаккасига тарсаки уриб орқасига тепади. П а р в о з кўчага учиб йўқолади.

Л о л а. Вой шўрим! (Ҳушидан кетиб йиқилади.)

В а к и л (Озодага). Ҳамённи чўз!

О з о д а. Бермайман!

В а к и л (қалтирайди). Чўз! Қонимга ташна қилма!

О з о д а (ҳамённи ноиллож беради). Зиқна чол!

В а к и л. Энди бизники узр. Одам ёшлигида қоқилса — ўзини ўнглаб олади, аммо кексайганда қоқилса... Шайтонга ҳай бермай иложимиз йўқ. (Кетади.)

О з о д а (унинг кетидан). Сени қўлимдан чиқариб бўпман! (Кетади.)

Қ а м б а р (Хуморга). Хўш, ойимча, «муҳаббат — ҳаёт зийнати, дил хазинаси... Севги йўлида ширин жон береш...» Йўқол, маккора!

Х у м о р. Кетаман. Ҳайдамасангиз ҳам кетаман... лекин бир кун ўзингиз ялиниб борасиз. Ҳусним, ноз-карашмам сиздайларнинг кўпини куйдиради! (Кетади.)

Кашшоф билан Қамбар Лолани суяйдилар, Нодира унга сув селиб ўзига келтиради.

Н о д и р а. Лола! Дугонажон! Кўзингни оч! Иблис даф бўлди!

Л о л а (кўзини очади). Вой жоним... Акажон, мени кечиринг!

К а ш ш о ф. Опоқ синглим! Ҳаёт шунақа: кенг текис йўллар чеккасида эгри сўқмоқлар ҳам бор.

Қ а м б а р. Лолақон, бир имтиҳондам ўтдингиз.

Чодира. Кашшоф ака! Марино Марини концертига  
борамиз, а?

Кашшоф. Албатга!

Қамбар (Лола). Тузукмисиз?

Лола. Раҳмат... (Кашшофга.) Акажон! Дадамга, аяма  
га нима дейман?

Кашшоф. Қамбар тўғри айтди: «бир имтиҳондан  
ўтдим», дейсан.

Битгуси паришонлик,  
Ўтгуси пушаймонлик,  
Гард қўнса-да, бир онлик,  
Гангитмаса сарсонлик,  
Енгуси чин инсонлик!

### Чодира

Отгуси чаман тонглар,  
Оламда қўшиқ янграр,  
Яшайди фикр, онглар,  
Ёр қалбини ёр тинглар,  
Пок севги шараф-шонлик!

### Қамбар

Ишқингда гўзал дилдир,  
Ёр, энди дилинг билдир,  
Жилванг менга бир гулдир,  
Бахтимни ўзинг кулдир,  
Кетгуси бу ҳайронлик!

### Лола

Найлай, бу кўнгил гирён,  
Елғонга учиб вайрон,  
Синдирди уни армон,  
Излаб топаман дармон,  
Битгуси паришонлик!

### Тўрттови

Зулматни зиё енгар,  
Чин аҳду вафо енгар,

Бир нурки, ҳаё енгар,  
Жон бўлса фидо — енгар,  
Пок севги шараф-шонлик!

Маҳмуд билан Сунбул ҳовлига оёқ учида аста кириб келадилар.

Маҳмуд. Табибам! Қорлар эриб, излар босилибдими? Э, Кашшоф билан Қамбаржон ҳам кеп қолишибди-ку!  
Сунбул. Ҳақ бўлиб чиқдингиз, домлажон!

Ота-она Кашшофни қучадилар, Қамбарни суядилар. Маҳмуд Лолани бағрига босади.

Маҳмуд. Уйқудан уйғондингми, қизим?  
Лол а. Дадажоним!.. Адашган қизингизни кечиринг!..

П А Р Д А

1968 йил.

# ДИЛ КЎЗГУСИ

УЧ ПАРДА, ОЛТИ КЎРИНИШЛИ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Аъзам Самарзода. Эллик ёшда.  
Укпархон. Унинг хотини, қирқ беш ёшда.  
Акрам. Буларнинг ўғли, йигирма тўрт ёшда.  
Темир Бадинов. Эллик ёшда.  
Санъатхон. Унинг хотини, қирқ беш ёшда.  
Интизор. Буларнинг қизи, йигирма ёшда.  
Тоштемир. Йигирма беш ёшда.  
Гўзалхон. Қирқ ёшда.  
Камтарин. Қирқ беш ёшда.  
Маҳалла аҳли.

Воқеа шу кунларда Халқобод маҳалласида бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Халқобод маҳалласининг гузари. Идора. Клуб. Шинам сўрилар: Гулзор. Атиргуллар қийғос очилган.  
Тонг отяпти. Тоштемир сўрилар устига сим тортяпти, катта чироқлар қўйяпти.

### Тоштемир

Гул, лола зор нурсиз,  
Дил беқарор нурсиз,  
Севгим қуёши кулмас,  
Мен интизор нурсиз.

Чексиз қувонч — зиёда,  
Нурдан ривож гиёда,  
Ёнса чироқ йўлида,  
Ёрим ўтар пиёда.

Нурсиз ҳаёт шуурсиз,  
Нурсиз юрак ғурурсиз,  
Нурга кўмай жаҳонни,  
Мен интизор нурсиз...

Камтарин идорадан эълон олиб чиқади, деворга қоқади. Эълон одам бўйи картонга турли рангларда чиройли ёзилган, айниқса ўртароқдаги «Дил кўзгуси», «Ростлик кечаси» деган сўзалар кўзга яққол ташланади.

Камтарин. Ҳа, мулла Тоштемир, саҳарлаб сайраб қолдингиз?

Тош темир. Ҳа, энди, амаки, кўклам... мушуклар мов бўлган фасл...

Камтарин. Гапни чалғитяпсиз, савлатингдан. Ашулангизда Интизор деган сўз қулоғимга чалингандай бўлди?

Тош темир. Интизорлик — кутиш, соғиниш... Шунга ўхшаган бир тоқатсизлик... (Чироқларни ёқди.) Мана, олам гулистон... Қабул қилиб олинг. Мен борай... Байрам арафасида заявқалар кўп. Мана бу қоғозга қўл қўйинг.

Камтарин (қўл қўяди). Хайр, савлатингдан. Оқшом ҳаваскорларингиз йиғилишади-я. Кечикманг!

Тош темир. Хўп бўлади. (Монтёрлик сумкасини кўтариб кетади.)

Камтарин (эълонни товуш чиқариб ўқийди). «Шу йил 30 апрель кеч соат 8 да Халқобод маҳалла клубида.

**Дил кўзгуси деган мавзуда Ростлик кечаси ўтказилади.**

Кечада қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

1. Дилинг покми? Дилингда ножўя хатти-ҳаракатларингнинг доғлари йўқми, яъни:

- а) элга содиқмисан?
- б) оилангга вафодормисан?

2. Яширин сирларинг, доғларинг бўлса, оч, токи:

- а) виждон азобидан қутул,
- б) истиқболга ёруғ юз билан кир.

Кечага жами маҳалла аҳолиси таклиф этилади.

ХАЛҚОБОД МАҲАЛЛА КОМИТЕТИ».

Камтарин (сўрига келиб, эълонга юзма-юз ўтиради, дўпписини гиламга қўяди). Ана холос! (Ўзи билан ўзи сўзлашади.) Қани, дўстим Камтарин, эълондаги саволларга аввал ўзимиз бир жавоб бериб кўрайлик-чи! «Дилинг покми?» — пок! — «Дилингда ножўя хатти-ҳаракатларингнинг доғлари йўқми?» — Худо сақласин, йўқ! — «Элга содиқмисан?» — Юз процент! — «Оилангга вафодормисан?» — Ўғил бола савол. — Аммо, афсуски, оилам йўқ... Бироқ ҳеч кимга айтмаган, «гавҳар қутича» тубида яширин битта сирим бор. Хўп, ўша биттагина сиримни то мажлисгача мана шу гулларга, ҳўв анави терак орқасидаги олтин баркашга сўзлаб берай...



Бир вақтлар биз ҳам ёш эдик. Боботоғ бағридаги Сумбулсо! деган қишлоқда турардик. Дарахтларнинг сирли шарпалари, булбуллар чаҳ-чаҳи... (Қулоқ солади.) Чаҳ-чаҳ, чаҳ-чаҳ, чуҳ-чуҳ-чуҳ, чаҳа-чаҳ, чаҳа-чаҳ, чаҳа-чаҳ... (Мамнун жилмаяди.) Оқизоқ нон еб, булоқ сувидан закуска қилиб, баъзи боғлар ёнидан ўтганимизда оғизга дўпи тутиб ашула кўтарардик.

Термиларман, севгилимни ёд этиб,  
Орзулардан дилим обод этиб,  
Кошки, бир боқса бизга у гўзал,  
Ой жамоли кўнглимизни шод этиб.

Гунчани булбул навоси уйғотур,  
Ул тиниқ кўзлар қаросин ўйнатур,  
Индамас, бизни сукути ўйлатур,  
Термиларман боғига, фарёд этиб...

Ё тавба, ўша вақтда шотутлар бўларди. Йирик-йирик доналари қип-қизил, қоп-қора пишарди. Шотутлик ҳовлидаги Назокатнинг лабларидай қип-қизил, кўзларидай қоп-қора. Кейин, уруш... Бизга nasib бўлмади ўша боғнинг шотути... Э, нега эслаб кетдим ўша кунларни, эски ярани янгилаб! Ҳа, саволга жавоб... Хуллас, шу сир, шу доғ «гавҳар қутича»да урушнинг битта осколкасидай ётибди. Бошқаларни билмадигу, аммо бизнинг шундан бошқа гапимиз йўқ, ростлик кечасида айтадиган...

Водопровод жўмрагидан бакка сув тўлдириб, газ ёқади. Қўлтиғига туфли қутисини қисиб **А к р а м х о н** пайдо бўлади, йўлга аланг-лайди.

**К а м т а р и н.** Келинг, кичкина Самарзода. Нечун бугун маҳалла хўрозлари билан баббаравар турвордилар?  
**А к р а м х о н.** Уйқу харом. Чой дамланг! (*Сўрига ўтиради.*)

**К а м т а р и н.** Ҳозир қайнайди, дамлаймиз, савлатингдан. Нохуш кўринасиз?

**А к р а м х о н.** Чибин чақиб ухлатмади. Ишқ деган чибин.

**К а м т а р и н.** Ия-ҳа, тагин янгисига мубтало бўлдиларми? Қани-қани, дафтарни очинг!

**А к р а м х о н.** Бошқа чибинлар танингни чақса, буниси жонингни чақади, Камтар ака.

К а м т а р и н. Мулла йигитсиз, талаффузда хато қилманг, Камтар ака эмас, Камтарин ака.

А к р а м х о н. Камтарин ака... Анқо ҳам биз «га!» деганда «ака!» деган.

К а м т а р и н. Йўғ-е? Катта кетдингиз! Шаҳарнинг дарвозаси, дарвозасининг посбонлари бор, кичкина Самарзода!

А к р а м х о н. Ёмон маталчи бўпсиз-да!

К а м т а р и н. Сиздақа заршунослар билан жўн гаплашиб бўлмайди, савлатингдан. Ҳай, чивинни қўйинг, ишдан келайлик. Хўш, қўлтигингиздаги нима?

А к р а м х о н (нописанд). Вайваякнинг боласи. (Туфлини кўз-кўз қилади.) Силлиқ, нозик... Арчилган тухумдай-а...

К а м т а р и н (ўсмоқчилаб). Уруғи кўпми?

А к р а м х о н. Топилади. Мулла жирингга жон ҳам топилади, жонон ҳам... (Талтайиб куйлайди.)

Вайваякжон, вайваяк,  
Қирра бурун, тик пошна.  
Туфлисизлар жонсарақ,  
Олиб қолинг, жон ошна.

Нархи эллик сўлкавой,  
Англизча маркаси.  
Буни кияр эркавой —  
Дадасининг эркаси.

Вой-вой ака, вой ака,  
Савлат тўкиб кийгайсиз.  
Пулни чўзинг, бой ака,  
Кейин топмай, куйгайсиз,  
Вайваякжон, вайваяк...

К а м т а р и н. Чайқовни йиғиштиринг, хўроз! Уйингиздаги резинка ичакни опчиқинг, мен йўлга бир сув сепворай, ҳадемай ўзингиз машина чангитиб ўтасиз.

А к р а м х о н. Бизда шланг йўқ.

К а м т а р и н. Ёлгон гапирдингиз. Ҳа, иложимиз қанча? Мен нариги ҳовлидан шланг опчиқай, сиз манов эълонни ҳазм қилиб туринг.

К а м т а р и н кетади. А к р а м х о н бир эълонга, бир соатига қарайди.

А к р а м х о н. Етти ярим. Ҳозир уйидан чиқади: «га!» деймиз, «ага!» дейди. Оқшом боғда сайр. Йўлагиди би-ринчи бўса... (Ғинғиллайди.)

Қарасам — қарамайсан,  
Қарамасам — қарайсан...

(Эълонни парвосизгина ўқийди). Ҳмм... «Дил кўзгуси...», «Дилинг покми?» Ҳмм... «Яширин сирларинг, доғларинг...» Қизиқ! Менинг дилимдаги билан бошқаларнинг нима иши бор? (Тобора ҳушёр торга бошлайди.) ...«Виждон азобидан қутул...»

И н т и з о р келади, эълонга тикилади.

«Дил кўзгуси...» Бу нима ўзи? Ойнами? Машинами? И н т и з о р (парвосизгина). Дил кўзгуси — бу, дил кўзгуси! Шуни ҳам тушунмайсизми?

А к р а м х о н (ҳайрон). Тушимми, ўнгимми? «Дил кўзгуси» чин экан. Сизни ҳозир ўйлаб турувдим...

И н т и з о р (ўқийди). «Элга содиқмисан?..»

А к р а м х о н (саросимада). Мендан сўраяпсизми? (Қизга суйкалиб келади.)

И н т и з о р. Йўқ, ўқияпман... Нар и ту р и н г! (Уқийди.) «Истиқболга ёруғ юз билан кир...»

А к р а м х о н. Хўп, ёруғ юз билан кирай... Сиз ҳам ёнгинамда бирга кирасиз-да, а?.. (Интизорга ҳаёсизларча тикилади, билагини ушлайди.)

И н т и з о р. Қўйворинг, қўлимни!

Шланг тортиб келаётган Камтарин Акрамхоннинг қулоғи тагида ҳуштак чалиб юборади. Интизор Акрамхоннинг қўлидан қутулиб қочади.

К а м т а р и н (Интизорга). Бор, қизим, ўқишингдан колма! (Акрамхонга.) Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши! Уят!

А к р а м х о н. Боринг-е! (Интизорнинг кетидан чопади.)

К а м т а р и н. Тўхта! (Шлангни тўғрилайди.) Қайт! (Сув отади.) Қайт дейман!

А к р а м х о н (уст-боши шалаббо, ноилож қайтади). Э, ҳазилийғив қурсин!

К а м т а р и н. Садқайи одам! Эшитган қулоқ нима дейди?

Акрамхон (шимининг почасини сиқади). Деб кўрсин!

Камтарин. Зўравонликнинг падарига лаънат! Кучинг мусичадай қиз болага етдими?!

Акрамхон. Нима, севиш гуноҳми?

Камтарин. Севиш... Тулки кабутарни севибди, десалар ишонаман, аммо... (шлангни тўғрилайди.) Қани, жуфтакни ростла!

Акрамхон сувдан қочиб, уйи томонга кетади. Камтарин йўлга, гулзорга сув сепа бошлайди. Ишга ошиққан йўловчилар пайдо бўлади.

I-й ўловчи. Салом, Камтарин ака!

Камтарин. Ваалайкум ассалом! Эълонни ўқиб кетинг!

II-й ўловчи. Нима гап? Тинчликми?

Камтарин. Айни муддао, савлатингдан. Яна уч кундан кейин ростлик кечаси бўлади.

III-й ўловчи (эълонни ўқийди). Қайси доно ўйлаб чиқарди буни?

Камтарин. Маҳалла активлари-да... Қалай, тувукми?

IV-й ўловчи. Қойил!

Бир қиз (эълонни ўқиб чиққач). Маҳалламиздан ёмонлар йўқоладиган бўпти.

Камтарин (гул узиб қизга узатади). Иқболнинг гулдай очилсин, қизим!

Қиз. Ташаккур, амаки!

Ҳамма кетади. Қалин чарм папка қўлтиқлаган Аъзамхон пайдо бўлади, эълон олдида тўхтайти.

Камтарин (атайлаб зарб билан). Ассалому алайкум!

Аъзамхон (нописанд). Ваалай...

Камтарин. Гапнинг қоқ ярми ичингизда қолади-я, катта Самарзода.

Аъзамхон. Торт ичагингни! (Эълондан ижирғанади, зарда билан.) Ким ўйлаб чиқарди бу бемаъни гапни?

Камтарин. Узумини енг, боғини сўраманг, савлатингдан.

Аъзамхон. Ҳмм... Кўп бемаъни гап.

К а м т а р и н. Йўғ-е?  
А ь з а м х о н. Бачканалик!

Папкасини сўрига қўяди, ёлонни яна ўқийди.

К а м т а р и н. Утиринг, чой дамлайман.

А ь з а м х о н (ўтиради). Чойни қўйинг. Бошқа гап бор.

К а м т а р и н. Қани, эшитайлик.

А ь з а м х о н. Иккаламизнинг ўртамизда қолади-да, а?

К а м т а р и н (эълонга ишора қилади). «Агар доғларинг, сирларинг бўлса...» А, лаббай, савлатингдан?

А ь з а м х о н. Тавба... Шу галча савлатни ўртага тикманг!

К а м т а р и н. Нега энди? Одам савлатли бўлиши керак. Аммо сир, доғ...

А ь з а м х о н (ясама кулади). Файласўфсиз, биродар, файласўфсиз. Ҳа, майли... (Яна эълон олдига боради.) Ҳой, биродар, байрам арафасида бу ташвиш кимдан чиқди?

К а м т а р и н. Ташвиш эмас, кори хайр.

А ь з а м х о н. Кори хайр... кимдан чиқди?

К а м т а р и н. Кўпчиликдан...

А ь з а м х о н. Кўпчилик... Ҳм... Келинг, биродар, сиз ҳам биз билан мундоғ... очилиб гаплашинг.

К а м т а р и н. Қарс икки қўлдан чиқади-да.

А ь з а м х о н. Яъни?

К а м т а р и н. Сиз ҳам очилиб гаплашсангиз?

А ь з а м х о н (овозини пасайтириб). Сир ўртамизда қоладими?

К а м т а р и н (эълонга қош қоқади). Буни нима қиламиз?

А ь з а м х о н. Бу нима? Ҳамма гап ҳов анави ҳовлида...

К а м т а р и н. Қайси? Бадиновнинг ҳовлисидами?

А ь з а м х о н. Балли! Дил кўзгусини ўша ўйлаб чиқарган.

К а м т а р и н. Кимдан эшиттингиз?

А ь з а м х о н. Бировдан эшитишнинг кераги йўқ. Домком раиси, инженер...

К а м т а р и н. Ия-ҳа... Шубҳангизда жон бор.

А ь з а м х о н. Хусуматнинг олди олинмаса... (Хўрсинади.) Э, бевафо фалак! (Ўйга толади.)

К а м т а р и н (мийиғида кулиб, атайлаб ҳиргойи қилади).

«Ҳасратим дафтарга сигмас ёзганим бир-ла, ука,  
Ут экан, куйди оёғим босганим бир-ла, ука...»

Аъзамхон. Ашулага қирон келсин, шунақа пайтда...

Камтарин. Ҳадеб дим бўлаверманг, Самарзода.

Аъзамхон. Ҳайрон қоласан киши: Бадинов бошқаларнинг ишига аралашиб нима қилади?

Камтарин. Беилмоқроқ гапиринг!

Аъзамхон. Манави гурбатни айтаман. Агар Бадинов хусуматчи бўлмаса, «Дил кўзгуси» ни ўйлаб топармиди!

Камтарин. Табиатнинг нозик ери жанобларини яратганда савиядан ҳам зиғирча қўшиб бермаган экан-да, а?

Аъзамхон. Менинг гапим бир илмоғлик бўлса, сизники қўш илмоғлик. Хўш, менинг савиям билан нима ишингиз бор?

Камтарин. Савиянгиз жинчалоқча юқори бўлганда, мен билан ади-бади айтишиб ўтирмай, Бадиновга ёрилиб қўя қолардингиз.

Аъзамхон. Сал гапга оқ шўрваннинг кўпигидай тошасиз-а!

Камтарин. Тагига чўкиб ётгандан тошиб юзага чиққани маъқул. Ҳали ҳам Бадиновнинг олдига боринг. Дардингизни ўшанга айтинг.

Аъзамхон. Бу маслаҳатингизда жон бор. Хафа бўлмайсиз, биродар, маҳаллачилик... (Кетади.)

Камтарин. «Ичимдагини топ» тоифасидаги шунақа одамларни кўрсам бўғилиб кетаман. (Сигарет тугатади, чека олмайди, ташлайди, этигининг товонида эзди, гулзорга киради, гул узиб томоша қилади.) Гул.. Мана бу чиндан ҳам гўзаллик самараси... Ҳай, майли... Ҳализамон котибамиз Гўзалхон келадилар. (Стулни кафти билан артиб, силайди.) Мана шу стулга ўтириб, маҳаллани сўрайдилар, одамларнинг ҳожатини чиқарадилар. Қуралай кўзларида нур порлаб, ширин сўзлари яхшиликка чорлайди.

Термиларман севгимни ёд этиб,  
Орзулардан дилим обод этиб,  
Кошки эрди боқса бизга у гўзал,  
Ой жамоли кўнглимизни шод этиб...

Оҳ, ўша шотутли ҳовли... Гўзалхонни кўриб эски ярангиланди.

Г ў з а л х о н пайдо бўлади, жилмайиб қулоқ солади.

Г ў з а л х о н. Ҳай, Камтарин ака, ўзингиздан-ўзингиз нималар деяпсиз?

К а м т а р и н (*хижолатда*). Э, келинг, Гўзалхон, яхши ором олдингизми, гўзал тушлар кўриб? Мана, гул.

Г ў з а л х о н. Раҳмат. (*Гулни ҳидлайди.*) Хўш, нима гаплар?

К а м т а р и н. Табиат гўзал, тонг гўзал, гуллар ундан ҳам гўзал. Мана, сиз келиб гузаримизнинг гўзаллиги ўн чандон ошди.

Г ў з а л х о н. Шоир бўлиб кетинг-е! Мен сиздан маҳаллада нима гаплар?— деб сўраяпман.

К а м т а р и н. Янги гап шуки, «Ростлик кечаси»га тайёргарлик кўряпмиз. Баъзи бировлар ташвишда...

Г ў з а л х о н. Кимлар ташвишда?

К а м т а р и н. Самарзодалар ташвишда.

Г ў з а л х о н. Ҳа... Ташвишлари асосли... «Дил кўзгуси...» Хўш, Камтарин ака, сиз ўзингиз ташвишга тушиб қолганингиз йўқми?

К а м т а р и н. Ия-ия, бу нима деганингиз?

Г ў з а л х о н. Бу, ростлик кечасида ҳов... шотутли ҳовли ҳикоясини эшитамиз деганим.

К а м т а р и н (*манглайини артади*). Қўйинг-е, одамни тер босиб кетди...

Г ў з а л х о н. Демак, ўзингиздан шубҳангиз бор экан-да?

К а м т а р и н. Шубҳам йўқку-я, андак хавотирим бор...

Г ў з а л х о н. Хавотирингиз бор?

К а м т а р и н. Ҳа, дил кўзгусига рўпара бўлганимда туйқусдан... сирим очилиб, бировларни севишим фош бўлиб қолса...

Г ў з а л х о н (*қийқириб кулади*). Вой, сизни қаранг... Вой Камтарин ака-ей!..

К а м т а р и н. Гўзалхон... Майли, писанд қилмасангиз ҳам... аммо мабодо дейман-да, ўша кўзгу дилимдаги сизга булоқдай тиниқ, нурдай пок муҳаббатимни очворса...

### К а м т а р и н

Банд этди ой жамолинг,  
Меҳру вафо, камолинг,  
Ороми йўқ кўнгилинг,  
Соғинтириб висолинг.

## Г ў з а л х о н

Ёшлик баҳори ўтди,  
Ҳижрон мени қуритди,  
Кўнглим ҳавас унутди,  
Тарк эт, ака, хаёлинг.

## К а м т а р и н

Қиш сўнгги навбаҳордир,  
Кўкламга севги ёрдир,  
Қисматда балки бордир,  
Лаб узра инжу холинг.

## И к к о в и

Қилди адо муҳаббат,  
Берди садо муҳаббат.  
Жоним фидо, муҳаббат,  
Менга қийин саволинг.

К а м т а р и н. Утган ўтиб кетди... Чорак аср муқаддам уруш менинг ҳам, сизнинг ҳам ишқимизни балодай ютди. Лекин ҳаёт давом этяпти-ку?.. Ёнингизда соядай юрсам, шу бас. Бу рост гап. Бу — ростлик кечасида айтса бўладиган гап.

Г ў з а л х о н. Бу мушкул савдо, Камтарин ака... *(Гулзорга эгилиб, юзини гулларга яширади.)*

## И К К И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Б а д и н о в н и н г ҳ о в л и с и. Дам олиш куни. Тонг. Гулзор бўйидаги сўрида И н т и з о р дарс тайёрлаб ўтирибди.

И н т и з о р. Медицина... Нақадар мураккаб, мушкул фан! Юрак... Бутун бир китоб. Аслида у, Қуванинг аноридай бир нарса... Аммо сонсиз ҳужайра, ҳисобсиз ҳаёт томирларидан ташкил топган. Юрак... Масалан, менинг юрагим... Оҳ, ундаги сир-асрорни билса эди юраги тош Тоштемир!..

Олмадинг, эй бағри тош, бу интизорингдан хабар,  
Сенда йўқдир севгидан, ҳижрон, жафолардан асар.



Тош, темирлардан ясалган, исмига мос Тоштемир,  
Сенга ёринг қалби бегона, фақат иш мўътабар.

Бошқаларга нур бериб, зулматда қолдирдинг мени,  
Тобакай сен менга тунсан, ўзгаларга жилвагар.

Бир қарашда билмасанг,  
  икки қарашда билмасанг,  
Уч қарашда билмасанг,  
  бизга қийин, бечоралар...

*(Китобни зарда билан ёпади.)*

Битди тоқат! Келма! Келсанг ҳам кўролмайсан мени,  
Энди қилгайман сени кўйимда минг оворалар!

Уйга толади. Булбуллар сайрайди. Олисдан Тоштемирнинг  
ашуласи эшитилади.

Тоштемир

Тонг отди, лола ранг нурга бўялиб,  
Интизор, уйингдан чиққил уялиб.

Интизор

Ҳол.. *(Зарда билан лабини буради.)*

Тоштемир

Тонг отди, табиат тўлди виёга,  
Борайлик ям-яшил соҳил-дарёга!

Интизор

Ҳол..

Тоштемир

Тонг отди, гунчалар очилди аста,  
Чиқ тезроқ, қўлимда сенга гулдаста.

Интизор

Ҳол..

Тоштемир

Тонг отди булбуллар навоси билан.  
Гўзалдир муҳаббат вафоси билан.

Интизор эшикка яқинлашади. Тоштемир кўчада булбул бўлиб сайрайди. Қиз эшикни очади, йигит отилиб киради

Тоштемир. Хайрият... (Қизнинг қўлларидон маҳкам ушлаб олади. У ёқ-бу ёққа аланглайди.) Хайрият... Холам, амаким, ҳалиги... сигир-бузоқ, қўй-қўзилар, хўроз-товуқлар... (Қиз қийқириб кулади.) Хайрият...

Интизор (кесатади). Хайрият! Хайрият!.. Нима, гуноҳ қилиб қўйганмисиз, қўрқасиз?

Тоштемир. Биргина гуноҳим — сизни севишим.

Интизор. Ёлғон! Севган киши бир йиллаб йўқолиб кетмайди.

Тоштемир. Ё, туҳматингдан ўзинг асра! Кеча эмасмиди келганим?

Интизор (ҳамон араз). Менга бир кун — бир йил.

Тоштемир. Хайрият... (Этигининг учи билан ер чизади.) Ҳалиги... Ростлик кечасига борасизми?

Интизор. Бораман. Сиз-чи?

Тоштемир ҳамон ер чизади.

А-ҳа! Сирингиз очилишидан қўрқасиз! (Эркаланади.) Кетинг! Кўзимга кўринманг!

Тоштемир. Сирим битта — сизга муҳаббатим...

Сирим — севгим, ўзинг сирдошим,  
Синаб билдинг сабру бардошим.  
Сирим ошкор қилар элимга  
Тўйда катта қозонда ошим.

Созандалар айтар соз билан,  
Хонандалар хушовоз билан.  
Чимилдиқни шоҳидан тикай,  
Кириб келгил, ёрим, ноз билан.

Интизор

Чорси тикдим, гули бурама,  
Сеҳринг билан мени ўрама,  
Қиз боланинг савдоси қийин,  
Тил учида алдаб сўрама.

Тентаксойга ўхшайди кўнгил,  
Телбаликни хушлайди кўнгил.

Аммо катта дарёга тушиб,  
Ишқни қаттиқ ушлайди кўнгил.

### И к к о в и

Бевафолар доим адашар,  
Севмай туриб бетоқат, шошар.  
Садоқатли юраклар яшар,  
Муҳаббатга вафо ярашар.

Тоштемир. Қани, кетдик!  
Интизор. Қасққа?  
Тоштемир. Ҳаваскорлик тўгарагига. Ростлик кечасига концерт тайёрлаймиз.  
Интизор. Қаллаи саҳарлаб-а?  
Тоштемир. Аввал дарё бўйига борамиз, сайр қиламиз.  
Интизор. Ҳозир эмас. Ҳалироқ.  
Тоштемир. Сойда кутаман.

Тоштемир лотереядан «Запорожец» ютгандай шодланиб чиқиб кетади. Интизор айвонда дазмолга уннайди. Бадинов билан Санъатхон уйдан чиқадилар.

Интизор. Ассалому алайкум, дадажон, ассалому алайкум, аяжон!

Бадинов. Яша, қизим.

Санъатхон. Саҳарлаб дазмолга уннаб қопсан?

Интизор. Бугун ҳаваскорлик тўгарагининг машғулоти. Ростлик кечасига тайёргарлик кўряпмиз.

Бадинов. Кулгили номерлар ҳам бўладими?

Интизор. Билмадим. Тоштемир...

Бадинов. Тоштемир ишга киришган бўлса, боппайди. Монтёр бўлса ҳам, бир инженерчалик билими бор. Кечки институтга кирдимиз?

Интизор. Ҳа. Сизга шогирд бўлмоқчи.

Бадинов. Ҳа-ҳа! Арзийди.

Интизор фахрланиб жилмаяди. Бадинов ҳовлидаги столга чизмасини ёзади. Санъатхон журнал варақлайди.

Санъатхон. Ҳай, дадаси, дам олиш куни ҳам тинмайси.

Бадинов. Узингиз-чи?

Санъатхон. Медицина журналида ажойиб мақола босилибди. Раkning сабаби очилибди. Совет олимларининг бу масалани қондаги ўзгаришга боғлашини америка, немис, француз олимлари тасдиқлашибди.

Бадинов. Ҳа-ҳа...

Эшик қўнғироғи жиринглайди. Интизор бориб очади. Почтальон телеграмма бериб кетади. Интизор телеграммадаги адресга кўз ташлайди.

Интизор. Дада, сизга.

Бадинов. Раҳмат, қизим (Телеграммани кўздан кечиради.) Тошкентдан. Таажжуб... (Уқийди). «Туғилган кунингиз билан табриклайман. Дўстлигимизнинг эътиқод даражасига кўтарилишини орзу қиламан. Қучоқлайман. Умрбод сизнинг: Аъзамхон Самарзодангиз». (Елкасини қисади). Таажжуб... Хоним, менга қаранг.

Санъатхон. Қараб турибман.

Бадинов. Бу табрикномадан ҳеч нарса тушундингизми?

Бадинов. Нима тушундингиз?

Санъатхон. Ҳа.

Санъатхон. Ишга ўралашиб қолиб, сизнинг туғилган кунингизни унутиб қўйганимни тушундим. Яхшиям, озгина ҳозирлигимиз бор.

Бадинов. Мен бошқа нарсани айтяпман. Телеграмма берган Самарзода туғилган кунимни қаёқдан билади? Ҳай, билди ҳам дейлик. Нега амалда йўқ «дўстлик», яъни «дўстлигимиз»ни даъво қилади? Таажжуб...

Санъатхон. Нимаси таажжуб, дадаси? Самарзода сиз билан бирга ишлайди. Туғилган кунингизни билиши мумкин. Табриклабди, дўст бўлишни орзу қилибди, бунинг нимаси чакки?

Бадинов. Тўғрику-я... Аммо мендан бир тош нарида қочиб юрадиган одам...

Интизор. Қизиқ-да, ая. Телеграммасининг тагида бир гап бўлса керак.

Бадинов. Ҳар ҳолда, гоятда таажжуб...

Айвондаги телефон жиринглайди. Интизор эшитади.

Интизор. Хўп, ҳозир чақираман. (Санъатхонга.) Ая, сизни сўрашяпти.

Санъатхон. Ким экан?

Интизор. Укпархон опа.

Бадинов (кулади). Навбат сизга, хоним.

Санъатхон (трубкага қулоқ солади). Эшитаман. Ҳа, мен. Эшитаман, Укпархон, нучук эсингизга тушиб қолдик? Телеграммани дейсизми, ҳа, олдик. Раҳмат. Табриклагани кирамиз дейсизми? (Эрига қарайди, у бош чайқайди.) Майлику-я... аммо нишонлаётганимиз йўқ. Нега, дейсизми: Темир ака тантанани ёқтирмайдилар. Аъзамхон ака, борамиз, деяптилар? Келсангиз, эшигимиз очик. (Бадинов тагин «Келмасин» ишорасини қилади). Балки бошқа бир гал... Яхшиси, ўзимиз бир кун чақирайлик. Аъзамхон ака «Беш минутга бўлса ҳам кирамиз» деяптилар...

Бадинов (бўғилади). Епирай... Айт, келмасин.

Санъатхон (трубкани ёпиб, эрига). Қандай айтаман, маҳаллачилик... (Трубкага, бўшашиб). Ҳа, майли... (Трубкани қўяди.) Қийматлик қўшни эмишмиз, бир-биримизни йўқлашимиз керак эмиш. Самарзода бордикелдини биринчи бўлиб бошлаб бермоқчимизлар...

Бадинов. Майлику-я... Лекин қизиғи шундаки, Укпархон эрининг қистови билан телефон қилганга ўхшайди... Тавба... Биз уларга нега керак бўлиб қолдик-а?

Санъатхон. Одам одамга керак-да, дадаси.

Бадинов. Ҳа-я... ва лекин... Ҳай, келсинлар, суҳбатлашайлик, шояд ҳақиқат бетидан парда кўтарилса!

Яна телефон жиринглайди. Санъатхон қулоқ солади.

Санъатхон. Лаббай? Хўп, ҳозир. Интизор, сенга!

Интизор (эштади). Ким сўраётган? «Дўсти ғойибона...» Кимсиз, ахир? Мен сизни танимайман... (Дадасига.) Номаълум бир йигит сизнинг туғилган кунингиз билан мени табрикляпти. (Трубкага.) Ташаккур. Аммо кимлигингизни ҳам айтинг-да. «Сир». Бас, нотаниш одам билан гаплашмайман! (Трубкани қўяди, аммо телефон тагин жиринглайди. Уни олиб, бир нафас индамай қулоқ солади, ранги оқаради, магнитофонни телефонга улайди, йигитнинг сўзларини плёнкага ёзади, кейин трубкани секин қўяди.) Овозини кимгаям ўхшатяпман, таажжуб...

Бадинов. Ҳа, қизим, ҳаммамиз таажжубда қолдик. Охири бахайр бўлсин. (Чизмасининг устига ғилоф тортади.) Иш нала қолди...

Интизор. Дадажон, нега туғилган кунингизни нишонламайсиз?

Бадинов. Саволинг ажойиб, қизим. Ахир, аянг билан, сен билан ҳар гал биргаликда ширин таом есак, ширин суҳбат қурсак, кинога, театрга борсак — шу байрам эмасми?

Санъатхон. Дадаси... Гўзалхоннинг айтишига қараганда, ростлик кечаси ўтказилишини эшитиб, маҳалладаги баъзи бировлар ташвишга тушиб қолганмиш...

Бадинов. Эшитдим. Дил кўзгусини телевизорга ўхшаган аппарат деб гумон қилишаётганмиш. Аппаратни мен ишлаб чиқарганмишман. Кимки, унинг рўпарасига келса, юраги кўринармиш, сирлари очилармиш. Аппаратнинг тугмаси босилса, унинг кўзгусида кўринган юрак тилга кирармиш, сиру асрорини сўзлаб берармиш...

Интизор (кулади). Кеча Акрамхонни учратган эдим, у ҳам дил кўзгусини машина деб юрибди.

Бадинов. Ўғрилар!

Санъатхон (ҳайрон). Кимни айтяпсиз, дадаси?

Бадинов. Самарзодаларни... Базага ўрнашган ўғрилар... Ушлаш қийин бўлган замонавий ўғирлик... Чунончи, Аъзамхон база мудир. Ноёб молларни дўконларга чиқармайди, чайқовчиларга оширади. Касса жойида, ҳисоб тўғри, текширсангиз чатоғи йўқ.

Интизор. Ўғри «Волга»сида мол ташигани ташиган...

Бадинов. Хавотирлари бежиз эмас ҳарқалай...

Учови дастурхон тузатишга машғул бўлишади. Эшик қўнғироғи устма-уст жиринглайди. Тугун, сават, гулдаста кўтарган ота-боба Самарзода, Укпархон кириб келишади. Санъатхон уларни кутиб олади.

## Аъзамхон

Қутлуғ бўлсин, фахримиз бениҳоя,  
Саватда нон, билакда тўн сармоя,  
Қўй-қўзисиз кириб келдик, афв этинг,  
Елкангизни тутинг бизга, ҳамсоя.

Аъзамхон Бадиновга тўн ёпади.

## Укпархон

Эгачижон, хотинсиз эр шумшукдир,  
Бамисоли, селда қолган мушукдир.

Сизга раҳмат, бахт бошига тушибдир,  
Хотин эрга тарбияда чин доз.

Укпархон Санъатхонга атлас тутади.

### А к р а м х о н

Дадасининг эркасига саломлар,  
Йўлингизда биз бўлайлик гуломлар,  
Бу гулларнинг умри қисқа, олингиз,  
Йиқболингиз минг йил этсин давомлар.

Акрамхон Интизорга гулдаста беради.

### У ч о в и

Яшайверинг токи дунё тургунча,  
Насибангиз тузларини тергунча!

Бадинов бир аҳволда тўнни елкасидан олиб, айвон қозигига илади,  
кўришади. Интизор Акрамхонни шубҳаланиб кўздан кечиради.  
Санъатхон атлас қўлини куйдиргандек, ўнғайсиз бир аҳволда.

Бадинов (бўшашиб). Келинглар...

Аъзамхон. Табриклаймиз, қутлуғ бўлсин! Айтмай-  
сиз ҳам, қўшни. (Бадиновни елкаси билан туртиб суя-  
лади.)

Бадинов (столга таклиф қилади). Қани, марҳа-  
мат.

Ҳамма ўтиради. Ўртада совуқлик, жимлик.

Санъатхон. Овора бўпсизлар...

Аъзамхон (Бадиновга ўғлини кўрсатиб). Зурё-  
димиз...

Бадинов. Маҳалламизнинг доим бедор хўрозла-  
ридан...

Аъзамхон. Ия-ия... Жуда мақтаб юбордингиз.

Акрамхон. Ҳа, дада, арзимабмизми?

Аъзамхон. Нима чизяптилар, агар сир бўлмаса?

Бадинов. Иш, иш, иш...

Акрамхон (дадасининг қулоғига). Дил кўзгусини  
чизяпти. Мақсадга ўтинг, дада. (Бадиновга.) Амаки,  
«Дил кўзгуси»ни бизга бир тушунтириб берсангиз.

Бадинов. Хўп (Интизорга). Дуторни ол, қизим.

Интизор айвондаги қозикдан дутор олиб келади.

Бадинов. Эшитинглар. (Дуторни узоқ созлайди, ўйлайди, Самарводалар безовта.)

Эл аро бор кўнгли кирлар, сийқалар  
Эгри қўллар яхшиларга суйкалар,  
Тоza дил бир-ла яшанг, ёронлар,  
Йўқ этинг, гар бўлса доғлар, қуйқалар.

Дилни элга кўрсатур дил кўзгуси,  
Ўйламасни ўйлатур дил кўзгуси,  
Ким адашган бўлса, виждон олдида,  
Пок яшашни ўргатур дил кўзгуси.  
Тил билан дил бошқа-бошқа бўлмасин,  
Эгри қўллар бизни алдаб юрмасин.  
Ҳамма билсин тўғри турмуш нормасин,  
Тулкиларни ўйнатур дил кўзгуси.

Аъзамхон. Муболаганинг пири бўпкетинг-е, қўшни!

Бадинов. Сўзимда муболага йўқ. Ё, исбот керакми?

Аъзамхон (безрайиб). Керак!

Бадинов. Мана, сиз...

Аъзамхон (саросимада). Мен?!

Бадинов. Ҳа, сиз. Сизнинг дилингиз бошқа-ю,  
тилингиз бошқа.

Аъзамхон. Бўхтон!

Бадинов. Бўхтон эмас. Сиз давлат базасига келган  
асил моллардан ҳар куни бир қанчасини чайқовчиларга  
ошириб келасиз... Ё, тўғри эмасми?

Аъзамхон. Астаффурулло...

Бадинов. Ҳойнаҳой, биров сизга «Дил кўзгуси»ни  
Бадинов ўйлаб чиқарган, сендақаларни фош қилмоқчи»  
деган бўлса керак. Сизни бу ерга менинг туғилган куним  
эмас, балки хавотир, ҳа, ўзингиздан хавотирингиз етаклаб  
келган. Анов сават, манов тўн баҳона, сиз мендан сир  
олишга келгансиз. Хулласи калом, тилингизда бир гапу,  
дилингизда бошқа ташвиш. Ё, шундоғ эмасми, қўшни?

Аъзамхон. Яхшиликка ёмонлик...

Акрамхон. Ҳой амаки, нега дадамга туҳмат қиласиз?

Интизор (Акрамхонга). Сиз ҳам дадангиздан қо-  
лишмайсиз.

Акрамхон. Исбот қилинг, яхши қиз!



Интизор. Бундан ярим соат илгари менга телефон қилдингизми?

Акрамхон (безрайанча). Йўқ!

Интизор. Исбот қилсам, нима бўласиз?

Акрамхон (қизишиб). Ит бўламан, эшак бўламан!

Интизор. Катта кетдингиз.

Интизор айвонга чиқади, магнитофон кнопокасини босади, Акрамхоннинг овози эшитилади.

Акрамхон (плёнкада). «Нега индамайсиз? Гапиринг, кўзидан! Дадангизнинг туғилган куни баҳона, бир отамлашайлик. Анҳор бўйига чиқинг. Оҳ, оппоқ томонингдан аканг айлансин! Вой-дод...» (Ирғиб ўрнидан туради, ота-онасини судрайди). Юринглар, кетдик бу даргоҳдан!

Интизор (Акрамхонга маъноли тикилади). Хўш, нима бўлдингиз?

Акрамхон (муштини кўрсатади). Ҳаҳ, шошмай тур!

Укпархон (хижолатда). Бизни афв этинглар, қўшниллар, безовта қилдик. (Эрини кўрсатиб.) Айб бу кишида.

Санъатхон. Тугунларингизни ола кетинглар!

Аъзамхон, Акрамхон, Укпархон сават, тугун, тўн, атлас, гулдастани кўтариб олишади.

Аъзамхон

Бу ишингиз унутманг,  
Ҳамсоя, катта кетманг!

Акрамхон

Яхшилиқни билмади,  
Қўшнимиз, дада, аттанг!

Укпархон

Санъатхон, маъзур кўринг,  
Юзимга қора суртманг!

Санъатхон

Жон қўшнижон, эрингиз  
Йўлини асло тутманг!

## И н т и в о р

Ростлик кечаси — шодлик,  
Ундан ёмонлик кутманг!

Меҳмонлар кетишади.

Б а д и н о в (уларнинг орқасидан). Кеп туринглар..  
туғилган кунимизга!

П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ КУРИНИШ

Оқшом. Маҳалла гузарида бадний ҳаваскорлар машғулоти. Созандалар майин куй чалишяпти, Тоштемир дирижёрлик қиляпти. Интизор қоғозга қараб шеър ёдлаяпти. Камтарин гоҳ идорага кириб, гоҳ гузарда кезиб, тимискиланиб юрибди.

Тоштемир. Навбат — Интизорга, Афгон халқ қўшиғи — «Шаҳлоларинг...»

Интизор «Шаҳлоларинг» ашуласини ижро этади.

Ҳой, Камтарин ака, бери келинг!

Камтарин. Мана, биз тайёр.

Тоштемир. Ҳажвий қўшиғингизни такрорлаб ола-  
миз.

Камтарин. Хўп, савлатингдан.

Созандалар чалади, у образга кириб айғади.

Бир бор экан,  
Бир йўқ экан,  
Бир фирибгар бор экан,  
Кўзи доим лўқ экан,  
Тулкидай айёр экан.

Гўшт-ёғни ютар экан,  
Суякни сотар экан.  
Нинанинг тешигидан  
Ип каби ўтар экан.

Одам қиёфасига  
У кириб кетар экан,

Әгри топган «Волга»си  
Йўлни чангитар экан.

Бир бор экан,  
Бир йўқ экан,  
Дил кўзгуси бор экан.  
Шу сабадан тулкивойнинг  
Турмуши хатар экан,  
Титроғи тутар экан.

Тоштемир. Дуруст. Ростлик кечасида орқангизга  
дум боғлаб оласиз.

Камтарин. А, лаббай?

Тоштемир. Тулкининг думи бўлади.

Камтарин. Хўп, савлатингдан.

Тоштемир. Энди ялла — «Халқобод». Бошладик.

### Ҳамма

Ажойиб боғимиз бор, янграсин куй, созу шодликлар,  
Муҳаббат ялласига жўр бўлинг дўст халқободликлар.

### Тоштемир

Ниҳоллар барқ уриб, гуллар очилсин тоза диллардек,  
Ҳалоллик, турмушу ишқда, ширин тилларда тотликлар.

### Интизор

Вафо булбуллари гулларга куйлар бахт-саодатдан,  
Фидойи меҳнатидан топди шуҳрат яхши отликлар.

### Гўзалхон

Ер узра сурғалиб, бир кун завол топгай тубан махлуқ,  
Ҳамиша бахтиёр, обод яшар маҳкам қанотликлар.

### Камтарин

Гўзалсан, бегуборсан, шавкатинг-шонинг-ла дилдорсан,  
Етар бир кун муродга чарчамас, тоғдек саботликлар.

## Ҳамма

Ажойиб боғимиз бор, янгрисин куй, созу шодликлар,  
Муҳаббат яласига жўр бўлинг дўст халқободликлар.

Тоштемир. Дуруст. Машғулот тамом. Энди,  
дўстлар, ростлик кечасида учрашамиз.

Ҳамма тарқалади. Елкасига тўн ташлаган паришон Аъзамхон  
пайдо бўлади. У ёқ-бу ёққа аланглайди. Эълон қаршисига  
келади.

Аъзамхон. Ҳм... Юрак ўйноғининг сабаби! Мана  
бундоқ (қўлини эълонга олиб боради) ғижимлаб йир-  
тиб ташлайману, қутуламан. Йўқ, (қўлини тортади)  
буни йиртсам, бошқасини осадилар. Астафтурулло,  
шунақа пайтда калима келтиргинг кеп қолади. (Уқийди.)  
«Дилинг покми?» (Аллакимга пўписа қилади.) Ҳў, ўша  
сен, «Дил кўзгуси»ни ўйлаб чиқаргани!.. Дунё сув  
сепгандай жимжит эди, бирдан тўфон қўзғалди. Бу  
тўфон кимларни ютади-ю, кимлар жон сақлаб қолади!  
(Уқийди.) «Яширин сирларинг, доғларинг бўлса, оч...»  
Оббо, айёрлар-ей, тагин бир ёғини нишаб қилиб қўйиш-  
ган, йиқилсанг — оёғинг синмасин, деб. Лақиллаб бўпман!  
Биламан, қўлга туширгандан кейин нима қилишларингни!

Камтарин (кириб). Ҳа, савлатингдан, бевақт юриб-  
дилар?

Аъзамхон (кўкрагини ушлайди). Юрак...

Камтарин. Дил ҳақида эълон осилгандан бери  
юрагингиз бежо?

Аъзамхон. Э, сиз нимани биласиз?

Камтарин. Қани, келинг, мундоғ ўтириб, бафур-  
жа гаплашамиз.

Аъзамхон. Қўйинг, ўша эски гапни!

Камтарин. Янги гап бор, ўтиринг.

Иккови сўрида анча жим ўтиришади.

Аъзамхон. Қани, йўталинг.

Камтарин. Янги гап шуки, дардингизга даво  
бор.

Аъзамхон (жонланиб). А?! Қанақа даво?

Камтарин. Аввал қанақа дардлигини айтинг.

Аъзамхон (бўшашиб). Нима қиласиз, ўсмоқчилаб?

Камтарин. Сиз-чи! Сиз нима қиласиз, яшириб?

Аъзамхон. Нимани яширибман?

Камтарин. Дардни! Иситмалашингиз бежиз эмасдир, ахир? Юрак ҳар нарсага бежо бўлавермайди. Ичида қурт қимирласа иситма чиқаради. Уша қурт нима? зулукми, чаёнми, бошқа бир дардисарми? Сиз менга ўшани кўрсатинг, мен малҳамини берай.

Аъзамхон (кесатади). Раҳмат, малҳамини ўзимиз ҳам топамиз.

Камтарин. Ихтиёрлари!

Иккови тагин бир муддат жим қолишади.

Аъзамхон. Менга қаранг, рости билан яхшилиқ қилмоқчимисиз?

Камтарин. Онт ичсам ишонасизми?

Аъзамхон. Кераги йўқ. Ишондим. (Овозини пасайтириброқ.) Агар менга яхшилиқ қилмоқчи бўлсангиз, Бадиновга айтинг, шу «Дил кўзгуси»ни ўртага қўямасин.

Камтарин. Э, савлатингдан-эй, Бадинов ҳалимдай юмшоқ одам, ўзингиз гаплашаверинг.

Аъзамхон. Ҳалимдай юмшоқми, суякдай қаттиқми — буни бир четга қўйиб турайлик.

Камтарин. Э, ана, ўзлари ҳам келиб қолдилар.

Бадинов (йўлда пайдо бўлиб). Бадангарбия қилиб юрибман. Ҳавони қаранглар, тиниқ зангори. Осмон тўла юлдуз. Енгилгина шабада-ю, ҳамма ёқ гул ҳиди. Ҳар нафас олганингда дил бир яйрайди.

Аллаҳаерда булбул сайрайди. Бадинов мароқланиб қулоқ солади.

Камтарин (Аъзамхоннинг қулоғига). Домланинг кайфи чоғ пайтига дуч келдингиз. Сизни у билан ёлғиз қолдираман. (Кетади.)

Бадинов. Ажойиб куй. Ишқ таронаси. Бу йилги баҳорнинг илк булбули нағмасоз. Эшитинг-а? (Тинглайди, ўзи булбулга жўровоз бўлади.)

Очмағай эрдинг жамолинг олам оро кошки,  
Солмағай эрдинг бари оламга ғавго кошки.  
Чун жамолинг жилваси оламга солди рухтаҳез,  
Қилмағай эрди кўзум они томошо кошки...

Аъзамхон. Балли, домла! Оламга гавго солишнинг ҳеч бир зарурати йўқ эди.

Бадинов. Яъни?

Аъзамхон. Яъни, мана бу эълонни томоша қилгунча кўзим чиқса кошки эди... Уртага тушиб, ҳаммага кулги бўлиб...

Бадинов. Шошманг, шошманг... Шунақа чуқур гапиряпсизки, ақлим ўтмаяпти. Хўш, ким ўртага тушадигунга, ким ҳаммага кулги бўлади?

Аъзамхон. Масалан, мен...

Бадинов. Уртага тушишдан қўрқасизми?

Аъзамхон. Ундоғмас-ку... Ешимиз ҳам анча жойга бориб қолди. Болаларга масхара бўлиб нима қиламиз? Нима, бошқа мавзу қуриб қолганми? «Халқаро аҳвол», «Шаҳар озодалиги», «Суд сайловлари...» сон мингта. (Эълондан ўқийди.) «Агар доғларинг, сирларинг бўлса..» Бачканалик!

Бадинов (Аъзамхоннинг кўзларига тикилади). Ростини айтинг: давлат молларини чайқовчиларга оширмайман деб онт ичишга тайёرمىсиз?

Аъзамхон (орқага тисарилиб). Илмоқли гапиряпсиз...

Бадинов. Мен сизни одам ўлдирган, демоқчимасман. Аммо чайқовчилигингизга гумоним йўқ эмас. Ростлик кечасида шунини айтиб берасиз. (Кетади.)

Аъзамхон. (Пешана терини тўнининг енгига артади.) Ёмон терлатди! Йўқ, булар билан тил топиш қийин. Бошқа чорасини кўрамиз.

Маст Акрамхон ашула айтиб келади.

Акрамхон (гандираклайди).

Ёрим бору ёрим бор,

Боғимда анорим бор,

жон болажон,

Ёноғида қора хол,

Кўзлари хуморим бор,

ой болахон.

Ёноқчасида қора хол..

Аъзамхон. Бери кел, эшон!

Акрамхон (кўкрагига уради). Лаббай, дадажон!

Аъзамхон. Домла Бадиновнинг қизи Интизор... танийсанми?

Акрамхон. Таниганда қандоғ!

Аъзамхон. Сенга ўшани олиб бераман.

Акрамхон (суюлади). Дадажоним!..

Аъзамхон. Тўй мендан, кўндириш сендан... Агар кўнмаса...

Акрамхон (кўкрагига уради). Кўнади! «Волга»га тушади... Тамом!

Аъзамхон. Қани, бир разведкага бориб кел.

Акрамхон. Есть, ўртоқ командир! (Кетади.)

### ТУРТИНЧИ КҮРИНИШ

Самарводанинг уйи. Оқшом. Ҳовли бўм-бўш. Якка туп олмада чумчуқлар чуғурайди. Уй ичида телефон босим жиринглайди, тўхтайди, тагин жиринглайди.

Укпархон кўчадан бир аҳволда кириб келади, иш кийимини ечиб, айвон пешига ўтиради.

Укпархон. Ўлсам ўлиб бўлдим, ота-боланинг дастидан. Кўчада эшитмаган гапим қолмади. «Эрингни йўлга солсанг бўлмайдами? Уғлингни тийиб олиш қўлингдан келмайдами?» На юраримда, на ётаримда халоват бор. Кун уззуқун ташвиш. Э, ташвишларинг бошларингда қолсин!

Инсон юраги чашма каби соф бўлса,  
Оламни чароғон этувчи офтоб бўлса!

Шубҳа, надомат йўқолиб буткул дилдан,  
Мисли ҳаводек очилиб шаффоф бўлса!

Ташвиш тугаса, битса хижолат асари,  
Кўнгил тилаги бахт, ҳаётбоп бўлса!

Ростлик йўлида эгри, хиёнат йўқолиб,  
Инсон юраги чашма каби соф бўлса!

Айвонга чиқиб, чироқ ёқади, уйга, телефонга югуради, аммо етолмай қайтиб чиқади.

Ким бўлди экан? Кейинги кунларда бизникига ҳеч ким телефон қилмай қўювди. Ота-бола қора қозондай,



ҳамма яқин келишга қўрқади. Гўзалхонга бир телефон қилай, шояд маслаҳат берса.

Уйга кираётганида Аъзамхон билан Акрамхон пайдо бўладилар. Укпархон ўзини панага олиб, уларнинг гапига қулоқ солади.

Аъзамхон. Хўш, разведка қандай хушхабар келтирди.

Акрамхон. Қалъанинг дарвозаси доим берк. Йўлагида олапар.

Соқчилар ҳушёр. Яқин боришнинг иложи йўқ.

Аъзамхон. Э, афсус. Сигаретдан ол!

Ота-бола чекишади.

Қани, ўзинг бир холисанилло айт-чи. Интизорга учрашсанг, севги изҳор қилсанг, кўнармикан? Бадинов билан қудачилик бошлаб фалокатнинг олдини олсак.

Акрамхон. Қайдам... Қизи тушмагур ёввойироқ, ҳеч яқинига бориб бўлмаяпти...

Аъзамхон. Ихтиёримизда (соатига қарайди) салкам бир сутка ганимат вақт бор. Ҳар бир дақиқа олтинга баравар. Нима қилдик энди, Акрам эшон?

Акрамхон. Кечаси, улар ухлаганда...

Аъзамхон. Хўш, хўш?

Акрамхон. Девордан ошиб уйига кираман, қизини...

Аъзамхон. Қалтис, жуда қалтис, худо кўрсатмасин!.. (Ташвиши тобора ортади.) Маҳалладагилар нима дейишяпти?

Акрамхон. Одамларга тушуниб бўлмайди. Ҳамма хурсанд. Эртага томоша кўришадигандай...

Аъзамхон. Ҳа-ҳа! Томоша! Аммо, кимнинг томошаси?! Епирай, бу қандай кўргилик бўлдики, дил кўзгуси келиб-келиб шу кунда бизга рўпара бўлса! Э, парвардигор!

Акрамхон. Ташвишланманг, дада, иложини қиламан. Хайр, кетдим.

Аъзамхон. Бор! Йўқ, тўхта, борма! Епирай, епирай! (Ҳовлида бетоқат юради, ўйлайди, эзилади.) Шундоғ нозик масалаки, бировга маслаҳат солиб бўлмайди. Майли, бор. Тўхта. Қўлингни оч. Омин, ишинг ўнгилан келсин.

Акрамхон

Кетдим, дадажон, йўлга,  
Қизни оламан қўлга,

Тулпор минаман ҳозир,  
Тулпорки, яшил «Волга».  
Тезлик, дадажон, юз ўн  
Ё кўнма, гўзал, ё кўн,  
Лочин каби илсам,  
Дарҳол битади иш жўн.

Ростлик кечаси битгай,  
Мақсад юришиб кетгай.  
Ташвиш йўқолиб, элни  
Тўй довуғи тутгай!

Чиқиб кетади. Кўчада машина мотори гуриллайди. У к п а р х о н  
панадан чиқиб, эрининг қаршисига тик келади.

У к п а р х о н

Қайтаринг Акрамни дарҳол!

А ъ з а м х о н

Босиб ол ўпкангни дарҳол!

У к п а р х о н

Номус-ор борми зиғирча,  
Қайтаринг Акрамни дарҳол!

А ъ з а м х о н

У — йигит, уйланса арзир,  
Тўй қилиш бизларга қарздир.

У к п а р х о н

Шунча ташвиш энди басдир,  
Қайтаринг Акрамни дарҳол!

Укпархон эшикка интилади, Аъзамхон унинг йўлини тўсади.

Қочинг йўлимдан.

У к п а р х о н эрини четлаб, кўчага отилади, аммо бир оздан кейин  
бўшашиб қайтиб келади, эрига истеҳзоли тикилади.

Эсиз одам!

А ъ з а м х о н (ўзига келиб). Нима, нима?!

У к п а р х о н. Уғлингизни ҳали ҳам қайтаринг, оқибати ёмон бўлади.

А ь з а м х о н. Ҳой, сен нима деб вақиллаяпсан?

У к п а р х о н (*эрига тобора қаттиқ тикилади, у беихтиёр чекиниб бориб, айвон пешига ўтириб қолади*). Аъзамхон, гап шу. Мен бу кунгача индамадим, энди бас. Дилим ёнди, ақлим уйғонди, тилимга жон кирди. Кўзларимга бир қаранг, қарайверинг, қўрқманг. Бу кўзларда анчагина фикр, ўй, изтироб бор. Қаранг-а. Йўқ, қараёлмайсиз. Бу кўзлардаги ҳақиқатга боқиш учун тоғдай юрак керак.

А ь з а м х о н (*саросимада*). Нима демоқчисан? Мақсадингни айт!

У к п а р х о н. Узингиз ҳам, ўғлингиз ҳам эртага эл олдида шарманда бўлишингизни биласизми?

А ь з а м х о н. Ҳой хотин, ҳой ноинсоф...

У к п а р х о н. Мендан, юртдан яшириб келган кирди-корларингизни эртага «Дил кўзгуси»да кўрасиз.

А ь з а м х о н (*ранги оқаради, қалтирайди*). Епирай, ёпирай, сен ўша Укпармисан, ё битта-яримта ялмоғиз сенинг кўйлагингда кўриняптими?

У к п а р х о н. Мен ўзгармаганман, сиз ўзгаргансиз. Мен ўша, «эрим палончи» деб лақиллаб юрган Укпархонман. Аммо энди кеч бўлса ҳам эсим кирди. Бугун биринчи марта заводда ишлаб келдим. Қорним, уст-бошим ташвишдан қутулдингиз. Ана энди иккита тенг ҳуқуқли граждандан бўлдик. (*Овозини кўтаради.*) Утиринг!

А ь з а м х о н. Епирай... (*Бемажол ўтиради.*) Ўзимдан чиққан балога...

У к п а р х о н. ...қайга бораёй давога? Шундайми? Дардингизнинг давосини бошқа ёқдан изламанг. Сизга балодай кўринган ҳалол хотинингиз ҳали ҳам кунингизга ярайди.

А ь з а м х о н. Кечир... Асаб... Шу кунларда инфарт бўлиш ҳам ҳеч гапмас.

У к п а р х о н. Агар сўзимга кирсангиз, асабингиз ҳам тинчийди, инфарт ҳам бўлмайсиз.

А ь з а м х о н. Гапир, бўғилиб кетдим!

У к п а р х о н. Қани, сирни очинг!

А ь з а м х о н. Қанақа сирни?

У к п а р х о н. Сизни қийнаётган сирни.

А ь з а м х о н. Сир йўқ!

У к п а р х о н. Бор! Мендан, элдан яширган сирингиз бор. Дилингизда чақадай бўлса ҳам яра, доғ бор. Сизга

Ўша азоб беряпти. Яширсангиз газак олаверади. Ушани очиб, кесиб ташлаш керак.

Аъзамхон (ўрнидан туриб кетади). Ҳеч қанақа сир йўқ! (Чегга.) Ҳаммасининг тили бир. Менга қарши фитнага хотиним ҳам шерик! Сотилган! (Укпархонга.) Ке, қўй, бўладиган гапдан гаплашайлик! (Эркаламоқчи бўлади.)

Укпархон (босиқ). Чалғитманг, Аъзамхон! Эндиги турмушимиз сизга боғлиқ. Эл олдида рост гапни айтинг, кечирим сўранг. Ахир, эркаксиз-ку!

Аъзамхон (қизишади). Хўп, хўп дедим-ку! Нимаки қилган бўлсам, сен учун, болам учун қилдим. Лекин менинг қилганларим на жиноят ва на хиёнат!

Укпархон. Нега? Айтаверинг!

Аъзамхон. Базамни текширттир, учма-уч келмаса, оттириб юбор!

Укпархон. Қизишманг. Қаршингиздаги — на терговчи, на суд. Ташвишингиздан сочи оқарган вафоли хотинингиз сиздан фақат бир нарсани — рост гапиришни сўраяпти. Айтинг, сизни илондай чақаётган сир нима?

Аъзамхон. Сир йўқ, дедим-ку!

Укпархон. Агар айтмасангиз, шу бугуноқ кетаман.

Аъзамхон. Йўғ-е!

Укпархон. Ҳа! Ё кетаман...

Аъзамхон. Ёки...

Укпархон. Ёки шартимга кўнасиз.

Аъзамхон. Қанақа шарт?

Укпархон. Шартим шуки, сирингизни очиб, доғингизни ювасиз. Чайқовчиликни йиғиштирасиз. Айёрлик қилмайсиз. Ана шундан кейин сиз ҳам, ўғлингиз ҳам мен чизган чизиқдан юрасизлар!

Аъзамхон. Унта терговчига дарс беради бу.

Укпархон. Юрт олдида сирингизни очиб, доғингизни ювасиз. Чайқовчиликни йиғиштирасиз. Айёрлик қилмайсиз. Ана шундан кейин сиз ҳам, ўғлингиз ҳам мен чизган чизиқдан юрасизлар!

Аъзамхон (заҳарханда). Сен чизган чизиқдан?!

Укпархон. Ҳа, ўқдай, тўппа-тўғри чизиқдан! Бу чизиқдан юрганлар эгри ишдан ор қилади, манманликни билмайди, бировга озор бермайди, дили тўғри бўлади.

Аъзамхон. Ҳа-ҳа...

Укпархон. Ҳа! Тилнинг тўғри бўлиши учун аввало дил тўғри бўлиши керак. Хуллас, ишни ота-боланинг бузуқ дилини ремонт қилишдан бошлаймиз!

Аъзамхон. Бошлаймиз?! Демак, бир ўзинг эмас, кўпчилик... Епирай.

Укпархон. Ё шундай қиламиз, ёки бу гурбатхонадан кетаман-да, эртага маҳаллага чиқиб сизларни томоша қиламан.

Аъзамхон (кўпиради). Бор, томоша қил! Қўрқмайман!

Укпархон. Отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмай-сиз-а!

Айвонда кийимларини туга бошлайди, Аъзамхон ҳовлида бетоқат кезади. Кўчадан Акрамхоннинг додлагани эшитилади.

Акрамхон. Дод! Ким бор! Зўравонлар итга талатди!

Аъзамхон. Епирай!

Аъзамхон кўчага чиқади. Бир оздан кейин кийими йиртилган, оғзи-бурни қон Акрамхонни судраб киради.

Акрамхон. Зўравонлар! Итга талатди!

Аъзамхон. (Укпархонга ўшқиради). Ҳой, нега сўррайиб турибсан?! «Тез ёрдам»ни чақирсанг-чи!!!

Укпархон (пинагини бузмайди). Чакки юрган дакки ейди! (Тугунини кўтариб чиқиб кетади.)

Аъзамхон. Ана, онангни кўрдингми, ўшалар томонга ўтиб кетди! Машина қани? «Волга» қани, лапашанг?!

Акрамхон (кўкрагига муштлайди). Кўрсин, ўша «Дил кўзгуси»да кўрсин! Кўраверсин!

Аъзамхон. «Волга» қани деяпман, сўтак эшон?

Акрамхон. «ГАИ» да... Тоштемир мендан тортиб олиб ҳайдаб кетди...

Аъзамхон. «Қайси ГАИ» да? Милисанинг отинима? Ҳалиги, ўзимизнинг мўйловми?

Акрамхон (ўкраб йиғлайди). Зўравонлар...

Аъзамхон. Бос ўзингни! (Уйдан телефон аппаратини кўтариб чиқади, номер теради.) «Тез ёрдам»ми? Халқобод маҳалла, биринчи уй. Акрамхон Аъзамхонов. Йигирма тўрт ёшда. Ит қопган. Йўқ, итга қоптирилган. Ҳа, қастдан итга талатилган. Жиноий иш. Тезда келинлар, акт тузинглар! (Ишшаяди.) Ана, чораси тошилди. «Дил кўзгуси» ни ўзларига бурамыз!

Акрамхон (ҳамон телбаланади). Кўрсин! Қўрқмайман!

Аъзамхон. Товушингни кўтар! Баландроқ додла!

Акрамхон. Дод, зўравонлар! Мени итга талатдилар! «Волга»ни тортиб олдилар!

Иккови. Вой-дод!..

ПАРДА

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Бадинов билан Самарзода уйлари олдидаги дарахтзор, орқаси — анҳор. Мевалар қийғос гуллаган. Самарзоданинг уйи ваҳимадор, кўчадан ажратиб олинган саҳнда баланд сўри, эшик тагида скамейка.

Бадиновнинг уйи мўъжазгина.

Чироқлар ёнган оқшом. Аъзамхон Самарзода бетоқат кезинади. У кимнидир кутмоқда. Лекин анҳор бўйида шарпа сезиб, ўзини панага олади. Соҳилдан Тоштемир чиқиб келади, Бадинов эшигига яқинлашади.

#### Тоштемир

Мен кутарман, чиқ уйингдан, Интизор,  
Бош кўтар ғамли уйингдан, Интизор.  
Ям-яшил бўстонда сайр эт, дил ёзиб,  
Сайрасин қушлар куйингдан, Интизор.

Бахту иқболингни этдим ихтиёр,  
Менга, жоним, бир нафас бер эътибор,  
Ҳасратингни сўзлагил, кўнгила ёзиб,  
Ургилай шамшод бўйингдан, Интизор.

Бадиновнинг эшиги очилиб, Интизор кўринади. У ғамгин, кўзлари ёшли.

#### Интизор

Битди ором, эди бағримни алам,  
Тоштемир, хавфу хатарли ҳар қадам.  
Буздилар тинчимни, шум безорилар,  
Отдилар ғийбат тошини дам-бадам.

Севгимиз пок сақлагил, жон Тоштемир,  
Чин вафони оқлагил, жон Тоштемир  
Интизоринг ёқлагил, жон Тоштемир,  
Ҳар нафас ардоқлагил, жон Тоштемир.

### Тоштемир

Йиғлама, менга азиз ишқу вафо,  
Йиғлама, безорига бергум жазо!  
(Кетмоқчи бўлади.)

### Интизор

Кетма, жоним, бунда ёлғиз қўрқаман,  
Уйда ёлғиз, тунда ёлғиз қўрқаман.

Тоштемир. Қўрқма! Акрам қуёнга ўхшаган бир нарса. Девордан ошишга журъат этганига ҳали ҳам ҳайронман. Мана шу чап қўлим билан билагидан шундоғ ушласам... жони чиқиб кетаёзди... Тиззалари қалтирайди-ю, оғзидан кўпик сочади. «Волга»сини «ГАИ»га топширдим.

Интизор (кўз ёши орасидан жилмаяди). Паҳлавоним!

Тоштемир. Биз у безорини ҳам, чайқовчи дадасини ҳам ростлик кечасида, юрт олдида тавба қилдирамиз!

Аъзамхон (дарахт орқасидан). Ҳа-ҳа! Тавба қилдириб бўпсан! (Муштини қисади.) Сен «ГАИ»га топширган «Волга» алақачон гаражимга қайтиб келган. (Ғазабнок.) Ҳали шошмай тур, мен сенларни!..

Интизор билан Тоштемир уйга кириб кетадилар.

Аъзамхон. Ҳм... Ростлик кечаси... Дил кўзгуси... Ҳм... (Соатига қарайди.) Нега у ҳаяллади? Ё, Укпархон! бормайман!— деб туриб олдимикан? Йў-ў-ўқ... Жон деб келади. (Бадиновнинг эшигида олапар кўринади.) Ҳрр... аҳмоқ!

Акрамхон бўшашиб кириб келади.

Қани?

Акрамхон. Иккинчи сменага кетибди.

Аъзамхон. Жазосини тортсин! Ўтир бундоғ!

Эшик олдидаги скамейкага ёнма-ён ўтирадилар.

## А к р а м х о н

(бепарво гингиллайди)

Қарасам — қарамайсан,  
Қарамасам — қарайсан...

А ʔ з а м х о н. «Волга» нг гаражда. Эртадан мижозларга мол ташийсан. Ҳар ишнинг отаси — пул.

А к р а м х о н (суюлади). ʔзгинамнинг дадажонгинам!

А ʔ з а м х о н. Тўшакни опчиқ, шу ерда ётаман.

А к р а м х о н. Бу ер салқин, шамоллаб қоласиз.

А ʔ з а м х о н. Ичимдан олов ўрлаб чиқяпти. Бамисоли гулхан ўртасида тўнқада ўтирибман. Бор, тўшакни опчиқ!

А к р а м х о н уйга киради, А ʔ з а м х о н водопровод кранини бураб сув ичади.

Э, дунёйи қўтир!

А к р а м х о н уйдан тўшак-кўрпа опчиқади, сўрига ёзади.

А к р а м х о н. Мана, ётинг.

А ʔ з а м х о н. Менга қара, заводини сўрамадингми?

А к р а м х о н. Сўрадим, «Ташсельмаш» экан.

А ʔ з а м х о н. Машинага мин, заводига бор, тўғри шу ерга опкел!

А к р а м х о н. Хўп.

А ʔ з а м х о н сўрига ёнбошлайди. А к р а м х о н гараждан машина чиқара бошлайди.

А ʔ з а м х о н. Йўлда битта-яримтани босиб кетма!

А к р а м х о н. Номерига латта ўрадим.

А ʔ з а м х о н. Қайт! Керакмас!

А к р а м х о н уйга киради. А ʔ з а м х о н сўрига чиқиб ўтиради, ўйга толади.

Э, хотин! Мен ёняпман. Ундан тиқ этган хабар йўқ. Дарс ўқиди-ю, кетди. Аммо феъли бирдан айниди-қолди. Қарашида бир бало бор. «Дил кўзгуси» эмиш! «Дил кўзгуси» — Укпархоннинг кўзлари. Тик қараса — ич-ичингдагини суғуриб олаётгандай. Ёпирай, ёпирай! Ҳай, келсин, авраймиз, юмшатамиз. Шундоғ қиламизки, ғақимларимиз панд ейди.



## К а м т а р и н

(ашула айтиб киради)

Маҳалламиз Халқобод, омон ёр,  
Иқболидан ҳамма шод, омон ёр.  
Яхшилардан элида, омон ёр,  
Қолар фақат яхши от, омон ёр,  
Ёмонлардан элида, омон ёр,  
Қолар фақат алам, дод, омон ёр.

Аъзамхон (ёнбошлаб ётган ерида ижирғанади).  
Ким у?

К а м т а р и н. Қалай, тинчликми, савлатингдан?

Аъзамхон. Тинчлик. Хизмат?

К а м т а р и н. Ўғил тузукми?

Аъзамхон. Тузук.

К а м т а р и н. Хайрият. Опамни опкелдингизми?

Аъзамхон. Йў-ў-йўқ...

К а м т а р и н. Чакки бўпти. Опкелинг. Ахир, бир умр-  
ли қадрдонингиз.

Аъзамхон. Хў-ў-ўп... Тағин нима хизмат буюради-  
лар?

К а м т а р и н. Маҳалла тинчлигини сўраш — вазифа-  
миз. Саломат бўладилар! (Кетади.)

Аъзамхон. Бор-е!

Аъзамхон чироқни ўчиради, ётади. Салдан кейин ўрнидан ту-  
риб, чироқни яна ёқади.

Нега келди айғоқчи? Разведкага келдимикан? «Самар-  
зоданинг уйида қиргин, эр-хотин, ота-бола бир-бирининг  
гўштини еяпти» деб ўйлаган. Қуруқ кетди. Зап бўлди!

Чироқ тўсатдан ўчади. Аъзамхон ҳайрон. Уйдан Акрамхон  
сарпойчанг чиқади.

А к р а м х о н. Дада, чироқни ким ўчирди?

Аъзамхон. Анавларнинг иши. Атайлаб ўчиришган.  
Монтёр шу ерда.

А к р а м х о н. Монтёр? Тоштемирми? Ҳозир боппай-  
ман!

Бадиновнинг эшигига боради, ит вовуллайди, эшик тавақасини базўр  
ёпиб, муштлайди. Тоштемир чиқади, сарпойчанг Акрамхонни  
кўриб, унга яқин келади.

Тоштемир. Ким бу арвоҳ?  
Акрамхон. Нима дединг?

Тоштемирнинг ёқасидан олади, Тоштемир унинг қўлини  
бураб, ерга ёпиштириб қўяди.

Дод! Бировнинг уйига бостириб кирасан, чироқни ўчи-  
расан, қўлимни қайирасан! Дод!

Аъзамхон. Нима гап? (Келади.) Ким у ўғлимни  
ураётган? Ҳа, сен зўрми? Дод! Войдод!

Қўни-қўшилар йиғилади. Бадинов, Камтарин, Гўзалхон  
келишади.

Бадинов. Нима шовқин?  
Гўзалхон (Акрамхонга). Уялмайсизми, кўчада сар-  
пойчанг юргани?

Акрамхон атайлаб ерга чўзрилиб ётиб олади.

Аъзамхон

Энди кўриб қўйинглар,  
Томошага тўйинглар.  
Етар шунча ўйинлар!

Акрамхон

Жонга тегди бу қўшни,  
Босмаймиз тишга тишни,  
Билиб қилинглари ишни!

Бадинов

Садқайи одам, уят,  
Борми сизда ҳамият,  
Заррача самимият?

Тоштемир

Ота-бола шум экан,  
Ишлари машъум экан,  
Элга ҳам маълум экан!

Чироқ ёқиш учун симёғочга чиқиб кетади.

## И н т и з о р

Қутқаринг маломатдан,  
Зўравонлик одатдан,  
Кулфатдан, фалокатдан!

## К а м т а р и н

Ҳаммаси юртга аён,  
Айб кимда, ким зўравон,  
Эҳ, аттанг, эсиз инсон!

Чироқ ёнади. То ш те м и р симёғочдан тушади.

## Г ў з а л х о н

Биз ростлик кечасида  
Бу жанжални кўрамиз,  
Тўғри баҳо берамиз.

## Ҳамма тарқалади.

А ъ з а м х о н (ўғлига). Машинага мин, онангни ер тагидан бўлса ҳам топиб кел! Нажот эшигини фақат ўша очиб беради!

А к р а м х о н сарпойчанг ҳолда машинага миниб жўнайди. Аъзамхон тўнини елкасига ташлаб, дарахтзорда тоқатсиз кезади, соатига қарайди.

Чоракам уч... Укпархон кўнармикан, кўнмасмикан? Кўнади. Келади. Эртага бўладиган машмашани, айтадиган гапларини ҳижжалаб қулоғига қуяман. Уни пинҳоний ишлайман. Ўзим ҳам мажлисда бамисоли булбул, шундоғ сайрайманки, ўта ҳалол, оилапараст, хотинининг вафодор ити экан деб офарин айтадилар. Шундан кейин мени ювта «Дил кўзгуси»га рўпара қилсинлар, тиниқ чиқавераман. (Яна соатига қарайди, ташвишланади.) Унтакам уч... Тиқ этган товуш йўқ... Укпархон ҳозир қаерда экан? Онасиникидадир... Ҳай, келса-ку, ишимиз беш. Келмаса-чи? Унда на чора? Чора йўқ... Э, мени қаранг, шайтон васвасасига учиб... (Сўрига чиқади.) Маликаи ҳурилиқонинг келишларига ҳовирлик кўрай. (Ўрнини йиғади, кўрпачалар ёзиб, лўлаболишлар қўяди.) Мана бундоғ, атлас кўрпачага ўтқазиб, аста

авраймиз... Ҳозирча (қалам-қоғоз олади) тегишли идора-  
га юмалоқ хат ёзамиз...

Машина сигнали эшитилади. Акрамхон пайдо бўлади, дадасига  
юзма-юз келишга ботинолмай, орқасига тисарилади.

Аъзамхон. Қани?

Акрамхон. Келмади.

Аъзамхон. Нега?

Акрамхон. «Эртага маҳаллада, халқ олдида учраша-  
миз» деди.

Аъзамхон. А?! (Бемажол ўтириб қолади.)

## ОЛТИНЧИ КУРИНИШ

Халқобод гузари. Камтарин пайванд қияпти. Оқшом. Ҳамма ёқ  
машъала. Одамлар йиғилишяпти. Эълон: «Ростгўйлик кечаси. Дил  
кўзгуси».

Ҳаваскорлар дилбар куй чалишяпти, рақсга тушишяпти.

### Ёшлар

Бахтиёрликдан чароғон юртимиз,  
Яшнаган тоза гулистон юртимиз.  
Тонг-саҳарлаб уйғонур булбуллари,  
Завқини куйлайди хушхон юртимиз...

### Тоштемир

Кўнглимизда қайнаган илҳомимиз,  
Меҳнату ижодда тонгу, шомимиз,  
Элда дoston бўлди яхши номимиз,  
Биз туфайли боғу бўстон юртимиз.

### Интизор

Боғ шамолидан кўнгил роҳат топар,  
Яхши куйдан яхшилар лаззат топар,  
Ҳар киши ўз меҳридан иззат топар,  
Бизга бахш этди шараф-шон юртимиз.

### Ёшлар

Хуш наволик, яхши созлик кечамиз,  
Чин самимий, беғаразлик кечамиз,

Яхши ўтсин энди ростлик кечамиз,  
Яшнасин мангу фаровон юртимиз.

Гўзалхон (*Камтариннинг ёнига келади*). Нима қил-  
япсиз?

Камтарин. Тутга шотут пайванд қиляпман.

Гўзалхон. Қаламчасини ҳў ўша... ёшлигингиздаги  
боғ кўчадан опкелдингизми?

Камтарин. Топдингиз.

Гўзалхон. Тутадими?

Камтарин. Тутади. Келаси йил шу маҳалда ни-  
шона қилади. Қип-қизил... Қоп-қора... Нордонгина пи-  
шади.

Гўзалхон. Нордонгина?

Камтарин. Балли! Энг нозик дардларга даво шу!

Гўзалхон (*кулади*). Шотут жинниси бўпсиз.

Камтарин. Ҳа. Шундай шотутки, энг мазали, энг  
гўзал...

Гўзалхон. Боринг-е! (*Камтаринни суйиб, юзига  
беозоргина шаппати уради.*)

Камтарин. ... энг севимли...

Гўзалхон. Ишонсам бўладими?

Камтарин. Ана холос (*Эълонга қарайди.*) «Рост-  
лик кечаси»да ишонмасангиз, қачон ишонасиз?

Гўзалхон. Нозик еридан ушлайсиз-а?

Камтарин. Ростгўйлик оқшомида чин мақсад би-  
лан пайванд қилдим. Бу, албатта, кўкаради, мева беради.  
Эҳ, ёшлик! Қани энди қайтиб келсангу, ёлғизликда ўтказ-  
ган йилларимни шу шотут соясида бошқатдан яшасам.

Гўзалхон. Ёшлик қайтмайди. Аммо кўнгил ҳам қа-  
римайди.

### Камтарин

Кўнгил боғида гул очади ишқ,  
Гулзор ора кўнгил очади ишқ.  
Ойдин кечалар кўзда уйқу йўқ,  
Оламга ажиб нур сочади ишқ.

### Гўзалхон

Булбул куйида соз тарона ишқ,  
Дарё бўйида, мен, мастона ишқ,

Утди у баҳор, умр отилган ўқ,  
Эслашга уни бир баҳона ишқ...

### Иккови

Кўнгил қаримас, ҳеч қаримас ишқ,  
Ошиқ дилдан ҳеч аримас ишқ.  
Кетмас нарига, ҳеч наримас ишқ,  
Мангу яшарар ҳур замона ишқ.

Гўзалхон (*гапни буради*). Ана, келдилар...

Аъзамхон. Асса... кўм.

Камтарин. Ҳали ҳам гапнинг ярми ичингизда қолади-я, савлатингдан!

Аъзамхон. Ассалому алайкум.

Камтарин. Бу бошқа гап. Ваалайкум ассалом.

Аъзамхон. Элдан бурун кепмиз шекилли.

Гўзалхон. Шундай бўлиши керак. Ахир, сиз ҳам маҳалла оқсоқолларидансиз.

Аъзамхон (*мужмал*). Ҳа... энди... (*Эълонни ўқийди.*) «Ростгўйлик кечаси...» (*Афти буришади.*) ... астойдил ўткавилмоқчимиз?

Гўзалхон. Ҳа, бугун — дил кечаси.

Аъзамхон. Тўғрику-я... Бироқ бизнинг даъвомиз бор.

Камтарин. Қанақа даъво, савлатингдан?

Аъзамхон. Бу суҳбатнинг дарагини эшитиб, хотинимиз кетиб қолди, бунга «Дил кўзгуси» эмас, «Оила бузар» деб от қўйиш керак... (*У ёқ-бу ёққа аланглайди.*)

Аммо... умидимиз ҳам катта.

Камтарин. Хўш?

Аъзамхон. Уғлимизни итга қоптирганларнинг таъзири берилишидан умидвормиз.

Гўзалхон. Сабр қилинг, ҳамма чигил ечилади.

Аъзамхон бир четга ўтиради, сигарет тутатади. Санъатхон билан Укпархон келдилар.

Санъатхон. Йўлда учрашганимиз яхши бўлди. Ги на-кудуратни ёзиб олдик.

Укпархон (*эрини кўрмайди*). Айб эримда, шарманда қилди.

Санъатхон. Ҳа, шунақа эркаклар ҳам бор.

У к п а р х о н. У мени хотин ўрнида кўргану, лекин одам ўрнида кўрганмас. Шунча йил чидаб келганимга ўзим ҳайронман.

С а н ъ а т х о н. Ишга кирибсиз-а?

У к п а р х о н. Заводимизда шунақа эркаклар борки, ана дўстлик, ана меҳрибонлик, ана — хотинга ҳурмат!

А ъ з а м х о н (*базўр ўзини босади*). Епирай, ёпирай!.. Тагин бирортасини топиб олган бўлмасин?

У к п а р х о н. Ўша эркакларнинг олдида менинг эрим тўнғиздай бир гап экан.

С а н ъ а т х о н (*кулади*). Пастга урманг!

У к п а р х о н. Ҳа-да! Ейиш, ичиш, ётиш, савлат тўқишдан бошқани билмайди! Ҳўкиз нима-ю, у нима?

А ъ з а м х о н (*четга*). Ҳм... ҳм...

У к п а р х о н. Баъзи қора айиқлар бўлади, қуруқ ва жоҳат!

А ъ з а м х о н. Ҳой! Мен шу ердаман! Оғзингга қараб гапир!

У к п а р х о н. Мен бугун «Ростгўйлик кечаси»га таклиф қилинганман, Аъзамхон. Тилимнинг сиз чандиб боғлаган боғичи ечилган, дилимдагини айтавераман.

А ъ з а м х о н. Хотин кишига гап тегмасин...

У к п а р х о н. Мен ҳали гапирганим йўқ, энди гапирарман. (*Бурилиб кетади*.)

А ъ з а м х о н. Астаффурулло...

Одамлар йиғила бошлайди. А к р а м х о н шовқин солиб келади.

А к р а м х о н. Қани, ўша, мени итга талатганлар?

К а м т а р и н. Ҳой, бола, шанғиллама!

А к р а м х о н. Дод дейман! Маҳаллани бошимга кўтараман!

И н т и з о р келади, Акрамхоннинг қаршисида тўхтайтиди, унга тикилади. Акрамхоннинг товуши ўчиб, ранги оқаради.

У к п а р х о н (*Интизорга*). Беандиша, бетавфиқ ўғлим учун мени кечир. У сенинг тирноғингга ҳам арзимайди.

А ъ з а м х о н. Уғлингни ерга урма!

У к п а р х о н. Жим, кўча хандон!

А ъ з а м х о н. Э, қудратингдан!..

Одамлар тобора кўпаяди. Б а д и н о в келади. Аъзамхон уни кузатади. Бадинов одамлар билан иссиқ кўришади. Аъзамхонга дуч келади. Аъзамхон юзини буради.

Бадинов

Юзингизни бурмангиз,  
Узни алдаб юрмангиз,  
Обрунинг қолганини  
Ҳавога совурмангиз!

Аъзамхон

Мени ўйламанг латта,  
Шошмай туринг, иш катта,  
Зўравонлик қилдингиз,  
Фош бўласиз албатта.

Бадинов

Дарёнинг ҳам таги бор,  
Туҳматнинг ҳам чеги бор.

Аъзамхон

Унутманг, Аъзамхоннинг  
Юрагида кеки бор!

Камгарин (ёқасини ушлайди). Епирай, ёпирай...  
Шу ёшга кириб, бунақасини кўрмаганман! (Аъзамхонга)  
Хап туринг, савлатингдан, кеча бошланяпти.

Бадинов. Азизлар! Мен маҳалла раиси бўлсам ҳам,  
жанжалга беихтиёр аралашиб қолдим. Шу сабабдан раис-  
лик қилишни Гўзалхонга топшираман.

Ҳамма ҳайрон.

Гўзалхон (раислик ўрнига ўтади). Азизлар! Ма-  
ҳалладошлар! Сизнинг истагингиз билан бугун «Ростгўй-  
лик кечаси» ўтказамиз. Бу «Коммунизм қурувчисининг  
ахлоқ кодекси» мавзуидаги суҳбатларимизнинг навбатда-  
гиси — «Дил кўзгуси». Қалай, мавзу маъқулми?

Одамлар. Маъқул!

— Жуда соз!

— Айни муддао!

Гўзалхон. Қани, ўтиринглар. Маҳалла комитети-  
нинг аъзолари, президиумга марҳамат! Бошлаймиз!



## Ҳ а м м а

Ростлик кечаси, дил кечаси,  
кўнгилни очар кун,  
Кўнгил, бу чаман атр нафасин  
ҳар ёнга сочар кун.  
Ҳар ким ёзилиб шод бўлади,  
эл обод бўлади.  
Яхшига яқин, лек ёмондан  
юз тошга қочар кун.  
Ростлик олови куйдиради  
ғийбату ситамни,  
Ким эгри экан, эл тигига,  
албатта дучор кун.  
Дўстлик кечаси, завқ кечаси,  
яхши кечар кун,  
Диллар чигилин юрт кўзида  
ошкора ечар кун.

Г ў з а л х о н. Суҳбат қуруқ бўлмаслиги учун шу мақаллалик «Холис» таҳаллусли бир кишининг районимиз прокурорига юборган шикоятини ўртага қўямиз.

Мажлисда ола-ғовур.

О да м л а р. Ким экан у «Холис?»  
Биринчи марта эшитишимиз!  
Анонимкага ишонилмасин!  
— «Холис» ўртага чиқсин!

А ъ з а м х о н тоқатсизланади, аммо ўзини босишга уринади.

Г ў з а л х о н. Азизлар, тинчланинглар! Прокурор текшириш ўтказиб, Холис кимлигини, ариза ёзишдан мақсади нималигини аниқлаши мумкин. Лекин «Ростгўйлик кечаси» ўтказишдан мақсад — ҳар қандай масалани жамоатчиликка ҳавола қилишдир. Мен ўйлайманки, ариза ўқиб эшиттирилгандан кейин «Холис» ўртага чиқади, ўзини танитади, мақсадини сўзлаб беради. Ахир, камчиликларимизни «Дил кўзгуси»да, яъни, халқ кўзида ўзимиз кўриб олмақчимиз. Шундай эмасми?

О да м л а р.— Шундай!  
— Ҳақ гап!

Г ў з а л х о н. Қани, Камтарин ака, «Холис»нинг аризасини ўқинг.

К а м т а р и н (*ўқийди*). «Район прокурорига. Шикоят аризаси. Мен ким, адолатли совет қонунчилигининг содиқ мухлиси, ҳозирча ўзимни «Холис» деб аташга, яъни исми-шарифимни пардалашга мажбур бўлган Халқобод маҳалла фуқароси, сизга ёзиб маълум қиламанки, маҳалламизда шахс эркинлигига суиқасд қилувчи ғаламуслар пайдо бўлди. Темир Бадинов деган катта оғиз бир фитначи «Дил кўзгуси» деган машина ишлаб чиқариб, кўпчиликнинг бошини айлантирди. Бунинг оқибатида одамлар бир-бирини титкилай бошлашди, ҳатто баобрў фуқароларимиздан Аъзамхон Самарзоданинг уйи бузилди, унинг хотини Укпархоннинг кўзи очилиб, эрининг юзига тик қарайдиган, гап қайтарадиган бўлиб қолди ва ниҳоят, юқорида номи зикр этилган Аъзамхон Самарзода исми, эллик ёшли бир муҳтарам зотни, яъни ўз эрини қайта тарбиялашни даъво қилди. Самарзода, албатта, бунга розилик бера олмади. Қайсар Укпархон «Дил кўзгуси»нинг сеҳрида эрини ташлаб кетди. Бу кўргулик етмагандай, Самарзоданинг мўмин-қобил ўғлини қутурган итга қоптирдилар. Ким қоптирди денг? «Дил кўзгуси»нинг ташаббускорлари ва кашфиётчиларидан Темир Бадинов. Зотан қутурган ит ҳам шу кейинги фитначининг олапаридир.

Афсуски, бу кўнгилсиз ишларга бош-қош Бадинов — шу маҳалла комиссиясининг раиси.

Ўтиниб сўрайман;

1) Ростлик кечаси бекор қилинсин, бинобарин «Дил кўзгуси» синдириб ташлансин;

2) Бадинов жазога тортилсин;

3) Хотиним уйимга мажбуран қайтарилсин. Мазкур адолатли талаб илтижосида

«Холис».

У к п а р х о н. Ариза қачон ёзилган?

К а м т а р и н. Кеча.

А ъ з а м х о н (*бармоқлари қалтирайди, йўталади, лўқма ташлайди*). Ҳақиқат ёзилибди.

А к р а м х о н (*безбетларча*). Масала жиддий.

Г ў з а л х о н. Чиндан ҳам, масала жуда муҳим.

К а м т а р и н. Бадинов домланинг ҳам хати бор.

Г ў з а л х о н. Уқинг.

К а м т а р и н (*ўқийди*). «Халқобод маҳалла комитетига. Йигирма тўққизинчи апрель кеч соат тўққизда Инвизор ёлғиз вақтида бир шахс ҳовлимизга девордан ошиб

тушади. Ариқ бўйида ётган олапар итимиз ўғрининг по-  
часидан олади. Номаълум шахс билан олапар ўртасида  
жанг бошланади. Шовқинга уйдан қизим чиққанда олапар  
ўғрини ариққа босиб, хириллаб ётган бўлади. Интизор ола-  
парни тартибга чақириб, йигитни қутқаради-ю, уни таниб  
ҳанг-манг бўлиб қолади, чунки ўғри Акрамхон Самарзода  
бўлиб чиқади. Интизор қўшничиликни риюя қилиб, безо-  
рини қўйиб юборади.

Баён этилган ҳодисанинг тўғрилигига имзо чекдим:

*Темир Бадинов».*

Г ў з а л х о н. Итни текширттирдик, қутурмаган экан.

К а м т а р и н. Хайрият...

О л а ғ о в у р.— Ишониш қийин...

— Наҳотки, одамлар шу даражада тубан кетади!

— Э, аттанг!

— Эсиз савлат!

— «Холис» ўртага чиқадими, йўқми?

Говур аста-секин тинади. Ўртага жимлик, ўнғайсизлик чўқади.

А к р а м х о н (дадасининг қулоғига). Дод солайми?

А ь з а м х о н. Жим-эй!

Г ў з а л х о н. Қани, азизлар, ким нима дейди?

А ь з а м х о н. Савол! Бадиновнинг ит сақлашдан мақ-  
сади нима?

Б а д и н о в. Ўғриларни қоптириш.

Ҳамма кулади.

А ь з а м х о н. Чалғитманглар, биродарлар, яна бир  
савол. Нима, Бадинов менинг ўғлимни ўғри демоқчими?

Б а д и н о в. Ҳа, кечаси девор ошиб тушган одам ўғри  
бўлади. Аммо мол ўғрисими, жон ўғрисими?— Буни рост-  
лик кечаси аниқлаб беради. Хўш, тагин саволлари борми?

А ь з а м х о н. Йўқ, кейинроқ...

Г ў з а л х о н. Ихтиёрингиз. (Кўпчиликка.) Азизлар,  
мабодо «Холис» шу ерда, ўртамизда бўлса, илтимос, мин-  
барга чиқсин.

Ҳамма бир-бирига қарайди, кейин ҳамма кўзлар бенхтиёр Аъзам-  
хонга оғади. Аъзамхон сир бой бермасликка тиришади, ерга қарайди,  
терлайди.

Укпархон. Менга сўз беринглар!

Акрамхон. Ҳой, ойи, бу ерда донолар ўтиришибди, сизга йўл бўлсин?

Гўзалхон. Сўзланг, Укпархон!

Укпархон (*ўғлига*). Тур, ўрнингдан!

Акрамхон. Э... э... э...

Укпархон. Э-элама! Тур ўрнингдан, шумтака! (*Акрамхон ноилж туради.*) Қийшайма, қаддингни кўтар, юртдан кўзингни яширма! (*Акрамхон ерга қарайди.*)

Аъзамхон. Ҳой, ғалча, нима қиляпсан?

Укпархон. Ҳозир сенинг ҳам, дадангинг ҳам авра-астарингни ағдараман, бетларингни тиржайтириб кўрсатаётган нёқобларингни йиртиб ташлайман.

Аъзамхон. Ҳой, ношукур, ҳой ноинсоф! Халқийқ, бу жинни бўлқопти, дўхтирга кўрсатиш, жиннихонага қамаш керак.

Укпархон. Гап шу. Эшитинглар.

Эгри қўл, эгри юрак, эсиз одам,  
Пул топишдан бошқа йўқдир унда ғам.

Элга ҳурматдан асар ҳам қолмаган,  
Кимки тўғри сўз деса, айлар ситам.

Унга рост гап айтдиму бўлдим ёмон,  
Кимки ўғри, тўғридан айлар гумон,  
Бир қаранг, у турланур мисли илон,  
Макру ҳийла ишлатур у дам-бадам.

Аъзамхон (*бошини чангаллайди*). Дод! Бевафонинг дастидан дод!

Укпархон

(*Аъзамхонга*)

Қанча ғавғо бошладинг ёлғиз ўзинг,  
Дод дема, найранг пири иблис ўзинг,  
Арза ёзган ҳийлагар «Холис» ўзинг,  
Сен ўзинг солдинг бошимга шунча ғам!

Ўғлини ўғри бўлишга ундаган,  
Пок юракларга маломат тўнкаган,  
Яхши йўлга бошласам, ҳеч кўнмаган  
Сен эмасми? Сўзла, эй, эсиз одам!

Аъзамхон тўлғанади. Акрамхон суратдек қотиб қолади. Созандалар «Жазав» куйини чаладилар. Кейин Камтарин дум боғлаб, образга кириб «Бир бор экан..» қўшиғини бошлайди, халқ чапак чалиб қўшилади.

### К а м т а р и н

Бир бор экан,  
Бир йўқ экан,  
Бир фирибгар бор экан,  
Кўзи доим лўқ экан,  
Тулкидай айёр экан...

(Ва ҳоказо)

Акрамхон. Дада, индамайсизми, шарманда бўл-дик-ку!

Аъзамхон. Юм оғзингни!

Укпархон (ўғлига). Гапир. Агар илон ёғини яла-маган бўлсанг, рост гапни гапир.

Акрамхон. Дадам гапирсинлар.

Укпархон. Узинг гапир. Даданг эски қирриқ. Бор гапни айт, элдан кечирим сўра.

Акрамхон. Ойим тўғри айтдилар. Ёмон ният билан Бадинов домланинг деворидан ошдим.

Тоштемир (Акрамхонга юзма-юз келади). Қандай ният билан?

Акрамхон. Интизорни опқочиш, менга турмушга чиқишга мажбур қилиш ниятида...

Интизор. Вой шўрим...

Тоштемир (ўзини базўр босади). Аблаҳ!

Камтарин (Аъзамхонга). Тушунарли, савлатингдан. «Бадинов менга мажбуран қуда бўлса, сиримни очмайди», дегансан. А, лаббай?

Аъзамхон (ноилож). Ҳа...

Бадинов. «Холис» таҳаллуслик шикоятномадан ҳам мақсад шудир?

Аъзамхон. Ҳа... Тавба қилдим. Эгилган бошни қилич кесмайди.

Укпархон. Бекор айтибсиз!

Гузарда ғала-ғовур.

Бадинов. Энди мендан эшитинглар. Аъзамхоннинг қўли эгрилиги, базага келган молларни чайқовчиларга ошириб келганлиги бизга маълум эди. Аммо биз шу пайтгача индамай келдик. Демак, айб бизда ҳам. Аммо шундай савол туғилади: нечун Аъзамхон шу даражада тубан кет-

ди? Нечун игво, тухмат йўлига кирди? Не сабабдан ўзини зўравон ҳисоблайди? Нега ўғлининг тарбияси расво? Нечун, биз, маҳалла аҳли бунга йўл қўйиб бердик?

Камтарин. Жуда тўғри!

Аъзамхон. Тавба қилдим, дедим-ку!

Акрамхон. Мен ҳам тавба қилдим.

Одамлар. — Осон қутулмоқчи!

— Суд қилиш керак ота-болани!

— Қамаш керак!

Гўзалхон. Азизлар! Ота-бола Самарзодалар ҳар қанча жазога лойиқ. Лекин бугунги ростгўйлик кечамизда — «Дил кўзгуси»дан мақсад — одамлардаги нуқсонларни виждон ойнасида, уларнинг ўзларига кўрсатиш. Шояд кўрсалар, тушунсалар, афсус-надомат қилсалар, тузалсалар! — Мақсад шу! Агар тушунишни истамасалар, ўкинмасалар, тузалмасалар, унда ўзларидан кўрадилар.

Аъзамхон. Ҳай, ўзимиздан кўрдик...

Бадинов. Э, афсус... Аризамни халқ судига беришга мажбурман.

Акрамхон. Беринг! Қаматинг!

Камтарин (аламли). Э, савлатингдан-эй...

Укпархон (ўғлининг олдига ксади). Мен сенга оқ сут берганман, бола! Тавба қил!

Акрамхон (дадасига қарайди, доводирайди). Дада, э... ахир...

Укпархон. Тиз чўк! Сени оқ қилиб, кейин доғингда куйиб ўлмай!

Акрамхон тиз чўқади. Укпархон ўпкаси тўлиб йиғлайди. Даврадан чопиб чиқиб кетади.

Аъзамхон. Укпар! Қайт! Оёғингга йиқиламан, тавба қиламан! (Тиз чўқади.)

## Ялла

Ер узра сургалиб, бир кун завол топгай тубан махлуқ,  
Ҳамиша бахтиёр, озод яшар маҳкам қанотликлар,

Ажойиб боғимиз бор, янграсин куй, созу шодликлар,  
Муҳаббат яласига жўр бўлинг, дўст халқободликлар!

Гўзалхон. Азизлар! «Ростгўйлик кечаси» давом этади...

ПАРДА

1967 йил.

# ДРАМА







# МУҲАББАТ ТАНТАНАСИ

УЧ ПАРДА, ЕТТИ КУРИНИШЛИ ДРАМА

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- Уктам Замонов. Қурилиш бошлиғи, эллик ёшда.  
Бозор Ҳаққулов. Бош инженер ва партбюро секретари, эллик ёшда.  
Салим Соқиев. Қурилиш бошлиғининг таъминот бўйича ўринбосари, қирқ ёшда.  
Уста Мустақим. Бинокор, етмиш ёшда.  
Раъно Иброҳимова. Замоновнинг иккинчи хотини, ўттиз беш ёшда.  
Санъатой. Иброҳимованинг биринчи эридан қизи, ўн беш ёшда.  
Роҳат. Замоновнинг биринчи хотини, қирқ беш ёшда.  
Рустам. Замоновнинг Роҳатдан ўғли, йигирма беш ёшда.  
Мушарраф Каримова. Қурилиш трестда идора мудираси, йигирма етти ёшда.  
Умид. Инженер-бинокор, ўттиз ёшда.  
Дали. Экспедитор.

Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КУРИНИШ

Ҳали бўёқдан чиқмаган янги бино. Биринчи қаватда кенггина хона. Унгадаги эшикка: «Директор», чапдаги эшикка: «Партбюро» сўзлари ёзилган.

Хонада икки стол. Тўрдаги столда С а л и м С о қ и е в, пастроқдаги столда Мушарраф Каримова ўтирибдилар. Хона деворларига харита, схемалар осилган. Деразага кучли шамол урилади, ойналар зириллайди, кўкда булут карвони сузади. Кеч кузнинг одамларни шоширувчи ноҳуш манзарасини кузатиб ўтирган Мушарраф, стулга суялганча папирос тутатаётган Соқиевни зимдан кузатади.

Мустақим ота киради.

М у с т а қ и м. Бай-бай-бай, изғирин турди... (Брезент ёпқичининг ёқасини туширади.) Салимбой, биз сени қурилишда кутиб ўтирибмиз; ана келади, мана келади деб, тунука қани?

С о қ и е в. Тунука келяпти.

М у с т а қ и м. Тунуканг бир ойдан бери «келяпти». Э, биз сени уддабурон деб адашиб юрган эканмиз.

С о қ и е в. Келяпти, ота.

М у с т а қ и м. Э, садқайи гап сенга! (Мушаррафга.) Қизим, Замонов қаёқда?

М у ш а р р а ф. Станцияга кетдилар.

М у с т а қ и м. Ана ундан бир иш чиқади. Ҳай, мен бораёй, Замоновга айтиб қўй, усталар кутишяпти.

М у ш а р р а ф. Ўктам ака келишлари билан дарҳол айтаман.

М у с т а қ и м. Балли, қизим! (Кетади.)

М у ш а р р а ф (Соқиевга). Сизга хат!

С о қ и е в (хатни олиб). Раҳмаг!

М у ш а р р а ф. Мустақим отанинг ташвиши ўринли.

Соқиев. Қўйинг шу гапни! Томлар ҳам ёпилади, ёмғир-қорлар ҳам ўтади, ҳадемай чучмўмалар, бинафшалар яшнаб қолади, қип-қизил лола гиламлари қирларни қоплайди... Менга қаранг, турмушга чиққанмисиз?

Мушарраф. Йўқ, гапни чалғитманг!

Соқиев. Мушаррафхон, менга қаранг, агар турмушга чиқмоқчи бўлсангиз, оғзидан она сути кетмаган болалардан танланг, қадрингизга етмайди. Мана биз, турмушнинг аччиқ-чучугини татиб чиниққан басавлат кишилар... Бизлар ардоқлаб сева оламиз. Қўлимизга дуо кетган, ёноқларингизни шундоқ силаганда ҳуснингиз ўн чандон очилади.

Мушарраф. Вайсаманг! Мен Замоновга ҳайронман, ишни орқага сураётганингизни кўра туриб, индамайди.

Соқиев. Ҳа, бошлиғимиз ландавурроқ... Аммо, бир нарсада ундан ибрат олса бўлади. Яъни, муҳаббатда... Замонов ва Раъно... Хўш, улар бахтлими?

Мушарраф. Ҳа!

Соқиев. Отангизга раҳмат! Фараз қилинг: Сиз — Раъно, мен — Замонов.

Мушарраф. Сиз уларга тенг келолмайсиз. Улар тамоғи бошқа одамлар.

Соқиев. Биз тупроқдан яралганмиз. Улар нурдан пайдо бўлганлар. Шундайми?

Мушарраф. Балки, шундайдир. *(Телефон жириглайди, трубкани олиб қулоқ солади, ранги ўзгаради.)* Ҳа, мен... Раҳмат... йўқ, йўқ, истамайман... Мумкин эмас. Кейин... Билмайман... Яхшиси бошқа телефон қилманг... Айтдим-ку... истамайман! *(Трубкани қўяди, ўйга толади.)*

Соқиев. Навбатдаги ошиқи беқарорми? Она сути оғзидан кетмаганларданми, демоқчиман.

Мушарраф хатларни тартибга солиш билан машғул бўлади.

Ия, ҳа, тилингиз ҳам боғланиб қолди. *(Хатни очади. Мушаррафга синашта тикилади.)* Мумкинми телефон қилган ҳўрознинг исм-шарифларини билсак?

Мушарраф. Ремонтни тезлатинг, ўзингизга алоҳида кабинет қилиб олинг.

Соқиев. Биз камтарин раҳбарларданмиз... Хўш, ким бўлди у ошиқи бечора?

Мушарраф. Келин ойим билан болаларингизни қачон кўчириб келасиз?

Соқиев. Э, нима деяпсиз, аллақачон талоқ хатини берганман...

Мушарраф. Тилнинг суяги йўқ, гапираверади.

Соқиев. Нима?

Мушарраф. Тилни ёлғонга увол қилманг, деяпман.

Дали (киради). Ассалому алайкум. Мумкинми, хўжайин?

Соқиев. Э, кел! (Мушаррафни кўрсатиб кўз қисади.) Яхши бориб келдингми? Еғоч келадими?

Дали. Келади. (Бармоғини ўпади.) Во! Минг куб — раққосаларнинг қадди-қоматидай силлиқ қарағайлар.

Соқиев. Келиши билан омборга тушир!

Дали. Хўп, хўжайин.

Мушарраф бир даста қоғоз кўтариб, партбюрога кириб кетади.

Соқиев. Топдингми?

Дали. Ҳа.

Соқиев. Хайрият... Нима деди?

Дали. «Салимжонимни соғинганман, эртагаёқ бора-ман», деди.

Соқиев. Яхши... Ўғли-чи? Ўғли қаёқда экан? Суриштирддингми?

Дали. Ўғли ҳам келармиш.

Соқиев. Яхши... Бор, ишингдан қолма!

Дали. Хўп, хўжайин. (Кетади.)

Мушарраф (киради). Экспедиторингиз зўр.

Соқиев. Ҳа, энди ит эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади..

Мушарраф. Ит? (Кулади.)

Соқиев. Хўш, бизнинг савол жавобсиз қолаверадими?

Мушарраф. Қайси савол?

Соқиев. Қўнғироқ эгаси...

Мушарраф. Э, ҳали ҳам ўша гапми?

Соқиев. Эҳтиёт бўлинг, рашким ёмон.

Мушарраф. Жаҳлингиз ҳам, қаҳрингиз ҳам, захрингиз ҳам ёмон... (Кулади.) Мен билан «Мушук-сичқон» ўйнаб ўтириб ишдан қоляпсиз. (Ҳаққулов киради.) Бозор ака, сизга хат.

Ҳаққулов. Раҳмат, қизим. (Конвертни очади, хатга бир зум кўз югуртиради-ю, ижирганиб қоғозни гижим.

лайди-да, ахлат саватиға отади.) Ёмон кўрган нарсам — имзосиз хат!

Соқиев (Ўсмоқчилаб). Кимдан экан?

Ҳаққулов. Айтдим-ку, имзосиз хат деб. Имзосиз хатнинг тагида албатта ивво бўлади.

Соқиев. Фикрингизга қўшиламан, Бозор ака. Аммо лекин... гоҳо... имзосиз хатда ҳам ҳақиқат учқуни ялт этиб қолади...

Ҳаққулов. Йўқ, биродар! Имзосиз хат одамни чалғитади, кўнгилга шубҳа илонини ташлайди, ишончни гумон остига қўяди, дўстликка раҳна солади, иттифоқликни бузади. Ана, гижимлаб ташладим, ҳеч қачон бош кўтармасин.

Замонов (киради). Табиатнинг авзойи бузуқ. Метеостанция ёмғирнинг қорға айланишини каромат қиляпти. (Календарни йиртади.) Биринчи ноябрь... қиш эрта тушди... (Хатларни кўздан кечиради.) Байрам табриклари... Бозор ака, сиз Маданият саройи билан шуғулландинг.

Ҳаққулов. Мен ҳам шуни ўйлаб турувдим. (Кетади.)

Замонов (Соқиевга). Нега станцияга бормадингиз?

Соқиев. Мен югурдак эмасман.

Замонов. Муҳим ишнинг орқасидан қувган одам югурдак бўладими? Бир вақтлардаги ғайрат-шижоатингиз қани? Тўра бўлиб қолибсиз!

Соқиев. Уртоқ Замонов, ҳақорат қилманг!

Бошлиқлар орасида гап қочганини сезган Мушарраф хонадан чиқиб кетади.

Замонов. Ҳа, тўрачилик бу! Ишни пайсалга солиш, ўзбўларлик, ниҳоят қасддан саботаж!..

Соқиев. Адоватингиз қолмади-қолмади!

Замонов. Адоват?!

Соқиев. Шунча йил ўтиб кетган бўлса ҳам оилангизнинг бузилишини ҳамон мендан кўрасиз! Худо ҳаққи, айб ўзингизда! кўрслигингиз билан Роҳатни бездириб юборгансиз!

Замонов. Эски ярага туз сепа берманг, Соқиев! Мен сиздан иш талаб қиляпман... Сиз бўлсангиз...

Соқиев. Икки қўчқорнинг боши бир қозонга сифмаяпти шекилли!

Замонов. Нега мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз. Мен сиздан тунукани сўраяпман!

Соқиев. Мен сиздан, Замонов, ахлоқни, коммунистик ахлоқни сўраяпман!

Замонов (даҳшатда). Сиз-а! Соқиев-а? Роҳатни йўлдан уриб бахтсиз қилган Соқиев-а?

Соқиев (сурбетларча). Ана энди ўзингизга келдингиз, ту누ка фақат баҳона! Э, омон бўлинг!

Замонов. Соқиев, гап шу: Мен бултур сизни қаттиқ ҳимоя қилдим. Сиз қурилишни айни долзарб пайтда тахта-ёғоч билан таъминлаб бермадингиз. Сиз ўзингизга топширилган вазифани қасддан барбод қилдингиз. Бу билан мени ноқулай аҳволга қўйдингиз. Ушанда ҳам сиз учун биз елиб-югурдик. Хўш, айтинг-чи, қачонгача шундай қиласиз? Ахир коммунистсиз, вазифадор кишисиз, қачонгача мен сизга кафил бўлишим керак?

Соқиев. Кафил бўлманг! Писанда ҳам қилманг!

Замонов. Мен сизни, Салим Соқиевич, охирги марта огоҳлантираман. Ишга астойдил киришинг, жон куйдиринг, ўзингизни ўтга, сувга ташланг. Мабодо, шундай қилмасангиз ишни яна пайсалга солсангиз, унда уришиб қоламиз.

Соқиев. Уришиб қоламиз?! Дўқни қаранг-а! Э, қўлингиздан келса остирворинг!

Замонов (ўйга чўмади. Кейин оғир уйқудан уйғонган кишидай, Соқиевга тикилади, сўнг Мушаррафга қараб). Мен шаҳар партия комитетида бўламан. Машина шу ердами?

Мушарраф. Ҳа.

Замонов (Соқиевга). Станцияга тез боринг!

Аввал Мушарраф, унинг кетидан Замонов хонадан чиқиб кетадилар.

Соқиев (саватдан ғижимланган хатни олади, дераза ёруғига тутиб кўради). Хайрият, Бозор ака йиртиб ташламади.

Шошиб кўзойнак тақиб, кўздан кечиради. Мушаррафнинг кирганини ҳам сезмай қолади. Мушарраф уни бир неча дақиқа зимдан кузатиб туради. Соқиев чўчиб тушади, қўлларини беихтиёр орқасига яширади.

Соқиев. Э, сизмисиз? Бошим зирқираб оғрияпти... Иш шу қадар кўнги... Бошлиқнинг важоҳатини кўрдингиз-ку! Мени ҳалокатдан сақлаб қолган эмиш... Хўш, телефон қилган Мажнун ким эди?

Мушарраф. Лайлининг ошиғи...  
Соқиев. Овқатланамизми?  
Мушарраф. Раҳмат, мен овқатландим. (Кетади.)  
Соқиев (хатни текислаб буклайди, тоқатсизланади).  
Бу гал сени қўлдан чиқариб бўпман, омад!

## ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Замоновнинг уйи — тўрт қаватлик янги уйда квартира. Оқшом.  
Чироқлар ёнган. Хожа ўртасидаги катта столда дастурхон тузатилган,  
радиоприёмникдан майин куй оқяпти. Дераза ёнида Раъно билан  
Санъат гул саралаб гулдонга теришяпти.

Санъат. Ая, Уктам амаки неча ёшга кирдилар?  
Раъно (ўпқаланиб). Ҳали ҳам дада демайсан-а?  
Санъат. Уктам амаки... Дадам... Неча ёшга кирди-  
лар?

Раъно, Ҳамон ўрганолмаёпсан, қизим. Ҳа, майли.  
Бир кун эмас, бир кун ўрганиб кетарсан.

Санъат. Хафа бўлдингизми, аяжон? (Раънонинг бағ-  
рига кириб эркаланади.) Ахир, мен... Менинг ўз дадам  
бёр-ку!

Раъно (қизининг сочини силайди, ўйга толади). Ук-  
там Замонович бугун эллик ёшга тўлдилар.

Санъат (соддалик билан). Қариб қоптилар, а?

Раъно. Ҳа... (Кўзлари ғилтиллайди.) Одамни меҳ-  
нат қаритмайди, кулфат қаритади.

Санъат. Биламан.

Раъно. Сен энди катта қиз бўлиб қолдинг, ҳамма  
нарсани билишинг мумкин. (Гулдонни столга қўяди.) Дас-  
турхон тайёр. (Девордаги соатга қарайди.) Дадамг кели-  
шига бир оз бор. Кел, мен сенга баъзи гапларни билдириб  
қўяй. (Қизини диванга ўтқазади, ёнига ўтиради.) Мен тур-  
мушга чиққанимда энди ўн саккизга тўлган эдим. Поли-  
техника институтининг биринчи курсида ўқирдим. Эрим  
Нуъмонжон гўшт комбинатида экспедитор бўлиб ишларди.  
У пулни кўп топар, кўп ичар, гоҳо ярим кечада улфатлари  
судраб келишар, на ота-онасининг насиҳатига, на менинг  
ёлворишимга қўлоқ солар эди. Уч ой ҳам тотув яшамадик.  
Емон юрадиган бўлиб қетди, Тўйимизнинг бешинчи оғи  
қамоққа тушди. Олти ойда базўр қутулиб чиқди. Шундан  
кейин бир ой жимгина юрди. Тузалибди, энди турмуши-  
мизга маза киради деб умид қилдим. Гўрдами! Яна пул  
топди, яна ичди, яна бузуқ йўлга юрди. Сен туғилганингда



Нуъмонжон иккинчи марта қамоқда ётар, бу гал беш йилга кесилган эди.

Санъат. Бечора аям...

Раъно. Институтнинг иккинчи курсида ўқишдан қолиб кетдим. Бир йил қайнана қўлида турдим, кейин оғирлигим тушмасин деб, Лойиҳа институтига чизмачи бўлиб ишга кирдим. Уктам Замонович директоримиз эдилар. У киши ҳаммага баробар меҳрибон, ҳар биримизнинг ишимиз, турмушимиздан хабардор, чин маънода мададкор эдилар. У киши менинг ҳам турмушимни суриштирдилар, ўқишдан қолиб кетишим сабабини билдилар-да, институтимга сиртдан ўқишга жойлаб қўйдилар. Тўрт йил ўқиб инженерлик дипломини олдим. Лойиҳа институтида энди инженер бўлиб ишлай бошладим. Уша йили Нуъмонжон қамоқдан чиқиб келди. Ёши ўттиздан ошган, соч-соқолига оқ оралаган. Лекин хулқ-атвори ўша-ўша. Биринчи куниёқ эски улфатларини топиб ичиб келди. Эртаси кун Уктам Замонович мени ишда маъюс кўриб ҳол-аҳвол сўради. Мен унга бор гапни айтиб бердим, маслаҳат сўрадим. Уктам Замонович бўлса, менга маслаҳат бериш ўрнига ўз дардини очди. Унинг хотини Роҳат бошқа билан топишиб кетган экан...

Санъат. Бечора Уктам амаки...

Раъно. Уктам Замоновичнинг шундан кейинги умри азобда ўтган. Роҳат эридан расмий ажралган бўлса ҳам Уктам Замоновичга туҳмат қилиб устидан аризалар ёзди, ифволар тарқатди, гўё айб ўзида эмас, эрида...

Санъат. Аяжон, ёмон одамлар қачон йўқоларкин, а?

Раъно (дераза олдига келиб, шаҳар чироқларига тикилади). Нуъмонжон эгри йўлдан қайтмагандан кейин, мен ундан ажралиб сени тирик етим қилишга мажбур бўлдим. Саккизда эдинг, ўн олтига қадам қўйдинг. Дунёда бирдан-бир қувончим сенсан, Санъат!

Санъат. Уктам амаки-чи?

Раъно. Дунёда бирдан-бир таянчим у олижаноб инсон!

Санъат. Севасизми?

Раъно. Ҳақиқий севги, қизим, сен тушунгандан чуқурроқ, улуғроқ...

Санъат. Сезяпман...

Раъно. Уктам Замоновичга турмушга чиққанимга олти йил бўлди. Сен ўз отангдан кўрмаган яхшилиқни ундан кўряпсан. Ё, шундай эмасми?

Санъат. Шундай.  
Раъно. Дадам дейсанми?  
Санъат. Аяжоним!

Иккови қучоқлашиб йиғлашади. Эшик қўнғироғи чалинади.

Дадам келдилар! (Эшикка югуради, очади.)  
Раъно. Дадам деди!.. (Ҳаяжонланади.) Ким экан?  
Санъат. Почтальон бўлса керак. Мана, хат.  
Раъно (хатни кўздан кечиради). Дадангга. (Сервант устига қўяди.)

Санъат. Аяжон, дадам нега кечикяптилар?  
Раъно. Иши кўп, қизим. Бир тоифа кишиларни она-лари фақат иш учун туғадилар. Даданг ҳам шу тоифадан... Юр, овқатга қарайлик!

Раъно билан Санъат ошхонага ўтадилар. Гулдаста кўтарган Соқиев, яшик кўтарган Дали кирадилар.

Соқиев. Ҳеч ким йўқ... О, дастурхон зўр-ку, Даливой!  
Дали. Нуқул беш юлдузликлар. Бизнинг келтирганимиз бунинг олдида ип эшолмайди, хўжайин! Бу... хўжайин дейман... бир қармоқ ташлаб кўрмайсизми?  
Соқиев. Тсс! (Далининг оғзини ёпади.) Жим-эй!  
Деворнинг қулоғи бор, ука!  
Дали. Хўп, хўжайин, хўп! (Девордаги катта расмга ишора қилади.) Қаранг-а!

Деворда — Замонов, Раъно, Санъат сурати.

Соқиев. Илгари кўзимга бунақа ширин кўринмасди. Бай-бай-бай!

Ошхонадан Раъно чиқиб келади.

Табриклаймиз! (Гулдаста беради.)  
Раъно. Раҳмат. (Гулдастани олиб гулдондаги гулларга қўшади.)  
Дали (қўлтиғидаги яшикни кўрсатиб). Бунни қаерга қўяй?  
Раъно. Ҳожати йўқ. Чакки қипсиб!  
Соқиев. Нега? Бошлиқнинг юбилейларида муовинларидан арзимас тўёна.

Раъно. Уктам Замонович бунақа нарсаларни ёмон кўрадилар. Юбилейга рухсат бермадилар. Бу шунчаки оила дастурхони...

Соқиев. Бошлиқ камтаринлар. Аммо у кишидай бахтиёр инсон дунёда йўқ. Сиз... Сиздай фаришта васлига муяссар бўлмақ... Ҳа... Биз шўринг қурғурлар дунёдан тупроқ ялаб ўтиб кетяпмиз!

Раъно (ҳайрон. Синиқ товуш билан). Утиринглар!

Дали яшиқни полга қўяди. Утирадилар.

Соқиев. Кеча бошлиқ билан озгина айтишиб қолдик. Қизишганда шунақа бўлади ўзи... Иккаламининг ҳам асабимиз таранг эди... Ҳа, энди... ишда бўлиб туради... Аммо, дўстлик бузилмасин. Менинг Уктам Замоновичга ҳурматим самимий... (Раънога қаттиқ тикилади.) Бир оғиз айтиб қўясиз-а?

Раъно. Узларингиз гаплашиб олганларингиз маъқул. (Бурчакдаги курсида телефон жиринглайди. Раъно бориб эшитади.) Меҳмонлар келишди. Узингиз қаердасиз? Станцияда... Соқиевни кутиб ўтирибман, дейсизми? У киши шу ерда... Хўп, трубкани бераман. (Соқиевга.) Уктам Замонович сизни сўраяптилар.

Соқиев (трубкани олади). Эшитаман... ҳа, автоколлоннага қўнғироқ қилдим, машина беришмади... Байрам арафаси... Ҳой, нега бақирасиз?.. Ахир, мен нодон эмасман-ку! Нима? Хўп, ҳозир етиб бораман... (Раънога.) Эрингизга айтиб қўйинг, ҳадеб зуғум қилавермасинлар. (Далига.) Қани, кетдик.

Дали. Хўп, хўжайин!

Раъно. Гул учун раҳмат. Яшиқни олиб кетинглар (Соқиевнинг имоси билан Дали яшиқни кўтаради.)

Соқиев. Эрингизга айтинг, нуқсонсиз парвардигор. (Раъно индамайди.) Мансабнинг умри боқий эмас!

Улар чиқиб кетгандан кейин Раъно сервантнинг олдига келади, катни қўлига олади, конвертдаги ёзувни ўқийди, жойига қўяди, ўйга толади.

Раъно. Орқа адреси йўқ, кимдан бўлди экан бу хат? Санъат (ошхонадан чиқади). Аяжон, ким келди?

Раъно. Соқиев, Далиси билан...

Мустақим (нақшин курси кўтариб киради). Ҳо, яхшилар, ким бор?

Раъно. Келинг, уста бува, келинг.

Мустақим. Сенга, опоч, битта курси ясаб келдим. Нақшини қара! Улиб кетсам, эслаб юрарсанлар!

Раъно. Қўйинг, уста бува, унақа гапларни гапирманг, ҳали узоқ яшайсиз.

Мустақим. Яшашим шарт. Қураётган шаҳримиз жамолига тўйишим даркор, опоч. (*Курсини Санъатга беради.*)  
Ма, пучуқ, катта бобонгдан.

Санъат (*олади*). Раҳмат, буважон!

Мустақим. Ҳа, дарвоқе, станцияга тунука тушибди. Усталар ҳаммаси пешиндан буён кутишади, ана келади, мана келади деб, қани келса, Салим сўпоқ ишни пайсалга солганов, деб ўйладик. Шу топда тагин хабар келди: эринг тунукаларни машиналарга орттираётганмиш... то машиналар етиб келгунча табриклаб чиқай дедим.

Раъно. Раҳмат, уста бува.

Мустақим. Ҳайрият, ёмғир сал пасайди, аммо булут қалин, томларни тезда ёпиб олмасак, иморатлардан путур кетади.

Раъно. Уста бува, дастурхонга қаранг.

Мустақим. Қани, опоч, қизилингдан бир истикон қуй, вақтим зиқ.

Раъно вино қуйиб, уста Мустақимга узатади. Мустақим қадаҳни чироққа тутаяди.

Товланишини қара-я! Қани, сенлар ҳам иримига оз-оз қуйинглар.

Раъно жажжи рюмкаларга қуяди.

Гап шу, опоч: эринг Уктамвой ҳаётини халқ ишига бағишлаган инсон. Қўша қаринглар! (*Оқ ичади, оғзига бир тўғрам қазу солиб тамшанади.*) Шу йил қиш чилласида етмишга кираман, тиш тўкилди...

Раъно. Тишни янгилаш осон, уста бува.

Мустақим. Кўнгил ёш, яшаган сари яшагинг келади. Қура берсанг, қура берсанг, янги шаҳарларнинг чироқларини ёқа берсанг, янги авлодлар камолини кўра берсанг.

Раъно. Ниятингизга етасиз, уста бува!

Мустақим. Иншоолло! (*Урнидан туради.*) Энди менга жавоб.

Раъно. Раҳмат, уста бува!

Мустақим (Санъатнинг бошини силайди). Даданг-ни ҳурмат қил, пучуқ!  
Санъат. Хўп, буважон!

Уста Мустақим кетади.

Раъно. Ана, қизим, дунёда шунақа яхши одамлар ҳам бор. (Машина сигнали эшитилади.) Даданг келдилар, юр кутиб олайлик.

Уктам Замонов, Бозор Ҳаққулов кириб келадилар.

Ҳаққулов (Раънога). Салом, лойиҳалар сеҳргари! (Қўл бериб кўришади.) Эрингиз мени зўрлаб олиб келди, бир пиёла чой ичамиз, деб. Э-э, зиёфат бажо-ку! Мумкинми, бу муҳташам дастурхоннинг сабабини билсак?

Раъно. Туғилган кунлари...

Ҳаққулов (пешанасига уради). Э, хомкалла! Иш-иш-иш, деймиз, шахсий ҳаёт, бир-биримизга оқибат, мана бунақа ўтиришлар ёдимиздан буткул кўтарилади. (Замоновга.) Сен ҳам ўлгидай камтарсан. Тўхта, тўхта, неча ёшга кирдинг? Тенгдошмиз... Йўқ, мен сендан бир ёш каттаман. Демак, роппа-расо элликка кирибсан. Эй, дўстим-ей, бир огиз айтмайсанми?

Раъно. Яқинларимизга хабар қилмоқчи эдим, рухсат бермадилар.

Ҳаққулов. Одам ўзини юз тубан қилиши керак эмас. Ишлашни билган одам яшашни ҳам билмоғи даркор!

Замонов. Қани, дастурхонга марҳамат!

Ҳаққулов. Тоза уялтирдинг-ку! Ҳа, майли, тантанали мажлисда нишонлаймиз.

Замонов. Йўқ, йўқ! Керакмас! Шаҳарни қурайлик, комбинатни ишга туширайлик, ҳали тагин беш-ўн йил ўтсин.

Ҳаққулов. У ёғини бизга қўйиб бер! (Ўтиради.) Қани қуядиган бўлсанг қуй! (Раъно билан Санъатга.) Сизлар ҳам ўтиринглар.

Замонов (май қуяди). Қани, олайлик!

Ҳаққулов. Уктам Замонович, азиз дўстим, эллик ёшинг қутлуғ бўлсин! (Бир оз ўйланади.) Сен билан биз каттакон ҳаёт йўлини босиб ўтдик. Эсингдами бундан қирқ йил бурун Тошкентнинг Эски шаҳаридаги интернатда бир хонада ёнма-ён ётиб, бир партада ёнма-ён ўтириб ўқир ўдик. Етим эдик иккаламиз ҳам. Уруш арафасида институт-

нинг қурилиш факультетини бирга битирдик. Фронтда битта сапёр ротасида хизмат қилдик. Прагага қадар бордик. Кейин ишга, қурилишга шўнғидик. Йигирма уч йилдан бери тинимсиз қурамыз. Мана, янги қурилишда — чўлда социалистик саноат шаҳари қурилишида яна биргамиз. Ол, дўстим, шу биргалик, дўстлик учун ичайлик!

З а м о н о в. Ташаккур. *(Ичадилар.)*

Ҳ а қ қ у л о в. Агар соҳиби хона нархи зарга баробар тансиқ коньягини қизғанмаса яна бир гап айтмоқчиман.

З а м о н о в. Марҳамат!

Ҳ а қ қ у л о в. Илгариги турмушинг менга маълум, дўстим. Чамамда дўзахдан қутулиб жаннатга кирдинг. Раънохон, таклиф бор; шу ажойиб коммунист инженерлар оиласи, унинг бахти учун ичсак!

Р а ъ н о. Қуллуқ, Бозор ака.

Ичадилар, овқат ея бошлайдилар, телефон жиринглайдн, Раъно трубкани олади. Бир неча дақиқа эшитади, ранги оқариб ҳаяжонланади.

З а м о н о в. Ҳа, ким экан?

Р а ъ н о *(трубкани қўяди)*. Кейинги кунларда шунақа бемаза қўнғироқлар кўпайиб қолди. Номаълум бир киши пўписа қилади: кўчиб кетмасаларинг, уйингга ўт қўяман, дейди... Ҳайронман... *(Сервант устидаги конвертни олади, Замоновга беради.)* Сизга хат.

З а м о н о в. Кимдан экан?

Р а ъ н о. Билмадим. Адреси йўқ...

З а м о н о в *(конвертни очади)*. Имвосиз хат... Таажжуб... *(Хатни ичида ўқиб чиқади, ранги оқаради.)* Уф, ғаламуслар тинчимади-тинчимади... *(Ҳаққуловга.)* Ўқиб кўринг-чи, Бозор ака.

Ҳ а қ қ у л о в *(ичида ўқийди)*. Ҳа, қип-қизил бўҳтон. Ўҳў, дўқини қара-я! Агар сен қурилишдан ўз ихтиёринг билан кетмасанг, сирингни фош қилармиш! Роҳатни ҳам билар экан бу ғаламус... Дарвоқе, Роҳат турмушга чиққанми?

З а м о н о в. Билмадим, орадан шунча йил ўтди.

Ҳ а қ қ у л о в. Уғлинг қаёқда?

З а м о н о в. Уғлим институтни тамомлади. Ҳозир шаҳар коммунал газ бошқармасида ишлаяпти. Хат ёздим, балки келиб қолар. Аммо Роҳат ҳамон тинчимапти.

Ҳ а қ қ у л о в. Мушкул савдо... Майли, суриштирамыз. *(Қўлини артиб ёрнидан туради.)* Чиндан ҳам мушкул сав-

до... Менга қара, сен Соқиевни нега ҳадеб ҳимоя қилаве-  
расан? У ишни қасддан барбод қиляпти... Баҳридан ўтиб  
қўя қолмайликми-а?

З а м о н о в. Тажрибали, ташкилотчи ходим.

Ҳ а қ қ у л о в. Ташкилотчи? Ахир ишни сенга қарши  
ташкил қиляпти-ку?

З а м о н о в. Кўрармиз.

Ҳ а қ қ у л о в (*Раънога*). Хафа бўлманг, синглим,  
дунё ўзи шунақа, серташвиш, серғалва. Ишдан кўнглингиз  
совумасин, микрорайон лойиҳасини тезлатинг.

Р а ъ н о. Хўп, Бозор ака.

Ҳ а қ қ у л о в. Қани, дўстлар, сўнги қадаҳ тўлдирил-  
син.

Замонов қуяди, Ҳаққулов қўлга олиб, Раънога мурожаат қилади.

Бун сиз учун, сиз орқали вафоли рафиқаларимиз учун  
ичамиз. Соғ бўлинглар! (*Ичадилар.*)

З а м о н о в. Оббо, яна ёмғир қуя бошлади.

Ҳ а қ қ у л о в. Кетдик.

З а м о н о в билан Ҳ а қ қ у л о в шошиб чиқиб кетадилар. Р а ъ н о  
дераза тавақаларини кенг очиб юборади, чироқлар шуъласида шовил-  
лаб ёғаетган ёмғир кўрнади.

Р а ъ н о (*ёнига келган қизининг елкасини қучади*). Да-  
данг энди тонггача ишлайди, қизим.

С а н ъ а т (*машина фаралари ёритган кўчага тикила-  
ди*). Дадажоним!..

П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ КУРИНИШ

Биринчи кўринишдаги сахна. Мушарраф машинкада ёзиб ўтирибди.

Мушарраф (қулоқ солади). Ҳамма ёқ тарақа-туруқ. Эртага байрам. Бугун беш юз оила янги уйларга кўчиб киради. Биргина менинг оилам йўқ (ўкиниб). Агар оилам бўлса мен ҳам бугун янги уйга кўчиб кирган бўлардим. (Телефон жиринглайди.) Алло? (Мушарраф трубкадаги товушни таниб жим қолади. Трубкани қапти билан беркитади). Яна ўша... (Бир нафас қулоқ солади.) Ким бўлди экан? Овози... овози... йўқ, у эмас, бошқа! (Трубкага.) Илтимос қиламан, мени ўз ҳолимга қўйинг! (Ҳайрон.) «Қўймайман» дейсизми? Нега? «Кўришимиз зарур...» Йўқ, мен сиз билан кўриша олмайман!.. Кимсиз, ахир? Ақалли отингизни айтинг! Йўқ, дедим, йўқ! Бошқа телефон қилманг! «Ҳозир кираман!» дейсизми? Майли, мард бўлсангиз киринг! (Трубкани қўяди.) Тавба... (Беихтиёр ҳаяжонлана бошлайди.) Тагин... ўша бўлса-я.. Овози ўшаники... Умиджон... Кўзлари маъюс, камгап инженер. Наҳотки, ўша? (Беихтиёр кўзига қараб, ўзига оро беради.)

Эшик аста очилиб Умид киради.

(Шошиб кўзгуну яширади. Гўё ҳеч нарса билмаган кишидай, парвосизгина.) Келинг, хизмат?

Умид (Мушаррафга умидвор тикилади). Келдик... Биз, ўша қўнғироқлари билан оромингизни бузган жазманингиз...



Мушарраф (хандон отиб кулади). Вой, сизни қаранг; ишингиз нариги хонада-ю, бу хонага телефон қиласиз нуқул...

Умид. Байрам кечасида, мажлис тугаши билан Бинокорлар майдонига чиқ! Гап бор! Кечикма, жаҳлим ёмон! (Хонадан шитоб билан чиқиб кетади.)

Мушарраф. Бунча қўпол! Нега сенсирайди? Вой, тавба!..

Роҳат (Рустамни қўлидан судраб киради). Юр, дедимми, юр!

Рустам. Уятга қўйяпсиз, ойи! Мен бу ерда нима қиламан?

Роҳат. Дадангдан ҳақингни талаб қиласан.

Рустам. Қанақа ҳақимни?

Роҳат (бақиради). «Қанақа ҳақим» эмиш?! Фарзандлик ҳақингни, меросингни!

Мушарраф. Опа, секинроқ гапиринг. Сизга ким керак?

Роҳат. Замонов! Уктам Замонов! Менинг эрим! Мана бунинг дадаси! Уқтингизми, хонимча!

Мушарраф. Уқтим. Уктам Замонович томда.

Роҳат. Томда?!

Мушарраф. Ҳа, томда. Шаҳар томида. Янги уйларнинг томини ёпишяпти.

Роҳат. Қачон келади?

Мушарраф. Томлар ёпилиб бўлгандан кейин.

Рустам. Ойижон, жаҳлингиздан тўрт анлик тушинг. Дадамда ҳақим қолгани йўқ. Нафақасини бериб бўлган. Уй-жойларини ҳам таг-туғи билан хат қилиб берган.

Роҳат. У сени тарбиялашга мажбур!

Рустам. Вақтида яшилаб тарбиялаган. Йигирма бешга кирдим, ойижон. Энди мен бошқаларни тарбиялашим керак.

Роҳат. Бекор гап! Оталик бурчи умрбод. Даданг айш, ишратда юрсин, сен билан биз бир четда қолиб кетайлик! Йўқ, мен бунга йўл қўймайман!

Мушарраф. Жон опа, сал жаваздан тушинг. Бу ер бозор эмас.

Роҳат. Ҳа, хонимча, сиз ҳам хўжайинингизнинг ёни оласизда-а? Биладан сендақа котибаларни! Эрларимизни йўлдан урадиган олифталар — сенлар!

Рустам. Ойи! Ҳой, ойи! Ойимсиз, тилим боғдиқ..

Роҳат. Бор, бор! Сен бормидинг менга ақл ўргатмаган!

Рустам. Ойи, гап шу: дадамга даъвойим йўқ. Кўргим келса сизсиз ҳам келиб кўравераман. Аммо шармандаликка тоқатим йўқ. Хайр, мен кетдим.

Роҳат. Йўқол! Дадангдан нима фойда кўрдим, сандан нима фойда кўраман! Йўқол, йўқол!

Рустам юзини қўллари билан яширганча чопиб чиқиб кетади.

Мушарраф. Уғлингизни чакки хафа қилдингиз.

Роҳат энсаси қотиб жавоб бермайди. Сумкасидан кўзгу чиқариб, юзига упа суртади, лабини бўйяди. Овозини ўзгартириб таманно билан:

Роҳат. Хонимча, Соқиевни кўрсак бўладими? Салимжон шу ерда бўлсалар керак?

Мушарраф. Салим Соқиевични танийсизми?

Роҳат (қаҳ-қаҳ отиб кулади). Рашкингиз зўр экан-а? Кўрқманг, хонимча, Салимжонни еб қўймайман.

Мушарраф қаттиқ газабланади, ўзини босиш учун ишга берилади. Хонага Соқиев билан Дали киради. Соқиев Роҳатни Мушаррафнинг ёнида кўриб саросимага тушади-ю, бироқ, дарров ўзини ўнглаб олади.

Соқиев. А... Э... Ҳм... келинг?

Роҳат (атайлаб чертиб). Ассалому алайкум! Яхши юрибсизми?

Соқиев. Салом, салом... Яхши... (Мушаррафга.) Бошлиқнинг кабинетига ким бор?

Мушарраф. Ҳеч ким.

Соқиев (Роҳатга). Кириг. (Роҳат бедана юриш қилиб киради. Унинг кетидан эшикни қаттиқ ёпади. Мушаррафга.) Ҳеч ким кирмасин, тушундингизми? (Мушарраф индамайди. Соқиев ичкарига кириб кетади.)

Дали. Хўжайинга тараф йўқ. Раҳбар деган ана шунақа хўроз бўлса! Одамнинг латтасига тоқатим йўқ. (Эшик тирқишидан қулоқ солади.) Қойил, хўжайин жононни шунақа авраяптики! Худойи таоло хотин кишини лақиллашга яратган.

Мушарраф. Вайсаманг!

Дали. Вой-вў, важоҳатингиздан ит ҳуркади-я! Э, яхши ниятлар амалга ошгандан кейин у ёғи нима бўлади?

Мушарраф. Қанақа «яхши ниятлар?»

Д а л и. Мушаррафхон! Умидсиз — шайтон. Мана, икки йилдирки, босган изингизни ўйиб, тупроғини кўзимга суртиб юрибман.

Мушарраф (*ўсмоқчилайди*). Нима, менга уйланмоқчимисиз?

Д а л и. Оҳ, тилингизга новвот! Саволингизни яна бир қайтаринг, қулоғим оғирроқ...

Мушарраф. Одамнинг суюғига тоқатим йўқ!

Д а л и. Янги квартирага ариза бериб қўйганман. Хўп десангиз — олам гулистон.

Мушарраф (*аччиқ*). Битта қиз нечта эрга тегиши мумкин?

Д а л и. Биттага.

Мушарраф. Яшанг! Менинг эрим бор!

Д а л и. А?! Елғон! Елғон-а?

Мушарраф. Бас!

Д а л и. Хўп, хўп...

Мушарраф. Роҳат опани танир экансиз-а?

Д а л и. Ҳа... Э, йўқ...

Мушарраф (*синашта оҳангда*). Йигитмисиз? Нимага иккита гапирасиз?

Д а л и. Хўш, танисам нима бўпти?

Мушарраф. Ҳеч нима... (*Ишга машғул бўлади.*)

Д а л и (*ташвишланиб*). Бу ишнинг орқасидан ишкали чиқмасмикан-а? Ҳой, Мушаррафхон, бир нима десангизчи! Ахир, янги квартирага ариза берганман...

Мушарраф. Бошқа ишларингиз беишқалми?

Д а л и (*ҳушёр тортиб*). Яъни? Масалан?

Мушарраф. Қурилиш материалларидан қанча ўмаргансиз?

Д а л и. Э, нима деяпсиз? Сизни фаришта десам, қипқизил тухматчи экансиз-ку!

Мушарраф. Дали ака! (*Эшик очилишдан хавфсиз раб шивирлаб гапиреди.*) Байрам мажлисидан кейин ҳеч кимга билдирмай Бинокорлар майдонига чиқинг. Уша ерда, маданият саройи эшигида учрашамиз.

Д а л и. Оҳ, тилингиздан!

Мушарраф. Суюлманг! Ҳаёт-мамотингизни ҳал қиладиган гап бор.

Д а л и. Ҳаёт-мамотимни оёғингизга ташлайман!

Мушарраф. Боринг энди!

Д а л и. Хўп, фармонингга жоним тасаддуқ!

Дали кетади. Мушарраф ишга машғул бўлади-ю, кўз-қулоғи кабинет эшигида. Эшик очилади. Анча юмшаган Роҳат ва унинг орқасидан кўлида калит ўйнаб Соқиев чиқиб келадилар.

Соқиев. Мана калит. Баҳор кўчаси, ўн уч.  
Роҳат (калитни олади). Баҳор... Чиройли ном!  
Соқиев. Уғлинг қани?  
Роҳат. У қайсар кетиб қолди.  
Соқиев. Аҳмоқ. (Мушаррафга шубҳаланиб тикилади.) Сиз бу опангизга квартирамни кўрсатиб қўйинг.

Мушарраф индамай ўрнидан туриб хонадан чиқади.

Роҳат. Намунча терс?  
Соқиев. Ишинг бўлмасин. Бунақаларни ўнг қилиб олиш осон.  
Роҳат. Ўша-ўша тулкисиз?  
Соқиев. Мени қўй. Узингни ўйла.  
Роҳат. Иккаламизни ўйласам-чи?  
Соқиев. Уйда масаллиғ бўлса керак, ул-бул қовуриб тур, бораман.  
Роҳат. Сира ўзгармагансиз, ўша Салимжонимсиз!

Мушаррафнинг қораси кўринади.

Соқиев. Тсс!..

Роҳат бош қимирлатиб чиқиб кетади. Соқиев кафтларини иш-қалайди.

Гишт қолипдан кўчди... Ўртоқ Замонов билан замонавий тилда гаплашадиган пайт келди, чамамда!

Мушарраф (киради). Квартирангизни кўрсатиб қўйдим. Энди бу ёғи нима бўлади?

Соқиев. Бу нима деганингиз?

Мушарраф. Уктам Замонович бу сирдан хабар топсалар, нима жавоб қиласиз?

Соқиев. Кўрқадиган жойим йўқ!

Мушарраф. Эшитиб турган қулоқларимга ишонмайман. Мен сизларни ёшлиқдан бирга ўсган қадрдонлар деб юрардим... Токи...

Соқиев (Мушаррафга яқин келиб беҳаё тикилади). Токи?

Мушарраф. ...Токи шу дақиқагача, сизнинг кимлигингизни билиб олгунимча!

Соқиев. Ким эканман?

Мушарраф. Айтишга қўрқаман. Тилим айланмайди.

Соқиев. Уҳў. (Заҳарханда.) Хўш, қандай ҳукм чиқарадилар?

Мушарраф. Ҳозирча, ҳеч қандай... Кўриб турганларим шу қадар чигал нарсаларки, ақлим етмаяпти.

Соқиев (папирос тутатади, хонада у ёқдан-бу ёққа бетоқат юради). Мушаррафхон! Азизам! Сиз ҳали кўп нарсани тушунмайсиз. Ҳаёт сиз ўйлаганча жўн, осон эмас. Мен Замоновни кўпдан бери танисам ҳам бунақа худбинлиги, мансабпарастлигини билмас эканман.

Мушарраф. Қизиқ. Нимаси худбин, нимаси мансабпараст? Кеча-кундуз ишни ўйлайди, бошқалардан ҳам иш талаб қилади. Қурилишимиз муҳим, оғир. Унинг ўрнида бошқа раҳбар ҳам қаттиққўл бўлиши турган гап!

Соқиев. Йўқ, азизам, бу гаплар сиз ўйлагандан мураккаброқ. Замонов мени қасддан таъқиб остига оляпти. Йўқ-йўқ, сўзимни бўлманг, ҳали кўп нарсаларга ақлингиз етмайди, дедим-ку, Келинг, яхши гаплардан гаплашайлик. Мен, Мушаррафхон, омади юришмаган бир бечораман. Машаққатли йўлимда биргина нурли юлдуз кўрдим. У юлдуз — сиз.

Мушарраф. Бас!

Соқиев. Жеркиманг! Ниятим холис, севгим чиқ. Агар кўнглимдаги олов сизга эриш туюлса, келинг, қалли дўст бўлайлик. Мен сизга умр дафтаримни очай. Ана ўшанда, балки, сўзларимга ниҳоят ишонарсиз!

Мушарраф. Фикрингиз калавасини тагин ҳам чиқаллаштириб юбордингиз... Мақсадга кўчайлик.

Соқиев. Офарин!

Мушарраф. Агар тўғри тушунган бўлсам, сиз қишлоқдаги хотинингиз билан ажралишгансиз. Энди менга ўйланмоқчисиз. Шундайми?

Соқиев. Офарин!

Мушарраф. У ҳолда... Роҳат опани нима қиласиз?

Соқиев. Э, бу бошқа масала... Роҳат... Эрдан жабр кўрган муштипар аёл...

Мушарраф. Нега уни чақиртириб келдингиз?

Соқиев. Менми? Йўғ-э!.. У Замоновни йўқлаб келган. Мен бошлиқнинг обрўсини сақлаш учун Роҳатни четга тортиб, ўз уйимдан жой бердим. Ахир, кўчада ётмайди-ку!

Мушарраф. Ақлим етмаяпти. Келинг, қўйинг, ишдан қолмайлик.

Соқиев. Уйлаб кўринг. Муҳаббатимнинг уволига қолманг тагин! (Кетади.)

Мушарраф. Муҳаббат... Бу муқаддас сўзни ҳар ким ҳар хил тушунар экан. Муҳаббат... (Уйга толади.) Умид... Муҳаббат ва Умид... Бу икки сўз эгиз бўлса керак.

Раъно (киради. Қўлида чизма). Мумкинми?

Мушарраф. Келинг, Раъно опа.

Раъно. Уктам Замонович шу ердамилар?

Мушарраф. Қурилишдалар.

Раъно. Лойиҳани кўрсатиб олмоқчи эдим. Маънос кўринасиз?

Мушарраф. Иш кўп.

Раъно. Ҳа, ҳаммамизнинг ҳам ишимиз кўп. (Синашга тикилади.) Бизниқига бормаганингизга яраша, тўйингизга айтишни унутманг!

Мушарраф. Вой, ўлмасам!.. Бу нима деганингиз?

Раъно. Умиджон Уктам Замоновичга ариза опкепти, тезда квартира берасиз деб.

Мушарраф. Қизиқ. Менинг хабарим йўқ.

Раъно. Уктам Замонович келганларида кираман. (Кета туриб.) Тўйингизда хизмат қиламиз. (Кетади.)

Мушарраф. Вой тавба... Мендан ижозатсиз-а... Ҳозир боплайман! (Телефон қилади.) Менга Умид керак эдилар. «Йўқ»... Қаердалар?... «Магазинга мебель олишга кетдилар...» (Трубкини қўяди.) Одам ҳам шунақа шошқалоқ бўладими?

## ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Маданият саройи олдида бинокорлар майдони. Оқшом. Ҳамма тантанали мажлисда. Майдон бўш. Ёмғирдан кейин ҳаво сал очилган. Булутлар орасида тўлин ой сузиб юрибди. Машина келиб тўхтагани шовқинидан билинади. Чарм тужурка кийган Умид майдондан Маданият саройининг ешиги томонга чопиб ўтаётганда уни аллақим чақиради. Умид йўлида тўхтаб аланглайди.

Рустам (Умидга яқин келиб). Салом, ака.

Умид. Салом.

Рустам. Машина сизникими?

Умид. Ҳа.

Рустам. Аэродромга обориб қўяёлмайсизми, самолётга кечикяшман.

Умид (Рустамга бошдан-оёқ рази солиди). Бу ерлик бўлмасангиз керак-а?

Р у с т а м. Аэродромга обориб қўйинг, хурсанд қиламан.  
У м и д. Аэродром узоқ эмас. Қани, аввал танишиб  
қўйайлик. (*Қўл беради.*) Умид — инженер.

Р у с т а м. Рустам — инженер.

У м и д. Уҳў, ҳамкасб чиқиб қолдик. Аммо лекин,  
оғайни, бу шаҳарга инженерлар келадилару, кетмайдилар.  
Сиз бўлсангиз кетяпсиз. (*Эслайди.*) Тўхтанг, тўхтанг, Рус-  
там. ...Сиз Уктам аканинг ўғли Рустамжон эмасмисиз?

Р у с т а м (*ҳайрон*). Ҳа. Сиз қаёқдан биласиз?

У м и д. Уктам ака инженер ўғлим бор, деб кўп гапи-  
радилар. (*Синашта тикилади.*) Дадангизга учрадингизми?

Р у с т а м. Йўқ...

У м и д. Омон бўлинг-э! Келиб-кетганингизни дадангиз  
эшитсалар, нима дейдилар?

Р у с т а м (*соатига қарайди*). Самолёт учишига ярим  
соат қолди.

У м и д. Қизиқ. (*Бошини чайқайди.*) Дадангизга ўх-  
шамабсиз. Менга қаранг, дадангиз кимлигини биласизми  
ўзингиз?

Р у с т а м. Қурилиш бошлиғи.

У м и д. Бугун қурилиш бошлиғи. Эртага — министр  
ёки оддий инженер. Мен буни айтаётганим йўқ. Мен да-  
дангизнинг инсонлигини айтяпман. Мен унинг тантилиги,  
одамлигини айтяпман.

Р у с т а м. Биламан.

У м и д. Билсангиз, нега дадангизни кўрмай кетиб қол-  
япсиз?

Р у с т а м. Бу мушкул масала.

У м и д. Дунёда мушкул масала йўқ, Рустамжон. Маса-  
лани осонлаштирадиганлар ҳам, мушкуллаштирадиганлар  
ҳам — одамларнинг ўзлари. Сизга дўстона маслаҳатим  
шуки, дадангизга учрамасдан кетманг. Юринг, билетин-  
гизни топшириб келамиз. Кейин байрамни бирга ўтқа-  
вамиз.

Р у с т а м. Қандоқ бўларкин...

У м и д. Аъло бўлади, оғайни! (*Рустамнинг қўлидан суд-  
оаб олиб кетади.*)

Маданият саройидан Д а л и чиқиб келади. У шинам кийинган. Сим-  
ёғоч тагида галстугини тузатади. Соатга қарайди.

Д а л и. Чиқармикан-а? Ахир, ўзи тайинлади-ку, чиқа-  
ди! (*Ёнида шарпа сезгандай бир чўчийди. Олазарақ  
ланглайди.*) Шамол экан... Маликаи дилозор келдилар-

ми, депман... Аммо ўзи ҳам кўп сулув нарса-да... Бел деган чинчилоқдай, хумор кўзлар тиниқ шамчилоқдай, юзи кулча, лаблари гунча... Фақат сўзи аччиқ... Ҳақиқат аччиқ бўлади, аммо тагидан ширини чиқади. (Бино эшигида Мушарраф кўринади.) Ана ўзи...

Мушарраф (Далининг олдида келади). Нега мажлис тугамасдан чиқиб кетдингиз?

Дали. Елкамдан ўсиб чиққан қанотлар кўтариб кетди.

Мушарраф. Дали ака, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. Майлими?

Дали. «Майли» бўлганда қандоқ! Сўранг! (Мушаррафга яқин келиб хумор тикилади.)

Мушарраф. Бу жуда жиддий гап. Сизни қурилишга Соқиев опкелган-а?

Дали. Ҳа, биз у киши билан ҳамқишлоқ, қадрдонмиз.

Мушарраф. Э, шунақами? Бўлмаса, у кишининг ҳамма ишларидан хабардор экансиз-да?

Дали. Ҳа, нимайди?

Мушарраф. Қишлоқда Соқиевнинг кимлари бор?

Дали. Хотини. Тўртта қизчаси.

Мушарраф. Хотини билан ажралишганми?

Дали. Йўғ-э, жинни бўптими? Сухсурдай нарса-я, келин ойимиз! Аммо сал соддароқ.

Мушарраф. Шунақа денг?

Дали. Ҳа-да, хўжайин бахти кулган йигитлардан. Кошки... Бизнинг бахтимиз ҳам шунақа очилиб кетса!

Мушарраф. Бу ўзингизга боғлиқ.

Дали (тантқиғланади). Сизга ҳам!.. Бир оғиз сўзингизга, шахло кўзларингизнинг биттагина имосига...

Мушарраф. Мен сизга айтдим, эрим бор, деб.

Дали. Ёлғон! Лақиллатманг!

Мушарраф. Ҳа, эрим бор. Истасангиз, таништириб қўяман... Роҳат опани илгари ҳам танирмидингиз?

Дали. Вой-дод-ей, мен нима ғамда-ю, бу нима ғамда! Қаранг, қанча уйларда чироқлар ёняпти. Шу ёру деразалардан иккитагинасига нозик бармоқларингиз билан парда тутсангизу, эшигининг қўнғироғини ўзим ўрнатсам. А, лаббай?

Мушарраф (энтикади). Ниятингизга етасиз. Фақат... мен билан эмас. Бошқа билан. Шаҳримизда ажойиб қизлар бор, бирини танланг. Мен... сиздан бошқа нарсани сўрамоқчиман. Дали ака, тўғриси айтинг, Соқиев нима ишлар қилиб юрибди?



Д а л и. Нима иш қилса ҳам — у хўжайин!

Мушарраф. Соқиев яхши одамми?

Д а л и. Хўжайин дедим-ку! Биров хўжайинни ёмон деб кўрсин!

Мушарраф. Аввало, Соқиев хўжайин эмас, қури-лиш бошлиғининг таъминот бўйича ўринбосари. Бошлиқ — Замонов. Ҳа, айтгандай, Замоновга нима дейсиз?

Д а л и. У хўжайиннинг салобати зўр.

Мушарраф. Хўжайин деманг!

Д а л и. Хўп, хўп, узр. Замонов айтганини қилдиради. Томларни байрамгача ёпамиз деди, ёпди. Саройни байрамгача очамиз деди, очди. Бироқ хўжайиндан... узр... Соқиевдан хафа.

Мушарраф. Нега?

Д а л и. Хўжайин... Тил қурсин, шунга ўрганиб қолган. «Хўжайин» десам Соқиев эриб, елкамга қоқади-да! Соқиевнинг Замоновнинг ўрнига хўжайин бўлиш режаси ҳам йўқ эмас, чамамда.

Мушарраф. Соқиевнинг ҳамма жиноятлари авра-астари билан очилса, сиз қаёққа қочасиз?

Д а л и. Э... йўғ-е... Бу нима деганингиз?

Мушарраф. Бу деганим шуки, Соқиев ҳамма ишни сизнинг қўлингиз билан қилади. Аммо дўпписи тор келганда ўзини четга олади, балога сиз қоласиз!

Д а л и. Бўлмаган гап!

Мушарраф. Бор гап! Соқиев сизни ногорасига ўйнатиб юрибди.

Д а л и. Мен фақат хўжайиннинг буйруғини бажараман.

Мушарраф. Малай бўлиб! Шундайми?

Д а л и. Войдод-ей! Нима қил дейсиз?

Мушарраф. Мард бўлсангиз, Соқиевнинг жиноятларини фош қилинг.

Д а л и (ачигади). Мени ҳали шунга чақирдингизми?

Мушарраф. Одам гоҳо қоқилиб ахлатга йиқилади. Бу айб. Лекин на чора? Дадил туриб этакни қоқиш, бетқўлни ювиш керак-да, кўзни катта очиб юриш керак. Хайр, мен кетдим.

Д а л и. Тўхтанг! (Мушаррафнинг билагидан ушлайди.) Нима, шу гап учун учрашганмидик?

Мушарраф. Ҳозир бундан муҳим гап йўқ. (Қўлини тортиб олади, бинога чопиб кириб кетади.)

Д а л и. Емон терлатди. Бу қиз ё Азроил, ё фариш-  
танинг ўзгинаси. Хўжайин... Мен қандай қилиб унга қўл  
кўтараман? Йўғ-эй... Уҳ, кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди  
шу топда. Соқиевнинг важоҳатидан ит ҳуркади-я... Йўқ,  
бу иш қўлимдан келмайди.

Д а л и кетади. Бинодан З а м о н о в билан Р а ʼ н о чиқадилар.

Р а ʼ н о. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республика-  
сида хизмат кўрсатган бинокор...» Унвон муборак, жоним.

З а м о н о в. Раҳмат. (Раʼнони қўлтиқлаб майдонга  
тушади.) Бозор ака мени қаттиқ хижолатга қўйди. Энди  
қандай қилиб бош кўтариб юраман — билмайман!

Р а ʼ н о. Нега ундай дейсиз?

З а м о н о в. Ахир, ўзинг ўйлаб қара; мен билан бирга  
шундай унвон олган кишилар — ҳақиқий бинокорлар!  
Улар бетон қоришди, ғишт теришди, том ёпишди, шуво-  
ғини қилишди, нақшини ўйишди, чироғини ёқишди. Мен  
тайёрга айёр. Эҳ, Бозор ака, Бозор ака!

Р а ʼ н о. Унвонни сизга Бозор ака бергани йўқ, пар-  
тия, ҳукумат берди. Эллик ёшга тўлишингиз муносабати  
билан ўттиз йиллик ҳалол меҳнатингиз тақдирланди,  
жоним!

З а м о н о в. Тўғрику-я!.. Коллектив олдида уятга  
қолдим. Кимки, «Бошлиқ унвонни илиб кетди!» деса, ҳақ.

Р а ʼ н о (кулади). Дейишса дейишаверсин! Шахсан  
мен хурсандман. Бошим кўкка етди. Ҳов анави ой-ю юл-  
дузлардан ҳам баландман! Табриклайман!

З а м о н о в (майдон чеккасидаги симёғоч томонга  
тикилиб қолади). Қарагин, кўзинг ўткирроқ. Келаётган  
Рустам эмасми?

Р а ʼ н о. Ҳа, Рустамжон.

З а м о н о в. Мана буни мукофот деса бўлади. Мени  
табрикламоқчи бўлсанг, энди табрикла.

Р у с т а м билан Умид яқин келадилар. З а м о н о в ўзини ўғлига  
отади, бағрига босиб эркалайди.

З а м о н о в. Рустамжон! Уғлим! Қадди-бастингдан  
отагинанг айлансин! Соғ-саломатмисан?

Р у с т а м. Раҳмат, дадажон. Унвон олганингизни ҳо-  
вир йўлда радиодан эшитдим, қутлуғ бўлсин!

З а м о н о в. Қуллуқ, қуллуқ. Мен учун энг баланд  
унвон — сенинг бахтинг, камолинг. Қани, бир қараб тўйя  
сенга! (Уғлига ёш тўла кўзлари билан тикилади.) Офа-

рин! Тушларимга худди шундай кирасан! Офарини.. Хўш,  
хатларимни олдингми?

Рустам. Олдим.

Замонов. Нега жавоб ёзмадинг?

Рустам ерга қараб қолади.

Умид. Ўқтам ака, сизларнинг кўнглингиз бизларда,  
бизларнинг кўнглимиз чиройли қизларда, деган экан ма-  
шойихлар.

Замонов. Оббо, сен, замон машойихи! (*Рустамга.*)  
Қачон келдинг?

Рустам. Эрталаб.

Раъно. Вой, нега эрталабдан бери уйга келмадингиз?

Умид. Мен Рустамжонни самолётдан олиб қолдим.

Раъно. Дадангиз ҳар куни йўлингизни пойлайдилар,  
Рустамжон келади, деб.

Замонов. Эҳ, болалар, болалар! (*Раъно билан Рус-  
тамнинг ўрталарига тушиб қўлтиқлайди.*) Юринглар,  
концерт кўрамиз, кейин уйга бориб бафуржа суҳбатла-  
шамиз.

Рустам. Ойим қаёқда қолди экан-а?

Замонов. Ойинг топилади. У эркин қуш. Қўнган  
шоҳида сайраши билан, қаердалигини ашуласидан билиб  
оламиз.

Умид. Раъно опа, Мушаррафни айтиб юборинг.

Раъно. Хўп.

Улар бинога кириб кетадилар. Умид эшик олдига келиб кутади.  
Мушарраф чиқади.

Мушарраф. Сизми мени чақирган?

Умид. Ҳа, мен. (*Мушаррафнинг билагидан маҳкам  
ушлаб, зинадан майдонга олиб тушади.*) Қани, бундоқ юр,  
сен бетайин билан бир гаплашиб қўяй!

Мушарраф. Қўйворинг! Қўйворинг, дейман! Нима  
ҳаққингиз бор бировнинг қизига зўрлик қилишга?

Умид. Сен шу соатгача бировнинг қизи эдинг. Шу  
соатдан бошлаб менга хотин бўласан.

Мушарраф. Вой ўлмасам! (*Бўш қўли билан юзини  
беркитади.*) Бу нима деганингиз? Мени ҳали яхши бил-  
майсиз-ку?

Умид. Биламан. Жазманларинг кўп. Аммо сен чаш-  
мадай поксан. Сенинг ғийбатингни қилганнинг кекирда-  
гини узиб ташлайман. Севиб қолдим, эси паст. Нонни, гул-  
ми севгандай севиб қолдим. Тушундингми?

Мушарраф (қалт-қалт титрайди). Тушундим...

Умид. Эртага уйингда кут, совчи юбораман.

Мушарраф. Уйим йўқ...

Умид. Ётоқхонангда, демоқчиман. Ҳамхона қизларга айтиб қўй, дастурхон тузашсин. (Пул беради.) Ма, ол, бугун мукофот тегди...

Мушарраф. Керакмас, пулим бор.

Умид. Бўлмаган гап! Маошинг пардозингга ҳам етмайди.

Мушарраф (пулни олиб Умидга илк бор ботиниб қарайди). Телефонда мулойим гапирардингиз, мунча кўрссиз!

Умид (Мушаррафни бағрига қаттиқ босиб ўпади). Бор, концертдан қолма!

Мушарраф. Совчиларингиз кимлар?

Умид. Уктам ака, Раъно опа.

Мушарраф. Вой, ўлмасам!

Умид. Ўлмайсан! Мен ҳам ўлмайман! Яшаймиз. Яшаганда ҳам чин инсонларча яшаймиз! Бор, томошангдан қолма!

Мушарраф. Сиз-чи?

Умид. Мени қўявер!

Мушарраф. Хўп, хўп... (Бинога сармаст ҳолда кираиб кетади.)

Умид (кўкка қулочини кенг ёзиб). Ҳой, ким бор? Эшитинг, юлдузлар! Ҳаёт шу ондан бошланади!..

ПАРДА

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Замонов кабинети. Хонада ҳеч ким йўқ. Қалин қор ёққани дераза орқасидаги чинорнинг оппоқ шохларидан билинади. Телефон узоқ жиринглайди. тинади, яна жиринглайди, яна тинади. Хонага  
З а м о н о в билан Р у с т а м кириб келади.

З а м о н о в. Гап шу, ўғлим.

Р у с т а м. Ишхонамда нима дейишаркин?

З а м о н о в. Менингча, хурсанд бўлишади. Коммунал газ идорасига инженер топила беради. Аммо чўлда қури-лаётган химкомбинатнинг оғир ишига ҳар ким ҳам жон-жон деб кела бермайди.

Р у с т а м. Тўғри.

З а м о н о в. Мен министрликка хат ёзаман. Сени бу ерга кўчиришади.

Р у с т а м. Хўп, дада.

З а м о н о в. Баракалла, ўғлим! Энди ишга келсак, комбинатгача газ қувурлари тортиб келдик. Газлаштириш лойиҳаси ҳам тайёр. Энди қуриш керак. Комбинат директори Акоп Акопович тажрибаси зўр, ўтқир мутахассис. Сен унинг ҳузурига бор.

Р у с т а м. Хўп.

З а м о н о в. Ишинг бароридан келсин, ўғлим!

Р у с т а м кетади. Замонов телефон қилади.

Акоп Акопович? Салом. Сиз қидириб юрган газ инженери ўз оёғи билан келди. Ким дейсизми? Ўғлим Рустам. Аммо менинг ўғлим бўлгани учун сийлаб ўтирманг тагин. Ишни қаттиқ талаб қилинг. Квартира дейсизми? Керак эмас. Мен билан туради. Ҳа, дарвоқе, Челябинск-

дан телеграмма олдим! заказ қилган қувурларимизни ортиб юборишибди. Биринчи цехнинг монтажини тугатдингизми? Яхши. Бўпти, бирор соат ичида борамиз. (Трубкани қўяди.)

Ҳаққулов (ташвишланиб кириб келади). Хайрият, шу ерда экансиз.

Замонов. Тинчликми?

Ҳаққулов. Шаҳар партия комитетига чақиришди.

Замонов. Хўш?

Ҳаққулов. Битта «қулинг ўргилсин» иғвонинг тагига етишни топширишди.

Замонов. Иғво?!

Ҳаққулов. Ҳа, сенинг устингдан имзосиз хат. Хатдаги даъвонинг бебурдлигини ҳам айтишди. Лекин уларнинг фикрида жон бор. Яъни, биз янги, социалистик шаҳар қурапмиз. Бу — дўстлик, қардошлик шаҳри. Ҳар қандай маразларга мутлақо берк бўлиши шарт. Ажойиб фикр!

Замонов. Хўш?

Ҳаққулов (чўнтагидан конверт чиқаради). Мана бу мараз эса, берк дарвозанинг тирқишидан кириб келди. Таажжуб, ўша хат... Мен бу хатни байрам арафасида олдим, иғволигига ишондим, гижимлаб, мана бу ахлат саватига ташладим. Демак, кимдир бу ердан олибди, конвертга солибди-да, шаҳар партия комитетига юборибди. Таажжуб, бу ишни ким қилиши мумкин? (Қўнғироқ тугласини босади, Мушарраф киради.) Қизим, қани, бундай ўтиринг. (Мушарраф Ҳаққуловнинг қаршисига ўтиради.) Сиз ишхонада ҳар куни биздан кейин қоласиз-а?

Мушарраф. Ҳа.

Ҳаққулов. Биз кетгандан кейин нима қиласиз?

Мушарраф. Стол, шкафларнинг қулфини текшираман, ахлат саватлардаги қоғозларни ёқаман, хоналарни қулфлаб, калитларини қоровулга топшираман.

Ҳаққулов. Балли, энди биринчи ноябрни эсланг.

Мушарраф. Биринчи ноябрда аввал сиз, кейин Уктам Замонович, энг кейин Соқиев кетди. Қулфларни текширдим, ташланган қоғозларни ёқдим, хоналарни қулфлаб, калитларни қоровулга топширдим.

Ҳаққулов. Дуруст. Идорага биздан кейин бошқа ҳеч ким киргани йўқми?

Мушарраф. Йўқ.

Ҳаққулов. Бўпти, чиқиб ишингизни қилинг. Ҳа, дарвоқе, Умиджон қалай? Хафа қилмаяптими?

Мушарраф (ерга қарайди). Раҳмат, Бозор ака, отам ўрнида отам бўлдингизлар.

Ҳаққулов. Умиджон пок йигит. Бахтли бўлинглар!

Мушарраф мамнун чиқиб кетади.

Уша машъум хат... Худди сенинг уйингга борган хатга ўхшайди... Бир қўл ёзган чамамда... Ажабо, саватдан ким олди экан-а?..

Замонов (Ҳаққуловнинг конвертга тикилиб қолганини кўриб). Гумонингиз кимдан?

Ҳаққулов. Ё мен... Ё сен... Ё Мушарраф... Ёки, ниҳоят, Соқиев... Соқиев?!

Замонов. Соқиев? Наҳотки?..

Ҳаққулов. Ҳа, Соқиев! Аммо буниси исбот қилиш керак. Қанча вақт кетади, қанча асаб бузилади! Епирай, қачон тугайди, бу мараз, бу игволар! (Бошини чангаллаб ўйлайди.) Соқиев Роҳат билан кўпдан танишми?

Замонов. Бир вақтлар иккови қадрдон эдилар.

Ҳаққулов. Роҳатни йўлдан урган ҳам ўша дегин?

Замонов. Ҳа.

Ҳаққулов. Хўш, Роҳат-ку, ўғлинг билан келган экан, нега суриштирмадинг, нега унинг келиш сабабини билмадинг?

Замонов. Қўйинг шу ташвишни, Бозор ака, ишдан қолмайлик!

Ҳаққулов. Ё соддасан, ё ўзингни гўлликка соляпсан.

Замонов (бўғилади). Нима қил дейсиз? Ун йил бурун ажралишиб кетган хотиним билан яна топишайми?

Ҳаққулов. Сувни лойқалатаётган, ҳаммамизни ишдан қўяётган галамисни топишимиз керак.

Замонов. Роҳат шу ерда, сўрай қолинг, балки айтиб берар.

Ҳаққулов. Таажжуб... Бу Роҳат нега келди экан-а? Ахир, даъволари пуч-ку?

Замонов. Бошим тарс ёрилай деяпти.

Ҳаққулов. Ҳамма гап Соқиевда... Тўғрироғи, Соқиев билан сенинг оранг бузилганлигида. Ана ўзи ҳам келяпти. (Соқиев киради.) Салим Соқиевич, яхши келдингиз, менга экспедиторингиз Дали керак. У ҳозир қаерда?

Соқиев. Билмадим.

Ҳаққулов. Нега билмайсиз?

Соқиев. Мушаррафнинг тўйида маст бўлиб чиқиб кетганича дараги йўқ.

Ҳаққулов. Суриштирмадингизми? Ахир, бутун бир бошли одам... Қасққа йўқолади?

Соқиев. Ешларни айтасиз, Бозор Мажидович, катталарга тушуниб бўлмай қолди...

Ҳаққулов. Гапингиз илмоқли, ўртоқ Соқиев. Нима демоқчисиз?

Соқиев. Бир-биримизга ишонмай қўйдик.

Ҳаққулов. Яъни, ким кимга ишонмай қўйди?

Соқиев. Чунончи, ўртоқ Замонов ва сиз, ўртоқ Ҳаққулов, менга ишонмайсизлар.

Ҳаққулов. Далилларингиз?

Соқиев. Далилларим етарли. Аввало, мен ҳам шу идоранинг раҳбарлариданман. Яхшими, ёмонми — ҳар нечук, икки йилдан бери аравани тортишиб келяпман. Тўғри, иш қўп, жадал. Аммо ҳар қадамда мени туртавериш, ниқтай бериш зарурми?

Замонов. Салим Соқиевич, гапингизга қараганда, сиздан иш талаб қилмаслигимиз керак экан-да?

Соқиев. Нега энди... Бироқ ҳар ким ўз участкасига жавоб бериши даркор.

Замонов. Сиз участкангизга жавоб беряпсизми?

Соқиев (*баланддан келади*). Нима демоқчисиз, ўртоқ Замонов?

Замонов. Демоқчиманки, ҳар ким ўз вазифасини ҳалол бажарсин. Сиз бўлсангиз, ҳар бир ишни пайсалга соляпсиз, тўғрироғи, қурилишга тўғаноқ бўляпсиз.

Соқиев. Исбот қилинг, Замонов!

Замонов. Хўп, исбот қиламан. Май ойида газ қувурлари заказ қилиш учун Челябинскка боришдан бош тортдингиз, ўзим боришга мажбур бўлдим. Июнда министрликда таъминот масалалари бўйича ўтказилган кенгашга боринг, сўзга чиқинг, талабларимизни айтинг, деб топшириқ бердик. Сиз бўлсангиз миқ этмай қайтиб келдингиз. Июлда отпуска олиб, бир ой ўрнига икки ой келдингиз. Сентябрда газ қувурлари кела бошлади. Сиз юкни трассага етказиб бериш ўрнига қишлоғингизга кетиб қолдингиз. Октябрда ёғоч келтириш учун Сибирга боришингиз керак эди. Бордингизми? Йўқ! «Ўзи келади» деб идорадан чиқмадингиз. Ниҳоят, байрам арафасида келган тунукани ташиб беришни ҳам сансалорликка солдингиз.



Хўш, айтинг-чи, кимсиз: таъминот бошлиғими ёки четдан кузатувчи, томошабинми?

Соқиев. Мен ўз ишимга аралашган одамни ёмон кўраман.

Замонов. Ишингизга аралашмаганимизда оқибати нима бўлишини тасаввур эта оласизми?

Ҳаққулов. Салимжон, ҳали сиз ишонч ҳақида гапирдингиз. Дарҳақиқат, ишни сизга ташлаб қўйсак панд ер эдик. Назаримда, қасддан саботаж қиляпсиз.

Соқиев. Елғон! Партбюро мажлисини чақиринг — масалани очиқ гаплашамиз.

Ҳаққулов. Айни муддао! Бир гаплашиб олишимиз керак.

Мушарраф (киради). Бозор ака, сизни телефонда сўрашяпти.

Ҳаққулов (трубкани олади). Эшитаман, ҳа, шу ерда. Хўп, ҳозир борамиз. (Трубкани қўяди, Замоновга.) Сиз билан мени яна шаҳар партия комитетига чақирингиз.

Соқиев. Хўш, мажлис қачон бўлади?

Ҳаққулов (календарни varaқлайди). Келаси ҳафта, душанба, соат бешда.

Соқиев. Жуда соз!

Замонов билан Ҳаққулов кетадилар. Мушарраф уларнинг орқасидан чиқмоқчи бўлади.

Тўхтанг!

Мушарраф. Хизмат?

Соқиев. Хўш, биздан ҳурков кийикдай қочадиган бўп қолдилар. (Унга яқинлашади.) Ия-ҳа... унутибман. Энди эрчалари бор.

Мушарраф. Ҳақорат қилманг!

Соқиев. Сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Мен танги одамман, вафосизлигингизни кечириман. Майли, Умид билан бахтли бўлинг. Аммо сизга уйланмоқчи бўлганимни нега эрингизга айтдингиз?

Мушарраф. Айтдим. Мен ундан ҳеч нарсани яширмайман.

Соқиев. Ҳа-ҳа! (Тутоқади.) Демак, гап-сўз бўлишдан қўрқмайсиз?

Мушарраф. Қўрқмайман!

Соқиев (истеҳзоли). Умид ҳамма гапни билиб уйланибди-да?

Мушарраф. Нима гапни? Мени алдамоқчи бўлгангингизими? Хотинимни қўйганман, деган ёлгон гапингизими? Ҳа, унга ҳаммасини айтдим. У эрим!

Соқиев. Ҳали шунақами?

Мушарраф. Ҳа!

Соқиев. Шуни билиб қўйингки, хонимча, мен Умиддан ҳам қўрқмайман, Замоновдан ҳам! Эшитяпсанми, Замонов ҳам чўт эмас менга. Қўлимда шундай бомба борки, портлатганимда ундан нишон ҳам қолмайди.

Мушарраф. Биладан. Роҳат! (Кетади.)

Соқиев. Балли, менга роҳат, унга азоб.

Роҳат (эшикни қия очади). Мумкинми, хўжайин?

Киради. Ҳайкалдай қотиб қолган Соқиевга:

Ҳа, тасаддуқ, индамай кетиб қопсиз.

Соқиев (ўзига келади. Ушқиради). Нега келдинг? Ким чақирди сени?

Роҳат. Чўчиманг, Салимжоним, йўлда мени ҳеч ким кўргани йўқ.

Соқиев. Эсинг жойидами ўзи? Ё бемаъни ҳаракатларинг билан ишни бузмоқчимисан?

Роҳат. Вой-бў, намунча ҳадик? Каталагингизда ётавериб бўғилиб кетдим.

Соқиев. Сабр қил, дедим-ку!

Роҳат. Сабр ўлсин, охири йўқ. Одам бир-бирини очиқ севиши керак. Сиз эр, мен хотин. Юринг, тасаддуқ, шаҳрингизни бир кўрсатинг.

Соқиев. Кўрсатаман. Вақти келади, кўрсатаман. Ҳозирча дамингни ичингга ют. Кўчада қорангни кўрсатма. Уқдингми?

Роҳат. Уқдим. (Соқиевга хумор тикилади.) Тушликка борасиз-а?

Соқиев. Бораман, бораман. (Пул беради.) Ма, харажатингга. Магазинга киру, уйга бор. Телефонни олма.

Роҳат. Хўп.

Соқиев. Аризани ёзиб қўйдингми?

Роҳат (сумкасида қоғоз чиқаради). Мана.

Соқиев (қоғозни олиб чўнтагига яширади). Уқиб чиқаман, балки тўлдирармиз.

Роҳат. Ҳеч гап қолгани йўқ.

Соқиев. Бўпти, бўпти. Аризангни партбюрога ўзинг топширасан. Уқдинг-а?.. Жўна энди!

Мушарраф, мандан хато ўтган бўлса, кечир. Худо ҳақи, ниятим холис. Сенга заррача ёмонликни раво кўрмайман. Шуни билки, Замонов сиртдан кўрингандай ювош эмас. Хулоса чиқаришга шошилма! Роҳат опанг бўлса, Замонов зулмидан умри хазон бўлган жабрдийда аёл. Ҳаёт шунақа: бировлар кўтарила беради, бошқалар ерга урила беради. Мен кимман? Кунни тунга айланган бир бечора... (*Кўзига ёш олади.*) Майли, қўшганинг билан қўша қари. Майли, мен ошифтани унут. Тақдирнинг шунча зарбаларига чидаган, бунисига ҳам чидарман. Бахтли бўл, гўзалим! (*Хонадан югуриб чиқиб кетади.*)

Мушарраф. Иблис! (*Стол ёнига ўтириб қоғоз-қалам олади.*) Шошмай тур, кирдикорларингни шунақа боплаб ёзиб берайки!

Мушарраф ёзишга машғул бўлиб, Умиднинг кирганини сезмай қолади. Умид унинг орқасида туриб, бошига аста эгилади, ёзилаётган хатни ўқийди. Кейин қоғозни Мушаррафнинг олдидан секин тортиб олади, гижимлайди.

Умид. Жоним, ҳеч нарса ёзманг. Номард ўз ёнига ўзи қовурилсин.

Мушарраф Умидга миннатдор тикилади. Умид унинг бошини силайди.

## ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Иккинчи кўринишдаги сахна. Гира-шира тонг. Хона ўртасидаги чизма столга эгилган Раъно гоҳ ишга машғул бўлади, гоҳ уҳ тортиб, ўй суради.

Раъно. Азонгача алаҳлаб чиқди. Аллақандай дард юрагини тирнайди, азоб беради. Ҳар бир гапини менга очиқ айтадиган одам кечадан бери тунд. Кеч қайтди, узук-юлуқ гапларидан ҳеч нарса тушунмадим. Кўнглим кўрғошиндай хира... (*Чизмага эгилади, иши юришмайди, қаламни отади.*) Наҳотки, ҳаёт йўли шунақа оғир! Бахт юлдузи чақнади деб шодланишинг билан уни булут қоплайди-да, дилинг сиёҳ бўлади... Оппоқ қор кўрпаси остида шаҳар мудрайди. Одамлар ором уйқуда. Фақат мену... анаву уйда жафокаш эрим изтироб чекамиз. (*Эшик тирқишидан қулоқ солади. Девордаги осма соат занг ура бош-*

лайди.) Олти... Олтида турмоқчийди. Уйғотсаммикан?  
Йўқ, яна бир оз дам олсин.

Чизмага машғул бўлади. Хона эшиги очилиб, қоржомада Замонов  
чиқиб келади. Раъно шарпани севиб ҳушёр тортади.

Кийиниб олибсиз?

Замонов. Рустам турмадимиз? Комбинатга боришимиз керак.

Рустам (чиқади). Тайёрман, дада. Нон олиб келайми?

Замонов. Балли, ўғлим.

Рустам чиқиб кетади.

Эрта турворибдиларми, хоним?

Раъно. Узингиз бу кеча кўз юмдингизми?

Замонов. Ҳа...

Раъно. Хайрият. Мен дарров чой қўйиб юбораман.

Замонов. Тўхта! Мен-ку сал-пал мизғиб олдим.

Аmmo сен кўз юмганинг йўқ. Шундайми?

Раъно. Ҳа...

Замонов. Мени кечир. Сени азобга қўйган менинг бўшлигим, раҳмдиллигим. Роҳат шундан фойдаланди. Уртада бола бор. Болада нима гуноҳ? Аммо Роҳатнинг пийри муршиди зўр бўлса керак, қилмаган даъвоси ҳам, солмаган ғавғоси ҳам қолмади. Мен унга қаттиқ гапирма олмадим. Болам ҳурмати, кўндим, айтганини қилдирди, у шаллақи. Биргина юпанчим, қувончим сен!

Раъно. Сиз ҳам менинг таянчим!

Замонов. Рустамнинг келгани яхши бўлди.

Раъно. Уйимиз тўлди. Санъатни айтмайсиэми, аксининг бошида парвона.

Замонов. Балли!

Раъно. Кеча нохуш келдингиз?

Замонов. Қариганимда бошимга шунча маломат ёғилади деб ўйламаган эдим.

Раъно. Яна ўшами?

Замонов. Ким бўларди — ўша!

Раъно. Роҳат?

Замонов. Ҳа.

Раъно. У ёлғизмикан?

Замонов. Ҳамма гап ана шунда.

Раъно. Гумонимни айттайми?

З а м о н о в. Хўш?

Р а ъ н о. Соқиев.

З а м о н о в. Сен ҳам шундай деб ўйлайсанми?

Р а ъ н о. Роҳатни бу шаҳарда бошқа ҳеч ким танимайди-ку?

З а м о н о в. Мушарраф кеча менга қизиқ гап айтди. Роҳат Соқиевнинг квартирасида турганмиш.

Р а ъ н о. Ана, айтмадимми?

З а м о н о в. Кеча шаҳар партия комитетида яна шу масала кўрилди.

Р а ъ н о. Ҳали ҳам даъвоси тугамаптими?

З а м о н о в. Яна ўша эски гап: мен уни асоссиз ташлаб кетибман; нафақани ярим-ёрти берибман; боламини тарбияламабман.

Р а ъ н о. Ҳаммаси бўҳтон-ку!

З а м о н о в. Бўҳтонликка бўҳтонку-я, лекин шаллақининг мажлисда ўкириб йиғлаши баъзи бировларнинг бошини қотирди.

Р а ъ н о (даҳшатга тушиб қалтирайди). Кейин нима бўлди?

З а м о н о в. Бозор ака, Мустақим ота ва Мушаррафдан иборат комиссия тузилди.

Р а ъ н о. Ҳаммасига сабаб мен ўлгур... (Кўзига ёш олади.) Сизни яхши кўриб қолмаганимда бошингизга шунча ташвишлар тушмасди!

З а м о н о в. Ундай эмас, Раъно! Сен таянчим бўлмасанг, ташвишлар юки аллақачон қаддимни букиб қўйган бўларди. Бас, ҳасрат дафтарини ёпайлик.

Р а ъ н о ошхонага кириб кетади. Замонов чизма столини бурчакка, овқат столини ўртага суради. Ётоғидан Санъат чиқиб келади.

С а н ъ а т. Ассалому алайкум, дадажон!

З а м о н о в. Ваалайкум ассалом, қизим! Эрта турибсан?

С а н ъ а т. Дарсим кўп.

З а м о н о в. Дарров ювинвол, нонушта қиламиз!

С а н ъ а т ваннахонага кириб кетади, Замонов дастурхон ёзади. Р у с т а м нон кўтариб келади.

Р у с т а м. Дада, кеча кечгача қувурларни кутдик, олиб келишмади.

З а м о н о в. Наҳотки? Бугун албатта юбортираман.

Раъно товада қўймоқ, чойгумда чой кўтариб киради.  
Ваннахонадан Санъат чиқади. Ҳаммалари ўтириб нонушта  
қиладилар.

З а м о н о в (*Санъатга*). Қизим, акангнинг касбини биласанми?

С а н ъ а т (*Рустамга фахрланиб тикилади*). Инженер!

З а м о н о в. Қанақа инженер?

С а н ъ а т. Оловкор!

З а м о н о в. Балли! Сен ким бўлмоқчисан?

С а н ъ а т. Архитектор!

З а м о н о в. Жуда сози! Биз ҳали бу чўлда кўпгина янги шаҳарлар, заводлар қураимиз. Сен ҳам, қизим, худди аянг каби, муҳташам биноларнинг лойиҳаларини чизиб берасан.

С а н ъ а т. Албатта!

Р у с т а м. Дада, мен тайёр.

З а м о н о в. Кетдик.

С а н ъ а т. Дада, мен ҳам мактабгача бирга бораман.

Р у с т а м, С а н ъ а т қўл ушлашиб чиқиб кетадилар. З а м о н о в.  
Раънони бағрига босиб эркалайди.

З а м о н о в. Бир бор экан, бир йўқ экан, бир фаришта бор экан. У парини бир мўйсафид жонидан севар экан...

Р а ъ н о (*кўз ёш аралаш жилмаяди*). Яхши бориб келинг.

З а м о н о в кетади. Раъно радиони қўяди, «Сенсан севарим...» ашулasi сарин таралади. Раъно бир нафас тўхтаб узун тин олади, ўйга толади. Эшик аста очилиб, хонага Р о ҳ а т кирганини сезмай қолади.

Р о ҳ а т. Мумкинми?

Р а ъ н о (*Роҳатни аллақерда кўргандай синчков тикилади, кейин эслайди, бирдан сесканади, ҳушёр тортади*). Рухсатни кирмасдан аввал сўраш керак.

Р о ҳ а т. Ҳали шунақа денг? Ажаб бўпти. Кирсам ўз ғримнинг уйига кирдим!

Р а ъ н о. Хизмат?

Р о ҳ а т. Аввал бир пиёла чой беринг, тасаддуқ, нонушта қилганим йўқ. (*Раъно чой узатади.*) Намунча қўлингиз қалтирайди? Қўрқманг, одамхўр эмасман.

Р а ъ н о. Хизмат?

Р о ҳ а т (*атайлаб шошмасдан қанд тишлайди, чой ҳўп-*

лайди). Аввал таом, баъдаз калом. (Сумкасидан ойнак чиқариб пардозини келтиради, уйни бамайлихотир кўздан кечиради.) Жуда битиб кетгансиз десам, квартирангиз куп-қуруқ. Нима бало, Замонов тагин янгисини топиб ўшаққа ташмалаяптими?

Раъно (радиони ўчириб, Роҳатнинг тепасига келади). Хизмат?!

Роҳат (Раънога бошдан-оёқ разм солади). Жир ҳам битмапти. Уша саксовул-саксовул.

Раъно. Хизмат?!

Роҳат (пальтосини ечиб диванга ташлайди). Чайнов борми?

Раъно. Йўқ.

Роҳат. Эримнинг топганини бир ўзинг ютавурма, тешиб чиқади! Опке!

Раъно. Гапингиз бўлса айтинг, ишга кечикяпман.

Роҳат. Бор! Боравер! Мен ўзим топиб қовуриб ейман.

Диванга ўтириб чордона қуради. Раъно тоқатсизланади, телефонга яқин боради.

Тегма! Эрим билан ўзим гаплашаман. (Дивандан тушиб, Раънонинг олдига келади). Ҳу, жувонмарг! Шарманда! Уялмадингми, бировнинг эрини тортиб олгани?! Ҳу, чиройли кўзларинг ситилиб оққур!

Раъно. Андишанинг оти қўрқоқ, деб шаллақилик қилаверманг!

Роҳат. Андиша эмиш?! Андиша борми сенда? Андишанг бўлса, эримнинг қўйнига кирармидинг?

Раъно. Бас! Бас дейман! Нима қилсам қутуламан?!

Роҳат. Ҳа, қўрқмас экансан-а! Қўрқасан, тилинг қисик, алвасти!

Раъно. Худо хайрингизни берсин, секинроқ гапиринг.

Роҳат. Ҳа-а, қўшнилари эшитиб қолишади, шунақами? Эшитсин! Кимлигини билиб қўйишсин! Гап шу: Замоновга айт, иссиғида жўнаб қолсин. Сен ҳам даф бўл! Қурилишга Соқиев бошлиқ бўлади, уқтингми?

Раъно (истеҳзоли). Уқдим... Гап бу ёқда экан-да...

Роҳат. Ҳа!.. Тезроқ жўнаб қолларинг!

Раъно (ўзини босиб олади). Ҳув ўша... (Роҳатга синашта тикилади.) ...Соқиевмиди?

Роҳат (тутоқиб). Ҳа! Ҳа! Ҳа! Чидайсанларми?!

Раъно (чехраси ёришади). Қўрққан олдин мушт кўтарар, бўпти-да?

Роҳат. Нима, нима? (Сирни бой бериб қўйганини тушунади. Талвасага тушади.) Нима дединг?!

Раъно (эшикни ланг очади). Қани, жўнаб қолинг!

Роҳат (ҳайрон). Вой-вў, осмондан келади-я!

Раъно (ўзини босиб). Мен эмас, сиз осмондан келяпсиз, Роҳатбону. Соқиевнинг пуч ваъдаларини ўзингизга қанот деб билсангиз керак. Соқиев сизни астойдил севса, хув... ўшанда беш кун айшини суриб этагини қоқиб кетмаган бўларди. Кейин сиздан ўн йил хабар олмади. Шундайми? Мундоқ танангизга ўйлаб кўрмадингизми, ўн йилдан кейин Соқиевга тагин нега керак бўлиб қолдим, деб? Сиз унинг қўлида ўйинсиз, Роҳатбону.

Роҳат. Вайсама!

Раъно. Чиндан ҳам эсингиз паст экан. Жўнанг!

Роҳат. Эримга даъвом бор.

Диванга ўтирмоқчи бўлади. Раъно унинг қўлидан тортиб эшикка судрайди.

Раъно. Даъвойингиз бўлса, идорасига боринг.

Роҳат. Уғлим қани?

Раъно. Ишда. Йўқолинг!

Роҳат. Итарма! (Жазаваси тутади.) Шармандангни чиқармасдан кетмайман! (Додлайди.) Дод! Войдод! Ким бор? Қутқаринглар алвастидан! Войдод!

Мустақим (ҳовлиқиб киради). Нима гап?!

Раъно диванга беҳол ўтириб қолади. Роҳат ўзини унинг устига ташлайди. Мустақим ота Роҳатни тортиб стулга ўтқазади.

Уят, кап-катта хотинлар!

Раъно юзини қўллари билан яширади, пиқ-пиқ йиғлайди. Роҳатга.

Бу ерга нега келдинг?

Роҳат (ғўлдирайди). Эримникига...

Раъно. Отажон, бундан ўн йил аввал Замоновга хиёнат қилиб, Соқиев билан кетиб қолган, ҳам аёллик, ҳам оналик номига иснод келтириб юрган — шу!

Мустақим. А! Ростми?

Роҳат (сурбетларча). Оппоқ соқолингиз билан катталарга сотилгани уялмайсизми?

Мустақим (ҳайрон. Соқолини силайди). Оппоқ со-



қолим... Уҳу... Шу ёшга кириб соқолимга тош оттирмовдим ҳайтовур... Қани, меҳмон, идорага борайлик, дафтарни ўша ерда очадилар. Ҳар қалай, бизни комиссия қилиб сайлашган...

Мустақим ота Роҳатни олдига солиб чиқиб кетади.

Роҳат (чиқа туриб). Ҳу, яшшамагур!

Раъно (анча маҳал беҳол ўтиради. Кейин туриб трубкани олади). Алло, коммутаторми? Химкомбинатни уланг! (Кутади.) Химкомбинатми? Синглим, Уктам Замонович ўша яқиндамилар? «Трассада»... Трасса узоқми? «Юз метр». Чақириб келинг. Ҳа, муҳим иш. (Радиони қўяди. Мақом куйи сарин таралади.) Алло. Шовқин эшитилапти. Чўл шамоли гувиллайди... Алло? Трубкада ҳам муҳаббатдай азалий дардли оҳанг... Алло? Уктам Замонович, сизмисиз? Ҳорманг, жоним! Нима гап, дейсизми, эшитинг:

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир мўйсафид бор экан,  
Бир фаришта уни кутиб доим интизор экан...

Трубкани аста қўяди.

## ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Биринчи кўринишдаги саҳна. Мушаррафнинг стулларни теришидан, столларга қоғоз-қаламлар қўйишидан мажлисга тайёргарлик кўраётгани билинади. Радиодан тантанали куй, кейин шовқин, чапаклар садоси келади.

У м и д (ҳовлиқиб киради). Юрмайсаним, митинг бошланяпти.

Мушарраф. Ишим кўп. Радиода эшитаман.

У м и д. Ишинг шу қадар кўпки, мен ҳам сояда қолиб кетяпман.

Мушарраф. Қуёш сояда қолиши мумкинми?

У м и д. Бу нима деганинг?

Мушарраф. Бу деганим шуки, сиз қаерда бўлсангиз ҳам кўраман, оловингизда исинаман.

У м и д. Онанг сени гапга туққан. Мен кетдим.

У м и д. Югурганича чиқиб кетади. Мушарраф радиого қулоқ солади. Мустақим отанинг овози эшитилади.

Мустақим. Уртоқлар! Фарзандларим! Бугун комбинатимизнинг биринчи навбати ишга тушяпти. Эсимда: ҳов анави ерда битта қудуқ бор эди. Чор атроф янтоқзор

чўл... Энди қаранг: обод шаҳар, уйлар, мактаблар, Ильич  
чироқлари...

Қарсақлар, музика садолари янграйди. Хонага Д а л и кўрқа-писа  
киради.

Д а л и. Чақирган экансиз...

Муш а р р а ф. Ҳа, юринг, муҳим гап бор.

Улар кабинетга кириб кетадилар. Роҳат киради. Аланглайди. Ра-  
диони эшитади, З а м о н о в н и н г овозини танийди, эзилади, ҳая-  
жонланади. Д а л и билан Муш а р р а ф кабинетдан чиқади.

Д а л и. Ёрдамингизга ишонсам бўладими?

Муш а р р а ф. Бу ўзингизга боғлиқ.

Д а л и. Тўғри... Ҳаммасига иқрор бўлсам, ишда қолди-  
ришармикан?

Муш а р р а ф. Билмадим...

Дали Роҳатни кўриб, қоқила-суқила чиқиб кетади.

Роҳат. Мени ким чақирди?

Муш а р р а ф. Мен.

Роҳат. Қабулхонадаги...

Муш а р р а ф. Ҳа, идора мудираси. Комиссия авзоси.

Роҳат (бўшашиб). Нега чақирдингиз?

Муш а р р а ф. Аёл киши, аёл киши билан тезроқ тил  
топишади, деб сиз билан суҳбатлашишни менга топши-  
ришди.

Роҳат. Даъволаримнинг ҳаммаси аризамда битилган.

Муш а р р а ф. Бошқа гапингиз йўқми?

Роҳат. Йўқ!

Муш а р р а ф. Кутиб туринг, чақирамиз.

Роҳат намойишкорона чиқиб кетади.

Раъно (киради). Мушаррафхон, чақирган экансиз,  
митинг тугар-тугамас чопдим.

Муш а р р а ф. Келинг, опажон! (Унга ҳурмат билан  
жой кўрсатади, ўзи Раънонинг қаршисига ўтиради.)  
Узингиз билган гап. Бирор нимани қўшимча қила ола-  
сизми?

Раъно. Ҳа. Роҳат уйимга борди.

Муш а р р а ф. Уста бувадан эшитдим.

Раъно. Мен-ку майли-я... Уктам Замоновичга қийин бўлди. Сир бой бермайди-ю, кўриниб турибди, сочининг қолгани ҳам шу кунларда оқарди. Раҳмим келади.

Мушарраф. Ҳа, қийин бўлди... Балки, сизни мажлисга чақиришар.

Раъно. Идорада бўламан! (Кетади.)

Ҳаққулов (киради, Мушаррафга папка беради). Мана бунини кун тартибидаги масалага қўш! Қишлоғининг йўли шунақа батқоқ эканки, мотоцикл мени эмас, мен мотоциклни судраб бордим. Митингга ҳам кечикдим! Қалай, чақирилган одамлар билан суҳбат қилволдингми?

Мушарраф. Ҳа.

Ҳаққулов. Имзосиз хат ҳақидаги тахминимиз тўғри чиқдимми?

Мушарраф. Ҳа...

Ҳаққулов (сватига қарайди). Ўнгирма минутдан кейин бюро мажлиси. (Кабинетга кириб кетади.)

Мушарраф қорозларини тартибга сола бошлайди. Замонов, Соқиев, Уста Мустақим, Умид ва партбюронинг бошқа аъзолари бирин-кетин кириб келадилар. Ичкари хонадан Ҳаққулов чиқиб, Мушарраф тайёрлаган раислик жойига ўтиради.

Ҳаққулов. Салим Соқиевич, сўз сизга.

Соқиев. Одам мард бўлиши керак. Раҳбар ўзини ўзи танқид қила билмаса иш расво бўлади. Мен, ўртоқ бюро аъзолари, гапимни ўзимни ўзим танқид қилишдан бошламоқчиман. Бинобарин, комиссия аҳволин текширди, фактларни аниқлади, ҳамма нарса, барибир, очилади. Яхшиси, мен ўз даъвойимни айтишдан аввал ўз камчиликларимни фош қилай, чунки мен коммунистман, раҳбарман! (Ясама ҳаяжонланиб, стакандан сув ютади.) Ҳа, дўстлар, қадрдонлар! Иқрор бўлмай иложим йўқ. Мендан хато ўтган. У вақтлар анча ёш эдим, Роҳат ҳам сужурдай, кўзлари сузук жувон эди. На қилай, шайтон йўлдан урди... Йўқ, йўқ! Мен Роҳатни айбламоқчи эмасман! Айб фақат менда! Қилмишим учун жазо тортдим. У ёшлик шўхлиги менга аччиқ сабоқ бўлди. Худо ҳаққи, сизлар ҳам мени кечиринглар!.. Аммо мен бошқа бир жиноят, яъни Замонов қилган жиноят ҳақида гапирмоқчиман...

Мустақим. Замонов қилган жиноят?! Очиқроқ гапиринг!

Соқиев. Хўп, дипломатияни йиғиштирамиз. Модомики, бизга қарши уриш очилди, биз ҳам, ақалли мудофаага

ўтишимиз, кези келганда эса, атака қилишимиз зарур. Гап шундаки, дўстларим, маккор Замонов шу кунларда сизларни обдан чалғитди ва ўз фойдасига қарор чиқаришга ҳам мойил қилиб қўйди. Аслида эса, унинг менга ҳужум қилиш орқали ўз жиноятини ёпиб кетишдан бошқа мақсади йўқ.

Мустақим (мажлис аҳлининг ҳайронлигини кўриб). Ҳой, барака топкур, очиқроқ гапирсанг-чи!

Соқиев (ясама изтиробда). Хўп, отахон, хўп... (Замоновга.) Замонов, сиз Раъно билан танишганингизда Роҳат ҳали никоҳингизда эди ва бинобарин, Раънонинг ҳам қонуний эри бор эди, шундайми?

Замонов (таажжубда). Ҳа... Хўш, нима бўпти?

Соқиев. Сиз ўз хотинингизни қўйдингиз... Майли... Бу масала сизнинг виждонингизга ҳавола қилинади. Хўш, айтинг-чи, нега Раънонинг турмушини буздингиз? Тўғри, унинг эри бир оз ичар эди... Хўш, сиз, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини тотиб пишган инсон, раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган коммунист, ўзини олижаноб, инсонпарвар қилиб кўрсатувчи Замонов, хўш, нечун, ёш Раъно ва унинг ёш эрини тарбиялашга, бошини қовуштиришга, оиласини мустаҳкамлашга ёрдам бермадингиз-да, аксинча, бир бечора йигитдан унинг ёш, гўзал хотинини тортиб олдингиз? Қани виждон? Қани инсоф? Қани коммунистик ахлоқ! Жавоб беринг, Замонов!

Замонов (босиқ). Хўп, жавоб бераман. Раънонинг ҳам, эрининг ҳам турмуш, ахлоқи, юриш-туриши институтимизнинг беш юз кишилик коллективга кундай равшан эди. Раънонинг одобсиз маст эрдан калтак еб юзкўзи кўкариб келмаган куни кам бўларди. Эри эса, давлат пулини ўғирлар, жиноят устига жиноят қилар, қамоқдан чиқмас, натижада Раънонинг уйи зулмат, ҳаёти дўзах эди...

Соқиев (аччиқ). Сиз уни жаннатга олиб кирдингиз, шундайми?

Замонов. Буни Раънодан сўранглар!

Соқиев (баланддан келади). Ана, ўртоқ бюро аъзолари, менга ҳужум қилаётган Замоновнинг маънавий қиёфаси!

Мушарраф. Ўртоқлар, Замонов камтарлик қиляпти. Мен Замоновнинг Раънога қилган насихатларидан, берган ёрдамларидан хабардорман. Соқиевнинг «Замонов Раънонинг уйини бузди», деган даъвоси пуч.

Соқиев. Сабаб?

Мушарраф. Сабабки, сиз тухмат қиялпсиз.  
Соқиев. Ана холос!  
Ҳаққулов (Соқиевга). Утиринг.

Соқиев виқор билан ўтиради.

(Мушаррафга.) Гувоҳларни чақиринг!

Мушарраф Роҳат ва Далини бошлаб киради. Улар ўтирадилар.

Уртоқ Соқиевнинг аризасига биноан қурилиш бошлиғи ўртоқ Замоновнинг оилавий аҳволини текшириш учун комиссия тузилган эди. Комиссия аъзолари — Мустақим ота, Мушарраф ва мен — бир ҳафта давомида аҳвол билан танишиб чиқдик. Мен комиссия раиси бўлганим учун, аввал менинг ахборотимни эшитишингизни, кейин муҳокама қилишингизни сўрайман. Бюро аъзолари нима дейдилар.

Мустақим. Ҳақ гап.

Умид. Жуда тўғри.

Соқиев. Таклиф бор: Аввал Роҳатнинг аризаси ўқиб эшиттирилсин.

Ҳаққулов. Нима дейсизлар?

Мушарраф. Роҳат опа ўзлари шу ердалар. Гапларини ўз оғизларидан эшитсак!

Ҳаққулов (Роҳатга). Розимисиз?

Роҳат. Ҳа.

Ҳаққулов (Соқиевга). Сиз-чи?

Соқиев. Ҳа... Энди...

Ҳаққулов. Бошқа таклифлар йўқми? (Пешанасини артади. Кўзойнагини тақади.) Гувоҳларни эшитишдан аввал баъзи фактларни айтиб ўтишни лозим деб билламан. Замонов уруш арафасида Роҳатга уйланган. (Роҳатга.) Шундайми, синглим?

Роҳат. Ҳа.

Ҳаққулов. Замонов урушнинг бошидан охиригача фронтда сапёр бўлиб хизмат қилган. Урушдан қайтиб келгач, бир йилдан кейин ўғил кўрган. (Роҳатга.) Шундайми, синглим?

Роҳат. Ҳа...

Ҳаққулов. Аммо бундан ўн йил бурун Роҳат эрини ҳам, боласини ҳам ташлаб, кетиб қолган. (Роҳатга.) Шундайми, синглим?

Соқиев. Тўхтанг! Мен қаршиман! Бу нима: партия мажлиси, суд терговими?

Ҳаққулов (*стула суяланича кўзларини юмиб, кутади. Энтикади*). Бюро аъзолари ахборотимни эшитишни хоҳлайдиларми?

Мустақим. Давом этинг.

Умид. Аввал эшитайлик, кейин муҳокама қиламиз.

Ҳаққулов. Овозга қўяман.

Соқиев. Ҳожати йўқ...

Ҳаққулов. Роҳат... Соқиев билан кетиб қолгач...

Соқиев (*ўрнидан туриб кетади*). Бўхтон!

Ҳаққулов (*Роҳатга*). Сиз нима дейсиз, синглим?

Роҳат (*бир Ҳаққуловга, бир Соқиевга қарайди, иккиланади, бироқ Ҳаққуловнинг қоғоз титаётганини кўриб бўшашади*). Тўғри...

Соқиев. Ёлғон!

Роҳат. Ёлғон! «Сени севаман, сенга уйланаман, болангни тарбиялайман», деганларингиз ёлғонми?

Соқиев. Унақа демаганман!

Роҳат. Мени кечагина шаҳардан чақириб келганингиз ҳам ёлғонми? Бир вақтлар берган ваъдаларингиз устидан чиқасиз, деб умид билан келдим, Салимжон!

Соқиев. Қанақа ваъда?.. Ё, тавба-ей, қуруқ тухматга қолдим шекилли?

Роҳат (*ҳайрон*). Қуруқ тухмат?! Демак, мени яна лақиллатибсиз-да?

Соқиев. Ёлғон!.. Ҳеч қанақа ваъда берганим йўқ... Бўхтон!.. Мажлисдан ҳайданглар бу алвастини!..

Ҳаққулов. Соқиев! Тартибни бузманг! Тоқат қилиб эшитинг, ҳар қанча гапингиз бўлса кейин гапирасиз.

Соқиев (*тулкилик қилади*). Кечирасиз, асаб...

Ҳаққулов. Роҳат бир неча ойдан кейин уйига қайтиб келади. Лекин уни эри кечирмайди. Хотин шундан кейин бир неча йил давомида эри билан судлашади, ўринсиз даъволар қилиб уни ишдан қўяди, ниҳоят, ажралишга мажбур бўлади! Замонов эса, нафақа тўлайди, ҳовлисини таг-туғи билан хат қилиб беради ва ўғлининг тарбиясини ҳам ўз қўлига олиб, унга олий маълумот беради. (*Роҳатга*.) Шундайми, синглим?

Роҳат. Ҳа...

Ҳаққулов. Эри-хотин бир-бири билан ажралишгандан буён ўн йил ўтди. Бу вақт ичида Замонов бева жувон

Раънога уйланди, унинг қизини ўз номига қиз қилиб олди. Бундан икки йил мақаддам Замонов Лойиҳа институтидан бизнинг қурилишимизга ишга юборилди. Шу кунларда унинг ўғли Рустам ҳам келиб, отаси билан бирга турибди, комбинат қурилишида ишлаяпти. (Роҳатга.) Шундайми, синглим?

Роҳат. Ҳа...

Ҳаққулов. Бу — масаланинг бир томони бўлиб, анча ойдинлашди. Аммо масаланинг иккинчи томони комиссияни анча бош қотиришга мажбур қилди. Шундай савол туғилди: хўш, нима сабабдан Соқиев Замонов устидан хатлар, аризалар ташкил қилди?

Соқиев. Мен эмас!

Замонов. Роҳатга бир саволим бор.

Ҳаққулов. Хўш?

Замонов. Роҳат... Болаимиз ҳурмати, айтинг, имзосиз аризани сиз ёзгансиз-а?.. Ахир, сизнинг дастхатингиз, хўш, ким сизга маслаҳат берган? Далими?

Роҳат (ноилож). Ҳа...

Замонов. Раҳмат...

Соқиев. О, илон! (Уридан туриб кетади, талвасаланади.)

Мустақим. Ҳой, болангдан айланай, ўзингни ҳурмат қилмасанг ҳам, бу ерда ўтирганларни ҳурмат қилсангчи! Одам ҳам шунақа жиблажибон бўладими!

Ҳаққулов. Ҳа, дарвоқе, биринчи дардисар қоғоз шу имзосиз хат. Мен буни олибоқ гижимлаб ахлат савати-га ташлаганман. Саватдан Соқиев олган...

Соқиев. Тагин туҳмат!

Ҳаққулов (Далига). Боя, Мушаррафга айтган гапигизни такрорланг.

Дали. Ҳа, хўжайин буюрганлар, мен Роҳатга ёздирганман.

Соқиев. Ё, раббий! (Бошини чангаллаб ўтириб қолади.)

Ҳаққулов (Далига). Сиз бу хатни иккинчи марта... шаҳар партия комитетига элтиб бергансиз. Шундайми?

Дали. Хўжайин буюрганлар.

Ҳаққулов (Далига). Сизга яна бир савол... (Конверт кўрсатади.) Мана бу иккинчи имзосиз хатни ҳам Замоновнинг адресига почтадан сиз юборгансиз-а?

Дали. Хўжайин буюрганлар.

Соқиев. (Далига). Нонкўр! Сотқин!

Ҳаққулов. Замоновнинг уйига телефон қилиб турган ҳам сиз-а?

Дали. Хўжайин ёнимда сўзма-сўз айтиб турганлар.

Соқиев. Мен-а? Ёлғон гапиришга қандай тилини айланяпти, муттаҳам!

Дали. Э, хўжайин-ей, менинг қўлим билан гугурт чақиб, нега энди оловдан қочасиз?!

Соқиев (бошини чангаллайди). Ё раббий, ё раббий!...

Ҳаққулов. Энди, Роҳатнинг аризасига келайлик. (Роҳатга.) Синглим, сизнинг аризангиз...

Роҳат (жаҳл билан). Қайтиб оламан!

Ҳаққулов (аризани Роҳатга беради). Балли! (Соқиевга.) Мен бугун қишлоғингизга бордим. Бинойидай хотинингиз, қумридай тўртта қизингиз бор экан. Сизни жуда соғинишибди, Салимбой!

Соқиев инграйди.

Далини юбориб, бечора келинга ёздирган справкангиз... Хотинингиз номидан мана бу справка... Хўйнаҳой, шу қоғоз билан ўзингизни оқламоқчи бўлгансиз. Мана, опқўйинг, вафоли эр!

Соқиев. Кесатманг!

Мустақим. Секретаримиз гапнинг сирасини айтди!

Ҳаққулов. Яна ўша савол келиб чиқади: хўш, нима сабабдан Соқиев ўзини ишга олган, доим қўллаб келган Замонов устидан хатлар, аризалар ташкил қилди? Нега шунча одамни ишдан қолдирди? Комиссиянинг бу саволга жавоби битта: Соқиев мансабпараст, майшатпараст, эгри қўл шахс. У ҳеч нарсадан тап тортмайди. У қурилишга бошлиқ бўлиш учун ҳалол коммунист, софдил раҳбар Замоновнинг бошига шунча маломат ёғдирди. Эгри қўл, дедим. Қишлоқда шунақа қаср қурибдики, кўриб оғзингиз очилди. Мана, усталарнинг акти. Бунда қурилишдан қанча гишт, ёғоч, тахта, тунука ва бошқа материаллар олиб борилгани кўрсатилган. Прокуратура текшириши керак: буларнинг қанчаси пулга сотиб олингану қанчаси ўғирлик. Бунинг устига Соқиев фитначи, туҳматчи ҳам. Ана, ўртоқлар, масаланинг иккинчи, мушкул томони. Хўш, бизнинг давримизда — жамият аъзолари ўртасида дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, меҳр-муҳаббат қарор топган улуғ замонда Соқиевнинг ўз қора нияти, шахсий ғарази йўлида



шунча кирдикорига нечун йўл қўйиб берилди? Бир кишининг кўзини парда олиши, икки киши алданиши мумкин. Ахир, биз катта оиламиз, бақувват коллективмиз-ку! Нечун йўл қўйиб бердик?! Ахборотимнинг охирида ана шу саволга жавоб бермоқчиман. Биз Соқиевга ортиқча ишониб юбордик. У бўлса, ишончимизни сунистеъмо қилди. Соқиевнинг расволиги орқасида коллективимизда юз берган кўнгилсизликлар бизга аччиқ сабоқ бўлиши керак. (Юрагини чангаллаб беҳол ўтиради.) Уста бува, илтимос, бюро аъзоси сифатида, мажлисининг давомини сиз олиб борсангиз.

М у с т а қ и м (гувоҳларга). Сизларга жавоб. (Роҳат, Дали чиқиб кетадилар.) Кимда қандай таклиф бор?

Ҳ а қ қ у л о в. Менда таклиф бор. Партия Уставига қарши хатти-ҳаракатлари, яъни; ўзига топширилган вазифани қастдан барбод қилганлиги, тухматчилиги, маиший бузилганлиги учун, партбюро, Салим Соқиевни КПСС сафидан ўчиришни ва бу масалани қурилиш бошқармаси коммунистларининг умумий йиғилишида муҳокама қилишни таклиф этади. Айни вақтда партбюро Соқиевни, ишни эплаёлмагани учун вазифасидан бўшатишни лозим топади.

У м и д. Менда ҳам таклиф бор.

М у с т а қ и м. Марҳамат.

У м и д. Замоновнинг Соқиевни қўллаб-қувватлаши, Соқиевнинг ишни барбод қилганига шу вақтгача бефарқ қараб келганлиги бизни таажжублантиради. Мен бунни олижаноблик деб айта олмайман. Бу, принципсизлик. Шу сабабдан ҳам мен партбюродан Замоновни қаттиқ огоҳлантиришни сўрайман.

М у с т а қ и м. Овозга қўяман. Кимда ким Ҳаққулов ва Умиднинг таклифларига қўшилса, қўл кўтарсин.

Ҳамма қўл кўтаради.

Ҳаққоний қарор яқдиллик билан қабул қилинди. Бўпти, яхшилар, мажлис тамом.

Бюро аъзолари бирин-кетин чиқиб кетадилар. Замонов, Ҳаққулов ичкари хонага кирадилар. Мушарраф ишга машғул бўлади. Соқиев креслода чўкиб ўтирганча ўтириб қолади.

У м и д (Соқиевнинг тепасига келади). Қани, зўр, юрэнди, чеккароққа чиқиб икки оғиз мириқиб гаплашайлик.

Соқиев. Жўна! Сен бормидинг энди менга ёпишмаган!

Умид (Соқиевнинг ёқасидан тортиб турғизади). Юр!

Мушарраф (Ўртага тушади). Қўйинг, Умид ака. Шундай ҳам бўлари бўлди.

Умид (Мушаррафга). Тўғри айтасан. Рақибинг айтишсанг айтишадиган, муштлашсанг муштлашадиган бўлса! Бу нима, бир замбил тезак!

Соқиев. Ҳақорат қилма! (Жазаваси тутади.) Биласанми, мен кимман. Мен Соқиевман! Гўрдан тирик чиқаман! Ҳаммангни ноғорамга ўйнатаман! Ҳали учрашамиз! (Югуриб чиқиб кетади.)

Умид. Уҳў, баланд-ку!

Ичкари хонадан Замонов билан Ҳаққулов чиқадилар.

Замонов. Умид, эртага эрталаб келинг. Соқиевдан ишни қабул қилиб оласиз.

Умид (бир Замоновга, бир Мушаррафга қарайди). Йўғ-э... Қандай бўларкин? Эплармиканман?

Замонов. Эплейсиз.

Умид (ҳаяжонда... Мушаррафга қарайди). Лаббай? (Мушарраф унга тасдиқ ишорасини беради.) Ишончингиз учун раҳмат, Ўктам Замонович.

Замонов. Қоронғи тушди. Энди сизларга жавоб. Мен бир оз ишлайман.

Ҳаққулов, Умид, Мушарраф кетадилар. Замонов девордаги қарта, схемалар олдига боради, қалам билан белгилар қўя бошлайди. Телефон жиринглайди. Замонов аввал эътибор бермайди, қўнғироқ тўхтамагандан кейин трубкани олади.

Замонов. Ҳа, мен, раҳмат, жоним. Ҳаммаси жойида... Кечроқ бораман. Маданият саройида янги фильм дейсанми? Нима экан? «Муҳаббат тантанаси» (Уйга чўмади.) Муҳаббат тантанаси... номи яхши экан. Модомики, муҳаббат тантана қилар экан, албатта борамиз! (Трубкани қўяди.)

ПАРДА

1970 йил

# ТАРЖИМАЛАР





**Вильям Шекспир**

**ЎН ИККИНЧИ КЕЧА  
ЁКИ  
ТУРФА ҲАНГОМАЛАР**

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Орсино. Иллирия герцоги.  
Себастьян. Виоланинг акаси.  
Антонио. Кема капитани, Себастьяннинг дўсти.  
Кема капитани. Виоланинг дўсти.  
Валентин. } Герцогнинг аъёнлари.  
Курио. }  
Сэр Тоби Белч. Оливиянинг амакиси.  
Сэр Эндрю Эгьючик.  
Мальволио. Оливиянинг эшик оғаси.  
Фабиан. } Оливиянинг хизматкорлари.  
Қизиқчи Фесте. }  
Оливия.  
Виола.  
Мария. Оливиянинг жорияси.

Аъёнлар, кашш, денгизчилар, миршаблар, созанда-  
далар, хизматкорлар.

Воқеа Иллириянинг шаҳарларидан бирида ва унга яқин денгиз соҳи-  
лида бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ САХНА

Герцог саройи.

Герцог, Курियो ва бошқа аъёнлар кирадилар. Бир томонда  
созандалар.

Герцог

Музика севгининг озиги эмиш,  
Чалинг, кўнгил гўзал оҳангга тўйсин.  
Муштоқлик ўтида ёнган, чанқаган  
Орзулар тинглашдан толиб, мудрасин.  
Рухимни алалаб, тамом маст қилган  
Боя чалганингиз куйни такрорланг!  
У куй, бинафшазор сокин бағрида  
Енгил эсиб ўтган насим сингари  
Дилимга сингдирди хушбўй атрини.  
Бас қилинг! Аввалги кайфи энди йўқ.  
Оҳ, ишқ маъбудаси, сен эркин ва соз!  
Уммонсан, ҳар нарса қаърингга кетар  
Ва лекин сен ютган нарса қимматда  
Гавҳар бўлса ҳамки, маҳв бўлиб зумда,  
Вазини, қадрини йўқотар дарҳол!  
Севги орзуларга тўлиқдир мудом,  
Аслида севгининг ўзи орзудир.

Курियो

Овга борасизми, тақсир?

Герцог

Қандай ов?

## К у р и о

Кийик ови.

## Г е р ц о г

Балли! Кўпдандир дилим  
Энг гўзал оҳуни тутмоқ истайди.  
Илк бор кўрганымда Оливияни,  
Хатто ҳавонинг ҳам ғубори битиб,  
Ярқ этиб очилди олам кўзимга.  
Бир онда кийикка айланиб қолдим,  
Орзулар қопогон итларга ўхшаб,  
Мени таъқиб этар ўшандан бери.

В а л е н т и н киради.

Ҳа, келдингми? Қандай жавоб келтирдинг?

## В а л е н т и н

Афв этинг, тақсирим. Киритмадилар.  
Мен графиняни кўра олмадим.  
Ҳузурига кириб чиққан жория  
Дедики, етти йил ўтмасдан аввал  
Хаттоки осмон ҳам у маликанинг  
Юзини пардасиз кўролмас эмиш.  
Узлатга чекилган эмиш тамоман.  
Қарори шу эмиш: ҳужрасини  
Қайноқ ёшлар билан ювармиш тун-кун.  
Шундай қилиш билан ўз акасининг  
Руҳини шод этиб, хотирасини  
Умрбод сақлармиш ғамгин қалбида.

## Г е р ц о г

О, агар у кўнгил ҳатто акага  
Шундай муҳаббатли, вафодор бўлса,  
Орзу гирдобида ҳақиқий ишқнинг  
Олтин камон ўқи бориб тушган он,  
Юз чандон, минг чандон ортиқ севади!  
Унинг қалби, ақли, хуллас ундаги  
Шу икки камолот — битта ҳокимнинг  
Ҳукмига абадий тобе бўлажак!



Юринглар, чаманга, ўрмон ям-яшил,  
Ишқдан нақл айтамин, ёзилади дил.

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Денгиз соҳили. Виола, капитан ва денгизчилар кирадилар.

Виола

Дўстларим, айтинг-чи, бу қандай диёр?

Капитан

Бу ер — Иллирия, гўзал синьора.

Виола

Мен Иллирияда нима қиламан?  
Акам дарбадардир Элизияда!  
Балки, фарқ бўлмаган, омон қолгандир?  
Нима деб ўйлайсиз?

Капитан

Бўлиши мумкин,  
Омон қолдингиз-ку, мана, ўзингиз.

Виола

Бечора акам! О, кошкийди у ҳам  
Фалокатдан мендек қутулган бўлса!

Капитан

Қутулган, синьора, хотиржам бўлинг  
Сизга кўрганимни сўзлаб берайин:  
Кемамиз қояга урилган дамда  
Сиз хавфу хатардан қочиб, қайиқда  
Мана бу йигитлар билан кетдингиз,  
Ушанда кўрганман мард акангизни,  
Даҳшатлар ичида шошиб қолмади,  
Ишга солиб ўткир ақлини шоввоз,

Ўзини мачтага дадил боғлади,  
Жасорат ва умид унга берди дарс.  
Наҳанг миниб олган Арион каби,  
Пўртаналар билан дўстлашиб мағрур  
Қулоч отганини ҳайратда кўрдим.

В и о л а

Хушxabаринг учун буни ол. Чиндан  
Ўзим қутулганим учун қалбимда  
Акамга ҳам умид уйғонди. Сенинг  
Сўзларинг бу чўғни олов олдирди.  
Ҳа, у омон қолган бўлиши мумкин!  
Сен бу ерни яхши биласанми?

К а п и т а н

Ҳа,  
Худди беш қўлимдай. Мен шу яқинда  
Туғилиб, ўсганман.

В и о л а

Хукмдори ким?

К а п и т а н

Асли насаби ҳам, қалби ҳам улуғ,  
Олижаноб герцог.

В и о л а

Исми шарифи?

К а п и т а н

Орсино.

В и о л а

Орсино? Едимда. Отам  
Тез-тез ёслар эди шу номни. У вақт  
Герцог уйланмаган эди шекилли.

## Капитан

У бўйдоқ, ёинки яқиндагина  
Бўйдоқ эди. Менинг Иллириядан  
Кетганимга бир ой бўлди: ўшанда  
Миш-миш тарқалмишди,— биласиз, авом  
Улуғ зот шахсларни қилади гийбат,—  
Агар ўша миш-миш рост бўлса, герцог  
Совчи қўйган эмиш Оливияга.

## Виола

У қиз ким?

## Капитан

Граффинг қизи, ҳуснда,  
Ақлда ягона. Бир йил муқаддам  
Граф вафот этди, ёлғиз қизини  
Уғлининг қўлига топшириб кетди,  
Аммо тезда вафот этди ўғил ҳам.  
Севган графиня эркак зотидан  
Юзини бутунлай ўгириб олди.

## Виола

Эҳ, режам пишгунча жинс, унвонимни  
Одамлардан пинҳон сақлаб қолсаму,  
Хизмат қилсам эди графиняга!

## Капитан

Бу жуда ҳам мушкул. У ҳеч кимсани,  
Ҳатто герцогнинг ҳам одамларини  
Яқин йўлатмайди.

## Виола

Капитан, сенинг  
Қиёфанг бамаъни, сўзларинг маъқул.  
Гарчанд табиатга ишониш қийин.  
Кўпинча сип-силлиқ қиёфанинг ҳам  
Тубида чиркин бир нарса ётади,  
Лекин мен астойдил сенга ишондим,  
Сенинг олижаноб қиёфанг билан

Гўзал қалбинг уйғун экани аниқ,  
Сендан илтимосим шуки, ҳеч кимга  
Менинг кимлигимни айта кўрма ва  
Режамни амалга оширишга мос  
Дурустроқ либос топ. Мақсадим битта —  
Герцогга хизматкор бўлиб ёлланаш.  
Сен мени герцогга, бичилган бир қул,  
Ҳарам оғаси, деб таништир. Хуллас,  
Бўз бола деб ата. Мукофотинг нақд,  
Сендан аямайман саҳоватимни!  
Герцогга шуни ҳам айтгилки, хоҳ соз,  
Хоҳ ашула, хоҳ иш, хоҳ ширин суҳбат —  
Ҳаммаси қўлимдан келади. Мақта.  
Етмиш ҳунар бари менга чўт эмас, —  
Фақат мақсадимдан сўз очмасанг бас.

### Капитан

Демак, сиз — бўз бола, мен — соқов малай,  
Сирни сақлолмасам, майли, кўр бўлай!

### Виола

Жуда соз! Гап битта, олдинга бошла!

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Оливиянинг уйи.

Сэр Тоби. Акасининг вафоти орқасида ҳадеб бош оғритавериш жиянимнинг жонига тегмаганига доғман! Мең сенга айтсам, ташвиш — умрнинг эгови.

Мария. Худо ҳаққи, сэр Тоби, сиз мана шунақа бе-маҳалда аллақасқларда юришингизни ташласангиз бўларди. Сизнинг жиянингиз, менинг бекам кечалари йўқолиб кетишларингиздан қаттиқ озор тортяптилар.

Сэр Тоби. Озор тортса тортар, ишқилиб, озор уни тортмасин.

Мария. Ҳар қалай, юриш-туришингизни янгилаб олсангиз чакки бўлмасди.

Сэр Тоби. Янгилаб олсангиз? Ҳеч нарсамни янгиламайман! Уст-бошим шундай ҳам янги. Бу кўйлақда, мана бу этикда бемалол ичса бўлаверади. Агар бу этик юрмаса, қулоғидан осиб қўяман.

Мария. Ичкилик ичиш, саёқ юриш яхшиликка олиб келмайди. Куни кеча бекам шундай дедилар. Ундан кейин, тунов куни кечқурун бир тентакни, куёв қиламан, деб судраб келганингиздан ҳам жуда ранжидилар.

Сэр Тоби. Кимни айтяпсан? Эндрю Эгьючикни эмасми?

Мария. Худди ўшани.

Сэр Тоби. Иллирияда унга ўхшаган азаматлар кам топилади.

Мария. Хўш, нима бўпти?

Сэр Тоби. У бир йилда нақд уч минг дукат даромад олади-я!

Мария. Дукатлари бир йилга ҳам етмаса керак: қипқизил аҳмоқ, ўлгудай исрофгар.

Сэр Тоби. Уял шундай дейишга! У виоль-де-гамба чалади, бир неча тилни сувдек билади, шариллатиб гапирди, табиатнинг нозик ерлари унга тагин аллақанча фазилатлар ато қилган.

Мария. Сабил қолсин унинг фазилатлари! Фақат тентак бўлса ҳам бир гўр эди, ўлгудай уришқоқ ҳам. Агар у жазаваси тутган кезларда ўзини совутиш фазилатига эга бўлмаса, доноларнинг фикрича, унга аллақачон гўр вафо қиларди.

Сэр Тоби. Мана шу муштумим ҳаққи, онт ичаман, кимки уни шундай деса, унинг ўзи ёлғончи ва муттахам! Ким шундай деди?

Мария. Шундай деганлар шуни ҳам айтишдики, у ҳар куни кечқурун сиз билан ғирт маст бўлгунча ичармиш.

Сэр Тоби. Тўғри, ичамиз, жиянимнинг саломатлигига ичамиз. Токи Иллирияда май қуриб, томоғимнинг тешиги битиб қолмагунча, мен жиянимнинг саломатлигига ичганим-ичган. Кимнингки, мияси пирпиракдай чирпирак бўлиб кетмагунча жиянимнинг шарафига ичмас экан, мен уни қўрқоқ ва аблаҳ дейман. Жим, дўндиқча. *Castilia po vulqo!*<sup>1</sup> Сэр Эндрю Эгьючик қадам ранжида қилдилар.

<sup>1</sup> Испанча: «жонли кастна тилида».

Сэр Эндрю. Сэр Тоби Белч! Соғмисан, сэр Тоби Белч?

Сэр Тоби. Дўстгинам, сэр Эндрю!

Сэр Эндрю. Худо ёр бўлсин, бағри тош гўзал!

Мария. Сизга ҳам, тақсир.

Сэр Тоби. Суйкал, сэр Эндрю, суйкал.

Сэр Эндрю. Ким бу?

Сэр Тоби. Жиянимнинг жорияси.

Сэр Эндрю. Марҳаматли Суйкал хоним, мен сен билан яқиндан танишишни истайман.

Мария. Менинг исмим Мария, тақсир.

Сэр Эндрю. Марҳаматли Мария Суйкал!

Сэр Тоби. Сен мени чалкаш тушундинг, оғайни. Суйкал, деганим — унга бўш келма, яқинроқ бор, гапга сол, ёпиш деганим. Дадил бўл, суйкал!

Сэр Эндрю. Виждоним ҳаққи, қасамёд қиламанки, бунақа шаройтда мен бунга журъат этолмайман. Демак, «суйкал»нинг маъноси бу ёқда экан-да!

Мария. Яхши қолинглар, жаноблар.

Сэр Тоби. Агар уни шундай қўйиб юборсанг, қиличнингга иснод келтирган бўласан, сэр Эндрю!

Сэр Эндрю. Агар сен шундай кетаверсанг, мен қиличимга иснод келтирган бўламан! Хўш, нозанин, сен, аҳмоқ қўлимга тушди, деб ўйлаяпсанми?

Мария. Йўқ, тақсир, сиз менинг қўлимга тушганингиз йўқ.

Сэр Эндрю. Аммо тушаман, ма, қўлимни ол.

Мария. Албатта, тақсир, ҳар ким кўнглига келганини ўйлайверади. Сиз қўлингизни ертўлада ҳўллаб чиқсангиз ёмон бўлмасди.

Сэр Эндрю. Нега энди, жонгинам? Сен айтган ташбеҳнинг маъноси нима?

Мария. Маъноси шуки, тақсир, қўлингиз қуриб қолибди.

Сэр Эндрю. Ажаб бўпти! Мен лақма эмасманки, қўлимни ҳўллаб юрсам. Аммо ҳазилинг қалтис.

Мария. Қалтис бўлса ҳам, тақсир, беозор.

Сэр Эндрю. Қани энди сендан бир озор кўрсам!

Мария. Йўқ, тақсир, дилингиз совуқ: буни мен бармоқларингизни санаб айта оламан.

Сэр Эндрю. Қани, санаб кўр!

Мария. Санадим. Дилингиз бўм-бўш экан! (Кетади.)

Сэр Тоби. О, баҳодир, сен бир стакан канар шаробидан отиб олишинг керак! Ҳеч вақт сени шунақа чалиб кетишганмиди?

Сэр Эндрю. Ҳеч қачон! Мени канар шаробидан бошқа ҳеч нарса йиқитолмаган. Шунақа пайтларда: наҳотки, менинг ақлим оддий кишиларнинг ақлидан ўткирроқ бўлмаса, деб ўйлаб кетаман. Ҳамма гап сўқим гўштида. Ақлимни ўмаслаштираётган ўша.

Сэр Тоби. Мана бу сара гап.

Сэр Эндрю. Агар шу гап тўғри бўлса, сўқим гўшtidан воз кечардим. Эртага уйимга кетаман, сэр Тоби.

Сэр Тоби. Rouguoi,<sup>1</sup> илтифотли баҳодир?

Сэр Эндрю. «Rouguoi» — нима деганингиз: кет деганингизми, қол деганингизми? Афсуски, қиличбозлик, рақсу айиқ овига кетган вақтимни тил ўргатишга сарф қилмаганман.

Сэр Тоби. О, агар шундай қилсанг, бошингни росмана соч қоплаган бўларди!

Сэр Эндрю. Наҳотки, санъат сочимни ундира олса?

Сэр Тоби. Ҳеч шубҳасиз. Кўриб турибсан-ку, сочинг сира жингалак бўлай демайди.

Сэр Эндрю. Ҳар қалай, сочим ўзимга ярашиб турибди, ё шундай эмасми?

Сэр Тоби. Ажойиб! Чархга ўралган зигир толадай осилиб турибди. Умид қиламанки, бир кунмас-бир кун бирорта хотин бошингни бути орасига қисиб, йигириб қолади.

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, сэр Тоби, мен эртага уйимга жўнайман. Жиянинг ҳеч кўриниш берай демайди. Агар кўриниш берганда ҳам, унга ёқишим даргумон. Бунинг устига герцогнинг ўзи ишқибоз бўлиб юрибди.

Сэр Тоби. Герцогни кўрарга кўзи йўқ. Сабабки, жияним унвони, ёши, ақли ўзидан катта одамга тегишни истамайди. Бу ҳақда онт ичганини ўз қулоғим билан эшитганман. Бошингни кўтар, оғайни! Умидингни узма.

Сэр Эндрю. Ундай бўлса тагин бир ойга қоламан. Ғалати феълим бор: маскарадлар билан байрамларга ниҳоятда ўчман.

Сэр Тоби. Наҳотки шунақа бачканаликлар қилсанг?

Сэр Эндрю. Мени нима деб ўйлаяпсан? Илирия-

<sup>1</sup> Французча: «Нега?»

даги мартабаси ўзимдан баланд бўлмаган бирон кимсдан қолишадиган жойим йўқ, бироқ ўзимни чолларга тенглаштирмайман.

Сэр Тоби. Қойил, баҳодир. Хўш, гальярдга<sup>1</sup> қалайсан?

Сэр Эндрю. Эҳа, такадек шаталоқ отаман.

Сэр Тоби. Менга таканинг шаталоғидан кўра эти маъқулроқ.

Сэр Эндрю. Орқага ташлашда бўлса, бу борада Иллирияда мендан ўзадигани бўлмаса керак.

Сэр Тоби. Шунча ҳунарни яшириб юрган экансанда? Шунча санъатга парда тортиб қўйибман дегин? Улар бирорта соҳибжамолнинг суратимидики, чанг босиб ётса? Нега энди черковга гальярдга муқом қилиб бориб, куранмага<sup>2</sup> муқом қилиб қайтмайсан? Мен сен бўлсам юрган йўлимда жигага<sup>3</sup> шох ташлаб, ҳожатхонага ҳам нуқул контрданс<sup>4</sup> қилиб борардим. Нега бундай қилдинг? Бу дунёда шунча ҳунарни яшириб юрганингни қара-я! Сенинг хушбичим оёқларингга қараб, гальярд юлдузи остида туғилгансан, деб айта оламан.

Сэр Эндрю. Рост, оёқларим бақувват, айниқса, олов ранг пайпоқда чакки кўринмайди. Хўш, базмни бошлаймизми?

Сэр Тоби. Бошқа нима ҳам ишимиз бор? Гов юлдузлари остида туғилмаганмизми ахир!

Сэр Эндрю. Гов? Биқину, жигар деган маънодами?

Сэр Тоби. Йўқ, тақсир, сону, оёқ деган маънода. Қани бир ирғишла-чи: бошла! Баландроқ! Э-ҳе, жойида, қойил!

Кетадилар.

## ТУРТИНЧИ САҲНА

Герцог саройи. Валентин билан йигит кийимида Виола кйриб келадилар.

Валентин. Агар герцог сизга бундан буён ҳам шу тариқа илтифот кўрсатадиган бўлса, Цезарио, омадингиз келгани: таниганига уч кун бўлмай, сизни яқин кўриб қолди.

1 8 8 4 Қадимги рақсларнинг номи.



Виола. Герцог илтифотининг доимийлигига шубҳа қилмаганингизда, унинг беқарорлигидан, менинг ношудалигимдан хавотир олмаган бўлардингиз.

Валентин. Асло ундай эмас.

Герцог Куриво ва аъёнлар кирдилар.

Виола

Ташаккур. Герцог ҳам келиб қолдилар.

Герцог

Айтинглар, ким кўрди Цезариони?

Виола

Лаббай, мен бундаман, шонли ҳукмдор.

Герцог

Четроқда кутинглар.—

Цезарио, сен

Энди ҳамма гапдан хабардор бўлдинг,

Қалбим китобини варақлаб сенга

Сиру асроримни тамоман очдим.

Энди у бағри тош ҳузурига бор,

Рад этса, бўш келма, эшикка ёпиш.

Сенинг товонларинг остонасига

Томир отганини такрорла, хуллас,

Қайтиб келма уни бир бор кўрмасдан..

Виола

Ҳукмдор, одамлар гапида жон бор,

Унинг ғам-андуҳи чиндан беҳисоб.

Қабул қилмаслиги мумкин.

Герцог

Қаттиқ бўл,

Одоб сақлайман, деб ағрайиб турма,

Шовқин сол, дўқ ҳам ур — мақсадга эриш.

## В и о л а

Хукмдор, чунончи, олдигә кирдим,  
Нимадан гапирай?

## Г е р ц о г

О, кошки эди!  
Бағрим яшқ ўтида ёнганини айт,  
Вафонинг қули, деб ҳайратда қолдир .  
Сенга мушкул эмас дардим изҳори:  
Унинг тоқати йўқ қари элчига.  
Жон-жон деб тинглайди сенинг нақлингни.

## В и о л а

Ишонгим келмайди.

## Г е р ц о г

Ишон, азизим,  
Сени эркак деган одам — ёшингга  
Тухмат қилган бўлиб чиқади. Чиндан  
Лабларинг Диана лабларидан ҳам  
Нозикроқ, нафисроқ, товушинг эса,  
Қизнинг товушидай ширин, мусиқий,  
Қизни эслатади бутун борлигинг.  
Аминманки, сенинг элчилигингга  
Юлдузинг ярашиб, кулиб турибди.—  
Сизлардан тўрт киши ҳамроҳ бўлинглар.  
Истасангиз, майли, ҳаммангиз боринг.  
Атрофимда одам қанча оз бўлса,  
Мен шунча эркинроқ нафас оламан.—  
Агар адо этсанг бурчингни, худди  
Ўз ҳукмдорингдай озод яйрайсан.  
Бирга кайф сурамиз.

## В и о л а

### Графиняни

Мафтун қилажакман, тақсир, ишонинг.  
(Ўзича.)

Оҳ, дардим ичимда, азоб чекаман!  
Орзум битта: унга ўзим тегаман!

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ САҲНА

О л и в и я н и н г у й и . М а р и я б и л а н қ и з и қ ч и к и р а д и л а р .

М а р и я . Хўш, қаёқларда санғиб юрибсан? Агар айтмасанг, сен учун қилча ҳам кечирим сўраб бермайман. Рухсатсиз кетиб қолганинг учун бекам сени осишга фармон беради.

Қ и з и қ ч и . Майли, осдираверсинлар! Кимки бу дунёда яхши осилган бўлса, у дунёда қўрқмайди.

М а р и я . Нима сабабдан?

Қ и з и қ ч и . Шу сабабданки, ўлим — ҳақ.

М а р и я . Сийқа жавоб! «Ўлим — ҳақ» деган гапни ким айтганини биласанми?

Қ и з и қ ч и . Ким айтган, нозанин?

М а р и я . Дадил одамлар айтишган. Сен аҳмоқона гапларнигина дадил айтаверасан.

Қ и з и қ ч и . Ё раббий, доноликни доноларга бер, аҳмоқлар аҳмоқликларини ижарага қўйиб ҳам кун кўраверадилар.

М а р и я . Билиб қўйки, шунча вақт рухсатсиз санғиб юрганинг учун сени ё дорга осадилар, ё ҳайдаб юборадилар. Еки дорга осилишдан қўрқмайсанми?

Қ и з и қ ч и . Яхши дор, баъзан ёмон хотинга уйланишдан қутқариб қолади. Ҳайдашларига келсак, ёзнинг куни кунимни кўриб кетарман.

М а р и я . Демак, сенга камарбаста керак эмасми?

Қ и з и қ ч и . Камарим ҳали ҳам илиниб турибди.

М а р и я . Узилиб кетса, чолворинг тушиб кетади.

Қ и з и қ ч и . Қойил! Бопладинг! Олавер! Агар сэр Тоби ичишни ташласа сен бутун Иллирияда Момо Ҳавонинг энг зўр қитмир қизларидан бўласан.

М а р и я . Жим, муттаҳам! Тилингни тий! Бекам келяптилар, оёқларига йиқилиб, кечирим сўра. (Кетади.)

Қ и з и қ ч и . Эй, закки ақлим, мадад бер, қизиқчиликни бир болай. Аскияга устаман дегувчи ақлли кишилар кўпинча аҳмоқ бўлиб қолаверадилар; мен ўзимни, аскияга нўноқман деб юраману, баъзан доно ўрнига ўтиб қоламан, сабабки Квинапал: «Ақлли аҳмоқ ақлсиз донодан афзалроқ» деган.

О л и в и я б и л а н М а л ь в о л н о к и р а д и л а р .

Худо ёр бўлсин, бекам!

О л и в и я . Аҳмоқни чиқариб юборинг.

Қизиқчи. Эшитяпсизми? Графиняни чиқариб юборинг.

Оливия. Йўқол, аҳмоқ.

Қизиқчи. Маликам, яхши май ва яхши маслаҳат иккита камчиликни тузата олади. Қуруқ аҳмоққа май берсангиз, у ҳўл бўлиб қолади. Агар ёмон одамга яхши маслаҳат берсангиз, у яхши бўлиб қолади. Агар тузалмаса, тикувчи унга ямоқ солиши керак. Чунки эски нарсаларнинг давоси — ямоқ. Яхшилик айб қилса унга гуноҳни ямоқ қиладилар, тузалган гуноҳкорга яхшиликни ямоқ қиладилар. Агар шу қиёсим ёқса ёқди, ёқмаса — начора? Бахтсизлик ҳамиша иснод бўлганидек, гўзаллик — мисоли гул. Графиня, аҳмоқ чиқариб юборилсин, дедилар ва мен такрор айтаманки, графиня чиқариб юборилсин.

Оливия. Мен сени чиқариб юборилсин, дедим, афандим.

Қизиқчи. Бу зўр хато, хоним: Cucullus non facit mopachum\* яъни, қалпоғим бачкана бўлгани билан ақлимга асар қилмайди. Марҳаматли малика, ижозат беринг, сизнинг аҳмоқлигингизни исбот этай.

Оливия. Бу иш қўлингдан келармикан?

Қизиқчи. Келганда қандоқ, маликам!

Оливия. Исбот қил.

Қизиқчи. Бунинг учун аввал сизни сўроққа тутишимга тўғри келади, маликам. Жавоб беринг, беозор сичқон бекам!

Оливия. Бўпти. Кўнгил очишга бошқа эрмак бўлмагани сабабли исботларингни эшитсам эшитай.

Қизиқчи. Марҳаматли малика, қайғунг сабаби нима?

Оливия. Марҳаматли қизиқчи, акамнинг вафоти.

Қизиқчи. Малика, менингча, унинг жони дўзахда.

Оливия. Аҳмоқ, менингча унинг жони жаннатда.

Қизиқчи. Акангнинг жони жаннатда бўла туриб қайғурсанг, демак, аҳмоқ экансан. Ҳей, қани, аҳмоқни чиқариб юборинглар!

Оливия. Сен бу аҳмоққа нима дейсан, Мальволио? Ақл кирапти шекилли, а?

Мальволио. Ҳақ гап. Жони чиққунча ақли кираради. Кексалик донога — завол, аҳмоққа — камол.

---

\* Латинча: «қулоқ кийган билан одам роҳиб бўла қолмайди».

Қ и з и қ ч и. Ё раббий, бунга тезроқ кексалик ато қил, токи қип-қизил аҳмоққа айлансин! Сэр Тоби менинг тулки эмаслигимга онт ичишга тайёр, аммо сенинг аҳмоқ эмаслигинга қора чақа ҳам тикмайди.

О л и в и я. Сен бунга нима дейсан, Мальволио?

М а л ь в о л и о. Сиз олий мартабали маликамизнинг шундай бир хомкалла аблаҳнинг қизиқчиликларидан роҳатланишингизга ҳайрон қоламан! Тунов куни бир галварс масхарабоз буни бир чўқишда мот қилганини ўз кўзим билан кўрдим. Кўрдингизми, тили айланмай қолди. Агар сиз кулиб унга далда бермасангиз икки оғиз гапни ҳам эплаб гапиролмайди. Онт ичаманки, бунақа қизиқчи аҳмоқларнинг гапларига куладиган одамларнинг ўзлари ҳам ўйинхонадаги масхарабозлардан қолишмасалар керак.

О л и в и я. О, иззат-нафсинг ниҳоятда нозик. Мальволио, тўғриси, ҳазил кўтармайдиган бўлиб қолибсан — олижаноб, соддадил, оқкўнгил одамларга ғўлакдек кўринадиган бу ҳазиллар сенга замбарак ўқидек туюладиган бўлибди. Чинакам оқил одам бир гапни айтиб таҳқирлай олмаганидек, қизиқчи ҳамма нарсани таҳқирлагани билан ҳақоратлай олмайди.

Қ и з и қ ч и. Қизиқчиларни ёқлаб айтган сўзларинг учун Меркурий сенга ёлғонни қийиб юборишни ато қилсин.

М а р и я киради.

М а р и я. Бекам, дарвоза тагида ёш бир йигит турибди, сизни кўрмаса бўлмасмиш.

О л и в и я. Герцог Орсионнинг одами бўлса керак?

М а р и я. Билмадим, бекам, чиройли, ёш йигит, аёнлари ҳам бир талай.

О л и в и я. Ким унинг йўлини тўсаяпти?

М а р и я. Амакингиз, бекам, сэр Тоби.

О л и в и я. Уни бошқа ёққа олиб кетинглар, биров билан гаплашганда талмовсираб, алжиб қолади. Номусларга ўлдиради.

М а р и я кетади.

Бор, Мальволио, агар у герцогнинг элчиси бўлса, мени бетоб, уйда йўқ, нима десанг деки, жўнат.

М а л ь в о л и о кетади.

Ҳазилларинг сийқаланиб, жонга текканини кўрдингми?

Қизиқчи. Ҳозиргина, бекам, худди тўнғич ўғлинг қизиқчи бўлиб туғиладигандай ёқлаган эдинг. Йлоҳи, Юпитер унинг миясини иликка тўлдирсин. Бўлмаса қариндошларингдан бирининг *ria materu*<sup>1</sup> лиқиллаб турибди. Ана ўзи ҳам келяпти.

Сэр Тоби киради.

Оливия. У чиндан ҳам ширакайф. Эшикдаги ким, амаки?

Сэр Тоби. Асилзода.

Оливия. Асилзода? Қанақа асилзода?

Сэр Тоби. Уша асилзода... (Ҳиқичоқ тутати.) Сиркаланган балиқнинг падарига лаънат! Нега тиржаясан, каллаварам?

Қизиқчи. Марҳаматли сэр Тоби...

Оливия. Амаки, ҳой амаки, ҳалитдан маст бўлиб олганингизни қаранг-а!

Сэр Тоби. Яхлитдан маст? Йўғ-э, яхлит эмас, чала! Дарвозада аллаким юрибди.

Оливия. Аллаким... Ким, ахир?

Сэр Тоби. Менга деса иблиснинг ўзи бўлмайdimи! Мен ёлғон гапирардим. Боринглар-э. (Кетади.)

Оливия. Мастни нимага ўхшатса бўлади?

Қизиқчи. Аҳмоққа ҳам, жиннига ҳам, сувга чўкиб ўлган одамга ҳам ўхшатса бўлади. Меъёридан бир қултум ортиқ ичса — аҳмоқ бўлади, икки қултум ичса — жинни бўлади, уч қултум ичса — чўкади кетади.

Оливия. Миршабни чақриб кел, амакимни кўриб қўйсин, чунки у учинчи даражага етиб, гарқ бўлибди. Бор, унга кўз-қулоқ бўл.

Қизиқчи. Йўқ, маликам, у ҳозирча эсини еган, холос, энди аҳмоқ жиннини парвариш қилади. (Кетади.)

Мальволио қайтиб келади.

Мальволио. У йигитча онт ичиб, маликани албатта кўришим керак, деяпти, бекам. Сизни, бетоблар десам, у: хабарим бор, шунинг учун мулоқотларини истайман, дейди. Сизни, ухлаяптилар, десам, бундан ҳам хабар

<sup>1</sup> Латинча: мияси.

ри бўлса керак, шу туфайли ҳам кўришим керак, дейди. Жавоб тополмай қолдим, бекам. Ҳар бир баҳонага жавоб тайёр.

О л и в и я. Бекамни барибир кўролмайсиз, де.

М а л ь в о л и о. Шундай ҳам дедим, лекин у, миршабхона эшигининг чироқпоясидай дарвозаларингда қоқилиб туравераман, курсига поя қилиб юборсаларингиз ҳамки, кўрмасдан кетмайман; дейди.

О л и в и я. У қанақа жинсдан?

М а л ь в о л и о. Эркак жинсидан.

О л и в и я. Эркакнинг қанақа туридан?

М а л ь в о л и о. Жуда ҳам қўрс. Сиз истасангиз, истасангиз олдингизга кириб келади чамамда.

О л и в и я. Турқи таровати қанақа, ёши нечаларда?

М а л ь в о л и о. Балоғатга етган деб бўлмайди-ю, болаликдан ўтган, ундай ҳам эмас, бундай ҳам эмас, ўртаси. Истараси иссиққина, тили бийронгина. Ҳар қалай она сути оғзидан кетмаган.

О л и в и я. Кирса кира қолсин. Лекин аввал жорийамни ҳам чақир.

М а л ь в о л и о. Мария, бекам чақиряптилар. (Кетади).

М а р и я киради.

О л и в и я. Ёпинчиғимни бер, юзимга тутиб қўй. Ора синонинг элчисини яна бир марта эшитсак эшитайлик.

В и о л а аъёнлар билан киради.

В и о л а. Бу уйнинг илтифотли бекаси қайси бириңгиз?

О л и в и я. Менга мурожаат қилаверинг, сизга мен жавоб бераман. Хизмат?

В и о л а. Ой юзли, шакар сўзли, оламда танҳо гўзал, айтинг-чи, сиз чиндан шу уйнинг бекаси бўласизми? Мен у соҳибжамолни ҳеч қачон кўрмаганман ва нутқим беҳуда кетишини асло истамайман, зотан у нутқ моҳирона иншо этилганидан қатъи назар, уни ёдлаб олиш ҳам ҳазилга кам заҳмат бўлмади. Жононгиналарим, мендан кула кўрманглар, таъбим ниҳоятда нозик, заррача ҳурматсизликни ҳам кўтаролмайман.

О л и в и я. Сиз қаердан келдингиз, афандим?

**Виола.** Мен сизга ёдлаб олганимдан ортиқча сўз айтолмайман, сиз берган савол эса, менинг ёдлаган ролимда йўқ. Олижаноб хоним, шу уйнинг бекаси эканлигингизга ақалли бирон далил кўрсатинг, бўлмаса нутқимни ифода этолмай турибман.

**Оливия.** Сиз ўйинчимисиз?

**Виола.** Йўқ, кўнглим жавҳари, ундай эмас. Аммо макру найрангларнинг барча чигиллари ҳаққига онт ичаманки, дарҳақиқат, кўриб турган одамингиз эмасман. Уй бекаси сиз бўласизми?

**Оливия.** Ўз ҳуқуқларимни ўз зиммамга оғдириб олмаётган бўлсам — мен бўламан.

**Виола.** Агар уй бекаси чиндан ҳам сиз бўсангиз, зиммангизга жуда катта вазифа олган бўласиз, бунга сабаб шуки, ўз иродангиз билан инъом қилишингиз мумкин бўлган нарсани инъом қилмаслик қўлингиздан келмай қолади. Лекин мен ваколатим доирасидан чиқиб кетдим. Мен аввал сизнинг шаънингизга мадҳиямни ўқиб, кейин муддаога кўчаман.

**Оливия.** Мен сизни мадҳия ўқишдан озод қиламан, гапни муддаодан бошлайверинг.

**Виола.** Эҳ, афсус! Мен у шоирона нутқни ёдлаб олиш учун озмунча меҳнат сарф қилмаган эдим-ку.

**Оливия.** Сохта эканлиги шундан ҳам кўриниб турибди, ўзингизга сийлов. Дарвозам олдида кўрслик қилганингизни эшитдим. Сизни бу ерга киритишдан мақсадим — сўзингизни эшитиш эмас, ўзингизни бир кўриб қўйиш эди. Агар эсингиз бўлмаса кетаверинг, агар ақлингиз расо бўлса — гапни қисқа қилинг. Гижиллашиб ўтиргани хушим бўлмайроқ турибди.

**Мария.** Елканларингизни кўтариб равона бўласизми? Тўрт томонингиз очиқ.

**Виола.** Йўқ, денгизчи биродар, кемам бу кўрфаздан ҳали жилмайди. Бу зўравонингизни сал жиловлаб қўйинг, гўзал маликам.

**Оливия.** Гапиринг, муддаонгиз нима?

**Виола.** Мен элчиман.

**Оливия.** Бирорта разил топшириқ билан келгансиз шекилли, айтолмай қийналяпсиз. Қани, ишга кўчинг.

**Виола.** Бу гап биргина сизнинг қулоқларингизга тааллуқли. Мен уруш очгани ҳам, бож-хирож талаб этгани ҳам келган эмасман. Қўлимда — зайтун новдаси. Сўзларим ва муддаом — омонлик, осойишталикдан иборат.



О л и в и я. Аммо гапни одоб билан бошламадингиз. Кимсиз? Муддаонгиз нима?

В и о л а. Агар мен одобсизлик қилган бўлсам, сабаби бу ердагиларнинг муомаласи. Менинг кимлигим ва муддаом қиз иффати каби сирли. Бу сирга сиз — маҳрам, бошқалар — номаҳрам.

О л и в и я. Бизни холи қолдиринглар. Қани, ўша сирга маҳрам бўлайлик.

М а р и я ва а ъ ё н л а р чиқиб кетадилар.

Хўш, афандим, қайси мавзуда сўзлашамиз?

В и о л а. Эй гўзаллар маликаси...

О л и в и я. Бошланиши зўр: бу хилдаги гап узун бўлади. Асли мавзу қаерда?

В и о л а. Орсинонинг кўксиди.

О л и в и я. Кўксиди? Кўксининг нечанчи бобида?

В и о л а. Аниқ жавоб берсам — қалбининг биринчи бобида.

О л и в и я О, мен бу бобни ўқиганман. Қуруқ сафсата. Менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

В и о л а. Гўзал маликам, жамолингизни бир кўрсам.

О л и в и я. Наҳотки, хўжангиз сизга менинг юзим билан музокара олиб боришни топширган бўлса? Сиз мавзудан четга чиқиб кетдингиз. Майли, пардани суриб, лавҳани кўрсата қолай. (*Епинчиқни олиб ташлайди.*) Қаранг: мен ҳозир чиндан ҳам мана шундайман. Қалай, рассомнинг иши чакки эмасми?

В и о л а. Агар шунинг ҳаммасини ҳақиқатан ҳам худо яратган бўлса, беқиёс.

О л и в и я. Бўёғи асил: уни на ёмғир ўчиरोлади, на шамол.

В и о л а

Табиатнинг нозик, сеҳргар қўли,  
Атру нилуфардан бир гул ясабди.  
Ранги, товланиши тиниқ, мусаффо,  
Графиня, агар жамолингизни  
Қабрингизга олиб кетсангиз, агар  
Дунёмизга нусха қолдирмасангиз,  
Ягона бўласиз шафқатсизликда.

О л и в и я. О, мен унчалик шафқатсиз бўлмоқчи эмасман, афандим. Мен ҳусним жадвалини тузаман, Уни

қоғозларга кўчиртираман ва унинг ҳар бир парчаси, ҳар бир заррасини васиятномага илова қиламан, мана, ўша қоғоздан тасвир: биринчидан, лола ранг лаблар, иккинчидан, иккита нилий кўз ва буларнинг киприклари, учинчидан, битта бўйин, битта бағбақа ва ҳоказо. Сизни шуларга нарх қўйишга юборишганми?

### В и о л а

О, сизни чинакам кўриб турибман,  
Ғурурингиз чексиз. Аммо рост гап шу,  
Иблис бўлсангиз ҳам, соҳибжамолсиз,  
Менинг ҳукмдорим, синьора, сизни  
Бутун қалби билан яхши кўради.  
Агар, Оливия, бошингиз узра  
Ярқираб турса ҳам гўзаллик тожи  
Бундай муҳаббатни сиз эътибордан  
Четда қолдиришга ҳақли эмассиз.

### О л и в и я

У қандай севади?

### В и о л а

Кўз ёши дарё,  
Қалби ўт ичида, оқ урганида,  
Оҳидан муҳаббат учқуни сачрар,  
Ҳурмати, таъзими таърифдан баланд.

### О л и в и я

Мен уни севмайман, сева олмайман,  
Буни герцог жуда яхши билади.  
Зотан, мен герцогни олижаноб зот,  
Оқкўнғид, бадавлат, мард киши дейман.  
Унинг айни жўшқин, навқирон фасли,  
Қайноқ ёшлигига доғ туширмаган.  
Табиат гўзал бир шаклга гўзал —  
Мазмун бағишлаган. Шундай бўлса ҳам,  
Мен сева олмайман. У аллақачон  
Буни пайқагандир.

## В и о л а

Агар мен сизни  
Хукмдорим каби жоним қийнаиб,  
Азобда ўртаниб, қизгин севсайдим,  
Кибр устидаги рад жавобингиз  
Ҳеч қандай маънога эга бўлмасди.  
Уни тушунмаган бўлардим.

## О л и в и я

Шунда  
Нима қилардингиз?

## В и о л а

Мажнун толлардан  
Мен остонангизга кулба қулардим,  
Маликамга тун-кун хитоб қилардим.  
Қўшиқлар тўқирдим севгим ҳақида.  
Ва тун сукутида баланд куйлардим.  
Номингиз адирлар устида янграб,  
Тик тоғдан қайтарди бир акси садо  
«Оливия!..»  
Токи фарёдига қалбингиз эриб,  
Шафқат енгунича на ер, на осмон  
Сизга бир лаҳза ҳам ором бермасди.

## О л и в и я

Балки, етардингиз мақсадингизга!  
Айтинг, қаерликсиз?

## В и о л а

Наслу насабим  
Анча юқоридир кўринишимдан  
Ва лекин тақдирдан шикоятим йўқ,  
Мен асилзодаман.

## О л и в и я

Қайтинг, изингизга,  
Хукмдорингизнинг ҳузурига. Мен  
Уни севолмайман. У бундан буён

Элчи юбормасин. Фақат... Фақат сиз  
Менинг жавобимни Орсино қандай  
Қабул қилганидан хабар беришга  
Келсангиз — бу тамом бошқа гап. Хайр!  
Хизматингиз учун ташаккур. Мана,  
Мендан эсдалик.

(Виолага ҳамён узатади.)

### В и о л а

Йўқ, бекитиб қўйинг,  
Мен дастёр эмасман. Сиздан мукофот  
Менга эмас, балки герцогга керак.  
Синьора, сиз севган кишининг қалби  
Ўтда ҳам эримас тошга айлансин!  
Орсино ишқини тан олмадингиз,  
У ҳам севгингизни рад этсин тамом!  
Бағри тош гўзаллар гўзали, хайр!

(Кетади.)

### О л и в и я

«Айтинг, қаерликсиз?»

«Наслу насабим  
Анча юқоридир кўринишимдан  
Ва лекин тақдирдан шикоятим йўқ;  
Мен асилзодаман».

Онт ичаманки,  
Бу гап рост. Қиёфанг, ҳар бир қадаминг,  
Мардлинг, сўзларинг ва қадду бастинг —  
Ҳаммаси насабинг муҳридай равшан.  
Оливия, шошма, юрагингни бос,  
Оҳ, агар шу дастёр ҳукмдор бўлса!  
Наҳотки, шунча тез сеҳрга учдим?  
Навқирон элчи ўз жодуси билан  
Кўзларим тубига ўрнашиб олди.—  
Ким бор? Мальволио қайдасан?

Мальволио киради.

### М а л ь в о л и о

Лаббай, бекам, хизмат?

О л и в и я

Орқасидан чоп.  
Орсинонинг ўжар элчисини топ.  
У зўрлаб бир узук қолдирди. Менга  
Туҳфа керак эмас, унга шуни айт,  
Яна герцогига хушомад қилиб,  
Ёлғон умид билан лақиллатмасин.  
У Оливияга ёр бўлолмайди.  
Бунинг сабабини эртага тонгда  
Элчи қайта келган чоғда айтаман.  
Мальволио, югур!

М а л ь в о л и о

Хўп, графиня.

(Кетади.)

О л и в и я

Нима қилиб қўйдим, эсим қаёқда?  
Кўзларим парвозда, ақлим тузоқда.  
Начора, инсонга қисмат ҳокимдир,  
Неки деса, қабул этиш лозимдир!

(Кетади.)

П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Денгиз соҳили. Себастьян билан Антонио кирадилар.

Антонио. Демак, ортиқ қолишни истамайсанми? Бўлмаса, сен билан бирга бора қолай?

Себастьян. Хафа бўлма, бирга боришингни истамайман. Тепамда юлдузим кулиб боқмаяпти. Тақдир менга шу қадар адоват билан қараяптики, сенга ҳам касри урмаса деб кўрқаман. Шу сабабдан илтимос қиламанки, кулфатимни ўзим тортай. Агар мен сени кулфатларимга шерик қилсам, меҳр-оқибатинг эвазига ёмонликни раво кўрган бўлардим.

Антонио. Ҳеч бўлмаса, қаёққа боришингни айт.

Себастьян. Йўқ, йўқ, айтмайман. Менинг саёҳатим — дарбадарликдан бошқа нарса эмас. Аммо сен шу қадар камтар экансанки, ҳануз яшириб келган сиримни суриштирмадинг, эҳтиромингга қойил қолиб, буни сенга ўзим айтиб бераман. Сенга айтсам, Антонио, мен сенга ўзимни Родриго деб таништирган бўлсам ҳам, аслида номим Себастьян. Мессалинлик Себастьян менинг отам бўлганки, таърифини ўзинг ҳам эшитгандирсан. Ундан икки бода — ақа-сингил эгизаклар қолганмиз. Эвоҳ, нечун тақдир иккимизнинг жонимизни бир йўла олиб кўя қолмади? Бунга сен ҳалал бердинг: сен мени қутурган пўртаналар қаъридан тортиб олганингдан бир соат аввал шўрлик синглим фарқ бўлган эди.

Антонио. Ё раббий!

Себастьян. Синглим менга айнан ўхшаса ҳам, кўп-лар уни ҳақиқий соҳибжамол дейишарди. Мен одамларнинг бундай мақтовларига қўшила олмасам-да, аммо шу-

ни дадил айта оламанки, ҳатто ҳасаднинг ўзи ҳам синглимнинг қалбини гўзал дейишга мажбур эди. Синглим аччиқ сувга фарқ бўлди, мен эса ҳамон унинг ёдини аччиқ кўз ёшларим билан юваман.

Антонио. Мени афв эт, сенга дурустроқ хизмат қила олмадим.

Себастьян. О, меҳрибон Антонио, шунча ташвиш орттирганим учун мени сен афв эт.

Антонио. Агар дўстлигим эвазига мени қатл этишга қасд қилмаган бўлсанг, ижозат бер, хизматкоринг бўлай.

Себастьян. Агар сен бебаҳо илтифотингни кўкка соворишни, яъни ҳаётини сақлаб қолган кишининг қайтадан ўлдиришни истамасанг, бундан оғиз очма. Видолаша қоламиз. Юрагим тўлиб турибди. Мен бу жиҳатдан онамга ўхшаб кетаман, саа нарсаяга кўзларим сиримни билдириб қўяди. Мен герцог Орсино саройига бораман. Хайр!

(Кетади.)

Антонио

Юрган йўлларингда худо ёр бўлсин,  
Орсино саройи ёвим бўлмаса,  
Сени кўрар эдим зум ўтмасданоқ,  
Аммо илож қанча? Учиб бораман,  
Хатарлар қўйнига дадил кираман.

(Кетади.)

## ИККИНЧИ САҲНА

Кўча. Виола кўринади, унинг кетидан Мальволио пайдо бўлади.

Мальволио. Ҳозиргина графиня Оливия ҳузуридан чиққан одам сиз эмасмидингиз?

Виола. Ҳа, ҳозиргина ўша ердан чиқиб, битта-битта юрганча энди шу ерға етиб келдим.

Мальволио. Графиня шу узукни сизга қайтариб юборди. Сиз буни ўзингиз ола чиқсангиз, мени бу ортиқча ташвишдан халос қилган бўлардингиз. Бундан ташқари, графиня, сиздан илтимос қиладики, герцогингизга бориб тушунтирармишсиз, бекамиз унинг таклифини узил-кесил рад этди, хуллас, умидини батамом узсин. Яна бир гап шуки, герцогингизнинг топшириқлари билан графиня ос-

тонасига қадам қўя кўрманг. Мабодо герцог бу хабарни қандай қабул қилганини айтиш учун ўзингиз келсангиз — унда бошқа гап. Вассалом!

В и о л а . Мен унга узук берган эмасман, қайтариб олмаيمان.

М а л ь в о л и о . Менга қаранг, сиз узукни унга қўрсик билан улоқтирибсиз, у ҳам буни сизга шу тариқа қайтарди. (Узукни ерга ташлайди.) Бу матоҳ эгилиб ердан олишга арзиса, оларсиз, бўлмаса буюрган одам олиб кетар. (Кетади.)

### В и о л а

Таажжуб, мен унга узук бермадим,  
Бунинг сири нима? Э, парвардигор!  
Наҳот шайдо бўлди у мени кўриб,  
Шундай тикилдики, кўзлари ёниб,  
Сўзидан адашди, тили гўлдираб,  
Мени севиб қолди — бунга шубҳа йўқ.  
Эзма чопарини юборгани ҳам  
Айёрликдан бошқа бир нарса эмас.  
Герцог унга узук юбормаган-ку!  
Унинг мақсади — мен. Агар бу тахмин  
Рост чиқса менимас, тушни севсин у!  
Э, чеҳра! Наҳотки макр тузоғисан,  
Иблиснинг қўлида омонсиз қурол!  
Агар шундай бўлса, мунофиқлар ҳам,  
Ташқи гўзаллиги билан қизларнинг  
Қалбини сеҳрлаб қўйиши мумкин!  
Бунда айб биздамас, аксинча, бизнинг  
Ожизлигимиз, соддалигимизда.  
Табиат шу хилда яратган. Эвоҳ,  
Бу ишнинг охири нима бўлади?  
Орсино севади Оливияни,  
Орсинога менинг хаёлим мафтун,  
Оливия эса мени билмасдан,  
Муҳаббат қўйибди. Энди не қилдим?  
Агар йигит бўлсам, мен Орсинонинг  
Севгисига умид боғлайолмайман.  
Агар қиз бўлсам-чи? Эвоҳ, бечора,  
Оливия чеккан азоблар бекор!  
Бу жумбоқ мен учун жуда ҳам чигал,  
Уни еча олур фақат вақт тугал!

(Кетади.)



## УЧИНЧИ САҲНА

Оливия уйи. Сэр Тоби ва сэр Эндрю кирадилар.

Сэр Тоби. Бери кел, сэр Эндрю! Ярим кечагача ётмаган одам каллаи саҳарлаб турган ҳисобланади. Биласанми, *diluculo surgere*...<sup>1</sup>

Сэр Эндрю. Йўқ, худо ҳаққи, билмайман. Мен фақат кеч ётишнинг маъноси — кеч ётиш эканини биламан.

Сэр Тоби. Бу хулосанг хато. Бунақа хулосалар бўш шишадай жонимга теккан. Ярим кечадан оққанда ётган киши эрта ётган бўлади, демак, каллаи саҳарлаб ётган бўлади. Зотан, ҳаётимиз тўрт унсурдан дейишади-ку.

Сэр Эндрю. Эшитганман. Шундай дейишади. Лекин, менимча, ҳаётимиз икки унсурдан: ейишу ичишдан иборат.

Сэр Тоби. Ақлингга балли, донишманд! Қани бўлмаса, юр, ичайлик. Ҳей, Мария, май келтир!

Қизиқчи киради.

Қизиқчи. Ҳорманглар, дўмбоқлар! «Уч улфатмиз» деган лавҳани кўрдингларми?

Сэр Тоби. Хўш, кўрдик, овсар! Бир ялла айтайлик.

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, бу аҳмоқнинг овози зўр. Агар шу довдирнинг кекирдагидек сернаъма кекирдагиму, унинг оёғига ўхшаган оёғим бўлса, қирқ шиллингга ҳам алишмасдим. Биласанми, кеча кечаси Пигрогромитус билан Квеубус минтақасини кесиб ўтган вапианларни<sup>2</sup> ҳикоя қилганинда роса лақиллатдинг. Улай агар, жуда тузладинг. Мен дўндиғингга берарсан деб олтигагина пенс юборган эдим, олдингми?

Қизиқчи. Совғани қўлига топширдим, чунки Мальволионинг бурни ис билгани билан, тополмайди, дўндиғимнинг қўли узун, мирмидонларни<sup>3</sup> майхонага йўлатишмайди.

Сэр Эндрю. Қойил! Ҳазилни қотирдинг. Қани, ашудани ол!

Сэр Тоби. Ҳа, айтавер, мана сенга олти пенс. Бошла!

Сэр Эндрю. Ма. Мендан ҳам, жўмард жўмардни кўриб...

<sup>1</sup> Латинча: «Эрта туриш — фойдали» деган мақолнинг боши.

<sup>2</sup> Уйдирма номлар.

<sup>3</sup> «Илиада»да Ахилл аскарлари.

Қизиқчи. Сизларга қанақа ашула ёқади — ишқий-  
сими ёки ахлоқийсими?

Сэр Тоби. Ишқий ашула! Ишқий ашула!

Сэр Эндрю. Ҳа! Ахлоқийсини бошимга ураманми?

Қизиқчи

(Куйлайди.)

Жоним, қайларда юрибсан?

Мени унутиб қўйибсан,

Кутаман танҳо.

Нега кўзлайсан йироқни?

Бас қил ҳижрону фироқни,

Қийнама асло!

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, қойил!

Сэр Тоби. Қойил! Жуда соз!

Қизиқчи

(куйлайди)

Ишқ қайда? У на осмонда,

На қирда, на узоқ ўрмонда,

Чақир, у келар,

Лалайсанг — етолмайсан,

Бўсани тополмайсан,

Интил, у келар!

Сэр Эндрю. Насли насабим ҳақиға онт ичаманки,  
овози ширали!

Сэр Тоби. Шу билан бирга муаттар.

Сэр Эндрю. Ҳа, ҳа, ширали, муаттар.

Сэр Тоби. Агар уни димоғинг билан эшитсанг, ўн-  
чиб, ичак-чавоғинг ағдарилиб чиқади. Хўш, яллани кўтар-  
майликми, осмону заминни ларзага келтириб? Шунақа  
авжга чиқайликки, бойқушларни уйғотиб, гарангларнинг  
ўтакасини ёрайлик. Бўптими?

Сэр Эндрю. Албатта. Агар мени яхши кўрсангиз-  
лар, яллани баравар оламиз. Ялла айтишда ҳеч ким ме-  
нинг олдимга тушолмайди.

Қизиқчи. Тушолмайди, деб ўпканг тушмасин.

Сэр Эндрю. Ҳақ гап. «Жим муттаҳам!» деган ялла-  
ни оламиз.

Қизиқчи. «Жим, муттаҳам!» У тақдирда мен жанобларини муттаҳам дейман-да?

Сэр Эндрю. Бе, буни энди эшитаётганим йўқ. Бошла, довдир. Биринчи сўзи: «Жим!»

Қизиқчи. Жим туришим керак бўлса, бошлаёлмайман!

Сэр Эндрю. Қойил! Худо ҳаққи, жуда соз! Бошласанг-чи!

Ялла айтишади. Мария киради.

Мария. Мов бўлган мушукларнинг миёвлашини қаранглар-а! Агар бекам эшик оғаси Мальволиони чақиртиб, сизларни ҳайдаб чиқаришни буюрмаган бўлса, отимни бошқа қўяверинглар.

Сэр Тоби. Беканг хабашнамо аёл. Мальволио эски муручдон, биз бўлсак учта хушчақчақ улфат. (Куйлайди.)

«Биз хушчақчақ уч улфат!»

Хўш, нима, мен унинг амакисимасманми? Бека билан менинг қоним бир эмасми? (Куйлайди.)

«Бобилда бир одам бор экан,

Бекачаси унга ёр экан».

Қизиқчи. Қойил, жаноблари роса очияптилар.

Сэр Эндрю. Тўғри, сэр Тоби илҳом келганда бунақа ишларни дўндириб ташлайди. Меники табиийроқ чиқади.

Сэр Тоби

(куйлайди)

«Ун иккинчи декабрь, оқшом...»

Мария. Худо ҳаққи, бас қилинг.

Мальволио киради.

Мальволио. Эсларингни едингларми, жаноблар? Бу нима шовқин? Ақл-хушларингиз, одобларингиз, виждонларингиз борми? Ярим кечадан оққан бўлса-ю, ямоқчиларга ўхшаб шанғилласанглар, худди майхонада давра қурган тикувчиларга ўхшаб бўкирганча беҳаё қўшиқларни айта-сизлар. Наҳотки бекам билан унинг хонадонига ҳурмат сақламасангизлар, тартиб деган нарсени биласизларми, ахир?

Сэр Тоби. Кечирасиз, афандим, аммо лекин ашуланнинг тартибини келтириб айтяпмиз. Умуман, овозингизни ўчиринг.

М а л ь в о л и о. С э р Т о б и, м е н с и з б и л а н о ч и қ ч а с и г а  
гаплашишга мажбурман. Графиня менга ваколат бериб  
айтдиларки, гарчанд сиз бекамизнинг хонадонида қарин-  
дош сифатида истиқомат қилиб турсангиз ҳам, бу тўпалон-  
ларингизга тоқат қилолмайдилар. Агар ножўя ҳаракат-  
ларингиздан кечсангиз, бекамизнинг уйи сизга очиқ, бор-  
ди-ю, бекамиздан воз кечадиган бўлсангиз у киши ҳам  
баҳрингиздан ўтиб қўя қоладилар.

С э р Т о б и  
(куйлайди)

«Алвидо, жонгинам! Кетай, алвидо!»

М а р и я  
Ҳурматли сэр Тоби, қўйинг!

Қ и з и қ ч и  
(куйлайди)

«У толди, кўнглида ором муддао».

М а л ь в о л и о.  
Бу қандай кўргилик!

С э р Т о б и  
(куйлайди)

«Яшайсан, ошна, ўлмайсан асло!»

Қ и з и қ ч и  
(куйлайди)

«Йўқ, оғайни, сўзларинг ёлғон!»

М а л ь в о л и о  
Ана холос, шу ҳам одобданми?

С э р Т о б и  
(куйлайди)

«Уни боплаб ҳайдамоқ лозим».

Қ и з и қ ч и  
(куйлайди)

«Нега? Бунда тураверсин жим».

С э р Т о б и

(куйлайди)

«Муттаҳамни қувинглар, тамом!»

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Бу қўлингдан келмайди, ишон!»

С э р Т о б и. Тартибдан адашиб, янглишдинг, афандим. Ҳой, сен кимсан ўзинг? Бор-йўғи эшиқ оғасимсан? Хўш, мақсадинг нима? Сен шунақа авлиё бўлсанг бошқалар ҳам ичмаслиги, оғзини тикиб қўйиши керакми?

Қ и з и қ ч и. Биби Анна ҳаққига онт ичаманки, ванжабилли пиво ҳам оғизга хўб хуш ёқади-да.

С э р Т о б и. Гапинг рост. Қани, афандим, жўна. Хўрозлигингни бошқа хизматкорларга қил. Қани, Мария, бизга май келтир!

М а л ь в о л и о. Агар сен, Мария, графинянинг марҳаматини қилча қадрласанг, бу саёқларнинг тегирмонига сув қуймаган бўлардинг. Онт ичаманки, бу гап графиняга бориб етади. (Кетади.)

М а р и я. Туёгингни шиқиллат, шалпанг қулоқ!

С э р Э н д р ю. Уни дуэлга чақирсанг-да, тайинлаган ерга бормай, аҳмоқ қилсанг, роса ҳангома бўларди-да. Шундай қилган одам, оч қоринга май ичганининг савобини топарди.

С э р Т о б и. Уша савоб сенга буюрсин, баҳодир. Мен сенинг талабингни қоғозга ёзиб бераман ёки ранжиганингни унга оғзаки айтаман.

М а р и я. Марҳаматли сэр Тоби, ақалли шу кеча сабр қилинг. Бугун герцогнинг элчи йигитчаси бекамиз билан суҳбат қилиб кетганидан бери у кишининг тоқатлари тоқ бўлиб қолди. Мальволио афандини менга қўйиб беринглар. Агар мен уни калака қилиб, ҳамманинг кулгисига қўймасам, мени қип-қизил аҳмоқ деяверинглар. Мен унинг туриш-турмушини биламан, хотиржам бўлинглар.

С э р Т о б и. Қани айт, айт! Сен уни ким деб ўйлайсан?

М а р и я. Баъван юриш-туриши серғалва пўртанага ўхшаб кетади,

Сэр Эндрю. О, агар мен унинг шунақалигини билсам, бошига ит кунини солардим!

Сэр Тоби. Йўғ-э? Фақат пуритан бўлгани учун-а? Қандай асосли баҳоналаринг бор, марҳаматли баҳодир?

Сэр Эндрю. Баҳонам йўқдиру, аммо бошқа далилларим етарли.

Мария. Жин урсин, пуритан бўлса у! На у ёқли, на бу ёқли, ўрта йўлда қолган хушомадгўй. Саройбоп сўзларни ёдлаб олиб, қироат билан ҳиринглайдиган олифта эшак. Узига шу қадар бино қўйганки, турган-битганим ақл, мени бир кўрган хотин — ошиқ-беқарор бўлиб қолади, деб ўйлайди. Мен унинг ана шу кибрини қасосимга нишон қилиб оламан.

Сэр Тоби. Қани, учини чиқаравер!

Мария. Мен унинг йўлига сирли бир муҳаббат хатини ташлаб қўяман. Хатда бўялган сочига, қийшиқ оёғига, қадам босиши, кўзлари, пешанаси, башарасига ишора қиламан. У ўзини дарҳол таниб олади. Мен жиянингиз, графиниямизнинг дастхатига ўхшатиб шунақа ёза оламанки, гоҳо, хатларимиз аралашиб кетса, қайси биримизники эканини таний олмай ҳам қоламиз.

Сэр Тоби. Жуда соз. Фаҳмим етиб турибди.

Сэр Эндрю. Менинг ҳам димоғим сезяпти.

Сэр Тоби. Мальволио мактубни менинг жияним ёзган, демак, ошиқи беқарор бўлган, деб лақиллайди.

Мария. Ҳа, мен шу тариқа от ўйнатмоқчиман.

Сэр Эндрю. Отинг уни эшакка айлантириб қўяди.

Мария. У эшакни роса халалаймиз.

Сэр Эндрю. Қойилмақом ўйин бўлади.

Мария. Роса хумордан чиқамиз. Хотиржам бўлинглар, мен берадиган дори унинг анча ҳоврини босиб қўяди! Икковларингизни, қизиқчини ҳам қўшиб, яқин орага яшириб қўяман, доримнинг қандай амал қилишини ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. Энди етиб ухланглар, шу эрмаклар тушларингизга кирсин. Яхши қолинглар. (Кетади.)

Сэр Тоби. Хайрли тун, Пентезилея<sup>1</sup>.

Сэр Эндрю. Улиб кетай агар, бебаҳо қиз!

Сэр Тоби. Асил този. Менга «беш» кетган. Аммо гап бунда эмас.

Сэр Эндрю. Менга ҳам биттаси «беш» кетган эди!

<sup>1</sup> Афсонада чавандоз аёллар маликаси.

С э р Т о б и. Юр, баҳодир, кетайлик. Уйингдан яна пул олдириб келмасанг бўлмайди.

С э р Э н д р ю. Агар мен сенинг жиянингга уйланмасам қайиғим лойга ботиши турган гап.

С э р Т о б и. Пулни олдириб келавер-чи, у ёғи бир гап бўлар. Мабодо жияним сенга тегмаса, мени думсиз ахта деб сўка қоларсан.

С э р Э н д р ю. Агар шундай деб сўкмасам, отимни бошқа қўяман. Гап тамом.

С э р Т о б и. Юр энди! Бўза қайнаб ётибди. Тонг отапти, уйқу ҳаром. Юр, баҳодир, тортаминз.

Кетадилар.

## ТУРТИНЧИ САҲНА

Г е р ц о г саройи. Г е р ц о г, В и о л а, К у р и о ва бошқа аъён-лар кирадилар.

Г е р ц о г

Ҳей, куйни бошланглар!—

Хайрли кун, дўстлар!

Меҳрибон Цезарио, кеча кечаси  
Айтишган қадимий, тўпор қўшиқни  
Яна бир айтишсин. Бизнинг бемаъни  
Асримизга ёқиб қолган тумтароқ  
Овозлар таъсирсиз, аммо у қўшиқ  
Дардимни юмшатди, руҳим қувонди,  
Фақат бир, биргина бандин айтсинлар!

К у р и о. Афв этинг, саодати олийлари: у қўшиқни айтган киши ҳозир бу ерда йўқ.

Г е р ц о г. Уни ким айтган эди?

К у р и о. Графиня Оливиянинг отасига ҳамиша ҳамроҳ бўлиб юрадиган қизиқчи Фесте. Аммо уни топиш мумкин, шу яқинда ўралашиб юрган бўлса керак.

Г е р ц о г. Топинглар. То унга қадар ўша қўшиқнинг куйини чалинглар.

К у р и о кетади.  
Музика чалинади.

Цезарио, сен ҳам бир кун севарсан,  
Ширин дард чекканда мени эслаб қўй.  
Ҳамма ошиқлар ҳам мендай беқарор,

Жўшқин кўнгиллари бетин, беором.  
Фақат маъшуқанинг нури сиймоси  
Уларнинг дилига муқаррар йўлдош.  
Хўш, сенга ёқадими куй?

В и о л а

Жуда гўзал!

У куйнинг,

муҳаббат заррин тахтига  
Бориб урилгандай акс садоси.

Г е р ц о г

Офарин! Сезгувчи кўнгил дардини  
Нозик тасвирадинг. Сен ёш бўлсанг ҳам  
Нозанин кўзига сирли тикилиб,  
Жавоб сўрагансан ишқ саволига.  
Ё, шундай эмасми?

В и о л а

Шундай, ҳукмдор.

Г е р ц о г

У гўзал ким?

В и о л а

Сизга жуда ўхшайди.

Г е р ц о г

Демак, арзимаёди сенга.  
У ёшми?

В и о л а

Сизга тенг, чамаси.



## Герцог

Э, қари экан!

Хотин эрдан ёшроқ бўлиши керак,  
Шунда у эрини ўзига боғлаб,  
Қалбига малика бўла олади.  
Цезарио, сен — биз, эркаклар, қанча —  
Мақтанмайлик, аммо хотин ишқидан  
Ишқимиз ювошроқ, вафомиз бўшроқ,  
Хархашамиз ҳам кўп.

Виола

Тўғри айтасиз.

Герцог

Ўзингдан ёшроқни танла, йигитча,  
Шундай қилмасанг ишқ барбод бўлади.  
Хотин худди бир гул,  
очилмасданоқ,  
Барги тўкилади, дарҳол сўлади.

Виола

Ҳақ гап. Хотинларнинг қисмати шундай,  
Кўз ёшдан иборат бир онли умри,  
Улар очилмасдан хазон бўлади.

Курио Қизиқчини бошлаб келади.

Герцог

Оғайни, тундаги қўшигингни айт!  
Цезарио, тингла, жуда оддий куй!  
Қирда ғалла ўрган аёллар ёки  
Жувонлар айвонда пайпоқ тўқиркан  
Уни айтишади, жуда тўпори,  
Соф ишқ ҳақидаги қадимги қўшиқ.

Қизиқчи

Бошлайми?

## Герцог

Илтимос қиламан, куйла.

Қизиқчи

(куйлайди)

Э, ажал, кел тезроқ, кел тезроқ,  
Тобугим эмандан, қаттиқдир!  
Э, жоним, чиқ тезроқ, кет йироқ,  
Гўзаллик жаллоддан ортиқдир.

Духоба ёпинглар тобутга,  
У менга сўнгги тўй, сўнгги тож!  
Муҳаббат офатдир йингитга,  
Беролмай қолади у бардош.

Бас, рангсиз, ҳаётсиз танамни  
Анвойи гулларга кўммангиз.  
Бас қилинг, ёронлар, аламни,  
Тобутга бошингиз эгмангиз!

Мурдамга босинглар тупроқни,  
Қабримдан нарироқ қочинглар.  
Тўхтатинг кўз ёши, фироқни,  
Оҳ чекиб келмасин ошиқлар!

Герцог. Ма, хизматингга ол!  
Қизиқчи. Бу хизмат эмас, тақсир, мен ашула айтсам ҳузур қиламан.

Герцог. Ундай бўлса, ҳузур қилганинг учун ол!  
Қизиқчи. Бу бошқа гап, ҳузур қилганлар ахир бир кун шу ҳузурнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйишлари керак бўлади.

Герцог. Ана энди сенга жавоб.  
Қизиқчи. Хафақонлик тангриси сени ўз паноҳида асрасин ва ҳамда тикувчи сенга товлама шоҳидан камзул тикиб кийдирсин, чунки ғазаб тўла вужудингни фақат шу юмшатади. Сендай чўрткесар одамларни денгизга юбориш керак. У ерда одам ўз бошига не савдолар тушишини билмайди ва ҳар қандай тасодифга тайёр туришга мажбур. Ҳа-да, қайёққа бораётганини билмаган одам таваккал қилиб бораверади. Хайр, жаноблар! (Кетади.)



## Герцог

Менинг қалбимдаги ишқ бўронининг  
Зилзилаларига аёл кўкраги  
Бардош беролмайди, бунча дард, фарёд  
Сигмайди қизларнинг нозик дилига,  
Улар бундай вафо қила олмайди.  
Уларнинг ишқини жуда борганда  
Шунчаки бир ҳавас деб аташ мумкин,  
Севги жонидамас, фақат қонида.  
Уларнинг тезликда тўйишига ҳам  
Сабаб шу. Ва лекин менинг қалбим-чи?  
О, худди денгиздай муҳаббатга оч,  
Унинг эҳтироси сўнмайди асло!  
Менинг юрагимда Оливияга  
Жўш урган севгини бошқа бир қизнинг  
Менга севгисига тенг қила кўрма!

## Виола

Лекин биламанки...

## Герцог

Нимани? Сўзла!

## Виола

Қизларнинг севгиси, дарди, вафоси  
Менга маълум. Қизнинг жажжи қалби ҳам  
Бизнинг қалбимиздай севишга қодир,  
Отамнинг бир қизи шундай севади.  
Агар мен йигитмас, қиз бўлганимда,  
Балки севар эдим сизни ўртаниб.

## Герцог

Уша қиз нақлини сўзлаб бер.

## Виола

## Умри

Тахи бузилмаган оқ қоғоз ҳали,  
Унинг муҳаббати ҳамон сир. У қиз

Ишқини ардоқлаб, оғиз очмаган,  
Лекин бу сир гулга яширинган қуртдай  
Сўриб, гул юзини буткул сўлдирди.  
Дарди ичида-ю, ранги заъфарон,  
Бардошнинг мислсиз тимсоли каби,  
У ўз аламидан оғиз очмайди,  
Дардни пардалайди табассум билан.  
Хўш, бу ишқ эмасми?

Ҳа, биз эркаклар  
Гапни дўндирамиз, бизга онт ичиш  
Писта чақиш каби оддий бир нарса!  
Ваъдани ўлчамай сочаверамиз,  
Онтимиз улуғу севгимиз қуруқ.

### Герцог

Синглинг ишқ дардида куйиб ўлдими?

### Виола

Ёлғиз мен — отамнинг барча қизлари,  
Барча ўғиллари ёлғиз мен... Лекин  
Аниқ айтолмайман...

Дарвоқе, энди  
Малика қасрига борай.

### Герцог

Тезроқ бор!  
Буни ол. Унга бер.  
Севишимни айт.  
Кутаман. Ҳа, деган жавоб билан қайт!

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Оливиянинг боғи.  
Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Фабиан кирадилар.

Сэр Тоби. Бу ёққа кел, синьор Фабиан.  
Фабиан. Келяпман. Бу эрмакнинг заррачасидан бе-  
баҳра қолгандан кўра хафақонлик қозонида тириклай қо-  
вурилганим афзал.

Сэр Тоби. У ҳаромзоданинг бошдан-оёқ шарманда бўлишидан лаззатланмайсанми?

Фабиян. Бир қоп семираман! Айиқ ови қилиб юрибди, деб у мени бекага роса ёмонлагани эсингизда бўлса керак.

Сэр Тоби. Биз бугун унга айиқ ови қанақа бўлишини кўрсатиб қўямиз. Нима дединг, сэр Эндрю?

Сэр Эндрю. Агар шундай қилмасак, туриш-турмушимиз бир пул!

Мария киради.

Сэр Тоби. Ана шайтон қиз ҳам келди. Хўш, ҳинду хазинам, ишлар қалай?

Мария. Сизлар мана бу дарахт орқасига беркининглар. Мальволио келяпти. Анави ерда ярим соатча кунга тескари туриб, ўз соясини минг мақомга солди. Маза қилмоқчи бўлсанглар, уни кўздан қочирманглар! Уйлайманки, бу хат унинг бошини айлангириб, эс-ҳушини олиб қўяди. Тез беркининглар, бўлмаса, бутун эрмагимиз барбод бўлади. Сен бу ерда ёта тур. (Хатни йўлга ташлайди.) Ана, ширинликка ўч балиқ қармоққа сузиб келяпти! (Кетади.)

Мальволио киради.

Мальволио. Ҳаммаси тасодифга, фақат тасодифга боғлиқ. Кунлардан бир кун Мариянинг: сизга графинянинг кўнгли бор, дегани ёдимда. Графинянинг ўзи ҳам мен билан суҳбатда шама қилиб айтган эдики, у агар севадиган бўлса, фақат менинг тойифамдаги одамни севиши мумкин. Бошқа яқинларига нисбатан мени алоҳида ҳурмат қилади.

Сэр Тоби. Кеккаймай ўл!

Фабиян. Жим! Таманно билан хомхаёл суриши куркаҳўрознинг худди ўзи! Патларини ёйиб керилишини қаранг-а!

Сэр Эндрю. Ростини айтсам, у аблаҳни савалагим келяпти!

Сэр Тоби. Жим!

Мальволио. Граф Мальволио бўлсам!

Сэр Тоби. О, муттаҳам!

Сэр Эндрю. Шартга отиб ташласанг!

Сэр Тоби. Жим, жим!

М а л ь в о л и о Бунга мисоллар сероб: графиня Стрей-  
чи ўз маҳрамига теккан.

С э р Э н д р ю. О, дўзахи, Иезавель!<sup>1</sup>

Ф а б и а н. Жим туринглар! У қулогигача хаёлга айлан-  
ди. Хурпайишини қаранглар!

М а л ь в о л и о. Тўйимиздан кейин уч ой ўтган деб фа-  
раз қилайлик. Мен тахтиравонда ўтирибман...

С э р Т о б и. Эҳ, қўндоқли камоним бўлганда-ю, кўзи-  
ни тешардим.

М а л ь в о л и о. Оливияни пар тўшакда ухлатиб ётоқ-  
дан чиққанман, тахтиравон чодирода елкамга бахмал тўн  
ташлаб ўтирибман... Хизматкорларни чақирришга фармон  
берганман...

С э р Т о б и. О, жонинг чиққур!

Ф а б и а н. Жим! Жим!

М а л ь в о л и о. Узимни улуғвор тутиб, хизматкорлар-  
ни синчиклаб кўздан кечираман. Улар бу қарашимдан:  
«Менинг жойим тўрда, сизларники — пойгакда» деган  
маънони уқиб оладилар ва мен сэр Тоби қаердалигини су-  
риштираман...

С э р Т о б и. О, ёрилиб ўлгур!

Ф а б и а н. Жим, жим! Бу ёғини эшитинглар!

М а л ь в о л и о. Хизматкорларимдан еттитаси таъзим  
ато қилиб сэр Тобини қидириб кетишади. То у келгунча  
мен қошимни чимираман, соатимни бурайман ёки қиммат-  
баҳо узугимни нурга солиб томоша қиламан... Тоби ки-  
риб, ергача эгилиб таъзим қилади...

С э р Т о б и. Калласини шартта узиб ташлайми?

Ф а б и а н. Жим. Ичингиздаги гапни омбур солиб торт-  
салар ҳам, жим туринг!

М а л ь в о л и о. Унга мана бундай қўл чўзаман, юзим  
тиришиб, қовоқ соламан, токи у кимлигимни билиб  
қўйсин.

С э р Т о б и. Тоби башаранга шарақлатиб туширмай  
қараб тураркан-да?

М а л ь в о л и о. «Хўш, Тоби амаки,— дейман мен ун-  
га,— жиянингизни менинг никоҳимга олиб берган тақдир  
айни вақтда сизга баъзи бир танбеҳлар қилиш ҳуқуқини  
ҳам беради...»

С э р Т о б и. Нима, нима?

<sup>1</sup> Иезавель — тавротдаги ривоятлардан бирида тилга олин-  
ган яҳудийларнинг ахлоқсиз маликаси.

Мальволио. «Авалло ичишни ташлашингиз керак...»

Сэр Тоби. Эшак!

Фабиан. Э, сабр қилсангиз-чи, ўйинни бузманг!

Мальволио. «Бундан ташқари, сиз қимматли вақтингизни миясиз тентак баҳодир...»

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, мени айтяпти.

Мальволио. «...сэр Эндрю билан беҳуда ўтказяписиз...»

Сэр Эндрю. Кўплар мени миясиз деб аташгани учун у миясиз дейиши билан гап менинг тўғримда бораётганини фаҳмладим.

Мальволио. Қуш тувоққа илинди!

Сэр Тоби. Жим! Э, калака тангриси, овоз чиқариб ўқишни кўнглига солсин-да.

Мальволио. Ҳаётим ҳақиға онт ичаманки, бу графинянинг қўли! Бу унинг «л», «р», «т»лари, катта «п»ни ҳам худди шундай ёзади. Бу унинг дастхати...

Сэр Эндрю. Унинг «л», «р», «т»лари... Қани, давомини эшитайлик.

Мальволио (ўқийди). «Бу юрак саломи кўнглимни банд этган номаълум ёримга». Худди унинг услуби! Ижозатингиз билан, сургучни синдираман. Ваҳ! Муҳр ҳам уники: Лукреция калласи. Мактуб графинядан. Аммо кимга ёзилган?

Фабиан. Нақ жигаридан урди!

Мальволио

(ўқийди)

«Севаман, тангри гувоҳ!

Хаёлимда фақат сен!

Кимлигинг айтмайман мен,

Бу сирдан ўзим огоҳ!»

«Кимлигинг айтмайман мен!» Бу ёғи ҳам шеърӣ.. «Бу сирдан ўзим огоҳ!» Эҳ, бу сен бўлсанг эди, Мальволио!

Мальволио

(ўқийди)

«Кўнглимни олган ёрга

Мен бўламан ҳукмдор,



Маҳкумман оҳу зорга,  
Шундан чекаман озор.  
М. О. А. И.— ҳарфлари,  
Дилимнинг сеҳргари!»

Ф а б и а н. Чигал топишмоқ!  
С э р Т о б и. Айтдим-ку. Мария шаддод қизалоқ!  
М а л ь в о л и о. «М. О. А. И.— ҳарфлари, дилимнинг  
сеҳргари». Ижозат берасиз, бу борада бош қотириб  
кўрамиз!

Ф а б и а н. Роса тузоққа илинтирди-ку!  
С э р Т о б и. Лочинимиз унга калхатдек човут солди.

### М а л ь в о л и о

«Кўнглимни олган ёрга  
Мен бўламан ҳукмдор...»

Албатта у менга малика, мен унга хизматкор, демак, у  
менинг ҳукмдорим ҳисобланади — ҳар қандай эси бутун  
одамга бу кундай равшан. Бу ерда чигал йўқ. Хўш, охи-  
ри-чи? Мана бу тартибдан қандай маъно келиб чиқади?  
Булардан ўз исми шарифимни чиқара олсам эди! Тўх-  
та! «М. О. А. И.»

С э р Т о б и. Ҳа, чиқар, чиқаравер, чиқариб бўпсан!

Ф а б и а н. Тулкининг исини сезган кўппакдек ти-  
пирчилаб қолди.

М а л ь в о л и о. «М»— Мальволио. Ҳа-ҳа, менинг но-  
мим «М»дан бошланади.

Ф а б и а н. Айтдим-ку, ис билади деб! Изга тушиб  
оляпти.

М а л ь в о л и о. «М»... Аммо бу ёғи қовушмаяпти: «А»  
ўрнига «О» келди, бўлмади.

Ф а б и а н. Охирига борганда «о» деб юборади шекилли.

С э р Т о б и. Хотиржам бўл, бўлмаса «О» деб бақир-  
тириб ураман.

М а л ь в о л и о. Ундан кейин «А» келяпти.

Ф а б и а н. Калака бўлиш бобида ҳам роса омадинг  
келяпти.

М а л ь в о л и о. «М. О. А. И.»— аввал жўн кўринган  
наrsa энди чигаллашиб кетди. Зотан ҳарфлар ўрнини  
алмаштириб, ўзимга мосласам бўлади: менинг номимда  
шу ҳарфларнинг ҳаммаси бор. Жим, мана бу ёғи наср  
билан ёзилибди. (Уқийди.) «Мабодо шу мактуб сенга

етиб боргудек бўлса — ўйлаб кўр. Толеим юлдузи сендан анча баландда чақнаб турган бўлса ҳам, сен бу мартабадан чўчима. Бировлар мартаба билан туғилдилар, бошқалар мартабага заҳмат чекиб эришадилар, яна бировларга мартаба осонлик билан насиб бўлади. Сенинг иқболнинг кулиб турибди. Сен унга тиш-тирноғинг билан ёпишиб ол. Сенга ўз бағрини очиб турган янги шароитга ўрганмоқ учун эса, қиёфангни буткул янгилаб, тамоман бошқа одам бўлиб майдонга кир. Амакимга қўрс бўл, хизматкорларга баланддан кел, давлат арбобидек чуқур мулоҳазалар юритиб, ғайри оддий ҳаракатлар қил. Сенга бу маслаҳатларни бергувчи, ҳасратингда ўртаниб юрган маъшуқангдир. Бир эслаб кўр-чи: сариқ пайпоғингни ким мақтаган эди? Болдирларингдаги боғичларингни кўнданг боғлаб юришингни ҳамиша истагувчи ким эди? Такрор айтаман: эслаб кўр! Дадил бўл! Агар астойдил истасанг, олий мартабага эришасан. Агар истамасанг, умрбод бахт тангрисининг илтифотидан бебаҳра қоласан. Яхши қол. Имзо чекдим — сен билан ўз мавқеини алмаштириш иштиёқида:

БАХТЛИ БЕБАХТ.

Ҳамма гап кундай равшан тортди. Мен ўзимда кибру ҳаво пайдо қиламан, сэр Тобини минг тубан қиламан, ўзимдан пастларни яқинимга йўлатмайман, тиш-тирноғимга қадар ўз мавқеим даражасида бўламан. Энди мени ҳеч ким лақиллатолмайди. Бу мактуб бекам мени севиб қолганига айнан далолат. Тунов куни менинг сариқ пайпоғимни мақтагани, болдирларимдаги боғичларга қойил қолгани эсимда. Бу мактубда эса муҳаббатига иқрор бўлибди, айна вақтда ўз дилига муносиб кийинишимга нозик шама қиляпти. Минг қатла шукурким, бахтим юлдузи чақнади! Ҳа, албатта, ғайри табиий ҳаракатлар қиламан, мағрур бўламан, сариқ пайпоқ кийиб уни болдирларимда кўнданг боғичлайман! Шон-шарафлар бўлсин сенга, Юпитер! Шон-шарафлар бўлсин сизга, бахтим юлдузлари!.. Э-ҳа, иловаси ҳам бор экан. (Уқийди.)

«Менинг кимлигимни пайқаган бўлсанг керак. Севишингни билдирмоқчи бўлсанг ҳар кўрганда жилмаявер. Жилмайишинг ҳуснингга ҳусн қўшади. Шу сабабдан, азивим, севгилим, мени кўрдинг дегунча жилмаявер!»

Тангрига минг қатла шукурлар бўлсин! Албатта жий-  
маяман, албатта, айтганларингни бажо қиламан! (Кетади.)

Ф а б и а н. Агар эронийлар шоҳи, менга, ўн минг на-  
фақа тўлайман, деса ҳамки, ҳозирги томошанинг лаззати-  
дан воз кечмасдим.

С э р Т о б и. Шуни ўйлаб топган қизга уйланишга  
тайёрман.

С э р Э н д р ю. Мен ҳам тайёрман.

С э р Т о б и. Тағин битта шунақа эрмак ўйлаб чиқар-  
са, мен ундан сеп ҳам сўрамайман.

С э р Э н д р ю. Мен ҳам.

Ф а б и а н. Ана, аҳмоқларни тузоққа илнтирадиган  
бебаҳо гўзалимиз келяпти!

М а р и я киради.

С э р Т о б и. Хоҳла, мени курси қилиб миниб ол...

С э р Э н д р ю. Мени ҳам.

С э р Т о б и. Хоҳла, эркимни сенга бой бериб, қулинг  
бўлай...

С э р Э н д р ю. Мен ҳам.

С э р Т о б и. Сен уни шунақа каловлатиб қўйдингки,  
кўзи очилганда жинни бўлиши турган гап.

М а р и я. Рост айтинглар: унга сал-пал таъсир қил-  
дими?

С э р Т о б и. Ароқ ичган доядай маст бўлди-қолди.

М а р и я. Агар сочган уруғларимизнинг қандай униб  
чиқишини кўрмоқчи бўлсангизлар, унинг графинямиз билан  
биринчи учрашувидан кўз-қулоқ бўлиб туринглар. У сариқ пайпоқ кийиб киради, графинянинг сариқ рангни  
ёмон кўриши ҳаммага маълум, у боғичларни кўндаланг  
боғлаб олади, графинянинг эса бунга тоқати йўқ, у бўлар-  
бўлмасга тиржаяверади, бунинг оқибати нима бўлишини  
биласизлар. Ким шу томошадан қолмай деса, мен билан  
юрсин.

С э р Т о б и. Бунақа шайтон қиз билан жаҳаннамга  
хам кетавераман. Сен билан дўзах эшигигача бораман, эй  
фаросатнинг тенгсиз иблиси!

С э р Э н д р ю. Мен ҳам!

Кетадилар.

П А Р Д А

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Виола ва ноғора кўтарган Қизиқчи кирадилар.

Виола. Сенга ва сенинг музикангга тангри ёр бўлсин, оғайни! Ногоранг соясида қандай яшаб юрибсан?

Қизиқчи. Мен, афандим, черков соясида яшаб турибман.

Виола. Э, руҳониймисиз?

Қизиқчи. Йўқ, ундай эмас, черков соясида яшаб турибман деганимнинг маъноси шуки, ўз уйимда яшаб турибман, менинг уйим эса черковнинг биқингинасида.

Виола. Бунақада, довдир қизиқчиси бўлгани учун қирол қизишиб довдираб қолди, биқинида ноғора чалганим учун черков ноғорамга ўйнапти, десанг ҳам ажаб эмас.

Қизиқчи. Ҳақ гап, афандим. Заб замонлар келди-да! Ҳар қандай яхши сўзнинг бирпасда астар-пахтасини ағдариб ташлашади.

Виола. Ҳа, гапинг тўғри. Кимки сўзни ўйин қилса, кейин ўша сўз кўча-кўйга ўйин бўлиб кетади.

Қизиқчи. Шу сабабдан ҳам афандим, менга қолса, синглимга от қўймасдим.

Виола. Нега энди?

Қизиқчи. Чунки от ҳам — сўз: оти оғизга тушса, кўча-кўйга гап-сўз бўлиб кетади. Дарҳақиқат, сўзларнинг қўл-оёғига кишан урилгандан бери улар разиллашиб кетди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шекспир даврида қирол цензураси сўз эркинлигини тақиқ этганига ишора.

В и о л а. Фикрингни исбот қил!

Қ и з и қ ч и. Ростимни айтсам, афандим, фикримни исбот қилиш учун сўз ишлатишим керак, аммо сўзинг сийқаси чиққан бир пайтда фикримни унинг ёрдамида исботлагим келмайди.

В и о л а. Қувноқ табиатли боқибегам эканинг кўри-ниб турибди.

Қ и з и қ ч и. Йўқ, афандим, мен унчалик беғам эмасман, лекин виждон ҳаққи, сизнинг ғамингизни ейман. Сиз, афандим, шуни беғамлик деб билсангиз, бу ердан беғамгина кўтарилишингизни истардим.

В и о л а. Сен графиня Оливиянинг тентаги эмасмисан?

Қ и з и қ ч и. Йўғ-э, афандим, графиня Оливиянинг ҳали тентакка иши тушган эмас. То эрга тегмагунча ёнида тентак бўлмайди. Тентак билан эринг ўртасидаги фарқ эса, хўтик билан эшик ўртасидаги фарқча, эр хўтиктан каттароғи. Мен графинянинг тентаги эмас, сўзамолиман.

В и о л а. Мен сени яқинда герцог Орсинонинг саройида кўрган эдим.

Қ и з и қ ч и. Тентаклик, афандим, худди офтобга ўхшайди. Дунё кезиб, нур сочгани сочган. У вақт менинг маликам атрофида айланиб, сизнинг герцогингиздан нурни аясам, адолатсизлик бўлур эди. Дарвоқе, мен жанобларини ўша ерда кўрганмидим?

В и о л а. Агар сен мени эрмак қилмоқчи бўлсанг, кетганим маъқул. Ма, ол! *(Пул беради.)*

Қ и з и қ ч и. Омин, Юпитер сенга навбатдагилар қаторида соқол-мўйлов ато қилсин.

В и о л а. Ростини айтсам, ўзим ҳам шунга орзумандаман, *(четга)* лекин бир камим шу эди.— Беканг уйдаими?

Қ и з и қ ч и. Афандим, агар буни жуфт қилсак, ўзидан кўпаярмиди, дейман-да?

В и о л а. Ҳа, уларни қўшиб ишга солинса, кўпаяверади.

Қ и з и қ ч и. Чиндан ҳам, афандим, мана бу Троилга Крессидани қўшмоқ учун фригиялик Пандар ролини ўйнашга тайёрман.

В и о л а. Муддаонгни тушундим: сен тилаб олишга уста экансан.

Қ и з и қ ч и. Умид қиламанки, сиздан тиланчини тилаб оламан. Крессиди ҳам тиланчи бўлган-да. Графиня уйда, афандим. Мен унга сизнинг қаердан келганингизни айтаман. Кимлигингизу мақсадингиз нима эканлиги фа-

қат самога аён, табиатга дердиму, бу сўзнинг сийқаси чиқиб қолган. (Кетади.)

Виола. Оёқларим мени қанчалик тушунса, мен сизнинг сўзларингизни шунчалик тушунапман.

Сэр Тоби. Мен, кираверинг, демоқчиман, афандим.

Виола. Сўзингизга иш билан жавоб бераман, яъни кираман. Аммо биз кеч қолдик.

Оливия билан Мария кирадилар.

Гўзаллар маликаси, мафтунлар паноҳи, марҳаматли графиня! Само бошингизга гуллар атрини нисор этсин!

Сэр Эндрю. Бу йигитча саройнинг зийнати бўлиши мумкин. «Гуллар атрини нисор этсин!» Ажойиб ибора!

Виола. Келишдан муродим шуки, бунинг изҳорини, бекамнинг малоҳатли, шафоатли қулоқларигина эшитишга нойилдир.

Сэр Эндрю. «Гуллар атри», «Малоҳатли», «Шафоатли» — шу учаласи хотирамда ҳамиша шай туради.

Оливия. Боғ эшигини ёпинглар. Унинг арзини эъти-тишимга ҳеч ким халал бермасин.

Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Мария кетадилар.

Оливия

Менга қўлингизни беринг, афандим.

Виола.

Хизматингизга тайёрман.

Оливия

Исмингиз?

Виола

Цезарио, гўзал маликам,  
Хизматкорингизман.

Оливия

Сиз — хизматкорим?

Тилёгламаликка одамлар ҳурмат —

Деб ном берган кундан буён дунёмиз  
Шодликни тарк этди. Сиз менинг эмас,  
Балки Орсинонинг хизматкорисиз!

В и о л а

У сизга хизматкор,  
мен эса унга,  
Хизматкорингизнинг хизматкорлари  
Сизга ҳам хизматкор бўлишга мажбур.  
Бу чин, графиня.

О л и в и я

Мен уни асло  
Ўйламайман. Унинг ўйлари эса,  
Менга банд бўлгандан кўра, яхшиси —  
Тахти бузилмаган оқ қоғоз бўлсин.

В и о л а

Графиня, сизнинг ҳузурингизга,  
Келишдан мақсадим — хаёлингизни  
Сизга мафтун бўлган юракка буриш...

О л и в и я

Афв этинг ва шуни яхши билингки,  
Ундан сўз очишни тақиқ этганман.  
Агар бўлса бошқа илтимосингиз,  
Мен уни самовий мусиқийдан ҳам  
Аълороқ тинглайман.

В и о л а

О, графиня...

О л и в и я

Бир лаҳза сабр қилинг! Ўтган гал, мени  
Тамом мафтун этиб кетган чоғингиз  
Орқангиздан узук юборган эдим,  
Бу билан ўзимни, хизматкоримни

Албатта, сизни ҳам алдадим. Балки,  
Шундай бир уят иш қилиб, ўзимнинг  
Буюмимни сизга берганим учун  
Мендан кулгандирсиз. Айтинг, ўшанда  
Бошингизга қандай хаёллар келди?  
Балки, ўйларингиз, таъналарингиз  
Ҳиссиз қалбдан чиққан найзалар каби  
Менинг номусимни нишонга олиб,  
Кетма-кет отилиб кетгандир. Ростми?  
Дилим устидаги кўкрак қалқонмас,  
Балки нозиккина ҳарир бир парда,  
Сизнинг ақлингиздек зийрак ақлга  
Мен ўзимни буткул кўрсатиб қўйдим.  
Айтинг: сиз нима деб ўйладингиз?

В и о л а

Мен

Сизга ачинаман.

О л и в и я

Бу — муҳаббатга

Бир қадам.

В и о л а

Ундоғмас, маликам. Ахир,  
Ҳаттоки ёвларга ачинишимиз.  
Ҳаммага аён-ку!

О л и в и я

Эвоҳ, мен яна  
Табассум қилишим лозим. Гадога  
Қувониши учун дунё керакмас!  
Кимки ўлжа бўлмоқ истаркан, бўри —  
Тишидан арслоннинг тирноғи афзал!

Соат занг уради.

Аммо соат занги вақтнинг беҳуда  
Ўтаётганидан огоҳ этади.  
Асло ташвишланманг, йигитча, менга  
Сиз керак эмассиз, лекин вақт келиб



Ёшлик ва ақлигиз Рамола топади,  
Ушанда севимли рафиқангизга  
Гузал эр бўласиз. Энди, йигитча,  
Сиз ғарбга кетасиз, мен бошқа ёққа.

В и о л а

Ғарбга бўлса ғарбга! Тангридан сизга  
Соғлиқ, ишингизга ривож тилайман!  
Герцогимга нима жавоб бўлади?

О л и в и я

Тўхта... Айт-чи, мени ким деб ўйлайсан?

В и о л а

Сиз бир одамсизу, лекин ўзингиз  
Ўзингизни бошқа дейсиз.

О л и в и я

Ростданми?

Мен ҳам сизни худди шундай биламан!

В и о л а

Хаго қилмадингиз, графиня, мен —  
Асли мен эмасман!

О л и в и я

Оҳ, кошкийди сен

Мен истаган бўлиб чиқсанг!

В и о л а

Мабодо

Бундан ҳам яхшироқ бўлсам, розиман.  
Ҳозир эса сизга мен қизиқчиман.

О л и в и я

О, унинг ғазабга, нафратга тўла  
Лабларидан томган мазахларида  
Бир дунё нафосат ва назокат бор!

Биз жиноятимиз ёпиб кетсак ҳам  
Дил ҳаяжонини яширолмаймиз.—  
Цезарио, гулгун баҳорим ҳақи,  
Ростлигим, софлигим ҳақи дилимдан  
Онт ичиб айтаман, мен сени севдим.  
Буни яширишга ожизман. Аммо  
Мени банд этганинг ғуруринг билан  
Қайсарлик қилмагил, бағри тош бўлма.  
Гарчанд жон чекмасдан жонона йўқдир,  
Лекин менга ишон: бир кўришдаёқ  
Жўшган ишқ саодат бағишлай олур.

### В и о л а

Онт ичаман, менинг юрагимнинг ҳам  
Пок туйғу, мусаффо номуси кўркам.  
Аммо унга хотин бўлмайди эга,  
Гарчанд биттаси бор, ёқади менга.  
Хайр, графиня! Бугундан бошлаб  
Ишқ элчиси бўлиб келмайман бошқа.

### О л и в и я

Орсино номидан бўлса ҳам бир бор  
Яна кел, севгидан сўзлагил такрор!

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

О л и в и я н и н г у й и.

С э р Т о б и, с э р Э н д р ю в а Ф а б и а н к и р а д и л а р.

С э р Э н д р ю. Худо ҳаққи, энди бу ерда бир дақиқа  
ҳам қолмайман.

С э р Т о б и. Нега энди, марҳаматли тажанг дўстим?  
Нега энди?

Ф а б и а н. Бизга сабабини албатта айтишингиз ке-  
рак, сэр Эндрю.

С э р Э н д р ю. Сабаби шуки, мен жиянчангнинг боғ-  
даги шакарғуфторлигини кўрдим. У герцогнинг хизмат-  
корига қилган муомаласини менга ҳеч қачон қилган эмас.  
Ўз кўзим билан кўрдим.

Сэр Тоби. Уша пайтда у сени кўриб турганмиди, дўстгинам?

Сэр Эндрю. Ҳозир мен сизларни кўриб тургандай аниқ кўрди.

Фабиан. Шунинг ўзи сизни қанчалик севишини исботлаб турибди.

Сэр Эндрю. Хўш, сизлар мени мияси йўқ эшак, деб ўйлаяпсизларми?

Фабиан. Мен бутун ақлиму фаросатимни жамлаб, сўзим тўғрилигини исбот қиламан.

Сэр Тоби. Сенинг ақлигу фаросатинг Нуҳ тўфонда қолишидан илгарийёқ шунақа ўткир бўлган.

Фабиан. Графинянинг у йигитча билан сизнинг кўз олдингизда шунақа нозик муомала қилишидан мақсади — қалбингизда мудраб ётган мардликни уйғотиш, кўкрагингизга ўт ёқиш, жигарингизни жаҳаннам алангасида сўхта қилишдан бошқа нарса бўлмаган. Сиз уларга яқин бориб, ҳали қолипдан кўчмаган ўткир сўзларингиз билан ўша йигитчанинг забонини қулфлаб ташлашингиз мумкин эди! Сиздан улар ана шуни кутишган. Сизни ро-са латта дейишибди-да, э аттанг, тасодиф сизни дуч қилган экану қўлдан чиқариб юборибсиз-да. Энди графиня сизни назаридан шимолга қочириб юборади. Токи, ҳақиқий ботирлик кўрсатиб ёки ўткир сиёсатчи эканлигингизни исбот қилиб, йўл қўйган хатоингизни тузатмагунингизча ўша шимолда голландияликнинг соқолига ёпишган сумалакдай осилиб тураверасиз.

Сэр Эндрю. Агар иш шу даражага борган бўлса, ботирлик кўрсатаман, чунки сиёсатга тоқатим йўқ. Менимча, сиёсат билан шуғуллангандан кўра пуритан бўлган яхшироқ.

Сэр Тоби. Ундай бўлса, бахтингни мардлар майдонида синаб кўрамиз. Герцогнинг элчисини дуэлга чақириб, ўн бир ерига қилич суқасан. Бу хабарнинг менинг жиянчамга етиб бориши турган гап. Мен сени ишонтириб айтаманки, сени хотин кишига мақташда дунёдаги ҳеч бир қўшмачи ботирлик бобидаги шон-шухратчалик хизмат қила олмайди.

Фабиан. Бошқа чора йўқ, сэр Эндрю.

Сэр Эндрю. Сизлардан қайси бирингиз менинг даъватномамни унга олиб борасиз?

Сэр Тоби. Бор, даъватномангни қўпол ҳарфлар билан қисқа, лекин ўткир тилда ёз. Чиройли ёзаман деб

уринма, маъноси ич-ичини тешиб юборадиган бўлсин. Уни сиёҳ етган қадар ҳақоратла. Кўп эмас, учтагина ҳалигидақа сўздан ишлатсанг ҳам майли. Ҳар биттаси Уэр сўрисидай келадиган ёлғон-яшиқни қоғозга сиққанча тўқийвер: Кўпроқ қалампир қўшавер. Ғоз пати билан ёзсанг тагин яхшироқ. Бошла!

С э р Т о б и. Биз *subiculo*<sup>1</sup> томон кетдик. Қани, шошил.

С э р Э н д р ю кетади.

Ф а б и а н. Бу одам сиз учун қимматлими, сэр Тоби?

С э р Т о б и. Аксинча, мен унга қимматга тушдим, камида икки минг сарфлади.

Ф а б и а н. У ҳозир зўр хат ёзади. Аммо сиз уни олиб бориб бермасангиз керак-а?

С э р Т о б и. Олиб бориб бераман. Сен герцогнинг йигитчасини гапга сол, тезла. Менимча, уларни ҳўкизининг шохига арқон боғлаб судрагандек судраганда ҳам бир-бирига рўпара қилиб бўлмайди. Сэр Эндрю ҳақида шуни айта оламанки, агар унинг қорнини ёриб, жигаридан бурганинг нонуштасига етарли қон топсалар, қолганини ўзим ейишга тайёрман.

Ф а б и а н. Аммо герцогнинг йигитчаси ҳам, ташқи қиёфасига қараганда ювошгина бир нарса бўлса керак.

М а р и я киради.

С э р Т о б и. Ана, булбулчамиз ҳам учиб келди.

М а р и я. Агар, кула-кула ичагим узилсин десанглар, мен билан юринглар. Тентак Мальволио бинойидеккина мажусий бўлди қолди. Жонидан умиди бўлган ҳеч бир христианнинг кўзи бунчалик кўр бўлиб, мияси бунчалик айнамайди. У ҳалитдан сариқ пайпоқда юрибди.

С э р Т о б и. Боғичини ҳам кўндаланг бойлагандир?

М а р и я. Бутхона мактабининг муаллимидай жинни бўлди қолди. Мен унинг кетидан худди қотил каби изманз юриб кузатдим. Хатда ёзган нарсаларимнинг ҳаммасини бекам-кўст бажо келтирибди. Тиржайишидан юзида пайдо бўлган тиришлар иккала Ҳиндистон харитасидаги ҷивиклардан ҳам кўп. Сиз бунақа масхарани умрингизда қўрмагансиз. Қўлим қичиб, тош отиб бошини ёришдан ўзимни базўр тутиб қолдим. Графинядан тарсаки ейиши

<sup>1</sup> Латинча — ётоқ.

турган гап. Аммо у тентак бу тарсакини ҳам алоҳида ил-  
тифот деб қабул қилади.

Сэр Тоби. Кетдик! Қани, ўша ерга бошла!

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Кўча.

Себастьян билан Антонио кирадилар.

Себастьян

Ташвишга қўймоқчи эмасдим сени,  
Модомики, ўзинг шуни истабсан,  
Майли, ёнимда қол, таъна қилмайман.

Антонио

Сени ёлғиз ташлаб кета олмадим,  
Пўлат тигидан ҳам ўткир истагим  
Сен кетган томонга мени ундади.  
Гарчанд шу кифоя бўлса ҳам, бироқ,  
Бошқа бир андиша сени ахтариб,  
Албатта топишга мажбур этди. Бу —  
Бегона бир юртда сарсон кезишинг,  
Балки андишанинг ташвиши эди.  
Бу юртда на дўстинг, на йўлдошинг бор.  
Демак, сенга бу юрт саҳродек бир гап.  
Сенга муҳаббатим бунга қўшилиб,  
Жадал етиб келдим.

Себастьян

Ташаккур сенга,  
Азиз Антонио, меҳрибон дўстим.  
Дилдан айтадиган жавобим битта:  
Ташаккур, ташаккур, яна ташаккур.  
Бундай яхшиликка тангалар бериш  
Одат бўлиб қолган, бу арзимаиди.  
Хамёним олтинга тўла бўлса ҳам,  
Урнига жонимни берардим шу он.  
Хўш, нима қиламиз? Шаҳарга бориб,  
Едгорликларини кўрайликми?

А н т о н и о

Йўқ,  
Буни эртагача қолдириб, аввал,  
Тузукроқ бошпана топиш маъқулроқ.

С е б а с т ь я н

Мен ҳеч толганим йўқ, тун ҳали узоқ,  
Илтимос, кўзларни қувонтирайлик:  
Шаҳарнинг муҳташам биноларини,  
Едгорликларини кўрамиз.

А н т о н и о

Кечир,  
Кўчада юришим жуда хатарли.  
Герцог кемалари билан денгизда  
Қаттиқ жанг қизиган чоғда мен унга  
Қалтисроқ бир хизмат қилиб қўйгандим.  
Қўлга тушсам, омон қолишим гумон.

С е б а с т ь я н

Қанча одамини қиргансан?

А н т о н и о

Гарчанд  
Жанг ўрни ва ўша қаттол тўқнашув,  
Ҳар қанча қиронга қулай бўлса ҳам,  
Мен қон тўкмаганман. Албатта, бизлар  
Тортиб олган буюм пулини тўлаб,  
Жанжални бартараф қилса бўларди.  
Чиндан ҳам, кўпчилик ҳамшаҳарларим  
Тижоратни ўйлаб, шундай қилишди.  
Фақат мен кўнмадим. Хуллас, мабодо  
Қўлга туширсалар мени бу ерда,  
Қасос олишлари турган гап.

С е б а с т ь я н

Унда  
Кўчаларда очиқ юрма.

А н т о н и о

Қоламан.

Ма, менинг ҳамёним, дўстим. Уйни ҳам  
Шаҳарнинг жанубий чеккасидан ол.  
«Фил» деб аталувчи меҳмонхонада  
Овқатга кутаман. Кетдим. Сен эса,  
Шаҳарни айланиб, лаззатлан, зотан  
Вақтни ўтказишнинг яхши йўли шу.  
«Фил»да учрашамиз.

С е б а с т ь я н

Нега пул бердинг?

А н т о н и о

Агар бирор нарса кўриниб қолса,  
Оларсан, қийналиб юрма. Ёнингда  
Пулинг йўқлигини биламан.

С е б а с т ь я н

Бўпти,

Шу ондан мен сенинг хазиначингман,  
Хайр!

А н т о н и о

Демак, «Фил»да.

С е б а с т ь я н

Етиб бораман,

Кетадилар.

## ТУРТИНЧИ САҲНА

О л и в и я н и н г б оғ и.

О л и в и я билан М а р и я кирадилар.

О л и в и я

Уни чақиришга одам юбордим,  
Келса, қандай кутай, нималар берай!

Ешлик ўч бўлади совға-саломга!—  
Гапимни бошқалар эшитсалар-а!—  
Мальволио қани? Ҳар қадамида  
Улуғлик, тантана. Менга бу ишда  
У мадад беради. Аммо у қани?

М а р и я. У келяпти, графиня. Лекин афт-ангорини  
кўрган киши қўрқади: у эсидан озганга ўхшайди, бекам.

О л и в и я. Унга нима бўлди? Жазаваси тутяптими?

М а р и я. Билмадим, графиня, у нуқул илжайди. У  
кирганда ёнингизда бирор одам бўлгани маъқул.

О л и в и я. Уни чақириб кел.

М а р и я кетади.

Мабодо одамни тарк этса ақли,  
Шодлигу қайғунинг бўлмайди фарқи.

М а р и я Мальволиони бошлаб киради.

Аҳволинг қалай, Мальволио?

М а л ь в о л и о (илжайиб). Гўзал графиня! Э-ҳе-ҳе!

О л и в и я. Нега илжайсан? Мен сени жиддий бир иш  
билан чақирдим.

М а л ь в о л и о. Жиддий иш билан дейсизми, графиня?  
Менинг жиддий бўлишим мумкин албатта, сабабки,  
болдирларимдаги бу кўндаланг боғичлар томирларимдаги  
қонни тўхтатиб, қуюқлаштиради. Мабодо менинг са-  
лобатим баъзи бировларга ёқса, мен ажойиб бир қўшиқни  
такрор этаман:

«Атрофингда, жонона,  
Бўлай доим парвона».

О л и в и я. Сенга нима бўлди, Мальволио? Эсинг жо-  
йдаими?

М а л ь в о л и о. Менинг пайпоғим сариқ бўлса ҳам  
кўнглим қора эмас. Хат қўлимда. Унда берилган масла-  
ҳатларни бекам-кўст бажо келтираман. Мана бу нозик  
румий ҳуснихат менга кўпдан буён таниш.

О л и в и я. Бор, кириб ёта қол, Мальволио!

М а л ь в о л и о. Ёта қол?! Хўп, жонгинам, ётоғинга  
кираман.

О л и в и я. Тангри сени асрасин! Нега яккаш илжай-  
сан? Нега ҳадеб қўлингни ўпасан?

М а р и я. Соғлигингиз қалай, Мальволио?



Мальволио Э, сиз ҳам савол бердингизми? Билингики, булбуллар зоғлар билан сўзлашмайдилар.

Мария. Нега сиз графиня ҳузурида бунақа бачкана қилиқлар қиялпсиз?

Мальволио. «Сен бу мартабадан чўчима» — хатда худди шундай ёзилган.

Оливия. Бу нима деганинг, Мальволио?

Мальволио. «Бировлар мартаба билан туғиладилар...»

Оливия. Эвоҳ!

Мальволио. «Бошқалар мартабага заҳмат чекиб эришадилар...»

Оливия. Нималар деяпсан, ўзинг?

Мальволио. «Яна бировларга мартаба осонлик билан насиб бўлади»...

Оливия. Ё тангри, ўзинг шифо бер!

Мальволио. «Бир эслаб кўр-чи: сариқ пайпоғингни ким мақтаган эди...»

Оливия. Менинг сариқ пайпоғимни?

Мальволио. «Болдирларингдаги боғичларингни кўндаланг боғлаб юришингни ҳамиша истагувчи ким эди?...»

Оливия. Кўндаланг боғичларимни?

Мальволио. «Дадил бўл! Агар астойдил истансанг, олий мартабага эга бўласан».

Оливия. Олий мартабага эга бўламан?

Мальволио. «Агар истамасанг, умрбод аянчли малай бўлиб қолаверасан».

Оливия. Ростакан жинни бўпти!

Хизматкор киради.

Хизматкор. Маликам, герцог Орсинонинг йигитчаси яна келди. Эшикда кутиб туришга базўр кўндирдим. У фармонингизга мунтазир.

Оливия. Ўзим олдига чиқаман.

Хизматкор кетади.

Азизим, Мария, мана бу одамга кўмаклаш. Амаким қаёқда? Одамларимдан бири Мальволионинг хизматида бўлсин. Унинг бирор фалокатга йўлиқишини сира ҳам истамайман.

Оливия билан Мария кетадилар.

М а л ь в о л и о. Ана! Энди билдингизларми, менинг кимлигимни? Бошқаларни қўяверинг, ҳатто сэр Тоби энди менинг хизматимда. Худди мактубда айтилгандек, мен сэр Тобига қўрс муомала қилишим учун маликам уни менинг хизматимга беряпти. «Тамом бошқа одам бўлиб майдонга кир,— дейилган мактубда.— Амакимга қўрс бўл, хизматкорларга баланддан кел, давлат арбобидек чуқур мулоҳазалар юритиб, ғайри оддий ҳаракатлар қил». Би-  
нобарин, илова қилиб ёзадики, мен давлат арбобига хос салобатли бўлишим, виқор билан юришим, босиқ гапири-  
шим лозим ва ҳоказо. Ҳа, қўлга тушдингми, жонгинам! Албатта бу — тангри инояти, шу сабабдан оллоҳга минг қатла шукур! Кета туриб айтган сўзларини қаранг: «Бу одамга кўмаклаш». Ҳа, одамга! Мальволиога эмас, эшик оғасига эмас, одамга! Ҳа, булар жами омаддан далолат бериб турибдики, бунга заррача ҳам шубҳа бўлиши ёки бу йўлда зигирча ҳам гов бўлиши мутлақо мумкин эмас. Қандай шубҳа бўлиши мумкин? Мен билан мўлжалга ол-  
ган нишоним ўртасида ҳеч қанча масофа йўқ. Бу борада мен бир ожиз бандаман, бу иқбол — фақат ва фақат танг-  
рининг илтифоти. Ҳазор ва ҳазор шукурлар бўлсин сен-  
га, ё парвардигор!

М а р и я с э р Т о б и билан Ф а б и а н н и бошлаб киради.

С э р Т о б и. Худо ҳаққи, айтинглар, у қаёқда? Жа-  
ҳаннамнинг барча алвастилари, иблисларининг жами лаш-  
карлари унинг ичига қамалиб олган бўлса ҳам, гаплашиб  
кўраман!

Ф а б и а н. Ана у! Ана у! Сизга нима бўлди, тақсир?  
Эе-ҳушингиз жойидами, муҳтарам зот?

М а л ь в о л и о. Кетаверинглар, сизларга жавоб. Ме-  
нинг хилватда кайф суришимга халал берманглар, жў-  
нанглар!

М а р и я. Қулоқ солинглар-а: ичида шайтон гўнғил-  
лаяпти! Сизларга айтиб эдим-а! Сэр Тоби, графиня сиз-  
дан унга кўмаклашишни илтимос қилди.

М а л ь в о л и о. Ҳа-ҳа! Ростдан-а?

С э р Т о б и. Жим, жим туринглар! Унга нозик муо-  
мала зарур. Қани, четга чиқинглар. Хўш, Мальволио, сенга  
нима бўлди? Кайфиятинг қалай? Шунини яхши билки, дўс-  
тим, иблис — инсоннинг душмани, уни даф этмоқ даркор.

М а л ь в о л и о. Калима келтиринглар-э!

Мария. Ана, кўрдингизми, шайтонни ёмонлаганингизда, бунинг жини кўзияпти. Э худо, тагин буни жинлар чалиб кетган бўлмасин.

Фабиян. Уни фолбинга ўқитиш керак.

Мария. Эртага эрталабоқ кўчириқ қилинглар. Графиня бундан жудо бўлишни асло истамайдилар.

Мальволио. Бу нима деганингиз, қизча?

Мария. Ё тангрим!

Сэр Тоби. Бас, бас-э! Бошқа бир чора топиш зарур. Гапларингиз унинг жаҳдини чиқараётганини сезма-япсизларми? У билан мени холи қолдиринглар.

Фабиян. Юмшоқ гапир, шайтоннинг жаҳли тез, сал нарсага хуруж қилади.

Сэр Тоби. Хўш, жўжагинам, ишлар қалай? Тирикчилик қалай, хўрозчам?

Мальволио. Афандим!

Сэр Тоби. «Бригитта, кел, кел!» Йўқ, тақсир, иблис билан ўйнашиш ҳар кимга ҳам ярашавермайди. Куф-куф, алвасти!

Мария. Марҳаматли сэр Тоби, сиз уни дуо ўқишга мажбур қилинг, чўқинтиринг.

Мальволио. Мен чўқинаманми, маймунча!

Мария. Ана, гапим тўғри чиқди: у худодан юз ўгирган.

Мальволио. Ҳа, дорга осилгурлар! Муттаҳамлар! Паст махлуқлар. Мен тенгингиз эмасман! Ҳали кимлигимни кўриб қўясизлар! (Кетади.)

Сэр Тоби. Хўш, қалай?

Фабиян. Агар бу ҳангомани саҳнада кўрсатилса, аввало, мен ўзим, уйдирма, деб ишонмасдим.

Сэр Тоби. Ҳазилимиз юрагини заҳарлабди.

Мария. Ҳазилимизнинг заҳри кетгунча унинг кетидан қолманглар.

Фабиян. Биз уни жинни қилиб қўймасак дейман.

Мария. Уни жиннихонага олиб кетишса, уй тинчийди.

Сэр Тоби. Юринглар, уни омборга қамаймиз. Унинг телбалигига жияним аллақачон ишонган. Биз ҳавилимизни ўзимизча давом эттириб, жонимизга теккунча маза қилаверамиз. Кейин унга шафқат қилиб қўйиб юборсак ҳам бўлади: аммо бу ишни қонуний бажарамиз. Сенга, Мария, жиннини тутиб берганинг учун мукофот берамиз. Э, ана у ёққа қаранглар!

Сэр Эндрю киради.

Ф а б и а н. Тағин битта наврӯз Ҳангамаси!  
С э р Э н д р ю. Мана, даъватнома тайёр, ўқинглар!  
Чамамда сирка билан қалампирдан етарли қўшдим.

Ф а б и а н. Жуда ўткир бўпти-да!

С э р Э н д р ю. Онт ичаман, заҳар, ўқинглар-а!

С э р Т о б и. Бу ёққа чўз! (Ўқийди.) «Йигитча! Сен ким бўлсанг ҳам, барибир итваччасан!»

Ф а б и а н. Ҳам нозик, ҳам дадил!

С э р Т о б и. «Буни ўқиб, сенга нега шундай лақаб берганимга ич-ичингдан ҳайрон бўлма, сабабини барибир айтмайман».

Ф а б и а н. Илмоғи зўр! Йўқ нарсани бор деб бўлмайди-да!

С э р Т о б и (ўқийди). «Сен графиня Оливия ҳузурига келиб менинг кўз олдимда уни аврадинг. Ҳамма гапинг қип-қизил ёлғон. Аммо сени чақираётганимнинг сабаби бу эмас».

Ф а б и а н. Жуда лўнда, лекин ўлгудек маъносиз!

С э р Т о б и (ўқийди). «Сен уйингга қайтаётганингда мен йўлингни тўсаман ва агар сен мени ўлдириш бахтига сазовор бўлсанг...»

Ф а б и а н. Зўр!

С э р Т о б и (ўқийди). «...демак, сен муттаҳам, аблаҳ, қотил экансан».

Ф а б и а н. Ўзингни четга олиб қочибсан.

С э р Т о б и (ўқийди). «Кўришгунча хайр, тангри иккаламиздан биримизнинг арвоҳимизни қўлласин. У менинг арвоҳимни қўллаши ҳам мумкин, аммо менинг умидим сенинг арвоҳингдан. Хулласи калом, кўзингни оч! Мени қандай кутиб олишингга қараб — ё сенинг дўстинг, ёки ашаддий душманинг — Эндрю Эгьючик». Уни ичига ўқдори тўлдириб ҳам портлатиб бўлмайди. Бўпти, хатни топшираман.

С э р Т о б и. Бор, сэр Эндрю, уни боғнинг бурчагида худди жосусдай пойла. Кўринди дегунча қиличингни яланғочла-ю, етти пуштини бошлаб сўкавер. Кўпинча ботир ботир бўлмай, пайтида бақириб сўкишни болаганлар ботир бўлади. Жўна!

С э р Э н д р ю. Сўкишни болайман-а!! (Кетади.)

С э р Т о б и. Хатни бериб бўпман. Итвачча қадам олишига қараганда анча эсли, одобли бўлса керак. Герцог Орсино билан менинг жияним ўртасида элчи бўлиб юргани ҳам шуни тасдиқлайди. Шу сабабдан хатни фаро-

сатсиз бир эшак ёзганини дарров пайқаб, қилча ҳам қўрқмайди. Яхшиси, мен унга масалани оғзаки тушунтираман. Эндрюнинг ботирлигини кўкларга кўтариб мақтайман, уни абжир, ўт, қаттол, деб йигитчанинг миясига роса қуяман. У ёш бўлгани учун бу сафсатага лаққа тушади. Бу муболағалар икковини шунақа даҳшатга соладики, улар бир-бирига аждардай ўт сочиб, ташланади.

О л и в и я билан В и о л а кирадилар.

Ф а б и а н. Ана у, жиянингиз билан келяпти. Бу ердан кетайлик. Улар хайрлашди дегунча йигитчанинг ивигига тушамиз.

С э р Т о б и. Вақтдан фойдаланиб, мен ҳам болохонадор сўзлар ўйлаб топаман.

С э р Т о б и, Ф а б и а н ва М а р и я кетадилар.

О л и в и я

Битта тошюракка ҳасратларимни  
Ҳаддан зиёд айтдим. Хавфу хатарга  
Шаъним, номусимни дучор қилдим. Мен  
Бу ожизлигимдан минг пушаймонман.  
Аммо бу ожизлик менга бўйсунмай,  
Маломат устидан аччиқ кулади.

В и о л а

Сизни ўтга солган бу аламли дард  
Куйдиради менинг герцогимни ҳам.

О л и в и я

Илтимос: мана бу олтин туморни  
Тақиб юринг севгим нишонасидай.  
Унда суратим бор, қўрқманг, тили йўқ,  
Сизни қийнамайди, эзмалик қилиб.  
Ёлвориб сўрайман, эртага яна  
Эрталаб бир келинг. Сиз истасангиз,  
Ҳатто жонимни ҳам фидо қилардим.  
Фақат пок сақлайман номус-оримни.

В и о л а

Орсинони севинг — шудир истагим.

О л и в и я

Сизга бағишлаган қалбим, ишқимни  
Наҳот Орсингога бера оламан?

В и о л а

Мен рухсат этаман.

О л и в и я

Хайр. Сен фақат  
Эртага албатта кел. О шум иблис,  
Изингдан дўзахга бораман сўзсиз!

Кетади.

С э р Т о б и ва Ф а б и а н кирадилар.

С э р Т о б и. Саломлар бўлсин, йигитча!

В и о л а. Салом, тақсир.

С э р Т о б и. Ёнингда қанақа қуролинг бўлса ҳам,  
тайёрлаб тур. Сен уни қай йўсинда ҳақорат қилганингни  
билмайман, бироқ сени овчидай кўзига қон тўлган қаттол  
душманинг боғ этагида пойлаб турибди. Қиличингни  
яланғочла! Бўш келма! Душманинг ўта абжир, оғзидан  
ажал ўти сочилиб турибди.

В и о л а. Янглишасиз, тақсир, мен ҳеч кимга озор бер-  
ганим йўқ. Ҳатто қўй оғзидан чўп олганимни ҳам эслай  
олмайман.

С э р Т о б и. Сизни ишонтириб айтаманки, вазият сиз  
ўйлаганинг аксича, агар жон керак бўлса, кўзингизни  
очинг. Устунлик ҳар жиҳатдан душманингиз томонда —  
у ёш, зўр, эпчил, дарғазаб.

В и о л а. Ким ўзи у, тақсир?

С э р Т о б и. У ўз ҳукмдорининг саройида, гилам ус-  
тида дудама тишлик қилич ўпиб баҳодир унвонини олган  
бўлса ҳам, қиличбозликда тенгсиз иблис, шу кунгача ра-  
қибларидан уч кишини жонидан жудо қилган. Шу дақи-  
қада ҳам қаҳрининг зўрлигидан шердай ҳайқариб туриб-  
ди, жони чиқиб мурдаси гўрга кирмагунча шахтидан қай-  
тадиган эмас. Унинг шиори битта: «Ё жонингни бер, ё  
жонимни ол!»

В и о л а. Мен саройга қайтиб, графинядан ҳамроҳлар  
беришини илтимос қиламан. Ўзим дуэль ишқибозларидан

эмасман. Одамларнинг ботирлигини сынаб кўриш учун атайлаб жанжал чиқарувчилар бўлади, деб эшитганман. Балки у ҳам ана шуларнинг биридир?

Сэр Тоби. Йўқ, афандим, унинг сиздан аччиқланишига далили бор. Шу сабабдан — тайёрланинг! Сиз унинг даъватини қабул қилишингиз зарур. Токи мен билан олишмагунингизча бу уйга киритмайман. Яхшиси, сиз у билан олишингиз. Хулласи калом, ё унинг олдига боринг ёки ҳозир қиличингизни яланғочланг. Олишишга мажбурсиз, бу масала равшан. Ё олишасиз, ёки қилич тақиб ҳуқуқидан умрбод маҳрум бўласиз.

Виола. Бу ишингиз ҳурматсизлик бўлиши устига, ақлга ҳам сиғмайди. Илтимос: ўша баҳодирдан сўраб беринг-чи, мен уни нима билан хафа қилиб қўйган эканман? Мабодо хафа қилган бўлсам ҳам, эҳтиётсизлик билан, билмай хафа қилгандирман.

Сэр Тоби. Марҳамат! Синьор Фабиан, сиз бу жанобни қимирлатмай туринг, мен дарҳол келаман. (Кетади.)

Виола. Тақсир, бу жанжалдан сал-пал хабарингиз борми?

Фабиан. Мен фақат шуни биламанки, у баҳодирнинг сизни кўрарга кўзи йўқ ва ҳаёт-мамот учун олишади. Билганим шу.

Виола. Мумкин бўлса айтсангиз, у ўзи қанақа одам?

Фабиан. Важоҳати унча ваҳимали эмас, аммо нечоғлик ботирлигини олишганда биласиз. Чиндан ҳам, бутун Иллирияда энг эпчил, энг хавфли, энг қаттол қиличбоз. Истасангиз олдига борамиз. Мен сизни у билан яраштиришга уриниб кўраман.

Виола. Агар шундай қилсангиз, сиздан ниҳоятда миннатдор бўламан. Мен ботирнинг қиличидан кашининг тасбеҳини афзал кўрадиганлар тоифасиданман. Баҳодир деб ном қозонишга унча ҳавасим йўқ.

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Оливиянинг боғи олдида кўча.

Сэр Тоби ва сэр Эндрю кирадилар.

Сэр Тоби. Э, оғайни, у иблиснинг ўзгинаси чиқиб қолди. Шу ёшга кириб, бунақа қиличбозни кўрмаганман.

Мен у билан шунчаки кучини синаб кўриш учун яқинига бораманми? — Хужумда елдан ҳам тез, чекиниб, ташла-нишда ундан ҳам баттар, оёғи ерга тегмайди, бир сўз билан айтганда — иблис. Уни Эрон шоҳига қиличбозликдан дарс берган дейишади.

Сэр Эндрю. Во шайтон-эй! Йўқ, мен у билан олишмайман!

Сэр Тоби. Аммо уни шахтидан қайтариш қийин. Фабиан уни базур ушлаб турибди.

Сэр Эндрю. О занғар-эй! Мен унинг бунақа қиличбоз, ботирлигини билганимда гашига тегмай, орқасидан сўкиб қўя қолган бўлардим. Уни бир амаллаб кўндир: агар бу ишдан воз кечса, саман тойимни совға қиламан.

Сэр Тоби. Майли, мен унга бу таклифни айтиб кўраман. Сен шу ерда кутиб тур. Бўшашма, қаддингни ростла. Бу ишни қон тўкмай, жон чиқармай тугатамиз. (Четга.) Саман тойингни бўлса, сен эшакни минганимдай маза қилиб миnamан.

Фабиан билан Виола кирадилар.

(Фабианга.) Мен буларни яраштирсам, у отини берадиган бўлди. Йигитчанинг таърифини иблисдан ҳам ошириб юбордим.

Фабиан (Сэр Тобига). Йигитча ҳам баҳодиримиз ҳақида шунақа фикрга бориб қолди. Айиқ қувгандай ранги оқариб, тиззаси қалтираяпти.

Сэр Тоби (Виолага). Ҳеч иш чиқмади, афандим. У, онт ичганман, албатта олишаман, дейди. Жанжалнинг сабабига келганда, буни арзимаган бир нарса деб, фикридан қайтди. Хуллас, уни қасам урмаслиги учун қиличингизни яланғочланг, шикаст етказмасликка сўз берди.

Виола (четга). Э худойим, қанақа эркаклигимни айтиб юборишимга оз қолди.

Фабиан. Агар у қизишиб кетса, орқага чекининг.

Сэр Тоби. Ҳеч иш чиқмади, оғайним Эндрю. Фақат ваъда бериб айтадики, ўртага номус аралашгани учун, дуэль қонунига амал қилади-ю, аммо сенга шикаст етказмайди. Баҳодирлиги номига онт ичиб, шунга сўз берди. Қани бошла!

Сэр Эндрю. Ё, тангрим, ишқилиб сўзида турсинда! (Қиличини яланғочлайди.)



В и о л а (қилични тутиб). Сизни ишонтириб айтаманки, мен бу ишни ўз ихтиёрим билан қилаётганим йўқ.

А н т о н и о гиради.

А н т о н и о

(Сэр Эндрюга)

Шошманг, қинга тиқинг қиличингизни!  
Сизга озор берган бўлса бу йигит,  
Унинг учун мана, мен олишаман.  
Агар сиздан озор етган бўлса, мен  
Сизни чақираман, қани, бошладик.

С э р Т о б и

Афандим, қаёқдан келдингиз, кимсиз?

А н т о н и о

Менми? Дўстлар учун оғизда эмас  
Амалда жонини бергувчиман. Хўш?

С э р Т о б и (қиличини яланғочлайди). Агар шунақа уришқоқ бўлсангиз, мана, хизматингизга тайёрман.

Ф а б и а н. Узингизни босинг, сэр Тоби! Миршаблар келяпти.

И к к и м и р ш а б кириб келади.

В и о л а. (Сэр Эндрюга.) Илтимос, тақсир, қиличингизни қинига солинг.

С э р Э н д р ю. Жуда соз, афандим! Аммо ваъдам — ваъда. Отим совутилган, ювош.

Б и р и н ч и м и р ш а б

Ана у: ўз вазифангни бажар.

И к к и н ч и м и р ш а б

Герцог фармони шу: сиз қамалдингиз.

А н т о н и о

Афандим, бу янглиш.

## Биринчи миршаб

Йўқ, янглиш эмас!  
Гарчанд бошингизда матрос қалпоғи —  
Бўлмаса ҳам, сизни дарҳол танидим.  
Ўзи жуда яхши билади.

Антонио

Бўйсунман.

(Виолага)

Агар мен сизни излаб,  
Кўчага чиқмасам қамалмас эдим.  
Дўстим, иложим йўқ, жавоб бераман!  
Сиз нима қиласиз?

Мен ҳамёнимни  
Қайтариб олишга мажбурман энди.  
Бироқ сизга ёрдам беролмаганим  
Менга қамоқдап ҳам минг марта оғир!  
Сизни хижолатга қўйдим. Начора?  
Хафа бўлманг!

## Иккинчи миршаб

Қани, кетдик, афандим.

Антонио

Уша ҳамёндаги пулнинг ақалли  
Бир қисмини беринг. Мажбурман.

Виола

Ҳамён?

Сиз менинг ёнимни олмоқчи бўлиб  
Ўзингизга чиндан зиён қилдингиз,  
Ҳатто қамалдингиз, шу сабабдан ҳам,  
Ўнтагимда бўлган озгина пулнинг  
Ярмини беришга тайёрман.

Антонио

Тангрим,  
Наҳотки, сиз мсндан, аввал кўрсатган  
Барча хизматимдан воз кечмоқчисиз?  
Ўз дардим етарли. Мени қийнаманг.

Наҳот, хизматимни сизга пеш қилиб,  
Ўзимни юз тубан хўрлашим керак?

В и о л а

Мен сизни биринчи кўриб турибман,  
Хизматларингиздан ҳеч хабарим йўқ.  
Гарчанд нонкўрликдан ёмон нарса йўқ,  
Нонкўрлик ёлғондан, кибру ғурурдан,  
Мастликдан ва қонда қаттол заҳардай  
Яшагувчи жами иллатдан ёмон.

А н т о н и о

О, одил худойим!

И к к и н ч и м и р ш а б

Кетдик, афандим.

А н т о н и о

Шошмай туринг.

Икки оғиз сўзим бор!

Мен шу даврангизда турган йигитни  
Ажалнинг оғзидан тортиб олганман.  
Уни илоҳий бир муҳаббат билан  
Не-не балолардан сақлаб қолганман.  
Гўзал сиймосини ардоқлаганда,  
Қалби ҳам гўзал, деб сиғинган эдим.

Б и р и н ч и м и р ш а б

Бу гапнинг бизга ҳеч алоқаси йўқ,  
Вақтни ўтказмайлик. Бўлди, кетайлик.

А н т о н и о

Фаришта иблисга айлангани шу!  
Себастьян, ўзинг нурли шаънингга  
Учмас доғ туширдинг. Қора юрагинг  
Табиатга иснод келтирди. Афсус,  
Бундай нонкўрликни кўрмаган эдим,  
Яхшилик — гўзаллик тимсоли, аммо  
Ёмонлик дунёда энг хунук нарса.  
Гўзал либосдаги қора дил эса,  
Барча ёмонликнинг энг ёмонидир!

Биринчи миршаб  
Ақлидан озди! Бас! Кетдик!

Антонио

Бошланглар.

(*Миршаблар қушовида кетади.*)

Виола

У ёниб гапирди. Демак, сўзи рост.  
Бу нима, ўнгимми ёки туш холос?  
Оҳ, кошки, армоним ушалган бўлса,  
Акам ҳалокатдан қутулган бўлса!  
Сэр Тоби. Бери кел, баҳодир, сен ҳам, Фабиан, бери кел. Узимизнинг ҳикматли гаплардан гаплашамиз.

Виола

Себастьян деди у мени! Акам  
Менга ўхшаб кетар эди жуда ҳам.  
Кийимларимиз ҳам ўхшарди. Тангрим,  
Марҳаматларингни сезмоқда кўнглим,  
Оҳ, кошки, кўрсайдим азиз акамни,  
Қалбим тарк этарди аччиқ аламни!

(*Кетади.*)

Сэр Тоби. Беномус, пасткаш гўдак! Қуённинг бола-  
сидан ҳам кўрқоқ экан-а! Номуссиз бўлмаса, дўстининг  
бошига кулфат тушганда тониб кетармиди! Кўрқоқлигини  
сен айтиб бер, Фабиан!

Фабиан. Кўрқоқларнинг кўрқоғи экан у аблаҳ!  
Сэр Эндрю. Ҳозир етиб олиб қулогининг тагига  
тушираман!

Сэр Тоби. Қойил! Бор, тушир, аммо қилич ишлатма!

Сэр Эндрю. Шунақа туширайки!..

Фабиан. Юр, уларнинг жангини томоша қиламиз,

Сэр Тоби. Бе, ҳеч қанақа жанг бўлмайди.

Кетадилар.

ПАРДА

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

О л и в и я уйининг олдида.  
С е б а с т ь я н билан Қ и з и қ ч и келадилар.

Қ и з и қ ч и. Хуллас, мени сизга юборишганини бўлмаган гап демоқчимисиз?

С е б а с т ь я н

Бас, тентак! Кимлигинг кўриб турибман.

Бўлди, мени тинч қўй, ишингдан қолма.

Қ и з и қ ч и. Мана буниси қойил! Демак, мен сизни танимайман, графиня ширин суҳбатга чақириб келишга мени юборгани йўқ, сизнинг исмингиз синьор Цезарио эмаф ва бу бурун ҳам менинг бурним эмас? Хуллас, кўриб турган нарсаларимиз аслида йўқ, шундайми?

С е б а с т ь я н

Бошқаларга кўрсат кароматингни!

Биз бир-биримизни танимаймиз, бас.

Қ и з и қ ч и. «Бошқаларга кўрсат кароматингни!» Бу иборани бирорта олий мартабали зотдан эшитиб олиб, энди мен тентакка ишлатяпти. «Бошқаларга кўрсат кароматингни!» Э, иш шундай кетаверса, қўпол дунёмиз нозиклашиб олифтага айланади. Менга қара, қўй, олифталикни йиғиштириб, менга айт: графиняга нима деб каромат қилай, келади дебми?

## Себастьян

Илтимос, кет энди, бедаво махлуқ!  
Мана пул, олу кет, агар кетмасанг,  
Чой пулига бошқа чақа оласан!

Қизиқчи. Онт ичаманки, саховатингга қойилман.  
Аҳмоқларга пул бергувчи донолар қанчалик сахий бўлсалар,  
шунчалик обрў топадилар.

Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Фабиан кирадилар.

Сэр Эндрю. Э, афандим, қўлга тушдингиз! Мана сизга! (Себастьянни уради.)

Себастьян (сэр Эндрюни уради). Мана, жавобини ол! Бу ердагиларга бир бало бўлганми, эсларингиз жойидами?

Сэр Тоби. Қўлингни торт, акс ҳолда, бир зарбда қиличинг асфаласофилинга кетади!

Қизиқчи. Ҳозир графиняга хабар бераман. Тилла берсаларинг ҳам сенларнинг ўрнингда бўлишни истамайман. (Кетади.)

Сэр Тоби (Себастьяннинг ёқасидан олади). Бас қилинг!

Сэр Эндрю. Уни қўй! Узим адабини бераман: ургани учун ишини судга ошираман. Агар Иллирияда адолат бўлса, уни жазога тортади. Биринчи мен урган бўлсам ҳам, бунинг аҳамияти йўқ.

Себастьян. Торт қўлингни!

Сэр Тоби. Йўқ, афандим, осон қутулиб бўлсиз. Қиличингизни қинига солинг, йигитча! Зўр бўлсангиз ҳам, ҳаддингиздан ошманг!

## Себастьян

(Сэр Тобининг қўлидан чиқиб.)

Овора бўласан. Хўш, қалайсан, айт!  
Ё, жўна, ё қиндан қиличингни ол!

(Қиличини яланғочлайди.)

Сэр Тоби. Нима, нима? Баттол қонингдан бир миққол тўкмагунимча совумайсан шекилли? (Қиличини яланғочлайди.)

О л и в и я киради.

О л и в и я. Тоби, тўхта, агар жон керак бўлса!  
С э р Т о б и. Графиня!..

О л и в и я

Қўними йўқ саёқ! Сен қачонгача  
Одамларга озор бериб юрасан?  
Сени тоққа ҳайдаш керак, кимсасиз  
Яланғоч чўққилар оралиғига.  
Ёввойилар билан яшайсан, йўқол!  
Азизим Цезарю, беандишанинг  
Қўрслигидан хафа бўлма!

(Сэр Тобига.)

Бор, йўқол!

С э р Т о б и, с э р Э н д р ю ва Ф а б и а н кетадилар.

Марҳаматли дўстим, ғазабингни бос,  
У пасткашлар сенга арзимади: Сен  
Эҳтиросинг билан эмас, баркамол  
Ақлинг бялан ҳукм чиқар. Юр. Сенг  
Унинг кимлигини сўзлаб бераман,  
Аҳмоқликларидан роса куласан.  
Илтимос қиламан, кетма, бир нафас  
Ёнимда қол. Сенга озор бериб у,  
Асида, дилимни парчалади, юр!

С е б а с т ь я н

Тушимми, ўнгимми? Бу қандай хаёл?  
Ё раббий, бу қандай соҳибижамол?  
Агар ўнгим бўлса — улуғ саодат!  
Агар тушим бўлса — уйғонмай абад!

О л и в и я

Сўрайман, қўлимдан ушла, марҳамат!

С е б а с т ь я н

Жоним билан. Бошла.

## О л и в и я

Шу менга қисмат.

Кетадилар.

### ИККИНЧИ САҲНА

О л и в и я н и н г у й и.

М а р и я билан Қ и з и қ ч и кирадилар.

М а р и я. Илтимос, мана шу абони кий, иягингга соқол ёпиштир-да, унга ўзингни ҳазрат Маврикий деб та-ништир. Тезроқ бўл. Мен ҳозир сэр Тобини айтиб кела-ман. (Кетади.)

Қ и з и қ ч и. Бўпти, абони кийиб, попнинг худди ўзи бўламан. Бунақа або ёпиниб кашиш қиёфасида юр-ган чала мулалар биргина мен эмас. Руҳонийнинг айни нусхаси бўлиш учун унчалик семиз эмасман, аммо мулла-ликка унчалик озғин ҳам эмасман. Бинобарин, бедор ке-чалардан қуруқ суяги қолган улуғ олим бўлишдан ҳалол одам ва оилапарвар бўлиш афзалроқ. Ана, улфатлар ҳам келишди.

С э р Т о б и ва М а р и я келадилар.

С э р Т о б и. Юпитер паноҳида асрасин, ҳазрат Мав-рикий!

Қ и з и қ ч и. Ҳей, ким у? Тангри бу зиндони зоҳидни ўз паноҳида асрасин!

С э р Т о б и. Иблис боплаяпти: худди ўзи-я!

Қ и з и қ ч и. Шайтон васвасасига учган Мальволио-нинг зиёратига келган ҳазрат Маврикий бўламан.

М а л ь в о л и о. Ҳазрат Маврикий, ҳой, ҳазрат Мав-рикий, марҳаматли ҳазрат Маврикий, маликамга хабар отказинг!

Қ и з и қ ч и. Куф-суф, иблис! На сабабки, шундай бир бандани сеҳрингга олдинг ва нуқул забонида аёлни виқр этурсан?

С э р Т о б и. Пухта айтдингиз, тақсир!

М а л ь в о л и о. Ҳазрат Маврикий, ҳали ҳеч ким би-рор кимсага бундай озор берган эмас! Улар мени зиндон-дан ҳам баттарин омборга қамадилар,



Қизиқчи. Бечора иблис! Мен шундай бир бандадурманки, ҳатто инс-жинсга ҳам эҳтиромим беҳаддир. Сенга раҳм-шафқатимнинг боиси ҳам шудир. Қоронғида қолдингми, э банда?

Мальволио. Бу ер бамисоли жаҳаннам, ҳазрат Маврикий.

Қизиқчи. Э, бечора, кўрмайсанмики, томи тагида дарчалари бордир ва шимоли-жанубдаги туйнукларидан зулмат қуйиладир, сен эрсанг, ношукур банда, қоронғиликдан шикоят қиладурсан?

Мальволио. Эсим жойида, ҳазрат Маврикий, бу ер қоронғи бўлгани сабабли қоронғи деяпман.

Қизиқчи. Э телба, саҳв қилдинг. Сабабки, зулмат — сенинг нодонлигингдир, зеро нодонлик бошингни мисрликлар заминидаги тумандай қопламишдир.

Мальволио. Ҳақ гап, ҳазрат Маврикий, бу омбор зулмати мисоли нодонлик, яъни жаҳаннам зулматидан ҳам баттарин. Такрор айтаманки, ҳали-ҳануз инсон бола-си бундоғ кулфатга гирифтор бўлмаган. Менинг телбалигим сизнинг телбалигингизчалик ҳам эмас. Ҳар қанча савол бериб синаб кўрсангиз, мен розиман.

Қизиқчи. Пифагор таълимотини ёввойи ўрдакларга татбиқан таърифлаб бергин-чи?

Мальволио. Таърифи шуки, бибимиз жонини ўрдак танасида деб фараз қилиш мумкин.

Қизиқчи. Сен ўзинг бунга нима дейсан?

Мальволио. Жон борасида менинг эътиқодим ғоятда баланд, яъни мен Пифагор таълимотини инкор этаман.

Қизиқчи. Алвидо! Зулматда қолурсан. Токи мен ақлнинг мавжудлигига қаноат ҳосил қилмас эрканман, яъни сен бибинг жони туфайли ўрдакка шафқат қилмас, бунинг учун эса Пифагор таълимотини тан олмас эркансан, ёруғликка чиқмагайсан.

Мальволио. Ҳазрат Маврикий! Ҳо, ҳазрат Маврикий!

Сэр Тоби. Қойил, ҳазрат Маврикий домла!

Қизиқчи. Қалай, аҳо роса ярашибдими?

Мария. Аҳо киймай, соқол қўймай ҳам бопласанг бўларди: у барибир қоронғида сени кўрмайди.

Сэр Тоби. Бор энди, уни ўз товушинг билан гапга сол, кейин келиб айтиб берасан. Хуллас, бу ҳазилнинг охири бахайр бўлсин! Графинянинг менга муомаласи шу

қадар музлаб кетдики, бу ўйиндан ўт чиқишидан қўрқаман. Агар уни секин чиқариб юборишнинг иложи бўлса, қўйиб юбор, кетаверсин. Хонамда кутаман, тез кел.

С э р Т о б и билан М а р и я кетадилар.

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Эй Робин, менга айт,  
Севгилинг омонми,  
Е, ранги сомонми?»

М а л ь в о л и о. Қ и з и қ ч и!

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«У ортиқ севмайди,  
Ёнингга келмайди».

М а л ь в о л и о. Қ и з и қ ч и!

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Ўзганинг шайдоси...»

Ким у, мени чақираётган?

М а л ь в о л и о. Марҳаматли қизиқчи, менга бир хизмат қил: шам, қалам, қоғоз олиб келиб бер. Худо ҳаққи, умрбод миннатдор бўламан.

Қ и з и қ ч и. Жаноб Мальволио!

М а л ь в о л и о. Ҳа, марҳаматли қизиқчи, бу менман.

Қ и з и қ ч и. Э, афандим, наҳотки ақлдан озган бўлсангиз?

М а л ь в о л и о. Ҳой, қизиқчи, ҳали ҳеч кимнинг бошига бунақа савдо тушмаган. Менинг ақлим худди сенинг ақлингдай жойида.

Қ и з и қ ч и. Менинг ақлимдай? Агар сизнинг ақлингиз менинг ақлимча бўлса, унда туппа-тузук аҳмоқ экансиз-да?

М а л ь в о л и о. Улар мени бу ерга қамаб, қоронғида сўқлашяпти, у эшаклар мени ақлдан оздириш учун олдимга нуқул руҳонийларни юборишади,

Қизиқчи. Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг: тақсирим шу ердалар! (Овозини ўзгартириб.) «Мальволио! Мальволио! Парвардигор шифо берсин! Вайсама, эс-хушингни йиғиб, уйқуга чекил!»

Мальволио. Ҳазрат Маврикий!..

Қизиқчи. «Э банда, ножинс суханига қулоқ тутма». — Ким, менми? Ҳазрат Маврикий? Яқинига бормаيمان! Худо сақласин! «Омин!» Имоним саломат, ҳазрат Маврикий!

Мальволио. Қизиқчи, ҳо қизиқчи, қулоқ бер.

Қизиқчи. Сабр қилинг, тақсир, сабр қилинг! (Четга.) Ҳой, сизлар нима деяпсизлар? — Тақсир, сиз билан сўзлашганим учун мени сўкишяпти.

Мальволио. Меҳрибон қизиқчи, менга шам билан қалам, қоғоз олиб келиб бер. Сени онт ичиб ишонтираманки, Иллириядаги бошқа одамлар қанчалик соғ бўлса, мен ҳам шунчалик соғман.

Қизиқчи. Эҳ, кошки эди шундай бўлса, тақсир!

Мальволио. Виждоним ҳаққи, гапим рост! Жон қизиқчи, менга шам, қалам, қоғоз топиб кел. Графиняга мактуб ёзаман, элтиб берасан: бунинг бадалига бошингдан зар сочаман.

## Қизиқчи

(куйлайди)

«Уқдай кетаман,  
Елдай келаман,  
Қойил қоласиз,  
Шам келтираман,  
Мадад бераман,  
Халос бўласиз.  
Куф-суф қиламиз,  
Жинни қувамиз,  
Шайтон қочади.  
Озодлик бешак  
Қулоч очади!»

Кетади.

## УЧИНЧИ САҲНА

Оливиянинг боғи.  
Себастьян киради.

### Себастьян

Мана ҳаво, мана нурли қуёш, ер,  
Мана, унинг менга берган узуги—  
Қўлимда, мен уни сезиб турибман,  
Мана, мен, вужудим сеҳрига мафтун.  
Аммо бу телбалик эмас, ҳақиқат.  
Антонио қани? Меҳмонхонадан  
Уни тополмадим. Соҳиб айтдики,  
Борибди-ю, мени ахтариб яна  
Шаҳарга кетибди. Агар у бўлса,  
Ҳар бир маслаҳати ҳозир мен учун  
Олтинга баробар бўларди, ҳайҳот,  
Ақлим билан қалбим бир-бирига зид.  
Балки хатодир, аммо имоним  
Комилки, сира ҳам телбалик эмас.  
Иқбол тангрисининг июялари  
Шу қадар беҳисоб, шу қадар мушкул,  
Унга ақл асло бовар қилмайди,  
Ўз кўзимга ўзим ишонолмайман.  
Ақлим ўгити шу: ё у малика,  
Ё мен телбаланиб қолганман. Бироқ,  
Мен телба эмасман! Лекин унинг ҳам  
Эс-ҳуши жойида: аксинча бўлса,  
У шундай донолик билан саройи,  
Ишлари ва жами хизмат аҳлига  
Фармонбардор бўлиб юрармиди? Йўқ!  
Бунда бир хато бор.

Ана, ўзи ҳам!

Оливия кашишни бошлаб киради.

### Оливия

Шошқалоқлигимни афв эт!  
Чиндан ҳам  
Мени никоҳингга олмоқчи бўлсанг,  
Юра қол. Бутхона шу ерга яқин.

Руҳоний ҳазратим олдида менга  
Мангу сўз берасан: Оливияга  
Умрбод вафоли эр бўламан деб.  
Қўрқувдан ларзага келган юрагим  
Шундан кейин тинчиб, таскин топади.  
Руҳоний ҳазратим никоҳимизни  
Доим сир тутишга тайёр, қачонки  
Сен буни очишни ихтиёр этсанг,  
Биз менинг мартабам баробарида  
Тўй қиламиз. Сенга маъқулми, жоним?

### С е б а с т ь я н

Бошласин. Тайёрман мен онт ичишга,  
Сен учун ҳаттоки жондан кечишга!

### О л и в и я

(кашишга)

Қани, юринг. Тангри ўзи мададкор,  
Никоҳимиз бўлсин мангу шуъладор.

Кетадилар.

П А Р Д А

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

О л и в и я уйнинг олди.  
Қ и з и қ ч и билан Ф а б и а н кирадилар.

Ф а б и а н. Агар сен мени севсанг, унинг хатини кўрсат.

Қ и з и қ ч и. Илтифотли Ф а б и а н, бунинг бадалига сен ҳам бир яхшилик қил.

Ф а б и а н. Сўра сўраганингни.

Қ и з и қ ч и. Уша хатни талаб қилма.

Ф а б и а н. Бу ит совға қилиб, эвазига итимни қайтариб бер, дейиш билан баробар.

Г е р ц о г, В и о л а, К у р и о ва а ъ ё н л а р кирадилар.

Г е р ц о г. Дўстларим, сизлар — графиня Оливияга қарашлимисиз?

Қ и з и қ ч и. Худди шундай, тақсир, биз унинг ясантусанларимиз.

Г е р ц о г. Э, мен сени яхши биламан. Турмуш қалай, оғайни?

Қ и з и қ ч и. Ростини айтсам, турмушим душманлар билан яхши, дўстлар билан ёмон.

Г е р ц о г. Аксинча, дўстлар билан яхши бўлиши керак.

Қ и з и қ ч и. Йўқ, тақсир, ёмон.

Г е р ц о г. Нима сабабдан?

Қ и з и қ ч и. Сабаби шуки, дўстлар мени мақтаб, эшак қилиб минишади, душманлар эса эшаклигимни гўп-па-тўғри юзимга айтиб қўя қолишади. Демак, дўстлар

аҳмоқ қилиб юришади, душманлардан ақл ўрганаман. Хулласи калом, агар хулосани бўсага ўхшатиш мумкин бўлса ва тўрт инкор икки тасдиққа тенг бўлса, турмуш дўстлар билан ёмон, душманлар билан яхши бўлиб чиқади.

Герцог. Чуқур гап.

Қизиқчи. Шундай, тақсир. Сиз мени дўст тутсангиз ҳам, виждоним ҳаққи, рост гапни айтдим.

Герцог. Сен менинг дўстлигимдан зарар кўрмайсан: ма, мана бу олтинни ол.

Қизиқчи. Тақсир, агар, буни иккита қилинг десам, икки юзлама деб ўйламанг.

Герцог. О, сен менга ёмон маслаҳат беряпсан!

Қизиқчи. Бу галча, тақсир, виждонингизни чўнтагингизга яшириб қўйинг-да, менинг маслаҳатимга юринг!

Герцог. Кел, икки юзлама бўлсам бўлай, ма яна битта олтин.

Қизиқчи. Primo, secundo, tertio<sup>1</sup>— ана шунда иш қойил бўлади. Қаерда уч бўлса — у ерда куч, деган мақол бор. Ибодатга чорловчи қўнғироқ ҳам уч марта: даранг-дурунг-даранг деганда қимирлаб қоламиз.

Герцог. Бу аскиянг билан мендан энди қора чақа ҳам ололмайсан. Аммо менинг келганимни, графиня билан сўзлашиш истагимни унга хабар қилсанг, уни бу ерга бошлаб чиқсанг, бу ишинг сахийлигимни яна уйғотиши мумкин.

Қизиқчи. Илоҳи, мен келгунимча сахийлигингиз бошқача уйғонмасин. Кетдим, тақсир. Лекин сиз менинг олтинга муҳаббатимни пулпарастлик деб ўйламанг. Хулласи калом, тақсир, сахийлигингиз бир оз мудраб турсин: мен уни ҳозир уйғотаман. (Кетади.)

А н т о н и о в а м и р ш а б л а р к и р а д и л а р .

В и о л а

Ҳ у к м д о р и м , м е н и н г х а л о с к о р и м ш у .

Г е р ц о г

Юзи менга таниш, гарчанд мен уни  
Сўнги марта кўрган чоғимда худди

<sup>1</sup> Бир, икки, уч.

Бурқиб ётган вулқон сингари буткул  
Қора, илма-тешик ясси кеманинг  
Капитани эди, флотимдаги

Энг кучли, энг яхши кемага қарши  
Арслондай олишди. Ҳасадда ёниб,  
Талафотларимиз буткул унутиб,  
Шарафга сазовор жанговарликка  
Таҳсинлар ўқидик. Қани, нима гап?

### Б и р и н ч и м и р ш а б

Ҳукмдор! Кандиядан катта мол билан  
Бизга келаётган «Семурғ» кемасин  
Йўлда босиб олган қароқчи шудир,  
«Қоплон» кемамизга қарши жанг бошлаб,  
Уни асир олган қароқчи ҳам шу.  
Сўнгги олишувда жиянингизнинг  
Оёғи кесилган. Биз бугун уни  
Кўчада ушладик. Тартибни бузиб,  
Қиличбозлик қилиб турарди.

### В и о л а

#### Мени

Еқлаб қиличини яланғочлади.  
Аmmo унинг айтган сўзларидан мен  
Довдирамоқда, деб шубҳага тушдим.

### Г е р ц о г

Шуҳратли қароқчи, денгиз ўғриси,  
Менга айт-чи, қандай телбалик сени  
Ўзингдан қонли ўч олишга тайёр —  
Одамлар ҳукмига топшира қолди?

### А н т о н и о

Ҳукмдор Орсино, менга тақилган  
Унвонларни буткул инкор этаман:  
Антонио ўғри, қароқчи эмас,  
Сизга ашаддий ёв бўлса ҳам, сеҳр  
Бу ерга келтирди кўзимни боғлаб.  
Тасодиф менинг шу қўлларим билан  
Пўртана қаъридан жонсиз йигитни



Омон олиб чиқди. Ана у!

Ажал —

Уни ўлжа қилиб ютмоқда эди.  
Унинг ҳаётини мен туҳфа этдим.  
Кейин қизғин севиб, ниҳояси йўқ —  
Ҳурмат билан қаттиқ боғланиб қолдим.  
Шу жонимга азиз йигит туфайли  
Менга душман бўлган шаҳарга дадил  
Қадам қўйишга ҳам жасорат қилдим.  
Қилич ушлашимнинг сабаби ҳам шу.  
Қўлга тушганимда эса, бу пасткаш  
Шерик бўлолмади қора кунимга,  
Номусини ютиб мендан воз кечди,  
Шундан кейин менга аллақачонлар  
Эсдан чиқиб кетган буюм сингари  
Қадрини йўқотди. Уни ардоқлаб,  
Бундан фақатгина бир соат бурун  
Берган ҳамёнимдан тонди бу орсиз.

Виола

Сен бизга афсона сўзлаяпсан!

Герцог

Хўш,

Бу шаҳарга қачон келдинг?

Антонио

Шу бугун

Эрталаб келганман, шонли ҳукмдор,  
Биз бу билан уч ой бирга яшадик,  
На кундуз, на тунда бирор дақиқа  
Ажралмаганмиз.

Оливия аъёнлари билан киради.

Герцог

Қандай бахт: осмон ҳам ерга тушаркан! —  
Сен телба бўлибсан. Бу йигит менда,  
Мана, уч ойдирки, хизмат қилади.  
Бу гапларни кейин гаплашармиз. Бао,  
Илтимос қиламан. Четга ўтинглар.

О л и в и я

Келинг, марҳаматли ҳукмдор, хизмат?  
Оливия тайёр хизматингизга,  
Биргина нарсдан мустасно фақат.—  
Цезарио, шуми ваъдага вафо!

В и о л а

Графиня!

Г е р ц о г

Гўзаллар шоҳи, маликам!..

О л и в и я

(Виолага)

Цезарио, нега индамайсан? Айт?

В и о л а

Менинг ҳукмдорим гапирган жойда  
Мен сукут сақлайман.

О л и в и я

Шуни бидингки,  
Яна эскича гап қилсангиз, унда  
У вазу корсонлар жонимга тегди.  
Эски оҳангларга қулоғим ҳам кар.

Г е р ц о г

Демак, аввалгича, бағрингиз тошми?

О л и в и я

Йўқ, ҳар қачонгидай қарорим қатъий.

Г е р ц о г

Бағри тошликками?

Эвоҳ, шафқатсиз —

Малика, муқаддас орзуларимни  
Сенинг бемурувват меҳробингга мен  
Олиб келган эдим. Демак, нажот йўқ!  
Энди нима қилсам экан?

## О л и в и я

Хукмдор,  
Нима истасангиз, ихтиёрингиз.

## Г е р ц о г

Жон берар чогида маъшуқасини  
Улдирган мисрлик қароқчи каби,  
Дунёда энг азиз билган кишимни  
Мен ҳам бўғибгина ўлдирсаммикан?  
Ахир, гоҳ-гоҳида омонсиз рашк ҳам  
Олижаноблик деб ҳисобланади!  
Қулоқ солинг: менинг садоқатимни  
Қадрламадингиз сиз заррача ҳам,  
Майли, сиз, раҳмсиз малика, яшанг,  
Майли, даврон суриг. Ва лекин мени  
Сизнинг қалбингиздан суриб чиқарган  
Мана шу севгили ошиғингизни  
Гарчанд юрагимга яқин бўлса ҳам,  
Нима қилишимни ўзим биламан,  
Токи ҳукмдорин ҳаққини ютиб,  
Айш суриб юрмасин! Цезарио, юр.  
Сенга ғазабимни кўрсатиб қўйай.  
Ювош қўзичоғим, юра қол, етар!  
Сен каптар шумликда қаргадан баттар.

## В и о л а

Кўнглингизга ором бериш туфайли  
Минг марта ўлимга тайёрман, майли.

## О л и в и я

Цезарио, тўхта! Қаёққа!

## В и о л а

### Севгим,

Хукмдорим мени бошлаган ёққа!  
У кўзларим нури, жонимдай азиз,  
У ҳаётимдан ҳам минг қатла лавиз,  
Унга муҳаббатим кундай ёруғдир,  
Хотинлар ишқидан зўрдир, улуғдир.  
Тангрим, олганингда менинг жонимни,  
Севгимни оқлагил, тўкиб қонимни!

О л и в и я

О, шўрим, у мени алдади!

В и о л а

Сизни —

Ким алдади ва ким ҳақорат қилди?

О л и в и я

Ё раббий! Эсингни едингми, ахир?..  
Кашишни чақириб келинглари!

Хизматкорларидан бири кетади.

Г е р ц о г

Сен, юр!

О л и в и я

Қаёққа? Цезарио, эрим, тўхта!

Г е р ц о г

Эрим?

О л и в и я

Эрим! Унинг ўзи тасдиқласин!

Г е р ц о г

Сен?

Маликанинг эри?

В и о л а

Йўқ, ундай эмас,  
Онт ичаман!

О л и в и я

Наҳот, тубан бир қўрқув  
Сени ўз бахтингдан тондира олса?  
Цезарио, қўрқма, ўз омадингни  
Рад қилма. Пинҳоний ишқоҳ туфайли  
Улуғ мартабага ноил бўлгансан,—

Ҳозир қўрқиб турган одаминг билан  
Сен ҳар бир жиҳатдан тенг бўлажаксан!

К а ш и ш киради.

О л и в и я

Сен вақтида етиб келдинг! Сўрайман,  
Руҳоний ҳазратим, тангри ҳаққи, айт,  
Сенинг ҳузурингда мана шу йигит  
Мени никоҳига олганми, йўқми?  
Гарчанд биз бу сирни пинҳон сақлашга  
Аҳду паймон қилган эдик. Начора:  
Тасодиф аҳдимиз фош этиб қўйди.

К а ш и ш.

Сизнинг муҳаббатли никоҳингизни  
Ўқидим, умрбод бошларингизни  
Ўзим қовушгирдим, бармоқларингиз  
Олтин узуклардан порлади, яна  
Онт ичиб, ўпдингиз бир-бирингизни,  
Хуллас, никоҳ учун зарур маросим,  
Менинг қўлим билан адо этилди.  
Шундан бери мен ҳам қабримга томон  
Фақат икки соат яқинроқ бордим.

Г е р ц о г

Ҳозир шундай бўлсанг, эй иблисбачча,  
Сочларинг қор каби оқарганида,  
Яна қандай ҳунар кўрсатаркансан?  
Еки, ёлғончилик — шу мудҳиш аждар  
То унганча ютиб юборадими?  
У сеники: майли, суравер роҳат,  
Ва лекин йўлимда учрама фақат!

В и о л а

Онт ичаман...

Г е р ц о г

Ичма, на даркор!  
Қўрқоқ ҳам бўлмасин юзтубан, беор,

Боши ёрилган с э р Э н д р ю киради.

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, табибга одам юборинглар! Сэр Тобига дарҳол табиб керак!

Оливия. Нима бўлди?

Сэр Эндрю. У менинг бошимни ёрди, аммо сэр Тобининг мия суягини чил-чил қилди. Худо ҳаққи, ёрдам беринглар! Ҳозир уйимга етиб олиш учун бор-будимни беришга тайёрман!

Оливия. Ким у, сэр Эндрю?

Сэр Эндрю. Герцогнинг мулозими, оти Цезарио. Биз уни қўрқоқ деб ўйлаган эдик, ашаддий иблис чиқиб қолди.

Герцог. Менинг хизматкорим? Цезарио?

Сэр Эндрю. Ё алҳазар, ана у! Сиз арзимаган нарсга бошимни ёрдингиз, аслида мени сэр Тоби гижгиллади.

Виола. Нималар деяпсиз? Мен сизга, тақсир, теканним йўқ. Бошлаб қиличингизни сиз қиндан тортдингиз. Мен эса, сизга дағал гапирмадим, юшоқ сўзладим.

Сэр Эндрю. Агар бошим ёрилгани чин бўлса, у қолда бу сизнинг ишингиз. Сиз бош ёришни, юшоқ сўзлаш, десангиз керак?

Қизиқчи маст сэр Тобини судраб киради.

Ана, сэр Тоби ҳам базўр сурғалиб келяпти. У ҳозир ба-тафсил сўзлаб беради. Кайфи ошиб қолмаганда адабингизни берарди-я!

Герцог. Хўш, баҳодир, сизга нима бўлди?

Сэр Тоби. Қип-қизил иблис экан. Бошни еди! Ҳой, тентак, табибни топдингми?

Қизиқчи. Ана, тақсир, бир соатдирки, ғирт маст, орталаб соат саккиздан бери кўзини очишга мажоли йўқ.

Сэр Тоби. Э, ҳайвон, аблаҳ! Ҳайвоннинг мастига тоқатим йўқ.

Оливия. Уни олиб кетинглар. Буларни урган ким бўлди экан-а?

Сэр Эндрю. Менга суял, сэр Тоби, кетдик, иккаламизнинг бошимизни бирга куйдириб боғлайдилар.

Сэр Тоби. Сенга суялайми? Эҳ, сен мақтанчоқ эшак, нодон!

Оливия. Уни ўрнига ётқизиб, ярасини боғланглар.

Қизиқчи, Фабиан, сэр Эндрю ва сэр Тоби кетадилар. Себастьян киради.

Себастьян

(Оливияга.)

Афсуслар бўлсинки, амаингизни  
Мен ярадор қилдим. Иттифоқо у,  
Ўз акам бўлса ҳам, шундай қилардим.  
Шунга мажбур бўлдим, ўз ҳаётимни  
Олиб қочмоқ учун хавф-хатардан.  
Мендан қаттиқ хафа бўлганингизни  
Қўз қарашингиздан сезиб турибман.  
Гўзал графиня, бир-биримизга  
Ичган онтларимиз ҳаққи, кечиринг.

Герцог

Бир чеҳра, бир кийим, овозлар ҳам бир,  
Аммо икки одам! Иккаласи ҳам,  
Жаҳонномадаги суратнинг ўзи!

Себастьян

Азиз Антонио, меҳрибон дўстим!  
Сени кўрмагандан бери ҳар соат  
Худди узун йилдай мени қийнайди!

Антонио

Сен — Себастьянми?

Себастьян

Ё, шубҳанг борми?

Антонио

Иккига бўлиниб қолганинг қизиқ!  
Икковингиз — икки томчи сув каби —  
Жуда ҳам ўхшайсиз, Себастьян ким?

Оливия

Ақлга сизмайди!

Себастьян

Ё мен у, ё у — мен!

Ака-укаларим бўлмаган. Менда  
Илоҳий куч йўқки, айни бир вақтда  
Ҳамма ерда бўлсам. Синглимни эса,  
Денгиз тўлқинлари қаърига ютган.

(Виолага)

Худо ҳаққи, балки қариндошдирмиз?  
Айтинг: қаерликсиз, исмингиз нима?

Виола

Мессалин ороли — менинг ватаним,  
Себастьян бўлган отамнинг оти.  
Лекин отам оти билан аталган  
Себастьян деган акам бор эди.  
Менинг кийимимдай кийимда уни  
Денгиз ўз қаърига омонсиз ютган,  
Агар ер юзида арвоҳ ўзганинг —  
Юзи, либосида кўрина олса,  
Демак, сен ўшандай бир хаёл бўлиб,  
Бизни қўрқитишга келган арвоҳсан.

Себастьян

Майли, арвоҳ бўлай, лекин туғилган —  
Кунимдан заррача ўзгармаганман.  
Агар қиз бўлсангиз бағримга босиб  
Юзингизни кўзим ёшлари билан  
Ювиб дердим: «Марҳум Виола, тирил,  
Яна синглим бўлиб дунёда яша!»

Виола

Ҳали ҳам эсимда: марҳум отамнинг  
Ўнг қоши устида холи бор эди.

Себастьян

Менинг ҳам отамда бор эди у хол.

Виола

Виола ўн учга тўлганда унинг  
Туғилган кунидан отам жон берган.

Себастьян

О, ҳамон ёдимда ўша мудҳиш он!  
Ҳа, синглим ўн учга тўлган кунда  
Дунё ишларини тугатиб кетган,



## В и о л а

Агар бахтимизга устимдаги бу  
Эркаклар либоси халақит берса,  
Мени қучоқлама. Сабр қилайлик.  
Виола олдинда турганини вақт,  
Вазият ва муҳит тасдиқлаб берсин.  
Шу яқин ўртада, мени қутқарган  
Капитан яшайди. Борамиз. Менинг  
Қизлик кийимларим унинг уйида.  
У мени қутқаргач, мен марҳаматли —  
Орсинога учраб, хизматга кирдим.  
Уша кундан бошлаб менинг тақдирим  
Орсино ва гўзал графинянинг  
Тақдирига ажаб улашиб кетди.

## С е б а с т ь я н

Демак, графиня, сиз янглишгансиз,  
Аммо табиатнинг сизга кўрсатган  
Йўли ҳақиқатдир. Сиз қиз болага  
Турмушга чиқишни орзу қилгансиз.  
Онт ичаман, пухта нишон олгансиз,  
Сиз ҳам сингил билан, ҳам ака билан  
Бир вақтда никоҳга киргансиз.

## Г е р ц о г

### Нега

Қизариб кетдингиз? Себастьяннинг  
Сизга муносибдир наслу насаби.  
Агар бу ҳаммаси туш бўлмаса-ю,  
Чин ҳақиқат бўлса, у ҳолда мен ҳам  
Денгизнинг қаърига кетган кемадан  
Бахтим-насибамни узиб оламан.

(Виолага)

Сизни хотинлардан афзал кўраман,  
Жонимни беришга тайёрман, дея  
Менга минг-минг марта айтган сўзларинг  
Эсингдами?

## В и о л а

Уни қайта онт ичиб  
Такрорлашга ҳамон тайёрман. Само  
Уз ойи, қуёши, юлдузларини  
Доим паноҳида асраганидай,  
Мен ҳам пок ишқимни қалбимда асраб,  
Ичган онтларимга содиқ қоламан.

## Г е р ц о г

Менга қўлингни бер, энди ўзингни  
Қизлик кийимингда кўрсат.

## В и о л а

### Кийимим

Соҳилга чиқариб қўйган капитан  
Уйида ва лекин Мальволионинг  
Шикоятни билан у капитанни  
Қамоққа олганлар.

## О л и в и я

### У капитанни

Шу соатда озод қилинглар!  
Дарҳол  
Мальволино етиб келсин. Шўрликни  
Энди эслабман. У телба бўлгандир.

Гат кўтарган Қ и з и қ ч и ва Ф а б и а н кирадилар.

- а Одам ўзи телба бўлган кезлари  
Бошқа телбаларни унутар экан.  
Ким билади, унинг аҳволи қандай?

Қ и з и қ ч и. Қандай бўларди, графиня, у шайтон би-  
дан бир одамчалик олишиб ётибди. Мана, сизга мактуб  
бериб юборди. Мен буни сизга эрталабоқ берсам бўлар-  
ди, бироқ жиннининг мактуби инжил эмас, қачон ўқиса  
ҳам бўлаверадн.

О л и в и я. Мактубни очиб, ўқи.

Қ и з и қ ч и. Мана бу жазони қаранг, тентак жинни-  
нинг хатини ўқирмиш! «Худо ҳофиз, графиня...»

О л и в и я Нима, жинни бўлдингми?

К и з и қ ч и. Йўқ, графиня, мен жиннинг сўзлари-  
ни ўқияпман, холос. Агар қироат билан ўқишимни иста-  
сангиз, бўлманг.

О л и в и я. Маъноли қилиб ўқи.

К и з и қ ч и. Хўп бўлади, маликам. Аммо бундан бир  
маъно чиқсин, дейилса, мендақа қироат билан ўқиш ке-  
рак. Қулоқ солинг, маликам...

О л и в и я. Фабиан, сен ўқи!

Ф а б и а н (*ўқийди*). «Худо ҳофиз, графиня, сиз мени  
жафа қилдингиз ва бу можаро оламга машҳур бўлди. Гар-  
чанд сиз мени зиндонга ташлаган ва маст амакингининг  
қўлига топшириб қўйган бўлсангиз ҳам, менинг ақлим,  
қудди сизнинг ақлингиздек жойида. Мени бу қўйга сол-  
ган сизнинг мактубингиздирки, мен уни кўрсатиб ўзимни  
оқлашимга ва сизни қизартиришимга ишонаман. Менинг  
ҳақимда нима ўйласангиз ўйлайвернинг. Мен сизга ҳурмат-  
эҳтиромимни вақтинча фаромуш қилдим ва таҳқирланган  
одамдай ачиққандим.

Телба аҳволидаги ҳақир Мальволио».

О л и в и я. Буни у ёздими?

К и з и қ ч и. Ҳа, графиня.

### Герцог

Хатидан жиннига ўхшамайди у.

### О л и в и я

Фабиан, бор, уни овоз қил, дарҳол  
Бу ерга олиб кел.

Ф а б и а н кетади.

Агар ҳукмдор,

Мени рафиқангиз ўрнида эмас,  
Синглингиз ўрнида кўриб севсангиз,  
Ижозат берингиз, менинг қасримда  
Вир кунда икки тўй тантана қилсин.

### Герцог

Таклифларингизга жондан розиман.

(Виолага)

Хукмдоринг сени озод этади.  
Меҳрибонликларга ўрганган нозик —  
Қиз табиатингга кўп машаққатли  
Оғир хизматларинг бадалига мен  
Сенга ҳаётимни тақдим этаман.  
Шу соатдан бошлаб — сен маликамсан.

О л и в и я

Менга сингил бўлинг!

Фабиан Мальволиони бошлаб келади.

Г е р ц о г

Телба шуми?

О л и в и я

Ҳа,

Уша. Мальволио, сенга не бўлди?

М а л ь в о л и о

Графиня, мени ҳаддан зиёда  
Хафа қилдингиз.

О л и в и я

Мен? Йўқ, бўлмаган гап!

М а л ь в о л и о

Жуда қаттиқ хафа қилдингиз. Мана,  
Хатингиз. Уқингиз. Ишонаманки,  
Сиз ўз сўзларингиз инкор этмассиз.  
Буни сиз бошқача ёзиб кўрингиз,  
Бошқа услуб билан баён қилингиз,  
Ҳарфларидан тониб, муҳрингизни ҳам  
Тан олмай кўрингиз. Барибир, буни  
Эътироф этишга мажбур бўласиз,  
Чунки инкор этиш ғоятда мушкул.  
Хуллас, иқдор бўлинг: нима сабабдан  
Сиз менга муҳаббат изҳор этдингиз.

Нега жилмайишга фармон бердингиз,  
Нега сариқ пайпоқ кийиб, болдирга  
Сариқ боғичларни кўндаланг боғлаб  
Юришни ёздингиз? Хизматкорларга,  
Хатто сэр Тобига баланддан келиб  
Қўпол муомала қилгин, дедингиз?  
Тобе қулингиздай, фармонингизни  
Умид билан буткул бажо келтирдим.  
Сиз бўлсангиз, мени ноҳақ, телбага  
Чиқариб, омборга қамаб қўйдингиз.  
Бу ҳам етмагандай, поп юбордингиз,  
Жинни ҳам, аҳмоқ ҳам мен бўлдим, ҳамма  
Мазах қилиб кулди менинг устимдан;  
Айтинг, нега шундай қилдингиз?

### О л и в и я

#### Шўрлик!

Бу менинг хатимга ўхшаб кетса ҳам,  
Лекин менинг қўлим эмас. Шубҳасиз,  
Бу хатни Мария ёзган. Ҳа, энди  
Эсладим. Мария биринчи бўлиб  
Телба бўлганингни айтгани тўғри.  
Кейин сен кўриндинг чучмал жилмайиб  
Хатда таърифланган сариқ пайпоқда.  
Бўлди, ўзингни бос; сени роса ҳам  
Майна қилишибди. Аммо бу ишнинг  
Сабабчиларини топамиз. Ишон,  
Чора кўрилганда ўйинбозларга  
Ҳакам ҳам, даъвогар ҳам ўзинг бўласан.

### Ф а б и а н

Графиня, шундай қувончга тўла,  
Чиндан саодатли нурли соатга  
Шикоят, жанжаллар соя солмасин,  
Шундай умид менга жасорат бериб,  
Эътироф этаман: Мальволионинг  
Кўрслиги, ҳавойи ғурури учун,  
Эсини киргизиш нияти билан,  
Буни ўйлаб топган мен билан Тоби.  
Хатни сэр Тобининг талаби билан

Мария ёзгани рост. Тоби унга  
Уйланишни ваъда қилди. Алқисса,  
Бу ҳазилда ёмон ниятдан кўра  
Шўхлик кўпроқ. Хуллас, қасосни эмас,  
Шодликни тақозо этади бу иш.  
Энди ҳақоратга келсак, ҳар икки —  
Томонга баробар келади — бўлсак.

О л и в и я. Бечора, улар сени роса кулги қилишибди-да!

Қ и з и қ ч и. Ҳа, «бировлар мартаба билан туғилади-лар, бошқалар мартабага машаққат билан эришадилар, аммо ўзгаларга мартаба осонликча насиб қилади». Мен ҳам, жаноблар, бу комедияда ҳазрат Маврикий деган бир зотнинг ролини ўйнадим. Ҳа, энди бўлар иш бўлди. «Худо ҳаққи, қизиқчи, мен жинни эмасман!» Тағин мана бу ери эсингиздами? «Сиз, олий мартабали маликамизнинг бундай бефаросат аблаҳнинг қизиқчиликларидан роҳатланишингизга ҳайрон қоламан!» Давр чархи айланиб-айланиб, ана шундай ўч оларкан.

М а л ь в о л и о. Сен мутгаҳамлардан қасос оламан!  
(Кетади.)

О л и в и я

Эҳ, шўрли, чиндан ҳам мазах бўлибсан!

Г е р ц о г

Дарҳол орқасидан қувиб етинглар!  
Уни мурасага келтириш керак!  
Бизга капитанни сўзлаб беради.  
Шундан кейин, майли, тўй бўлса-бўлсин.  
Муҳаббатли никоҳ ҳукмига ўтиб,  
Роҳатда яшаймиз. То унга қадар,  
Синглим, сизникида меҳмон бўламиз.  
Цезарио, кетдик! Сен бу кийимни  
Ечганингга қадар, шундай атайман,  
Ва лекин либосинг ўзгарган онда,  
Севимли хотиним, дейман, жаҳонда!

Кетадилар.

П А Р Д А

**Лопе де Вега**

# **ҚҰЗИБУЛОҚ**

**ҮЧ ПАРДАЛИ ДРАМА**

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Дон Фернандо Гомес де Гусман. Калатрава орденининг командири.

Эстефан. } Қўзибулоқ оқсоқол (алькальд)лари.  
Алонсо. }

Лауренсия. Эстеванинги қизи.

Малла Хуан.

Менго. } Деҳқонлар.

Баррильдо. }

Фрондосо. Малла Хуаннинг ўғли.

Паскуала.

Хасинта. } Деҳқон қизлар.

Ортуньо.

Флорес. } Командорнинг хизматкорлари.

Лебнело. Студент.

Симбранос. Солдат.

Кбзи (судья).

Бола.

Икки рехидор. Сюдад Реал шаҳар жамоасининг аъзолари.

Эркак ва аёл деҳқонлар.

Солдатлар.

Мулозимлар.

Воқеа Қўзибулоқ қишлоғида ва бошқа ерларда содир бўлади.

Асарнинг театр учун ихчамлаштирилган варианты.



## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Лауренсия билан Паскуала

Лауренсия

Шилқимлиги жонимга тегди,  
Бу ерлардан йўқолсин тезроқ!

Паскуала

У кетгудай бўлса, жонгинам,  
Тагин, сени эзмасин фироқ!

Лауренсия

Э, худойим, даф қил балони,  
Ортиқ кўрмай дили қарони!

Паскуала

Лауренсия, сендайлар маълум,  
Бир кўрганда — жуда бағри тош,  
Лекин қалби беролмай бардош,  
Эриб кетар худди юмшоқ мум!

Лауренсия

Сен билмайсан менинг қалбимни,  
Қаттиқлиги чинордан ортиқ.

## Паскуала

Чиранма ғоз, дейдилар... Яна,  
Командорга бўлмагин тортиқ?

## Лауренсия

Сўзим битта. Эл олдида ҳам  
Шу сўзимни айтаман ҳар дам.  
Командорни севар эмишман?  
Шундан бошқа туҳматинг йўқми?  
Айт-чи... тегсам, оладими?

## Паскуала

Йўқ.

## Лауренсия

Шармандалик... мен рад қиламан!  
Номусимни азиз биламан!  
Қанча-қанча қизлар атрофда  
Командорнинг сўзига учди,  
Бошларига не ғамлар тушди!

## Паскуала

Йиртқичдан соғ қутуламан де?  
Бу — афсона! Қани, кўрамиз!

## Лауренсия

Сен ўйламай гапираяпсан.  
Бир ойдирки, ўша бетамиз  
Мени тун-кун таъқиб этади,  
Уриниши бекор кетади.  
Хизматкори Ортуньо пес,  
Қўшмачиси тулки Флорес  
Зебу зийнат олиб келишди,  
Бор ҳийлани ишга солишди,  
Хўжайини менга зор эмиш,  
Етолмасдан беқарор эмиш...  
Ундан жуда-жуда қўрқаман.  
Лекин яқин келиб кўрсин-чи,  
Оёғини шартта қирқаман.

## Паскуала

Улар қайга желди?

Лауренсия

Булоққа.

Туширмоқчи бўлди тузоққа.  
Бундан олти кун аввал.

Паскуала

Улар

Жуда айёр, алдашмасайди...

Лауренсия

Меними?

Паскуала

Йўқ, катта холангни!

Лауренсия

Чучварани хом санашибди!  
Мен уларга лақиллаб бўпман!  
Паскуала, онт ичаманки,  
Хаёлимда бошқа орзулар...  
Саҳар чоғи аста уйғонсам,  
Юзим чайиб муздак қумғондан,  
Манғалимга ўт қўйсам секин,  
Ер роса доғ бўлгандан кейин  
Лаққа чўғда хамирни тоблаб,  
Урамани пиширсам бошлаб,  
Ертўлага липиллаб тушсам,  
Онагинам билмасдан қолса,  
Хумдан ширин шаробни ичсам...  
Шомдан кейин, ётар чоғимда  
Серқалампир шакароб бўлса,  
Чайнаганда тилимни ўйса;  
Худовандни дилга жо қилиб,  
Тинч ухласам ўз ётоғимда;  
Поклигимиз муддао қилиб,  
Сира ёмон тушлар кўрмасам;  
Паскуалам, муттаҳамларнинг  
Иғвосидан менга шу афзал,  
Поклик билан бу ҳаёт гўзал,  
Поклик билан кўнгила осуда...  
Ишратбозлар ишқи беҳуда:  
Улар ишқдан лоф уришади,

Ким алданса, тузоққа илиб,  
Бир тун роса майшат қилиб.  
Эртаси юз ўгиришади.

### П а с к у а л а

Афсус, улар шунақа расво.  
Улар бизни алдаб олади,  
Лекин ҳирси тўйган ҳамоно  
Чумчуқларга ўхшаб қолади.  
Ҳаво совуб, ер музлаганда  
Қорни очиб, дон излаганда,  
Бўғотларга урилиб чумчуқ,  
Уламан, деб йиғлайди чирқ-чирқ...  
Уйга кириб, дастурхондаги  
Увоқларга қорни тўяди,  
Кун исийди, хонадондаги  
Яхшилиқни сезмай қўяди,  
Меҳрибонлик унутилади,  
Ўзга юртга йўл тугилади,  
Раҳматни ҳам насия қилиб,  
Кетишади улар тизилиб...  
Эркаклар ҳам чумчуқлар каби:  
Қонгунича ҳирси, талаби,  
Биз уларга ой ҳам, юлдуз ҳам,  
Ҳаёт, жон ҳам, ёруғ кундуз ҳам,  
Аммо қорни тўйди дегунча,  
Топталади бечора ғунча,  
Қовоқлари тушиб кетади  
Ва чумчуқдай учиб кетади...

### Л а у р е н с и я

Ҳеч бирига ишонма, жоним.

### П а с к у а л а

Қўй уларни, қайнатма қоним.

### ИККИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Менго, Баррильдо, Фрондосо.

### Ф р о н д о с о

Баррильдо, мен дунёга келиб,  
Сендай жанжалкашни кўрмадим,

## Баррильдо

Мана булар қози бўлади!  
Баҳсни ечур шу икки гўзал.

## Менго

Лекин гапни бошлашдан аввал  
Шартимизни пухталаш даркор.  
Мабодо мен ютсам, ваъдангни  
Икковинг ҳам бажариб, дарҳол  
Келтирасан ўша совғангни.

## Баррильдо

Қўлингни бер.  
Хўш, ютқизсанг-чи,  
Унда нима қўясан?

## Менго

Унда  
Гижжагимни бераман. Гарткам!  
Бунинг нархи бир омбор дондир,  
Ўшанда ҳам ғалла арзондир!

## Баррильдо

Бўпти, қизлар қозилик қилсин.

## Фрондосо

Хонимларга саломлар бўлсин!

## Лауренсия

Бизни бундай аташ ноўрин.

## Фрондосо

Одат шундай. Вақтидан бурун  
Шогирдни ҳам устакор деймиз,  
Кўрни ожиз ва ночор деймиз,  
Бир кўзликни дейдилар ғилай,  
Эиқналарнинг оти эмиш бой,  
Кўкка қадар мақташар ҳадеб

Иъвогарни ишбилармон деб;  
Полвон эмиш овқатга банда,  
Айёр кўзи йўқмиш мерганда,  
Хушомадгўй — одамшаванда,  
Шилқим мумтоз эмиш одобда...  
Сўлиқ санамоққа ҳожат йўқ,  
Бундайларга ер юзи тўлиқ.  
Шунинг учун мен сизларни ҳам  
Хоним десам муносиб, кўркам.

### Лауренсия

Рост айтасиз, бизнинг шаҳарда,  
Френдосо, барча тилларда  
Шундай сўзлар айтиладики,  
Гўзалликнинг ўчади кўрки.  
Ҳамма нарса бизда тескари:  
Ақдилар — одам овсари,  
Ростгўйларни орсиз дейдилар,  
Одоблилар — шум, ичи қора.

### Баррильдо

Олпа-очиқ нарсадан тонди.

### Менго

Такрор айтаманки, гапим рост,  
Ҳақиқатни сўзладим холос.

### Лауренсия

Нима деди?

### Баррильдо

Севги йўқ эмиш.

### Лауренсия

Нўғ-е!..

### Баррильдо

Узинг тушунтириб қўй!  
Бунинг гапи беҳуда ва пуч.

Ахир, севги энг қудратли куч,  
У бўлмаса, кинотда ҳам  
Бўлмас эди бу ер, бу олам.

### Менго

Уқиёлсам мабодо хатни,  
Тасдиқлардим мен ҳақиқатни!  
Файласуфлик китобсиз бўлмас.  
Лекин ҳаёт теп-текис йўлмас,  
Табиатда зиддият бордир,  
Яратишда у беқарордир,  
Зиддиятдан туғилар ҳаёт,  
Шу тан, шу қон, асаб, мавҳумот,  
Ҳатто зардоб ундан туғилур,  
Бундан ишқни ким топа олур?

### Баррильдо

Йўқ, Менго, бу ва у дунёмиз  
Бир-бирига монанд. Севги ҳам —  
Шу уйғунлик меваси, кўркам.  
Биз борлиқни шунда кўрамиз.

### Менго

Табий ишқ деган нарсани  
Мен ҳам инкор этмайман. У бор.  
Бутун ҳаёт ривожни билан  
Шунга тобе ва итоаткор.  
Ниманики кўзимиз кўрса,  
Ҳаммасига севги сабабкор.  
Ҳар кимнинг ҳам қонида ишқдан  
Аллақанча бор эканини  
Мен биринчи инкор этмайман.

### Паскуала

Ундай бўлса, жанжал нимада?

### Менго

Сўзим шуки, севги бор, бироқ,  
Ҳар ким севар ўзини фақат.

## П а с к у а л а

Бу сўзингда йўқдир ҳақиқат!  
Сен, Менго, бир атрофингга бок:  
Эр хотинга тикади жонни,  
Ҳатто ҳайвон севар ҳайвонни!

### М е н г о

Бундай севги, бундай эҳтирос  
Ўз-ўзини севишдир, холос.  
Бундай ишққа ишона кўрма.  
Қани, айт-чи: муҳаббат нима?

### Л а у р е н с и я

Гўзалликка интилиш.

### М е н г о

Нега  
Интилади муҳаббат унга?

### Л а у р е н с и я

Кайфу сафо сурмаклик учун.

### М е н г о

Шу сўзингга ясайман якун:  
У ўзини ўйлайди.

### Л а у р е н с и я

Ҳа-да.

### М е н г о

Хулосага келамиз унда:  
Ўз-ўзини шод қилмоқчи-да?

### Л а у р е н с и я

Менго, сен ҳақ.



## Менго

Демак, мақсад шу:  
Ерни севиш бир баҳона-ю,  
Ўзимизни хурсанд қиламиз.  
Бошқа ишқ йўқ. Топа олмаймиз,  
Хўш, сен? Айт-чи, севасанми сен?

## Лауренсия

Муҳаббатим — иффатим, орим.

## Фрондосо

Худо сени рашқда ёндирсин!

## Баррильдо

Хўш, қозилар, баҳсни ютди ким?

## Паскуала

Агар гапнинг ростини айтсак,  
Бошимизни қилмасдан гаранг,  
Бу саволнинг жавобини сиз  
Ё сўфи, ё домладан сўранг.  
Лауренсия ҳали ҳеч кимга  
Қалби билан бўлмаган мафтун,  
Менинг бўлса, тажрибам ғариб,  
Қандай ҳукм чиқариш мумкин?

## Фрондосо

Қизлар, гурур ёмон бўлади,  
Сизни бир кун ҳалок қилади!

## УЧИНЧИ САҲНА

Шулар ва Флорес

## Флорес

Э, яхшилар, ёппаси — салом!

П а с к у а л а

Командорнинг малайи, ана!

Л а у р е н с и я

Виждони йўқ, қўшмачи, бадном.  
Хўш, азамат, келинг?

Ф л о р е с

Тантана —  
Оёғимдан етаклаб келди.

Л а у р е н с и я

Келибди-да, Дон Фернандо ҳам?

Ф л о р е с

Қўшинимиз ғалаба қилди.  
Яширмайман: қурбон берилди,  
Қонлар оқди, жонлар қирилди.

Ф р о н д о с о

Бошдан-оёқ батафсил сўзланг.

Ф л о р е с

Гувоҳиман: оғир бўлди жанг;  
Съюдад Реал аталган шаҳар —  
Одамлари жуда ҳам қайсар.  
Шунинг учун командоримиз,  
Шарафли зот ва сардоримиз,  
Икки мингта пиёда аскар  
Ва уч юзта отлич тўплади.  
Жанг қўшинни сувдай ҳўплади,

Кўп қимматга тушди бу сафар.  
Ёриб ёвнинг истеҳкомини,  
Босиб кирди шаҳарга саркор.  
Барча исёнкорлар номини  
Аниқлатди ва осди дарҳол.  
Қора халқни арқонга боғлаб,  
Қайноқ сувга томоғин доғлаб,  
Қамчи билан саватди роса.  
Жангдан бўлди шундай хулоса...  
Ана, музика ҳам янгради.  
Саркор жангдан келади омон.  
Гулдастанинг яхшиси — шодлик,  
Ғолибларни қилингиз шодон!

### ТУРТИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ва Командор. Малла Хуан, Эстебан,  
Алонсо, Ортуньо, созандалар, деҳқонлар.

#### Созандалар

Яша, дон Фернандо,  
Офарин, Командор!  
Ёвларни қақшатар,  
Ҳамиша музаффар.  
Яшасин гусманлар  
Яшасин хиронлар!  
Элида фароғат,  
Кўлида адолат;  
Арабга беомон,  
Кулатар тоғсимон.  
У Сьюдад Реалда  
Оқизди дарё қон.  
Юртига ал-амон  
Байроқлар келтирар.  
Омон бўл, музаффар  
Дон Фернандо Гомес.

#### Командор

Қишлоқдилар, раҳмат. Мен учун  
Бебаҳодир муҳаббатингиз.

Бу муҳаббат кичик бир учқун,  
 Ундан каттасига лойиқсиз.  
 Бугун қадам ранжида қилган —  
 Қишлоғингиз — шу Қўзибулоқ  
 Ва жамоа қутлайди қалбдан.  
 Аммо бунда одамлар қашшоқ,  
 Тупроғимиз жуда унумсиз,  
 Аравалар тизилган, бироқ,  
 Совғамиз ҳам ғариб, кўримсиз.  
 Фақат тоғ-тоғ истаклар билан  
 Кўм-кўк шохлар\* тутамиз дилдан.  
 Уч-тўрт сават сопол идишу  
 Қўшинлардай саф чеккан ғозлар,  
 Худди жангга тайёр шоввозлар —  
 Янглиғ, ға-ға қилган овозлар  
 Қишлоғимиз ботир қушлари,  
 Шояд, ҳорғин кўнглингиз созлар!  
 Мана булар — тўнғиз тўшлари,  
 Кузда бошлаб тузлаган эдик,  
 Чайнаган мард бўлади тетик.  
 Мана булар — икки юз товуқ,  
 Энди иссиқ қучоғи совуқ,  
 Хўрозлар ҳам хотинсиз қолди,  
 Дағдағаси буткул йўқолди.  
 Отлар совға қила олмадик,  
 Қалпоқлар ҳам ясатолмадик.  
 Олтинлардан нақшлар ўйилган  
 Эгар-жабдуқ безатолмадик.  
 Аммо менга ишонинг, саркор,  
 Содик қулла зардан афзалроқ.  
 Ғоят қашшоқ бўлсак ҳам, бироқ,  
 Олтинлардан анча гўзалроқ  
 Битта дўжна мўйна тутамиз.  
 Сизга шундай орзу этамиз:  
 Қаттол жангда сиз бежавотир,  
 Совуқлардан омон бўласиз.  
 Почапўстин иситган ботир  
 Ёвни мағлуб этади шаксиз.

---

\* Шохдан ясалган қадаҳлар.

Манов пишлоқ ва манов таом  
Қўшимча бир мадор-ем бўлиб,  
Сиҳат-омонликка эм бўлиб,  
Хурсанд қилсин, хулласи-калом.

### К о м а н д о р

Жаноблар, кўп ташаккур сизга.  
Энди боринг уй-уйингизга.  
Омон бўлинг.

### А л о н с о

Тақсирим, энди  
Истироҳат пайти ҳам келди.  
Жамоанинг қурби етганда,  
Қолмас эди бундай армонда:  
Уйингизга, тақсирим, буткул  
Баркаш-баркаш сочар эди дур,  
Маъзур тутинг!

### К о м а н д о р

Балли, боринглар.  
Тарқалинглар, хордиқ олинглар.

### Э с т е в а н

Ҳей, созанда, ҳей хонандалар,  
Яна бир бор яллани олинг!

### С о з а н д а л а р

(хор)

Яша, дон Фернандо,  
Офарин Командор!  
Ёвларни қақшатар,  
Ҳамиша музаффар...

Оқсоқоллар, деҳқонлар, созандалар кетишади.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Командор, Лауренсия, Паскуала, Ортуньо, Флорес.

Командор

Иккингиш шу ерда қолинг.

Лауренсия

Бизга хизмат, жаноби олий?

Командор

Яна гурур, менга-я? Қаранг.  
Димоғ билан сўзлайди аранг!

Лауренсия

(Паскуалага)

Сенга деяптими?

Паскуала

Э, худо!

Фақат сенсан унга муддао!

Командор

Сўзим сенга, эй гўзал илон  
Ва дугонанг — қишлоқ қизига.  
Ахир, менга тобесиз-ку?

Паскуала

Ҳа,

Хўжамизсиз, жаноб паҳлавон,  
Лекин ифат сизга тобемас!

Командор

Сафсатани энди қилинг бас,  
Кириг. Қўрқманг. Уйда одам бор.

Лауренсия

Оқсоқоллар бўлса, кирардим,  
(Битталари — менинг ўз отам),  
Лекин ёлғиз кирмайман ҳечам...

Командор

Эй, Флорес!

Флорес

Лаббай?

Командор

Бу қизлар  
Унутганми менинг зотимни?

Флорес

Ҳой, тентаклар, сочи пахмоқлар!

Лауренсия

Қўлингни торт!

Флорес

Киринг, аҳмоқлар!

Паскуала

Иўқол!

Бизни киритиб сизга  
Эшикни тақ бекитасан-а!

Флорес

Жаноб сизга ўлжаларини  
Кўрсатмоқчи.

Командор

(Ортуньога, секин.)

Кириши билан  
Қулфни сол. Кўзни катта оч!

(Кетади.)

Лауренсия

Қўйиб юбор, Флорес! Бўлди!

Ортуньо

Совға-салом билан бирга сиз,  
Командорга ҳадя бўлгансиз.

Паскуала

Бу совуқнинг гапини қара!  
Йўлни тўсма, шилқим тасҳера!

Флорес

Вой сени-ей! Қутулиб бўпсан!

Лауренсия

Шунча товуқ, ғоз, тўнғиз гўшти  
Етмайдими жанобингизга?

Ортуньо

Ҳаммасидан сизнинг гўштингиз  
Унинг учун мазали, ширин.

Лауренсия

Ҳазм бўлмай, ёрилиб ўлсин!

Лауренсия билан Паскуала кетадилар.

Флорес

Булар бошга бало бўлди-ку!  
Агар уйга кирсак қуп-қуруқ,



Хўжайиндан эшитамиз дўк,  
Ичганимиз бўлади оғу.

### О р т у н ь о

Осон эмас бунақа хизмат,  
Кундан-кунга ортар машаққат,  
Ё чидайсан, бўйнингни эгиб,  
Ё қочасан, думингни тугиб!

### ОЛТИНЧИ САҲНА

Лауренсия, Фрондосо.

#### Лауренсия

Фрондосо, анҳор четида  
Чала қолди ювган кирим ҳам,  
Ҳузурингга югурдим илдам.  
Гап кўпайди халқнинг ичида,  
Пичир-пичир жонимга тегди,  
Шивир-шивир бошимни эгди,  
Элнинг кўзи сен билан менда,  
Иккимиз бир юргандан кейин  
Севгимизни яшириш қийин.  
Ҳамма нарса мукамал сенда.  
Эл: йигитлар сараси, дейди,  
Либосингни ҳамма мақтайди.  
Қизчаларнинг ҳаваси келиб,  
Тўйларида ўйнаймиз, дейди:  
Йигитчалар: катта тўй бўлиб,  
Шароб ичиб қувнаймиз, дейди.  
Домла Хуан Чаморро тезда  
Намозини бир четга қўйиб,  
Бизга никоҳ ўқишга муштоқ.  
Индасанг-чи! Тоқат бўлди тоқ!  
Сен бўлсанг... Сен жуда бепарво...  
Омбор гами ўраб бошингни,  
Мени эмас, ўйлайсан танҳо  
Қишда еяр нону ошингни...  
Одамларнинг гап-сўзларидан  
Бошим қотди. Бас, Фрондосо,  
Оч қорним, тинч қулоғим, дея,  
Йироқ юрай юрт кўзларидан...

## Фрондосо

Лауренсия, жоним, айт, нега  
Рад этасан мени беомон?  
Не ёмонлик қилдим мен сенга?  
Бу кунимдан ўлганим осон.  
Кошки эди, оҳ, ёринг бўлсам,  
Вафодоринг, дилдоринг бўлсам;  
Оқибатинг шу бўлдими, ёр?  
Найлай, менда йўқдир ихтиёр...

## Лауренсия

Маслаҳатим шуки, дардингни  
Тоғам Малла Хуанга сўзла.  
Сени унча севмайманкўя,  
Ҳар қалай, бир уриниб кўр-чи!

## Фрондосо

Э, худойим! Жаноб келяпти!

## Лауренсия

Овга чиққан бўлса керак. Сен  
Чакалакда яшириниб ол.

## Фрондосо

Эҳ, рашк жоним кемиряпти!

(Яширинади.)

## ЕТТИНЧИ САҲНА

Шулар ва милтиқ кўтарган командор.

## Командор

Қандай бахт бу — мен бунда асов  
Эркак буғи кетидан қувиб,  
Нақ оҳуга рўбарў келдим!

## Лауренсия

Анҳорда кир ювишдан чарчаб,  
Озгина дам олдим, шу ерда.  
Рухсат этинг, жаноби олий,  
Тезда борайин, ишимдан қолмай.

## Командор

Шу ёввойи табиатингга,  
Жоним Лауренсия, қойилман,  
Лекин бундай одамовилик  
Худо берган латофатингни  
Камситади ва гўзаллигинг  
Хунукликка ўхшаб кетади.  
Нега энди мендан қочасан?  
Сен ишқимга бунча бепарво?  
Хайриятки, кимсасиз саҳро  
Бугун менга ёрдам беради.  
Ахир, сенинг хўжангман, гўзал,  
Ётсирама, лабингни бурма.  
Хўжайиннинг ҳаққи бор азал,  
Итоат қил, юзинг ўгирма.  
Семиз Педро хотини марол —  
Себастьянадан ўрнак ол,  
Никоҳлари қонуний, лекин  
Қучоғимга кирди у секин...  
Ёки, Мартин Посо хотини,  
Хусни билан банд қилди мени,  
Тўйларидан икки кун ўтган,  
Аммо тунда мен билан кетган...

## Лауренсия

Улар бошқа, мен бошқа олам.  
Улар худди сиз айтган одам.  
Тенг қилмангиз мени уларга!  
Тушингизни айтинг сувларга!  
Сийнангизда хоч бўлмаганда,  
Зарра шубҳа қолмасди менда.  
Иблис дердим, рост, худо урсин!  
Хайо. жаноб, овингиз юрсин!

К о м а н д о р

Сенга гапни уқтириш қийин!  
Милтиғимни ташлай-чи, кейин  
Сўзни чўзиб ўтирмай, дарҳол  
Қўлим билан бурайман сочинг...

Л а у р е н с и я

Қочинг!  
Тегманг! Тентак бўлманг, тақсирим!

К о м а н д о р

Жим!

Ф р о н д о с о

(Узича.)

Милтиғини олсам қўлимга,  
Жўнатаман шумни ўлимга!  
(Милтиқни олади.)

К о м а н д о р

Бас, олишма!

Л а у р е н с и я

Муқаддас осмон,  
Мадад юбор!

К о м а н д о р

Бас, қўрқма, жонон,  
Тўрт томонда жин ҳам йўқ.

Ф р о н д о с о

Мен бор!

Қизга тегманг, жаноб Командор,  
Ёки, шуни яхши билингки,  
Юрагимда тошган ғазабим  
Заҳар эмган ўққа айланиб,  
Сийнангизни безаган хачни  
Кок тагидан тешиб ўтади.

К о м а н д о р  
Қишлоқи ит!  
Ф р о н д о с о  
Бу ерда ит йўқ.  
Лауренсия, қоч!  
Л а у р е н с и я  
Фрондосо,  
Эҳтиёт бўл!  
Ф р о н д о с о  
Қоч!  
Л а у р е н с и я кетади.

### САККИЗИНЧИ САҲНА

К о м а н д о р, Ф р о н д о с о.  
К о м а н д о р  
Мияси йўқ аҳмоқ бўлмасам  
Қиличимни ташлаб чиқмасдим!  
Қушчаларни ҳуркитмайин деб,  
Мен атайлаб тақмаган эдим.  
Ф р о н д о с о  
Жаноб, қаранг: тепкини боссам,  
Жаҳаннамга жўнаб қоласиз!  
К о м а н д о р  
Гўзал қўлдан чиқди.  
Хей, аблаҳ,  
Эшитяпсанми? Милтиқни ташла!  
Ташла дейман уни, муттаҳам!  
Ф р о н д о с о  
Нега энди ташлар эканман?  
Ҳали жондан тўйганим йўқ-ку?

Шуни яхши билиб олингки,  
Муҳаббатнинг қулоғи оғир,  
У тахтида мағрур ўтириб,  
Бузуқларга қулоқ солмайди.

К о м а н д о р

Мендан қўрқмас баҳодир сендай  
Қишлоқига елка тутсинми?  
Кўкрагимга ота қол, аблаҳ!  
Отганда ҳам, нишонга тик ур!  
Баслашмайман, аслзодалар  
Фуқарога тенг келса — уят.

Ф р о н д о с о

Йўқ, йўқ. Эсим ҳали жойида,  
Кимлигимни яхши биламан.  
Ҳаётимни сақламоқ учун  
Мен милтиқни олиб кетаман.

(Кетади.)

К о м а н д о р

Эҳ, шарманда бўлдим ўлгудай!  
Аmmo алам ва уят учун  
Мен омонсиз қасос оламан.  
Нега уни бўғмадим дарҳол!  
Худо шоҳид, шарманда бўлдим!

П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

Қўзибулоқ қишлоғида майдон.

### БИРИНЧИ САҲНА

Эстефан, Рехидор.

Эстефан

Сизга соғлиқ тилаганим ҳақ бўлганидай,  
Бу сўзим ҳам ўшандай ҳақ: йил оғир келди.  
Қурғоқчилик жонга тегди, ғалламиз унмай.  
Энди донни тежаш керак: шу чора қолди.  
Кейин қуруқ пушаймондан қорин тўймайди.

Рехидор

Жуда тўғри. Жанжал, ғавго чиқмасин десан,  
Хўжаликда қаттиқ қўллик, ўткир кўз керак.

Эстефан

Биз шу гапни арз этамиз Командорга ҳам.

### ИККИНЧИ САҲНА

Шулар ва Леонело, Барриальда.

Леонело

Э, кечга қолибмиз, ғийбатхонани  
Эгаллаб олишибди.

Баррильдо

Хўш, қани, айтинг,  
Саламанкада умр яхши кечдими?

Леонело

Бир нави кун кечирдим.

Баррильдо

Менинг чамамда,  
'Дурустгина студент бўлсангиз керак.

Монело

Билимлар асосини ҳўпладим сувдак.

Баррильдо

Шу кунларда китоблар чиқди беҳисоб,  
Йўлда кимни учратманг, донишманд, арбоб.

Монело

'Аксинча, юртда китоб кўпайган сари  
Тобора камаяди донишмандлари.  
Одамлар шошиб қолган, атрофга қаранг,  
Ақлнинг кўплигидан каллалар гаранг.

### УЧИНЧИ САҲНА

Шулар, Малла Хуан, деҳқонлар.

Малла Хуан

Тўй ҳеч қачон бунчалик қиммат бўлганмас,  
Исрофгарлик бунчалик одат бўлганмас.  
Бойларнинг йўли бошқа. Камбағаллар ҳам  
Қалин деган балога бундай ўлганмас!

Деҳқон

Командор қалай? Унинг ўчи кўп ёмон.



Малла Хуан

Лауренсияни ҳақорат қилди у ҳайвон!

Деҳқон

Одам ҳам бўладими шундай хотинбоз?  
Уни анов зайтунга осиб қўйсанг оз!

ТУРТИНЧИ САҲНА

Шулар, Командор, Ортуньо, Флорес.

Командор

Олло ёр бўлсин, жаноблар!

Рехидор

Марҳамат, сеньор!

Командор

Йўқ, йўқ, қўзғалманг.

Қимирламанг!

Эстеван

Сеньор, ўтиринг,

Бу жой — ҳар қачонгидай, сизнинг жойингиз.  
Биз туриб ўрганганмиз.

Командор

Ўтинаман,

Бемалол ўтиринглар.

Эстеван

Турганимиз —

Сизга ҳурматимиз нишонаси. Дарвоқе,  
Ҳурматсиз кишилар ҳурмат қилолмас.

К о м а н д о р

Даврага ўтирайлик. Мен сизлар билан  
Ҳангома қилмоқчиман у ёқ-бу ёқдан.

Э с т е в а н

Тозини кўрдингизми, сеньор?

К о м а н д о р

Эшитдим,  
Хизматкорлар роса ҳам мақташди уни.  
Оқсоқол, у тозингиз мўъжиза эмиш,  
Қушларнинг орқасидан елдай учармиш!

Э с т е в а н

Сизга рост айтишибди. Бўласиз рози.  
Овни эплаб беради мақталган този.  
Омбор тешган алчоқ ҳам ундай чополмас,  
Жангдан қочган кўрқоқ ҳам ундай чополмас.

К о м а н д о р

Тозингизга буюринг, елдай югурсин,  
Бир ҳурков қуёнчани илиб кетирсин.  
Мен қувиб етолмадим, кўп абжир экан,  
Унга бас келолмади мендай тез мерган.

Э с т е в а н

У қаерда? Кўрсатинг! Тутаман дарҳол.

К о м а н д о р

Шу яқинда. Қизингиз — у соҳибжамол

Э с т е в а н

Йўғ-е? Қизим? Наҳотки, Лауренсия?

К о м а н д о р

Ҳа.

Э с т е в а н

Сиз уни тутмоқчисиз?

К о м а н д о р

Уришиб қўйинг.

Э с т е в а н

Нега?

К о м а н д о р

У мени писанд қилмай юрибди. Менга  
Ундан қолишмайдиган гўзаллар шайдо.  
Ана, эр: хотини-чи? Сарвқад барно  
Думоғ-фироқ қилмасдан сийлади,

Э с т е в а н

Уят!

Сеньор, бундай сўз бизга қаттиқ ҳақорат.  
Бундай сўзни айтишдан уялинг.

К о м а н д о р

Эҳе!

Деҳқоннинг тили бийрон бўлиб қолибди.  
Сен, Флорес, бу шаддод маҳмадонага  
Арастунинг мағзини чақиб бер дарҳол.

Э с т е в а н

Сеньор,

Сиз ўз иззатингизда, биз ўз ҳурматимизда.  
Аввалгидек, ҳозир ҳам биз ўз одатимизда.  
Қўзибулоқ қишлоғи — тинч-омон диёр,  
Унинг гоят кўп шонли одамлари бор.

Л е о н е л о

У номуссиз ёвузни қаранг!

К о м а н д о р

Худо ҳаққи, айтинг, Рехидор,  
Нега мендан хафа бўласиз?

Р е х и д о р

Сўзларингиз жуда беҳаё,  
Шаънимизни ерга урдингиз,  
Гапингизни эшитмоқ — уят.

К о м а н д о р

Уятни ҳам биламан, денглар?  
Калатрава мардларин қаранг!

Р е х и д о р

Ўзгаларнинг кўкраклариди  
Қонли хочлар ялтираса ҳам  
Ўз қонлари ғоятда лойқа.  
Биз улардан анча соф, кўркам.

К о м а н д о р

Еинки, мен сизга қўшиб қон,  
Қонингизни буздимми ёмон?

Р е х и д о р

Мабодо, қон ифлос бўлса, у  
Заҳарлайди мисоли оғу.

К о м а н д о р

У лойқами, тиниқми, фарқсиз,  
Маза қилур хотинларингиз.

Э с т е в а н

Сеньор, бундай сўз жуда уят.  
Бундай дейиш — бизларга туҳмат.

### К о м а н д о р

Қишлоқидан таъбим ғоят кир,  
О, шаҳарлар, мен сизга асир!  
У ерларда бойлар иззатда,  
Монелик йўқ, айшу роҳатда.  
Хотинлари меҳмон чорлайди,  
Эрлари шод, кулиб порлайди.

### Э с т е в а н

Бас, сенъор, бу гапларни қўйинг!  
Қалбимиз пок, ақлимиз бутун.  
Шаҳарда ҳам парвардигор бор,  
Шаҳарда ҳам жазолар қонун.

### К о м а н д о р

Бас! Жўнанглар!

### Э с т е в а н

Эҳе, бу кимни  
Ҳайдаяпти? Бу ер кимники?

### К о м а н д о р

Мен сизларга деяпман: жўнанг!  
Майдон бўшатилин! Тез!

### Э с т е в а н

Ҳозир

Биз кетамиз.

### К о м а н д о р

Тўпланишмасдан,  
Якка-якка тарқалинг.

Ф л о р е с

Сенъор,  
Ўтинаман, босиқроқ бўлинг!

Командор

Қўйиб берсам, гўпланиб булар,  
Бутун қишлоқ таҳдид ҳам қилар.

Ортуньо

Сеньор, чидам керак!

Командор

Е раббий,  
Чидамимга ўзим ҳайронман.  
Уйларига бари йўқолсин,  
Аммо якка-якка тарқалсин.

Леонело

Раббим, кўзларимга ишонмайман!

Эстефан

Бошқалар бораверсин,  
Мен бу ёққа кетаман.

### БЕШИНЧИ САҲНА

Командор, Ортуньо, Флорес.

Командор

Хўш, бу авом қалай? Нима дейсиз?

Ортуньо

Улар ёлғон гапиришмайди.  
Улар жуда норози. Бир сиз  
Бунга иқрор бўлмаяпсиз.

Мен

Хўжайинми уларга, ё йўқ?

Флорес

Сеньор, асло фойда бермас дўқ.

К о м а н д о р

Милтигимни ўғирлаган-чи?  
У бемалол юраверсинми?

Ф л о р е с

Лауренсия уйи олдида  
Кеча тунда бўлган муштлашда  
Адабини еди у шўрлик.  
Афти менга таниш кўринди.  
У қулоғи, бу қулоғига  
Муштим билан аямай солдим.

К о м а н д о р

Фрондосо ўзи қаерда?

Ф л о р е с

Шу ўртада санқиб юрганмиш.

К о м а н д о р

Менга милтиқ ўқталган аблаҳ  
Шу яқинда эркин юрармиш!

Ф л о р е с

Уни ушлаш жуда ҳам осон,  
Донга илҳақ содда қушсимон,  
У ҳуштакка учиб келади  
Ва тузоққа тушиб қолади.

К о м а н д о р

Гренада қаҳрамонлари  
Ва Кордова паҳлавонлари  
Даҳшатимдан қалт-қалт титрайди.  
Аммо бунда пасткаш бир дайди  
Кўкрагимга милтиқ тирайди!  
Қиёматдан аниқ нишон бу!

Ф л о р е с

Севгучилар ботир бўлади.

О р т у н ь о

Сеньор, сизни ўлдиришни у  
Истамаган. Миннатдор бўлинг.

К о м а н д о р

Мен ҳали ҳам сабр қиламан.  
Акс ҳолда, қабиҳ қишлоқни  
Қиличимдан ўтказиб дарҳол,  
Бошдан-оёқ ёндираб эдим.  
Мен олисда қулай пайт пойлаб,  
Кутажакман. Ҳозирча ақлим  
Қасосимни жиловлаб турсин.  
Паскуала нима деди?

Ф л о р е с

У —

Тўйим яқин, мумкинмас, деди.

К о м а н д о р

Хуллас, сабр қилсин, дебди-да?

Ф л о р е с

Тўйдан кейин кўришиши нақд.  
Интизорлик оши ширин.

К о м а н д о р

Олалья нима дейди?  
Хўш,

О р т у н ь о

У —

Анча эриб, юмшоқ гапирди.



К о м а н д о р

Яна ҳазил? Яна ваъдами?

О р т у н ь о

Кўп баджаҳл унинг қайлиғи,  
Кеча-кундуз кўзи ёрида.  
Мен у ерда парвона бўлиб —  
Юрганимни кўриб, қақшайди.  
Сиз ҳам, хизматкорларни бошлаб,  
Қиз олдига кўп бораверманг.  
Йигит рашки сал пасайганда,  
Аввалгидек қатнайверасиз.

К о м а н д о р

Холва десанг, оғиз чучимас!  
Бир қишлоқи бизга келар бас...

О р т у н ь о

Изимиздан қолмайди сира...

К о м а н д о р

Инес қалай?

Ф л о р е с

Қайсиси?

К о м а н д о р

Антон —  
Хотин қилиб олган қиз.

Ф л о р е с

Э, у —

Ҳар дақиқа сизга интизор.  
Сизга айтсам, уни кўришга  
На калиту, на арқон даркор.

## Командор

Бундай жононларни севаман,  
Аммо улар жуда ҳам ювош.  
Оҳ, бўлсайди улар бағри тош,  
Севган бўлар эдим ўн чандон!

## ОЛТИНЧИ САҲНА

Шулар ва Симбранос.

Симбранос

Айтинглар, Командор қаерда?

Ортуньо

Кўзинг кўрми, кўрмаяпсанми?

Симбранос

Эй, шавкатли Фернандо Гомес!  
Яшил қалпоқ ўрнига дарҳол  
Оқ шлёмни кийинг, камзулни  
Алмаштиринг совут, қалқонга!  
Сеньор, отга мининг шу замон!  
Фақат бир сиз ёвларимизни  
Кастилияга сура оласиз!

Командор

Бас! Ортиқча гапга фурсат йўқ.  
Ортуньо, майдонга чиқиб,  
Тезда буюр, карнай янграсин.  
Солдатлари қанча?

Ортуньо

Таҳминан

Элик нафар.

Командор

Фармон бер: бари  
Отларини агарласинлар!

## Симбранос

Тезроқ елинг! Вақт бой берилса,  
Қирол олур Сьюдад Реални!

## Командор

Йўл қўймаймиз, хотиринг жам қил!

## ЕТТИНЧИ САҲНА

Қўзибудоқ яқинида майдон.  
Лауренсия билан Паскуала қочиб келишяпти. Улар кет-  
дан Менго пайдо бўлади.

## Паскуала

Менго, биздан узоқлаб кетма!

## Менго

Сиз нимадан қўрқасиз бунда?

## Лауренсия

Ихтиёт шарт. Бирга қайтайлик,  
Қишлоғимиз атрофи бўм-бўш.  
Дуч келмайлик яна биз унга.  
Тўда-тўда бўлиб юрайлик.

## Менго

Э, шум иблис! У бошимизга  
Не савдолар солди!

## Лауренсия

## У бизга

На кун, на тун тинчлик беради.

## Менго

Э худойим, чақмоғинг билан  
Ериб ташла унинг бошини,  
Хонумони куйиб кул бўлсин,  
Юот тинчгина есин ошини!

## Лауренсия

У йиртқич, у — вабо-ю заққум.

## Менго

Мен эшитдим, Фрондосожон  
Сени ёвдан сақлабди омон.  
Командорнинг оч биқинидан  
Дарча очай дебди азамат.

## Лауренсия

Эркакларни нафрат қилардим,  
Лекин ўша биргина лаҳза  
Нафратимни буткул сўндирди,  
Ва кўнглимда чечак ундирди.  
Фрондосо — асил паҳлавон,  
Керак бўлса, беражакдир жон.

## Менго

У ўзини панага олсин,  
Қўлга тушса, ёмон бўлади.

## Лауренсия

Айрилишим азоб бўлса ҳам,  
Мен ҳам ундан шуни сўрайман;  
Лекин сира сўзга кирмайди,  
Ушқиради, ёниб қайнайди.  
Командор-чи? Онт ичган эмиш,  
Оёғидан дорга осармиш.

## Паскуала

Осиш керак унинг ўзини!

## Менго

Тош ҳам уни тиндиради. Мен  
Тўрвамдаги тош билан солсам,  
Худо ҳаққи, хом калласининг  
Косасини чил-чил синдириб,

Уйнагардим харом мағзини!  
Бу дунёда бормикан яна  
Дон Фернандо Гомесдай аблаҳ?!  
П а с к у а л а

Йўқ, у битта. Уни онаси  
Урғочи шер қаҳри-ла туққан.

### САККИЗИНЧИ САҲНА

Шулар ва Хасинта.

Хасинта

Қутқаринглар, ўртоқжонларим,  
Дўстлигимиз ҳаққи, сўрайман!

Лауренсия

Нима бўлди, дўстим Хасинта?

Паскуала

Қутқарамиз, бизларга ишон.

Хасинта

Сьюдад Реал томон йўл олган  
Командорнинг шум малайлари  
Доғ тушириб жанговар тирга,  
Мени қувиб қолдилар, сеньор —  
Базми учун керак бўлибман.

Лауренсия

Аждаҳодан сени худойим  
Паноҳида асрасин доим!  
Командорга сен фақат ўйин,  
Аммо менга бўлади қийин!

(Кетади.)

## П а с к у а л а

Хасинта, мен эркак эмасман,  
Сени қандай қилай ҳимоя?

(Кетади.)

М е н г о

Мен эркакман, бу мансабимдан  
Воз кечишга асосим йўқдир.  
Мени маҳкам ушла!

Х а с и н т а

Қуролинг —

Борми?

М е н г о

Эҳ-ҳе, бўлганда қандоқ!

Х а с и н т а

Қани кўрсат!

М е н г о

Мана, метин тош.  
Жангда сўзсиз голиб чиқаман.

## ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Хасинта, Менго, Флорес, Ортуньо ва солдатлар.

Ф л о р е с

Ҳа, қочмоқчи эдингми биздан?

Х а с и н т а

Оҳ, мен ҳалок бўлдим!

М е н г о

Жаноблар,  
Нақачалик уялиш керак...

## О р т у н ь о

Сен нимага аралашасан?  
Шу қушчага қоровулмисан?

## М е н г о

Қўриқлайман фақат сўз билан —  
Қариндошим бўлади бу қиз.  
Шу сабабдан ҳимоякорман.

## Ф л о р е с

У жонидан тўйган шекилли.

## М е н г о

Йўғ-е! Жаҳлим чиқара кўрманг,  
Белбоғимнинг мўъжизаси бор,  
Осонликча жон бермайман, ҳа!

## УНИНЧИ САҲНА

Шулар, Командор, Симбранос.

## К о м а н д о р

Бу нима гап?, Ҳар қандай пасткаш  
Мажбур этса отдан тушишга!

## Ф л о р е с

Бу қишлоқнинг деҳқонларини  
Вабо каби қуритиш даркор,  
Акс ҳолда, шаддодлик билан  
Қиладилар ҳолимиз ночор!

## М е н г о

Эй сеньорим, агар адолат  
Ботирларга бўлса чин одат,  
Сиз гуноҳга йўл қўя кўрманг.  
Булар сизни рўкач қилишди,  
Шўрлик қизни қувиб келишди;  
Қайлиғидан, азиз муҳтарам

Ота-она бағридан бу дам  
Айирмоқчи бўлишди. Дарҳол  
Фармон беринг, тегишмасин.

К о м а н д о р

Мен  
Қайсарларни жазоламоққа  
Дарҳол фармон бераман. Қани,  
Сопқонни чўз!

М е н г о

Сеньор!..

К о м а н д о р

Симбранос,  
Ортуньо, Флорес, аяманг,  
Сопқон билан қўлини чирманг,  
Урнак бўлсин буларга мингбаъд!

М е н г о

Тақсир, шуми сиздан мурувват?

К о м а н д о р

Айт-чи, мени орқа-овлоқда  
Не дейдилар қабиҳ қишлоқда?

М е н г о

Шафқат қилинг; бирорта киши,  
Ҳурматсизлик бўлдими иши?

Ф л о р е с

Улдирайми?

К о м а н д о р

Улуғвор ишга,  
Ғанимларга қарши урушга —  
Тайёрланган қуролни бадном —  
Қони билан қилмагин харом.



О р т у н ь о

Нима жазо берай?

К о м а н д о р

Савала!

Қип-яланғоч қилиб ечинтир,  
Хов анави чинорга боғла,  
Узангини ечиб...

М е н г о

Раҳм қилинг,  
Виждонингиз борми, эй жаноб!

К о м а н д о р

Токи қайиш темирдан ажраб  
Тушмагунча баданини шил!

М е н г о

Ё раббий, зил ғазабинг билан  
Эолимларнинг бошини янчгил!

Ф л о р е с, О р т у н ь о, С и м б р а н о с М е н г о н и о л и б к е т а -  
д и л а р.

## УН БИРИНЧИ САҲНА

К о м а н д о р, Х а с и н т а, с о л д а т л а р.

К о м а н д о р

Хўш? Бу шаштни қаёқдан олдинг?  
Мансабдордан, улуғвор зотдан  
Қишлоқини афзал кўрдингми?

Х а с и н т а

Қайтиб беринг эркимни, жаноб!  
Бу кунимдан ўлганим яхши,  
Бу уятга чидаёлмайман!

К о м а н д о р

А-ҳа? Чидайман дегин?

Х а с и н т а

Ҳа.

Менинг отам — муҳтарам киши,  
Сизча бўлмаса ҳам мансаби,  
Олижаноб хулқи-атвори  
Сиздан анча баланд.

К о м а н д о р

Ҳақорат —

Ва қўполлик ғазабнокларнинг  
Жаҳлига ўт ёқади яна.  
Юр!

Х а с и н т а

Қаёққа?

К о м а н д о р

Мен билан бирга.

Х а с и н т а

Сеньор, пухта ўйланг!

К о м а н д о р

Жуда соз,  
Пухта ўйлай. Ва лекин бунда  
Яна сенга ёмон бўлади.  
Қайсар қизнинг азоби қурсин.  
Сени аскарларга отаман.

Х а с и н т а

Дўқдан сира қўрқмайман. Аммо  
Тирик кўлга тушмайман асло.

К о м а н д о р

Юр, қишлоқи! Қани! Кутяпман.

Х а с и н т а

Сеньор, шафқат қилинг, сўрайман!

К о м а н д о р

Шафқат-пафқат бўлмайди.

Х а с и н т а

Е раб,  
Бағри тошга ўзинг жазо бер!

### УН ИККИНЧИ САҲНА

Л а у р е н с и я, Ф р о н д о с о.

Л а у р е н с и я

Фрондосо, сен ҳайиқмасдан  
Келибсан-а  
бу ерга? Қойил!

Ф р о н д о с о

Келганимдан мақсад шуки, бил:  
Қўрқув билмас севгувчи кўнгил.  
Мен анави тепа устидан  
Командорнинг кирганин кўрдим,  
Сени ўйлаб, ташвишим ортиб,  
Қишлоқ томон елдай югурдим.  
Шайтонларнинг даргоҳига у  
Тезроқ бориб, буткул даф бўлсин!

Л а у р е н с и я

Жим! Кимгаки ўлим тиласанг,  
Унинг умри узоқ бўлади.

## Фрондосо

Менга қолса, уч юз йил яшаб,  
Заҳарини мукамал ошаб,  
Истагимиз шуки, ниҳоят,  
Юртимиздан йўқолсин офат.

Лауренсия, айтгил, жонгинам,  
Аввалгидек мени ҳозир ҳам  
Севасанми? Вафодормисан?  
Аввалгидек менга ёрмисан?

Айтгил, тоза ишқимга, жонон,  
Мукофотни оламан қачон?  
Бутун қишлоқ бизни сўзлайди,  
Тўйимизни доим кўзлайди.

Лекин сендан жавоб йўқ ҳамон,  
Шу сабабдан ҳамма ҳам ҳайрон.  
Ўтинаман, бермагил азоб,  
Сендан аниқ кутаман жавоб.

## Лауренсия

Қишлоққа ҳам, сенга ҳам сўзим —  
Шуки, ишон, розиман ўзим.

## Фрондосо

Жоним, тингла арзи-қолим,  
Босган изларингни ўпаман.  
Фақат сендан бахтим топаман.  
Жавобингни кутар саволим.

## Лауренсия

Қуруқ сўздан йўқдир фойда,  
Етмоқ бўлсанг агар менга,  
Дарҳол ёлбор сен отамга,  
Етажаксан ана шунда.  
Ана, отам билан амаким.  
Мен уйимга беркинаман жим,  
Бор, гаплаш.

Фрондосо

Э, худо, мадад бер!

Лауренсия уйига кириб кетади.

### УН УЧИНЧИ САХНА

Фрондосо, Эстеван, Рехидор.

Эстеван

Сеньор ёмон ахлоқи билан  
Ҳаммамизни уятга қўйди.  
Бутун қишлоқ, тоқати тугаб,  
Фуқаромиз жонидан тўйди.  
У тобора ҳаддидан ошиб,  
Зўрлигининг ниҳояси йўқ.  
Хасинтамиз қўлига тушиб,  
Зор йиғлади, ҳимояси йўқ.

Рехидор

Шаҳватбозлар қаттиқ дастидан,  
Испания зулм остида.  
Шунинг учун биз одил қирол  
Хукмин қабул қилгаймиз дарҳол.  
Хасинтага ачинаман. У  
Пок қиз эди гўёки ёғду.

Эстеван

Менгога ҳам жуда жабр бўлди!

Рехидор

Бечоранинг орқаси худди  
Ис босгандай кўм-кўк қонталаш.

Эстеван

Жим! Бу даҳшат, бу қаттиқ зиён  
Юрагимни ўртайди ёмон,  
Командорнинг зулми бепоеён.

Ортиқча юк бўлгандан кейин,  
Нега керак менга бу асо?

Рехидор

Нима чора? Сиз командорнинг  
Малайлари олдида ожиз.

Эстефан

Иштаҳаси карнай. Эшитдим,  
Педро-семиз хотинини ҳам  
Жар тубида, булоқ бошида  
Учратибди ва роса хўрлаб,  
Лашкарига инъом қилибди.

Рехидор

Биров қулоқ соляпти. Ким бор?

Фрондосо

Афв этасиз, бу ерда менман.

Эстефан

Фрондосо, азиз фарзандим,  
Мендан авф сўрама зинҳор.  
Сен отангинг асил дилбанди,  
Лекин мен ҳам отангчалик бор.  
Шу елкамда катта қилганман,  
Ўғлим десақ арзигуликсан.

Фрондосо

Тўғри, сеньор, эслайман ҳамон,  
Сиз бўлгансиз доим меҳрибон.  
Кимлигимни яхши биласиз.  
Бир сўзим бор, қулоқ берасиз.

Эстефан

Сени телба Командор хафа —  
Қилдимиз?

## Фрондосо

Ҳа, ранжитди, сеньор.

## Эстефан

Мен ҳам буни сезувдим.

## Фрондосо

Сеньор,

Менга бўлган муҳаббатингиз,  
Ҳурматингиз билганим учун,  
Сўзим шуки, пок фарзандингиз  
Лауренсияга бўлганман мафтун,  
Энди сизга очай юрагим,  
Хотинликка олиш — тилагим.  
Сўзим қўпол; балки, шошганим,  
Балки журъат билан тошганим  
Жасоратга сабаб бўлгандир,  
Лекин кўнглим ишққа тўлгандир.

## Эстефан

Фрондосо, ўғлим, бу сўзинг  
Менга мойдай ёқади, ўзинг  
Ҳузуримга келиб шод қилдинг,  
Ҳаётимни кўп обод қилдинг.  
Оллога минг қатла шукурки,  
Менга қўйиб шунчалар ихлос,  
Ташвишлардан айладинг халос.  
Энди дардим дармони сенсан,  
Номус-орим қалқони сенсан.  
Қайлиғингни севишинг аниқ,  
Қалбинг тоза ишқ билан ёниқ.  
Аммо аввал отанг иккимиз —  
Бирга аҳду паймон қиламиз.  
Бир қарорга келамиз шаксиз.  
Бахтли бўлиб яшанг иккингиз.  
Юрагимга сизмай қувончим,  
Сенга яна ортди ишончим.

Рехидор

Менда шундай мулоҳаза бор:  
Қиз фикрини билиш ҳам даркор.

Эстеван

Бу борада бўлинг хотиржам!  
Ҳал бўлади бу масала ҳам.  
Булар ишни пиширган десам,  
Мени койинг, агар янглишсам.  
Аммо сепни сўзлашиб олиш —  
Кечиктириб бўлмайдиган иш.  
Унчалик кўп бўлмаса ҳам, ман  
Сизларга пул йиғиб қўйганман.

Фрондосо

Ташвишланманг. Сеп нега керак?

Рехидор

Хурсанд бўлинг, мана бу юрак!

Эстеван

Хўш? Қизалоқ чиқсинми? Қани,  
Ўзи берсин бунга жавобни!

Фрондосо

Бу бошқа гап! Мажбур қилмангиз  
Ўз оғзидан бир илинсин қиз!

Эстеван

(чақиради)

Лауренсия! Қизим!..



## УН ТУРТИНЧИ САХНА

Шулар ва Лауренсия.

Лауренсия

Сеньор, лаббай...

Эстеван

Мен ҳақ эканманми? Бир товуш  
Ва у учиб келди гўё қуш...  
Қизим, сенда бир оғиз гап бор.  
Жавобингни ёлғиз эшитай,  
(Қани, четга борайлик.) Айтай —  
Сенга битта хушxabар, дилдор —  
Хила деган дугонанг бор-ку?  
Фрондосга тегмакчимиш у...  
Бундай йигит кам топилади,  
Қиз болани бахтли қилади.

Лауренсия

Хила эрга тегармиши?

Эстеван

Ҳа.

Нима дейсан, йигит маъқулми?

Лауренсия

Бунга шубҳаланиш мумкинми?

Эстеван

Дуруст. Аммо у қиз гўзалмас,  
Фрондосо келолмайди бас.  
Кел, яхшиси, Лауренсия, бунга  
Ўзинг тегиб қўя қол.

Лауренсия

Ота,

Соқолингга тушса ҳам қиров,  
Ҳазилингни қўймайсан бирров!

Эсте ван

Уни севасанми?

Лауренсия

У — жоним,

Меҳрибоним ва қадрдоним.

Лекин бундай ишда... яна, сиз...

Эсте ван

Демак, хўп деб жавоб берамиз.  
Розимисан?

Лауренсия

Майли...

Эсте ван

Жуда соз!

Модомики калит қўлимда,

Иш жойида бўлади. Қани,

Қудамизни топайлик энди.

Реҳидор

Кетдик.

Эсте ван

Уғлим, пул борасида

Унга қандай жавоб берайин?

Агар тўрт минг маравелини

Берсам, хурсанд қиларман уни.

Фрондосо

Утинаман, сеньор, бу гапни

Бир чеккага қўйиб турайлик.

Гадомасман. Хафа бўламан.

Эсте ван

Уғлим, мен ҳам шундай деганман,

Лекин кейин афсус еганман,

Хаёлингда бўлсин келажак,  
Келажакни ўйламак керак.

Эстева, Рехидор кетадилар.

Лауренсия

Фрондосо, шодмисан?

Фрондосо

Менми?

Мендек бахтли йўқ замонда,  
Қанотим пўлатдан, учаман,  
Севибли ёримни қучаман,  
Эҳ-ҳе, яшайман омонда!

Қўзибулоқ яқинида майдон.

## УН БЕШИНЧИ САҲНА

Тўй маросими.

Созандалар, Менго, Фрондосо, Лауренсия, Пае-  
куала, Баррильдо, Малла Хуан, Эстева.

Созандалар

Келин-куёв соғ бўлсин,  
Доим вақти чоғ бўлсин,  
Уйида чироғ бўлсин!

Менго

Худо ҳаққи, бу қўшиғингиз  
Жўн тўқима, жуда мазасиз.

Баррильдо

Демак, ўтирмабди дилингга.  
Ўзинг тўқи, эрк бер тилингга!

Фрондосо

Менго қайда, ашула қайда!  
У қайиш еб, топади фойда!

## Менго

Ҳей, товушингни ўчир! Шу топда  
Командор малайи — айғоқчи  
Чакалакда сенга пойлоқчи.

## Баррильдо

Тилга олма ўша аблаҳни!  
У шарманда бизга озмунча  
Касофатлар келтиргани йўқ.

## Менго

Битта сопқон билан юз солдат —  
Қаршисида нима қилардим?  
Айб мендамас. Бўлсайди қудрат,  
Ёвларимдан қасос олардим.  
Мен-ку ундан осон қутулдим.  
Бошқаларга мушкулроқ бўлди.  
(Отларини айтмайман.) Ичларига  
Қум аралаш сурги қуйилди.  
Қандай азоб! Лекин одам ҳам  
Бўладими шундай серчидам!

## Баррильдо

Билишимча, бу фақат ҳазил.

## Менго

Сурги ҳазил бўлса ҳам, кўп зил!  
Сургидан-ку фойда бор, бироқ  
Ундан гўрга кирган яхшироқ.

## Фрондосо

Сен, яхшиси, шеърингни тўқи,  
Куйга солиб, яшилаб ўқи!

## Менго

Иккови яшасин роҳатда,  
Келин шод, куёв қувноқ,  
Ғам-алам кетсин узоқ,

Умри ўтсин фароғатда,  
Шарофатда, саодатда,  
Гуллардай яшнасинлар!  
Узоқ йил яшасинлар!

Ф р о н д о с о

Суюқ қўшиқ, чайналган ашъор,  
На мазаси, на матраси бор!

Б а р р и л ь д о

Аммо жуда тез тўқиди...

М е н г о

Қойил чиқди вазну қофия, Ҳа,

Б а р р и л ь д о

Маҳмадона бўлма! Рухсат бер,  
Балки, ёшлар бирор нима дер!

Л а у р е н с и я

Қўлинг ўпай, кел, қайнатажон,

М а л л а Х у а н

Олло ўзи сақласин омон!  
Мен розиман тилаб бахтингни,  
Дуо қилсин отанг ҳам сени.

Э с т е в а н

Хуан, сендай, мен ҳам сўрайман:  
Парвардигор ўзи қўлласин,  
Бахт йўлига доим йўлласин.

Ф р о н д о с о

Айтганингиз келсин, отажон.

## Малла Хуан

Ҳей, сиз, созандалар, бошлангиз!  
Биз куй билан, ашула билан  
Фарзандларни қилайлик хурсанд!

### Созандалар

Қўзи булоқ қишлоғидан  
Қиз тушади жар томонга,  
Орқасидан шилқим рицарь  
Қўз тикади у жононга.  
Уятдан қип-қизариб,  
Чакалакка киради қиз.  
Рицарь аста юриб бориб,  
Тикилади қизга орсиэ:  
«Яширинма, гўзал ёр,  
Кечанинг моҳи!  
Сени топади хуштор  
Ошиқ нигоҳи!»

\* \* \*

Рицарь қизга яқин борар,  
Қиз бўлса, дағ-дағ қалтирар,  
Сурбет ошиқ парво қилмас,  
Қиз дардини асло билмас.  
Қоқилади қиз илдизга,  
Эшитилади ноласи...  
Шилқим рицарь шўрли қизга  
Бургутдай чанг солади:  
«Яширинма, гўзал ёр,  
Кечанинг моҳи!  
Сени топади хуштор  
Ошиқ нигоҳи!»

### ОЛТИНЧИ САҲНА

Шулар, Командор, Флорес, Ортуньо, Симбронос,  
солдатлар.

#### Командор

Ҳей, одамлар, тўйни тўхтатинг,  
Уз жойидан жилмасин ҳеч ким!

## Малла Хуан

Сенбор, бу тўй ҳазил иш эмас.  
Лек ихтиёр сизда, сиз ҳоким.  
Шонли лашкар билан қайтибсиз,  
Қўнарга жой хоҳиш этибсиз,  
Марҳамат... Мард саркорга лойиқ  
Жой беради бунда халойиқ.  
Йўқ... Раъингиз бошқача. Равшан.

Фрондосо

(четга)

О, ушландим! Ё раббий, қутқар!

Лауренсия

Фрондосо, четга қоч тездан!

Командор

Чирмов билан боғлансин дарҳол!

Малла Хуан

Қарши борма, бўйин эг, ўғлим.

Фрондосо

Истайсанми менга сен ўлим?

Малла Хуан

Нега ундай дейсан, ўғлим?

Командор

Мен—

Жон олсам ҳам, танлаб оламан.  
Бу йигитни ўлдириш осон.  
Ўлдирмоқчи бўлсам, шу замон  
Солдатларим қиличи билан

Тешар эди оч биқинидан.  
Мен зиндонга ташлайман уни!  
Ўз отаси кейин ўғлининг  
Жазосини айтиб беради.

П а с к у а л а

Сеньор, ахир, у уйланияпти!

К о м а н д о р

Уйланиши бўлолмайди ғов.  
Еки, йўқми бошқа бир куёв?

П а с к у а л а

У ҳақорат қилган бўлса ҳам,  
Сиз кечириб, бўлингиз ўктам.

К о м а н д о р

Паскуала, бу ердаги гап  
Менда эмас, қаҳримга сабаб:  
У магистр — улуғ Хиронга  
Қўл кўтарди: бу ҳукмронга  
Худо ўзи муҳофизакор!  
Ҳа, бу ерда муқаддас Ордан,  
Унинг шаъни таҳқир этилди,  
Шу сабабдан гуноҳкор қаттиқ —  
Жазосини тортиши керак.  
Агар шундай қилмасак, авом  
Итоатни унутиб тамом,  
Бизга қарши туғ кўтаради.  
Ахир, сизга маълумки, бу шум,  
Кимлигимни қилиб фаромуш,  
Менга қарши кўтариб товуш,  
Милтиқ билан қилганди ҳужум...  
(Ҳаддан ошди энди фуқаро!)

Э с т е в а н

Сеньор, қайинота бўламан.  
Сўзингизни тингладим, аммо



Мен йигитнинг ёнини оламан.  
Сеньор, ошиқ маъшуқасини  
Сизга бериб қўёлмайди-да!  
Қандай қилиб рафиқасини  
У хўрлайди эл-юрт олдида!  
Сиз ёрини тортиб олишга  
Қасд қилдингиз. У қарши чиқди.

К о м а н д о р

Оқсоқол, бу қуруқ сўзингиз  
Зигир ёғдай жонимга тегди.

Э с т е в а н

Сўзлашга сиз мажбур қилдингиз!

К о м а н д о р

Хотинини тортиб олишим —  
Қуруқ туҳмат; уйланмаган-ку?

Э с т е в а н

Қасд қилдингиз... Бас. Сўзламайман.  
Зулмингизга йўқдир ниҳоя.  
Кастильямизда қирол бор,  
Уша қилур бизни ҳимоя.  
Эски тартибсизликларга у  
Ҳукми билан беради барҳам.  
Сизга уруш баҳона бўлиб,  
Эл бошига ёғдирасиз ғам.  
Шаҳарларда, вилоятларда  
Халойиққа сиздан йўқ омон.  
Сийнангизда муқаддас хоч бор,  
Аммо унда нур ўрнида қон.  
Умидимиз фақат қиролдан.

К о м а н д о р

Асони олингиз бу оқсоқолдан!

Э с т е в а н

Ола қолинг, сеньор, марҳамат!

К о м а н д о р

Қайсар отни ургандай, буни  
Асо билан ураман ҳозир!

Э с т е в а н

Юрт устида ўзингиз нозир,  
Ҳақингиз бор: уринг асони!

П а с к у а л а

Ахир, чол-ку, нега урасиз?

Л а у р е н с и я

Қизи алам ўтказса сизга,  
Отасини урасиз, нега?  
Бошқа эркак қуриб қолганми?

К о м а н д о р

Қизни ушланг, қамоққа солинг,  
Эшигига ўн посбон қўйинг!

К о м а н д о р ва унинг хизматкорлари Фрондосо билан  
Л а у р е н с и я н и олиб кетадилар.

Э с т е в а н

Жазосини ўзинг бер, оллоҳ!

(Кетади.)

П а с к у а л а

Тўй азага айланди, эвоҳ!

(Кетади.)

Б а р р и л ь д о

Сўз айтишга бирор мард борми?

## Менго

Роса калтак едим. Етарли!  
Ҳожи бўлиш учун Маккага  
Бориб-келиш унча шарт эмас.  
Тинч қўйинглар мени. Кетаман.

## Малла Хуан

Ҳаммамиз бош кўтаражакмиз.

## Менго

Қўйинг, фойдаси йўқ! Яхшиси —  
Индамасдан жимгина юриш.  
Гапнинг рости, унинг қамчиси  
Зарбасига ҳеч тоқатим йўқ.

## УЧИНЧИ ПАРДА

Кўзибулоқ яқинида майдон.

### БИРИНЧИ САҲНА

Эстефан, Баррильдо.

Эстефан

Нега халқ йиғилмади?

Баррильдо

Деҳқонлар келмаяпти.

Эстефан

Аммо лаҳза сайин ҳалокат яқин.

Баррильдо

Дяри хаммага хабар берилган.

Эстефан

Фрондосо зиндонда. Командор қийнаяпти.  
Қизим Лауренсия зўрлаб олиб кетилди.  
Кулфат кетидан кулфат... Олло ўзи асрасин!

### ИККИНЧИ САҲНА

Шулар, Малла Хуан, Рехидор, кейин Менга.

## Малла Хуан

Оҳ-воҳдан ҳеч фойда йўқ. Энди  
Сукут сақлаш — энг муҳим тадбир.

Эстеван

Майдон бўм-бўш. Ҳайрон бўласан?

Менго

Мана, мен ҳам йиғинга келдим.

Эстеван

Соқолимни ёш билан ювиб,  
Оғайнилар, сиздан сўрайман:  
Ватанимиз аламда куйиб,  
Инграб-инграб жон берган экан,  
Уни қандай кўмамиз энди?  
Эл тортмаган қандай ғам қолди?  
Модомики, шон-шарафимиз,  
Номусимиз топталган экан,  
Юртимизда қайси юз билан  
Бош кўтариб юра оламиз?  
Айтинг: энди биз ким бўламиз?  
Жавоб беринг: орангизда ким  
Ҳақоратга дучор бўлмади?  
Насибамиз оҳ-воҳми доим?  
Наҳот, аҳвол шундай қолади?  
Модомики, ор-номусимиз,  
Ватанимиз бой берилибди,  
Биз қаёққа энди қараймиз?  
Биз нимани кутамиз энди?

Малла Хуан

Бечора юртимиз топталди ёмон.  
Фақат қироллардан келади омон.  
Атрофга бир қаранг: Кастильяни  
Ҳалокатдан қирол қутқариб қолди.  
Шу сабаб Кордова кутади уни,  
Қирол ҳурматига у юрт қўзғалди.  
Икки оқсоқолни юборсак дарҳол,  
Бизларга ҳам мадад юборар қирол.

## Баррильдо

Ев билан талашда, қаттол жангларда  
Қирол бизга мадад бера олурми?  
Ундан ёрдам сўраш ўзи бефойда.  
Яخشиси, топайлик бошқа бир йўлни.

## Рехидор

Менинг ўғитимга солсангиз қулоқ,  
Гапим шу: қишлоқдан кетайлик тезроқ.

## Малла Хуан

Бемалол кетишга йўл берармикан?

## Менго

У агар бу гапдан бўлса хабардор,  
Осон қутулмаймиз, тортамиз озор.

## Рехидор

Сабр қила бериб, тушдик шу кунга.  
Қўрқоқ кема фарқ бўлади тўлқинга.  
Ватан фахри бўлган оқсоқолимиз —  
Қизини Командор тортиб олса-ю,  
Бошига асоси билан солса-ю,  
Бўйнимизни эгиб, тоқат қилсамиз!  
Дунёда бу қадар қабиҳлик йўқдир!  
Сабримиз косаси буткул тўлиқдир!

## Малла Хуан

Хуш! Қандай қарорга энди келамиз?

## Рехидор

Ё бизлар ўлайлик, ё ўлсин ёвуз!  
Бизлар кўп, улар оз.

## Баррильдо

Сенингча, демак,  
Хукмдоримизни ўлдирмак керак?

## Эсте ван

Худодан сўнг фақат қирол ҳокимдир,  
Бошқаси — ҳокиммас, йиртқич, золимдир.  
Мабодо бизларга худо бўлса ёр,  
Нимадан қўрқамиз?

## Менго

Аммо, жаноблар,  
Сал бошни қотириш керак бўлади.  
Йиғинга батраклар мени юборди,  
Улардай чорасиз, бахтсизлар йўқдир,  
Лекин ваҳимага кўнглим тўлиқдир.

## Малла Хуан

Яна ваҳимами? Шунчаси етар.  
Ахир, аҳволимиз мурдадан баттар.  
Улар ёндирмоқда ую даламиз.  
Гап шу: золимлардан қасос оламиз!

## УЧИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ва сочлари ёйиқ Лауренсия.

## Лауренсия

Эркаклар, йиғинга қатнашиш учун  
Менинг ҳам қонуний ҳақим бор бутун:  
Хотиннинг мумкинмас овоз бериши  
Ва лекин мумкинди йиғлаб нолиши.  
Мени танияпсизми?

## Эсте ван

Ё рабий!  
Лауренсия? Сенмисан?

## Малла Хуан

Сен ўз қизингни  
Таниёлмаяпсанми?

Лауренсия

Мен ўзимга  
Шунчалар ўхшамасдан қолдимки, энди  
Менинг кимлигимни билолмаяпсиз.

Эстефан

Лауренсия, қизим!

Лауренсия

Мен ортиқ сенга  
Қиз эмасман.

Эстефан

Нега? Нима сабабдан?  
Жон бўлам, нега энди?

Лауренсия

Сабаблари кўп.  
Ва лекин асосий сабаб шудирки,  
Сен қизингни зўравонларга  
Ўғирлатдинг, қасос олмадинг,  
Мени йиртқич панжаларидан,  
Ота бўлиб, сен қутқармадинг.  
Эрга тегиб улгурмаганман.  
Фрондосо эрим бўлмаган,  
Шунинг учун умас, балки сен  
Номусимни сақлашинг керак;  
Тўй тантана қилмади тўлиқ,  
Чимилдиққа кирганимча йўқ,  
Шунинг учун эр эмас, ота  
Ўз қизини ёқлаши керак.  
Гавҳарга пул тўлаган билан  
Уни қўлга олиш шарт, чунки  
Ўғри урса, олинмаган мол  
Даъвоси ҳам бўлади кулги.  
Мени эса, Фернандо Гомес  
Олиб кетди кўз олдингизда,  
Қўрқоқ чўпон қўзичоғини



Оч бўрига топшириб қўйди.  
 Бошимга не савдолар тушди,  
 Ханжар билан сийнам тилишди!  
 Иффатимни ҳирс-шаҳватига  
 Қурбон қилиш учун у малъун,  
 Дўқлари кор қилмагандан сўнг  
 Кўкрагимга қўйди қайноқ мум.  
 Мана, сочларимга бир қаранг!  
 Чаккаларим қонталаш, яра,  
 Юзимга ҳам силқиб оқар қон,  
 Шундай азоб берди беомон!  
 Оталарим, қариндошларим,  
 Зоти улуғ қон-қардошларим,  
 Мақтанчоғлик жонга тегди, бас!  
 Кулфатимнинг поёни йўқдир,  
 Аламларга бағрим тўлиқдир,  
 Айта берсам, асло тугамас!  
 Қандай қилиб, чидаб турибсиз,  
 Бош кўтариб, қандай юрибсиз!  
 Сиз қўйларсиз, қўйлардай қўрқоқ,  
 Шунинг учун бу Қўзибулоқ  
 Сизларга энг муносиб ётоқ!  
 Ўзим қўлга қуроламан!  
 Сизлар тошсиз, совуқ мраморсиз,  
 Тиши тушган қари шерларсиз!..  
 Йўқ, шер эмас. Шербаччаларни  
 Този олиб кетса, қайси шер  
 Қувламасдан, қараб туради?  
 Шер ёвини қувиб етади,  
 Ва денгизга етказмай туриб,  
 Қирғоқдаёқ тутиб, йиртади,  
 Ёвдан қаттиқ қасос олади..  
 Сизлар испан эмас, қўрқоқлар,  
 Юраги йўқ ёввойиларсиз,  
 Қуёнлардан чала туғилган  
 Уяти йўқ мақтанчоқларсиз!  
 Сиз севимли хотинингизни  
 Ет эркакка қўшиб қўясиз!  
 Яна, қилич тақиб юрасиз?  
 Ечинг уни! Урчуғ тақингиз!  
 Хотинлардай, рўмол тўқингиз!  
 Онт ичаман, мен билан бирга  
 Хотин-қизлар жангга киради

Ва шаънидан доғларни ювиб,  
Душманларни боплаб қиради.  
Сизлар, аёлсифат қўрқоқлар,  
Хотинларнинг расмин тутасиз,  
Ипак эшиб, тақим отасиз,  
Бир чеккада қолиб кетасиз.  
Шимингизни ечинг, ўрнига  
Узун кўйлак кийиб олингиз,  
Сизга қалпоқ ўтиришмайди,  
Шоҳи рўмол ўраб олингиз.  
Қизил суриб юзларингизга,  
Сурма қўйинг кўзларингизга!  
Ҳукм қилди Фернандо Гомес:  
Фрондосо судсиз, ҳукмсиз  
Дорга осилади. Сизни ҳам  
Қўйдаи судраб, дорга тортади.  
Мен тантана қиламан, чунки  
Қишлоқдаги барча аёллар  
Эркакларга айланади-да,  
Сизни буткул уятга кўмиб,  
Кўп қадимги замонлардаги  
Соҳиб аёл — амазонкалар —  
Даври яна қайтиб келади.

### Э с т е в а н

Қизим, мени ҳақорат қилма,  
Қабоҳатга кўмиб номимни,  
Менга оғир лақаблар тақма!  
Бутун дунё қарши чиқса ҳам,  
Сесканмайман, ёлғиз бораман.

### М а л л а Х у а н

Душман баланд тоғ бўлганда ҳам,  
Қулатишга бораман мен ҳам.

### Р е х и д о р

Жанг қиламиз, жон аямаймиз!

## Баррильдо

Калтакка бир парча латтани  
Боғлаб, байроқ қилиб оламиз,  
Малъунларни қаттиқ урамиз!

## Малла Жуан

Жанг режаси қандай бўлади?

## Менго

Режа битта: ёвни ўлдириш.  
Шу ондаёқ халқни йиғамиз.  
Бир ёқадан бош чиқарамиз.  
Золимларни буткул қирамиз.

## Эстеван

Милтиқлар, ўқ-ёйлар, таёқлар,  
Камонлар — ҳаммаси олинсин!

## Менго

Хоинлар, золимлар қирилсин!

## Ҳамма

Хоинлар, золимлар қирилсин!

Эркаклар кетади.

## Лауренсия

Тез боринглар, осмон мададкор!  
Эй, аёллар! Юртдошлар, келинг!  
Шаънимиз-чун қасос олайлик!  
Дугоналар, тезроқ йиғилинг!

## ТУРТИНЧИ САҲНА

Лауренсия, Паскуала, Хасинта ва бошқа аёллар.

## Паскуала

Тинчликми? Нега чақиряпсан?

## Лауренсия

Қаранг: ана, улар кетяпти —  
Командордан қасос олишга!  
Эркаклар, йигитлар, болалар  
Қонли жангга боришяпти.  
Наҳотки, шу шарафли ишда  
Биз улардан ортда қоламиз?  
Ахир, Командорнинг зулкмини  
Биз улардан озроқ тортдикми?

## Хасинга

Мақсадингни очиқроқ сўзла!

## Лауренсия

Мақсадим шу: сафга тизилиб,  
Шундай мардлик кўрсатайликки,  
Эл-юртимиз ҳайратда қолсин,  
Хасинга, сен чеккан жафолар  
Хотинларга бош бўлишингга  
Сенга тўла ҳуқуқ беради.

## Хасинга

У сени ҳам ёмон хўрлади.

## Лауренсия

Паскуала, сен байроқдор бўл!

## Паскуала

Ижозат бер, найза учига  
Қизил алвон илиб келаман.  
Ўз бурчимни адо қиламан.

## Лауренсия

Кетма. Ҳар бир лаҳза ганимат.  
Алвон излаб юргандан кўра,  
Пешанабоғ илиб найзага,  
Байроқ каби кўтарган маъқул.

Паскуала

Орамиздан бошлиқ сайлайлик.

Лауренсия

Керак эмас.

Паскуала

Нега?

Лауренсия

Мен борман,  
Шу кифоя. На ботир Раймонд  
На Сид менга тенг кела олур.

### БЕШИНЧИ САҲНА

Командор уйда зал.

Командор, Флорес, Ортуньо, Симбранос. Фрон-  
досонинг қўли чамбарчас боғланган.

Командор

Шу арқоннинг ўзига осиб қўйинглар,  
Муттаҳам ўғрининг қўли узилсин!

Фрондосо

Бу доғни шаънингиздан юва олмайсиз!

Командор

Минорага осинглар, кўриниб турсин,  
Бу жазо бошқаларга бир ўрناق бўлсин!

Фрондосо

Ўлдирмоқчи эмасдим, сеньор, мен сизни.

Саҳна орқасида шовқин.

Ф л о р е с

Оҳо, иш чатоқ-ку!

К о м а н д о р

Узи нима гап?

Ф л о р е с

Сеньор, бу ташвишни тезроқ тугатинг!

О р т у н ь о

Эшикни синдиришяпти.

К о м а н д о р

Ҳоким эшигини синдиришяпти?!  
Командор эшигини-я!

Ф л о р е с

Жамоат жам, унча-мунча одаммас.

### ОЛТИНЧИ САҲНА

Шулар. Саҳна орқасида Малла Хуан, кейин Менго.

М а л л а Х у а н

(саҳна орқасида)

Синдир, чоп, қулат, ёндир! Похол қани?

О р т у н ь о

Халқ исёни тобора қутураяпти.

К о м а н д о р

Наҳотки, менга ҳужум!

Ф л о р е с

Ана, ур-йиқит;  
Йўлакларга тошқиндай кириб келишди.

К о м а н д о р

Жиноятчини озод қилмасак бўлмас.  
Фрондосо, бориб айт, оқсоқол тинсин.

Ф р о н д о с о

Кетдим, сеньор. Улар мени сўраб келган.

(Кетади.)

М е н г о

(саҳна орқасида)

Яшасин қирол Фернандо ва қиролича Изабелла!  
Хоинларга, ўлим!

Ф л о р е с

Сеньор, бир амаллаб жуфтакни ростлаб қолайлик.

К о м а н д о р

Йўқ, мен уларни мардона кутиб оламан.  
Маҳкам девор бизларни қимоя қилажакдир.  
Улар чекинишади.

Ф л о р е с

Халқ билан ҳазиллашманг,  
Унинг газаби худди денгиз долғаси,  
Фақат қон тўкиб, қасос олиб тинчийди.

К о м а н д о р

Бу ер худди қалъанинг деворидай тик,  
Уларнинг ҳужумини кесамиз тетик!

Ф р о н д о с о

(саҳна орқасида)

Қўзибулоқ!

К о м а н д о р

Мутгаҳам доҳийни қаранг!  
Биз болаб, аҳволини қилажакмиз танг!

Ф л о р е с

Сеньор, қойилман. Ботирлик мундоғ бўпти!

### ЕТТИНЧИ САҲНА

Шулар, Эстефан, Фрондосо, Малла Хуан, Барриль-  
до ва қуролли деҳқонлар.

Э с т е в а н

Ана, волим, ана унинг малайлари!  
Халқ омонсиз тугатади волимларни!

К о м а н д о р

Тўхта! Шошма!

Ҳ а м м а

Чидамимиз буткул тугаган!

К о м а н д о р

Айтинг: мени не учун айблайсиз?  
Онт ичаман, муросага келамиз.

Ҳ а м м а

Улим! Улим! Қўзибулоқ қасос олади!  
Жаллодлар, ўғрилар, сизга омон йўқ!



К о м а н д о р

Қулоқ солмайсизми? Ахир, сиз билан  
Қонуний сеньорингиз сўзлашяпти...

Ҳ а м м а

Сеньоримиз — қирол ва қиролича!

К о м а н д о р

Тўхта, халойиқ!

Ҳ а м м а

Яша Қўзибулоқ! Золимга, ўлим!

Жанг бўлади. К о м а н д о р ва унинг яқинлари чекиниб, чиқиб кет-  
тадилар, исёнчилар уларни таъқиб қиладилар.

### САККИЗИНЧИ САҲНА

Ла у р е н с и я, П а с к у а л а, Х а с и н т а ва яна аллақанча қурол-  
ли аёллар.

Ла у р е н с и я

Мақсад яқин қолди, тантана қилинг,  
Оти хотин, аммо ўзи мард қўшин!

П а с к у а л а

Золимнинг қонига кўпдан чанқоқман!  
Аёллар ўч олади ор-номус учун!

Х а с и н т а

Танини найзага санчиб, кўтаринг!

П а с к у а л а

Қора юрагини тиг билан ёринг!

Э с т е в а н

(саҳна орқасида)

Фернандо Гомес, жўна жаҳаннамга!

Командор  
(саҳна орқасида)

Оҳ, ўляпман.  
Е раббий, шафқат қил ожиз банданга!

Баррильдо  
(саҳна орқасида)

Мана, Флорес.

Менго  
(саҳна орқасида)

Ур аблахни!  
Елкамга минг қамчи урган занғар шу.  
Ур малъунни!

Фрондосо  
(саҳна орқасида)

Мен уни ўлдириб, қасос оламан.

Лауренсия  
Юр, кирайлик!

Паскуала  
Мумкин эмас, Лауренсия.  
Эшикни қўриқлаш керак.

Баррильдо  
(саҳна орқасида)

Бу ердагилар  
Ҳаммаси ўлимга маҳкум этилган.  
Аёллар подаси, кўз ёшни артинг!

## Лауренсия

Паскуала, мен кираман. Қилич бу замои  
Евларни қириши керак беомон.

(Кетади.)

Баррильдо

(саҳна орқасида)

Ортуньо шу ерда.

Фрондосо!

(саҳна орқасида)

Қилични бетига сол!

## ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Паскуала, Хасинта, аёллар. Менго Флоресни қувиб  
келади. Лауренсия билан Ортуньо ҳам келади.



Флорес

Шафқат қил, Менго, айб менда эмас!

Менго

Сеньорнинг қўшмачиси бўлмаганда ҳам,  
Мени қамчилагансан, безбет, муттаҳам!

Паскуала

Сен буни бизларга бер. Бу аблаҳ жавоб —  
Берсин бизга.

Менго

Ол, ур, бўлади савоб.  
Хотинларнинг қўлига тушганинг ҳоли хароб,

П а с к у а л а

Сен учун ўч оламан.

М е н г о

Б и л а м а н .

Х а с и н т а

У л , х о и н !

Ф л о р е с

Вой, хотиннинг қўлига тушдим!

Х а с и н т а

Баттар бўл!

П а с к у а л а

Манавининг талтайишини қаранг-а!

Х а с и н т а

У л и ф л о с , қўшмачи!

П а с к у а л а

Ў л , ёвуз банда!

Ф л о р е с

Ёлвораман, шафқат қилинг!

Л а у р е н с и я О р т у н ь о н и қувиб келади.

О р т у н ь о

Ахир, мен эмас...

Л а у р е н с и я

Сен!.. Унинг дўсти — сен!  
Юринглар! Тигларни қонга бўйямиз!

## П а с к у а л а

У ламиз ва лекин аламларимиз,  
Ғамларимиз учун қасос оламиз!

Б а р ч а а ё л л а р

Яшасин Қўзибулоқ, яшасин қирол!

(Кетадилар.)

## УНИНЧИ САҲНА

Торода қирол дон Фернандо қароргоҳи. Қирол дон Фер-  
нандо, дон Манрике.

Д о н М а н р и к е

Жангу жадал зафар билан тамом бўлди,  
Режамизнинг тўғрилиги аён бўлди.

Қ и р о л

Ғолиб граф истеҳкомда қола берсин,  
Душманларга ҳамон даҳшат сола берсин.  
У бизларни хавф-хатардан сақлар омон,  
Шарафини улуғлайди бутун жаҳон.

Ярадор Ф л о р е с киради.

Ф л о р е с

Олимақом қиролимиз дон Фернандо,  
Мудҳиш бир иш содир бўлди бу жаҳонда.  
Таърифига тилим лолдир...

Қ и р о л

Эсингни йиғ!

Ф л о р е с

Улуғ қирол, бу ҳикоям бўлур қаттиқ...  
Ярам оғир. Умрим қисқа. Хуллас калом,  
Қўзибулоқ қишлоғидан келдим шу он.  
Қишлоқилар сеньоримиз дон Гомесни —

Улдирдилар, қиргин билан босиб бизни.  
Деҳқонларнинг қаҳри ёмон, ўтдай ёнди,  
Улар сеньор Фернандодан қасос олди.  
Уни золим, бузуқ махлуқ деб аташди,  
Қўзибулоқ хамир каби кўпчиб тошди.  
Аёллар ҳам эрларидан баттар ботир,  
Болта, таёқ кўтаришиб келаётир.  
Улар: қирол бизга паноҳ, дейишади,  
Ҳаммасидан қирол огоҳ, дейишади.  
Қиролимиз, умидимиз фақат сендан,  
Ўзинг қасос олажаксан оломондан.

### Қирол

Хотиржам бўл, ғазабимни кўрсатаман,  
Мен уларни тобеликка ўргатаман.  
Мен у ерга доно судья юбораман,  
Капитан ҳам бирга борсин.  
Қандай замон!..  
Ҳаяжондан қалбим титрар...  
Бундай исён —  
Менинг қаттиқ қўлим билан янчилажак,  
Гуноҳқорлар ўткир тигга санчилажак.

### УН БИРИНЧИ САҲНА

Қўзибулоқ қишлоғи. Майдон.

Эстебан, Фрондосо, Баррильдо, Менго, Лауренсия, Паскуала. Созандалар. Эркак ва аёл деҳқонлар командор Гомеснинг найзага санчилган калласини кўтариб келмоқдалар.

### Созандалар

(ашула)

Яшасин, омон бўлсин,  
Бизга соябон бўлсин,  
Қирол ва қиролича!  
Хоин, золимлар ўлсин!

### Баррильдо

Фрондосо, қўшиқ тўқиб бер!

## Ф р о н д о с о

Майли, сизга тўқиб берай шеър,  
Агар чўлтоқ чиқса кечиринг,  
Кемтигини тузатиб беринг.  
Маликамиз Изабелла  
Ва Фернандо омон бўлсин,  
Мангуликда жаҳон бўлсин.  
Замонимиз замон бўлсин.  
Фаришталар бошида,  
Фуқароси қошида  
Доим маза ошида,  
Ўлкаси бўстон бўлсин.  
Хоин, золимлар ўлсин!

## Л а у р е н с и я

Баррильдога навбат.

## Б а р р и л ь д о

Мен тайёр.

Санъат билан ёздим бир ашъор.

## П а с к у а л а

Юрак билан ёзилган ғазал  
Ҳаммасидан бўлади афзал.

## Б а р р и л ь д о

Маликамиз, қиролимиз,  
Доимо омон бўлсин,  
Шоду хуррам элимиз,  
Бизларга макон бўлсин.  
Ёвларга қирон келсин,  
Маликамиз, қиролимиз  
Бизга соябон бўлсин.  
Хоин, золимлар ўлсин!

## С о з а н д а л а р

Яшасин, омон бўлсин,  
Бизга соябон бўлсин,  
Қирол ва қиролича!  
Хоин, золимлар ўлсин!

Лауренсия

Менго, навбат сенга!

Фрондосо

Шеър айт!

Менго

Ўткир бўлур мен тўқиган байт.

Паскуала

Демак, шеърда Менгомиз қурғур  
Ўзи еган қамчидай ўткир.

Менго

Битта тўнғиз қўпган полвон  
Якшанба кун мени ёмон —  
Калтаклади, бермай омон,  
Яхши ҳамки, ёғ бор экан,  
Яра босган орқам, елкам  
Анча ором топди у дам.  
Қиролимиз омон бўлсин  
Хоин, золимлар ўлсин!

Созандалар

Яшасин, омон бўлсин,  
Бизга соябон бўлсин  
Қирол ва қиролича!  
Хоин, золимлар ўлсин!

Эстеван

(Командор бошини кўрсатиб)  
Бошни олиб кетинг бу ердан.

Менго

Осилган бош каби серрайган.

Рехидор

Ана, қиролимиз қалқони.



## УН ИККИНЧИ САҲНА

Шулар ва қирол қалқонини кўтарган Малла Хуан.

Эстефан

Эй халойиқ, энди оқсоқол  
Сўзларига қулоқ солингиз.  
Бу сўзлардан заҳмату малол —  
Етмаганин уқиб олингиз.  
Подшолар қилмишимизни,  
Ҳеч шубҳасиз, тафтиш қилурлар.  
Исёнкорлар тик қўрғонини  
Йўл устида кўриб билурлар.  
Қандай тақдир кутса ҳам бизни,  
Уйлашайлик жавобимизни.

Фрондосо

Маслаҳат бер!

Эстефан

Улсак ҳам, бироқ,  
Жавобимиз бўлгуси ҳар чоқ:  
«Кўзибулоқ!»

Фрондосо

Кўзибулоқ. Қойил.  
Кўзибулоқ — ҳаққоний қотил.

Эстефан

Суд бўлганда жавобимиз шул.  
Хўш, маъқулми?

Ҳамма

Ҳа, маъқул, маъқул!

Эстефан

Агар шунга бўлсангиз рози,  
Машқ қиламиз. Мен — келган қози,  
Сиз — деҳқонлар. Пухталаб, такрор —

Пишитайлик. Чунончи, Менго,  
Суд навбати етибди сенга.  
Сени қийнаш пайти...

Менго

Оқсоқол,  
Қўрқяпман. Бошқаларни ол.

Эстеван

Ахир, судья ростакам эмас.

Менго

Ундай бўлса, бошла!

Эстеван

Хўш, жинояткор,  
Командорни ким ўлдирди, айт!

Менго

Қўзибулоқ!

Эстеван

Ит!

Сени боглаб  
Қийнаш керак!

Менго

Ўлдирсанг ҳам — шу!

Эстеван

Бу ўғрини қийнанг!  
Хўш, қалай?

Менго

Айтаман,

Эсте ван

Хўш, ким ўлдирган?

Мен го

Қўзибулоқ.

Эсте ван

Яна бир бор уринглар таёқ.

Мен го

Уч марта ур, жавобим битта.

Эсте ван

Эҳ, чиппакка чиқди-ку сўроқ!

### УН УЧИНЧИ САҲНА

Шулар ва Рехидор.

Рехидор

Бу нимаси: майнабозликми?

Фрондосо

Куадро, нима гап ўзи,  
Тинчликми?

Рехидор

Тафтишчи келди.

Эсте ван

Тарқалинг! Тўпланишманглар!

Рехидор

Енида бир капитан ҳам бор.

## Э с т е в а н

Менга деса, иблис ҳам келсин.  
Қарор берган жавобимизни  
Айтажамиз такрор ва такрор.

## Р е х и д о р

Ғазаблари тўлқиндай тошиб,  
Деҳқонларни ушламоқдалар,  
Авахтага ташламоқдалар.

## Э с т е в а н

Ҳамма қарши туради унга.  
Сеньорни ким ўлдирди, Менго?  
Жавоб бер!

## М е н г о

Қўзибулоқ!

## УН ТҮРТИНЧИ САҲНА

Ла у р е н с и я ёлғиз.

Ла у р е н с и я

(қўшиқ айтиб яйрайди)

Мен қувноқ, эркин қушман,  
Озодликни севаман,  
Шўх дарё, нурли гулшан,  
Дилшодликни севаман,  
Озодликни севаман!  
Далаларда ишласам,  
Кечалари тинч ётсам,  
Рақибни пўшт-пўштласам,  
Севганимни қувнатсам,  
Юрагимни хушласам!  
Бошқалар югурмасин,  
Адабини бераман,  
Севгидан лоф урмасин,

Мен бошқанинг қушиман,  
Озодликни севаман!

### УН БЕШИНЧИ САҲНА

Лауренсия, Фрондосо.

Фрондосо

Лауренсия!

Лауренсия

Жонгинам, эрим!  
Нега келдинг бу ерга энди?

Фрондосо

Нега келмай? Вафодор ёринг  
Ҳузурингда не гуноҳ қилди?

Лауренсия

Қўрқаяпман! Эҳтиёткор бўл!  
Фалокатдан сақла ўзингни!

Фрондосо

Худо ҳофиз, Лауренсия, ҳеч ким  
Энди хафа қилмайди сени!

Лауренсия

Жоним, ахир, кўрмаяпсанми,  
Бизга қирол юборган судья  
Одамларни тортиб жазога,  
Қаттиқ зуғум қилаётганин?  
Сенга омон бермаяжаклар,  
Бало яқин, тезроқ қочиб қол!

Фрондосо

Агар кетсам, юрт нима дейди?  
Сенинг сўзинг мен учун малол!  
Бошқаларни ташлаб кетайми?  
Бу уят иш. Йигитга оғир.

Сени ёлғиз қолдиrolмайман.  
Ҳижрон менга ўлим-ку, ахир?  
Менга келган кулфат элимнинг  
Бошига ҳам келгани аён.  
Менга қандай ширин бўлса жон,  
У элга ҳам ширин минг чандон.  
Шунинг учун жангга тайёрман,  
Юрт ичида, қаторда борман.

Саҳна орқасида шовқин-сурон.

Ана, шовқин эшитиляпти.  
Аллакимни қийнашяпти.

### УН ОЛТИНЧИ САҲНА

Шулар, судья, Эстефан, бола, Паскуала, шу яқиндаги  
қамоқхонада Менго.

Судья

(саҳна орқасида)

Муҳтарам чол, қани, гапиринг!

Фрондосо

Лауренсия, чолни қийнашяпти!

Эстефан

(саҳна орқасида)

Сал бўшатинг.

Судья

Арқонни бўшатинг.

Иқроор бўлинг: Фернандони ким ўлдирди?

Эстефан

Қўзибулоқ.

Лауренсия

Раҳмат, дадажон!

Ф р о н д о с о

Бундай мардни мудҳиш қийноқлар  
Буколмайди...

С у д ь я

...Эй, бола, беркел!  
Итвачча, сен кўргансан. Қани,  
Айтиб бер-чи, ким ўлдирди! Хўш?  
Гапир? Ҳой, сен, темирингни бос!

Б о л а

(саҳна орақасида)

Қўзибулоқ!

С у д ь я

Безбет шайтонлар!  
Йўқ, қотилни топмай қўймайман.  
Мен буларнинг жонини олмай,  
Бирортасин озод қилмайман.

Ф р о н д о с о

Болани йиртқичдай қийнади,  
Лекин жавоб ололмади.

Л а у р е н с и я

Халқ —

Бундоғ бўпти!

Ф р о н д о с о

Қудратли. Ботир.

С у д ь я

Энди, анави аёлни келтир!  
Ҳой, қозиққа сочидан осиб,  
Оёғидан пастга тортинглар!

Лауренсия

Судья жуда ҳаддидан ошиб  
Қутурыпти.

Судья

Эй, қишлоқилар,  
Ҳаммангизни дорга осаман!  
Хўш, иқрор бўл: ким ўлдирди? Хўш?

Паскуала

(саҳна орқасида)

Қўзибулоқ!

Судья

Қаттиқроқ торт!

Фрондосо

Уринишинг беҳуда, жаллод!

Лауренсия

Паскуала индамаяпти.

Фрондосо

Болалар ҳам индамаяпти.  
Судья бекор уриняпти!

Судья

Ҳей сен, жонинг борми? Қаттиқ торт,  
Бу аблаҳлар деб юборсин дод!

Паскуала

Ё раб!

Судья

Торт! Хўш, айт-чи: қотил ким?



П а с к у а л а

Қўзибулоқ.

С у д ь я

Энди сен кел, танноз йигитча!  
Биз елкангни «силаймиз» пича!

Л а у р е н с и я

Шўрлик Менго! Бу ўша.

Ф р о н д о с о

Менго  
Чидолмайди, сирни очади.

М е н г о

(саҳна орқасида)

Вой, вой!

С у д ь я

Қани, арқонни бура!

М е н г о

Вой!

С у д ь я

Бунга кучинг етадимми? Торт!

М е н г о

Дод!

С у д ь я

Хўш, қишлоқи, бу арқон қалай?  
Командорни ким ўлдирди? Айт!

М е н г о

Вой, вой, сеньор, ҳозир айтаман!

Судья

Қўлларини сал бўшатиб қўй.

Фрондосо

У айтади. Сир очилади.

Судья

Елкасини устунга тақа!

Менго

Қўйвор! Бўлди! Айтиб бераман.

Судья

Қани, айт: ким ўлдирди уни?

Менго

Қўзивой Булоқвой ўгли ўлдирди.

Судья

Бас! Қийноқдан фойда йўқ. Бундай  
Қайсарларни энди кўришим.  
Бунисига ишонган эдим,  
Бошқалардан баттарроқ экан.  
Ҳаммасини қўйвор! Чарчадим.

Фрондосо

Дўстим Менго! Сен учун қўрқиб,  
Бошқаларни унутаёзим.

### УН ЕТТИНЧИ САҲНА

Шулар ва Баррильдо, Рехидор, Менго қамоқхонадан  
чиқиб келадилар.

Баррильдо

Яша азамат!

Рехидор

Қойил!

Баррильдо

Бопладинг, Менго!

Фрондосо

Қиёмат!

Менго

Вой, вой!

Баррильдо

Ма, огайнижон, озгина  
Туз тотиб, май ичвол.

Менго

Вой! Бу нима?

Баррильдо

Лиму қиёми.

Менго

Вой!

Фрондосо

Озгина ичсин.

Баррильдо

Ҳа-ҳа!

Фрондосо

Винонинг ютуми осон.

Лауренсия

Қиёмдан ҳам қиттак чайнасин.

Менго

Вой, вой!

Баррильдо

Дўстлар соғлиғига ич!

Лауренсия

Еқмай ўлсин, индамай отди.

Фрондосо

Томоғидан тўхтамай кетди.

Баррильдо

Тағинми?

Менго

Вой! Қуй, имилама!

Фрондосо

Хизматингга яраша оқ ич!

Лауренсия

Қуйилмасдан симиряпти.

Фрондосо

Ғарқ терлади, уни ўраб қуй.

Баррильдо

Тағин қуяйми?

Менго

Уч марга қуй.

Вой, вой, вой!

Фрондосо

Томогини ҳўллаб олсин. Қуй!

Баррильдо

Соғлиққа ич, ошнам, ош бўлсин.  
Қийналганлар роҳат ҳам кўрсин.  
Хўш, тузукми?

Менго

Бурним қичияпти.  
Шамолладим шекилли. Кетдик.

Фрондосо

Ют! Ажойиб шароб. Хўш, айт-чи,  
Командорни ким ўлдирибди?

Менго

Қўзивой Булоқвой ўғли. Эслаб ол!

Баррильдо, Менго, Рехидор кетадилар.

## УН САККИЗИНЧИ САҲНА

Фрондосо, Лауренсия.

Фрондосо

Хўш, айтинг-чи, гўзал сеньора,  
Чиндан, унинг бардоши қаттиқ.  
Командорнинг мард қотили ким?

Лауренсия

Қўзибулоқ, жоним, азизим.

Фрондосо

Ким дедилар?

Лауренсия

Сўрамоқ нечун?  
Бу сир эмас, жоним, сен учун.

Фрондосо

Мен учун? Хўш, нечун мен қотил?

Лауренсия

Чунки, сени севади бу дил!

### УН ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Шулар, Эстефан, Алонсо, Фрондосо, Лауренсия,  
Менго, эркак ва аёл деҳқонлар.

Эстефан

Қўзибулоқ халқи абгордир,  
Халоскорга муштоқдир, зордир.  
Командордан қутулдик омон,  
Аммо зулм этмоқда давом.  
Урушларнинг даҳшати битсин,  
Халқнинг бахти очилиб кетсин.  
Ахир, келур шундай бир замон,  
Саодатда яшармиз омон!

Халқ

Офарин, мардона —  
Қўзибулоқ, офарин!  
Эрлари фарзона,  
Қизлари жонона,  
Ботир қишлоқ, офарин!  
Бундай халқ жаҳонда  
Яшасин, офарин!  
Мангу эрк, омонда  
Яшасин, офарин!  
Офарин!  
Офарин!

ПАРДА

**А. С. Пушкин**

# **ТОШ МЕҲМОН**





Leporello. O statua dentilissima  
Del gran' Commendatore!..  
... Ah, Padrone!

Don Ziovann\*

## I САҲНА

Дон Гуан ва Лепорелло.

Дон Гуан

Биз шу ерда кутажакмиз тунни. Ниҳоят,  
Мадриднинг қопқасига етдик. Ҳадемай,  
Мўйловимни плаш билан, қошни бўрк ила  
Епиб таниш кўчалардан елдай учаман.  
Нима дейсан? Мени биров танирмикан-а?

Лепорелло

Ҳа! Мумкинми Дон Гуанни танимоқ зинҳор!  
Ахир, ундай кишиларнинг сон-саногии йўқ!

Дон Гуан

Нечун ҳазил? Ким танийди?

Лепорелло

Биринчи посбон,  
Бирор лўли, ё учраган сармаст созанда,  
Еки эски бир жўрангиз, плашни кийиб,  
Қиличини қўлтирига қисган беҳаё.

---

\* Лепорелло: О, буюк Командорнинг сеvimли ҳайкали!  
...Оҳ, афандим! Дон-Жуан.

## Дон Гуан

Таний берсин, бокиси йўқ. Қиролнинг ўзи —  
Дуч келмаса басдир менга. Ростини айтсам,  
Мадридда ҳеч кимсадан қўрқмайман асло.

## Лепорелло

Дон Гуанни ижозатсиз, сургундан қайтиб,  
Мадридга кирганлиги эрта кундаёқ  
Қиролгача бориб стар — хўш, айтинг-чи, у  
Сизни нима қилар?

## Дон Гуан

Яна жўнатар такрор.  
Ахир, улар кесмаслар-ку менинг бошимни,  
Мен хиёнат қилганим йўқ ахир давлатга.  
Қирол мени севиб туриб бадарға қилди;  
Ўлдирилган у кишининг аҳли-хонаси —  
Жонимга қасд қилмасин деб...

## Лепорелло

Буни қаранг-а!  
Сиз бу ерда тинч юрсангиз маъқулроқ эди.

## Дон Гуан

Кечирасиз каминани! Мен у ерларда  
Елғизликда ўлай дедим. Қандай одамлар,  
У қандай ер! Осмони-чи?.. Худди тутунзор.  
Хотинлар-чи? Эй сен тентак Лепореллам, бил;  
Андалуснинг энг оддий бир деҳқон хотинин  
Ўша ернинг дилбарига алишмайман мен.  
Улар аввал кўм-кўк кўзи, оппоқ бадани,  
Камтарлиги, ҳаммадан ҳам янгилиги-да  
Менга ёқди — кўзларимни қувонтиролди;  
Минг шуқурки, тезда фаҳмим етди барига —  
Улар билан яқин бўлмоқ гуноҳ деб билдим —  
Уларда жон асари йўқ — мум қўғирчоқлар!  
Оҳ, бизларнинг хотинлар-чи!.. Аммо, қара-я,  
Бу ер бизга таниш, сен ҳам таниёлдингми?

## Лепорелло

Таниганда қандоқ: бу ер худди Антоний —  
Монастири. Сиз бу ерга кўп келардингиз,  
Бу чорбоғда отингизни ушлаб турардим.  
Рост сўзласам, бу — лаънати вазифадир. Сиз  
Вақтингизни мендан кўра хуш ўтказгансиз —  
Ҳа, ишонинг.

Дон Гуан

(ўйчан)

Энди у йўқ! Уни қандай яхши кўрардим!

Лепорелло

Инеза! Ҳа, у қора кўз... Ҳамон эсимда.  
Уч ой унга сиз хушомад қилиб юрдингиз,  
Аммо иблис сизга ахир мададга келди.

Дон Гуан

Июль ойи... Тунда. Унинг маънос нигоҳи,  
Жонсиз-жонсиз лабларидан ғалати бир завқ,  
Ажиб роҳат олган эдим. Бу кўп таажжуб.  
Уни гўзал эмас деган эдинг шекилли.  
Ҳа, чиндан ҳам, унда асл чирой кам эди,  
Фақат кўзлар, унинг ёниб турган кўзлари...  
Ва боқиши... мен у каби нафис боқишни  
Учратолган эмасман ҳеч... овози эса  
Худди бемор товушидай сокин ва ожиз.  
Унинг эри тош юракли муттаҳам эди.  
Буни кейин билиб қолдим... Эсиз Инеза!..

Лепорелло

Бокиси йўқ, янгиларни топилди.

Дон Гуан

Бу ҳақ!

Лепорелло

Омон бўлсак, яна кўпи топилғусидир.

Дон Гуан

Бу ҳам тўғри.

Лепорелло

Боргандан сўнг, Мадридда энди  
Қайси бирин ахтарамиз?

Дон Гуан

О, Лаурани!  
Мен ўшанинг ҳузурига югураман.

Лепорелло

Соз!

Дон Гуан

Эшигини қоқажакман — агар уйда  
Биров бўлса, деразадан қочсин — сўрайман.

Лепорелло

Бу турган гап. Хурсандчилик чакки бўлмади.  
Марҳумалар бизни узоқ безовта қилмас.  
Биров келар, ким бўлса у?

Роҳиб киради.

Роҳиб

Ҳозир шу ерга  
У келади. Ким бу? Булар Дона Аннанинг  
Одамлари эмасмикан?

Лепорелло

Йўқ, йўқ, бизлар ҳам —  
Ўзимизга ўзимиз бек. Зиёрат қилиб  
Юрмоқдамиз.

Дон Гуан

Хўш, сиз кимни кутиб турибсиз?

Р о ҳ и б

Дона Анна марҳум эри мақбарасига  
Ҳозир етиб келажақдир.

Д о н Г у а н

О, Дона Анна —  
Де-Сильва! У, ўлдирилган марҳум Командор  
Рафиқаси... Эсломайман ким ўлдирганин?

Р о ҳ и б

Фаҳш, виждонсиз, худосини сотган Дон Гуан.

Л е п о р е л л о

Оҳо! Буни қаранг-а! Дон Гуан қиссаси  
Ҳатто сокин монастирға кирибди. Энди  
Узлатдаги зоҳидлар ҳам куйлар мадҳини.

Р о ҳ и б

Балки сизга танишдир у?

Л е п о р е л л о

Бизгами? Асло!  
Ҳозир қайда бўлса экан у?

Р о ҳ и б

Бу ерда йўқ.  
Узоқларда, бадарғада.

Л е п о р е л л о

Худоба шукур.  
Қанча олис бўлса, шунча яхши. Барча шу —  
Бузуқларни битта қопга солиб, бирақай  
Худ денгизга ташлаш керак.

Д о н Г у а н

Бу қанақа лоф?

Л е п о р е л л о

Сукут сақланг, мен атайин шундай сўзладим.

Д о н Г у а н

Шу турбага кўмилганми, демак, Командор?

Р о ҳ и б

Ҳа, шу ерга. Ёри унга ҳайкал тиклади,  
Арвоҳини қувонтирмақ учун ҳар кун у  
Қабристонга келиб дуо ўқийди ҳамда  
Кўзларидан ёш тўкади.

Д о н Г у а н

Ғалати бева!

Ҳусни қалай?

Р о ҳ и б

Хотинларнинг гўзаллигига  
Бизлар — тарки дунё аҳли, мафтун бўлмаймиз,  
Аммо ёлғон гапирмаклик гуноҳдир; ҳатто  
Тақводор ҳам унинг ҳуснин инкор этолмас.

Д о н Г у а н

Раҳматликнинг рашк қилиши бежиз эмаскан,  
У хилватда тутар эди Дона Аннани,  
Ҳеч биримиз уни кўра олмаган эдик.  
Мен у билан сўзлашмакка кўп ишқибозман.

Р о ҳ и б

Дона Анна эркак киши билан сўзлашмас,  
Бу ҳақиқат.

Д о н Г у а н

Сўзлашарми сиз билан, ота?

Р о ҳ и б

Мен роҳибман — менинг билан сўзлашар албат.  
Ана ўзи.

Д о н а А н н а киради.

Д о н а А н н а

Қани отам, эшикни очинг.

Р о ҳ и б

Ҳозир, хоним, кутиб гурган эдим мен сизни.

Дона Анна Роҳибнинг орқасидан боради.

Л е п о р е л л о

Хўш, қанақа?

Д о н Г у а н

Беваликнинг қора чодраси —  
Уни тамом қоплаб олиб кўрсатмас бизга,  
Фақат нозик товонини кўриб қолдим мен.

Л е п о р е л л о

Сизга шу бас. Қолганини тасаввурингиз  
Бир нафасда беками кўст чизиб беради,  
Хаёлингиз наққошдан ҳам моҳир ва чаққон,  
Хоҳ қошидан бошланг, хоҳи оёқларидан,  
Сизнинг учун баб-баравар...

Д о н Г у а н

Эҳ, Лепорелло,  
Мен у билан танишаман.

Л е п о р е л л о

Ками шу эди!  
Қатл этиб сиз беванинг эрини, энди  
Завқ оласиз кўз ёшлари томошасидан!  
Бунча сурбетлик!

## Д о н Г у а н

Оқшом ортиқ яқинлашмоқда.  
Тепамизда ой намоён бўлмасдан бурун,  
Нури билан зулумотни қувмасдан бурун,  
Биз Мадридга кирмоғимиз даркор.

(Кетади.)

## Л е п о р е л л о

Ё раббим!

Испания бекзодаси, худди ўғридай  
Тунни кутар ва ойдиндан чўчир, ҳайиқар.  
Эҳ, лаънати тирикчилик! Ахир, тобакай  
Мен у билан сарсон бўлғум? Бездим, зерикдим.

## II САҲНА

Хона. Л а у р а зиёфат бермоқда.

### Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Онт ичаман, эй Лаура, ўзинг ҳеч қачон  
Ўйнамаган эдинг бунча камолот ила,  
Ўз ролингни тушунибсан, гоят ҳаққоний!

### И к к и н ч и м е ҳ м о н

Санъатингни нозик ечдинг! Забардаст, жўшқин!

### У ч и н ч и м е ҳ м о н

Санъатингга қойил!

## Л а у р а

Ҳа, мен бугун ҳар зарбнинг,  
Ҳар бир сўзнинг маъносини чертдим ўрнида,  
Қалбим билан мафтун бўлдим илҳомга эркин.  
Сўзлар ожиз хотиранинг меваси эмас,  
Балки кўнгил чашмасидан қуйилди равон.



## Биринчи меҳмон

Бу гапинг ҳақ. У кўзларинг ҳамон чақнайди.  
Ёноқларинг ҳамон ёнар, эрка шодлигинг  
Вужудингни қопламишдир. Лаура, куйла,  
Севинчингнинг сўнишига йўл қўйма асло,  
Бирор нарса куйла яна.

Лаура

Созни беринглар.

(Гитарани олиб куйлайди.)

Ҳамма

Баракалла! Баракалла! Мислсиз гўзал!

Биринчи меҳмон

Раҳмат сенга, сеҳргар қиз. Сен кўнглимизни  
Мафтун қилдинг. Ҳаёт завқу сафоларидан.  
Фақат севги қаршисида музика банда;  
Аммо ишқнинг ўзи куйдир... Ана, назар сол,  
Таъсирланди ҳатто Карлос — мағрур меҳмонинг.

Иккинчи меҳмон

Бу не овоз! Жонинг ўзи сингмишдир унга!  
Кимнинг сўзи, Лаура бу?

Лаура

Дон Гуанники.

Дон Карлос

Кимнинг дединг? Дон Гуаннинг сўзи  
дедингми?

Лаура

Бу сўзларни бир вақтлар у содиқ дўстим,  
У ҳавойи ишқибозим тўқиган эди.

Дон Карлос

Худосини сотган, аблаҳ у Дон Гуанинг,  
Сен бўлсанг, сен аҳмоқсан.

Лаура

Сен жинни бўлдингми?  
Гарчи испан беқзодаси бўлсанг ҳамки сен.  
Фармон берсам, навкарларим бошингни олар.

Дон Карлос  
(ўрнидан туради)

Чақир, ўша навкарларни.

Биринчи меҳмон

Лаура, бас қил;  
Дон Карлос, сен хафа бўлма. Эсини епти...

Лаура

Нечун? Гуан, акасини қиличбозликда  
Халол туриб ўлдиргани учунми? Афсус,  
Ўлдирмапти бунинг ўзин.

Дон Карлос  
Жаҳлим қўзғади,

Мен тептакман.

Лаура

Аҳа! Иқрор бўлдинг ўзинг, бас.  
Ана энди ярашамиз.

Дон Карлос

Кечир, Лаура.  
Гуноҳқорман. Аммо ўзинг яхши биласан,  
Унинг мөмин асло лоқайд эшитолмайман...

Лаура

Унинг номи ҳар лаҳзада тилимга келар,  
Ўзинг айтгил, шунинг учун гуноҳқорманми?

Меҳмон

Сен жаҳлингдан тушганлигинг нишонасига  
Куйлаб бергил, Лаура.

Лаура

Ҳа, хайрлашамиз,  
Тун ҳам бўлди. Энди нима куйласам экан?  
Ҳа, тингланглар. (Куйлайди.)

Ҳамма

Жуда ҳам соз, мислсиз гўзал!

Лаура

Хайр энди, афандилар.

Меҳмонлар

Хайр, Лаура.

Меҳмонлар кетади, Лаура Дон Карлосни тўхтатиб  
қолади.

Лаура

Эй сен шаддод, меҳмоним бўл бу кеча менинг,  
Менга чиндан ёқиб қолдинг, ҳақорат қилиб,  
Тишларингни тишларингга босар экансан,  
Дон Гуанга ўхшаб кетдинг.

Дон Карлос

О, бахтли йигит!

Сен севгансан.

Лаура бошини қимирлатиб, севганлигини изҳор қилади.

Жуда ҳамми?

Лаура

Ҳа, жуда севдим.

Дон Карлос

Сен ҳозир ҳам севасанми?

Лаура

Шу лаҳзадами?

Йўқ, севмайман. Икки ёрни сева олмайман.  
Энди сени севиб қолдим.

Дон Карлос

Айтгил, Лаура,

Неча ёшга кирдинг ҳозир?

Лаура

Ун саккиз ёшга.

Дон Карлос

Сен ниҳолсан... Яна беш, ё олти йилгача  
Ниҳол каби яшнайсан сен. Теварагингдан  
Яна олти йил аримас ишқибозларинг.  
Улар сени эркалайди, туҳфалар бериб,  
Кечалари куйлаб, ором бағишлайдилар.  
Сени дея катта йўлнинг чораҳасида  
Тўқнашишиб, бир-бирларин ўлдирадилар.  
Аммо фаслинг ўтажакдир, кўзларинг сўнар,  
Қовоқларинг ажинларга тўлиб қораяр,  
Тундай қора сочларингга оқ оралайди,  
Ҳамма сени кампир дейди, ўшанда, айтгил,  
Сен ўшанда нима дейсан?

Лаура

Нима дер эдим?

Нечун бундай хаёлотлар? Гапингни қара!  
Кел, айвонни очиб қўй. Кўк шу қадар сокин.  
Илиқ ҳаво ҳаракатсиз, тун қучоғида  
Анқиб ётар лиму билан дафна бўйлари.  
Ой порлайди қорамтир тун кўкида равшан,  
Сукунатдан дарак берар посбонлар саси.  
Балки олис шимол ёқда — Парижда бу он  
Булутлар-ла қоплангандир мовий осмон.  
Балки совуқ ёмғир ёғар, аччиқ ел эсар —  
Бизнинг қандай ишимиз бор? Қулоқ сол,  
Карлос,

Сендан талаб этаман мен, менга кулиб боқ;  
Қани бер қўл, қани-қани!

Д о н К а р л о с

Эй, азиз Иблис!

Эшик тиқирлайди.

Д о н Г у а н

Ҳей, Лаура!

Л а у р а

Кимдир келган? Кимнинг товуши?

Д о н Г у а н

Эшикни оч...

Л а у р а

Наҳотки у?.. Ё раббим!..

Эшик очилади. Д о н Г у а н киради.

Д о н Г у а н

Салом!..

Л а у р а

Дон Гуан!..

Д о н К а р л о с

Ким? Дон Гуанми?

Лаура ўзини Дон Гуаннинг бағрига отади.

Д о н Г у а н

Лаура, жоним!..

Қизни ўпади.

Уйингдаги ким, Лаурам?

Дон Карлос

Мен, Дон Карлосман.

Дон Гуан

Кутилмаган бир учрашув! Мен эртагаёқ  
Хизматингга тайёрдирман.

Дон Карлос

Йўқ, ҳозир — шу он.

Лаура

Дон Карлос, бас! Сиз кўчада эмассиз ҳозир,  
Ахир менинг уйимдасиз. Кетингиз дарҳол...

Дон Карлос

(қулоқ солмайди)

Ахир, сенинг қиличинг бор. Мен кутяпман.

Дон Гуан

Агар сабринг чидамаса, майли, мен рози.

(Улар олишадилар.)

Лаура

Ҳой! Ҳой! Гуан!

Лаура ўзини ётоққа ташлайди. Дон Карлос йиқилади.

Дон Гуан

Тур, Лаура, иш тамом бўлди.

## Лаура

Нима бўлди? У ўлдими? Уэ уйимда-я!  
Ана холос! Энди нима қиламан, шайтон?  
Жасадини қайга ташлай?

Дон Гуан

Балки у ҳали  
Улмагандир.

Лаура

*(жасадни кўздан кечиради)*

Улмаганмиш! Ҳай, муттаҳам, ҳай,  
Юрагига тиф санчибсан — янглишмапсан ҳам,  
Уч қиррали жароҳатдан ҳатто қон чиқмас,  
Нафаси ҳам ўчиб қолган — сен нима қилдинг?

Дон Гуан

Уэи шуни истади-ку, мен нима қипман?

Лаура

Эҳ, Дон Гуан, чиндан алам қилади жуда.  
Сен ҳамиша қилгиликни қиласан, лекин  
Ҳеч гуноҳкор бўлмайсан сен... Қаердан  
келдинг?  
Қачон келдинг?

Дон Гуан

Ҳозиргина келдим, яширин,  
Ахир, ҳали гуноҳимни кечганлари йўқ.

Лаура

Шу ондаёқ Лаурангни эсга олдингми?  
Яхши нарса, яхши бўлур. Ҳа, энди етар,  
Сенга ортиқ ишонмайман. Сен тасодифан  
Уйни кўриб қолгандирсан, шу ердан ўтиб...

Д о н Г у а н

Йўқ. Лаурам, ишонмасанг, сўрай оласан,  
Лепореллам айтиб берар. Шаҳар четида  
Бир лаънати қабристонни қўналға этдим.  
Мен Мадридга Лаурани излаб келганман.

(Уни ўпади.)

Л а у р а

Азиз дўстим! Тўхта... Улик ҳузурида-я!..  
Уни нима қилсак экан?

Д о н Г у а н

Ишинг бўлмасин!

Эрта билан, тонг чоғида ридога ўраб,  
Мен бу ердан уни олиб чиқиб кетаман,  
Чорраҳага ётқизаман.

Л а у р а

Эҳтиёт бўлгил,

Сени яна бирор киши кўриб қолмасин.  
Сен бир лаҳза кейин келиб, яхши иш қилдинг!  
Уртоқларинг зиёфатда эди шу ерда.  
Ҳозиргина тарқалишди улар уйимдан.  
Яхши бўлмас эди агар рўбарў келсанг!

Д о н Г у а н

Айт, Лаура, қачон кўнгил қўйгансан бунга?

Л а у р а

Кимга? Эсинг жойидами?

Д о н Г у а н

Иқрор бўл ҳозир,  
Мен бу ердан кетганимдан бери неча бор  
Бевафолик қилдинг менга?



Лаура

Сен-чи, тентагим?

Дон Гуан

Олдин сен айт.. Майли, кейин сужбатлашамиз!

### III САҲНА

Командор ҳайкали.

Дон Гуан

Ҳамма нарса тобора соз! Мен тасодифан  
Дон Карлосни ўлдиргандан кейин, шу ерда  
Дарвиш бўлиб яшириндим — мен энди ҳар кун  
Бу чорбоғда кўрмакдаман гўзал бевамни,  
У ҳам мени пайқагандир.— Шу пайтга қадар  
Сипоҳ тутдик ўзимизни,— аммо мен бугун  
Унинг билан сўзлашаман; бас шунча кутмоқ.  
Гапни қандай бошлай? «Ҳа, «Мен ботинолдим...»  
Йўқ;

«Сеньора...» деб бошлайман... Э! Бошга не келса,  
Мен ўшани айтаман-да, тайёргарликсиз,  
Ишқ қўшигин тўқувчилар каби бемалол...  
Энди кела қолса эди.. Менимча, усиз  
Бу ерда кўп зерикади ёлғиз Командор.  
Зап баҳодир сифат турар бу ерда мағрур!  
Елкаларни қаранг! Қандай, Геркулеснамо!  
Марҳум паст бўй одам эди, жажжи ва тажанг;  
Оёқ учин бунда босиб чўзсайди қўлин —  
Ҳайкалининг бурнига ҳам етказолмасди.  
Ескурьялнинг ёнида дуч келганимизда,  
Қиличимни бир қададим, нина санчилган  
Чигирткадай қотиб қолди ва лекин ўзи  
Жасоратли, мағрур эди, руҳи шиддатнок...  
Ҳа! Ана у.

Дона Анна киради.

## Д о н а А н н а

У яна шу ердадир. Отам,  
Ногоҳ келиб, фикрингизни бўлдим шекилли.  
Афв этинг.

## Д о н Г у а н

Мен, хоним, сиздан афв сўрайман.  
Балки гаму руссангизни бемалол, эркин  
Езаркансиз, сизга халал бераётирман.

## Д о н а А н н а

Йўқ, отажон, қайгуларим ўзимга аён,  
Олдингизда дуоларим осмонга қадар  
Ҳеч монесиз етиб борар — сиздан сўрайман,  
Овозимга қўшинг азиз овозингизни.

## Д о н Г у а н

Дона Анна, мен сиз билан дуо ўқийман!  
Бу қадарли саодатга лойиқ эмасман.  
Мен бу осий лабларим-ла сизнинг муқаддас  
Сўзларингиз такрорлашга журъат этмайман —  
Бошингизни аста эгиб, тун каби қора  
Сочингизни оқ мрамарга сочар экансиз,  
Мен олисдан ихлос билан сизга боқаман,  
Шундай гўзал бир фаришта бу мақбарага  
Сирли учиб келган каби туюлар менга.  
Шунда қалбим бир изтироб билан ўртаниб,  
Дуо келмас тилимга. Мен ҳайрон термилиб,  
Гўзал малак нафаси-ла ёнган севгининг —  
Кўз ёшидан баҳраманд бу совуқ мрамарнинг  
Соҳибини кўп бахтиёр дея ўйлайман.

## Д о н а А н н а

Сўзларингиз кўп галати!

## Д о н Г у а н

Йўғ-е, сеньора?

Д о н а А н н а

Менга, ахир... Унутмангки...

Д о н Г у а н

Сабаб? Ёки мен  
Чиндан дарвиш эмасманми? Гуноҳкор садом  
Бу даргоҳда шунча баланд янграмасинми?

Д о н а А н н а

Шундай туйдим... Мен ҳеч нарса  
тушунолмадим...

Д о н Г у а н

Оҳ, англадим, сиз барини билиб олдингиз!

Д о н а А н н а

Мен нимани билдим?

Д о н Г у а н

Яъни, мен роҳиб эмас —  
Қошингизда тиз чўкаман, узр сўрайман.

Д о н а А н н а

Ё раббим! Йўқ, туринг, туринг... Сиз кимсиз  
ахир?

Д о н Г у а н

Мен бир бадбахт, оқибатсиз севги қурбони.

Д о н а А н н а

Ё раббим! Қабр тепасида бу қандай сўзлар!  
Кетинг ҳозир!

Д о н Г у а н

Дона Анна, биргина лаҳза,  
Мен бир лаҳза қолай фақат!

Д о н а А н н а

Биров келса-...

Д о н Г у а н

Панжара берк. Бир лаҳзага ижозат беринг!

Д о н а А н н а

Қани айтинг! Сизга нима керакдир, ахир?

Д о н Г у а н

Майли, ҳозир оёғингиз остида ўлай,  
Шу чорбоққа дафн этилсин бечора таним;  
Шу яқинга, сизга азиз бўлган қабрнинг  
Яқинига эмас, балки нарироқ ерга.  
Дарвозанинг яқинига, худ остонага;  
Зулфингизни қуйи солиб, ёш тўкмак учун  
Мағрур ҳайкал сари келар экансиэ, токи  
Либосингиз, оёғингиз енгил тегаркан,  
Мозоримнинг тошини сиз айланг бахтиёр.

Д о н а А н н а

Эс-ҳушингиз жойидамас.

Д о н Г у а н

Е, Дона Анна,

Телбаликнинг белгисими ажал тиламоқ?  
Агар телба бўлсам, тирик қолмоқ истардим.  
Қалбингизни тоза севгим оташи ила  
Қўзғотишдан бўла олар эдим умидвор.  
Агар телба бўлсам эди, кечаларни мен,  
Қўшиқ айтиб, уйқунгизни қилиб безовта,  
Балконингиз қаршисида ўтказар эдим;  
Агар телба бўлсам, сукут сақлаб ҳамиша  
Азоб чекиб юрмас эдим...

Д о н а А н н а

Сизнинг сукутда  
Юрганингиз шуми ҳали?

Д о н Г у а н

Эй, Дона Анна,  
Бир тасодиф йўлим очди, йўқса, сиз ҳеч он,  
Менинг ғамли сирларимни билмас эдингиз.

Д о н а А н н а

Қўпдан бери мени севиб қолгансизми, сиз?

Д о н Г у а н

Қачон севиб қолганимни ўзим билмайман,  
Аммо ўша дамдан бери шу бир лаҳзалик  
Ҳаёт менга қимматлидир, ўшандан бери  
Мен англадим толе деган сўзнинг қадрини.

Д о н а А н н а

Нари кетинг, сиз қўрқинчли одам экансиз.

Д о н Г у а н

Нима учун?

Д о н а А н н а

Мен қўрқаман сўзларингиздан.

Д о н Г у а н

Мен тинаман, фақат мени мангу қувламанг,  
Сизни фақат кўриш ўзи менга саодат.  
Мен бепарда ниятларни ўйламайман ҳам,  
Сиздан ҳеч бир нарса талаб қилмайман, агар  
Менга яшаш насиб экан, сизни кўрмагим  
Керак.

## Д о н а А н н а

Кетинг, бу ер бундай сўзлар ва бундай  
Телбаликлар ўрни эмас. Эртага бизнинг  
Уйга келинг. Агар мени ҳурмат қилишга  
Онт ичсангиз, сизни қабул қиламан, фақат  
Оқшом чоғи, балки яна кечроқ келасиз.  
Бева бўлиб қолганимдан бери ҳеч ким-ла  
Кўришмадим...

## Д о н Г у а н

Дона Анна, гўзал фаришта!  
Сиз бугун бир бечорага таскин бергандек,  
Тангри ўзи сизни қўллаб, берсин тасалли.

## Д о н а А н н а

Энди кетинг!

## Д о н Г у а н

Яна қолай бир лаҳзагина.

## Д о н а А н н а

Йўқ, мен ўзим кета қолай... Зотан тилимга  
Оятлар ҳам келмай қолди. Сиз бу дунёвий  
Гаплар билан банд этдингиз, менинг қулоғим  
Бу сўзларга кўпдан бери бегона эди.  
Сиз эртага келинг.

## Д о н Г у а н

Ҳамон ишнолмайман.  
Ҳамон кўзим етмас бахту саодатимга...  
Наҳот эрта сизни кўрсам!—  
Очиқ-ойдин!

## Д о н а А н н а

Ҳа, эртага, куни эртага!  
Исмингиз на?

## Д о н Г у а н

Диего де Кальвадо исмин...

Дона Анна

Хайр энди, Дон Диего! (Кетади.)

Дон Гуан

Эй Лепорелло!

Лепорелло келади.

Лепорелло

Нима хизмат?

Дон Гуан

Азиз Лепорелло! Мен жуда  
Бахтиёрман! Эртагаёқ — оқшомда, кечроқ...  
Лепореллам, эртагаёқ — тайёрлижни кўр...  
Чақалоқдай бахтиёрман!

Лепорелло

Дона Анна-ла

Сиз сўзлаша олдингизми? Балки, у сизга  
Икки оғиз ширингина сўз сўйлагандир,  
Ёки уни дуо қилган бўлсангиз керак.

Дон Гуан

Лепорелло, йўқ, ундаймас! У менинг ила  
Кўришмакни ваъда қилди!

Лепорелло

Йўғ-е, мумкинмас!

О, бевалар, барингиз ҳам шундай.

Дон Гуан

Мен бахтли!

Мен куйлашга, бор жаҳонни қучишга тайёр.

Лепорелло

Командор-чи? Бунга нима дейди Командор?

Д о н Г у а н

У рашк ичра ёнади деб ўйлайсанми сен?  
Йўқ, бундаймас, у ақлли-ҳушли бир одам.  
Итоаткор бўлиб қолган ўлгандан бери.

Л е п о р е л л о

Йўқ, Командор ҳайкалига бир назар ташланг.

Д о н Г у а н

Нима бўпти?

Л е п о р е л л о

У сиз томон тикилиб, гўё  
Зарда қилган каби.

Д о н Г у а н

Қани, бор, Лепорелло,  
Унга айтгил, меникига марҳамат қилсин,  
Йўқ, эртага — Дона Анна уйига борсин.

Л е п о р е л л о

Ҳайкал меҳмон бўладими? Нечун?

Д о н Г у а н

Аёнки,

Дона Анна билан суҳбат қилгани эмас!  
Ҳайкалга айт, эртагаёқ, кечроқ келсину,  
Дона Анна эшигининг остонасида  
Эшикбонлик қилиб турсин.

Л е п о р е л л о

Ҳазилни қўйинг.

У ўлик-ку!

Д о н Г у а н

Бор дедим, бор.



Лепорелло

Лекин...

Дон Гуан

Тезроқ бор.

Лепорелло

Эй шарафли, эй чиройли, ажойиб ҳайкал!  
Афандим Дон Гуан сиздан ўтиниб сўрар  
Ташриф қилиб... Худо урсин, гапиролмайман,  
Қўрқиб кетдим.

Дон Гуан

Қўрқоқ! Шошма!

Лепорелло

Марҳамат қилинг.

Афандим Дон Гуан сиздан ўтиниб сўрар,  
Сиз эртага рафиқангиз уйига келиб,  
Дарвозада соқчи бўлинг...

Ҳайкал бошини қимирлатиб, розилигини билдиради.

Вой!

Дон Гуан

Не гап?

Лепорелло

Вой-вой!..

Вой!.. Уламан!..

Дон Гуан

Сенга нима бўлди, нима гап?

Лепорелло

(бошини тебратиб)

Ҳайкал!.. Вой!.. Вой!..

Дон Гуан

Унга таъзим қиялсанми?

Лепорелло

Йўқ!

Мен эмас, у!

Дон Гуан

Қўй, бўлмаган, беҳуда гапни!

Лепорелло

Узингиз бир боринг.

Дон Гуан

Сени қара, лўттибо

(Ҳайкалга.)

Командор, мен ўтинаман сендан, эртага  
Бева қолган хотинингнинг ҳузурига бор.  
Мен бораман. Сен эшикда соқчи тур. Хўпми?

Ҳайкал яна бошини қимирлатади.

Е раббим!

Лепорелло

Хўш? Айтмадимми...

Дон Гуан

Қани, кетамиз.

#### IV САҲНА

Дона Аннанинг хонаси..  
Дон Гуан ва Дона Анна.

## Дона Анна

Дон Диего, сизни қабул қилдим мен, фақат,  
Қўрқаманки, менинг дардли суҳбатим сизни  
Зериктириб қўймаса, деб, бечора бева  
Унутолмас ҳамон оғир мусибатини.  
Кўз ёшларим жилва билан қўшилар экан,  
Апрель ойин эслатади. Нечун жимсиз?

## Дон Гуан

Мен —

Гўзал Дона Анна билан хилватда қолиб,  
Висол завқи билан мастман. Сизни бу замон  
Бахтли ўлик мақбараси қаршисидамас,  
Мармар ёрнинг ҳузурида тиз чўккан ҳолда  
Эмас, балки ўз қошимда кўриб турибман.

## Дона Анна

Дон Диего, шунча рашкли экансиз — эрим  
Сизни ҳатто қабрида ҳам қийнамоқда.

## Дон Гуан

Мен —

Сира ҳам рашк қилмаслигим керак. Сабаби,  
Сиз ўзингиз уни танлаб эр қилгансиз.

## Дона Анна

Йўқ —

Дон Альварга онам эрга берган мажбуран,  
Биз камбағал, Дон Альвар бой эди бағоят.

## Дон Гуан

Бахтиёр эр! У қуп-қуруқ хазиналарни  
Олиҳанинг оёғига тўкиб, шунинг-чун  
Жаннат завқу сафосини сурипти! Агар  
Аввал билган бўлсам эдим сизни, мен бутун  
Шавкатимни, бойлигимни биргина қувноқ  
Боқишингиз учун буткул бағишлар эдим.  
Мен муқаддас фармонингиз қули бўлардим,

Барча ырка ҳавасингиз ёд қилиб олиб,  
Ҳеч ўринсиз қолдирмасдим, бутун умрингиз  
Сеҳру эъжоз билан тўлар эди муттасил.  
Эвоҳ! Тангри менга бошқа қисмат ёзибди.

### Д о н а А н н а

Диего, бас, сизга қулоқ солсам, гуноҳим  
Яна ортар — сизни севмак мен учун маҳол.  
Қабрга ҳам бева содиқ бўлмоғи керак.  
Дон Альварнинг мени қандай севганлигини  
Сиз билсангиз эди! О, Дон Альвар мабодо  
Бева бўлиб қолса, бирор маъшуқани ҳеч  
Қабул қилмас — рафиқаси муҳаббатига  
Содиқ бўлиб қолар эди.

### Д о н Г у а н

Мени қийнаманг,  
Дона Анна, эрингизни ҳамиша эслаб,  
Юрагимни азобламанг. Шунча жазо бас.  
Шу жазога гарчанд лойиқ бўлсам ҳам.

### Д о н а А н н а

Нечун?  
Шариатнинг қонунлари сизни ҳеч ким-ла  
Боғламаган — тўғримасми? Мени севсангиз,  
Менинг ҳамда худованднинг олдида ҳақсиз.

### Д о н Г у а н

Олдингизда? Е раб!

### Д о н а А н н а

Менинг ҳузуримда сиз  
Бирор гуноҳ қилганмисиз? Айтинг, нечун...

Д о н Г у а н

Йўқ,

Ҳеч айтмайман.

Д о н а А н н а

Диего, бу жуда ғалати!  
Ҳузуримда ноҳақмисиз? Нечун, айтингиз!

Д о н Г у а н

Йўқ! Айтмайман!

Д о н а А н н а

Диего, бу жуда ғалати!  
Мен сўрайман, сиздан талаб этаман.

Д о н Г у а н

Йўқ, йўқ!

Д о н а А н н а

Ҳа! Шунчами сизнинг менга итоатингиз!  
Шу соатда менга нима деган эдингиз?  
Менинг қулим бўлмакликни истадингиз-ку,  
Жавоб беринг, Диего; мен хафа бўламан,  
Менга қарши қандай гуноҳ?

Д о н Г у а н

Журъат этмайман,  
Агар айтсам дарҳол мenden нафратланасиз.

Д о н а А н н а

Йўқ, йўқ. Сизни ҳозирданоқ афв этаман,  
Аммо билмак истайман мен...

Д о н Г у а н

Асло истаманг.

У даҳшатли, аянч асрор — сир бўлиб қолсин.

## Д о н а А н н а

Аянч асрор! Менга азоб бермакдасиз сиз.  
Мен кўрқмайман, айтинг ҳозир, қандай асрор у?  
Қандай қилиб ётолдингиз мени ҳақорат?  
Аввал сизни билмас эдим — душманларим йўқ,  
Илгари ҳам бўлмаган. Бир душманним фақат  
Уз эримнинг қотилидир.

Д о н Г у а н

(ўзича)

Иш бўлди тамом!  
Менга айтинг: бахти қора Дон Гуанни сиз  
Аввал танир эдингизми?

Д о н а А н н а

Йўқ, мен ҳеч қачон  
Уни кўрган эмасман.

Д о н Г у а н

Сиз юрагингизда  
Унга ёвлик сақлайсизми?

Д о н а А н н а

Номус туфайли,  
Аmmo мени, Дон Диего, сиздан сўраган  
Саволимдан чалғитишга уриняпсиз,  
Сиздан талаб ётаман мен...

Д о н Г у а н

У Дон Гуанни  
Учратсангиз нима қилар эдингиз?

Д о н а А н н а

Ханжар —  
Санчар эдим қора қалбига.

Д о н Г у а н

Дона Анна,  
У ханжаринг қани? Мана, қалбим!

Д о н а А н н а

Диего!

Бу нимаси!

Д о н Г у а н

Мен Диего эмас, Гуанман!

Д о н а А н н а

Ё раб, йўқ, бу мумкин эмас, мен ишонмайман.

Д о н Г у а н

Дон Гуан мен.

Д о н а А н н а

Тўғри эмас.

Д о н Г у а н

Сенинг эрингни  
Мен ўлдирдим, ачинмайман қилган ишимга,  
Тавба қилиш ниятим йўқ, пушаймон бўлиб.

Д о н а А н н а

Нималарни эшитдим мен? Йўқ, йўқ, мумкинмас.

Д о н Г у а н

Мен Дон Гуан, сени чиндан севиб қолганман.

Д о н а А н н а

(йиқилади)

Қаердаман... Қаердаман... бошим...

Д о н Г у а н

Е худо!

Нима бўлди? Дона Анна, сенга не бўлди?  
Тур-тур, уйғон, эсингни йиғ, сенинг Диегонг,  
Қулинг оёқ остингдадир.

Д о н а А н н а

Мени тинч қўйгил.

(Ожизона.)

Оҳ, сен менга ёвсан — менинг ҳаётимдаги  
Бор нарсамни тортиб олдинг...

Д о н Г у а н

Эй, азиз малак!

Гуноҳимни ювмақликка ҳар он қодирман,  
Фармонингни кутмакдаман оёқ остингда.  
Майли — ўлдир, майли — қолдир, фақат сен учун  
Мен яшайман...

Д о н а А н н а

Дон Гуаннинг ўзи шу, демак...

Д о н Г у а н

Дона Анна, рост эмасми, уни бир ёвуз,  
Ва йиртқич деб таърифлаган эдилар сизга,—  
Балки буткул ноҳақ эмас бундай овоза,  
Менинг ҳорғин виждонимда ҳали ҳам балки  
Ёвузликнинг асари бор... Узоқ вақт фаҳшнинг



Кўп ғайратли талабаси бўлиб юргандим.  
Аммо сизни кўрганимдан бери гўёки  
Бу дунёга янги инсон бўлиб туғилдим.  
Сизни севиб, яхшилиқни севиб қолдим мен,  
Ўз умримда биринчи бор унинг олдида  
Сеҳрланиб ва қалтираб тиз чўкмакдаман.

Д о н а А н н а

О, Дон Гуан сўзга моҳир — буни биламан.  
Эшитганман, ҳийла билан йўлдан ураркан.  
Сизни ҳамма худосини сотган фаҳш дейди,  
Сиз иблиснинг худди ўзи. Қанча бечора  
Хотинларни бузгандирсиз?

Д о н Г у а н

Бирортасини

Шу вақтгача севмаганман.

Д о н а А н н а

Мен шу Дон Гуан  
Биринчи бор севади-ю, мендан яна бир  
Янги қурбон изламайди, деб ишонайми?

Д о н Г у а н

Хаёлимда бўлса эди сизни алдамоқ,  
Эшитишга тоқатингиз бўлмаган номни  
Айтармидим, бўлармидим шу йўсин иқрор?  
Қандай макр-ҳийла бордир ахир бу ерда?

Д о н а А н н а

Сизни билиб бўладими?— Аммо сиз қандай  
Келолдингиз, сизни ҳамма танир бу ерда,  
Улимингиз муқаррардир қўлга тушсангиз.

Д о н Г у а н

Улим нима? Бир лаҳзалик висол завқига  
Ҳаётимни шикоятсиз бераман.

Д о н а А н н а

Энди —  
Қандай чиқиб кетасиз, эй, эҳтиёти йўқ!

Д о н Г у а н

(унинг қўлини ўпади)

Сиз бечора Гуан учун шунчалик ташвиш  
Чекасизми! Демак, сенинг малак қалбингда,  
Дона Анна, менга нафрат йўқ экан, ростми?

Д о н а А н н а

Оҳ, агар мен сизга нафрат сақлай олсайдим!  
Аммо ҳозир лозим бўлди бизга айрилмоқ.

Д о н Г у а н

Яна қачон кўришамиз?

Д о н а А н н а

Билмайман, балки  
Бошқа бир кун...

Д о н Г у а н

Эртага-чи?

Д о н а А н н а

Қайда?

Д о н Г у а н

Шу ерда.

Д о н а А н н а

О, Дон Гуан, менинг кўнглим ниҳоятда бўш.

Д о н Г у а н

Афв этмоқнинг гаровидир беғараз бўса...

Д о н а А н н а

Етар энди, кет.

Д о н Г у а н

Биргина, совуқ, беозор...

Д о н а А н н а

Сен нақадар елимсан! Ол бўсани, майлқ.  
Қандай товуш?.. Оҳ, панага қочгил, Дон Гуан.

Д о н Г у а н

Хайр, яна кўришгунча, эй, азиз дўстим.  
(Хонадан чиқади, яна қайтиб югуриб киради.)  
Оҳ!

Д о н а А н н а

Ҳа, сенга нима бўлди? Оҳ!..

Командорнинг ҳайкали киради. Дона Анна ерга йиқилади.

Ҳ а й к а л

Мана келдим.

Д о н Г у а н

Эвоҳ, тангрим! Дона Анна!

Ҳ а й к а л

Уни тинч қолдир,  
Бас, вассалом. Дон Гуан, сен бунча титрайсан?

Д о н Г у а н

Менми? Асло. Чақирганман, кўрдим,  
хурсандман.

Ҳ а й к а л

Қўлингни бер.

Д о н Г у а н

Мана қўлим... Тош панжаларинг  
Омбур каби сиқувидан омон йўқ, эвоҳ!  
Менга тегма, қўйиб юбор менинг қўлимни,  
Мен ўламан — бари тамом — оҳ, Дона Анна!

Ўиккови ардарилиб тушади.

## МУНДАРИЖА

### Комедиялар

Фарғона ҳикояси . . . . .	5
Уғил уйлантириш . . . . .	55
Тошболта ошиқ . . . . .	97
Ажаб савдолар . . . . .	135
Дил кўзгуси . . . . .	181

### Драма

Муҳаббат тантанаси . . . . .	233
------------------------------	-----

### Таржималар

#### ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

Ун иккинчи кеча, ёки Турфа ҳангомалар. Ко- медия . . . . .	285
---	-----

#### ЛОПЕ ДЕ ВЕГА

Кўзибулоқ. Драма. . . . .	383
---------------------------	-----

#### А. С. ПУШКИН

Тош меҳмон. Драма. . . . .	479
----------------------------	-----

*На узбекском языке*

*ХАМИД ГУЛЯМ*

**Избранные произведения**

**Том 3**

**Драматургия**

*Редактор Ж. Насриддинова  
Рассомлар Э. Валиев, Г. Фролов  
Расмлар редактори Г. Фролов  
Техн. редактор М. Мирзааҳмедов  
Корректор Ш. Собирова*

Босмаховога берилди 15/1—1972 й. Босишга рухсат  
этилди 6/V-1972 й. Формати 84×108 1/32. Босма  
л. 16,25. Шартли босма л. 27,3. Нашр. л. 23,67.  
Тиражи 10 000. Р 04206. Ғафур Ғулом номдаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. Шартнома № 50—71.

Ўзбекистон ССР Министраар Совети Матбуот Давлат  
комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1 қо-  
ғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, 1972 йил,  
Заказ № 1706. Баҳоси 1 с, 47 т.

Уз  
Г 79

Ғулом Ҳамид.

Танланган асарлар. 3 томлик. Т. 3. Т., Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1972.

Т. 3. Драматургия. Т., 1972. 520 б.

Ғулям Ҳамид. Избранные произведения. Т. 3.

Индекс 7—3—3

Уз2